

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

М.Х.РУСТАМБОВ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
(УМУМИЙ ҚИСМ)

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Тошкент – “ILM ZIYO” - 2005

Давлатимиз томонидан ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари олиб борилаётган бир вақтда жиноят қонунчилиги ҳам тобора такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига кўплаб ўзгартиришлар киритилляпти. Шу муносабат билан ушбу дарслик тайёрланиб, у жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари; жиноят тушунчаси; жиноий жавобгарлик ва унинг асослари; жиноят таркиби ва унинг элементлари; жиноятда иштирокчиликтушунчаси, турлари ва шакллари; жиноятсодир қилиш босқичлари; қшшишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар; жазо тизими ва турлари; жазо тайинлашнинг умумий асослари; жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш турлари; судланганлик ва унинг оқибатлари; вояга етмаганларга жазо тайинлаш; тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва жиноят ҳуқуқининг бошқа институтларини ўз ичига олган.

Ушбу дарслик ҳуқуқшунослик билим юртлари бакалавриятларига, илмий тадқиқот ишлари олиб боровчиларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходим-ларига мўлжалланган.

Тақризчи: **Қ. МИРЗАЖОНОВ**—юридик фанлари доктори, профессор.

КИРИШ

Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Бугунги кунда мамлакатимизда кеиғ қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича асосий вазифалар тўғрисидаги маърузасида узоқ муддатга мўлжалланган дастуруламал назарий фикр ва ғояларни билдирди.

Жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни янада ривожлантириш ва уларни такомиллаштириш асосларининг туб заминига тўхталиб, Президентимиз жамиятимизни демократлаштириш ва янгиланиш концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларга тўхталиб, бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан бориш лозимлигини таъкидладилар. Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари эса суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлидаги яна бир пиллапоя деса бўлади. Фармонларда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказилиши қайд этилган.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ юксак

малакали, билимли, етук кадрларни тайёрлашнинг асосий бўғини олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртларининг талабалари учун «Жиноят ҳуқуқи» фанининг «Умумий» қисмидан ёзилган дарслик ҳам юқорида кўрсатилган мақсадларга хизмат қилади.

Жамиятимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг таркибий қисми бўлган жиноий жазоларнинг либераллаштирилаётганлиги жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят қонунларининг янада чуқурроқ ўрганилишини тақозо этади. Ушбу дарслик ҳам талабаларга жиноят ҳуқуқи «Умумий» қисмидан кенг, батафсил, билим беришга мўлжалланган. Дарсликдаги мавзулар Жиноят кодексининг 2005 йил 1 августгача киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда ёритилган. Хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи, ярашилганлиги муносабати жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазо тизимини либераллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларини, суд-тергов амалиётини таҳлил этиш асосида ёритиб берилган.

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шарти — бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидир. Қонунларнинг бир хилда ва сўзсиз бажарилиши бўлажак ҳуқуқшуносларимизнинг ўз вазифасига муносабати ва зиммасидаги масъулиятни ҳис қилишига боғлиқдир, Айниқса, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларнинг бўлажак ходимлари, ҳуқуқшуносларга жиноят таркибий элементлари, жиноятлар таснифи, жавобгарлик асослари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жазо тушунчаси, турлари, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, судланганлик, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари каби мавзулар талабаларга тушунарли, содда ва равон тилда баён қилиб берилган.

Қонун буюрганини қилиш адолат ҳисобланади (агар адолатли қонун бўлса). Қонун одамлардан мард, оқил ва фозил бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам одиллик энг мукамал фазилат¹, дейди Арасту.

Дарслик адолатли, одил, фозил ҳуқуқшуносларни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз. Ушбу дарслик муаллифнинг қатор дарсликлар, монографияларни тайёрлаш «жараёнида орттирган

¹ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., «Янги аср авлоди», 2004, 129-бет.

тажрибаси, чет эллик олимларнинг мазкур соҳада эришган ютуқлари, суд-тергов амалиётига асосланиб яна бир қулай жиҳати шундаки, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Умумий» қисми бўлим ва боблари бўйича ёзилган, ҳар бир мавзудан кейин талабаларнинг олган билимларини синаб кўришлари учун мавзуга доир саволлар берилган. Шунини таъкидлаш жоизки, илм-фан, қонунлар доимо ривожланишда, шу сабабдан келажакка янада мукамал дарслик, ўқув адабиётлари яратилишини назарда тутиб, муаллиф ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

1-БОБ: ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ПРЕДМЕТИ

1. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси икки: *қонунчилик соҳаси ва ҳуқуқ тармоғи* маъносида қўлланилади. Юриспруденция, яъни юридик фанлар тизимида ҳам жиноят ҳуқуқи мустақил ҳуқуқий фан сифатида муҳим ўрин эгаллаган. Жиноят ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ тармоқларидан, хусусан, махсус ҳуқуқ тармоқларидан ўзига хос вазифалари, предмети ва тартибга солиш метод(услуг)лари билан фарқ қилади.

Жиноят ҳуқуқи қилмишнинг жиноийлиги ва бундай жиноий қилмишлар учун тайинланадиган жазо чораларини белгиловчи ҳамда жиноят содир этилиши билан юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимидир.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ тармоғи бўлиб, қилмишнинг жиноят эканлигини, жиноий жавобгарликнинг асослари ва чегаралари, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатларни белгиловчи Олий давлат ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир.

Жиноят қонунчилиги – Олий давлат ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган жиноят деб ҳисобланадиган қилмишлар доираси, уларни содир этганлик учун жавобгарлик, жазо тайинлаш, жазо турлари ва ҳажми, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари, шунингдек, жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари мажмуидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимидаги мустақил қонунчилик соҳасидир.

Мустақил ҳуқуқ тармоғи ҳисобланган жиноят ҳуқуқидан фарқли равишда жиноят ҳуқуқи фани давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати ҳамда жиноят ҳуқуқининг тарихий тараққиёт босқичлари бўйича қарашлар, ғоялар ва фикрлар тизимини, шунингдек жиноят ҳуқуқининг ўрганиш предмети, методлари, вазифалари, тизими ва шу каби масалаларни ўз ичига қамраб олади. Бу фан жиноят ҳуқуқи нормаларининг мажмуи сифатида унинг тарихини, қўллаш амалиётини ўрганади ҳамда бу борада турли хил илмий-қийматли тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи тушунчаси ўқув интизоми сифатида қўлланилиб, у юридик ўқув юртларидаги жиноят ҳуқуқи бўйича ўқув материаллари ва мавзу режаларини ўз ичига олади.

Демак, жиноят ҳуқуқи тушунчаси: *ҳуқуқ тармоғи, қонунчилик соҳаси, юридик фан ва ўқув интизоми* сифатида қўлланилиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида *умуммажбурийлик ва мустақиллик хусусиятларини* ўзида акс эттиради.¹

Жиноят ҳуқуқининг *умуммажбурийлик хусусияти* шунда намоён бўладики, шахс жиноий қилмиш содир этдими – у жавобгарликка тортилиши керак, жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсни жавобгарликка тортиш эса давлат томонидан мажбурлов чоралари(кучи)ни қўллаш орқали таъминланади. Жиноят ҳуқуқининг бундай хусусиятга эгаллиги ушбу ҳуқуқ соҳаси нормаларининг императивлигини билдиради.

Жиноят ҳуқуқининг умуммажбурийлик хусусияти қуйидаги икки омил билан белгиланади:

биринчидан, жабрланувчини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини тиклаш ҳамда жиноий қилмиш натижасида етказилган зарарни қоплаш;

иккинчидан, жиноий қилмиш содир этган шахсни тарбиялаш, уни жиноий жавобгарликка тортиш, жиноий оқибатни, яъни жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этишга мажбурлаш.²

Бошқача қилиб айтганда, жиноят ҳуқуқининг умуммажбурийлик хусусияти жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг жиноят-ҳуқуқий механизми ҳисобланиб, жамиятдаги ҳар бир шахснинг ҳавфсизлигини таъминловчи шарт-шароитларни ифодалайди. Бундай шарт-шароитларнинг етарли даражада бўлиши давлатнинг ҳуқуқий-тартибга солиш функцияси билан боғлиқ бўлиб, жиноят ҳуқуқининг ижтимоий-тартибга солиш функциясини ҳамда мавқеини белгилаб беради.

Жиноят ҳуқуқининг *мустақиллик хусусияти* унинг бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаларидан ажратилганлигини билдирмайди, балки жиноят ҳуқуқининг мустақиллиги унинг ҳуқуқ соҳаси сифатида давлат ва жамият манфаатлари, ҳавфсизлиги ва нормал ривожланишига тажовуз қилувчи қилмишларни жиноят деб топиш учун асос бўлувчи белгилар доирасини мустақил ўрната олишида ифодаланади.

¹ "Уголовное право. Общая часть". ((Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999, С-3,4.

² Ўша ерда. - С-4.

Ҳуқуқ соҳаси ва ўқув интизоми сифатида жиноят ҳуқуқининг мустақиллиги қуйидаги икки белги орқали намоён бўлади:

1) Тартибга солиш предмети, яъни жиноий қилмиш содир этилганидан кейин жиноят содир этган шахс ва махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали давлат ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар.

2) Тартибга солиш методи (услуги), яъни ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи қилмишларни маълум бир шаклда жиноят-ҳуқуқий тақиқлаш, жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашни белгилаш. Бир сўз билан айтганда, жиноят ҳуқуқининг тартибга солиш методи-жиноят ҳуқуқи предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларга таъсир этиш усуллари ва воситалари йиғиндисидан иборат. Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилиб айтганда, жиноят ҳуқуқи – қилмишнинг жиноийлигини, жиноий жавобгарликка тортиш асослари ва принципларини, жазо тайинлаш, жазо турлари ва хажмини, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатларни белгиловчи олий давлат ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган ҳуқуқ нормалари мажмуидан иборат ҳуқуқ тизимидаги мустақил ҳуқуқ соҳасидир.¹

Шу тариқа, жиноят ҳуқуқи кенг маънода жуда мураккаб, кескин салбий ижтимоий воқелик ҳисобланган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги меъерий нормалар манбаи сифатида тушунилади.

Жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан мустақил эканлиги унинг *қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эга* эканлиги билан тавсифланади:

биринчидан, фақат жиноят ҳуқуқигина қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини, жиноий жавобгарлик асосини, жазо қўллаш ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишни белгиловчи ҳуқуқий нормалар учун ягона қонуний манбаа сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, жиноят ҳуқуқи ўзининг тартибга солиш предметига эга бўлиб, ушбу ҳуқуқ соҳасининг предмети ҳисобланувчи ижтимоий муносабатлар жиноий қилмиш содир этилиши билан вужудга келади;

¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // М.: "Брандес", 1998, С.-5,6

учинчидан, жиноят ҳуқуқи махсус тартибга солиш услубига эга бўлиб, бундай услублар ва уларнинг ҳаракатига таъсир этувчи юридик фактлар бошқа ҳуқуқ соҳалари учун хос эмас.

2. Жиноят ҳуқуқи предмети

Хар бир ҳуқуқ соҳасининг предмети ва методлари унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқларини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади.

NOTA BENE!

Жиноят ҳуқуқи предмети жиноят ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноят ҳуқуқининг предмети деганда шахс, жамият ва давлат манфаатларига хавф солувчи жиноий қилмиш содир этилиши билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи предметини аниқлаш бу жиноят ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини белгилаш демакдир.

Кенг маънода жиноят ҳуқуқининг предмети деганда, шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда жиноят ҳуқуқи нормаларининг ижтимоий муносабатларга таъсир этиш тартиби тушунилади¹. Ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солишнинг *норматив асосини* жиноят ҳуқуқи нормалари ташкил этади. Ўзининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятига кўра жиноят ҳуқуқи нормалари:

- а) тартибга солиш (регулятив;)*
- б) муҳофаза қилиш;*
- в) огоҳлантириш;*
- г) тарбиявий функцияларни бажаради.*

Жиноят ҳуқуқининг предмети бўлиб ижтимоий *салбий (зарар келтирувчи)*, яъни жиноий тажовуз вақтида вужудга келадиган жамият манфаатларига зарар келтирувчи муносабатлар ҳисобланади.

Бундай ижтимоий муносабатлар жиноят содир этиш факти (юридик факт) билан юзага келиб, жиноят ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинганидан кейин жиноят ҳуқуқий муносабатлар шаклини

¹ «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юрист», М.:1997, С.-14.

олади. Демак, жиноятнинг содир этилиши жиноят ҳуқуқий муносабатларни вужудга келишига сабаб бўлувчи юридик фактдир.

Ўз навбатида жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг:

- икки томонламалик
- тегишлилик (тааллуқлилик)
- абсолют
- императивлик каби хусусиятларга эгаллиги унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларининг предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатлардан фарқловчи асосий белгиси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг *икки томонламалик хусусияти* шуни англатадики, бундай ижтимоий муносабатларда бир томондан - давлат ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари орқали иштироқ этса, бошқа (иккинчи) томондан эса - жиноят содир этган шахс катнашади.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг *императивлиги* (қатъийлиги) унинг қонун билан қатъий ўрнатилганлиги ва давлат томонидан белгиланган нормаларнинг бажарилиши қатъийлигини билдиради.

Жиноят ҳуқуқи предмети ҳисобланувчи ижтимоий муносабатларнинг *тааллуқлилиги* - умуммажбурий муносабатлардан айнан қайси муносабатларнинг жиноят ҳуқуқи нормалари томонидан тартибга солинишини билдиради.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг яна бир ўзига хос хусусиятлардан бири унинг *абсолютлиги* бўлиб, бундай ижтимоий муносабатларда давлат иккинчи томонга нисбатан устунлик мавқеига эга бўлади.

Бизга маълумки, ҳуқуқ назариясида икки турдаги:

1. Салбий (ретроспектив), яъни содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оқибати сифатида вужудга келувчи;

2. Ижобий (проспектив), яъни ижтимоий фойдали ва қонунда рухсат берилган хатти-ҳаракат (фаолият) натижасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар назарда тутилади.

Бундай турдаги иккала ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят ҳуқуқининг тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади. Салбий ижтимоий муносабатлар ўзидан-ўзи маълумки жиноий қилмиш содир этилиши билан юзага келиб, жиноятчини жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг қилмишига яраша жазо тайинлаш билан боғлиқ¹.

¹ "Уголовное право. Общая часть". ((Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999, С.-3,4.

Иккинчи гуруҳ, яъни ижобий муносабатлар эса давлат томонидан белгиланган жамият манфаатларига хизмат қилувчи, жамият учун фойдали хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келиб, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ҳамда чекланган тарзда жазо қўллаш билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ҳуқуқининг "қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар", "шартли ҳукм қилиш", "жиноий жавобгарликдан озод қилиш", "жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш", "амнистия акти еки авф этиш асосида жазодан озод қилиш" каби институтлари билан тартибга солинади.¹

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқининг предмети сифатида кўпроқ жазолаш санкциялари билан боғлиқ салбий муносабатларни кўриш мумкин.

Б.Т.Разгильдяевнинг фикрига кўра эса, "жиноят ҳуқуқининг вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эмас, у ижтимоий муносабатларни тартибга сола олмайди, бу ҳуқуқ соҳаси ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилади, ҳолос"². Лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки барча ҳуқуқ соҳалари каби жиноят ҳуқуқи ҳам ўзининг предмети ҳисобланувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Жиноят ҳуқуқи тартибга солувчи предмет ҳисобланган ижтимоий муносабатларга таъсир этиш билан бирга уларни муҳофаза қилиш функциясини ҳам бажаради.

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник / Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. - С. 15

² Разгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993. - С. 4,5

3. Жиноят ҳуқуқининг тартибга солиш метод (услуглари)лари



Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳуқуқ соҳалари бир-биридан тартибга солиш предмети ва методларига кўра фарқланади. Ҳуқуқ соҳасининг тартибга солиш предмети ўз навбатида тартибга солиш метод (услуг)ларини белгилайди. Хусусан, жиноят ҳуқуқи методлари жиноят ҳуқуқи предметида келиб чиқади. Жиноят ҳуқуқи предмети жиноят ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни билдирса, жиноят ҳуқуқи методлари ушбу ижтимоий муносабатлар қандай усуллар билан тартибга солинишини аниқлатади.

Жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш метод(услуг)лари деганда жиноят ҳуқуқининг предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларга жиноят-ҳуқуқий таъсир этиш усул ва услублари йиғиндиси тушунилади.

Жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш методи жиноят қонунчилигида кўрсатилган чораларни қўллаш билан қўрқитиш, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш чораларини қўллашда ифодаланади. Жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноят-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил этиб, ўз навбатида жамият ва давлат манфаатларини химоя қилган ҳолда жамият ва унинг аъзолари ижтимоий хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлайди.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда жиноят ҳуқуқи методларига жиноят ҳуқуқи нормаларининг таркиби (диспозиция, санкция) турлича таъсир этади. Жиноятчини жиноят ҳуқуқи нормаларидаги санкция қизиқтирса, суриштирув ва тергов органлари учун жиноят ҳуқуқи нормалари диспозицияси жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Судлар учун эса модданинг диспозиция ва санкцияси жазо тайинлашда аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги формулани келтириб чиқариш мумкин:

"Жиноят содир этилдими, жиноят-ҳуқуқий механизм ўзининг тартибга солиш функциясини тўлиқ бажариши керак".

Жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш методи сифатида жиноий жавобгарлик шахсларнинг хатти-ҳаракатига *таъсир этишининг икки: салбий ва ижобий жиҳатини* ўз ичига олади.

Жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш методининг салбий жиҳати шахснинг хатти-ҳаракатларини жиноят деб баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, шахс жиноят содир этиши билан унга таъсир этишда ифодаланади. Бундай ҳолатларда шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, уни ҳукм қилиш ва унга жазо тайинлаш масаласи хал этилади.

Ижобий жиҳат эса шахснинг хатти-ҳаракатларини ижобий (қонуний) деб баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, шахснинг объектив зарурат туфайли вужудга келган ижтимоий фойдали хатти-ҳаракатларига таъсир этишда ифодаланади.¹

Демак, жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида ўзининг предмети ҳисобланувчи ижтимоий муносабатларга тартибга солувчи методи орқали таъсир этади. Жиноят ҳуқуқий тартибга солишнинг бундай методи (усули) жиноят деб ҳисобланувчи ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини қўллашда ифодаланади.

Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилиш функцияси ушбу ҳуқуқ соҳасининг мажбурий таъсир этиш методи орқали амалга оширилади. Бундай методлар адолатни ўрнатиш мақсадида жиноятчиларга қонунда кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллашда ифодаланади.²

Демак, жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқий-тартибга солиш методларини икки:

1. *Тартибга солувчи;*
2. *Муҳофаза қилувчи* гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник для вузов. Овт. ред - док. юрид. наук, проф. З.А. Незнамова - М.: Изд. группа «Инфра-Норма»*М, 1999. - С. 16,17.

² "Уголовное право". Общая часть. Учебник / Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. - С. 30,31.

4. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари (функциялари).



Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан аниқ белгиланган бўлиб, кодекснинг 2-моддасига кўра, жиноят ҳуқуқининг вазифалари *шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузуларидан қўриқлаш, шунингдек жиноятларни олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.*

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун кодекс жавобгарлик асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Бизга ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ўз олдида қўйган вазифаларни маълум бир ўзига хос функциялар орқали амалга оширади.

Юқорида жиноят қонунида кўрсатиб ўтилган вазифалар жиноят ҳуқуқининг қуйидаги:

1. *Тартибга солиш (регулятив);*
2. *Муҳофаза қилиш (негатив);*
3. *Олдини олиш (профилактик);*
4. *Тарбиявий функциялари орқали бажарилади*

Жиноят ҳуқуқи ўзининг тартибга солиш функцияси орқали жиноят қонунида назарда тутилган қоидаларга амал қилиш мақсадида жиноят ҳуқуқий нормалар орқали шахснинг хатти-ҳаракатларига таъсир этади. Бу функция орқали маълум бир хатти-ҳаракатлар тақиқлаб қўйилади ("ўғрилиқ қилма", "босқинчилик қилма").

Тартибга солиш функцияси орқали жиноят ҳуқуқи жиноят содир этилганидан кейин вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилиш функцияси. Жиноят кодекси 2- моддасига мувофиқ, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлаш вазифасини бажаришга қаратилган.

Жиноят ҳуқуқи ўзининг ушбу вазифаси орқали Жиноят қонуни билан *муҳофаза қилинадиган объектлар ва уларнинг* муҳимлиги жиҳатдан кетма-кетлигини белгилаб берган. Яъни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларига:

- *шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги;*
- *жамият ва давлат манфаатлари;*
- *мулк;*
- *табиий муҳит;*
- *тинчлик;*
- *инсоният хавфсизлиги* киради.

Қуйидагилар жиноят ҳуқуқининг ***муҳофаза қилиш функциясини хал этиш воситалари*** ҳисобланади:

- a) жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини ўрнатиш;
- b) жиноий қилмишлар чегарасини, яъни жиноят деб ҳисобланувчи қилмишлар доирасини белгилаш;
- c) жиноий қилмишлар учун жазо ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш.¹

Жиноят ҳуқуқининг *муҳофаза қилиш функцияси* икки йўл билан амалга оширилади: актив ва пассив.

Жиноят ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг пассив йўли жиноят қонунининг қабул қилиниши, эълон қилиниши ва кучга кириши фактининг ўзи билан хусусиятланади. Бунда жиноят қонунчилигида белгиланган жиноятлар доираси ва улар учун жиноий жавобгарликнинг ўзи билан жиноят ҳуқуқи муҳофаза қилувчи объектларга тажовуз қилинишининг олди олинади.

Актив йўли жиноят содир этилганидан кейин жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларни жиноий тажовузлардан химоя қилишда ифодаланади.

¹ Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 12.

Жиноят ҳуқуқининг олдини олиш функцияси орқали ушбу ҳуқуқ соҳасининг янги жиноятлар содир этилишини олдини олиш, жиноят содир этилишига йўл қуймаслик вазифаси бажарилади.¹

Жиноят ҳуқуқининг олдини олиш функциясини иккига:

Умумий ва Махсус функцияларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Умумий олдини олиш функцияси жиноят содир этилмасдан аввал унинг олдини олишга қаратилган бўлиб, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ҳақидаги нормаларни ўрнатиш, яъни жамият аъзолари томонидан жиноят содир этилганида уларни жазолаш билан кўрқитиш орқали амалга оширилади. Бу функция жамиятдаги барча шахсларга қаратилганлиги учун "умумий олдини олиш" деб аталади.

Махсус олдини олиш функцияси жиноят содир этилганидан кейин янги жиноят содир этишни олдини олишга қаратилган бўлиб, жиноят ҳуқуқий тақиқларни бузиб жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда унга жазо тайинлаш ёки бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу билан жиноятчи жавобгарликка тортилганида у томонидан бошқа жиноят содир этилишини олдини олиш мақсад қилиб қўйилади. Ушбу функция фақат жиноят содир этган шахсга нисбатан қаратилганлиги учун "махсус олдини олиш" деб аталади.

Жиноят ҳуқуқининг жиноятни олдини олиш функцияси қуйидаги *воситалар* орқали ҳал этилади:

- 1) жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари;
- 2) жазо қўллашнинг умумий ва махсус қоидалари;
- 3) жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни белгиловчи нормалар;
- 4) жиноят содир этганлигида чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳақидаги нормалар;
- 5) жиноий қилмишни истисно қилувчи ҳолатларни белгиловчи нормалар;
- б) икки йуналишдаги огоҳлантирувчи нормалар.²

У ёки бу қилмишни жиноят деб эълон қилиш ва уларга нормаларини санкцияларидаги жазони белгиланишининг ўзи билан

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник / Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. - С. 30.

² Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 13., Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998. № 1/28. - С. 20.

жиноят қонунчилиги шахснинг руҳиятига таъсир қилади. қилмишнинг жиноийлиги ва улар учун жазо тайинлашнинг тўғрилиги жиноят ҳуқуқининг умумий олдини олиш ҳусусиятини ифодалайди.

Жиноят ҳуқуқининг жиноятни олдини олиш функциясини ҳуқуқий муҳофаза қилиш воситаси бўлиб жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳақидаги нормаларни ҳам ўз ичига олади. Жиноят кодекси 26-моддасига кўра, шахс жиноятга тайёрганлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишини олдини олса, *жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш* деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади. Яъни жиноят қонунчилиги жиноий қилмишни бошлаган ва жиноий оқибат келиб чиккунга кадар бундай қилмишни ихтиёрий равишда тўхтатган шахснинг "олтин кўприк" вазифасини бажарувчи жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси 66-моддасида айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш белгилаб қўйилган бўлиб, унга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Икки йуналишдаги оғохлантирувчи воситалар ёрдамида оғир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жиноят қонунида оғир ва ўта оғир жиноятлар учун шарт-шароит яратувчи унча оғир бўлмаган жиноятларнинг олдини олишга ҳаракат қилинади. Масалан, ўғирланган нарсани сотиб олиш учун жазо белгилаш орқали жиноят қонунида ўғирлик жинояти содир этилишининг олди олинади. Ёки, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилганлик учун жазо белгилаш орқали жиноят қонуни одам ўлдириш, шахсга оғир ва ўртача оғир даражадаги шикаст етказиш каби жиноятлар содир этилишининг олдини олади. Бундай нормалар икки йуналишдаги ёки икки объектли оғохлантирувчи нормалар дейилади.

Демак, жиноят ҳуқуқининг *жиноятни олдини олиш функцияси* бир неча институт ва нормалар тизими орқали хал этилиб, улар:

а) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят содир этишга йўл қўймаслик;

б) қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни белгилаш орқали зарар етказилишини олдини олиш;

с) бошланган жиноятдан ихтиёрий қайтишни белгилаш орқали жиноий оқибат юз беришини олдини олиш;

д) чин кўнгилдан пушаймон бўлишни белгилаш орқали етказилган зарарни бартараф этиш;

е) жиноят содир этганликда айбдор шахсларни жазолаш орқали рецидив жиноятларга йўл қўймасликка қаратилган.¹

Жиноят ҳуқуқининг тарбиявий функцияси Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш вазифасини бажаришга қаратилган. Бу функция фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг шахси, ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан химоя қилинганлигига ҳамда жиноят содир қилган шахснинг жазоланиши муқаррарлигига ишонч руҳида тарбиялаш мақсадини кўзлайди.

Юқоридаги функциялардан ташқари, жиноят ҳуқуқи жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда кўмаклашадиган фуқароларни рағбатлантириш ва уларга имтиёзлар бериш функциясини ҳам бажаради. Жиноят қонунида қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлса ҳам, бундай қилмиши орқали фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилган шахсларни рағбатлантирувчи махсус нормалар назарда тутилган. Масалан, Жиноят кодекси Умумий қисмидаги 35-41-моддалар ("қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар"), шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги айрим нормалар, масалан, 211-модда (пора бериш), 212- модда (пора олиш-беришда воситачилик қилиш), 248-модда (курол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш), 273-модда ва ҳк.

Жиноят кодекси 211-моддаси 4-қисмига кўра, башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри

¹ Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 16

билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати орқали амалга оширилади. Унинг асосий мазмуни жиноят қонунининг амалда қўлланилиши тактикаси ва стратегиясини белгилаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш ва амалда қўлланишида ифодаланади. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатнинг асосий қонидаси жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини амалга оширишидан иборатдир. Бундай сиёсат қонун талабларига тўла ва сўзсиз риоя қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати:

биринчидан, ўта оғир жиноятларга қарши кураш ишини муттасил равишда олиб бориш ва оғир жиноий тажовуз содир қилган, жиноят ҳуқуқий тақиқларни бир неча маротаба бузган, рецидив жиноят содир этган шахсларга ҳамда уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма раҳбарлари, уларнинг фаол иштирокчиларига нисбатан каттик жазо чораларини қўллаш;

иккинчидан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жиноий репрессия чораларини камайтириш, оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган шахсларга нисбатан, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга ёхуд қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан шахсларга нисбатан жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш каби чораларини қўллаш тенденцияларига асосланади. Шунингдек, жиноят қонунда жиноят содир қилган вояга етмаганларга нисбатан анча енгил жазо чораларини қўллаш назарда тутилган.

5. Жиноят ҳуқуқи фани ва унинг предмети.

NOTA BENE!

Жиноят ҳуқуқи жиноий жавобгарликка тортиш асослари ва шартлари, жиноят ва жазо тушунчалари, уларнинг моҳияти,

жиноят ҳуқуқининг институтлари ва нормалари, уларнинг амалда қўлланилиши ва аҳамияти, жиноятчиликка қарши кураш натижаларини яхшилаш мақсадида жиноят қонунини амалда қўллаш тенденциялари ҳақидаги ғоялар, фикрлар, қарашлар, концепциялар ва ҳуқуқий билимлар мажмуини ифодаловчи юридик фандир.

Жиноят ҳуқуқи фани - юридик фанлар тизими (юриспруденция)даги мустақил ҳуқуқий фан бўлиб, жиноят ҳуқуқи, шунингдек жиноятчиликка қарши курашиш йўллари ва воситалари ҳақидаги жамиятда айни вақтда ҳукм сураётган қарашлар, ғоялар ва фикрлар тизимидан иборатдир.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети ҳуқуқий ходисалар ва жараёнлар бўлганлиги учун у юридик фанлар тизимига кирса ҳам, бир вақтнинг ўзида *ижтимоий (гуманитар) фанларнинг бир тармоғи* ҳам ҳисобланади.

Айнан шунинг учун ҳам жиноят ҳуқуқи фани жиноят қонунчилигининг объектив ходиса ва жараёнлар билан боғлиқликда ўрганади, шунингдек жиноятчиликка қарши курашишнинг норматив ҳуқуқий базасини шакллантириш йуналишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тавсиялар ва Ўзбекистон Республикаси Олий давлат қонунчилик органига таклифлар (*de lege ferenda*)ни ишлаб чиқариш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича эмпирик билимлар ва материалларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш предметида кенгроқ бўлиб, жиноят ҳуқуқий тартибга солиш предмети жиноят ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этса, жиноят ҳуқуқи фанининг предмети - жиноят қонуни ва унинг амал қилиш муаммолари, шунингдек, жиноят қонуни нормаларини қўллаш амалиёти ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи фанининг предмети икки асосий институтдан: *жиноят ва жазодан иборат*. Жиноят ҳуқуқи ушбу институтларнинг ривожланиши ва ўзгаришини жиноятчиликка қарши кураш мақсадида уларни ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи фанининг асосий вазифаларидан бири - аниқ ижтимоий-сиёсий ҳолатлардан келиб чиқиб, жиноят қонунини амалда қўллашнинг кенг умумлаштирилган асослари бўйича жиноят

қонунчининг амалда қўллаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқининг *ижтимоийлик хусусияти (ижтимоийлиги)* шундаки, у жиноят қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи таркибидаги институт ва тушунчаларни статистик жиҳатдан эмас, балки унинг ўзгариши ва ривожланиши бўйича ўрганади.

Демак, жиноят ҳуқуқи фани ўрганадиган предмет:

- a) жиноят қонунини илмий шарҳлаш;
- b) қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- c) жиноят ҳуқуқининг тарихий тараққиёти босқичларини ўрганиш;
- d) миллий ва хорижий ҳуқуқий тизимларнинг илмий қиёсий таҳлил қилиш;
- e) жиноят ҳуқуқининг ижтимоийлик хусусиятидан келиб чиқиб, қилмишларни криминализация қилиш (қилмишларни жиноят деб топиш) ёки декриминализация қилиш, жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш механизми, жиноят қонунчилигининг қўлланиши, жиноятчилик даражаси, тузилиши ва динамикаси тушунчалари орқали жиноят қонунчилигини реал ўрганиш;
- f) ҳалқаро жиноят ҳуқуқига оид муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш.¹

Юқоридагиларга асосланиб, *жиноят ҳуқуқи фани* замонавий ҳуқуқий фан сифатида куйидаги *вазифалари мавжуд*:

1. маълум бир ижтимоий шарт-шароитларга таъсир қилувчи амалдаги жиноят қонунлар ҳамда унинг нормалари бўйича тизимли ва комплекс тадқиқотлар ўтказиш;

2. умуман жиноят қонунлари ва уларнинг алоҳида институтлари, уларнинг умумлаштирилган ва алоҳида қўлланилишининг таҳлили борасида, шунингдек у ёки бу ижтимоий ҳолатларни криминализация ёки декриминализация қилиш бўйича прогноз бериш;

3. жиноят қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек унинг амал қилиши ва қўлланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда давлат органларининг катнашишини таъминлаш;

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 5.

4. хорижий мамлакатлар жиноят қонунларини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларига киритиш ва амалиётда синаб кўриш. (Хусусан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, бозор иқтисодиёти, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги масалалари бўйича қонунчиликдаги янги нормаларни қўллаш борасида.);

5. жиноят ҳуқуқининг ривожланиш йўллари илмий жиҳатдан асослаш ва прогноз қилиш, ҳуқуқий-демократик давлатнинг моҳияти, вазифалари ва принципларига тўлиқ мос келувчи жиноят қонунчилиги концепцияларини ишлаб чиқиш.¹

6. Жиноят ҳуқуқи фанининг методлари.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предмети ушбу фан методлари орқали ўрганилади. Яъни жиноят ҳуқуқи фанининг предмети - фан нимани ўрганади?,- деган саволга жавоб берса, жиноят ҳуқуқи фани методлари - фаннинг предмети ҳисобланувчи масалалар қандай ва қайси йўллар билан ўрганилади?,- деган саволга жавоб беради.

Фанда "метод" тушунчаси билиш "методология"си ва "методика"си тушунчаларини қамраб олади.

Методология - жиноятчиликка қарши жиноят-ҳуқуқий курашишнинг моҳияти, таркиби, қонунийлиги ҳақидаги билимларни амалда қўллаш ва тадқиқ қилишни ифодаловчи диалектик ва тарихий мезонлар тизимини билдиради.

Жиноят ҳуқуқида методика - бу жиноят ҳуқуқий ходисалар ва тушунчаларни илмий тадқиқ қилишнинг усул, восита ва услублари тизимини ифодаловчи атамадир.

Жиноят ҳуқуқи фанининг методларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Диалектик-материалистик* (умумий) методлар.
2. *Махсус* (асосий) методлар.

Диалектик-материалистик методларга кўра, жиноят ҳуқуқи институтлари ва тушунчалари статистик жиҳатдан эмас, балки ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида уларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва ривожланишини назарий жиҳатдан ўрганилади.²

¹ "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999. – С. 18.

² "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник / Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999. – С. 30.

Жиноят ҳуқуқи фанининг асосий методлари сифатида: *юридик, жиноят-статистикаси, ижтимоий(ижтимоий), тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий* ва бошқалар тан олинган.¹

1. Юридик метод ўз ичига қонунчилик техникаси ва қонунни шарҳлаш методларини қамраб олади.

Қонунчилик техникаси *методи* ҳуқуқ ижодкорлигида кенг қўлланилиб, Жиноят кодекси ва унинг ҳар бир моддаси аниқ, тўғри ва мантиқий жиҳатдан мос бўлиши учун нормалар диспозицияси ва санкциясининг тузилиши қоидалари маълум бир талабларига жавоб бериши керак.

Қонунни шарҳлаш методи эса аниқлиги ва юридик шаклига кўра:- грамматик, мантиқий, қиёсий шарҳлаш; хажмига кўра - аутентик, кенгайтирилган, чегараланган шарҳ каби шарҳлаш турларидан иборат.

2. Жиноят-статистикаси - микдор кўрсаткичлари орқали маълум бир жиноят-ҳуқуқий ходисалар ва тушунчаларни билиб олишга қаратилган методдир.

Бу метод орқали маълум бир мезонлар бўйича умумий микдор ўлчовлари амалга оширилади, бундай ўлчовлар нормалар, уларнинг диспозиция ва санкциялари, айбдорлик даражаси, судланганлик каби мезонлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Масалан, бир йил ичида содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича статистик маълумотлар ёки бундай жиноятлар учун қўлланилган санкцияларнинг микдор кўрсаткичлари жиноят-статистикаси метод орқали аниқланади.

Жиноят-статистикаси методнинг *аҳамияти* шундаки, бу метод орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки илмий ходимлар томонидан аниқланган жиноятлар квалификацияси, жазо ва жавобгарликдан озод қилиш бўйича суд амалиёти материаллари ўрганиб чиқилиб, жиноятчиликка қарши курашнинг самарали воситаларини танлаш ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

3. Ижтимоий (ижтимоий) метод - жиноят ҳуқуқининг турли жиҳатлари бўйича ҳар хил тоифадаги шахслар - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оддий аҳоли, маҳкумлардан олинган суровлар (анкета, интервью, эксперт

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 8-11

баҳоси)дан иборат бўлади ва бундай суровномалар орқали маълум бир жиноят-ҳуқуқий ходиса ҳақида маълумот олиш мумкин.

4. Тизимли метод - маълум бир тизим(гуруҳ)га кирувчи жиноят-ҳуқуқий ходисалар ва тушунчалар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда ифодаланади. Бу методдан қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллашда, шунингдек жиноят қонуни, жиноят ҳуқуқи принциплари, жиноят, айб, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш каби институтларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш мақсадида фойдаланилади.

Бу методга кўра, Жиноят кодексининг бўлим, боб ва моддалари ўз жойлашуви бўйича тизимлилик тамойилига жавоб бериши керак, моддаларни ташкил қилувчи гипотеза, диспозиция ва санкция эса яхлитликда микротизимни ташкил этади.

5. Қиёсий-ҳуқуқий (компаративистик) метод турли хил ҳуқуқий тизим ва давлатлардаги жиноят қонунларини киёслаб, уларнинг фарқларини ўрганиш мақсадида қўлланилади. Бу метод нафақат қонунчиликда, балки ҳуқуқни қўллаш борасида ва фанда ҳам қўлланилиши мумкин.

6. Тарихий-қиёсий метод қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш борасида синалган тажрибани амалга ошириш учун аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, халқаро жиноят ҳуқуқидаги Ньурнберг ва Токио (харбий жиноятчиларга қарши) суд процесслари оқибатида "Криминология" фани мустақил юридик фан ва ўқув интизоми сифатида вужудга келди.

Юқоридаги методлардан ташқари қонунийлик, амалий ва илмий фаолиятнинг кенг қўлланилиши натижасида *моделлаштириш, кибернетика* каби *математик методлар* ҳам мавжуд бўлиб, билиш методлари сифатида қўлланилади. Масалан, кибернетик методлар ҳар хил турдаги маълумотларни, хусусан, жиноят-статистикаси, ижтимоий-ҳуқуқий, умумий-суд, тергов ва прокуратура органларининг амалиёти билан боғлиқ маълумотларни қайта ишлашда қўлланилади. Ҳозирги кунда бундай методлардан юридик ўқув юртларида илмий тадқиқот ишлари олиб боришда кенг қўлланилмоқда.

7. Жиноят ҳуқуқи ва бошқа юридик фанларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро боғлиқликда бўлиб, улардан айримлари билан ўхшашлиги ҳам мавжуд. Лекин жиноят ҳуқуқини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқлай олиш керак.

Жиноят ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ўзининг *предмети, вазифалари ва тартибга солиш услублари* билан фарқ қилади.

Жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари - *криминология, ҳуқуқий-статистика, жиноят ижроия ҳуқуқи, криминалистика, жиноят процесси, маъмурий, фуқаролик, халқаро ҳуқуқ* ва шу каби ҳуқуқ соҳаларидан фарқли ва ўхшаш томонлари мавжуд.

Криминология жиноятчилик, унинг сабаблари, жиноятчи шахси ва жиноятларни олдини олишни ўрганади. Жиноят ҳуқуқининг предмети жиноят қонунчилиги ҳисобланса, криминологияда жиноятчилик, унинг сабаблари, вужудга келиш шарт-шароитлари, ўсиш даражаси, жиноятчининг шахси ва жиноятларнинг олдини олиш чоралари ўрганилади. Криминологияда ҳам жиноят ҳуқуқи сингари жиноят қонунчилиги муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилади, лекин бундай вазиятда криминологиянинг методи социологик ҳусусиятга эга бўлади.

Криминологиянинг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқлиги шундаки, латент жиноятчилик, жиноятчиликнинг таркибий кўрсаткичлари ҳисобланган вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив, гуруҳ томонидан содир этилган, зўравонлик билан содир этилган, шунингдек ғайриқонуний муомала воситараларининг қурол яроқ ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар даражаси ҳақидаги криминологик маълумотлар жиноят қонунчилиги, унинг тартибга солиш механизми ишлаш даражасини таққослаш учун қўлланилади.

Шунингдек, жиноятчининг шахси ҳақидаги мавжуд криминологик маълумотлар, яъни ижтимоий-демографик, ижтимоий-психологик белгилар - жиний жавобгарлик ва жазо тайинлаш учун асос сифатида жиноят ҳуқуқининг "жиноятчининг шахси" деб номланган тоифасини тўлдирувчи ишончли статистик маълумотлар бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий-статистиканинг предмети - умумий ва алоҳида институт сифатида жиний гуруҳлар, жиноятларнинг турлари бўйича жиноятчиликнинг тузилиши, ҳолати ва динамикасининг микдор кўрсаткичлари ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи маълум бир ҳуқуқий ҳолат бўйича илмий хулосалар, ва тадқиқотлар олиб боришда ҳуқуқий-статистика ва унинг таркибий қисми ҳисобланган "жиноят статистикаси"га таянади.

Ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация ёки декриминализация қилиш учун ижтимоий шарт-шароитларни белгилаб олиш мақсадида статистик маълумотлар жиноят ҳуқуқи фани учун зарурдир.

Ҳуқуқий-статистика жиноят ҳуқуқи учун жиноятчилик ва жиноятчининг шахсининг процессуал хусусиятлари ҳақида маълумотларни етказиб беради. Бундай маълумотлар жиноят қонунчилигининг қўлланилиш ҳолатини фактик баҳолаш учун зарур бўлган "бекор қилинган ҳукмлар", "очилмаган жиноятлар микдори", "жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя этилмаганлиги сабаблари" ҳақидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи - суд ҳукмлари бўйича жазони ижро этиш тартибини белгилайди ва бу борада вужудга келган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани жиноий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш жараёнида жазонинг мақсади, уни амалга ошириш ва жазони қўллаш натижаларини ўрганади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи жазо, криминал рецидиви, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатлар каби масалалар бўйича жиноят ҳуқуқи билан бевосита боғлиқдир.

Криминалистика - содир этилган жиноятга оид далилларини топиш, мустаҳкамлаш ва тадқиқ қилиш, шунингдек жиноятчи шахсини аниқлаш ва қидирув ишларини амалга ошириш усул, услуб ва воситалари тизимини ўрганувчи фандир.

Жиноят ҳуқуқи фани криминалистика билан бевосита боғлиқ бўлиб, жиноят ҳуқуқи бошқа фанлар, суд психиатрияси, суд медицинаси, суд психологияси кабилардан фойдаланиб қилмиш ва жиноятчининг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаш, содир этилган жиноятларни фош этиш, жиноятчи шахсига баҳо бериш ҳамда жиноят таркибининг барча элементларини аниқлашда криминалистика фанига таянади.

Жиноят процесси ва жиноят ҳуқуқи ўзаро боғлиқ фанлар бўлиб, улар биргаликда юриспруденцияда "моддий ва процессуал жиноят ҳуқуқи" деб аталади. Жиноят ҳуқуқи жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг моддий асосини белгилаб берса, жиноят процесси

жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг процессуал тартибини асослаб беради.

Жиноят ҳуқуқи жиноий қилмишлар доираси, жавобгарлик асослари ва принциплари, жазо тайинлаш, жазо турлари ва чегараларини, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатлар ҳақидаги моддий нормаларни белгилаб берса, жиноят процесси жиноят ишларини юритиш, жиноятларни очиш, жиноят ишларини кўриб чиқиб хал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини белгиловчи процессуал нормалар мажмуини ифодалайди.

Жиноят процесси ва жиноят ҳуқуқи бир-бирига "шакл ва мазмун" жиҳатдан боғлиқдир. Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг "мазмунини"ни ташкил этса, жиноят процесси бундай сиёсатнинг "шакли"ни ифодалайди.

Маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарликка тортиш асослари ва тартиби, маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи ҳамда ўрганувчи фандир.

Маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноятлар ўртасидаги чегарани белгилаш, маъмурий ва жиноий жазо санкциялари, жиноий қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарликка айланиши ва аксинча, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг криминализация қилиш бўйича жиноят ҳуқуқи билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда фуқаролик ва жиноят қонунчилигининг ўзаро боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, бундай алоқадорлик мулкӣ ҳусусиятдаги жиноятлар, яъни иктисодиётга қарши жиноятлар, фуқаролик ҳуқуқидаги деликтларга баҳо беришда билинади. Жарима, моддий зарар ва маънавий зиённи коплаш каби санкциялар борасидаги илмий-қиёсий тадқиқотлар жиноий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ўртасидаги фарқни тўғри аниқлаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иктисодиёт асосларига қарши ва хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар - ғайриқонуний банк ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ғайриқонуний савдо қилиш, савдо қилиш қоидаларини бузиш, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик ва шу каби жиноятлар учун жавобгарлик белгилашда намоён бўлади.

Бизга маълумки, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига "Экология соҳасидаги

жиноятлар" деб номланувчи махсус IV бўлим ажратилган бўлиб, айнан ана шу бўлим жиноят ҳуқуқининг экология ҳуқуқи билан боғлиқлигини кўрсатади. Жиноят ҳуқуқидаги ушбу бўлими нормалари бланкет ҳусусиятга эга, яъни атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг аниқ шакллари билиб олиш учун экология ҳуқуқи нормаларига мурожаат қилиш керак бўлади.

Меҳнат ҳуқуқи билан жиноят ҳуқуқининг ўзаро алоқадорлигини фуқароларнинг меҳнат қилиш, хусусан адолатли меҳнат шароитларида меҳнат қилиш ҳуқуқи ва уларнинг шахсий хавфсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқариш техникасидан фойдаланиш соҳасида кўриш мумкин.

Транспорт соҳасидаги жиноятларнинг анчагина аҳволда эканлиги ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида "Транспорт ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар" деб номланган махсус 17-боб ажратилган бўлиб, айнан ана шу боб жиноят қонунчилигининг хаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортларини бошқариш ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини тартибга солувчи транспорт қонунчилиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Жиноят ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро алоқадорлигини жиноят қонунчилиги муаммолари, хусусан, жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши, чет эл фуқароларининг жиноий жавобгарлиги, жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш, жиноят ҳуқуқи нормаларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши, жиноят ҳуқуқининг конвенцион нормалари деб аталувчи халқаро жиноятлар ва халқаро ҳусусиятдаги жиноятларни кодификациялаш масалалари борасида кўриш мумкин.

8. Жиноят ҳуқуқи тизими.

NOTA BENE!

Жиноят ҳуқуқи тизими деганда, маълум бир илмий изчиллик, кетма-кетликда жойлашган жиноят ҳуқуқи институтлари ва нормаларининг йиғиндисидан иборат тизим тушунилади.

Демак, жиноят ҳуқуқи тизими икки элементдан иборат:

- 1. Жиноят ҳуқуқи институтлари;*
- 2. Жиноят ҳуқуқи нормалари.*

Жиноят ҳуқуқи институтлари деганда бир-бирига яқин бўлган маълум бир доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жиноят ҳуқуқи нормаларининг йиғиндисидир тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи тизими *қуйидаги институтлардан* ташкил топган:

- жиноят қонунчилиги
- жиноят (жавобгарлик асослари)
- жазо ва уни тайинлаш
- тиббий йусиндаги мажбурлов чоралари
- шахсга қарши жиноятлар
- тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар
- экология соҳасидаги жиноятлар
- хоқимият, бошқарув ва жамоат бирлашмаларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар
- жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига қарши жиноятлар
- харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

Бундай институтлар ўз навбатида *субъинститутларга* бўлинади. Масалан, "жиноят"(жавобгарлик асослари) институти - жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар, тамом бўлмаган жиноят, иштирокчилик, бир канча жиноят содир этиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар каби субъинститутлардан иборат.

Жиноят ҳуқуқи нормалари деганда, жиноят содир этилганидан кейин вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидалари тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи нормалари *императив, тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш ҳусусиятларига* эга¹.

Жиноят ҳуқуқи нормаларининг императивлиги бундай нормаларнинг катъий ўрнатилганлиги ҳамда уларнинг бажарилиши мажбурийлигини билдиради.

Жиноят ҳуқуқи нормаларининг тартибга солиш ҳусусиятдалиги шуни билдирадики, бундай нормалар жиноят содир этилганидан кейин юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва бундай ижтимоий муносабатлар вужудга келиши билан қўлланилади.

¹ Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 86.

Жиноят ҳуқуқи нормаларининг ҳуқуқни қўллаш хусусияти жиноят ҳуқуқи нормалари орқали Жиноят кодексида кўрсатилган барча умумий қоидалар ва санкцияларининг амалда қўлланишини ифодалайди.

Жиноят ҳуқуқи *нормаларини моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлиш* мумкин:

1. Норма-принциплар - жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ҳисобланган жиноят ҳуқуқи вазифалари ва принципларини белгилаб берувчи нормалар. (Жиноят кодекси 2-10 моддалари).

2. Дефинитив нормалар - жиноят-ҳуқуқий тушунчаларни белгилаб берувчи нормалар. Масалан, жиноят ва ижтимоий хавфли қилмиш тушунчалари (Жиноят кодекси 14- моддаси), жиноят учун жавобгарлик тушунчаси (Жиноят кодекси 16-моддаси), акли расолик тушунчаси (Жиноят кодекси 18-моддаси), иштирокчилик тушунчаси (Жиноят кодекси 27-моддаси), жазо тушунчаси (Жиноят кодекси 42-моддаси) ва хк.

3. Муҳофаза қилувчи нормалар - жиноят қонуни билан аниқ бир объектни - ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилувчи нормалар. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги барча нормалар муҳофаза қилувчи нормалар ҳисобланади.

4. Тақиқловчи нормалар - Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари таркибида мавжуд бўлиб, маълум бир қилмишлар содир этиш ёки этмасликни тақиқлаб қўювчи нормалар. Масалан, одам ўлдириш(97- модда), шахснинг соғлигига шикаст етказиш(104-111 моддалар), ўғрилиқ(169- модда) ва шу каби қилмишларни тақиқловчи нормалар¹.

Жиноят кодекси жиноят ҳуқуқининг ягона манбаи бўлганлиги сабабли жиноят қонунчилиги тизимидан келиб чиқиб, жиноят ҳуқуқи нормаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Умумий нормалар (умумий қисм нормалари)

2. Махсус нормалар (махсус қисм нормалари).

Умумий нормалар жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва тушунчаларини, яъни жиноят ҳуқуқи вазифалари ва принциплари, жиноят қонунининг амал қилиш доираси, жиноят тушунчаси, жиноий жавобгарлик ва унинг асослари, жиноят содир этиш босқичлари, иштирокчилик, бир канча жиноятлар тушунчаси, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни белгилаб беради.

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник // Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. - С. 12

Махсус қисм нормаларида эса ҳар бир жиноят таркиби учун жиноий жавобгарликнинг ҳажми ва ҳусусиятини аниқ кўрсатилади.

Жиноят ҳуқуқининг умумий ва махсус нормалари бир-бирга боғлиқ бўлиб, ўз навбатида умумий нормалар махсус нормалар учун *асос* вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам умумий нормалар махсус нормалар учун *универсал ва мажбурий* бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бу икки гуруҳ нормалари ташкилий жиҳатдан бир-бирини тулдириб туради.

Айрим олимлар фикрига кўра¹, жиноят ҳуқуқи умумий қисм нормалари позитив(регулятив) - тартибга солувчи ҳусусиятга эга бўлиб, бундай нормаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) *декларатив нормалар*, жиноят ҳуқуқи принцип ва вазифаларини белгилаб берувчи нормалар.(Жиноят кодекси 2-10 моддалар);

б) *умумтартибга солувчи нормалар*, жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва тушунчаларини белгилаб берувчи нормалар: жиноят тушунчаси, иштирокчилик тушунчаси, жазо тушунчаси ва хк. Бундай нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисми асосини ташкил этади;

с) *жазони енгиллаштирувчи (имтиёз берувчи) нормалар*, масалан, шартли ҳукм қилиш (Жиноят кодекси 72-моддаси), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш (Жиноят кодекси 73- моддаси), жазони енгилроғи билан алмаштириш (Жиноят кодекси 74-моддаси);

д) *рухсат берувчи нормалар*, масалан, шахсга - зарурий мудофаа (Жиноят кодекси 37-моддаси), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (Жиноят кодекси 39- моддаси) каби ҳуқуқларни берувчи нормалар;

е) *жиноий жавобгарликдан озод қилувчи нормалар*, масалан, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодекси 64-моддаси), касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодекси 67- моддаси) ва шу каби жазони енгиллаштирувчи нормалар гуруҳига кирмайдиган нормалар.

Юқоридаги нормаларни бундай гуруҳларга бўлиш шартли ҳисобланади.

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 86,87

Жиноят ҳуқуқий тизим *объектив ва субъектив омиллардан* иборат механизм ёрдамида шаклланади.

Объектив омиллар - бу авваламбор, реал ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатларнинг ўзгаришидир. Маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг мавжуд эмаслиги ёки маълум бир соҳадаги жиноятларнинг узиб бориши бошқа ҳуқуқ соҳалари билан бирга жиноят ҳуқуқи тизимига ҳам объектив таъсир қилади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида жиноят қонунчилиги таркибининг янгиланишига ва жиноят ҳуқуқи тизимининг ўзгаришига (кенгайишига) олиб келиши мумкин.

Субъектив омиллар - қонун чиқарувчи, ҳуқуқни қўлловчи ва фуқаролар томонидан у ёки бу жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларнинг қабул қилиниши, яъни уларнинг бундай таъсирларга нисбатан муносабати билан боғлиқдир. Масалан, қонун чиқарувчи томонидан маълум бир жиноятлар ва уларнинг кўпайиши аниқланиб олинди, бу борада жиноят-ҳуқуқий назорат сифатида ушбу жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса жиноят ҳуқуқи тизимининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, жиноят қонунчилигининг амал қилишини ифодаловчи жиноят ҳуқуқи тизимининг ривожланиши нафақат жиноят-ҳуқуқий нормалар, объектив ва субъектив омилларга, балки *тарихий омилларга* ҳам боғлиқдир.

Шунингдек, жиноят ҳуқуқи тизими ривожланишининг тарихини ўрганиш унинг *ривожланишининг қўйидаги асосий йўналишларини* белгилаш имконини берди:

биринчидан, ижтимоий ҳолатлар тизимининг доимий ўзгариши муносабати билан жиноят ҳуқуқи нормаларини ушбу ўзгаришларга мўтаносиб равишда белгилаш ва қўллай олиш;

иккинчидан, содир этилган жиноятлар тоифаси ва жиноятчиларнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб, жиноят-ҳуқуқий ишонтириш ва мажбурлов усуллари ҳамда уларнинг приоритети, яъни қўлланиши муҳимлиги жиҳатдан кетма-кетлигини ўзгартириш.¹

Жиноят ҳуқуқи тизими жиноят қонунчилигига бевосита таъсир кўрсатади.

¹ Уголовное право". Общая часть. Учебник для вузов. Овт. ред - док. юрид. наук, проф. З.А. Незнамова - М.: Изд. группа «Инфра-Норма»*М, 1999. - С. 7,8

Жиноят ҳуқуқи фанининг тизими жиноят ҳуқуқи тизимидан фарқ қилиб, жиноят ҳуқуқи фани жиноят ҳуқуқи институтлари ва нормаларидан ташқари жиноят ҳуқуқининг ўрганиш предмети, методлари, фаннинг вазифаларини, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ҳамда жиноят ҳуқуқи соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни ўз ичига олади.

Жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб, жиноят ҳуқуқи фани икки қисмдан иборатдир:

1. *Умумий қисм*
2. *Махсус қисм.*



Умумий қисм жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва тушунчаларини ўз ичига олиб, унда жиноят ҳуқуқи тушунчаси, ўрганиш предмети ва методлари, вазифалари, принциплари, жиноят ва жиноятчилик тушунчалари, жиноят таркиби, жиноий жавобгарлик тушунчаси ва асослари, жазо тайинлаш, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатлар каби масалалар ўрганилади.

Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисмида эса ҳар бир аниқ жиноят, унинг таркиби, ушбу жиноят учун жавобгарлик ҳажми, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, жазо тайинлаш каби масалалар ўрганилади.

9. Жиноят ҳуқуқи принциплари.



Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилиш ва олдини олиш вазифалари фақатгина жиноят ҳуқуқи принципларига қатъий риоя қилиниши орқали бажарилиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи принциплари ҳақида тўла маълумот олиш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш керак:

1. *жиноят ҳуқуқи принциплари тушунчаси, белгилари ва уларнинг аҳамияти;*
2. *принципларнинг жиноят ҳуқуқида қўлланилиши ва уларнинг ҳаракатланиш механизми;*
3. *жиноят ҳуқуқи принциплари тизими.*

Жиноят ҳуқуқи принциплари деганда, умуман жиноят ҳуқуқи ёки унинг алоҳида институтлари мазмунини ифодаловчи, жиноят ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган бошланғич асос, асосий ғоялар тушунилади.

Принциплар жиноят қонунида мустаҳкамланган демократик давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати моҳиятини ва ҳозирги йуналишларини ифодаладиган, содир этилган жиноят учун жавобгарлик негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етачи ғоялар ва асосий қоидалардир.

Жиноят ҳуқуқи принциплари - жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида қонун чиқарувчи, қонунни амалда қўлловчи органлар ва барча фуқаролар учун мажбурий бўлган асосий қоидалардир.

Жиноят ҳуқуқи принциплари қуйидаги:

- а) халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларига мос келиши;
- б) жиноят ҳуқуқи принципларининг фундаментал хусусиятга эга эканлиги;
- с) жиноят ҳуқуқи принципларининг ўзаро алоқадорлиги каби белгиларга эга.

Жиноят ҳуқуқи принциплари биринчи навбатда халқаро ҳуқуқ нормаларига, яъни халқаро ташкил отлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларга мос келиши керак. Шунингдек, жиноят қонунидаги принциплар ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келиши ва ундаги нормалардан келиб чиқиши керак.

Жиноят ҳуқуқи принциплари жиноят ҳуқуқи нормалари учун *фундаментал асос* бўлиб хизмат қилади, яъни жиноят ҳуқуқи нормалар жиноят ҳуқуқи принципларидан келиб чиқади ва уларга зид бўлмаслиги керак. Бундай принциплар назарияда принцип нормалар деб аталади.

Жиноят ҳуқуқи принциплари *бир-бирига боғлиқ* тарзда занжирсимон ҳаракатда бўлиб, улардан бирининг бузилиши ўз навбатида бошқа принципларнинг бузилишига олиб келади.

Жиноят ҳуқуқи принциплари *объектив* ва *субъектив* белгиларга эга.

Принципларнинг *объектив* белгиси - жиноят ҳуқуқи принципларининг жиноят ҳуқуқи нормалари билан мустақамланганлиги ва ҳуқуқий фаолиятнинг асоси бўлиб хизмат қилишида ифодаланади.

Принципларнинг *субъектив* белгиси - жиноят ҳуқуқи принципларининг алоҳида субъектлар: қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, шунингдек фуқаролар томонидан индивидуал онгли қабул қилиб олиниши билан боғлиқдир.

Принципларнинг *субъектив* моҳияти уларнинг умумтартибга солувчи аҳамиятга эга эканлигини билдириб, шахсларни ўз қилмиш (хатти-ҳаракат)ларини бошқара олишларига ундайди.¹

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник // Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. - С. 39.

Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М., 1988 – С. 7

Жиноят ҳуқуқи принциплари жиноят қонунчилигини "қўллаш" борасида жиноят ҳуқуқи учун асосий қоидаларни белгилаб беради.

Жиноят ҳуқуқи принципларининг "ҳаракатланиш механизми" жиноят қонунларини қўлловчи шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) орқали амалга оширилади.

Жиноят ҳуқуқи принциплари бузилганда бундай бузилишларни бартараф этиш ҳамда принципларнинг бузилишига олиб келган ғайриқонуний қарор ва хатти-ҳаракатларни бекор қилиш учун давлат назорати (суд, прокуратура органлари назорати) ҳаракатга келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган принциплар:

биринчидан, жиноят қонунининг асосий принципларига эътиборни қаратиш;

иккинчидан, жиноят ҳуқуқи принципларининг моҳияти, ҳаракати ҳамда уларнинг жиноят ҳуқуқи нормалари билан алоқасини чуқурроқ ўрганиш;

учинчидан, у ёки бу принципларнинг маълум бир ҳуқуқ соҳасига тааллуқлилиги борасидаги баҳсларнинг олдини олиш имконини беради.¹

Жиноят ҳуқуқи принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, қонуннинг устуворлиги, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократизм, фуқароларнинг тенглиги, умуминсоний кадриятлар ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги каби принципларга асосланади ҳамда улардан келиб чиқади. Айни пайтда жиноят ҳуқуқининг ҳар бир принципи ушбу ҳуқуқ соҳасининг тартибга солиш услуби ва бажарадиган вазифалари билан алоқадор ҳамдир.

Қонунда принципларнинг мустаҳкамлаганлиги уларга *умуммажбурийлик хусусиятини* беради, бинобарин, принциплар кишилар онгига таъсир кўрсатиш омиллари сифатида қонун чиқариш ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Барча принципларнинг йиғиндиси демократик жиноят ҳуқуқининг чинакам моҳиятини ифодаладиган ички ўзаро муфовиқлаштирилган қоидаларнинг яхлит тизимини ташкил этади.

¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес", 1998. - С. 10

Жиноят ҳуқуқи принциплари тизими деганда жиноят қонунчилигидаги қоидаларнинг норматив асосини белгилаб берувчи жиноят ҳуқуқи принципларининг йиғиндиси тушунилади.

Принциплар тизими жиноят ҳуқуқининг марказий жиноят-ҳуқуқий масаласи ҳисобланган жиноят ва жазо тоифаларини ўзида мужассамлаштиради. Тизимга кирадиган барча принципларнинг аҳамияти ўзаро тенгдир. Зеро, уларнинг ҳар бири мустақил моҳиятга эга бўлиб, давлатнинг жиноят-ҳуқуқий (жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги) сиёсатини амалга ошириши учун зарур бўлган вазифаларни бажаради.

Жиноят ҳуқуқи принципларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

1. Қонунийлик принципи.

Қонунийлик принципи Жиноят кодекси 4-моддасида мустаҳкамлаб қуйилган бўлиб, унда *учта мустақил норма* белгиланган:

1. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

2. Ҳеч ким суд ҳукмисиз жиноят содир қилишда айбли деб топиллиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас.

3. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва муайян мажбуриятларни бажаради.

Юқорида кўрсатилган биринчи қоидага кўра “қонунийлик” қуйидаги маъноларда қўлланилиши мумкин:

1) қилмишнинг жиноийлиги ёки жиноят эмаслигини белгилашда жиноят қонунчилигига бевосита ва тўлиқ мос келувчи хатти-ҳаракат маъносида;

2) суднинг жиноят қонунчилигига зид бўлмаган қонуний кучга кирган ҳукми орқали қилмишнинг жиноийлигига баҳо бериш маъносида;

3) жиноят содир этган шахснинг суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида тўғридан-тўғри белгиланган жазо турлари ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари кўринишидаги жавобгарлиги маъносида;

4) содир этилган жиноят билан боғлиқ бўлган жиноят ҳуқуқий оқибат маъносида.¹ Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун) экстрадиция қилиш.

Жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи бир неча *ҳуқуқий талаблардан* келиб чиқади:

Улардан *биринчиси* – халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлиги, яъни қонунийлик принципига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги керак. Бундай халқаро ҳуқуқий нормалар 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1986-89 йиллардаги Вена келишувлари, Наркотизм ва терроризмга қарши кураш бўйича Конвенция ҳамда бошқа халқаро жиноятлар ва халқаро хусусиятдаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи халқаро шартномаларда ифодаланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, халқаро ҳуқуқ нормалари инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлиб, унда санкциялар мавжуд бўлмаганлиги туфайли Жиноят кодексига “Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган VIII боб киритилганлиги миллий ҳуқуқ нормаларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келишини билдиради.

Қонунийлик принципининг иккинчи талаби – Жиноят кодексининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига кўра, бирорта ҳам қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Жиноят кодексининг Конституцияга мос келиши, шунингдек Жиноят кодекси ва Конституция нормалари ўртасида коллизия (қарама-қаршилик) келиб чиққанда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг устунлиги тан олинади.

¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес", 1998. – С. 11

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 24-моддасида “инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”,-деб айтиб ўтилган. Конституциянинг айнан шу моддасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида “Ҳаётга қарши жиноятлар” боби киритилган.

Учинчи талаб: “қонунда кўрсатилмаган жиноят ҳам, жазо ҳам мавжуд эмас”. Бу қадимий ҳуқуқий қоида латинчада қуйидаги формула орқали ифодаланади:

“Nullum crimen, nulla poena sine lege”.

Ушбу қоида қонунийлик принципнинг асосий қоидаси бўлиб, унга кўра, шахс қонунда кўрсатилган жинояти учун қонунда кўрсатилган жазо доирасидагина жавобгарликка тортилади, яъни шахснинг содир этган қилмишнинг жиноийлиги ва ушбу жиноят учун жазонинг мавжудлиги жиноят қонунида аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

қонунийлик принципнинг туртинчи талаби - жиноят учун жавобгарлик ҳақидаги нормаларнинг жиноят қонунида кодефикацияланиши кераклигида ифодаланади, яъни жавобгарликни белгиловчи алоҳида қонунлар, масалан, харбийларнинг жиноий жавобгарлиги, вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунлар амал қилиши мумкин эмас. Барча жиноят ҳуқуқий нормалар ягона Жиноят кодексида мужассамланиши керак.

Жиноят ҳуқуқи қонунийлик принципнинг бешинчи талаби бўйича: жиноят қонунининг аналогия бўйича қўлланилиши тақиқланади, яъни “жиноят-ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи нормалар жиноят кодексида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, шунга ухшаш нормалар қўлланилади”, - деган қоида жиноят ҳуқуқида қўлланилмайди.

Қонунийлик принципнинг олтинчи талаби криминализация билан боғлиқ бўлиб, қонун чиқарувчи томонидан шахснинг жиноят деб ҳисобланадиган хулқ атвори унинг қилмишига нисбатан, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан олинади. Маълум бир жиноятни содир қилиш ҳаёли, ўйи жиноят деб ҳисобланмайди ва улар учун жазо мавжуд эмас. (*“Cogitationis poenam nemo patitur.”*)¹

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. - С. 80

Жиноят ҳуқуқи назариясидаги илмий бахсларга кўра, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини қонунийлик принципи таркибига киритиш ҳам мумкин.

2. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-моддаси*да белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Ушбу норманинг асоси *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси*да белгиланган бўлиб, унда “*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.*”, - деб кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципида:

биринчидан, Жиноят кодекси 5-моддасида кўрсатилган белгилар ва ҳолатлардан қатъий назар фуқароларнинг тенглиги, уларнинг бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини ифодаланади;

иккинчидан, Жиноят қонунининг бир хилда қўлланилишини таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 5-моддасининг номи билан унинг мазмуни мос келмасдан, ушбу моддада фақат жиноят содир этган шахсларнинг қонун олдида тенглиги ҳақида гапирилган. Лекин жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари, жиноят содир этган шахслардан ташқари, жабланувчи, жиноят қонунини қўлловчи шахслар ҳам фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига амал қилишлари шарт.

Қонун чиқарувчи томонидан тенглик принципига амал қилиниши (қилмишларни жиноий деб топиш масаласи борасида) барча жиноий ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликни белгилашда ифодаланади. Бундан ташқари, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг химоя қилиниши масаласида ҳам тенглик принципига амал қилиниши керак. Хусусан, махсус субъектларнинг

қилмишларини жиноят деб топишда, масалан, мансабдор шахслар, харбийлар ва судьялар қилмишлари учун бошқалар жавоб бермайди.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг бузилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Масалан, Жиноят кодекси 141-моддасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш учун, 156-моддасида эса адоват кузгатиш мақсадида миллий, иркий ва диний мансублигига кўра фуқароларнинг тенглигини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи халқаро-ҳуқуқий ва конституциявий принцип бўлганлиги учун барча қонунларда катъий ўрнатилиши керак.

Амалиётда бундай принцип кўпинча жиноят содир этган шахсларнинг мулкӣ аҳволи ва мансаб мавкеи мезонларига кўра бузилади. Бундай бузилишлар жиноят иши қўзғатмаслик, жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли жиноят ишини тугатиш каби шаклларда бўлиши мумкин.

Демак, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи содир этган жинояти учун хар бир шахснинг тенг жавобгарлиги, жиноий жавобгарлик асосларининг барча учун бир хилда қўлланилиши(амал қилиши)ни билдиради. Бундай принципдан истисно ҳолатлар ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принциплари орқали ўрнатилиши мумкин. Масалан, вояга етмаганлар, хомиладор аёллар жавобгарлиги, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусияти каби ҳолатлар.

3. Демократизм принципи.

Демократизм принципи Ўзбекистон *Республикаси Жиноят кодексининг 6-моддаси*да белгиланган бўлиб, унга кўра, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлокини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Ушбу принцип, яъни *демократизм принципи*:

биринчидан, жиноят содир этган шахсларни ахлокан тузатиш мақсадини кўзлайди;

иккинчидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоаларни жалб қилинишини таъминлайди.

Демократизм принципнинг асосий вазифаси жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш жараёнида жамоат бирлашмаларини, жамоатчиликни жалб этиш ҳисобланади. Албатта, ушбу ишга жамоат бирлашмаларини жалб қилиш шартлари, шакли ва тартиби қонунда алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлиши керак.

Демократизм принципини бошқача тарзда “жамоатчилик ёрдами принципи” деб ҳам аташ мумкин. Ушбу принципнинг бундай номланишига сабаб – жиноят қонунида жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялашда жамоатчилик ёрдамига таянилганлигини ушбу норма орқали ифодаланган.

Айрим олимлар фикрига кўра,¹ демократизм принципи ижтимоийизм давридан қолган бўлиб, қонунийлик принципнинг бузилишига олиб келади. Лекин бу фикрга кушилиб бўлмайди. Чунки жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш инсонпарварлик принципнинг асосини ташкил этиб, демократизм принципи жиноятчиларни қайта тарбиялаш мақсадини кўзлайди ва уларни қайта тарбиялашнинг шаклларида бири ҳисобланади.

4. Инсонпарварлик принципи.

Бу принцип Жиноят кодексининг 7- моддасида белгилаб қуйилган бўлиб, *учта асосий қоида(норма)*ларни ўз ичига олади:

1. Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадани кўзламайди.

2. Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

3. Жазонинг мақсадига Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Инсонпарварлик принципи шахснинг шаъни ва кадр-қимматини химоя қилишга қаратилган бўлиб, унинг *асоси Конституцияънинг 26-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ҳеч ким кийноққа солиниши, зўравонликка, шавқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.*

¹ " Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 66.

Инсонпарварлик принципи *икки*:

биринчидан, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жинойт ҳуқуқӣ воситалар орқали химоя қилинишини таъминлаш;

иккинчидан, жинойт содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо чораси кийнок, зуравонлик, жисмоний азоб, инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи тазйиқлардан ҳоли бўлиши *маъносида* қўлланилади.

Жинойт қонунчилигида инсонпарварлик принципининг мазмуни ижтимоӣ тузумнинг ижтимоӣ-сиёсий моҳияти билан боғлиқ вазифаларни ечишда одил судловнинг мақсади ва жинойт-ҳуқуқӣ воситалар билан белгиланади.

Инсонпарварлик принципи бошқа принциплар билан биргаликда жинойт содир этган шахс билан муносабатда бўлиш қоидалари, халқаро стандартлар ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиниши белгиланган нормаларга мос равишда жинойт-ҳуқуқӣ воситаларнинг қўлланилиш тизимини белгилайди.

Бу принцип Жинойт кодексининг бир неча моддаларида ўз аксини топган. Хусусан, Жинойт кодекси 2-моддасида жинойт қонунининг вазифалари сифатида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш биринчи ўринга қуйилган. Шунингдек, Жинойт кодексида қилмишнинг жиноӣлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатларнинг мустаҳкамлангани жинойт қонунимизнинг инсонпарварлик принципига амал қилинган ҳолда тузилганлигидан дарак беради.

Жинойт кодекси Махсус қисми эса шахс, унинг хаёти, соғлиги ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳақидаги нормаларни ўз ичига олган бўлим ва боблардан бошланган.

Юқорида айтиб ўтилган “Жазо ва бошқа ҳуқуқӣ таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди”, - деган норма инсонпарварлик принципининг асосий қоидаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2001 йил 29 августдаги қонунга кўра Жинойт кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра ўлим жазоси белгиланган жинойтлар сони 4 тага қисқартирилди. Ҳозирги кунда эса фақат “оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш” (97-модда 2-қисми), “терроризм” (155-модда) жинойтлари учун ўлим жазоси белгиланган бўлиб, олдин

бундай жиноятлар сони 13 та эди. Бу эса ўз навбатида инсонпарварлик принципининг амал қилиш доираси кенгайганлигидан далолат беради.

Шунингдек, инсонпарварлик принципи жиноят ҳуқуқининг жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтида ҳам амал қилади. қонун чиқарувчи орган томонидан Жиноят кодексига “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари” деб номланувчи алоҳида бўлимининг киритилганлиги ҳам инсонпарварлик принциpidан дарак беради.

5.Одиллик принципи.

Одиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида белгиланган бўлиб, *икки асосий норма(қоида)*дан иборат:

1. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

2. Ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Одиллик принципи икки жиҳатга эга:

- а) жиноят қонунининг одиллиги;
- б) жиноят учун суд томонидан тайинланган жазонинг одилона бўлиши.

Жиноят қонунининг одилона бўлиши учун унда белгиланган қилмишларнинг жиноийлиги ва жиноят учун белгиланган жазо амалдаги ижтимоий талабларга жавоб бериши керак. Жиноят қонуни бундай талабларга жавоб бермаса, у жамият ҳуқуқий онгига таъсир қила олмайди, жамият манфаатларини химоя қила олмайди ва амалда ўз кучини йўқотади.

Жиноят қонунининг одилона деб ҳисобланиши учун:

а) *ижтимоий асосланган бўлиши*, яъни ўзининг муҳофаза қилиш ва олдини олиш вазифаларини бажарадиган, жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тускинлик қилиш, шунингдек бошқа шахсларнинг янги жиноят содир этишини олдини олиш каби жазо мақсадларига эришадиган бўлиши керак;

б) *криминологик асосланган бўлиши*, яъни жиноятчилик даражаси, динамикаси, тузилиши ва прогнозидан келиб чиқиб, жиноятчиликни камайтириш мақсадини кўзлайдиган бўлиши керак;

с) *Жиноят-ҳуқуқий бўшлиқни ўз вақтида тўлдириш*, яъни ҳақиқатан ҳам ижтимоий хавфли ҳисобланган қилмишларни ўз вақтида жиноят деб топиши керак.¹

Жазонинг одиллиги принципи жазо турлари, тизими, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормаларда ҳам ўз аксини топган.

Жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши учун қуйидаги:

1. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси (жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори ва уни содир этиш усули) ва ҳусусияти (жиноий тажовуз объекти);

2. Айбдорнинг шахси (жинси, ёши, оилавий аҳволи) ва унинг хавфлилиқ даражаси;

3. Жиноят содир этиш ҳолатлари, яъни жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар;

4. Айбнинг даражаси (шакли – қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) мувофиқ бўлиши керак

Одиллик принципининг “*ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас*” деган асосий қоидаси халқаро-ҳуқуқий ва конституциявий принцип ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи одиллик принципининг моҳияти шундаки, шахс содир этган қилмишнинг жиноийлиги жиноят қонунида белгиланган ҳолатлар ва ишончли далилларга асосланган ҳоллардагина у жиноий жавобгарликка тортилади.

Ушбу принцип қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва инсонарварлик принциплари билан бевосита боғлиқдир.

6. Айб учун жавобгарлик принципи.

Бу принцип Ўзбекистон Республикаси *Жиноят кодекси 9-моддаси*да белгиланган бўлиб, унга кўра:

“Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.”

Айб учун жавобгарлик принципи:

¹ " Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 76, 77.

биринчидан, жиноят содир этганликда айбдор шахснинг шахсий (индивидуал) жавобгарлигини;

иккинчидан, фақат қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишини англатади.¹

Яъни шахс айби бўлган жинояти учунгина жавоб беради, айби бўлмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

NOTA BENE!

Айб – бу шахснинг жиноят қонуни билан белгиланган ўзининг ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий ва интеллектуал муносабатининг йиғиндиси ҳисобланади, яъни *айб деганда* шахснинг ўз қилмишига нисбатан субъектив руҳий муносабати тушунилади.

Айб қасд (тўғри қасд, эгри қасд) ва эҳтиётсизлик (бепарволик, уз-ўзига ишониш) шаклларида бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмишлар фақат айбли, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлсагина у жиноят деб топилади.

Айб учун жавобгарлик принципи – *“Ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатига нисбатан шахсий айби аниқланмаган ҳеч бир шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди”*, - деган қонидани мустаҳкамлайди. Бу қонидани кадимги Рим ҳуқуқида ҳам мавжуд бўлиб, қуйидаги формула орқали ифодаланади:

“Nullum crimen, nulla poena sine culpa” – *“Айбсиз жиноят ҳам, жазо ҳам бўлмайди”*, - деган маънони билдиради².

Айб учун жавобгарлик принципи *субъектив жиҳатдан* шахснинг ўз ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий муносабатини англатса, *объектив жиҳатдан* жиноят қонунда айби бўлмаган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қуйилганлигида ифодаланади.

Бундан ташқари, жиноят қонуни *“айбсиз ҳолда зарар етказиш”* учун жавобгарликни истисно қилади. Жиноят кодексининг 24-моддасига кўра, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг

¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес", 1998. – С. 12.

² " Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжовой. - М: Изд. Зерцало, 1999 .– С. 74

ижтимоий оқибатига кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади. Айбсиз ҳолда зарар етказиш жиноят ҳуқуқида “казус” (“cazus”) деб аталади ва жиноий жавобгарликни истисно қилади. Бундай казуслар одатда форс мажор ҳоллари, енгиб бўлмас кучлар натижасида юзага келади.

Демак, айб учун жавобгарлик принципи – ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатига нисбатан айби исботланган шахсгина жиноий жавобгарликка тортилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодекси айб учун жавобгарлик принципига амал қилинган ҳолда тузилган бўлиб, унда “Айб” деб номланган махсус боб ажратилган ва ушбу боб нормалари айбнинг шакллари, мураккаб айбли жиноятлар, айбсиз ҳолда зарар етказиш каби жиноят ҳуқуқий ҳолатларни белгилаб берган.

7. Жавобгарликнинг мукаррарлиги принципи.

Жиноят кодексининг 10-моддасида ушбу принцип белгиланган бўлиб, унга кўра :

“қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт”

Жавобгарликнинг мукаррарлиги принципи:

1. жиноят содир этган шахсга нисбатан Жиноят кодексида белгиланган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишини;

2. жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишда қонунда кўрсатилган мавжуд барча асослар ва шартлар бўлгандагина йўл қўйилишини билидиради.¹

“Бу принцип жиноят ҳуқуқий ҳусусиятдан кўра кўпроқ жиноят процессуал ҳусусият касб этади.”, - деган фикр асосида кўпчилик давлатлар Жиноят кодексига киритилмаган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1 Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва унинг ҳусусиятлари нималардан иборат?

¹ " Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 65.

2 Жиноят ҳуқуқи предмети ва жиноят ҳуқуқи фани предмети ўртасидаги нисбат нималардан иборат?

3 Жиноят ҳуқуқининг қандай функциялари мавжуд ва унинг тартибга солиш усуллари нималардан иборат?

4 Жиноят ҳуқуқи фанининг маъмурий ва фуқаролик фанлари билан боғлиқлиги ва фарқи нималарда ифодаланади?

5 Жиноят ҳуқуқи фанининг принциплари?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. ЎзР Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г.
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юрист» Разгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998. № 1/28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов,

В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"

15. Уголовное право Изд МГУ. 1998.

16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том1, С. Петербург. 1865.

17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 .

18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 .

19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.

20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973.

21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971.

22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981.

23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.

24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.

25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320

26. А.С Шляпочников Новое уголовное законодательств РСФСР. // М.:1961 г.

27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.

28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.

29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.

30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.

31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.

32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.

33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.

34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета

35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступления М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. А.А Пионтковский “Учение о преступление”. // М.:. 1961г.
39. Сундров Ф.Р Лишение свободы и ижтимоийьно психологические предпосилки его эффективности. Казань 1982г.
40. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
41. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
42. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
43. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
44. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
45. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
46. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
47. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
48. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
49. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
50. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
51. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
52. В.Я.Рыбольская “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
53. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г. стр-4
54. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
55. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
56. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

60. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

61. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

66. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

2-БОБ: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ

1. Жиноят қонуни тушунчаси, аҳамияти, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

<p><i>Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонуни</i> давлат ҳокимияти олий органининг жиноий жавобгарликнинг умумий асосларини белгиловчи, алоҳида турдаги жиноятлар ва уларни содир қилган шахсларга қўлланиладиган жазоларни кўзда тутувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқий актдир.</p>	
---	--

Умумий ҳуқуқ тизимида жиноят қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. У ижтимоий муносабатларни тартибга солибгина қолмасдан, балки, уларни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилади ҳам.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни – жиноят ҳуқуқининг принциплари в умумий қоидаларини, жиноят қонун вазифаларини, жиноят ва унинг белгиларини, жазонинг мақсади ва турларини жазо тайинлаш ва жазодан озод қилиш асосларини белгилайди.

Жиноят қонун мазмуний жиҳатдан бирор ҳаракат (масалан, фирибгарлик) қилишни ман этади ёки бирор ҳаракат қилишга(масалан, хизмат вазифаларини бажаришга) мажбур қилади. Шу билан бирга, қонун тегишли давлат ҳокимияти органи ва мансабдор шахсга жиноят қонуни ман этган ижтимоий хавфли ҳаракатни содир қилган ёки қонун талабини бажармаган шахсни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш масаласини қўяди Жиноят қонуни жамиятимизда мавжуд бўлган барча ижтимоий муносабатларни турли жиноий қилмишлардан ҳимоя қилади

Қонунларга, шу жумладан **жиноят қонунига амал қилиш**, уларни оғишмай бажариш фуқаролик ҳуқуқий давлатини куришда ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Қонун талабларидан озгина бўлсада четлашиш қонунчилгимизнинг бузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат ва жамият манфаатларини бузилишига олиб келади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари барча қонунлар учун ҳуқуқий асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари, умумий қоидалари ва моддалари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24- моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 53- моддасида эса хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида кўрсатиб ўтилган, шунингдек, баъзи оғир жиноятларга қарши кураш назарда тутилган ёки жиноят-ҳуқуқий муҳофазага муҳтож муайян ижтимоий муносабатлар жамият учун алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган ва муҳим шартларни ўзида акс эттирган яна бошқа нормалар уларни **жиноят қонунига** киритиш учун бевосита ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган приинциплари давлатнинг ички қонунчилигига нисбатан устун эканлиги тан олинган.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари Жиноят кодексининг аксарият бўлимлари, боблари ва муайян моддаларда бевосита ўз ифодасини топгандир. Чунончи, кодекс Махсус қисми ҳам бутун дунёда эътироф этилган қадриятлар тизимини инobatга олган ҳолда тузилган. Масалан, “Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган VIII бобда урушни тарғиб қилиш (150 -модда), агрессия (151-модда), геноцид (153-модда), ёлланиш (154-модда) каби жиноятлар учун жинoий жавобгарлик белгиланган. Бу эса Жиноят кодексимизга ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари киритилганлигидан далолат беради.

Қонун чиқарувчи орган, яъни Олий Мажлиснинг расмий ҳужжати ҳисобланувчи Жиноят кодексига ҳуқуқнинг мазкур соҳасидаги ягона манба мақомини бериш, барча ҳуқуқий нормаларни бир қонунда жамлаш, уларни тизимлилик принциpidан келиб чиққан ҳолда муайян кетма-кетликда жойлаштириш, барча қонунлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ҳуқуқни қўлловчиларнинг қонунлардан фойдаланишлари учун барча қулайликлар яратиш имконини беради.

Жиноят қонуни ушбу ҳуқуқ соҳасининг ягона манбаи ҳисобланади. Бошқа ҳеч бир меъёрий ҳужжат, суд прецеденти, суд қарори, урф-одатлар унинг манбаи бўла олмайди.

Жиноят қонуни тарихан ўзгарувчан ҳужжат ҳисобланади, чунки ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг

ривожланиб, ўзгариб бориши жараёнида жиноят қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида бу ҳужжатнинг тарихан ўзгаришига сабаб бўлади.

NOTA BENE!

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг вазифалари – **биринчидан**, шахсни унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этишдан; **иккинчидан**, жиноятларнинг олдини олишдан; **учинчидан**, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят қонунининг асосий вазифаси шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Зеро, ушбу қонун билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатлар ҳар қандай демократик давлатнинг негизини ташкил этади. Мазкур вазифа, яъни махсус ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш муҳофаза муносабатлари воситасида амалга оширилиб, бундай муносабатлар тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтданок пайдо бўлади.

Жиноят қонунининг бу вазифаларни амалга ошириши учун унда жавобгарлик асослари ва принциплари мустаҳкамланган ва қайси ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлиги белгиланган.

NOTA BENE!

Жиноят қонуни жазолаш таҳдиди асосида жиноят ҳисобланувчи ижтимоий хавфли қилмишни содир этилишини тақиқлайди. Шу билан бир қаторда, жиноят қонуни ҳам тақиқловчи, ҳам мажбурий ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи нормалари иккита:

- 1) **огоҳлантириш функцияси;**
- 2) **тарбиялаш функциясини** бажаради.

Огоҳлантириш функцияси жиноят ҳуқуқи нормасида белгилаб қўйилган санкция орқали содир этилган қилмиш учун жазо қўллаш орқали жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни огоҳлантиради.

Жиноят қонунининг функциялари:

- 1) регулятив (жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади);

2) негатив (жиноят қонуни билан тартибга солинадиган манфаатларни муҳофаза этади);

3) аксиологик (жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган объектларни қадрият сифатида жинойий тажовузлардан муҳофаза этади);

4) превентив (жинойий тақиқларни ва уларни бузганлик учун санкциялар белгилайди).

Жиноят қонуни шахсларни қонун талабларини сўзсиз равишда бажариш руҳида тарбиялаш, жиноят содир этган шахсга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга йўналтирилгандир.

NOTA BENE!

Юқоридагилардан келиб чиқиб жиноят қонунининг асосий белгиларини кўрсатиш мумкин. Жумладан:

1. жиноят қонуни бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига асосланган Олий қонун чиқарувчи органнинг норматив меъёрий ҳужжати;
2. жиноят қонунининг асосий белгиси унинг шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, табиий мухитни, мулкни, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишида ифодаланади;
3. ҳуқуқий давлатда жиноят қонуни ҳокимият томонидан амалга оширилиб, жамиятни соғломлаштиришга қаратилади;
4. жиноят қонуни жиноят ҳуқуқининг ягона манбаи бўлиб, жиноят ҳуқуқи нормалари фақат жиноят қонунида акс эттирилади ва фақат жиноят қонунигина қилмишнинг жинойийлигини ҳамда жазога сазоворлигини белгилайди;
5. жиноят қонуни жавобгарликнинг асосий приципларини ўзида мужассамлаштиради;
6. жиноят қонунининг ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят эканлигини, ушбу қилмишга нисбатан тайинлайдиган жазо чорасини ёки алоҳида ҳолларда уларни жазодан озод қилиш шартларини белгилайди;
7. жиноят қонуни ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий иқтисодий ва мафкуравий ҳолатига боғлиқ, бу шароитнинг ўзгариши билан жиноят қонуни ёки унинг алоҳида нормаси қонун чиқарувчи томонидан ўзгартирилади;
8. жиноят қонуни огоҳлантириш ва фуқароларни қонунга риоя қилиш руҳида тарбиялаш функциясини бажаради.

5) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, жиноят қонуни нормаларининг тузилиши.

1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу Жиноят кодекси 1959 йилда қабул қилиниб 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексидан тамомила фарқ қилади.

Жиноят кодекси муайян тизим асосида тузилган бўлиб, у икки – Умумий ва Махсус қисмларга бўлинади. Ушбу икки қисм биргаликда бир бутун яхлитликни ташкил этади, аммо айти пайтда улар ўз нормаларининг моҳияти, мазмунига кўра билан тубдан фарқ қилади.

Умумий қисм етти бўлим, ўн етти бобдан иборат.

Биринчи бўлим – Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунининг умумий қоидалари деб номланиб, кодекснинг вазифалари, принциплари кодекснинг амал қилиш доирисини белгилловчи биринчи боб ва кодекснинг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши, кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши, қонуннинг вақт бўйича амал қилишини белгилловчи иккинчи боблардан иборат.

Иккинчи бўлим – “Жавобгарлик асослари” жиноят тушунчаси, жиноятларни таснифлаш, жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар, айб ва унинг шакллари, жиноятда иштирокчилик, такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноят тушунчасини ифодаловчи нормалардан иборат.

Учинчи бўлим – “Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар”, уларнинг турлари, кам аҳамиятли қилмишлар, зарурий мудофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш, бўйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли товаккалчилик тушунчаларини ифодаловчи нормаларни ўз ичига олади.

Тўртинчи бўлим – “Жазо ва уни тайинлаш” – жазо тушунчаси ва мақсадлари, жазо тизими, жазо тайинлашнинг умумий асослари, жозани енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, енгилроқ жазо тайинлаш, томом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш,

жазоларни кўшишни ҳисобаш қоидалари, дастлабки қамоқ вақтини ҳисобаш, жазо муддатларини ҳисобаш тартибини белгиловчи нормалардан иборат.

Бешинчи бўлим – “Жавобгарлик ва жазодан озод қилиш” жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, ярашганлик муносабати билан жазодан озод қилиш, касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш, амнистия акт асосида жавобгарликдан озод қилиш, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, шартли жазо белгилаш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш, судланганлик тушунчаларини ифодаловчи нормалардан иборат.

Олтинчи бўлим – “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари” жазо тизими, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш, жазо тайинлаш, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, мажбурлов чоралари, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштиришдан иборат.

Еттинчи бўлим – “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари” мажбурлов чораларининг мақсадалри, уларни қўллашнинг умумий асослари, турлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш, муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш, алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш тартибларини белгиловчи нормалардан иборат.

Собиқ Иттифоқ даврида жинойт қонуни Умумий қисми каби Махсус қисмининг ҳам тизимининг тугалланган кўринишдаги назарий канцепцияси ишлаб чиқилмаган бўлиб, унинг асосий сабабларидан бири жинойт қонунларининг илмий асосланган тузилишига етарли эътибор қаратилмаганлиги эди.¹ Норматив

¹ Ляпунов Ю. И., Мшвениерадзе П.Я Основы систематизации норм Особенной части уголовного права. Правоведение, 1985, №3, 25-бет

материалларни тизимлаштириш муаммоси услубий жиҳатдан шунинг учун ҳам мукамал бўлиши керакки, у ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мазмуннинг асосий йўналишларини белгилаб беришда асосий рол ўйнайди. Чунки ҳуқуқнинг бу соҳаси жамиятнинг иқтисодий базисини ўзида акс эттирмасада, уларнинг объектив алоқалари, ижтимоий аҳамиятини ўзида ифодалаши зарур ва бу нарса ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятидир. Жиноят ҳуқуқи, жумладан, Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмларининг ички уйғунлигини тўла таъминлашга кафолат бўлиб хизмат қилади. Жиноят кодекснинг Махсус қисмида жиноят деб ҳисобланувчи муайян ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари кўрсатилган. Жиноят кодексининг Махсус қисми ҳам муайян бўлим ва боблардан иборат. Мазкур бўлинишларнинг асосий белгиси – уларнинг муайян турга оид белгиларига тааллуқлилигидир. Ҳар бир бобда бир-бирига турдош муносабатлар гуруҳининг таркибий қисми бўлган муайян ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган барча жиноятларнинг тўла рўйхатини бериш кўзда тутилган. Шу ўринда А.С Якубовнинг «Жиноят кодекси Махсус қисми тизимини тузиш учун махсус объект асос бўлиши керак»¹, деган фикри катта аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Махсус қисмни қуйидаги қисмларга бўламиз. Жумладан:

Биринчи бўлим – “Шахсга қарши жиноятлар”. Бу аввалги кодекслардан фарқли равишда жамиятимизда ҳуқуқий, демократик тамойилларини амалга ошириш йўлида жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида инсоннинг мавқеи юқори даражага кўтарилганлигидан далолат беради. Республикамиз Жиноят кодекси Махсус қисмида шахс ҳаёти, соғлиги озодлиги, шаъни ва кадр қимматига қарши жиноятларнинг биринчи ўринга қўйилганлиги ва улар учун анча оғир жазолар белгиланганлиги Ўзбекистон республикасининг БМТ аъзоси сифатида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”да кўрсатилиб ўтилганидек, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятига амал қилаётганлиги, шу билан бирга, Конституциямизнинг 2-, 13-, 18-моддаларида кўрсатилган нормаларга изчил риоя қилинаётганлигининг яққол намунаси. Бу бўлим қуйидаги: ҳаётга қарши жиноятлар (1 боб), соғлиққа қарши

¹ Якубов А.с Предпосылки уголовно-правовой реформы в Республики Узбекистан Т., 1994. С.-47

жиноятлар(2 боб), ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар (3 боб), жинсий эркинликка қарши жиноятлар (4 боб), оилага, ёшларга, ва ахлоққа қарши жиноятлар (5 боб), шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр қимматига қарши жиноятлар (6 боб), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар(7 боб);

иккинчи бўлим – “Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар” тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар (8 боб), Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар (9 боб);

Учинчи бўлим – “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” бўлимида аввалги Жиноят кодексларидан фарқли ўлароқ, мулкнинг ҳамма турларига нисбатан содир қилинган жиноятлар учун бир хилда жазо белгиланган бўлди Бу бўлим қуйидаги тартибда ташкил топган: ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар (10 боб), ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (11-боб), иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (12 боб), хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (13 боб);

тўртинчи бўлим – “Экология соҳасидаги жиноятлар” учун Жиноят кодекси Махсус қисмида биринчи марта алоҳида бир бўлимда жавобгарлик белгиланди. Буни эса Жиноят кодексимизнинг алоҳида сифат белгиси дейишимиз мумкин. Бу бўлим қуйидаги тартибда ташкил топган: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар (14 боб);

бешинчи бўлим – “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бошқарув тартибига қарши жиноятлар (15 боб), одил судловга қарши жиноятлар (16 боб);

олтинчи бўлим - “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (17 боб), транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар (18 боб), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (19 боб), жамоат тартибига қарши жиноятлар (20 боб);


еттинчи бўлим – “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” бўйсунуш ва ҳарбий шахсга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар (21 боб), ҳарбий хизмат ўташ тартибига қарши жиноятлар (22 боб), ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар (23 боб), ҳарбий мансабдорлик жиноятлари (24 боб);

саққизинчи бўлим - «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»да айрим киритилган атамаларнинг ҳуқуқий маъноси очиб берилган.

Махсус қисм моддалари «хусусий моддалар» деб ҳам номланади. Чунки уларда кўзда тутилган жиноят турларининг белгилари ва унга мувофиқ жиноятни содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари ҳам ўз аксини топган.

Махсус қисм нормалари – ижтимоий ҳавфли қилмишнинг белгиларининг ифодаланувчи **диспозиция**, жазани тури ва ўлчамини белгиловчи **санкциядан** иборат. Диспозицияда алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларнинг таърифи берилади.

Жиноят ҳуқуқий нормаларда диспозициянинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва ҳаволаки диспозиция назарда тутилади.




Оддий диспозицияда жиноят таркибининг белгилари ифодаланмасдан, жиноятнинг умум эътироф этилган номи кўрсатилади. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш жинояти (222-модда 1-қисм). Бундай диспозицияда жиноятнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Баъзан бундай диспозициялар «номланувчи диспозиция» деб ҳам аталади.

Тасвирловчи диспозицияда муайян жиноят турининг белгилари кўрсатилади. Масалан, фирибгарлик жиноятини ифодаловчи 168-моддада жиноятнинг номи кўрсатилмасдан, унинг асосий белгилари ҳам кўрсатиб берилган: фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистехмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкрий ҳуқуқини қўлга киритиш.

Бланкет диспозицияда муайян жиноятнинг белгилари бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки меърий ҳужжатлар асосида аниқланади. Масалан, Жиноят кодекси 200-моддаси диспозицияси, унда ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш хайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизотияси) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса ушбу модда билан жавобгарликка тортишга асос бўлади, дейилган. Ветеринария қоидалари ва зоотехника қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки тегишли вазирликларнинг йўриқномаларида белгилаб қўйилиши мумкин. Жиноятнинг объектив томонини аниқлашда ушбу қоидалар кўрсатилган ҳужжатларга мурожаат қилинади ва қайси қоидалар бузилганлиги аниқланади. Бланкет диспозиция қонунларни ихчамлаштириш ва амалда қўлланишини осонлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳаволаки диспозицияда норманинг мазмунини аниқлаш учун кодекснинг бошқа бир нормасига мурожаат этилади. Масалан, Жиноят кодексининг 100- моддасида зарурий муодофа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш жинояти берилган. Зарурий муодофа ҳолатини аниқлаш учун Жиноят кодексининг 37- моддасига мурожаат қилиш лозим.

Аралаш (комбинациялашган) диспозиция диспозициянинг икки ёки ундан ортиқ элементларидан иборат бўлади. Масалан, Жиноят кодексининг 137-моддаси 1-қисмига кўра, ушбу кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғирлаш жиноят деб ҳисобланади. Ушбу моддада диспозициянинг ҳам оддий (одам ўғирлаш), ҳам ҳаволаки (Жиноят кодекси 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаса) турлари мавжуд бўлганлиги сабабли “аралаш” деб юритилади.



Ҳуқуқ назариясида санкциянинг қуйидаги турлари мавжуд: *нисбий муайян, мутлоқ муайян, альтернатив ва ҳаволаки санкциялар.*

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида нисбий муайян ва альтернатив санцияларназарда тутилган:

Нисбий муайян санкция – жазо миқдорининг муайян чегарасини (қисмини ёки энг қуйи ва энг юқори қисмини) белгиловчи санкция. Масалан, Жиноят кодексининг 99-моддасида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиргани учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, қасддан одам ўлдирганлик учун 97-моддаси биринчи қисмида ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Альтернатив санкция – икки ёки ундан ортиқ жазо турларидан бирини қўллаш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Масалан, Жиноят кодекси 206–моддаси 1-қисмида ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиққанлик учун беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турлари белгиланган. Альтернатив санкциянинг белгиланиши судьяларга шахснинг ижтимоий хавфлилигига, қилмишнинг хусусиятига қараб жазолардан бирини тайинлаш имконини беради.

Ҳаволаки санкция жазонинг тури ва миқдорини аниқламасдан, кодекснинг бошқа моддаси санкциясини қўллаш лозимлигини кўрсатади. Амалдаги Жиноят кодексида санкциянинг бу тури мавжуд эмас.

<u>NOTA BENE!</u>	
--------------------------	--

<p>Санкция – Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси диспозициясида назарда тутилган жиноят учун белгиланган жазо тури ва миқдорини белгиловчи қисми; санкциянинг оғирлигига қараб турли жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини таққослаш мумкин.</p>
--

Мутлақ майян санкцияда битта жазо чораси кўрсатилган санкция бўлиб, унда жозонинг тури ва аниқ миқдори кўрсатилади. Кўпчилик давлатларнинг Жиноят кодексида ушбу санкция тури мавжуд эмас, хусусан бизнинг Жиноят кодексимизда ҳам.

Кумулятив санкцияда асосий жазо чораси билан бирга қўшимча жиноят ҳуқуқий таъсир чораси ҳам белгиланади. Масалан, ЎзР Жиноят кодекси 266-моддасида “Транспорт воситаларининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш”

учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда озодликдан маҳрум этиш санкциялари белгиланган.

Санкциянинг юқоридаги турларини белгиланиши судга қайси жазо турини белгилашни ва унинг миқдори қандай бўлишини кўрсатиб беради. Санкциянинг тузилиши диспозициянинг хусусиятига боғлиқ: жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қанча юқори бўлса, жазо ҳам шунча оғир бўлади; аниқ бир жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги қанча юқори бўлса, санкциянинг доираси ҳам шунча кенг бўлади.

Жиноят ҳуқуқий норма давлат органи орқали таъминланадиган, унинг қоидалари бузилган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо чорасини қўллаш ҳолатини вужудга келтирувчи жиноят қонуни билан белгиланган юриш-туриш қоидасидир.

Жиноят ҳуқуқий нормани жиноят қонуни моддасидан фарқлаш лозим. Жиноят қонуни нормаси – бу юриш-туриш қоидаси, жиноят қонуни моддаси эса- бу унинг ифодаланиш шакли. Жиноят ҳуқуқи нормаси фақат жиноят қонуни билан белгиланади, ҳуқуққа хилофлилик таъқиқланган ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуқий ифодаси ҳисобланади.


Жиноят ҳуқуқи нормаси ҳар доим муайян юриш-туриш қоидасини белгилайди: одам ўлдирмаслик, ўғирлик қилмаслик кабилар. Қонунда бу талабларнинг қўйилганлиги шахсларнинг ижтимоий ҳаётда турли вазиятларда қандай ҳаракат қилиши кераклигини белгилайди.

Жиноят қонунининг ихтисослаштирилиши *биринчидан*, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш орқали тартибга солинади, *иккинчидан*, жиноят ҳуқуқи санкциясига кўра бошқа ҳуқуқ соҳаларида мавжуд бўлмаган жавобгарлик ва давлатнинг мажбурлов чораси бўлган жазони қўлланилади.

Жиноят ҳуқуқи нормаси барча фуқароларга ёхуд муайян доирадаги шахслар (мансабдар шахсларга, ҳарбий хизматчилар)га нисбатан қўлланилади.

Жиноят қонунининг амал қилиши у қонуний кучга кирган пайдан бошланади. Худди шу пайдан бошлаб жиноят қонунининг тартибга солувчи функцияси ҳаракатга келади.

б) Жиноят қонунини шарҳлаш.



Ҳуқуқ нормларини шарҳлаш – бу тафаккур жараёни бўлиб, у кодексдаги атамалар ва ифодаларнинг маъносини очиқ бериш асосида жиноятлар ҳуқуқий нормаларни тушунтиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 31-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган ёки у амалиётда нотўғри ва мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади. Шарҳлаш жараёнида норматив ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар, ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди. Қонунларга Конституциявий суд, қонун ости ҳужжатларига эса уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Қонунни шарҳлашнинг мақсади қонун талабидан келиб чиққан ҳолда уни аниқ тушунтиришдан иборатдир. Жиноят қонунини шарҳлаш субъекти, шарҳлаш усули ва шарҳлаш ҳажмига кўра қатор гуруҳларга бўлинади.

Кодекс шарҳловчи субъектига кўра: легал шарҳлаш, суд томонидан шарҳлаш, илмий (доктринал) шарҳлаш турларига бўлинади.

Легал шарҳлаш қонунда бундай ваколат берилган давлат органи томонидан амалга оширилади. Бу шарҳлаш расмий бўлиб, мажбурий

аҳамиятга эгадир. Бу шарҳлаш **аутентик шарҳлаш** деб ҳам юритилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шундай ваколатга эга бўлган органдир. Қонунни шарҳлашнинг бу тури қонуний кучга эга бўлади. Бундай шарҳлаш янги қонунни вужудга келтирмайди, балки, амалдаги қонунларни тушунтиради.

Суд томонидан ёки казуал шарҳлаш суд томонидан аниқ бир жиной ишни кўришда амалга оширилади ва шу иш учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади. Суд томонидан қонунни шарҳлашга Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги қарорларини мисол келтиришимиз мумкин. Олий Суд Пленуми судлов амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш натижасида, шунингдек суд идораларининг, прокуратура ва бошқа қонунни қўллайдиган идораларнинг сўровларига жавоб сифатида ҳам у ёки бу қонуни тушуниш ва тадбиқ этишнинг тўғрилигига оид тушунтиришлар беришга ҳақлидир. Бу кўрсатмалар уларни қўлловчи органлар учун мажбурий ҳисобланади. Масалан, “Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”, “Контрабанда ва божхона қоидаларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари ҳам суд шарҳи ҳисобланади. Бу шарҳлаш **норматив шарҳлаш** деб ҳам юритилади.

Илмий ёки доктринал шарҳлаш илмий муассасалар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан қонунга берилган шарҳлардир. Ушбу шарҳлаш турини биз илмий мақолаларда, монографияларда учратишимиз мумкин. Доктринал шарҳлаш мажбурий бўлмасада, лекин жиноят қонунини тўғри тушуниш ва тўғри қўллашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга у қонунчиликни такомиллаштириш, фаннинг тараққиётига ҳизмат қилади.

Шарҳлаш усулига кўра грамматик (филологик) шарҳлаш, систематик шарҳлаш, тарихий шарҳлаш, мантиқий шарҳлаш каби турларга бўлинади.

Грамматик (филологик) шарҳлашда қонун нормалари адабий тил меъёрлари асосида шарҳланади. Бунда қонун нормалари грамматик, синтактик, этимологик қоидалар асосида тушунтирилади. Масалан, Олий Суд Пленумининг “Контрабанда ва божхона қоидаларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти

ҳақида”ги 1996 йил 27 февралдаги 2-сонли қарорида Жиноят кодекси 246- ва 182-моддалари диспозициясида назарда тутилган ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона назоратидан четлаб, Ўзбекистон божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда нималарнинг тушунилиши лозимлиги шарҳлаб берилган.

Тизимли шарҳлаш қонуннинг турли нормаларини бошқа қонунлари билан таққослаб ва изоҳланадиган норманинг қонунчилик тизимидаги, амалдаги жиноят қонунидаги тутган ўрни мазмунан тушунтирилади ва бошқа қонун нормаларидан фарқлари кўрсатилади. Масалан, содир этилган жиноят натижасида баданга оғир шикаст етказилган бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг қайси моддаси билан квалификация қилиш лозимлигини аниқлаш учун тизимли шарҳлаш, яъни Жиноят кодексининг 104, 106, 107, 108 ва бошқа қатор моддалари қиёсий таҳлил қилиниши зарур бўлади.

Тарихий шарҳлаш ҳуқуқ нормаси қабул қилинган давлатда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият, ушбу ҳуқуқ нормасининг қабул қилинишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилади. Бунда амалдаги қонуннинг маъноси, тарихан мазкур нормани ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ материаллар асосида, шунингдек унинг илгариги кўринишлари билан таққосланади.

Мантиқий шарҳлаш. Ҳар қандай шарҳлаш мантиқ қоидалари асосида шарҳланади.

Жиноят қонунини хажмига кўра шарҳлаш эса мувофиқ (сўзма-сўз), кенгайтирилган, чекланган шарҳлаш турларига бўлинади.

Мувофиқ (сўзма-сўз) шарҳлаш, қонун матнига айнан мос равишда шарҳ берилишидир, яъни норманинг маъноси ва мазмуни унинг қонундаги матнига мос равишда сўзма-сўз ифодаланган бўлиши керак.


Кенгайтирилган шарҳлашда қонунни мазмуни унинг матнидан кўра кенгроқ очиб берилиши тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1996 йил 27- февралдаги 2-сонли қарорида, Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддалари диспозициясида назарда тутилган ашёларни товар ва бошқа қимматликларни божхона назоратидан яшириб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни хуфия жойлардан ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир

тусдаги ашёга иккинчисининг кўринишини бериб ўтказиш тушинилиши лозимлиги кенгрок тушунтириб ўтилган.

Чегараланган шарҳлаш деганда қонун матнига айнан белгиланган маъно берилмай, балки уни чегараланган маънода бериш тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддасидаги жиноятга суиқасд қилиш қасддан содир этилади. Аммо қасд тўғри ва эгри қасдларга (Жиноят кодексининг 21-моддаси) бўлинади. Жиноят кодексининг 25-моддасида қасднинг аниқ тури кўрсатилмаган. Жиноят ҳуқуқи фани ва суд амалиётида жиноят содир этишга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этиладиган жиноятларда бўлади, деб ҳисобланади. Бунда жиноят қонуни матнини чегаралаб беряпти.

Чегараланган ва кенгайтирилган шарҳлаш қўлланилганида қонун мазмунининг ҳажмини ўзгартирилишига, янги ҳуқуқий нормаларнинг ижод қилинишига йўл қўйилмайди.

7) **Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши.**



Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши ҳудудийлик фуқаролик, универсал ва аниқлик принципларига асосланади.

Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши ҳақидаги масала муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир, чунки бу масала давлатимизнинг мустақиллиги ва суверен ҳуқуқи билан бевосита боғлиқдир.

Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши Жиноят кодексининг 11-12 моддаларида берилгандир. Жиноят кодексининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган

шахсларга нисбатан тадбиқ этиладиган қоидалар белгилаб берилган. Унга мувофиқ қилмиш:

1. Ўзбекистон ҳудудида бошланган, томомланган ёки тўхтатилган бўлса;

2. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юз берган бўлса;

3. Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

4. Бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудда содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон байроғи остида ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган денгиз ёки ҳаво кемаси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодекси 11-моддасига биноан жиноятга тайёргарлик ёки суиқасд қилиш чет элда амалга оширилиб, Ўзбекистон ҳудудида тугатилса ёки жиноий оқибат рўй берса, жиноят республика ҳудудида содир этилган, деб ҳисобланади. Ушбу моддадаги қоидаларга кўра, агар жиноятга тайёргарлик кўриш, далолат қилиш, ёрдамчилик чет эл давлатларда содир этилса-ю, бажарувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилган бўлса, ёки аксинча, иштирокчилик Ўзбекистон ҳудудида рўй бериб, бажарувчи чет элда ҳаракат қилган бўлса, жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган ҳисобланади.

Агар қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ хал қилинади.

Жиноят кодексининг 11-моддасида ифодаланган **ҳудудийлик принципи** шуни англатадики, бу принцип давлат ҳокимиятининг суверинитетидан келиб чиқади ва унинг ҳуқуқда, хусусан жиноят ҳуқуқида ифодаланиши ҳисобланади. Давлат суверенитети ва ҳудудийлик принципи давлат ҳокимиятининг муаян ҳудуд доирасида чегараланганлиги ва унинг қонунлари ушбу ҳудуддагина амал қилишини англатади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳар бир шахс унинг Ўзбекистон Республикаси

фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жавобгарликка тортилади. Ер шарининг муайян бир қисмида Ўзбекистоннинг мустақил ҳудудга эга эканлиги унинг суверен давлат бўлишини таъминлайди. Давлатнинг ҳудудиди деганда, Ўзбекистон суверенитети остида бўлган ҳудуд тушунилади. Бу ҳудуд қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари чегараси билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига дипломатик ва консулликлар жойлашган чет давлатдаги ҳудудлар ҳам киради. Улар жойлашган ҳудуд халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига кўра экстерриториал, яъни уларда жиноят содир этилса, маҳаллий қонунга эмас, балки улар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг миллий қонунчилигига асосан жавобгарлик масаласи ҳал қилинади. Шунинг учун дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларида содир этилган жиноятлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан жавобгарликка тортилади. Республикада бошқа давлатларнинг ваколатхоналари ҳудудидида содир этилган жиноятлар ҳам шундай ҳал қилинади. Ваколатхона ҳудуди сифатида нафақат ваколатхона бинолари, шунингдек, бу бино жойлашган ер участкаси, ушбу давлат ҳудуди юрисдикциясида имунитетга эга бўлган ваколатхона бошлиқлари, хизматчилари томонидан эгалланган яшаш жойлари, уларнинг машиналари ҳам ҳисобланади.

Агар жиноят ваколатхона ҳудуди ёки унинг хизматчиларига қарши Ўзбекистон ҳудудидида туриб содир этилса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида содир этилган, бошқа ҳолларда эса бошқа давлат ҳудудидида содир этилган ҳисобланади.

Ер юзи чегараси халқаро битимлар билан белгиланган давлат чегарасидир. Ер юзи чегарасига сув билан қопланмаган ҳудудлар шунингдек ороллар киради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида сунъий равишда ҳосил қилинган ҳудудлар ҳам, масалан сунъий ороллар, сувда қурилган уй, шунингдек техник қурилмалар масалан, кўприклар, сув ости қувурлари ҳам ер юзи чегараси ҳисобланади. Анклавлар (бошқа давлат чегаралари билан тўрт томондан ўралган ва денгизга чиқиш мумкин бўлмаган ҳудудлар), шунингдек қаттиқ ҳолдаги сув ресурслари – музликлар ҳам ер юзи чегараси сифатида эътироф этилади.

Сув чегараси – давлат ҳудудидаги суяқлик ҳолида мавжуд бўлган сувлардир. Сув чегараси ички ва ҳудудий сувларга бўлинади. Ер ости сувлари ва минерал сувлар сув чегарасига кирмайди.

Агар сув (кўллар, дарёлар) бир неча давлат чегараси доирасида бўлса, кўллар махсус чегара белгилари билан, дарёлар сув оқимининг ўрта қисмидан чегараланади. Масалан, Ўзбекистон билан Афғонистон чегараси Амударёнинг узунига сув ўртаси ҳисобланади. Очiq денгиз ва океанлар ҳеч бир давлатнинг ҳудуди ҳисобланмайди. Денгиз ва океанлар билан туташган давлатнинг сув чегараси эса халқаро битимлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунининг амал қилиш доираси қайси давлат ҳудудида бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий кемалари ва самолётларига нисбатан ҳам амал қилади. Жиноят қонунининг амал қилиш доираси очiq денгизда сузаётган ҳарбий бўлмаган кемалар ва улар устидаги ҳаво хавзаларида учаётган самолётларга нисбатан ҳам амал қилади.

Ҳаво хавзаси деганда, қуруқлик ва сув устидаги ҳудуд тушунилади.

Жиноят кодекси 11-моддасида белгиланган тўртта ҳолат нафақат ўзининг мазмуни жиҳатидан объектив ҳисобланади, балки, қонунда бу ҳолат жиноят таркиби объектив томони белгиларига қараб белгилаган. Бу элементлар бевосита жиноят объектив томонини ташкил этади. Бошқа белгилар жиноятни содир этилган ҳудудини аниқлашага таъсир кўрсатмайди, аммо суд ва тергов органлари томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Жиноят кодекси 11-моддаси жиноят содир этилган ҳудудни унинг намоён бўладиган турли шаклларига нисбатан (жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш, иштирокчиликда жиноятни содир қилиш) жиноят таркибига доир қоидаларни аниқлаш имконини беради.

Қонунга кўра жиноят таркибига объектив томондан фақат ижтимоий хавфли бўлган қилмишларгина киритилади, жиноятнинг оқибати эса бунга киритилмайди, чунки қилмишни юридик баҳолаш учун рўй бериши мумкин бўлган оқибат эътиборга олинмайди, муайян ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган жой жиноятнинг содир этилган жой ҳисобланади.

Жиноят таркибининг объектив томонига ижтимоий хавфли қилмиш билан бир қаторда жиноий оқибатлар ҳам киритилади, қоидага кўра, муайян ижтимоий хавфли оқибат рўй берган жой

қилмиш содир этилган жой деб ҳисобланади. Бу қоида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бошланган, лекин оқибати эса Ўзбекистон ҳудудида рўй берган қилмишларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Узоққа чўзилган, давомли, мураккаб таркибли жиноятлар содир этилган жойни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар бир неча давлат ҳудудларида бажарилган ҳолларда пайдо бўлади. Жиноят кодексининг 11-моддаси 2-қисми “г” бандига мувофиқ агар Ўзбекистон ҳудудида бошқа қилмишлар билан қўшилиб ёки муқобил равишда ягона мураккаб жиноятни вужудга келтирган ҳаракатларнинг фақат бир қисми бажарилган, бошланган, тугатилган ёки тўхтатилган бўлса, у ҳолда жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб ҳисобланиши лозим.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг жойини аниқлашда бажарувчининг жиноий хатти-ҳаракатни амалга оширган жойи инобатга олиниши керак. Шу боисдан агар ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширган, айти пайтда бажарувчи муайян жиноят тартибини қисман ёки тўла Ўзбекистон ҳудудида бажарган бўлса, у ҳолда, бундай жиноятни содир этилган жойи Ўзбекистон Республикаси деб топилиб, барча жиноят иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига биноан жавобгар қилиниши лозим. Ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ўз вазифаларини Ўзбекистон ҳудудида бажарган бўлса-ю, лекин, бажарувчи жиноятни мазкур ҳудуддан ташқарида содир этган ҳолларда ҳам масала худди шундай хал қилинади.

Жиноят кодекси 11-моддаси 4-қисмига мувофиқ, шунингдек “Чет эл давлатларининг дипломатик ва консуллик ваколатханалари тўғрисида”ги Низомга кўра, қуйидагилар жиноят юрисдикциясидан, яъни шахсий иммунитетдан фойдаланадилар ва дахлсиз ҳисобланадилар:

- 1) дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари (элчи, ишончли вакил);
- 2) маслаҳатчилар;
- 3) савдо вакиллари ва уларнинг ўринбосарлари;
- 4) ҳарбий-денгиз ва ҳарбий ҳаво атташелари;
- 5) секретар—архивариуслар;
- 6) уларнинг оила аъзолари ва улар билан бирга яшовчилар.

Ўзбекистон Республикасида жиноий юрисдикциядан чекланган даражада консуллик хизматидаги мансабдор шахслар, дипломатик

ваколархоналар ходимлари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахслари, парламент ва ҳукумат делегацияларининг аъзолари фойдаланадилар.

Худудий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар доираси манфаатдор тарафларнинг келишувига мувофиқ кенгайтирилиши мумкин.

Худудий дахлсизлик ҳуқуқи шунингдек, дипломатик ваколатхоналарнинг худуди, хизмат ва турар жойларига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Аммо бу ҳуқуқ дипломатик вакиллик функциялардан ғараз мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

Жиноят кодексининг 12-моддаси жиноят қонунида назарда тутилган **фуқаролик принципа** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиниши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тадбиқ этилади.

Фуқаролик принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг худудийлик принципи бўйича амал қилишини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи принцип ҳисобланади.

Фуқаролик принципа мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар республика худудидан ташқарида жиноят содир этганда ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан жавобгарликка тортилади. Бунинг учун улар ўша давлат судининг ҳукми билан жавобгарликка тортилмаган бўлишлари лозим.

Жиноят кодекси 12-моддаси 3-қисмида жиноят қонунининг худуд бўйича амал қилиши **универсаллик принципа** асосланишини белгилаб қўйилган. Унга кўра чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон худудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон худудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодекси 12-моддаси 1-қисмида қатор шартлар мавжуд. Бу шартлар фуқаролик принципнинг қуйидаги элементларини ифодалайди:

- 1) алоҳида белгиланган субъектив таркиб;
- 2) ушбу принципнинг амал қилиш ҳудуди;
- 3) жиноий жавобгарликка тортиш асоси;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортишни истисно қилувчи ҳолатлар.

Фуқаролик принциби субъектив таркибнинг белгиси жиноят қонунининг қонунда кўрсатилган шахслар тоифасига, яъни республика фуқаролари ва республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар нисбатан амал қилишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслардир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатларга паспорт, паспорт олингунга қадар туғилганлик гувоҳномаси киради.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бизнинг Республикамиз фуқароси ҳисобланмаган ва ўзининг бошқа давлат фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган шахслардир. Жиноят кодекси 12-моддасига кўра бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этган ҳар қандай шахслар эмас, балки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар деганда, республика ҳудудида доимий яшашга рухсат берилган шахслар тушунилади.

Фуқаролик принципнинг яна бир элементи Жиноят кодексининг ҳудудийлик принциби ҳисобланади. Фуқаролик принциби жиноят Ўзбекистон Республикасидан ташқарида содир этилганлигида қўлланилади.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асоси сифатида кодексга кўра нафақат жиноятнинг бошқа давлат ҳудудида содир этилганлиги кўрсатилган.

Бу ҳолатда муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қуйидаги икки шарт талаб қилинади.

- 1) қилмиш қайси давлатда содир этилган бўлса, шахсининг ана шу давлат қонунини билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланганлиги;

2) бу қилмишни ЎзР Жиноят кодексига кўра жиноят деб квалификация қилиниши.

Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилишининг **универсаллик принципи** халқаро жиноятчиликка қарши кураш заруратидан келиб чиққан бўлиб, унинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир давлат унинг ҳудудида халқаро битимларда кўзда тутилган жиноятларни содир этган чет эл фуқароларига нисбатан ўз жиноят қонунини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари бошқа давлатлар жиноят қонунини жиноят қонунини ҳудуд бўйича амал қилишининг **аниқлик принципи** ҳам мавжуд. Бу принципга кўра қилмиш давлат ёки унинг фуқаролари манфаатларига зарар етказса, ҳар бир давлат ўз ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ўз жиноят қонунини тадбиқ этади.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет эл давлати ҳудудида жиноят содир этган бўлса, халқаро битим ва шартномаларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ушлаб берилиши мумкин эмас. Агар халқаро битимларда ёки шартномаларда жиноятчиларни ушлаб бериш назарда тутилган бўлса ва уларга Ўзбекистон Республикаси қўшилган, бу шартнома Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган бўлса, жиноятчи ушлаб берилиши мумкин. Бу халқаро жиноятчиларни ушлаб бериш принципи дейилади. Бу принципга мувофиқ жиноят содир этган шахс жиноят содир этилган давлатга ёки жиноят қаратилган давлатга ёхуд қайси давлатнинг фуқароси бўлса ўша давлатга топширилади. Жиноятчиларни ушлаб бериш (экстрадиция) икки томонлама (масалан, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги) шартномалар асосида тартибга солинади.

5. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13–моддаси 1-қисмига кўра қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Жиноят қонунини вақт бўйича амал қилишини тўғри белгилаш қуйидаги:

- а) қонуннинг амал қилиш вақтини аниқлаш зарурлиги;
- б) жиноят содир этилган вақтни аниқлаш каби шартларга асосланиши керак.

Амалга киритилган ва ўз кучини йўқотмаган қонун амалда деб ҳисобланади. Ҳар бир аниқ ҳолатда жиноят содир этилган пайтда амалдаги жиноят қонуни кучга кирганлигини аниқлаш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни кучга кириши, амалда бўлиши Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонунига кўра қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳоқамасига қўйиш ташаббуси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар ва шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссияларига тегишлидир. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳоқамаси учун умумхалқ муҳоқамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин ўн кундан кечиктирмай “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида эълон қилинади. Улар махсус нашрларда ва оммавий ахборот воситаларида ҳам чоп этилиши мумкин. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳоқамаси ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик ва эркин фикр билдириш принциплари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 26-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилингандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради”. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳамманинг эътибори учун эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тартилиши ёки мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, «Халқ сўзи» ва «Народное слова» газеталари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбаалар ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изох берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади. Қонун амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ходиса юз бергунга қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунга ёки ходиса юз бергунга қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга, бошқа ходиса юз бергунга қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Норматив ҳуқуқий-ҳужжат (қисми)нинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- норматив ҳуқуқий-ҳужжат (қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ходиса бошланганида;
- норматив ҳуқуқий-ҳужжат (қисми) қонунда белгиланган тартибда конституцияга мувофиқ эмас деб топилганида;
- норматив ҳуқуқий-ҳужжат (қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганида;
- норматив ҳуқуқий-ҳужжат (қисми) қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

Жиноят кодекси 13-моддаси 1-қисмида ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир қилиш вақти жиноят томонланган вақт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий қилмиш бажарилган вақт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Бу қоида формал таркибли жиноятларга нисбатан амал қилади.

Агар Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади. Бу қоида эса моддий таркибли жиноятларга нисбатан амал қилади.

Узоққа чўзилган жиноятлар (масалан, дизертирлик) унинг тўхтатилиши, яъни жиноятчининг ушланиши билан тамом бўлган ҳисобланади.

Давомли жиноятлар (масалан, қалбаки ҳужжатдан фойдаланиб бир неча марта давлат ёки жамоат мулкани талон тароҷ қилиш) охирги маротаба содир қилинган жиноий ҳаракат амалга оширилган вақтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Демак, давомли жиноятлар учун жавобгарлик жиноят тўхтатилган ёки охирги

жиноятларнинг тамом бўлган вақтда амалда бўлган қонун асосида хал қилинади. Иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар бажарувчи жиноятнинг объектив томонини бажарган вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганлигидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан тадбиқ этилади. Қонун, у амалга киритилгунга қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, тадбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, бундай қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Жиноят кодекси 13-моддаси 2-қисмида жиноят қонунини орқага қайтиш кучи тушунчаси ва принципи ифодаланган.

NOTA BENE!

Бирор қилмишни содир этган шахс учун янги қонуни кучга киргунга қадар, шунингдек жазони ўтаётган ва ўтаб тўрганлар учун айна вақтда, аввал судланган бўлсалар, уларга нисбатан ҳам янги қонунга кўра иш юритилади, яъни янги қонун қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиши, жазони енгиллаштириши ёки бошқача тарзда жиноятни содир этганлар ҳолатини яхшилаши мумкин.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деганда жиноят қонунда жавобгарлик белгиланган қилмишни жиноятлар қаторидан чиқарадиган қонуннинг қабул қилиниши тушунилади. Бу қонун кучга кирган кундан бошлаб, шундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан тергов идоралари ва судлардаги жиноят ишлари тўхтатилиши лозим. Жазони ўтаётганлар илгари судланган ҳолларда улар судланмаган деб топиладилар.

Қуйидагилар жазони енгиллаштирувчи қонун ҳисобланади:

- а) янги қонунда санкция назарда тутилиб, жазолардан бири енгилроқ бўлса;
- б) янги қонунда жазонинг энг кўп қисми ёки энг кам қисми камайтирилган бўлса, енгилроқ жазо тури назарда тутилган бўлса;
- с) янги қонунда қўшимча жазо назарда тутилмаган бўлса;

d) моддий зарар қопланганида махкумни жамиятдан ажратилиши (озодликдан маҳрум қилиш ёки қамок)ни назарда тутмайдиган жазо чораларини қўллаш.

Янги жиноят қонунининг қаттиқ ёки юмшоқлигини баҳолашда нафақат норманинг санкцияси, балки, бошқа ҳолатлар ҳам шахснинг аҳволини енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолат деб баҳолашга хизмат қилиши мумкин. Масалан, шартли равишда жазодан озод қилиш шартларининг ўзгариши, судланганлик муддатининг тугаши ёки олиб ташланиши шартларининг ўзгариши, шартли ҳукм қилишда синов муддатининг қисқариши, жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш муддатининг ўзгариши ва бошқалар, *шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган ҳолатлар* деб қаралади.

Жиноят кодекси 13-моддаси 3-қисмига мувофиқ қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасида ҳам бу қоида мустаҳкамлаб қўйилган, яъни агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, у орқага қайтиш кучига эга, деб белгилаб қўйилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

- a. Жиноят қонуни ва унинг белгилари нималардан иборат?
- b. Жиноят қонунининг амал қилиш доираси деганда нимани тушунасиз?
- c. Жиноят қонунининг ҳудуд буйича амал қилиши қандай принципларга асосланади ва бундай принципларнинг белгиланишидан мақсад нима?
- d. Жиноят қонуни қайси ҳолларда орқага қайтиш кучига эга? Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб утинг.

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. ЎЗР Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997.
8. “Уголовное право”. Общая часть. (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // “Инфра-Норма”, М.:1999.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998.
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998. № 1/28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: "Брандес", 1991.
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, С.Петербург, 1865.
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 .
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973.

21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Университета. Ленинград-1981.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игорелик Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга карши жиноятларнинг юридик тахлили» Т.: 2000.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970.
39. А.А Пиантковский “Учение о преступление”. // М.: 1961.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и ижтимоийно психологические предпосилки его эффективности. Казань 1982.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988.

43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 .
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 .
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1980.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1994.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения. 2000, стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989.
57. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
61. Ўз.Р. Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

67. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

3-БОБ: ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ

1. Жиноят тушунчаси.

Жиноят тушунчаси жиноят ҳукуқи фанининг предметини ташкил этувчи тоифалардан бири ҳисобланади.

Жиноят ҳукуқида бошқа ҳуқуқ тармоқлари учун база ҳисобланган “жиноят” тушунчасининг моҳияти очиб берилган.

Жиноят ҳуқуқининг асосий вазифаси шахс ва жамият ўртасида юзага келадиган низоларнинг ижтимоий хавфли эканлиги ва уларнинг жиноят ҳуқуқий тартибга солиниши кераклигини белгилашдан иборатдир.

“Жиноят” тушунчасига жиноят-ҳуқуқий таъриф биринчи бор 1791 йилда қабул қилинган Франция Жиноят кодексида берилган бўлиб, ушбу таъриф формал тусга эга эди. Унда жиноятга: “Жиноят - бу амалдаги жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишдир”, - дея таъриф берилган эди.

Жиноят – бу ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жиноят тушунчасини белгилаб қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят тушунчаси аниқ белгиланган бўлиб, *14-модданинг 1-қисмига кўра*, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш тақдиди билан жиноят деб топилади. **Жиноят** – шахснинг жиноят қонуни билан тақиқланган маълум бир шаклдаги хатти-ҳаракати ҳисобланади.

Жиноят тушунчаси ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклидаги шахснинг хулқ-атвори (хатти-ҳаракати, фаолияти)ни ифодалайди. Шу билан бирга, жиноят қонунида руҳий жараёнлар, ўйлар, фикрий хулосалар қанчалик зарар келтирувчи бўлишига қарамай жиноят ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган.

Жиноятга моддий тушунча бериш ғоят муҳим бўлиб, бу нафақат жиноят ҳуқуқининг ўзига, балки жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ҳуқуқи, криминалистика, криминология ва бошқа ҳуқуқий фанлар учун ҳам зарурдир.

Шахс томонидан содир қилинган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб ҳисобланиши учун у ижтимоий хавфли бўлиши керак.

NOTA BENE!

Ижтимоий хавфлилик – бу жиноят қонуни билан кўриқланадиган манфаатлар (объектлар)га зарар етказилиши ёки шундай зарар етказиш хавфи ҳисобланади.

Демак, шахс томонидан содир қилинган қилмиш жиноят деб ҳисобланиши учун у ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлиши керак, бундай қилмиш *қуйидаги шаклларда* намоён бўлади:

1. **ҳаракат** – бу фаол хулқ-атвор бўлиб, нафақат шахс тана аъзоларининг (жисмоний) ҳаракатида ифодаланади, у айтилган сўзлар, руҳий, таҳдидлар (кўрқитишлар)да ҳам намоён бўлиши мумкин.

2. **ҳаракатсизлик** – пассив хулқ-атвор бўлиб, бажарилиши шарт ёки мумкин бўлган мажбуриятни бажаришнинг реал имкони бўла туриб бажармасликда ифодаланади.

3. **аралаш жиноятлар** – бу шундай жиноятларки, улар объектив томондан ҳаракат ва ҳаракатсизлик йиғиндисидан иборат бўлади ёки бошқача айтганда, ҳаракат ва ҳаракатсизликлар натижаси ҳисобланади. Бундай жиноятлар кўпинча маълум бир қонидани бузиш билан боғлиқ бўлади. Масалан, Жиноят кодекси 204-, 260-, 266-моддаларида жавобгарлик белгиланган қилмишлар.

Ҳаракат билан содир этилган жиноятлар бир ёки бир неча ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳаракат билан содир этилган жиноятларда ҳаракатнинг бошланиши ва тугалланиши бошқа жиноят-ҳуқуқий ходисаларни – жиноятдан ихтиёрий қайтиш, зарурий мудофаа, охирги зарурат, иштирокчилик кабиларни белгилаб бериши ҳам мумкин.

Масалан, иштирокчиликда амалга оширилаётган ҳаракатларда жиноят ташкилотчи, далолатчи ҳаракатлари билан бошланса, бажарувчи ҳаракти билан тугалланади.

Бундан ташқари, “*жиноий ҳаракат*” жиноят ҳуқуқида такроран содир этилган жиноятлар, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларни аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳаракат тушунчаси орқали жиноят содир этиш босқичлари, тамом бўлмаган жиноятларни ҳам аниқлаш мумкин.

Ҳаракатсизлик эса ҳаракатдан ташқи жиҳатдан ифодаланиш хусусиятига кўра фарқ қилади. Ҳаракатсизлик маълум бир ҳаракатдан сақланиш ёки объектив жиҳатдан бажарилиши зарур ва юридик томондан бажарилиши мажбурий бўлган бир неча ҳаракатларни

бажармасликда ифодаланади. Масалан, хокимият ҳаракатсизлиги (Жиноят кодекси 208- моддаси).

Жиноий ҳаракатсизлик учун шахсни жавобгарликка тортишда жиноий хулқ-атворнинг ҳусуияти ва таркиби билан бирга қуйидаги *уч ҳолатдан* келиб чиқиб ҳаракатсизлик чегарасини ҳам белгилаш керак:

а) Шахснинг маълум бир ҳаракатни бажаришга мажбурийлиги;

б) Маълум бир шароитда бундай мажбуриятларни бажариш имкониятининг мавжудлиги ва бундай имкониятларнинг объектив реаллиги;

с) Шахс томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларнинг бажарилмаслиги.¹

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий ҳаракатсизликнинг икки шакли ҳақида сўз юритилади:

1. “Соф” ҳаракатсизлик;

2. “Аралаш” ҳаракатсизлик.²

Соф ҳаракатсизлик – қонунда жиноят деб белгиланган ҳаракатларни бажармасликдан иборат бўлиб, *бунда келиб чиққан оқибатдан қатъий назар ҳаракатни бажармаганлик фактининг ўзи айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун етарли ҳисобланади.* Масалан, Жиноят кодекси 221-, 232-, 279- моддаларида қонунда белгиланган оқибат келиб чиққан ҳоллардагина жиноят деб ҳисобланадиган ҳаракатсизлик учун жавобгарлик белгиланган.

Аралаш ҳаракатсизликда субъектнинг техник ёки ижтимоий жараёнларга таъсир қилмаслиги туфайли уларга зарар етказилиши ёки зарар етказилиш хавфини вужудга келишига йўл қўйиб беради. Аралаш ҳаракатсизликнинг моҳияти шахснинг бартараф этиши керак ижтимоий хавфли оқибатни бартараф қилмаслигида ифодаланади. Масалан, Жиноят кодекси 260, 266, 268, 269- моддалари.

Ҳаракатсизликнинг “соф” ва “аралаш” шакллари ҳақидаги олимларнинг фикрлари ҳаракатсизликни шаклларга бўлиш мезони сифатида ҳаракатсизликнинг хусусиятини эмас, балки жиноий оқибатларнинг қонунда ифодалаш усулига асосланган.³

¹ “Уголовное право”. Общая часть. Учебник // Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. – С. 125.

² Ветров Н.И. “Уголовное право”. Общая часть: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право, 1999. – С. 46, 47

³ “Уголовное право”. Общая часть. Учебник // Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. – С. 125, 126.

2 Жиноят белгилари.

Жиноят – ҳуқуқий ходиса сифатида ўзига хос жиҳатларни ифодаловчи маълум бир белгиларга эгадир. Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш ҳам жиноят ҳисобланмайди, қилмишнинг жиноят деб ҳисобланиши учун унда жиноят қонунида ўрнатилган белгилар ва жиноят таркиби мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят белгиларини мустақамловчи махсус модда мавжуд эмас. Шу сабабдан жиноят белгилари жиноят қонунида жиноятга берилган таъриф асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 14-моддаси 1-қисмида жиноятга қуйидагича таъриф берилган:

“Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.”

Жиноят қонунида берилган жиноят тушунчаси *учта жиноят-ҳуқуқий институтдан* иборат:

- жиноят қонуни;
- жиноят;
- жазо институтлари.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқарган қилмишларгина жиноят ҳисобланмай, балки қонун билан қўриқланадиган объектга реал зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси Жиноят кодекси 14-моддаси 2-қисмида “Ушбу кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимолий хавфли қилмиш ҳисобланади”, - дейилган.

Бундан кўриниб турибдики, жиноятга берилган таърифдан келиб чиқиб, қилмишда жиноятнинг барча белгилари бўлсагина у жиноят деб топилади. Агар муайян зарарли оқибатнинг келиб чиқишида шахснинг айби бўлмаса, бундай қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноят ҳуқуқида бундай ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб айтилади.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун барча жиноятлар учун зарур бўлган жиноятнинг белгилари,

шунингдек, шу жиноятда айбнинг мавжуд эканлиги ва айбнинг шакллари ишлаб чиқилган, ана шу белгилар ва айбнинг бирор шакли мавжуд бўлсагина қилмиш жиноят ҳисобланади.

Юқорида жиноятга берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги.

Биринчи навбатда қонунда жиноятнинг белгиси сифатида **“қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги”**ни белгилаб қўйилган.

Ижтимоий хавфли қилмиш мураккаб ва ўз тузилишига эга бўлган ижтимоий-ҳуқуқий тоифадир.

Жиноят қонуни ва илмий адабиётларда қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказадиган ёки етказиш хавфи мавжуд бўлган зарарнинг хусусияти ва миқдори билан белгиланади, деб кўрсатилган. Аммо профессор Ю.И.Ляпунов фикрига кўра ижтимоий хавфлилик кенгроқ тушунча ва анча мураккаб категория ҳисобланади, у ижтимоий хавфлилик тушунчасига қуйидагича таъриф берган:

“Жиноят ҳуқуқида ижтимоий хавфлилик – бу қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг реал хавфини ўзида акс эттирувчи ҳамда салбий белгилар ва элементлар йиғиндисини ифодаловчи жиноят(чилик)нинг маълум бир объектив ҳолатидир.»¹

Ижтимоий муносабатларга реал зарар етказиш хавфи бўлган жиноятнинг содир этиш факти қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгилаб беради.

Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар эрки билан боғлиқ бўлмаган объектив белгисидир. Лекин бу тоифанининг қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар учун аҳамияти шундаки, бу тоифа орқали қандай ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят эканлиги белгиланади.

Ижтимоий хавфлилик қуйидагиларга кўра белгиланади:

а) жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги;

¹ Ляпунов Ю.И. «Общественная опасность деяния как универсальная категория советского уголовного права». – М., 1989, - С. 39

- б) етказилган зарарнинг хажми, хусусияти(хусусияти) ва даражаси;
- с) ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусиятлари;
- д) айрим ҳолатларда – жиноят содир этган субъектнинг хусусиятлари.¹

Ижтимоий хавфли қилмиш тушунчаси ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан бирга қилмиш натижасида юзага келган зарарли оқибатни ҳам қамраб олади. Шунинг учун Жиноят кодекси Махсус қисмига киритилган жиноятлар ижтимоий хавфли ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкинлиги билан ифодаланади. Ижтимоий муносабатлар иқтисодий, ғоявий, шахсга тегишли бўлиши мумкин. Зарар эса моддий, руҳий (маънавий) ва жисмоний бўлиши мумкин.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги бир қанча ўзгарувчан шароитлар, яъни жиноят содир этилган вақт, жой, етказилган зарарнинг миқдори, айбнинг даражаси ва шакли, шундай турдаги жиноятларнинг қай даражада тарқалганлиги, аҳоли ҳуқуқий онгининг даражаси каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, ижтимоий хавфлилиқ *кўп томонламалиқ хусусият-маъносиға* эға бўлиб, миқдор ва сифат кўрсаткичларға асосан аниқланадиган ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини ҳам ўз ичига олади.

Жиноят кодекси 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобға олади, деб белгилаб қўйилган.

Демак, *ижтимоий хавфлилиқ хусусияти* – жиноятнинг сифат жиҳатини ифодаласа, *ижтимоий хавфлилиқ даражаси* – жиноятнинг миқдор кўрсаткичини акс эттиради.

Ижтимоий хавфлилиқ хусусияти – жиноятнинг хавфлилиқ (зарар етакзиш) ҳолати бўлиб, тажовуз объектнинг таркиби, яъни аниқ ижтимоий муносабатға етказилган (моддий, жисмоний, маънавий, ташкилий-бошқарув билан боғлиқ) зарарнинг таркиби, тажовуз қилиш усули, хусусиятлари (зўрлик ишлатиб ёки ишлатмасдан), айбнинг шакллари (қасддан ёки эҳтиётсизлик

¹ Ветров Н.И. «Уголовное право». Общая часть: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право, 1999. – С. 48.

орқасида), жиноятнинг мотив ва мақсади (шахсий, ғаразли ниятларда) билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси – қилмиш хавфлилигининг сиёсий ифодаси бўлиб, зарарнинг хажми (моддий зарар, кўп миқдорда зарар етказиш, шахснинг баданига оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш), айбнинг хусусиятлари (олдиндан ўйлаб қўйилган, тўсатдан вужудга келган), жиноят мотиви ва мақсадининг ўзгариши, шунингдек жиноят содир этилган жой, вақт, вазияти билан боғлиқ жиноятнинг хавфлилик даражаси билан белгиланади.

Жиноятнинг моддий белгиси ҳисобланган ижтимоий хавфлилик юқоридаги хусусиятлардан ташқари, “ижтимоий хавф туғдирмайдиган, яъни шахс, жамият ва давлатга зарар етказмайди ва зарар етказиш хавфини келтириб чиқармайдиган кам аҳамиятли қилмишлар ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгиларига формал жиҳатдан эга бўлса ҳам, жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб ҳисобланмайди”, - деган қоидани ҳам ўз ичига олади.

Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги жиноят ҳуқуқида қуйидаги *икки белги*:

биринчидан, Жиноят кодексида жиноят белгиларининг формал жиҳатдан мавжудлиги (формал белги)да намоён бўлади;

иккинчидан, ижтимоий хавfli эмаслиги, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаслиги ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқармаслиги (моддий белги);

“Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги” тушунчасини аниқлашнинг аҳамияти шундаки, қилмишнинг қонунда кўрсатилган жиноятлар билан формал жиҳатдан мос келишининг ўзи етарли бўлмасдан, қилмишни жиноят деб топиш учун бундан ташқари қилмиш натижасида зарар етказилганлиги ва зарар етказилиши хавфи мавжудлигини ҳам аниқланиши лозим.

Қилмишни “**кам аҳамиятли**” деб топиш суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг ваколатига киради. Агар қилмиш “кам аҳамиятлилик” белгисига эга бўлса, жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас, қўзғатилган жиноят иши эса жиноят таркиби мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши керак.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги содир қилинган қилмишдаги белгилар (содир этиш усули, мотиви, мақсади, даражаси ва ҳк.) орқали билиб олиниши мумкин. Жиноят содир этилганидан кейинги ҳолатлар – чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, етказилган

зарарни ихтиёрий равишда қоплаш, айбдорнинг хаётий фаолияти, оилавий аҳволи каби ҳолатлар қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун эътиборга молик эмас.

Демак, ижтимоий хавфлилик жиноятнинг моддий (ташқи) белгисини ифодалайди. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига *икки гуруҳдаги омиллар*:

1. Криминологик – жиноятчиликни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар, сабаблар, уларнинг олдини олиш;

2. Жиноят-сиёсий – жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўналишлари, жиноят қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, жазо тайинлаш амалиёти таъсир этади.¹

Демак, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда *хулоса* қилиб, қуйидаги асосий тушунчаларни кўрсатиб ўтиш лозим:

а) ижтимоий хавфли қилмиш – жиноятнинг объектив таркибини ифодалайди;

б) ижтимоий хавфлилик қонунда қилмишнинг жиноийлигини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

с) ижтимоий хавфлилик - айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олади;

д) ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси жиноятларни таснифлашнинг асосий мезони ҳисобланади;

е) ижтимоий хавфлилик – жиноятларни жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ва кам аҳамиятли қилмишлардан фарқлаш имконини берувчи жиноятнинг муҳим таркиби ҳисобланади.

Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг моддий белгиси бўлса, жиноятнинг формал белгиси – унинг *ҳуқуққа хилофлилиги* ҳисобланади.

Ҳуқуққа хилофлилик – ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини ифодалайди. Бу белги қонунийлик принципининг “*қонунда кўрсатилмаган бўлса, демак жиноятнинг ўзи йўқ*”, - деган қоидасидан келиб чиқади. (“Nullum crimen sine culpa”).

Ҳуқуққа хилофлилик жиноятнинг юридик белгиси бўлиб, *кенг маънода*:

биринчидан, жиноят қонуни билан ижтимоий хавфли ва айбли қилмишларнинг тақиқланганлигини;

иккинчидан, жазо қўллаш таҳдидини билдиради¹.

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 128, 129.

Бундан ташқари, бу белги “*Жиноят қонунининг аналогия бўйича қўлланилишига йўл қўйилмайди*”, - деган қонидани ҳам ўз ичига олади.

Демак, жиноий ҳуқуққа хилофлилик деганда, жиноятларнинг жиноят ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланиши тушунилади.

Қилмишни жиноят ҳуқуқига хилоф деб топиш асослари бўлиб:

а) бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги – (жиноий ҳуқуққа хилофлиликнинг асосий мезони);

б) у ёки бу қилмишга айнан жиноят-ҳуқуқий воситалар билан таъсир этишнинг умумийлиги (бир хил мақсадни кўзлаши) ҳисобланади.

Маълумки, ижтимоий хавфлилик жиноятнинг объектив томонини акс эттириб, у жамиятга, фуқароларга зарар етказди. Лекин қонун жиноят туфайли зарар етказилган шахсларнинг манфаатини химоя қилиб, ижтимоий хавфли қилмишга ҳуқуққа хилофлилик мақомини беради ва бу билан давлат ҳуқуққа хилоф қилмишларга қарши чораларни кўради.

Демак, ижтимоий хавфли қилмиш ҳуқуққа хилоф деб эълон қилинган вақтдан бошлаб у амалий жиҳатдан “*жиноят*” мақомини олади ва маълум бир оқибатларга олиб келади.

Шундай қилиб, ҳуқуққа хилофлилик маълум бир ижтимоий хавфли қилмишга қарши курашиш - давлатнинг мутлақ ваколати эканлигидан дарак беради. Яъни қилмишни ҳуқуққа хилоф деб топиш, унинг давлат томонидан ижтимоий хавфлилигини расман белгиланишини билдиради. Қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланиши унинг маълум даражада ижтимоий хавфли деб топилганлигини англатади. Шунинг учун ҳам қонунда қилмишнинг жиноят деб белгиланиши унинг ҳуқуққа хилофлилик хусусиятини кўрсатади.

*“Шахснинг ундай ёки бундай хулқ-атвори, унинг шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, гайриқонуний деб топилгунга қадар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.”*²

Жиноятнинг ҳуқуққа хилофлилик белгисининг моҳияти шундаки, ҳуқуққа хилоф қилмиш(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га у ёки бу ваколатли мансабдор шахслар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари) томонидан қандай баҳо берилишидан қатъий

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 128, 129.

² Ковалев М.И. «Понятие преступления в советском уголовном праве». – Свердловск, 1987. С. 77-79.

назар, бундай қилмиш учун қонунда жавобгарлик белгиланмагунча формал жиҳатдан ижтимоий хавфли деб ҳисобланмайди.

Жиноят кодексининг 65-моддасида қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган. Бундай ҳолатда, *“қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги ёки уларнинг ўз ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги фақат қонун билан белгиланади”*, - деган хулосага келиш керак.

Қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқолишига таъсир қилувчи ҳолатларга аҳамиятли воқеалар, жиноят содир этиш вақти билан қиёслаганида ҳаётий шароитларнинг ўзгариб кетиши ва шу кабиларни киритиш мумкин. Ижтимоий хавфлилик хусусияти йўқолиши билан ўз-ўзидан қилмишнинг жиноий ҳуқуққа хилофлилик белгиси ҳам мавжуд бўлмайди ва ҳуқуққа хилофлиликнинг бошқа бирон бир моддий белгиси юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида муайян қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, жиноят деб ҳисобланади. Масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш (Жиноят кодекси 109-моддаси), порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш (Жиноят кодекси 130-моддаси), тухмат (Жиноят кодекси 139-моддаси), ҳақорат қилиш (Жиноят кодекси 140-моддаси) ва хоказолар. Бундай қилмишлар биринчи марта содир қилинса, жиноий қилмиш даражасидаги ижтимоий хавфли тус олмайди. Аммо бундай қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, ижтимоий хавфли тус олади ва жиноят деб ҳисобланади.

Ҳуқуққа хилофлиликни белгилашда Жиноят кодексининг фақат Махсус қисми нормаларига таянмасдан, Умумий қисм институтлари ҳам эътиборга олиниши шарт. Умумий қисм нормалари Махсус қисм нормаларини мустаҳкамлаб, Махсус қисм нормаларининг бузилиши Умумий қисм нормаларининг бузилишига олиб келади.

Жиноят тушунчасини изохлашда ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлилик жиноятнинг асосий ва бир-бирига алоқадор белгилари эканлигини кўриш мумкин. Жиноятда ижтимоий хавфлилик белгисининг мавжуд эмаслиги ўз навбатида ҳуқуққа хилофлиликнинг мавжуд эмаслигини билдиради, яъни фақат жиноят қонуни билан ижтимоий хавфли деб топилган қилмишларгина ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Жиноий ҳуқуққа хилофлилик қилмишга ижтимоий хавфлилик даражасини бериб, айнан шу даража орқали қилмиш “**жиноят**” хусусиятига эга бўлади. Айнан ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлилик белгилари биргаликда қилмишнинг жиноийлиги ва у учун жиноий жавобгарлик асосини белгиловчи омил ҳисобланади. Формал жиҳатдан жиноят таркиби мавжуд бўлса ҳам, лекин жиноят қонунда белгиланмаган ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳар доим ҳам ижтимоий хавфлилик қилмишни жиноят деб белгилаш учун етарли асос бўла олмайди. Бу борада ҳуқуққа хилофлилик белгисининг устунлигини Жиноят кодекси 14- моддаси 1- қисмидаги жиноят тушунчасига берилган таъриф ҳам изохлаб беради. Шунинг учун ҳам “ҳуқуққа хилофлилик” белгиси - “жиноятнинг формал белгиси” деб аталади.

NOTA BENE!

Ҳуқуққа хилофлилик жиноий қилмиш туфайли ҳуқуқий нормаларнинг бузилишини ифодалайди. Ҳуқуққа хилофлилик шахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган нормаларнинг бузилиши демакдир.

Шундай қилиб, “ҳуқуққа хилофлилик” ўрнига “қонунга хилофлилик” тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин. Лекин жиноят белгиларини аниқлашда кўпроқ “ҳуқуққа хилофлилик” тушунчаси қўлланилади. *Сабаби:*

биринчидан, қонунга хилофлилик фақат қонунда кўрсатилган нормаларни ўз ичига олса, ҳуқуққа хилофлилик қонун ости меъёрий ҳужжат нормаларини ҳам ўз ичига олади. Айниқса, Жиноят кодекси Махсус қисми бланкет диспозициялари ҳақида гап кетганда ҳуқуққа хилофлилик белгиси кўпроқ тўғри келишини кўришимиз мумкин;

иккинчидан, ҳуқуққа хилофлилик тушунчаси жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш учун жиноят ҳуқуқунинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқликда бўлишини ифодалайди;

Учинчидан, ҳар қандай ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракат қонуннинг бузилишига олиб келади.¹

Демак, юқоридаги фикрларни инобатга олиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

а) жиноий ҳуқуққа хилофлилик – жиноятнинг формал-юридик белгисидир;

¹ Ветров Н.И. «Уголовное право». Общая часть: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право, 1999. – С. 54

b) бу белги ижтимоий хавфлилик ва айбнинг мавжудлиги белгиларини келтириб чиқаради;

c) ҳуқуққа хилофлилик бевосита қонунийлик принциpidан келиб чиқади;

d) ҳуқуққа хилофлилик Жиноят кодекси Умумий қисмидаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда жиноят ҳуқуқи нормаларида кўрсатилган қилмишларни содир этишни тақиқлашдан иборат;

e) бу белги ҳар доим жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгиси билан боғлиқ бўлади;

f) ҳуқуққа хилофлилик қонун чиқарувчи томонидан қилмишга жиноят ҳуқуқий баҳо берилишини ифодалайди.

Айбнинг мавжудлиги (айбдорлик) белгиси – қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексида жиноят тушунчасига айбга жиноят белгиларидан бири сифатида таъриф берилган. Айбнинг мавжудлиги белгиси жиноят ҳуқуқининг “айб учун жавобгарлик принципи”дан келиб чиқиб, “Nullum crimen, nulla poena sine culpa”, яъни “*Айбсиз жиноят ҳам, жазо ҳам йўқ*”, - деган қонидани ўз ичига олади.¹

Айб – бу шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига бўлган руҳий муносабатидир.

Шахс фақат айбли ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

NOTA BENE!

Айбдорлик тушунчаси Жиноят кодекси 20- моддаси мазмунига кўра, “ Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилиши мумкинлигидан келиб чиқади”.

Жиноят ҳуқуқида “айбдорлик” ва “айб” тушунчалари *икки юридик* маънода ишлатилади:

биринчидан, процессуал маънода – жиноят тушунчаси ва жиноят содир этган шахснинг айбдорлиги тўғрисида хулоса чиқаришда;

иккинчидан, айб қасд ва эҳтиётсизлик шаклларидаги жиноят таркибининг субъектив томони маъносида.

¹ "Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999. – С. 141.

Жиноят тушунчасидаги айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик – ижтимоий хавфли қилмишнинг қасд ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилишини билдиради.

Айбдорлик жиноят белгиси бўлиши билан бирга жиноий жавобгарликнинг асосий белгиларидан бири ҳам ҳисобланади.

Айбдорлик шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ва унинг оқибатига руҳий муносабати сифатида қуйидаги *шаклларда* намоён бўлади:

- a) тўғри қасд;
- b) эгри қасд;
- c) ўз-ўзига ишониш;
- d) бепарволик.

Етказилган зарардан қатъий назар, ҳатти-ҳаракат қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлмаса, бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайди.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси у ёки бу шахснинг онгли фаолиятига турли шароитлардан қатъий назар таъсир қилади. Жиноят ҳуқуқи ақл-идроқ ва эрк билан боғлиқ ҳолда содир этилган хулқ-атвори тартибга солади. Шахснинг ғайриҳуқуқий онгли хулқ-атвори эса унинг айбдор деб топилиши асос бўлади. Ўзи қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва унинг хусусиятини онгли равишда англаган ҳамда уни бошқара олган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Айбсиз жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас, яъни шахснинг айби қонунга хилоф бўлмаса, шахс айбдор, унинг қилмишида эса айбнинг шакллари мавжуд ҳисобланмайди.

Қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқиб шахснинг *айбдорлигини ёки айбсизлигини аниқлаш* мумкин:

1. Шахснинг ўзи содир қилаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилиги, унинг даражаси ва хусусиятини тушуниши;
2. Шахснинг содир этаётган қилмиши туфайли вужудга келадиган оқибатнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниши;
3. Шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олиши.

Шахс ўз қилмишининг фактик томонидан ташқари ижтимоий аҳамиятини ҳам онгли равишда англай олиши керак.

Демак, айбнинг мавжудлиги жиноий хулқ-атвор учун жавобгарликка тортиш учун асос, аниқроғи, жиноят субъекти айбдорлигини аниқлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. *Айбдорлик – жиноий жавобгарлик ёши* сифатида жиноят субъектининг ўзи содир этган қилмишига муносабатини ифодалаш билан бирга айбнинг

белгиларидан бири ҳисобланади, *айб* эса шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабатини ифодалайди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш керакки, шахс содир қилган жиноятида айбнинг шакли қасд ёки эҳтиётсизликнинг мавжудлиги ва фақат шахснинг айбли хулқ-атвориғина жиноят деб ҳисобланади. Айбнинг руҳий тушунчаси шахс хулқ-атворининг маълум бир тури сифатида унинг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 14-моддаси 1-қисмида жиноят тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноят қонунда ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этишни тақиқлабгина қолмасдан, улар учун жиноий жазони ҳам белгилаб қўйган. Бу эса ўз навбатида жиноятнинг **“жазога сазоворлик”** белгисини келтириб чиқаради.

Бу белги жиноят ҳуқуқининг *“жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи”* дан келиб чиқади.

Жиноятнинг жазога сазоворлик белгиси – ҳар қандай жиноят учун жазо тайинланишининг муқаррарлигини билдиради. Жазо эса суд ҳукми билан тайинланадиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Жиноят кодекси 42-моддасида жазога.

“Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маққумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир”, - деб таъриф берилган.

Лекин бу қоидадан “Жиноят кодексида назарда тутилган жазолар мажбурий ва барча ҳолларда содир этилган жиноятлар учун жазо қўлланиши керак.”, - деган хулосага келмаслик керак. Чунки Жиноят кодексида жазо белгиланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни жазодан озод қилиш ҳам назарда тутилган. (Жиноят кодекси 69-76 – моддалар)

Бироқ юқоридаги ҳолат, Жиноят кодекси 14-модда 1-қисмида кўрсатилган нормадан келиб чиққан ҳолда, жиноят таркиби мавжуд барча ижтимоий хавфли қилмишлар учун жазо қўлланилиши кераклигини рад этмайди.

Жазо тушунчаси жиноят тушунчасисиз бирон бир мазмун касб этмайди, яъни жазо ҳақиқатда содир этилган жиноятнинг оқибати ҳисобланади. Агар қилмиш жиноят ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқармаса, бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайди.

Содир этилган жиноятнинг оқибати реал жазо эмас, балки айнан “жазо қўллаш таҳдиди” ҳисобланади.¹

Шу билан бирга, жазога сазоворлик – бу фақат жиноятнинг оқибати эмас, бундай оқибатга аниқ жиноят учун қўлланиладиган давлатнинг мажбурият чораси сифатидаги жазо ҳам кирилади. Жазога сазоворлик юқоридагилардан ташқари, жиноят ҳуқуқий санкциядан иборат ҳуқуқ нормасини ифодаловчи кенг маънодаги тушунча ҳамдир.

Хар бир ҳуқуқ соҳаси каби жиноят ҳуқуқида ҳам санкциялар мавжуд бўлиб, улар жиноят ҳуқуқи нормаларини бузганлик учун жиноят ҳуқуқий таъсир чоралари кўринишидаги жазоларни ўзида акс эттиради.

Айнан жиноий жазо жиноят содир этишнинг оқибати сифатида жавобгарликнинг муқаррарлигини келтириб чиқаради ва асосий огоҳлантирувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам *“жиноят жазони келтириб чиқаради”*, - деган қоида жавобгарлик муқаррарлигининг кафолати ҳисобланади.

Жазо қўллаш таҳдидини ифодаловчи санкцияси бўлмаган ҳуқуқий норма жиноят ҳуқуқий тақиқни англатмайди.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида нисбий-муайян ва альтернатив санкциялар назарда тутилган бўлиб, улар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятни амалга оширишда айбнинг даражаси ва шу билан бирга бошқа ҳолатларни ҳам эътиборга олиб жазо тайинлаш имкониятини беради.

Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ҳолатлари қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар учун ҳам муайян жазо тури ёки турлари кўзда тутилган. Агар содир этилган қилмиш учун Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида санкция, яъни муайян жазо тури назарда тутилмаган бўлса, у жиноят ҳисобланмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси 3-қисмида: *“Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар”*, - дейилади. Жиноят кодекси 211-моддасининг 4-қисмида: *“Башарти шахсга нисбатан пора сўраб*

¹ Ветров Н.И. «Уголовное право». Общая часть: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право, 1999. – С. 57

товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади.”, - дейилади. Бу келтирилган икки норманинг биринчисида шахснинг қонунга хилоф равишда чет элга чиқиши ёки республикамизга кириши жиноятининг таркиби, иккинчисида эса пора бериш жиноятининг белгилари мавжуд. Аммо қонунда белгиланган асослар бўлгани учун бундай қилмишлари учун шахсга жазо қўланилиши назарда тутилмаган. Шунга кўра бундай шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Демак, *жазога сазоворлик* жиноятнинг белгиси сифатида жиноят қонунига хилоф қилмиш учун жазо мавжудлигини ҳамда жиноят ва жазо тушунчалари бир-бири билан доимо ўзаро алоқадорликда эканлигини билдиради. *Жазога сазоворлик* Жиноят кодексига тегишли моддалари диспозициясида кўрсатилган белгиларнинг мавжудлиги ижтимоий хавфли қилмишни содир этан шахсга нисбатан жиноий жазо қўллаш лозимлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят белгилари қилмишнинг жиноийлигини белгиловчи асосий мезон бўлиб, жиноятнинг *моддий* (ташқи) белгиси – “ижтимоий хавфлилик” бўлса, жиноятнинг *формал* белгиси – “ҳуқуққа хилофлилик” деб ҳисобланади, шунингдек, жиноятнинг “айбнинг мавжудлиги” ва “жазога сазоворлик” белгилари ҳуқуққа хилофлилик белгисидан келиб чиқади.¹

Демак, юқорида санаб ўтилган тўртта белгининг барчаси қилмишда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлсагина, қилмиш жиноят деб топилади, ва аксинча ана шу белгилардан биттаси бўлмаса, қилмиш жиноят деб ҳисобланмайди.

3. Жиноятларни таснифлаш.

Жиноятларни таснифлаш деганда, жиноятларни у ёки бу белгиларига кўра туркумларга ажратиш тушунилади.

Жиноят ҳуқуқида жиноятларни таснифлашда қуйидаги *икки мезон* назарда тутилган бўлиб, жиноят қонунида жиноятлар айнан ана шу мезонлар асосида таснифланган:

1. Жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш;

¹ "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник / Под. Ред. Б.В. Здравомўслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999. – С. 54-57.

2. *Жиноятларнинг объекти (тажовуз қаратилган объект)га кўра таснифлаш;*

Жиноятларни таснифлаш ва гуруҳларга бўлишнинг асосий мезони *жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси* ҳисобланади.

Жиноятларни таснифлашнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси мезони ҳам *икки белги*:

- a) айбнинг шакллари (қасд ёки эҳтиётсизлик);
- b) жиноят кодексида назарда тутилган санкциялар (уларнинг оғирлиқ даражаси)га боғлиқ бўлади.¹

Санкцияларнинг оғирлиқ даражаси жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятига бевосита боғлиқдир.

Жиноят кодекси 15-моддасидаги жиноятларнинг таснифи *жиноятнинг моддий ва формал белгиларини* бирлаштиради. Бу эса жиноятнинг ижтимоий таркиби ва у ёки бу гуруҳга киришини аниқ белгилайди. Санкциянинг хусусияти, жазо турлари ва уларнинг оғирлиқ даражаси жиноятнинг ижтимоий таркибини ташкил этади, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш йуналишлари ҳам жиноят ижтимоий таркибининг элементларидан бири ҳисобланади.

Жиноятларнинг таснифи Жиноят кодекси 15-моддасида берилган бўлиб, унда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормалари тизимини эътиборга олган ҳолда жиноятлар ўзининг хавфлилиқ даражасига кўра енгилдан оғирга қараб таснифланган.

Жиноят кодекси 15-моддасига мувофиқ, *жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра*:

- a) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар;
- b) унча оғир бўлмаган жиноятлар;
- c) оғир жиноятлар;
- d) ўта оғир жиноятларга бўлинган.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Бундай жиноят гуруҳига – онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (Жиноят кодекси 99-моддаси), ижтимоий хавфи қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник / Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. – С. 134,136

зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (101-моддаси), кучли рухий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-моддаси), қийнаш (110-моддаси), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-моддаси), бесоқолбозлик (120-модда), кўп хотинли бўлиш (126-модда), тарих ёки маданият ёдгорлигини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш (132-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда), фуқароларнинг муружаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (144-модда) кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноят, жиноят процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлардан олдин эса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киритилган эди.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Бундай жиноятлар гуруҳига – кучли рухий хаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 98-модда), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда 2-қисми), касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (116-модда 4-қисми), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда 2-қисми), болани алмаштириб қўйиш (124-модда), ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда 2-қисми), қабрни таҳқирлаш (134-модда), сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вақиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда), талончилик (166-модданинг 1,2-қисмлари) каби жиноятлар киради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиноятлар Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлардан олдин эса, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда

тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кирган.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Агар қонунда озодликдан маҳрум қилишнинг энг оз қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар учун тайинланса, энг кўп қисми оғир жиноятлар гуруҳига кирувчи жиноятлар учун назарда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-моддаси (номусга тегиш) санкциясида озодликдан маҳрум қилишнинг муддати уч йилдан етти йилгача берилган. Демак, энг юқори қисми етти йил бўлганлиги учун бу жиноят оғир жиноятлар гуруҳига киради.

Оғир жиноятлар гуруҳига – қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модданинг 2-қисми), номусга тегиш (118-модданинг 1,2-қисмлари), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127-модданинг 3-қисми), одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш (135-модданинг 2-қисми), одам ўғирлаш (137-модданинг 2-қисми), урушни тарқиб қилиш (150-модда), ёлланиш (154-модда), миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш (156-модданинг 2-қисми), давлат сирини ошкор қилиш (162-модданинг 2-қисми), босқинчилик (164-модданинг 1,2-қисмлари) каби жиноятларни киритиш мумкин.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Бундай жиноятлар гуруҳига - қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119-модданинг 3,4-қисмлари), агрессия (151-модда), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 2,3-қисмлар), давлатга хоинлик қилиш (157-модда), жосуслик (160-модда), кўпорувчилик (161-модда) каби жиноятлар киради.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра таснифлаш *нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир*. Масалан, шахс томонидан у ёки бу тоифадаги жиноятларнинг содир этилиши “озодликдан маҳрум қилиш” (ЖК 50-моддаси), “шартли ҳукм қилиш” (72-модда), “жиноий жавобгарликдан озод қилиш” (64-68-моддалар), “жазони енгилроғи билан алмаштириш”

(74-модда) каби ҳолатларнинг қўлланиши сингари жиноят ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жиноятларни объектига кўра таснифлаш масаласи Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноятларни махсус (турдош) объектига қараб гуруҳларга ажратиш ва махсус объектнинг аҳамиятига қараб жойлаштирилишини белгилайди. Жиноят кодекси Махсус қисми жиноятнинг махсус (турдош) объектига кўра бўлим ва бобларга ажратилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимида “шахсга қарши жиноятлар”, иккинчи бўлимида “тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар”, учинчи бўлимида “иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар”, тўртинчи бўлимида “экология соҳасидаги жиноятлар” ва шу каби жиноятлар бўлимларга ажратиб жойлаштирилган. Бунда бевосита объекти бир-бирига ўхшаш жиноятлар битта бўлимга киритилиб, ана шу бўлим ёки бобдаги жиноятларнинг барчаси учун умумий бўлган объект махсус (турдош) объект деб юритилади.

Жиноятларни таснифлаш Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноятлар учун назарда тутилган санкцияларнинг турлари ва хажми (оғирлик даражаси) билан боғлиқ бўлади.

Жиноятларни таснифлаш, авваламбор, *жиноят қонунини қўллаш*да аҳамиятга эга. Айниқса, *жиноят-ҳуқуқий институтлар ва нормаларни жой-жойига қўйиш, шунингдек, жиноят содир этиш босқичлари, иштирокчилик, хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят* кабиларни эътиборга олишда жиноятларни таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Жиноят кодекси 34-моддаси 3-қисмига кўра:

“Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.” Демак, оғир ва ўта

оғир жиноятлар шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади.

Бундан ташқари, *тамом бўлмаган жиноятлар уларнинг қасддан содир этилишидан, яъни оғирлигидан дарак беради*. Масалан, Жиноят кодекси 25-моддаси 2-қисмига кўра, қасддан содир этиладиган жиноятлар бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Шунингдек, *жиноятларни таснифлаш жазо тайинлаш амалиётида ҳам муҳим ўринга эга*. Масалан, Жиноят кодекси 50-моддаси 5-қисмига кўра:

“Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

с) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда

д) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Авф этилиб, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.”

Жиноят кодекси 51-моддаси 1-қисмига кўра, отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми), терроризм (155-модданинг 3-қисми) учун белгиланади.

Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмига кўра:

“Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрумэтишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида ярмини;

с) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Демак, жиноятларни таснифлаш *жазо тайинлашнинг* биринчи ва асосий мезони бўлиб ҳисобланади. Суд амалиётида жиноятларнинг таснифи жиноятларни тўғри квалификация қилиш, улар учун одилона жазо тайинлаш, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш каби масалаларни хал қилишда бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Демак, *жиноятларни таснифлашнинг аҳамияти* қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, жиноятларни таснифлаш жиноят ҳуқуқий институт ва нормаларни жой-жойига қўйиш; шунингдек жиноят содир этиш босқичлари, иштирокчилик, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, ўта хавфли рецидив жиноятлар, жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби жиноят ҳуқуқий институтларни тўғри қўллашга таъсир этади;

иккинчидан, у ёки бу тоифадаги жиноятни содир этган шахсга нисбатан маълум бир жиноят ҳуқуқий оқибат вужудга келади. (Масалан, жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва шу каби бошқа оқибатлар.)¹

4. Жиноятларнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи.

Ҳуқуқбузарликлар турли-туман бўлиб, асосан қайси ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг бузилганлиги билан боғлиқдир. Ҳуқуқбузарликнинг жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий, меҳнат, оила, хўжалик, ер, сув, экология, ҳаво ва бошқа турлари мавжуд. Ушбу *ҳуқуқбузарликларнинг бир-биридан фарқловчи белгилари қандай?* деган савол туғилади.

¹ "Уголовное право". Общая часть. Учебник / Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова - М.: Новый Юрист, КноРус, 1997. – С. 136.

Хуқуқбузарлик кенг доирадаги қилмишлар учун бир туркумдагига тегишли бўлган тушунча ҳисобланади.

Жиноят – бу ўзининг махсус белгиларига эга бўлган ҳуқуқбузарликдир. Лекин кўпчилик криминалистик олимлар ва амалиётчилар “Жиноят ўзининг муҳим жиҳатлари, хусусиятлари ва белгиларига эга, бошқа ҳуқуқбузарликлар бундай таркибий элементларга эга бўлса ҳам жиноят улардан фарқ қилади, чунки жиноят бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан шахс, жамият ва давлат (манфаатлари)га кўпроқ хавф туғдиради.”¹, -деб таъкидлайдилар.

Жиноят ижтимоий хавфлилик даражасининг юқори эканлиги билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Жиноят ҳуқуқида жиноятларни тавсифлашда уларнинг *объектив ва субъектив белгилари* эътиборга олинади. Бундай белгилар бошқа ҳуқуқ соҳалари (маъмурий, фуқаролик, меҳнат ва ҳк)да ҳам мавжуд. Бундай ҳуқуқбузарликларни бир-биридан фарқлаш, уларни чегарасини белгилаш учун *формал белгилар бўлиши шарт* ва бундай белгилар шахснинг жиноят, маъмурий, фуқаролик ёки интизомий ҳуқуқбузарликлардан қай бирини содир этганлигини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Хуқуқбузарликларни фарқлаш бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган қонун мавжуд бўлганида осон бўлади. Айнан ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган қонунларга асосланиб назарий ва амалий жиҳатдан ҳуқуқбузарликларни бир-биридан фарқловчи белгилар ишлаб чиқилган.

Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқлар қуйидаги белгилар:

- а) ҳуқуқбузарликнинг объекти;
- б) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти;
- с) ҳуқуққа хилофлилик шакли;
- д) етказилган зарарнинг миқдорига асосланади.

Лекин кўпчилик олимлар ўртасида “етказилган зарар ҳуқуқбузарликларни фарқловчи белги ҳисобланмайди, чунки у қилмишнинг *ижтимоий хавфлилик даражаси таркибига* киради”², - деган баҳси фикрлар ҳам мавжуд.

¹ Ветров Н.И. «Уголовное право». Общая часть: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право, 1999. – С. 62

² «Курс советского уголовного права». – Л, 1968.- Т.1. Часть Общая. – С. 170

Жиноятнинг объекти жиноий қилмишнинг жамиятга, ижтимоий муносабатларга таъсири орқали унинг ижтимоий хавфлилик ҳусусиятини белгилаш имконини беради.

Жиноятнинг умумий объектига жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар киради. Бундай ижтимоий муносабатлар шахснинг ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, давлат хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин.

Амалдаги жиноят қонунида қонун билан қўриқланадиган объектларни бўлим ва боблар бўйича жойлаштирилганлиги ҳолда бу масалани аниқлаштирган ва кенгайтирган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасига кўра, умуминсоний қадриятлар жиноят ҳуқуқий муҳофаза объектлари бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, молия, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг объекти эса жиноят объектидан кенгрок ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2- ва 10-моддаларига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамоат тартиби, бошқарувнинг белгиланган тартиби ва ҳоказолар ҳисобланади. Бу ҳуқуқ соҳасининг умумий объекти – жамият ҳаётининг маълум бир соҳасидаги фуқароларнинг юриш-туриш қоидалари ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти эса Фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унга фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлар ҳамда шахсий номулк ҳуқуқлар киради.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар эса жамият ва давлатнинг молиявий тизимига зарар етказадиган ижтимоий муносабатлардир.

Оила ҳуқуқининг муҳофаза қилиш объекти оила-никоҳга оид муносабатлар ҳисобланади.

Интизомий хатти-ҳаракатлар давлат ва хизмат интизомига тажовуз қилинади. Улар қонун, қонуности актлари ва ваколатли мансабдор шахс томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар билан қўриқланади. Интизомий хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик кўпроқ меҳнат қонунчилиги ва ҳарбий уставларда назарда тутилган бўлади.

Демак, жиноят бошқа ҳуқуқбузарликлардан биринчи навбатда объекти билан фарқ қилиб, жиноятнинг объекти умуминсоний қадриятлар ҳисобланса, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг объектлари эса анча кенгрок бўлади.

*Ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти*га кўра жиноят маълум бир даражада ижтимоий хавfli бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлардан кўра жамиятга кўпроқ зарар етказиши билан ажралиб туради.

Ижтимоий хавfliлик даражаси – жиноят ва ҳуқуқбузарлик бир хил бўлиб қолганида (уларни ажратиш имкони бўлмаганида) жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи асосий мезон ҳисобланади. Айнан ижтимоий хавfliлик барча ҳуқуқбузарликларнинг моддий-ижтимоий таркиби ва белгиси ҳисобланади. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳам жиноят (Жиноят кодекси 266-моддаси), ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 125, 128-моддалари) ҳисобланади.

Қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасини белгиловчи *субъектив ҳолатлар* – айбнинг шакли, мотиви ва мақсад ҳисобланади.

Ижтимоий хавfliлик хусусияти – тажовуз объектини белгилаб бериб, жиноий ҳуқуқбузарликлар сирасига кирувчи қилмишларни аниқлаш имконини беради.

Ижтимоий муносабатлар тизимига асосланган кишилик жамиятига жиноий қилмишлар билан бирга бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам зарар етказади. Шунинг учун жиноятлар, шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам ижтимоий хавfli ҳисобланади, лекин улар натижасида етказилган зарарнинг миқдори ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам ижтимоий хавfliлик фақат жиноятга тааллуқли белги эмас.

Демак, *жиноятлар бошқа ҳуқуқбузарликлардан ижтимоий хавfliлик даражаси ва хусусияти билан фарқ қилиб, жиноят туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан кўпроқ зарар етказилади (айб гайриижтимоий, мотивизация ўзгармас, содир этиш усули эса ўта шавқатсизлик билан амалга оширилади)*. Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликдан фарқлашда ижтимоий хавfliликнинг асосий элементи *шахс, жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг миқдори* ҳисобланади. Масалан, ҳарбий соҳадаги ҳуқуқбузарликларни жиноятлардан ажратиш қийин бўлиб, бунда Жиноят кодекси Махсус қисми муайян

моддасининг диспозициясида жиноятларнинг содир этилган вақт, жой ва вазият асосий мезон сифатида кўрсатилади. Масалан, харбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан бир кеча-кундуздан ўн кеча-кундузгача ташлаб кетилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 287-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади, агар бундай муддат бир кеча-кундузгача бўлса, у интизомий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Қонунда жиноятларни ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи субъектив белгилар: *айбнинг шакли, мақсад ва мотивининг ўзгармаслиги* каби ҳолатларни белгилаб қўйилган. Масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноят бўлса, (Жиноят кодекси 109-моддаси), эҳтиётсизлик орқасида баданга енгил шикаст етказиш фуқаровий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (Фуқаролик кодекси 1003-, 1004-моддалари).

Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи яна бир белги – уларнинг *ҳуқуққа хилофлики хусусияти* ҳисобланади.

Жиноятлар учун жавобгарлик ҳам жиноят қонуни билан тартибга солинади. Бу уни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлайди. Бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилганида, ўша ҳуқуқ соҳасига тегишли нормалар, яъни қонунлар эмас, балки қонун ости норматив ҳужжатлардаги қоидалар ҳам бузилади.

Фақат жиноят содир этилганида *судланганликни вужудга келтирувчи* жиноий жазони қўллаш мумкин, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий санкциялари эса ҳеч қачон “*судланганлик*”ни келтириб чиқармайди. Бундан ташқари, жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Барча қилмишлар ҳам ҳуқуқбузарлик деб тан олинмайди. Қонун чиқарувчи бу борада шахс, жамият ва давлат учун кўпроқ хавfli бўлган хатти-ҳаракатларни ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Шахс томонидан содир қилинган қилмиш учун жавобгарлик Жиноят кодексида кўрсатилмаган бўлса, бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайди.

Қилмиш жиноят қонунида ҳуқуққа хилоф деб эълон қилинганидан бошлаб жиноятга айланади, давлат эса ўз навбатида бундай қилмишларга қарши жиноят ҳуқуқий воситалар билан курашиш имкониятига эга бўлади.

Демак, жиноятлар фақат жиноят қонуни билан тақиқланади ва жазо қўллаш таҳдидини келтириб чиқаради. Шунингдек, бошқа

ҳуқуқбузарликлар (маъмурий, интизомий, фуқаровий) учун белгиланган санкциялар жиноят қонуни санкциялари каби оғир эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, фуқароларга солинадиган жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак, Жиноят кодексига эса жарима энг кам иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорида белгиланган.

Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлашнинг моддий мезони **ҳуқуқбузарлик оқибатида юзага келган зарар ҳажми** ҳисобланади.

Жиноятлар ҳамма вақт ҳам бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ зарар етказди, жиноятчиларнинг айби хавфлироқ, мотиви ўзгармас, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этиш усули эса кўполроқ, яъни хавфлироқ ҳисобланади.

Жиноий оқибатларни белгилашда қонун чиқарувчи томонидан ҳар хил атама ва тушунчалар ишлатилган. Масалан, Жиноят кодексининг “соғлиққа қарши жиноятлар” бобида – “зиён”, “ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятлар” бобида – “шикаст”, “бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бобида эса – “кўп миқдорда зарар, жиддий зиён” кабилар.

Зарар мураккаб хусусиятга эга бўлган ҳолатларда, масалан, одил судловга қарши, давлат ва экология хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларда “*оғир оқибатлар*” атамаси билан изоҳланади. Бошқа ҳуқуқ соҳаларида эса бундай атама ва сўзларни учратиш қийин ёки улар мавжуд эмас.

Айнан етказилган зарарга қараб ҳуқуқбузарлик жиноят деб топилши мумкин. Бундай зарар бўлмаганида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос мавжуд бўлмайди.

Содир этилган жиноятларнинг ярмидан кўпида етказилган моддий зарар молиявий ва жисмоний зарар миқдори билан ўлчанади. Айрим ҳолларда зарарнинг миқдори Жиноят кодекси нормаларида аниқ кўрсатилган бўлади. Масалан, Жиноят кодексининг 175, 180-182, 185, 205-209 – моддаларида содир этилган қилмишни жиноят деб ҳиоблаш учун кўп миқдорда ёки жиддий зарар етказилиши талаб қилинади.

Объекти бир хил бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, ҳар иккисига ҳам – шахс, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк объекти

ҳисобланади, уларни бир-биридан фарқини кўрсатувчи асосий белги “*етказилган зарар*” миқдори ҳисобланади.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик жарима ва зарарни қоплаш кўринишидаги жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган, шахсий ва шахсий номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ мулк муносабатларнинг бузилишидир. Жиноятларни фуқаровий ҳуқуқбузарликлардан турли шаклдаги мулкка етказилган зарар билан боғлиқ мулкка қарши ва иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар ажратиб туради.

Жиноятларни ҳуқуқбузарликлардан фарқлашга мисол сифатида *оила-никоҳ муносабатлари* соҳасида ота-оналар ва болаларнинг мажбуриятларини келтириш мумкин. Оила кодексига кўра ота-оналар ўзларининг вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз вояга етган, аммо ёрдамга муҳтож фарзандларини боқишга мажбур. Меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлар ҳам ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт. Бундай мажбуриятларнинг бузилиши Жиноят кодекси 122, 123–моддаларида назарда тутилган жинойий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда содир этилган ғайриқонуний қилмиш шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, бундай қилмиш жиноят деб, агар бундай оқибат мавжуд бўлмаса, унда бундай қилмиш *интизомий ҳуқуқбузарлик* деб ҳисобланади.

Ўзбошимчалик шахс, жамият ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, жиноят деб (Жиноят кодекси 229-моддаси), бундай оқибат мавжуд бўлмаса, *маъмурий ҳуқуқбузарлик* деб (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси) топилади.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш анча миқдорда содир этилса, жиноят (Жиноят кодекси 184-моддаси), анча миқдордан кам бўлган миқдорда содир этилса, *солиққа оид ҳуқуқбузарлик* ҳисобланади.

Жиноятларнинг ғайрияхлоқий қилмишлардан фарқи.

Жиноят ва ғайрияхлоқий қилмишларнинг ўзаро муносабати қуйидагича:

“*Ҳар бир жиноят ғайрияхлоқийдир, лекин аксинча эмас.*”, яъни ҳар бир жиноят ғайрияхлоқий ҳисобланса ҳам, ғайрияхлоқий қилмишларнинг барчаси ҳам жиноят ҳисобланмайди.

Ахлоқ нормалари айрим ҳолларда қонунларни шарҳлашда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва қонун чиқарувчи томонидан қилмишларнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини белгилаш учун қўлланилади. Масалан, ҳақорат қайси вақтда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд ғайриахлоқий қилмиш ҳисобланишини ахлоқ нормалари орқали билиб олиш мумкин. Жиноятлар билан ғайриахлоқий қилмишлар бир-биридан *объекти, ҳуқуққа хилофлиги, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра* фарқланади.

Ғайриахлоқий қилмишларнинг объектига жиноятларга нисбатан кенгрокдир. Инсонлар ўртасида шундай муносабатлар мавжудки, улар фақат ахлоқ нормалари билан тартибга солинади. Масалан, дўстлик, севги-муҳаббат.

Жиноят фақат қилмишларда ифодаланади, шахснинг хулқ-атворидан ташқари, унинг фикри, хаёли ҳам ғайриахлоқий ҳисобланиши мумкин.

Ғайриахлоқий қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятларга нисбатан пастроқ ҳисобланади, ундан келиб чиққан зарар эса ижтимоий-руҳий хусусиятга эга: инсон шаъни ва кадр-қимматининг камситилиши, худбинлик ва ҳоказолар.

Жиноятдан ғайриахлоқий қилмишларни фарқловчи энг муҳим белги “ғайриҳуқуқийлик” ҳисобланади. Жиноятлар жиноят қонуни билан тақиқлаб қўйилган бўлса, ғайриахлоқий қилмишлар ҳуқуқий нормалар билан умуман тартибга солинмайди. Ахлоқ нормалари ёзма ва оғзаки шакллари бўлиши мумкин. Масалан, Гиппократ қасамёди – шифокорларнинг ахлоқ кодекси, офицерлик виждони кодекси, журналистларнинг ахлоқ кодекси ва ҳоказолар.

Жиноят кодексидаги “инсонпарварлик принципи” ни белгилашда қонун чиқарувчи ахлоқ нормаларига таянади.

Демак, *жиноят бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ғайриахлоқий қилмишлардан қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:*

- 1) умумий объектига кўра (жиноятнинг объекти фақат умуминсоний қадриятлар бўлса, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг объекти анча кенгрокдир);
- 2) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра (жиноят туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ, оғирроқ зарар етказилади);
- 3) ғайриҳуқуқийлигига кўра (жиноятлар фақат Жиноят кодекси билан тақиқланса, бошқа ҳуқуқбузарликлар қонун ости меъёрий

- хужжатлари билан ҳам тартибга солинади, ғайриахлоқий қилмишлар эса ахлоқ нормаларида белгиланган бўлади);
- 4) етказилган зарарнинг миқдорига кўра (жиноятлар туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ зарар етказилади).

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят деганда нимани тушунасиш ва у қандай белгиларга эга?
2. Жиноятлар қайси мезонларга асосан тавсифланади?
3. Жиноят қайси белгиларига кўра бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади?
4. Ғайриахлоқий қилмишлар нима ва уларнинг жиноятлардан фарқи борми?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999.

12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1/28.С.42-45.
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988, Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург, 1865.
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 .
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 .
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 .
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973.
21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 .
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 .
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 .

31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 .
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » Казаль: Изд. Казанского Университета, 1974, С.-15.
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963.
36. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 .
37. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970.
38. А.А Пиантковский “Учение о преступление”. // М.: 1961.
39. Сундров Ф.Р Лишение свободы и ижтимоийно психологические предпосилки его эфффективности. Казань 1982.
40. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980.
41. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988.
42. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995.
43. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963.
44. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978.
45. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эфффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 .
46. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
47. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 .
48. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973.
49. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984.
50. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 .
51. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1980.

52. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994.

53. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000, С.-4

54. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003.

55. Конвенция о правах ребенка. 1989.

56. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июнь №10

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

60. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999.

61. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16


64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Т.: 1999.

66. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003.

4-БОБ: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ

1. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг аҳамияти.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси 2-қисмида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унда: “Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, -деб ёзилган.

Ушбу жиноят ҳуқуқий тушунчада жиноий жавобгарлик учун асос деб айбдорнинг қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги белгиланган бўлсада, лекин жиноят таркиби тушунчасини ўзи тўла очиб берилмаган.

Жиноят таркиби ҳақидаги таълимот жиноят ҳуқуқи фанининг марказий масалаларидан биридир. Жиноят таркибининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри квалификация қилиш учун асос ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда пировард натижада айбланувчининг тақдирини ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир. Шунини қайд этиш зарурки, жиноят таркиби ҳақидаги таълимотда жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмларига оид масалаларни ўрганишга ҳар томонлама эътибор берилмоқда. Махсус қисмга тегишли бўлган ҳар қандай масалани ўрганиш жиноят таркиби тўғрисидаги таълимот билан боғлиқ равишда олиб борилиши зарур.

Юридик адабиётларда жиноят таркибига турлича таърифлар берилган. Лекин жиноят таркиби ҳақидаги таълимотнинг қатор

масалалари бўйича олимлар ўртасида ягона бир фикр мавжуд эмас.

Жиноят таркиби ҳақидаги таълимот А.И. Трайнин¹, В.Н.Кудрявцев², Я.М. Брайнин³, М.П. Карпушин⁴, В.И. Курляндский, Н.В. Кузнецова⁵, А.С. Якубов⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган.

Адабиётлардаги жиноят таркибини аниқлашга доир фикрларнинг турлича эканлигига қарамай, кўпгина муаллифлар жиноят таркиби тушунчасини объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборатлигини тан олиб, жиноят таркиби ижтимоий ҳавфли қилмишни жиноят деб топишга хизмат қилади, деб таъкидлайдилар.

Ижтимоий ҳавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш (криминализация қилиш) воситаси фақат жиноят таркибидир.

Қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш (криминализация қилиш)да бирон-бир аниқ жиноий хатти-ҳаракатни, агар ўзида муайян жиноят таркибининг аломатларини мужассамлантирган бўлса, қонун бўйича жавобгарликни белгилашдир. Қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш (криминализация) га илмий ёндашмоқ зарур. Қонуншуносларнинг бирор қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш ҳақидаги таклифи жиноийликни аниқлаш ва ижтимоий сўров ўтказилгандан кейингина қилинмоғи лозим бўлиб, бу тадқиқот Жиноят кодексига янги жиноят таркибини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида ижобий хулоса чиқариш имкониятини беради. Жиноят таркибини мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашнинг мақсади ҳам муайян ижтимоий ҳавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлашдир. Қонунни амалда қўллаш фаолиятида жиноят таркиби катта аҳамиятга эга бўлиб, шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги эса жиноят қидирув ишлари олиб боришни тақозо этмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси 2-қисмида: “Ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, -деб белгилаб қўйилган.

Жиноятни таснифлашда ҳам жиноят таркиби катта аҳамиятга

¹ Трайнин А.И. Общее учение о составе преступления // М. _____

² Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений // М 1972

³ Брайнин Я.Н. Уголовная ответственность и её основания в советском праве // М, 1963;

⁴ Карпушин М.П., Курляндский В. И. Уголовная ответственность и состав преступления // М, 1974.

⁵ Кузнецова Н.Ф. Состав преступления — В кн. Советское уголовное право (Общая часть), // М, 1981

⁶ Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учета о преступлении // Т., 1996.

эгадир. Жиноятни таснифлаш шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлаш жараёни бўлиб, яъни шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфи қилмишнинг аломатлари муайян бир жиноят-ҳуқуқий нормада кўзда тутилган жиноят таркиби аломатларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Жиноятни таснифлаш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш далиллар йиғиш орқали аниқланади. Бу босқичда жиноят таркиби мавжудлигини тасдиқловчи ёки инкор этувчи аниқ далилларни йиғиб, уларни баҳолаш зарур бўлади. Жиноят таркибининг бирор белгиси мавжуд эмаслиги жиноий жавобгарликни инкор этиб, жиноят ишнинг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Жиноятни таснифлашнинг иккинчи босқичида ушбу жиноят таркибини ўзида акс эттирган моддани аниқлаш зарур бўлади.

Яқунловчи, яъни жиноятни таснифлашнинг учинчи босқичида таққослаш ўтказилиши (шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш билан муайян жиноят ҳуқуқий нормадаги жиноятга берилган таърифнинг ўхшашлигини солиштириш) зарур. Агар содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг аломатлари ва жиноят ҳуқуқий нормада белгиланган аломатлар билан тўлиқ мос келса, у ҳолда жиноятни таснифлаш жараёни тугайди.

Фақат шу босқичдан кейингина шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби борлиги ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади ва содир этилган қилмиши учун шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноятни таснифлашнинг бундай жараёни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 4-моддасида баён этилган қонунийлик принципига тўлиқ мос келади, яъни қилмишнинг жиноийлиги, қилмишга яраша жазо тайинлаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят кодексига солиштириш билан аниқланади.

Жиноят таркиби маълум бир ижтимоий хавfli қилмишни жиноят деб топиш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгиларнинг минимал ва етарли йиғиндисидир.¹

Содир этилган қилмишда Жиноят кодексига кўрсатилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун минимал ва етарли асос

¹ Якубов А.С. Теоритические проблемы формирования правовой основы учения о преступлений: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996, с-95.

мавжуд бўлади.

“Минимал” деган сўз – “содир этилган қилмишида жиноят таркибининг бирон бир зарурий элементи мавжуд бўлмаганда шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас” деган маънони билдиради.

“Етарли” деган тушунча эса – шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун Жиноят кодексида кўрсатилган объектив ва субъектив белгилардан ташқари бошқа кўшимча маълумотларни аниқланиши шарт эмаслигини билдиради.¹

Жиноят таркиби ижтимоий хавфли қилмишларни бир-биридан фарқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Муайян жиноятларнинг алоҳида белгилари туфайлигина бир жиноятни бошқасидан фарқлаш мумкин. Масалан, ўғрилик бировнинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш бўлиб, талончилик эса очикдан-очик талон-тарож қилишдир.

Шундай қилиб жиноят таркибининг бир неча вазифаси мавжуд :

1) жамият учун хавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш воситаси;

2) жиноий жавобгарлик учун асос бўлиши;

3) жиноятчилик даражасини аниқлашда қонунчилик намунаси бўлиши;

4) жиноятларни фарқловчи восита сифатида хизмат қилиши

Шундай қилиб жиноят таркиби жиноятнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўзида жиноятнинг барча аломатларини мужассамлаштирган бўлади ва шу аломатларнинг шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда мавжуд эканлиги қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Жиноят таркибининг тўрт белгиси элементлар орқали таърифланса, ҳар бир томони эса муайян аломатлар орқали ифодаланади.

Объектив белгилар деганда жиноят таркибининг объекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади, субъектив аломатлар деганда эса, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгиларга айтилади.

Жиноятнинг объекти жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз туфайли унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноят жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, кадр

¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М.2001. с-60.

қиммати, давлат манфаатларига, мулк ҳуқуқини амалга оширишга, одил судловни амалга оширишга хўжалик ёки қтисодий фаолият ва бошқаларга зиён етказди.

Жиноят таркибининг иккинчи элементи унинг объектив томонидир.

Жиноятнинг объектив томони содир этилган жиноятнинг ташқи томонини ифодаловчи элементдир.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Бироқ кўпчилик қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш учун у туфайли рўй берган маълум бир оқибатларини аниқламоқ зарур.

Амалга оширилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг учинчи, зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгиларисиз тўла бўлмайди. Демак, жиноятнинг объектив томони: ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, факультатив белгилар: жойи, вақти, усули, шароити, жиноятни амалга ошириш қуроли ва воситаси сингари белгилардан иборатдир.

Жиноят таркибининг учинчи элементи унинг субъектив томонидир.

Жиноят таркибининг субъектив томони жиноий қилмишнинг ички томони бўлиб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлгаи руҳий муносабатини кўрсатади. Бунда айбидан ташқари жиноятнинг субъектив томонини таснифловчи» мотив ва мақсад ҳам мавжуд бўлади.

Айб қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар жиноий ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик кўринишида амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида қасддан қилинган жиноят тўғри қасддан ёки эгри қасддан содир қилинган бўлиши мумкин. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар жиноий ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда, Жиноят кодексида модданинг номи ёки унинг диспозициясида айбнинг шакли кўрсатилади. Масалан, Жиноят кодекси 97-моддасида қасддан одам ўлдириш, Жиноят кодекси 98-моддасида кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, Жиноят кодекси 102-моддасида эҳтиётсизлик

орқасида одам ўлдириш, Жиноят кодекси 111-моддасида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш кўрсатилган.

Аммо кўпчилик моддаларнинг номи ва диспозицияларида айбнинг шакли кўрсатилмаган. Бундай ҳолатларда жиноят ҳуқуқий нормада кўрсатилган жиноятнинг айб шакли қасддан (21-модда) ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган (22-модда) жиноят ҳақидаги умумий тушунчаларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Мотив ва мақсад жиноят субъектив томонининг қўшимча (факультатив) белгиси ҳисобланади, аммо баъзи бир жиноятларда уларнинг мавжудлиги зарур бўлади, Жиноят кодекси 97-моддаси 2 қисмида ғаразли мақсадларда ёки безориликдан, ёхуд ўликнинг қисмларидан фойдаланиш, ёки трансплантат олиш мақсадида, ёхуд бошқа жиноятларни яшириш мақсадида одам ўлдириш жиноятларида мотив ва мақсад зарурий белги ҳисобланади. Бундай жиноятларда мотив ва мақсад оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришнинг зарурий белгилари бўлиб ҳисобланади. Баъзи бир бошқа жиноят таркибларида жиноятнинг мотиви ва мақсади зарурий белги бўлмаслиги ва шунга боғлиқ ҳолда улар жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари бўлади.

Жиноят таркибининг тўртинчи элементи уни содир этган шахс, яъни жиноятнинг субъектидир.

Жиноят кодекси 17-моддасига биноан жиний жавобгарликка жисмоний шахслар тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси жиний ҳуқуқига биноан фақат жисмоний шахсларгина жинийнинг субъекти бўлиши мумкин. Юридик шахслар эса жинийнинг субъекти бўла олмайди, лекин баъзи бир хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахсларнинг ҳам жиний жавобгарлиги кўзда тутилган. Шахс Жиноят кодекси 17-моддасида кўрсатилган белгиларга эга бўлсагина уни жиний жавобгарликка тортиш мумкин, яъни биринчидан, у жиний содир этиш вақтида қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши лозим. Жиноят кодекси 17-моддасига биноан айбдорнинг содир этган ижтимоий хавфли ҳаракати учун жавобгарликка тортилишнинг ёш чегаралари аниқ белгиланган. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ жиний содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар. 17-модданинг 2-қисмида кўрсатилишича, «Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган

шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар».

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расо бўлиши лозим. Ақли расолик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 18-моддасида баён этилган бўлиб, унда таъкидланишича: «Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади».

Агар жиноят содир этган шахс суд тиббиёт текшируви хулосасига кўра ақли норасо деб топилса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (Жиноят кодекси 18-моддаси 2-қисми).

Айрим ҳолатларда ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши учун субъектнинг умумий белгилари (ёши ва ақли расолиги) етарли бўлмай, бундан ташқари жиноят субъектининг махсус белгиларини аниқлаш лозим бўлади: Масалан, ҳарбий жиноятларнинг субъектлари, албатта, ҳарбий хизматчи бўлиши, мансабдорлик жиноятларнинг субъекти мансабдор шахс бўла олади. Айрим ҳолларда субъект фақат врач, транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлади ва ҳоказолар.

Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда жиноятининг махсус субъекти тушунчалари берилади, яъни бундай шахс умумий белгилардан ташқари жиноят ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган алоҳида (махсус) белгиларга ҳам эга бўлиши лозим.

2. Жиноят таркибининг турлари

Юридик адабиётларда жиноят таркибини таснифлашга оид олимларнинг турли хил қарашлари мавжуд. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганида амалга ошириш натижасида турли даражадаги оғир оқибатлар келиб чиқади. Бундан ташқари жиноят содир этаётган шахсларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳам бир хил эмас. Шунинг ҳисобга олган ҳолда жиноят қонунида томонидан бир хил турдаги жиноятларга нисбатан бир-биридан ижтимоий хавфлилиқ даражаси билан ажралиб турадиган алоҳида жиноят таркиби шакллантирилган.

Ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра:

1. асосий (оддий) таркибли;
2. оғирлаштирувчи таркибли;

3. енгиллаштирувчи таркибли жиноятларга ажратиш мумкин.

Оддий таркибли жиноятларда содир этилаётган жиноятнинг хар бири учун хос бўлган белгилар кўрсатилмай, жиноятнинг номи айтилади холос. Масалан, ўғрилик (169-модда) ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш. ҳар сафар ўғрилик жинояти содир этилганида албатта, ўзганинг мулки яширин равишда талон-тарож этилганлиги белгиси аниқланиши лозим.

Асосий таркибга нисбатан оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳоллар кўшимча белгиларга бўлиб, у унинг ижтимоий хавфлилик даражасини, катта ва кичикликни ифодалайди. Масалан, ўғрилик ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилганда бу оғирлаштирувчи ҳолдаги таркиб (169-модданинг 4-қисми); кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98 -модда); онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-модда); зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, одам ўлдириш (100-модда); ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (101-модда); жиноятнинг бу таркиблари қасддан одам ўлдиришнинг (97-модда); асосий таркибига нисбатан енгиллаштирувчи таркиб ҳисобланади. Чунки бу жиноят таркибларида Жиноят кодекси 97-моддаси 1-қисми кўзда тутилган асосий таркибга нисбатан жиноятнинг бу тўрини содир этганлик учун енгиллаштирувчи ҳолатнинг белгилари мавжуд.

Одатда жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг биринчи қисмларида содир этилган жиноятнинг асосий таркиблари учун жавобгарлик, кейинги қисмларида эса жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Жиноят таркибларининг тузилиши бўйича уларни моддий, формал ва кесик таркибларга ажратиш мумкин.

Моддий таркибли жиноятлар, дейилганда жиноятнинг шундай таркиби тушуниладики, унда жиноят натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, қасддан одам ўлдириш. Бу моддий таркибли жиноят, чунки қасддан одам ўлдирганлик учун шахсни жавобгарликка тортиш учун ижтимоий хавфли ҳаракатнинг содир этганлиги кифоя қилмай (ўч олиш, уриш ва бошқалар), балки унинг натижасида зарарли оқибат, яъни ўлим келиб чиққан бўлиши керак. Айрим ҳолларда объектив ва субъектив сабабларга кўра ўлим юз бермаган бўлса, айбдор шахс одам ўлдиришда айбланмай, қасддан

одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноят, дейилганда бирор-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, бирор-бир оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар тушунилади.

Ижтимоий хавфли ҳаракат содир этишда айбдор бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун уни ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этганлигини аниқлаш кифоя қилинади. Масалан, уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўланилгандан кейин содир этанлигини аниқлаш лозим. Бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этилганлиги натижасида оқибатнинг вужудга келиши шарт эмас.

Кесик таркибли жиноят, дейилганида шундай жиноят таркиби тушуниладики, жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичига кўчиради, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига кўчиради. Масалан, босқинчилик (164-модда) ёки товламачилик (165-модда) ёхуд жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда).

Жиноят таркибини қонун чиқарувчи орган томонидан ифодалаш усулига кўра оддий ва мураккаб турларга бўлиш мумкин.

Оддий таркибли жиноятларда жиноят таркибининг ҳар бир таркибий элементлари биттадан бўлади: 1та объект, 1та ҳаракат(ҳаракатсизлик), 1 та оқибат, 1та айб шакли. Масалан, Жиноят кодекси 97-моддаси 1-қисми “Қасддан одам ўлдириш жинояти”.

Мураккаб таркибли жиноятларда жиноят таркиби элементларининг ҳар бири ёки улардан бири икки ёки ундан ортиқ миқдорда бўлади. Масалан, икки объектли ёки кўп объектли жиноятлар, бир неча оқибат келтириб чиқарувчи жиноятлар ва ҳ.к. Кўп объектли жиноят ҳисобланган Жиноят кодекси 164-моддасида жавобгарлик белгиланган босқинчиликни мураккаб таркибли жиноят сифатида мисол келтириш мумкин.

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят таркиби ва унинг аҳамияти нимада?
2. Жиноят таркибининг қандай турлари мавжуд?
3. Кесик таркибли жиноятларнинг ва жиноятларга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш босқичларидан фарқи нимада?

Мавзу оид фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.Ўз 2004
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998.. № 1.. с
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург

17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веке» Москва. «ЛексЭст» 2002.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. // “Ўзбекистон ” Т.:1973.
21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений

38. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

67. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й

5-БОБ: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ

1. Жиноятнинг объекти тушунчаси

Жиноятнинг объекти жиноят таркибининг элеменентларидан биридир. Ҳар қандай жиноят шубҳасиз у ёки бу объектни тажовуз қилиш билан содир этилади. Шунинг учун жиноят объектини тўғри аниқлаш жиноятнинг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш, энг асосийси, жиноят объектига етказилган зарарга қараб, қилмишни тўғри квалификация қилиш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида **жиноятнинг объекти** деганда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабат жиноятнинг умумий объекти ҳисобланади. Масалан, Жиноят кодекси 2-моддасида: “Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлашдан иборатдир”, - дейилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни томонидан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг умумий объекти ҳисобланади.

Аммо ҳар қандай ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят қонуни билан кўриқланадиган объект бўла бермайди, баъзи ижтимоий муносабатлар бошқа ҳуқуқий нормалар билан кўриқланади. Масалан, қарз берувчи билан қарздор ўртасида даъволар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Жиноят объектини аниқлаш орқали айбдор қандай жиноят (ўғрилик, номусга тегиш, ҳақорат қилиш ва ҳоказолар)ни содир этганлигини аниқлашимиз мумкин.

Жиноят объекти ҳар бир жиноят таркибининг зарурий элементиدير. Жиноят қонуни билан кўриқланмайдиган объектга қарши қаратилган ҳаракат жиноят ҳисобланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ҳоллардагина Жиноят кодексининг моддаларида жиноятнинг объекти тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлади. Колган барча ҳолларда жиноят объекти Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ бир моддасида назарда тутилган қилмишнинг жиноятга таркиби унинг жойланиши бўйича таҳлил этиб аниқланади. Ижтимоий муносабатлар инсонлар ўртасидаги ҳаётни

фаолият жараёнида вужудга келадиган маълум алоқалардир. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий муносабат таркибига албатта, унинг субъектлари киради. Шунинг учун ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс (давлат, бирлашма, жамоа ва бошқалар) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ижтимоий муносабатнинг зарурий элементи унинг предметидир. Айбдор жиноят предметига таъсир этиш билан Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Масалан, ўзганинг мулкани ўзлаштиришда айбдор шахс мулкий муносабатларга таъсир этиб, жиноят предмети ҳисобланган пул, қимматбаҳо буюмлар ёки бошқа нарсаларни талон-тарож қилади.

Жиноят предмети жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектнинг ижтимоий хавфли ҳаракат тўғридан-тўғри таъсир қиладиган элементидир.

Жиноятнинг объекти ва предмети айнан бир хил бўлмайди. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, предмет ҳар доим ҳам жиноятнинг доимий белгиси бўлиб ҳисобланмайди. Жиноят кодексида шундай жиноят таркиблари учун жавобгарлик кўзда тутилганки, уларнинг предметини кўрсатиш қийин, чунки предмет дейилганда моддий (кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига хос белгиларига эга бўлган) нарсани тушунамиз.

Жиноят предметини тўғри аниқлаш жиноятни таснифлашда, уни бошқа ўхшаш жиноят таркибининг белгилардан ажратиш, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда мавжудлигини аниқлаш ва квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят таркибини таҳлил этишда жиноятни содир этишда фойдаланилган восита ва қуролларини жиноят предметидан ажратиш лозим. Жиноят содир этишда фойдаланилган восита ва қуроллар моддий нарсалар бўлиб, улардан айбдор жиноятни содир этиш, яъни жиноий натижага эришиш, жиноят предметига таъсир этиш учун фойдаланади.

Жиноят воситалари ва қуролларининг жиноят предметидан фарқи шундаки, жиноят воситаси ва қуролидан жиноятни содир этишда фойдаланилади. Масалан, қандайдир нарсдан жиноятчи жиноят содир этишда (осонроқ бўлиши учун) фойдаланса, восита ёки қурол ҳисобланади. Жиноят туфайли таъсир этиладиган нарсалар жиноятнинг предмети бўлади. Масалан, ўғрилиқ орқали пул талон-тарож қилинса, бу жиноятнинг предмети пул бўлади.

Баъзи қурол ва воситалар турли шароитларда жиноят предмети ёки жиноят воситаси бўлиши мумкин. Масалан, талон-тарож қилишда пул жиноят предмети бўлади, лекин у пора беришда жиноят воситаси ҳам бўлиши мумкин. Ёки қурол одам ўлдиришда жиноят воситаси бўлса, у қонунга хилоф равишда қурол сақлаш жиноятининг предмети бўлади.

2. Жиноят объектининг турлари



Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг объект : умумий, махсус, бевосита объектларга ажратилади.

Умумий объект дейилганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси тушунилади.

Жиноят кодекси 2-моддасида муҳофаза объектлари сифатида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда умумий объект ҳисобланади.

Жиноятнинг умумий объекти тушунчаси жиноятнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини очиб беради. Умумий объект барча жиноятлар учун битта, зеро ҳар қандай жиноят у ёки бу ижтимоий муносабатга зарар етказиб, Жиноят кодекси билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга ҳам зиён етказди, шунинг учун ижтимоий муносабатларнинг бир гуруҳига эмас, балки барчасига таъсир этади.

Махсус объект жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятига кўра бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган объектлар гуруҳидир.

Махсус объект жиноят қонуни билан қўриқланадиган умумий объектга кирувчи бир-бирига яқин ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни ўз ичига олади. Бу ижтимоий муносабатлар гуруҳига

объектларни эркин ва пала-партиш равишда киритмасдан уларнинг ўхшашлиги (бир турдагилиги)га қараб ажратилади.

Махсус объект Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноят ҳуқуқий нормаларни классификация қилиш асосида аниқлашади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми худди шу тартибда, яъни махсус объектни ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Махсус объектни тўғри аниқлаш ижтимоий ҳавфли ҳаракатнинг хусусияти ва аҳамиятини, унинг қўриқланаётган ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрнини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, объект жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини ва хусусият аниқлашга ёрдам беради.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тизимида бобларнинг жойлашуви тартиби, аввало, жиноят объектнинг аҳамияти ва жамият учун бўлган қимматига боғлиқ қонун чиқарувчи орган томонидан. Махсус қисм бобларининг маълум тартибда қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти жиҳатидан жойлаштирилиши бу муносабатларни қўриқлашнинг муҳимлигини таъкидлайди,

Жиноят қонунининг ривожланиш тарихида биринчи марта 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми тизимида инсоннинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ва ҳоказоларни қўриқлашга устивор аҳамият берилди, яъни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги, ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати биринчи ўринга қўйилган. Жиноят кодексининг биринчи бўлими “Шахсга қарши жиноятлар” деб аталади.

Махсус қисмда иккинчи ўринда тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар ва учинчи ўринда иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бошқа гуруҳдаги жиноятлар муайян кетма-кетлик асосида жойлаштирилган.

Бевосита объект, дейилганида ижтимоий ҳавфли тажовуз бевосита қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади. Айнан жиноятнинг бевосита объектини тўғри аниқлаш жиноятни квалификация қилишда катта аҳамият касб этиб, жиноятга яраша жазо тайинлашда муҳим ўрин тутаяди.

Жиноят содир этилаётганида бирданига бир неча бевосита объектларга зарар етказилиши мумкин. Айрим ҳолларда бу жиноятни квалификация қилишга таъсир этса, бошқа ҳолларда таъсир этмайди, аммо жазо тайинланишида ҳисобга олинishi лозим. Масалан, босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддаси) иккчи объектли жиноят

ҳисобланади. Босқинчилик содир этишда айбдор шахс ўзгалар мулкига тажовуз қилиш билан бирга жабрланувчининг соғлиғига зиён етказди. Бир жиноят содир этилганида бир неча объектга зарар етказилган бўлса, объектлар ичидан етказилган зарарнинг муҳимлигини Жиноят кодекси Махсус қисмидан аниқланади ва у бевосита объект ҳисобланади.

Жиноятнинг бевосита объектини жиноят ҳуқуқи назариясида 3 турга бўлиб ўрганилади :

- 1)асосий бевосита объект;
- 2)қўшимча бевосита объект;
- 3)факультатив бевосита объект.

Агар жиноятнинг бевосита оъекти битта эмас, балки бир неча бўлса, улардан бири *асосий объект* ҳисобланади. Чунончи, безориликнинг асосий объекти жамоат тартиби, босқинчиликники мулк, ёлғон хабар беришники одил судлов органларининг тўғри ишлашидир. Мана шу асосий объект конкрет жиноятни Жиноят кодексининг тегишли бобига киритиш учун асос бўлади.

Икки объектли жиноятларда зарар асосий объектдан ташқари бошқа объектга ҳам етказилиб, у *қўшимча объект* ҳисобланади. Қўшимча объект мураккаб таркибли жиноятларда бўлиб, бошқа жиноят таркибидан ажратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят ҳуқуқи назариясида яна факультатив объект деган тушунча ҳам бор Бу шундай ижтимоий муносабатдирки, жиноят содир этилганда маълум зарар етказклиши ҳам, етказилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, безорилик (277-модда) содир этилганда, айбдор томонидан шахснинг соғлиғига зарар етказилиши ёки етказилмаслиги ҳам мумкин Шунинг учун *факультатив объект* шундай объектки, шу объектсиз қилмиш муайян жиноят таркибини ташкил этмаслиги ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда жиноятниёг бевосита объекти жиноят ҳуқуқий нормада тўғридан-тўғри кўрсатилади. Жиноят кодексининг 157-моддаси “Давлатга хоинлик қилиш” деб аталган. Бу моддада ёзилишича:“Давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказиш..” ёки Жиноят кодексининг 158-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хаётига тажовуз қилиш” учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бу жиноятларда бевосита объект тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиб, булар Ўзбекистон

Республикаси суверенитети, худудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, иқтисодиёти ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётидир.

Кўп ҳолларда жиноят-ҳуқуқий нормада бевосита объект тўғридан-тўғри кўрсатилмайди. Шунинг учун моддалар жойлашувига қараб жиноятнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва юридик тахлили асосида Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўзда тутилган жиноий жавобгарликни белгиловчи норма аниқланади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят объекти деганда нимани тушунасан?
2. Жиноят объекти ва ижтимоий муносабатлар объектлари уртасидаги фарқ ва уларнинг нисбати нимада?
3. Жиноят объектининг қандай турлари мавжуд?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
3. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
3. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
3. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
3. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
3. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юрист» Разгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
3. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.

3. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона" // Уголовное право. 1998г.. № 1F28..

3. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999г.

3. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"

3. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.

3. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург

3. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.

3. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.

3. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.

3. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.

3. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.

3. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.

3. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.

3. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.

3. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320

3. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.

3. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.

3. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.

3. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.

3. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.

3. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
3. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
3. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
3. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
3. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
3. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
3. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
3. Ю.Юшков Проводимые последствия законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
3. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
3. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
3. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
3. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
3. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
3. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
3. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.
3. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
3. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
3. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
3. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
3. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
3. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
3. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.

3. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.

3. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4

3. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.

3. Конвенция о правах ребенка. 1989г.

3. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

3. Ўз.Р. Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

3. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

3. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

3. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й

6-БОБ: ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси

Жиноятнинг объектив томони ижтимоий-хавфли қилмишнинг ташқи томони бўлиб, жиноятнинг қандай содир этилганлигини кўрсатади. Айнан ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томони бир жиноятни иккинчисидан ажратиш имконини беради, чунки битта объектга қилинган тажовуз ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусияти ва даражасига кўра турлича бўлиши мумкин. Масалан, ўғрилик яширин содир этилса, талончилик очикдан-очик, босқинчилик эса жабрланувчининг баданига шикаст етказилишига олиб келган хужум қилиш билан боғлиқ бўлади.

Жиноятнинг объектив томони асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари диспозицияси ва бандларида кўрсатилади. Айнан модданинг диспозициясида жиноятнинг объектив томони таърифланади, кўрсатилади.

Ҳар қандай жиноят турли ҳаракат, айрим ҳолларда эса ҳаракатсизлик орқали содир этилади. Масалан, қасддан одам ўлдириш кўпчилик ҳолларда фаол ҳаракат орқали содир этилади (пичоқ уриш, қуролдан ўқ отиш, қандайдир нарса билан қаттиқ, жароҳат етказиш, бўғиш ва ҳоказолар), аммо худди шундай ўлим ҳаракатсизлик (онанинг ўз чакалоғини қасддан овкатлантирмаслиги, ёрдамга муҳтож ҳолда ётган шахсин ёрдамсиз қолдириш ва бошқалар) натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Яъни ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида содир этилиши мумкин.

Айрим ҳолларда жиноятнинг охирига етказилган деб топилиши учун қандайдир аниқ оқибат юзага келиши керак (моддий таркибли жиноят), бошқа ҳолларда содир этилган ижтимоий хавфли “қилмишнинг ўзи” (оқибатнинг келиб чиқиши талаб қилинмайди, формал таркибли жиноят) учун жавобгарлик белгиланади. Кўриниб турибдики, айнан жиноятнинг объектив томони қилмишнинг моддий ёки формал таркибли жиноят эканлигини фарқлаш имконини беради. Бундан хулоса қилиб, ҳар қандай жиноятнинг объектив томони қилмишдан иборатдир, десак хато бўлмайди. Ижтимоий хавфли қилмиш ҳар қандай жиноят объектив томонининг зарурий белгисидир.

Моддий таркибли жиноятлар объектив томоннинг зарурий белгиси ижтимоий хавфли қилмишдан ташқари ижтимоий хавфли оқибат ва рўй берган оқибат билан қилмиш ўртасида сабабий боғланишнинг мавжуд эканлиги ҳисобланади. Формал таркибли жиноятлар учун қилмишнинг ўзи етарли ва оқибатнинг рўй бериши талаб қилинмайди.

Айрим ҳолларда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва ҳусусиятига жиноят содир этилган жой, вақт, шароит, фойдаланилган восита ва қуроллар ҳам таъсир этади. Айрим ҳолларда бу ҳолатлар жиноятнинг зарурий белгиси, бошқа ҳолларда эса жавобгарликни оғирлаштиридиган ҳолат бўлиши мумкин.

Жиноят объектив томонининг юқорида айтилган факультатив белгилари, агар жиноятнинг зарурий белгилари бўлмаса ёки айбдор жавобгарлигини оғирлаштирмаса, жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Демак, таъкидлаб ўтиш лозимки, *моддий таркибли жиноятлар объектив томонининг зарурий белгилари қуйидагилардан иборат:*

1) ижтимоий-хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

2) ижтимоий-хавфли оқибат;

3) ижтимоий-хавфли қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Формал таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Моддий ва формал таркибли жиноятлар объектив томоннинг факультатив белгилари жиноят содир этиш жойи, вақти, шароити, воситаси, усули ва ҳоказолардир.

2. Ижтимоий хавфли қилмиш

Ижтимоий хавфли қилмиш – бу инсоннинг ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ташқи дунёдаги ғайриқонуний, онгли, фаол ёки нафаол хулқ-атворидир.

Қилмиш ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳар қандай жиноий қилмиш ижтимоий хавфлидир, қилмишнинг бундай хавфлилиги унинг қонун билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишда намоён бўлади. Ижтимоий хавфли қилмишнинг даражаси, энг аввало, етказилган зарарнинг хажми ва тажовуз қилинган объектнинг қиймати билан белгиланади.

Қилмиш – бу инсоннинг онгли хулқ-атворидир. Шунинг учун жиноят ҳуқуқий маънода қилмиш дейилганда онгли, шунингдек ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига сабаб бўлган тана ҳаракати тушунилади.

Ҳар қандай жиноят ўзининг объектив белгиларига кўра ижтимоий хавфли ҳаракат ёки пассив хулқ (ҳаракатсизлик) йўли билан содир этилади.

Ижтимоий қилмишнинг кенг тарқалган тури бу ҳаракатдир. Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятларнинг учдан икки қисмига яқини ҳаракат орқали содир этилади. Ҳар бир ҳаракат негизида инсон томонидан маълум мақсадлар сари, онгли йўналтирилган тана ҳаракати ётади. Жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракат билан тана ҳаракати ўзаро узвий боғлиқдир. Лекин улар бир хил эмас. Инстинктив, рефлектор ва импульсив тана ҳаракатлари онг билан бошқарилмаганлиги ва инсон эрки билан йўналтирилмаганлиги учун, жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракатни келтириб чиқармайди. Ўз навбатида жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракат биргина онгли ва иродавий тана ҳаракати билан чекланмайди, балки у ўзида тана ҳаракатларининг ўзаро боғлиқ тизимини ўзида акс эттиради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини вужудга келтиради.

Ҳаракат шахснинг хулқ-атвори, унинг онгли равишда содир этиладиган хатти-ҳаракати бўлиб, имо-ишора, тил, кўл ва оёқ билангина эмас, балки бошқа нарсалар воситаси билан ҳам қилиниши мумкин. Масалан, одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш учун автомашинадан фойдаланиш, итга қоптириш ва ҳоказолар.

Жиноий ҳаракатнинг объектив чегараси тўғрисидаги масала муҳим ҳисобланади. Ижтимоий хавфлилик ва ғайриҳуқуқий ҳам бўлган ҳаракат иродавий ва онгли тана ҳаракати амалга оширилган вақтдан бошланган ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар сирасига нафақат химоя қилинадиган объектларга зарар етказишга қаратилган ва Махсус қисм моддаларида тамом бўлган жиноятлар сифатида акс эттирилган ҳаракатлар, балки, жиноят содир этишга етарли шароит яратиб берувчи ҳаракатлар ҳам киради: тайёргарлик ҳаракатлари, ташкилотчилар, далолатчиларнинг ҳаракатлари. Ҳаракатнинг охири деганда унинг тугаши (бунга айбдорнинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар ҳам киради) ёки зарали оқибатларнинг келиб чиқиши ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик ва ғайриҳуқуқийлик хусусиятини йўқотиши тушунилади.

Жиноят-ҳуқуқий ҳаракатлар ташки томондан инсон, ҳайвон ёки моддий предметга жисмоний таъсир қилиш шаклида ифодаланиши мумкин. Жиноят кодексидаги 90% жиноятлар шундай шаклда содир этилади.

Жиноят ҳуқуқий ҳаракат муайян сўз ёки ибораларни ёзиш ёки айтишда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, тухмат, ҳақорат. Баъзида бошқа одамлар ҳам ижтимоий хавфли ҳаракат воситаси бўлиши мумкин. Масалан, ақлидан норасо ёки кичик ёшдаги болалар ўт қўйишга ёки одам ўлдиришга далолат қилинганда, далолатчи ўша жиноятни бевосита содир қилишда айбланади. Ақли норасо ёки субъект ёшида бўлмаган шахслар эса ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини тушунмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ҳаракатсизлик шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва пасив хулқ-атворидир. Ҳаракатсизлик шахснинг қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳаракатни қилмаганлиги натижасида, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилганлиги ёки зарар етказиш хавфи туғилганлигида ифодаланади.

Ижтимоий хавфли ҳаракатсизлик худди ижтимоий хавфли ҳаракатдай ташки дунёга таъсир ўтказади ва маълум ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳаракатсизлик биргина ҳолатда муайян ҳаракатни амалга оширишдан ўзини тийиш билан бирга жиноий хулқ-атвор тизимини акс эттириши мумкин. Мисол учун: мансабга совуққонлик билан қараш жиноятида мансабдор шахс ўзига юклатилган вазифани доимий равишда бажармай келади.

Ҳаракатсизлик фақатгина ижтимоий хавфли ва ғайриҳуқуқий бўлган тақдирдагина жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликни келиб чиқишининг зарурий шартларидан яна бири имкониятнинг борлиги ва мажбурийлиги. Масалан, жиноятчилар томонидан боғлаб қўйилган қоровул талон-тарожнинг олдини олмаса, ўз вазифаларига инсофсиз муносабатда бўлганлиги учун жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки у жисмонан ўз вазифаларини бажара олмайди.

Ҳаракатсизликда субъект барча муносабатларда ҳам ўзини пасив тутиши мумкин эмас. Аксинча, у турли ҳаракатларни актив амалга ошириши мумкин (алимент тўламай юрган шахс бир жойдан иккинчи жойга бемалол кўчиб юриши мумкин), бироқ асосий ўзига юклатилган мажбуриятни бажармаслик (бизнинг мисолда алимент тўлаш мажбурияти) ҳаракатсизлик орқали амалга оширилади.

Инсоннинг ҳар қандай қилимиши ҳар доим онгли ва ақл-иродаси билан содир этилади. Шунинг учун ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахснинг ҳаракатлари, ҳатто ижтимоий-хавфли оқибатларга олиб келган тақдирда ҳам жиноят ҳисобланмайди. Масалан, фуқаро А. сирпаниб кетаётиб, омон қолиш ниятида бирор нарсани ушлаб қолишга ҳаракат қилади. Бирок, йиқилаётиб фуқаро О.нинг кийимидан туттади, йиқилиш натижасида фуқаро О. оғир жароҳат олади. Бундай ҳолда келиб чиққан оқибат учун А. жиноий жавобгарликка тортилмайди, чунки бу унинг онгига, ақл иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда юз берган.

Шахснинг енгиб бўлмайдиган жисмоний куч ёки руҳий зўрлик таъсирида қонун билаи кўриқланадиган ижтимоий муносабатга хавф солувчи қилмиши ва унинг оқибатлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи назариясида енгиб бўлмайдиган куч деганда, маълум бир (аниқ) шахсни стихияли кучлар (ёнғин, тошқин, бўрон ва ҳ.к.) таъсирида ўз иродасига қарши маълум бир ҳатти-ҳаракатларни қилиб қўйиш ходисалари (масалан, автобусни тўхтатиши натижасида, йўловчилардан бири йиқилаётиб, қўлини беихтиёр ёнида турган йўловчининг кўзига тегиб жароҳатлаши, тошқин натижасида шифокорнинг чақирувга бора олмаслиги ва беморнинг ҳалок бўлиши ва ҳ.к.) тушунилади.

Табиий офатни ҳақиқатдан ҳам енгиб бўлмаганлигини аниқлаш учун шахснинг унга қарши кураш қобилияти, вазият ҳисобга олинади.

Жисмоний зўрлик, деганда шахснинг бошқаларнинг жисмоний таъсирида жамият учун хавфли қилмишларнинг амалга ошириши тушунилади ва бунда жисмоний таъсир унинг ихтиёрини бутунлай олиб қўяди (масалан, жиноятчилар қоровулнинг қўл оёқларини боғлаб нарсаларни уғирлаб кетади). Бундай ҳолат қоровулнинг жиноий жавобгарлигини истисно қилади. Чунки бунда келиб чиққан оқибат шахснинг ихтиёридан ташқарида юз беради. Агар шахс жиноятни бартараф қилиш имкониятига эга бўла туриб, жисмоний зўрлаш натижасида ундан фойдаланмаган бўлса, жиноий жавобгарликни истисно қилмайди. Суд томондан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига мувофиқ ҳолда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Масалан, ижтимоий хавфли қилмиш зарурий мудофаа ҳолатда содир этилган тақдирда шахс жавобгарликка тортилмайди.

Рухий зўрлик , дейилганида шахсни ўлдириш моддий ёки маънавий зарар етказиш билан қўрқитилиши натижасида содир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги туфайли ижтимоий хавфли оқибатнинг рўй бериши тушунилади. Рухий таъсир натижасида етказилган зарар учун айбдор охирги зарурат ҳолларидан ташқари барча ҳолларда жавобгарликка торгилади. Суд жазо тайинлаётганда бу ҳолатларни жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиши керак. Қилмиш ижтимоий хавфли бўлиши янги жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказа оладиган даражада хавфли бўлиши керак.

Қилмишни жиноят деб топиш учун унинг ижтимоий хавфлили даражаси юқори бўлиб, айбдорга нисбатан Жиноят кодексида муайян жазо белгиланган бўлиши керак. Одатда қилмишнинг ижтимоий хавфлилилик даражаси жиноят ҳуқуқий норма санкциясида ифодаланган бўлади. Шубҳасиз, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилилик даражаси бир хил бўлмайди (масалан, ҳаётга қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилилик даражаси соғлиққа қарши жиноятларга нисбатан юқори ва бошқалар).

Жиноят кодексида ижтимоий хавфли деб кўрсатилган қилмишларнинг қатъий рўйхати берилган, лекин ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида баъзи қилмишлар ижтимоий хавфлилигини йўқотиб, декриминализация қилинса, яъни Жиноят кодексидан чиқарилса, бошқалари ижтимоий хавфли деб, криминализация қилиниши мумкин. Масалан, Жиноят кодексидан чайқовчилик учун жавобгарлик кўзда тутилган модда олиб ташланди, чунки Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида бу қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилилик хусусиятини йўқотди ёки 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида биринчи марта одамлардан фойдаланиш учун ёллашнинг ижтимоий хавфи ортганлиги муносабати билан жавобгарлик белгиланади (Жиноят кодекси 135-моддаси).

Жиноий қилмиш ҳар доим фақат ижтимоий хавфли бўлибгина қолмасдан, балки гайриқонуний ҳаракат ҳамдир, яъни жиноят-ҳуқуқий нормалар билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишдир.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ғайриқонунийлиги, жиноий жазога сазоворлиги ва айблилик жиноятининг зарурий белгиларидир.

Ижтимоий хавфли қилмиш ижтимоий хавфлилик ва ғайриқонуний белгиларисиз содир этилган ҳолларда жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Демак, қилмиш жавобгарликни истисно қилувчи ҳолларда содир этилса, жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди. Жиноят кодексининг 35-моддасида белгиланишича: "Қилмишда ушбу Кодексадан назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади".

Қуйидаги ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларга киради: кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий муҳофаза, охириги зарурат; ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахсни ушлаш вақти зарар етказиш; буйруқни ёки бошқа тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваққалчилик.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларда содир этилган қилмишлар асосан фойдали ҳаракатлардир.

Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган кўпчилик жиноятлар маълум шахсларнинг ҳаракатлари, яъни фаол хулқи натижасида содир этилади. Муайян моддада жавобгарлик кўзда тутилган жиноий ҳаракат бир ҳаракатни содир этиш натижасида вужудга келиши ёки қатор ҳаракатлардан (масалан, Жиноят кодексининг 110-моддаси: қийнаш, муттасил равишда дуппослаш, яъни дуппослашнинг уч ёки ундан кўп марта содир этилиши) иборат бу-лиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этиш бир ҳаракат ёки бир неча ҳаракатлардан иборат бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Кўпчилик ҳолларда жиноий ҳаракат яъни пичоқ уриш, совуқ қурол ишлатиш ва бошқа йўллар билан содир этилади. Бирок, жиноий ҳаракат сўз билан, имо-ишоралар орқали (безорилик, ҳақорат, ўлдириш билан қурқитиш ва бошқалар) содир этилиши ҳам мумкин.

Қилмиш ҳаракатсизлик билан ҳам содир эти-лиши мумкин. Одатда, ҳаракатсизлик шаклидаги қилмишлар шахснинг мансаб ёки касб билан боғлиқ вазифаларини етарлича бажармаслиги натижасида орқасидан келиб чиқади. Масалан, касб юзасидан ўз вазифаларини

лозим даражада бажармаслик (116-модда); хавф остида қолдириш (117-модда); мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (172-модда); мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-мод-да); суд қарорини бажармаслик (232-модда); жиноят хакида хабар бермаслик ёки уни яшириш (241-модда) ва бошқалар. Шу муносабат билан ҳаракатсизлик шаклида содир этилган ҳар бир қилмишда айбдор шахс муййян мажбуриятларини, вазифаларини бузганлигини аниқлаш, у маълум бир тарзда ҳаракат қилиши лозимлигини, хулқи эътиборга олинган ҳолда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиниши лозим. Масалан, Жиноят кодексининг 207-моддаси буйича шахсни мансабга совуққонлик билан қараганлиги учун жавобгарликка тортиш учун мансабдор шахснинг кишилар, давлат ва жамоат манфаатларига етказилган зарари қандаймажбуриятларни бузганлиги натижасида келиб чиққанлигини аниқлаш керак. Агар бу қилмишнинг оқибатлари мансабдор шахснинг ўз вазифаларини бузиши натижасида вужудга келган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатсизлиги жиноят ҳисобланади. Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабларсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги (116-моддасининг 2-банди) бунга мисолдир. Бу ҳолда врач ёки тиббий ходим ушбу ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиши шартдир.

Муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти қуйидагилардан келиб чиқади:

1. қонундан;
2. тажриба ёки хизмат вазифасидан;
3. шартномадан;
4. олдинги хулқ-атвори дан келиб чиқади.
5. қориндошлик муносабатларидан келиб чиқади.

Жиноий ҳаракатсизликнинг бошланиши муайян ҳаракатни амалга оширишга мажбур ва бунга имконияти бўлган шахс томонидан уни амалга оширмаслик оқибатида жиноят қонуни билан химоя қилинадиган объектга зарар етказиш ҳисобланади. Ҳаракатсизлик зарар етказиш билан ёки уни етказиш хавфининг йўқолиши билан тугайди. Ҳаракатсизликнинг бошланиши ва тугаш вақтини аниқлаш иштирокчилик, жиноятдан ихтиёрий қайтиш ва бошқа шу каби масалаларни ҳал қилишда аҳамиятга эгадир.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда “аралаш ҳаракатсизлик” тушунчаси қўлланилади. Бундай ҳолатда жиноят-ҳуқуқий

ҳаракатсизлик мураккаб хусусиятга эгадир. Ҳар доим ҳам ҳаракатсизлик мутлоқ пассив бўлавермайди. Зиммасига ҳуқуқий мажбурият юклатилган шахс томонидан ана шу мажбуриятни тўлиқ бажармаслик ёки тегишли шаклда бажармаслик ҳам жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Мисол учун: мансабга совуққонлик билан караш жиноятида, мансабдор шахс ўз мажбуриятини тегишли шаклда бажармайди.

Жиноят кодекси 117-моддасида ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имконияти бўлмаган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қуйган ва ушбу модданинг 1 ва 2- қисмларидаги оқибатларни келтириб чиқарса, жиноий ҳаракатсизлик содир қилинган ҳисобланади. Бу ҳолда шахснинг зиммасидаги маълум тарзда ҳаракат қилиш мажбурияти қонун мазмунидан келиб чиқади. Демак, жиноий ҳаракатсизлик шахснинг қонун, шартнома, келишув ва бошқалар буйича маълум ҳаракатларни бажармаслиги ёки унинг мансаб, касбий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда бажармаслигида ифодаланади.

Узоққа чўзилган, давомли ва мураккаб жиноятларнинг объектив томони ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қатор хусусиятлари билан ифодаланади.

Узоққа чўзилган жиноят деб маълум давргача чўзилган жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликқа айтилади. Бу жиноят муайян жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан бошланади.

Жиноят қонунида айбдорга юклатилган мажбуриятнинг узоқ вақт давомида бажарилмай келишидан иборат ҳаракатсизлик ҳам узоққа чўзилган жиноят , дейилади. Масалан, алимент тўлаш тўғрисидаги суд қарорини қасддан бажармай юриш, тайёрланаётган ёки содир бўлган айрим жиноят лар ҳақида хабар бермаслик ва х.к.

Узоққа чўзилган жиноятлар жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтидан бошланиб, айбдорнинг ўзи шу ҳаракатни тухтатиши ёки жиноятга тускинлик қилувчи бирон воқеа юз бериши билан тамомланади.

Давомли жиноят деб бир мақсадга эришиши учун бир-бирига ухшаш бир неча ҳаракатдан иборат бўлган жиноятга айтилади. Бу жиноятларнинг ҳар бири алоҳида олинганида мустақил жиноят таркибининг объекти бўлиши мумкин.

Давомли жиноят бирор ҳаракатнинг содир бўлиши билан бошланиб, охириги жиноий ҳаракат билан тамом бўлган ҳисобланади.

Мураккаб жиноят деб икки ёки ундан кўп алоҳида жиноят белгиси бўлган, лекин содир қилинишдаги ҳаракатлар бир-бирига яқин алоқадорлиги сабабли бир бутун жиноят таркибини ташкил этувчи жиноятга айтилади.

3. Ижтимоий хавфли оқибат

Жиноий оқибат жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектдаги ижтимоий зарарли ўзгаришлар шаклида намоён бўлади. Тажовуз предметини йўқотиш (мулкнинг йўқ қилиниши, хаётдан маҳрум қилиш, давлат сирлари билан боғлиқ ҳужжатларни йўқолиши), ташкилот, корхона, муассасаларининг нормал фаолият олиб боришининг, фуқароларининг ижтимоий; меҳнат, уй-жой, сайлов ва бошқа ҳуқуқларининг бузилиши ижтимоий хавфли оқибат ҳисобланади.

Жиноий оқибат тажовуз объектларида ғайриижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарганлиги сабабли, уларнинг таркибий таснифи ҳам тўғридан-тўғри бу объектларнинг таркибига боғлиқдир. Шундай қилиб, қарши жиноятлар сиёсий ва иқтисодий зарарни давлатга; шахсга қарши жисмоний ва руҳий зиённи – жиноятлар келтириб чиқаради.

Жиноятлар ўзининг тузилишига кўра оддий (бир вақтдаги ва бир негиздаги) ва мураккаб (икки объектли, давомий) бўлади. Бундай тасниф ёки жиноят таркибининг икки объектдан иборатлиги, ёки бир объектнинг моҳиятидан, ёки зарарли ўзгаришларни қилиш жараёнининг ўзига хослиги билан белгиланади. Масалан, босқинчилик иккита объектли жиноят ҳисобланиб, улар шахснинг соғлиги ва фуқароларнинг мулкӣ манфаатларидир.

Моддий таркибли жиноятлар объектив томонининг иккинчи зарурий белгиси жиноий оқибатдир.

Жиноий оқибат деганда қилмишнинг содир этилиши натижасида жиноят ҳуқуқи билан кўриқланаётган ижтимоий муносабатларда юз берган ўзгариш тушунилиши керак. Шунингдек, оқибат ижтимоий муносабатларга тўғридан-тўғри зарар етказди ёки бевосита зарар етказиш хавфини туғдиради. Жиноий оқибатлар Жиноят кодекси томонидан кўриқланаётган ижтимоий муносабатларни маълум даражада ўзгартиради (масалан, ўзганинг

шахсий мулкига зарар етказиш, инсонни хаётидан махрум қилиш, шахснинг соғлигига зарар етказилиши ва хоказолар).

Келиб чиққан оқибат моддий бўлмаслиги ҳам мумкин (масалан, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ёзишмалар сири, телефон сўзлашувлари, бошқа хабарларни, эшитши фуқаролар билан муносабатда бўлиш, виждон эркинлигини бузиш ва хоказолар).

Моддий ва жисмоний зарарни аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Шунинг учун бундай зарарни жиноят таркибларида миқдорига кўра фарқлайдилар. Бунда оддий, оғирлаштирувчи ва махсус таркибларга бўлиш одат қилинган. Мисол учун мулкни талон-тарож қилишда: талон тарож оддий, кўп ва жуда кўп миқдорда бўлади (шу асосда дифференциаллаширилади).

Бироқ моддий зарарларнинг сиёсий, мафкуравий, ташкилий, рухий, ижтимоий ва бошқа томонларини ўлчаш анча мураккабдир. Бундай зарарларни ўлчаш бирлиги сифатида вақт, тажовуз объектида зарарли оқибатининг чўзилиши (давомийлиги), етказилган зарарнинг чуқурлиги, қайтариб бўлмаслиги кабилар тан олинади. Номоддий оқибатни аниқ ўлчамай, аниқламай туриб қуйидаги саволларга жавоб топиш мушкулдир: қилиш ижтимоий хавфлими ёки кам аҳамиятлими? жиноят содир этилганми ёки ҳуқуқбузарликми? шахсни жазога тортишда етказилган зарарнинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олинми керакми? Мисол учун, маъмурий майда безорилик жинойи безориликдан жамоат тартибини бузишдаги кўполлик даражасининг белгиларига қараб фаркланади. Безориликдан келиб чиқадиган зарар мураккаб таркибли бўлиб, бир катор ташкилий, жисмоний, мулкӣ, маънавий оқибатлардан иборат бўлади. Содир этилган қилмишда юқоридагиларнинг барчаси ёки айримлари мавжуд бўлиши мумкин. Агар безорилик оmodдий ва ножисмоний бўлмаган зарарнинг ўзи билан чекланган бўлса, бунда ташкил ий ёки маънавий зарарни улчаш масаласини ҳал қилиш зарур бўлади. Бунда жиноятнинг давомийлиги, содир этилган қилмишнинг жойи, вақти, шароити, иштрирокчиларнинг хусусияти каби масалалар инобатга олинади. Ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларни моддий ва номоддий турларга бўлиш мумкин. Ўз навбатида моддий оқибатларни мулкӣ ва шахсий хусусиятдаги икки тўрға ажратиш мумкин.

Моддий хусусиятдаги оқибатлар маълум ўлчовга эга. Масалан, соғлиққа қарши жиноятлар, оқибатларга қараб енгил, ўртача оғир ва оғир тан жароҳатларига ажратилади. Етказилган зарар объектини

аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Моддий таркибли жиноятларда содир этилган қилмишнинг оқибатлари бу қилмишларни охирига етказилган жиноят сифатида квалификациялаш имкониятини беради. Қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқмаганлиги қилмишларни жиноятга суиқасд қилиш сифатида баҳолаш имконини беради. Айрим ҳолларда айнан қилмишнинг оқибатлари жиноятнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи белгиси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқий нормаларда оқибатнинг кўрсатилиш шакллари турли хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда Жиноят кодексининг моддасида оқибат тўғридан-тўғри кўрсатилади (масалан, Жиноят кодексининг 104-моддасида қасддан баданга оғир шитаст етказишнинг таърифи берилиб, ушбу жиноятнинг оқибатлари аниқ кўрсатилган), Айрим ҳолларда оқибат жиноят ҳуқуқий меъёрларни изохлаш йўли билан аниқланади.

Жиноят таркибининг моддий ва формал жиноятларга бўлиниши жиноятни тамом бўлиш вақтини аниқлаш ва уни тўғри квалификация қилиш учун аҳамиятлидир.

Жиноий оқибатнинг келиб чиқиши билан жиноят таркиби тугайди. Бирок айрим ҳолларда, жиноятни тамом бўлган деб топиш учун зарурий элемент ҳисобланган оқибат келиб чиққандан сўнг ҳам бир қатор оқибатларни келиб чиқиши давом этади. Бундай оқибатлар кўшимча ёки навбатдаги оқибат деб номланади. Жиноятни квалификациялашда улар аҳамият касб этмайди, суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинади. Мисол учун жабрланувчи ўлдирилганидан сўнг унинг рафикаси касал бўлиб қолиши, онасининг ақлдан озиши ва ҳоказолар. Мана шу ҳолатлар суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олинishi мумкин, қачонки уларнинг жиноий қилмиш билан боғлиқлиги исботланган бўлса. Хўжалик ва мансабдорлик жиноятларида кўшимча оқибат бой берилган фойда, турли неустойкалар бўлиши мумкин.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, субъект келиб чиқишини хоҳламаган, лекин олдиндан кўра билган оқибатлар мустакил жиноят сифатида топилади ҳамда жиноятлар жами бўйича икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликка тортилади. Масалан, агар субъект автомашинани олиб қочиб, филдираклари ва магнитофонини ечиб олиб, машина одам кўрмайдиган жойга ташлаб

кетса ва бу ерда машина яроқсиз ҳолатга келиб қолса учта жиноятнинг жами буйича автомашинани олиб кочиш, ўғрилик ва мулкқа зарар етказиш учун жавобгар бўлади.

Жиноят қонунида бир нечта мураккаб таркибли, икки оқибатли жиноятлар ҳам ўз ифодасини топган. Бундай жиноятлар квалификациян таркибли деб номланади. Буларга жабирланувчининг ўлимига олиб келган оғир тан жароҳатини етказиш, инсонларни қурбон бўлишига олиб келган, мулкни нобуд бўлишига сабаб бўлган оғир оқибатларни келтириб чиқарган давлат сирини ошкор қилиш ва б. Бундай жиноятларда объектга биринчи зарарни етказувчи асосий жиноий оқибат - бу тан жароҳатини етказиш, мулкни нобуд қилиш. Иккинчиси, эса кейин келиб чиққан оғир оқибатлар, бўлиб бўлар ҳам модданинг диспозициясида кўрсатилган зарурий оқибат ҳисобланади. Бунда айбнинг шаклида ҳам ўзига хос томони бор: асосий оқибатга - тўғри қасд; иккинчиси - албатта, эҳтиётсизлик орқасида рўй берган бўлади.

Жиноят ҳуқуқида альтернатив, формал таркибли жиноятлар тушунчаси ҳам мавжуд. Булар каторига объектив томони икки мустакил қисмлардан ташкил топадиган жиноят таркибини киритиш даркор: биттасида фақатгина қилмишни содир этилиши назарда тутилади, иккинчисида қилмиш билан бир каторда ижтимоий хавфли оқибатни келиб чиқиши назарда тутилади. Мисол учун, Жиноят кодекси 186¹–моддасида этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан сунг ёки анча миқдорда содир этилганлиги учун жавобгарлик жавобгарлик белгиланган. Кўриниб турибдики, ушбу жиноятнинг объектив томони маъмурий жазо қўлланилганидан сунг ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда; ёки ижтимоий хавфли қилмиш натижасида анча миқдорда зарар етказилишида ифодаланади.

Ижтимоий хавфли оқибатнинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

1. зарар ва унинг миқдори қилмишни криминализация ва декриминализация қилиш учун асосий мезон ҳисобланади;

2. жиноятлар ва уларнинг таркибларида зору элемент ҳисобланадиган жиноий оқибатлар барча ҳолатда жиноятни таснифлашда иштирок этади;

3. зарар – жиноий ва жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликлар, ғайриахлоқни нождўя ҳаракатларни фарқ асосий воситадир;

4. кам аҳамиятли қилмишларни ҳам аниқлашда зарар (оқибат)нинг ўрни муҳимдир;

5. кейинги қўшимча оқибатлар агар шахс уларни олдиндан кўра билган бўлса суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қилмишни квалификация қилишда инобатга олинади.

4. Сабабий боғланиш ва унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти

Моддий таркибли жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиларидан учинчиси-сабабий боғланишдир. *Сабабий боғланиш* содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги боғлиқликдир.

Жиноят ҳуқуқида жиноий оқибатларни келиб чиқишига сабаб ва шароит бўлиб, факатгина жиноят субъектининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳисобланади. Ҳеч қандай табиат кучлари, ақли норасо шахслар, ҳайвонлар ёки механизмларнинг ҳаракати жиноятнинг сабаби бўла олмайди. Шуниси билан жиноят ҳуқуқидаги сабабий боғланиш жиноят ишида суд экспертлари томонидан аниқланадиган сабабий боғланишдан фарқланади. Масалан, одам ўлдириш билан боғлиқ барча ишларда суд тиббий экспертизаси ўтказилади ва унда ўлим келиб чиқишининг биологик сабаблари аниқланади. Суд тиббий экспертизаси “Ана шу шахснинг ҳаракатлари ўлим келиб чиқишига сабаб бўлганми”, - деган саволни қўйса суд ёки терговчи кўпол хатога йўл қўйган бўлади. Бу саволга жавобни жиноятни таснифлаш вақтида суд ёки терговчи ўзи беради. Суд тиббий экспертизаси эса қуйидаги хулосаларни беради: уйқу артериясига қаттиқ ўткир жисм билан уриш оқибатида кўп қон йўқотилиб, юрак тўхташига олиб келган ва ўлим келиб чиқишига сабаб бўлганми ? Бу маълумотларга асосланиб терговчи ёки суд гумон қилинувчининг (айбланувчи, судланувчи) тегишли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) жаърланувчининг ўлишига сабаб бўлган-бўлмаганлигини аниқлайди.

Шахснинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) натижасида ғайриижтимоий, зарарли оқибатлар келиб чиқиш имкониятига эга бўлиши керак. Агар ҳаракат ижтимоий фойдали ёхуд ижтимоий нейтрал бўлса унда сабабий боғланишни аниқлаш керак эмас. Мисол учун:

1) Агар ошхонага яширинча тушаётган ўсмир қоровулнинг бақариши оқибатида қочиб кетаётиб оёғини синдириб олган бўлса

коровулнинг ҳаракатларини оғир тан жарохати етказилишида сабаб бўлган деб топиб бўлмайди.

2) П. маст ётган Д.ни ўрнидан тўрғазиб, уйи томон йўналтирганидан сўнг П.кўрмайдиган масофада Д. машина остига тушиб қолиши каби ҳаракатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд эмас.

Келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат учун жиноий жавобгарлик масаласи фақат бу оқибат айнан шу қилмиш содир этилиши натижасида келиб чиққанлиги аниқроқ сўнг кўрсатилиши мумкин

Агар оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш натижасида эмас, балки бошқа сабаблар туфайли келиб чиққан бўлса, у ҳолда бу оқибатлар ушбу қилмишни содир этган шахсга юклатилиши мумкин эмас. Масалан, шахснинг баданига шикаст етказилган ва у тиббий ёрдам учун врачга мурожаат қилган ва қон қўйиш натижасида ОИТС (СПИД) касаллиги юқтирилганида баданга шикаст етказган шахс жабрланувчининг ОИТС (СПИД) билан касалланганлиги учун жавобгар бўлмайди, чунки унинг ҳаракатлари билан жабрланувчининг ОИТС (СПИД) билан касалланиши ўртасида сабабий боғланиш йўқ. Жабрланувчи бу касалликқа гиббиёт ходимнинг бепарволиги ёки ўз вазифасига совуққонлик билан қаралганлиги туфайли йўлиққан.

Ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг зарали оқибатдан илгари амалга оширилиши сабабий боғланишнинг муҳим белгиларидан биридир. Зарарли оқибат эса ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг натижаси бўлиб, у айна вақтда ёки кейин содир бўлади. Акс ҳолда ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан зарарли оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмайди

Кўпчилик ҳолларда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш суд-тергов амалиётида унчалик қийинчилик тугдирмайди, чунки оқибатлар (масалан, ҳаётга тажовуз қилинганида ҳаёт учун муҳим аъзоларга ўқ отиш йўли билан одамни ўлдириш, совуқ қурол билан баданга шикаст етказиш) маълум ва аниқ кўриниб туради. Аммо айрим ҳолларда сабабий боғланишни аниқлаш анчагина мураккаб иш бўлиб, экспертиза ўтказиш талаб этилади Бу кўпроқ автотранспорт ҳаракати хавфсизлиги хоидаларини бузиш туфайли содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда қўлланилади.

Сабабий боғланиш факат ҳаракат билан содир қилинадиган жиноятлардагина жиноят таркиби объектив томонинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ҳаракатсизлик билан қилинадиган жиноятлардаги сабабий боғланишни аниқлашда қуйидаги хусусиятлар кўзда тутилади:

1) шахсга муайян ҳаракатлар қилиш мажбурияти юклатилганлиги ;

2) бу ҳаракатни қилмаслик натижасида шу жиноят таркиби учун қонунда белгиланган зарарли оқибатнинг юз берган бўлиши ;

Сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) натижасида келиб чиққан бўлиши керак

2. Келиб чиққан оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ёхуд бу қилмиш содир этилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг реал хавфи бўлиши керак. Агар жиноий оқибат ижтимоий хавфли қилмишнинг натижаси бўлмаса, яъни унинг содир этилиши натижасида объектив тарзда оқибатнинг келиб чиқиши реал бўлмаса, шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳаракатсизлик йўли билан содир этилган жиноятларда сабабий боғланиш муаммолари худди фаол ҳаракат билан жиноий қилмиш содир этишдаги каби ҳал этилади.


Қилмишнинг ғайриижтимоий, ҳуқуққа хилофлиги ёки ахлоққа зид эканлигини аниқлаш қилмиш ва жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни тадқиқ қилишнинг **биринчи босқичини** ташкил қилади.

Тадқиқотнинг **иккинчи босқичи** ғайриҳуқуқий ва ахлоққа зид қилмиш зарарли оқибатларни келиб чиқишига керакли шароит яратганлигини аниқлашни ўз ичига олади. Ўзганинг мулкани эҳтиётсизлик орқасидан нобуд қилишда, уйга кетаётиб электр плиткани чойнаги билан ёник ҳолатда қолдириб кетган фаррошни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Чунки экспертиза томонидан аниқланишича омборга омборхона мудирини томонидан растратани яшириш ниятида, фаррошнинг ёнгин хавфсизлиги коидаларини бузишидан фойдаланган ҳолда ўт қўйиб йўқ қилинган. Бу ҳолатда фаррош ёнгин хавфсизлиги коидаларини бузган. Бирок унинг ҳаракатлари амалга оширилган ёки амалга оширилмаганлигидан катъий назар ёнгин бошқа шахс томонидан содир этилган.

Сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлашнинг *учинчи боскичи*, ҳақиқатдан ҳам қилмиш айнан жиноий оқибатнинг сабаби бўлганлиги аниқлашдан иборатдир.

Ҳаракатсизликдаги сабабий боғланишни аниқлаш ўзига хос хусусиятга эгадир. Агар ҳаракатда шахс қурол ёки воситаларни ишлатган ҳолда ташки дунёда бевосита ўз кучи билан ўзгаришлар қилса, ҳаракатсизликда эса шахс фаол ўзгартирувчи ҳаракатларини амалга оширмасда, ташки табиат кучларига, хайвонларга, механизмларга ва бошқа шахсларга зарар етказилиши учун имконият яратади. Ҳаракатсизлик ва жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш боскичлари ва шартлари ҳаракатдаги билан бир хилдир. Бирок жиноий ҳаракатсизликнинг ўзига хослигини инобатга олмоқ даркор, яъни шахс зарарли оқибатларни келиб чиқишини олдини олишга мажбур бўлган ёки имконияти бўлганлигини аниқламоқ керак бўлади.

5. Жиноят объектив томонининг факультатив белгилари



Агар қонун чиқарувчи қонуннинг тегишли моддасида жиноят таркибида факультатив белгилардан акалли биттасини кўрсатса, у ҳолда бу белги жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб қолади. Муайян қилмишнинг содир этилишида бу белгининг йўқлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркибининг йўқлигини англатади.

Жиноятнинг объектив томонини тўла тавсиф этиш учун жиноят содир этилган жой, вақт, усули, вазият ва қўлланилган воситалар каби жиноят объектив томонининг факультатив белгиларини кўриб чиқиш керак.

Жиноят объектив томони факультатив белгилари муайян жиноят таркибининг зарурий ва зарурий бўлмаган белгилари бўлиши мумкин. Жиноят объектив томонининг факультатив белгиси қонунда кўрсатилганида, шундай белгисиз содир этилган қилмиш учун шахсни жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун факультатив белгиларнинг юридик аҳамияти шундаки, улар жиноят объектив томонининг зарурий ёки зарурий бўлмаган белгиси ҳисобланади. Зарурий ёки факультатив белгилар айрим ҳолларда жиноятнинг зарурий белгилари ҳисобланса, бошқа ҳолларда содир этилган жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб, жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Факультатив белги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмаганида жиноятнинг квалификациясига таъсир этмасада, жазо тайинланишида жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин ва лозим.

Факультатив белгилар ичида усул ва восита қилмишнинг вужуга келишига бевосита боғлиқдир. Бу икки белги қилмишнинг бевосита хусусиятини англатади. Жиноят содир этилган жой, вақт ва шароит жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга жинойий тажовуз амалга ошириладиган шароитлар сифатида намоён бўлади.

Жиноятнинг содир этиш усули ижтимоий хавfli қилмишнинг объектив томонининг факультатив белгиларидан биридир.

Жиноятни содир этиш усули унинг қандай содир этилганлиги, унинг тартиби, услубини кўрсатади. Жиноятни содир этиш усули қонунда муайян жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида кўрсатилиши мумкин.

Жиноят содир этилишининг усули кўп ҳолларда унинг зарурий белгиси сифатида муайян жиноят ҳуқуқий нормада тўғридан-тўғри кўрсатилиши мумкин (масалан, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига

етказиш (Жиноят кодекси 103-моддаси) учун жавобгарлик фақат моддий томондан еки бошқа жихатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаън ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан амалга оширилганда; босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддаси), яъни ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, товламачилик (Жиноят кодекси 165-моддаси), яъни жабрланувчи ёки унинг ячин чишиларига зурлик ишлатиш, ёхуд жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш йўли билан кўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манвфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш йўли билан амалга ошириш; талончилик (Жиноят кодекси 168-моддаси), яъни ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш ва бошқалар). Бу мулкка карши жиноят таркибларида жиноят содир этиш усуллари универсал белги ҳисобланиб, талон-торож қилишнинг бир шаклидан иккинчисини фарқлаш имконини беради.

Айрим ҳолларда жиноятни содир этиш усули жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (масалан, Жиноят кодекси 97-моддаси) қасдан одам ўлдириш қуйидаги ҳолларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган ҳисобланади: а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда; б) ўта шафкатсизлик билан одам ўлдириш; тухмат, нашр қилиш ёки бошқача кўвақтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали содир этилса (Жиноят кодексининг 139-моддаси 2-кисми), зўрлик ишлатиб озодликдан маҳрум қилиш (Жиноят кодексининг 138 моддаси), жиомоний азоб бериш йўли билан содир этилса ва бошқалар).

Жиноят содир этиш усули муайян жиноятнинг зарурий ёки квалификациян белгиси бўлса, ва у нотўғри аниқланганида ҳукмни ўзгартириш учун асос бўлади.

Жиноят объектив томонининг факультатив белгиларидан яна бири жиноят содир этиш воситасидир.

Жиноят содир этиш воситалари айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида жиноят объектига таъсир этиш учун фойдаланган предмет ёки қуроллар, электр токи, радиация,

ультратовуш воситалари бўлиши мумкин. **Жиноят содир этиш қуроллари** дейилганда, айбдор жиноятни содир этиш олдидан тайёрланган ва фойдаланган ҳар қандай предмет, масалан, совук қуроллар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда айбдорлар қурол ва воситалардан жиноят изини яшириш ва жиноятнинг содир этилишини осонлаштириш учун фойдаланадилар.

Жиноят содир этиш қуроли ва воситаси бир шароитда жиноятни содир этишни осонлаштира, бошқа бир шароитда уларни қўлламадан жиноятни содир этиш мумкин эмас. Восита ва қуролнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

А) улар жиноятларни квалификация қилишга таъсир қилади;

Б) улардан фойдаланиш жазо тайинлаш вақтида жавобгарликни оғирлаштириши ёки енгиллаштириши мумкин.

Восита ва қурол жиноят содир этиш усули билан узвий боғлиқдир, айрим ҳолларда унинг таркибини белгилайди.

Айрим ҳолларда, жиноят таркибининг объектив томони зарурий белгилари каторига восита ва қуролнинг киритилиши нафакат Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари диспозицияларини шакллантиришда, балки, Умумий қисм моддалари қоидаларидан ҳам келиб чиқади. Восита ва қурол жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятни яшириш ва ҳоказолар учун жиний жавобгарликни аниқлашда инобатга олинади;.

Жиноят воситалари ва қуроллари жиноятни квалификация қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Жиноят кодекси 202-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳайвонот ёки усимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик ер, сув ёки хавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан ёхуд портлатиш қурилмалари, захарли кимёвий моддалардан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Безорилик, совуқ қурол ёки кишининг соғлиғига шикаст етказиш мумкин бўлган нарсаларни намоиш қилиш орқали содир этилиб, соғлиққа объектив хавф солганда, Жиноят кодекси 277-моддасининг 2-қисми бўйича квалификация этилади. Безорилик ўқ отиш қуролини намоиш қилиб, уларни қўллаб ёки қўллаш билан қўрқитиш орқали содир этилса, 277-модданинг 3-қисми билан квалификация қилинади.

Жиноят содир этиш қуроллари ва воситаларини тўғри аниқлаш нафақат қилмишни тўғри квалификация қилишда, балки махсус ушбу қурол ва воситаларни мусодара қилиш масаласини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят содир этилган жой, дейилганида жиноят бошланган ёхуд жиноий оқибат рўй берган муайян ҳудуд ёки бино тушуниладй. Айрим ҳолларда жиноят содир этилган жой ижтимоий хавфни қилмишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (Жиноят кодексининг 220-моддаси) (бу қилмиш фақат озодликдан маҳрум қилиш муассасаларидагина содир этилиши мумкин); озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш (222-модда) бунга мисол бўла олади.

Жиноят содир этилган жой жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жиноят квалификацияси ҳам шунга асосан ҳал қилинади. Масалан, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида, ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилганида (Жиноят кодекси 273-моддаси 3-қисми) жой жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида катнашади.

Жиноят содир этилган жойнинг аниқланиши жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиш масаласини ҳал қилишида, жиноят бир жойда содир этилиб, унинг жиноий оқибатлари бошқа жойда рўй берган ҳолларда, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ёки бошқа чет давлат ҳудудидан ташқаридаги ҳаво, денгиз ёки дарё кемаларида содир этилганлигини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этилган вақт дейилганда нафақат йилнинг, куннинг маълум бир вақти тушунилмасдан, жиноят содир этган шахснинг жиноий жавобгарлигига маълум даражада таъсир кўрсатадиган ҳодисалар юз берган муайян давр тушунилади. Масалан, жиноятни ҳарбий хизматни ўташ вақтида, фақуллода ҳолат вақтида содир этгаилик, шубҳасиз, жавобгарликни кучайтиради. Онанинг туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон ўз чақалоғини ўлдирганида вақт қилмишни Жиноят кодекси 99-моддаси билан квалификация қилиш учун аҳамиятга эга. Агар шахс туққанидан маълум вақт ўтганидан кейин ўз чақалоғини ўлдирса, у ҳолда унинг

ҳаракатлари Жиноят кодекси 97-модда билан квалификация қилинади, айбдор қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортилади Жиноий безорилик, оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 277-моддасининг 3-қисми “в” банди буйича квалификация қилинади.

Жиноят содир этиш вазиятлари муайян жиноят содир этилаётганда мавжуд бўлган ва жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги масаласини ҳал этишга маълум даражада таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг йигиндисидир. Масалан, зарурий мудофаа шароитида жиноят содир этиш, охирги зарурат, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш, буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатлари жиноий жавобгарликни истисно қилади ёки жиноятчига нисбатан тайинланадиган жазони енгиллаштириш учун асос бўлади.

Жиноятни содир этилган вазият айрим ҳолларда, масалан, буйруқни бажармаслик, жанговар вазиятда содир этилган бўлса (280-модда 2-қисми); бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш жанговар вазиятда содир этилса (280-модда 3-қисми) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят объектив томонинг жиноят таркиби элементларидан фарқловчи ўзига хос хусусиятлари қандай?
2. Қандай ижтимоий хавfli қилмишлар жиноят деб ҳисобланади?
3. Ижтимоий хавfli қилмиш, ижтимоий хавfli оқибат ва сабабий боғланишнинг узаро муносабати нимада?
4. Жиноят объектив томони факультатив белгиларининг мавжуд булиши қайси ҳолларда жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси

4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. “Уголовное право. Общая часть”. (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // “Инфра-Норма”, М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1Ғ28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999г.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.

21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Университета. Ленинград-1981г.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игорелик Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга карши жиноятларнинг юридик тахлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Провавовые последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.

43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступнестью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борбы с преступнестью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие види условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т:1997,
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

67. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й

7-БОБ: ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ

1. Жиноят субъекти тушунчаси

Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунда белгиланган ёшга етган ва ақли расо жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўлади.

Жиноят субъекти жиноят таркибининг зарурий элементиدير, яъни жиноят содир қилган шахс бўлмаса, ўз-ўзидан жиноят ҳам бўлмайди.

Жиноят қонунига мувофиқ жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўла олади ва Жиноят кодексининг 17-моддасида ёзилишича: “Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тулган ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар”. Юридик шахс (ташкilot, муассаса, корхона ва хоказо) лар жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Шунини ҳам таъкидлаб утиш жоизки, бир қатор чет эл давлатларининг жиноят қонунига кўра юридик шахс ҳам жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Лекин ташкilot, муассаса, корхона фаолияти билан боғлиқ жиноий оқибат учун тўғридан-тўғри унинг раҳбарлари ва масъул шахслар жавоб берадилар. Булар асосан экология соҳасидаги жиноятлардир. (Масалан, атроф табиий муҳитни ифлослантириш (193-модда), ердан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва кўриқлаш коидаларини бузиш (197-модда), ўсимликлар, ўрмон ва бошқа экинларни йўқ қилиш ёки зарар етказиш (198-модда) ва хоказо).

Суд-тергов амалиётида ҳайвонлар томонидан жамият манфаатларига зарар етказилган ишлар ҳам учраб туради. Масалан, ҳайвонлар томонидан инсонга ҳар хил даражадаги тан жароҳати етказилиши, шунингдек, ҳайвонлар томонидан инсонларга жиноий мақсадларда ҳужум қилинганлиги ҳам учрайди. Бу ҳолларда: биринчидан, инсон томонидан махсус ўргатилган итга буйруқ берилиши натижасида инсон соғлиғига зарар етказилса, бунда ҳайвон томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгар бўлади.

Иккинчи ҳолатда, бирон-бир ҳайвон томонидан ўзгаларнинг аралашувисиз инсон соғлиғига зарар етказилган бўлса, унинг эгаси жиноий жавобгарликдан озод қилинади ва бундай ҳолда ҳайвон эгасининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўзғатилиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноят субъекти фақат жисмоний шахс, яъни инсонгина бўла олади.

Бироқ Жиноят кодексининг 17-моддаси (жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги)га кура ҳар қандай инсон ҳам жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Шахснинг қонунда белгиланган субъект ёшига етганлигидан ташқари у ўз ҳаракатларини бошқара олиши ва ҳаракати туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни ҳам англаши керак бўлади.

Ўз ҳаракатини идора қила олмайдиган ва оқибатини англамайдиган шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилса, уларнинг ҳаракатида қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб мавжуд бўлмайди.

Жиноят субъектининг асосий белгиларидан яна бири қонунда белгиланган ёш бўлиб, муайян ёшга тўлган шахсларгина жиний жавобгарликка тортилади. Сўзсиз инсонда маълум ёшга етгандан кейингина атрофдаги воқеаларни қабул қилиши, ўз ҳаракатларига тўғри баҳо бериши ва ўз хоҳишини керакли йўналишга йўналтира олиш қобилияти шаклланади. Инсон маълум бир ёшга етгандан кейин муайян бир жиноят қонуни билан ман қилинган ҳаракатлар учун жавобгарлик юзага келишини тўғри англай олади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлган, ақли расо шахслар жиноятнинг субъекти ҳисобланадилар. Бу ёшда усмир ҳар бир воқеани тўғри қабул қилади, унинг дунёкараши ва ҳуқуқий фикрлаши шу даражага етадики, у ўз қилмишининг хавфли эканлигини тўғри баҳолай олади. Бироқ, баъзи бир алоҳида жиноятлар учун қонунда жавобгарлик ёши 14 ёш деб белгиланган. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда қасдан одам ўлдириш учун эса 13 ёш белгиланган (97-модданинг 2-қисми).

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

- 1) жисмоний шахс эканлиги;
- 2) ақли расолиги;
- 3) қонун билан белгиланган ёшга етганлиги жиноят субъектининг белгиларидир, деб айтиш мумкин.

Жиноят қонунида жиноят субъектининг умумий белгиларидан ташқари қушимча ва махсус белгилари ҳам назарда тутилган. Буни жиноятнинг махсус субъекти, дейилади. Масалан, мансабдорлик жиноятининг субъекти жиноят субъектининг умумий белгилари (ёш, ақли расолик)дан ташқари белгиланган тартиб буйича мансабдор

шахс ҳам бўлиши керак. Ҳарбий жиноятларда жиноятнинг субъекти фақат ҳарбий хизматчилар бўлади ва ҳоказолар.

2. Ақли расолик

Ақли расолик бу жиноят субъектининг зарурий белгиларидан биридир.

Жиноят кодексининг 18- моддасида: «Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади», дейилади. Шунга кўра “Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бўзилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди”. (Жиноят кодексининг 18-моддаси 2-қисми). Лекин бу ақли норасо шахсга қилмиши учун ҳеч қандай чора кўрилмайди, дегани эмас.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин (18-модда 3-қисми).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари бемор шахсга ҳукм эълон қилингунга қадар ёки белгиланган жазони ўтаётган вақтида ёки озодликда колдирилган, аммо унинг ҳаракатлари атрофидагиларга хавф туғдирганида, қўлланилади.

Ақли норасолик 2 та - **юридик** ва **тиббий** мезонлар билан ифодаланади.

Шахсни ақли норасо деб топиш учун ҳар икки мезон бир вақтда мавжуд бўлиши шарт. Ҳар қандай ишдаги юридик кўрсаткич, яъни жиноятни содир этган шахс ҳақиқатан ўз ҳаракати ва унинг оқибати учун жавоб бера оладими ёки йўқми, деган масалалар суд томонидан тўла аниқланиши керак.

Тиббий кўрсаткич белгиларига эга бўлган руҳий касалликларга:

- a. сурункали руҳий касаллик;
- b. вақтинчалик руҳий касаллик;
- c. ақлнинг пастлиги;
- d. касалликнинг бошқа ҳолатлари киради .

Сурункали бошқа касаллик даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касаллик бўлиши мумкин. Масалан,

шизофрения, прогрессив фалажлик, паранойя, эпилепсия, бош мия сифлиси (яллиғланиши) ва хоказо.

Вақтинчалик руҳий касаллик руҳий ҳолатнинг вақтинчалик бузилиши бўлиб, шахс кейинчалик соғайиб кетади, масалан, белая горячка — умумий юкумли касалликлар давридаги руҳий касаллик ва хоказо. Ақлнинг пастлиги ёки олигофрения — туғма ёки туғилиш вақтида инсон руҳий ҳолатининг ишдан чиқиши.

Ақлнинг пастлиги уч даражага бўлинади: енгил даражали дебиллик (имбецильность), ўрта даража (идиотия), тўла, яъни ақлий қобилиятнинг ишдан чиқиши.

Касалликнинг бошқа ҳолатлари инсон руҳиятининг руҳий касалликлардан ташқари ҳолатдаги бузилишидир. (Масалан, гиёвандлик воситасини вақтинча истеъмол қилмаслик туфайли руй берадиган руҳий ҳолат, юкумли касаллик вақтидаги руҳий етишмаслик).

Ақли норасоликнинг юридик мезони шундан иборатки, бунда шахс ўз ҳаракатлари тўғрисида ўзига ҳисоб бера олмайди (интеллектуал белги) ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайди. Юридик мезоннинг интеллектуал белгиси шуни билдирадики, бунда шахс ўз ҳаракатини, унинг гайриқонуний ва жамоат учун хавфли эканлигини тушунмайди. Шахсни ақли норасо деб топиш учун қонун буйича тиббий ва юридик мезонлар аниқланиши лозим. Кўпчилик ҳолларда, агар шахс ўз ҳаракатлари тўғрисида ўзига ҳисоб бера олмас экан, ўз ҳаракатларини ҳам бошқара олмайди. Бирок суд-тергов амалиётида шахс ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бера олади, лекин уни бошқара олмайдиган ҳолатлар ҳам кўзатилган. Масалан, шахс гиёвандлик воситасини истеъмол қилиши керак бўлган вақтда уни топа олмаса, ҳар қандай ҳаракатни содир этишга, шу жумладан, дорихонага ўғрилиққа киришга ҳам кодир бўлади. Бунда гиёванд жиноят килаётганлиги тўғрисида ўзига ҳисоб беради, лекин ўз ҳаракатларини бошқара олмайди. Бу ҳолларда тиббий кўрсаткичлардан бирининг мавжудлиги шахсни ақли норасо деб топилиши учун асос бўлади.

Ҳар бир жиноят ишини кўришда шахсни ақли норасо деб топиш учун албатта суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши лозим. Қонунга кўра ақли норасо деб топилган шахс жиноятнинг субъекти бўла олмайди ва у ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилмайди.

3. Жиноят субъектининг ёши

Жиноят қонуни буйича жавобгарликка тортиш ёшига етган шахсгина жиноятнинг субъекти деб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи маълум бир ёшни белгилаш вақтида шахснинг хаётий тажрибаси, психофизиологик ва ижтимоий-руҳий ҳолатининг даражасини ҳисобга олган

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунида биринчи марта жинойий жавобгарликка тортилишига асос бўлиши учун ёшининг турт даражаси белгиланган.

Жиноят кодексининг 17-моддаси 1-қисмига кўра жиноят қилгунга қадар 16 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексида кўпчилик жиноятлар учун жавобгарлик 16 ёшдан белгиланган.

Жиноят кодекси 17-моддаси 2-қисмига кўра “13 ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (97- модда 2-қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисмида белгиланган субъект ёши энг паст ёш бўлиб, Жиноят кодексидаги ягона норма ҳисобланади. Олдинги қонунларда бундай ёш чегараси белгиланмаган эди.

Жиноят кодекси 17- моддаси 3-қисмига кўра жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тулган шахслар қуйидаги жиноятларни содир этганлик учун жавобгар бўладилар: қасддан одам ўлдириш (97); қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105); кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106); номусга тегиш (118); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда кондириш (119); одам ўғирлаш (137); босқинчилик (164); товламачилик (165); талончилик (166); ўғрилик (169); мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (173, 2-3); озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (220); озодликдан маҳрум қилиш жойларидан кочиш (222); ўқотар қурол, ўқ дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (247); радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (252); темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроксиз ҳолатга келтириш (263); транспорт воситасини олиб кочиш (267); гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни

қонунга хилоф равишда эгаллаш (271); оғирлаштирувчи ҳолатларда безорилик (277 2 ва 3).

Жиноят кодекси 17-моддаси 4-қисмида қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик ёши 18 ёш деб белгиланган: вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122); ота-онани моддий таъминдашдан бўйин товлаш (123); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127); фукароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (144); сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (146); экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193); атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги туғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бўзиб кўрсатиш (194); атроф табиий мухитнинг ифлосданиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195); ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206); мансабга совуққонлик билан қараш (207); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208); мансаб сохтакорлиги (209); пора олиш (210); ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (225); маъмурий назорат коидаларини бузиш (226); айбсиз кишини жавобгарликқа тортиш (230); адолатсиз ҳукм, хал килув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (231); суд қарорини бажармаслик (232); қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки хибсга олиш (234) кўрсатув беришга мажбур қилиш (235) ва «ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар» бўлимидаги (279-302) жиноятлар.

Жиноят кодекси 17- моддасига кўра жиноятчиларнинг ёши чегаралари аниқ белгиланиши учун шахснинг ёши тўлиқ (туғилган йили, ойи, куни) аниқланиши лозм.

Шахсни маълум бир ёшга тулган деб ҳисоблаш учун унинг ёши туғилган кунидан эмас, балки кейинги кундан бошланади. Шахсни ёши туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспортга қараб аниқланади. Ушбу ҳужжатлар ва ёшни аниқлайдиган далиллар бўлмаганда туғилган вақт суд-тиббиёт экспертизаси орқали аниқланади. Лекин экспертиза ҳам аниқ йил, ой ва кунни айтиб бера олмаса, эксперт комиссияси шахснинг жисмоний ва ақлий ривожланишини эътиборга олиб, муайян йилни туғилган йили деб белгилайди. Бундай ҳолда йилнинг охири куни (31 декабрь) туғилган кун деб белгиланади. Баъзи ҳолларда экспертиза аниқ йилни ҳам айтолмасдан ўртача ёшни белгилайди (масалан,, 12 дан 15 гача).

Бу ҳолларда шахснинг минимал ёши олинади (бу вазиятда 12 ёш олинади).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида биринчи марта 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жисмоний ва ақлий етуқлик даражаси ва руҳиятини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар учун Жиноят кодекси Махсус қисмида алоҳида жавобгарлик белгиланди. (Масалан, 18 ёшга етмаганлар учун ўлим жазоси қўлланилмайди).

4. Жиноятнинг махсус субъекти

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг махсус субъекти тушунчаси берилган.

Шахсни жиноятнинг махсус субъекти – деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилар ҳам бўлиши керакки, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Кўп ҳолларда ушбу белгилар жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида кўрсатилади ёки уларни шарҳлаш орқали аниқланади., Жиноятнинг махсус субъекти белгилари турлича бўлиб, улар хизмат, касб, фуқаролик ёки ҳарбий мажбурият буйича бўлиши мумкин. Маса-лан, бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг субъекти фақат мансабдор шахс бўла олади (205, 206, 207, 208, 209, 210, 211-моддалар), ҳарбий хизматга оид жиноятларда фақат ҳарбий хизматчилар субъект бўла оладилар (279-300-моддалар). Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноятларда унинг субъекти фақат транспорт воситасини бошқараётган шахс бўла олади (260, 266-моддалар).

Таъмирлаш коидаларини ёки транспортни эксплуатацияга чиқариш коидаларини бузганлик жиноятида субъект фақат таъмирловчи ёки транспортнинг техник ҳолати учун жавобгар шахсина бўла олади.

Давлат сирларини ошкор қилганлик учун давлат сирлари хизмат ёки касб юзасидан ишониб топширилган шахсина жавобгарликка тортилади (162-модда).

Жиноят қонуни Махсус қисмини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноятнинг махсус субъекти белгиларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) фуқаролиги;

- 2) демографик белгилари (жинси, ёши);
- 3) мансаби;
- 4) ҳарбий хизматга алоқадорлиги;
- 5) бажараётган иши;
- 6) касбий мажбурияти;
- 7) шахсий мажбуриятлари;
- 8) субъектнинг асосий ҳолатлари (рецидивист, хавфли рецидивист).

Бу тасниф албатта тахминийдир. Ҳар бир ижтимоий хавфли ҳаракат содир этилганида суд-тергов ходимлари жиноятнинг махсус субъектининг алоҳида белгиларини аниқлаши лозимки, буларсиз ҳаракат содир этган шахс ушбу жиноятнинг субъекти деб топилмаслиги керак.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят субъекти тушунчаси ва унинг зарурий белгилари нималардан иборат?
2. Ақли расолик нима ва унинг мезонларини айтиш?
3. Жиноят субъекти ёшининг қандай даражалари мавжуд?
4. Жиноят ҳуқиқида махсус субъектнинг аҳамияти нимада?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқиқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юрист» Разгильдяев Б.Т. "Задачи

Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5

11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.

12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1/28..

13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999г.

14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"

15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.

16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург

17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.

18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.

19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.

20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.

21. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.

22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.

23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.

24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.

25. Советское уголовное право. Часть обшая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320

26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.

27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.

28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупност преступлений
38. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.

50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.

51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.

52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.

53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.

54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4

55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.

56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.

57. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16


65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат

маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи
маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

8-БОБ: ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси



Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли, шахснинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлашнинг зарурий шартидир. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг муҳим хусусиятларидан бири субъектнинг ақли расолиги, яъни айбдорнинг ўз ҳаракатини бошқара олганлиги ва ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий хавфлилигини англаши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 20-моддасига мувофиқ ижтимоий хавfli қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин, яъни субъектив ақли расолик шуни англатадики, шахс фақат қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган қилмиши учун айбдор бўлгандагина жинойий жавобгарликка тортилади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг субъектив томони дейилганда, айбдор шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавfli қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш суд-тергов амалиётида маълум қийинчиликлар туғдиради. Шу муносабат билан

жиноятчи томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш, унинг мақсади ва мотивларини чуқур ўрганиш лозим.

Айнан жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг мақсади, мотиви ва айбни етарлича тадқиқ этмаслик жиноятни квалификация қилишда хатоликларга йўл қуйилишига олиб келиб, шахснинг у содир этмаган қилмиш учун жиной жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади, бу эса адолатли жазо тайинлаш одиллик принципининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун суд-тергов амалиётида жиноятнинг мотиви, мақсади ва айбни тўғри аниқлашга жуда катта зътибор бериш керак, чунки Жиноят кодексининг 9-моддасига мувофиқ, “шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади”. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидир. Жиноятнинг мақсади ва мотиви эса субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланади. Мақсади ва мотив жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланиб, агар улар жиноят ҳуқуқий норма-да тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлсагина, жиноятни квалификация қилишга таъсир этади, бошқа ҳолларда эса, улар жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, балки жазо тайинлашда ҳисобга олиниши зарур.

2. Айбнинг шакллари ва тушунчаси

Айб ҳар қандай жиноят субъектив томонининг зарурий белгисидир. Айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиной жавобгарликка тортиш ва жазо тайинланиши мумкин эмас.

NOTA BENE!

Айб деганда шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатларига (қасддан ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги) бўлган руҳий муносабати тушунилади

Жиноят қонунчилигида ва суд амалиётида айбнинг оғирлигини англаувчи, унинг микдорий хусусиятини акс эттирувчи “**айбнинг даражаси**” тушунчаси ишлатилади. Айбнинг даражаси шахснинг жиноят ҳолатларига бўлган муносабати шакллари ва таркибининг жами билан аниқланади ҳамда ижтимоий хавфли қилмишнинг даражаси билан белгиланади. Булар қуйидагилардан иборат: руҳий муносабатининг хусусиятлари, жиноятнинг мотив ва мақсади,

шахсни тавсифлайдиган ҳолатларга оид жиноий қасд ёки эҳтиётсизликнинг келиб чиқишига туртки бўлган сабаб ва шарт-шароитлардир.

Юридик адабиётларда айб турлича талқин этилади. Катор муаллифлар жиноятнинг субъектив томонини тадқиқ этишда айб ва жиноятнинг субъектив томони тушунчасини айнан бир хил деб ҳисоблашса, бошқалари жиноятнинг субъектив томони айбга нисбаган кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига жиноятнинг мотиви ва мақсадини ҳам қамраб олади, деб ҳисоблайдилар. Шубҳасиз, булар айнан бир хил тушунчалар эмас.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи «объектив айбни билмайди», яъни шахсни факат ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик факти асосида жавобгарликка тортишнинг ўзи учун жавобгарлик белгиланади.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида (Жиноят кодекси 20-моддаси) назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 20-моддасига мувофиқ жиноят:

- 1) қасддан;
- 2) эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин.

Айбнинг қасд шаклида жиноят **тўғри** ёки **эгри** қасд билан содир этилиши мумкин.

Жиноят тамом бўлган вақт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланади. Уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади. Қасддан содир этилган жиноятга берилган бу таъриф **тўғри** қасд билан амалга ошириладиганган жиноятлар таркибига нисбатан берилган.

<u>NOTA BENE!</u>	
Жиноятни содир этган шахс қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, у тўғри қасд билан содир этилган ҳисобланади	

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

Жиноятни содир этган шахс ўз қилмишининг хавфлилигини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, у эгри қасд билан содир этилган ҳисобланади
--

Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни тарихида биринчи марта 1994 йилги Жиноят кодексига мураккаб айбли жиноят тушунчаси ўз аксини топади.

Суд-тергов амалиётида айбдорнинг содир этган жинояти ва юз берган оқибатларга бўлган муносабати ҳар хил бўлган ҳолларда жиноятни квалификация қилишда турли муаммоларга дуч келинади, бундай ҳолларда айб шакллариининг тўғри аниқланиши содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шarti эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 23-моддасида мураккаб айб тушунчасига таъриф берилган.

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмиш учун оғирроқ жавобгарлик белгиланган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади

3. Қасд ва унинг турлари

Жиноят кодексига жавобгарлик кўзда тутилган кўпчилик жиноятлар қасддан содир этилади. Шубҳасиз, қасддан содир этилган жиноятларнинг эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларга нисбатан ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқоридир. Шахс қасддан жиноят содир этаётганида уни олдиндан режалаштиради, батафсил тайёргарлик кўради. Шунинг учун қасддан содир этилган жиноятларга қарши жиноят ҳуқуқий чоралар ёрдамида курашиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Буни ҳисобга олган ҳолда қонун чиқарувчи орган томонидан қасддан жиноят содир этган шахслар учун қаттиқроқ жазо чораларини белгилаган. Масалан,

қасддан одам ўлдирганлик учун (97- модда 1-қисми) ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун (102 – модда 1-қисми) учун эса икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Фақатгина қасддан содир этилган жиноятлар оғир ва ўта оғир жиноятлар сирасига киритилган. Шунингдек қасддан жиноят содир этиш алоҳида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради: бунга шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш; жазодан шартли озод қилишга нисбатан қаттиқроқ шартлар қўйилганлиги ва бошқалар қиради.

Қасддан содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти шундаки, жиноятга таёргарлик кўриш, жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ҳамда жиноятда иштирокчилик фақат қасддан содир этилган жиноятлардагина бўлади.

Жиноят кодекси 21-моддаси 1-қисмида қасддан содир этилган жиноят тушунчасига таъриф берилган

NOTA BENE!	
Ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган вақт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.	

Жиноят кодекси 21-моддаси 2 - 3-қисмларида белгиланишича: “Ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган вақт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади”.

Жиноят кодексининг 21-моддаси 4-қисмида эгри қасддан содир этилган жиноятга таъриф берилган:

NOTA BENE!	
Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.	

Қасднинг тафаккурий (интеллектуал) ва иродавий белгилари мавжуд.

Тафаккурий (интеллектуал) ҳолат қасднинг мазмунини, иродавий ҳолат эса унинг йўналишини – белгилайди. Шунинг учун қасднинг моҳияти ва йўналишини тафаккурий, иродавий ҳолатини тўғри белгилаш, шубҳасиз, жиноятни тўғри квалификация қилишга ёрдам беради.

Шахс томонидан жиноятни фактик томонининг англаниши жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, шароитларини тафаккурий (интеллектуал) ҳолат таркибига киритиш имконини беради. Бироқ айрим олимлар кўрсатилган белгиларга нисбатан айбдорнинг муносабатини тафаккурий ҳолат таркибига киритишни нотўғри деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, бу белгилар тафаккурий ҳолат таркибида бўлмоғи даркор. Мисол учун, алдаш йўли билан ўзганинг мулкини эгаллаб олмоқчи бўлган фирибгар, бу ҳаракатларини жабрланувчини алдаш осонроқ бўлган вақт ва шароитида содир этади. Бунда фирибгар ўзганинг мулкини эгаллаш ғайриҳуқуқийлигини англаши билан бир каторда, у ўзининг алдовига ҳақиқат тусини бериши учун маълум бир шароитларини яратаётганлигини ҳам билади.

Тафаккурий ҳолатнинг зарурий белгиларидан яна бири – бу ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этаётган субъект ўз қилмиши оқибатида зарарли оқибатлар келиб чиқишини олдин кура билган бўлиши керак. Агар айбланувчи келиб чиққан оқибатларни олдин билмаган ёки кўра билиши мумкин бўлмаган бўлса, уни жавобгарликка тортиш учун асос ҳам бўлмайди.

Ижтимоий хавфли оқибатларни олдин кўра билиш деганда, субъектнинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабатларга ўз қилмиши туфайли етказиладиган зарарнинг олдиндан хаёлан кўз олдига келтириши тушунилади.

Тўғри қасднинг тафаккурий ҳолати шахснинг ижтимоий хавфли ҳусусиятдаги қилмишини англаши ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларини кўра билишидир.

Тўғри қасднинг иродавий ҳолати жиноят содир этган шахснинг ўзи содир этган қилмишидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни истаганидир.

Ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаш, деганда шахс жиноят содир этаётганида унинг содир этилиши туфайли вужудга келадиган барча ҳолатларини

тушуниши назарда тутилади. Масалан, шахс кайси объектга зарар етказаетганлигини, ўз қилмишининг гайриқонуний, ижтимоий хавфли эканлигини тушунади. Шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини, англаши, инсоннинг ҳаётини фаолияти, билими, малакасига боғлиқ. Масалан, ўғрилиқ содир этаётган шахс, шубҳасиз, тегишли рухсатсиз, шартномасиз ва бошқаларсиз ўзганинг мулкини олиш мумкин эмаслигини тушунади ёхуд одам ўлдираётганида, бировни ҳаётида маҳрум қилишга ҳаққи йўқлигини тушунади ва шу қабилар. Албатта, шахс қандайдир ҳолатлар (войга етмаганлик, ақли норасолик) туфайли содир этаётган қилмиши хусусиятини англамаса, у жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шахснинг ўзи содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини англаши унинг гайриқонуний эканлигини (яъни уни содир этиш қонунда ман этилганлигини), англаши зарур дегани эмас, кўпчилик ҳолларда, жиноят содир этаётган шахс унинг гайриқонуний қилмиш эканлигини англайди, аммо айрим ҳолларда эса у қандайдир қилмишнинг содир этилиши қонунда ман этилганлигини билмаслиги мумкин, лекин шунга қарамасдан бу уни жиноий жавобгарликдан озод этмайди, чунки қонунда қасд тушунчасига айбдорнинг гайриқонуний қилмишни англаши кирилмаган (Жиноят кодекси 21-модда). Айрим жиноят-ҳуқуқий нормаларда қилмишнинг гайри қонуний эканлигини аввалдан билишни кўрсатиш шахс унинг гайриқонуний эканлигини англаши сифатида киритилган. Масалан, Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи бандида — била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юктиш хавфи остида қолдириш; Жиноят кодекси 139-моддасида била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар таркатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жазо кўзда тутилган.

Бу ва бошқа жиноят-ҳуқуқий нормаларда қилмишнинг жинят эканлигини олдиндан билганлиги шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Тўғри қасднинг тафаккурий ҳолати, ижтимоий-хавфли қилмиш содир этган шахснинг ўз қилмиши туфайли келиб чиқадиган хавфли оқибатларни олдиндан кура билишида ифодаланади. .

Шахснинг ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиши деганда, шахснинг ўз ҳаракатлари натижасида тажовуз этилаётган объектга 'канчалик зарар етишини олдиндан тасаввур этиши тушунилади.

Тўғри қасднинг иродавий ҳолатида жиноят содир этган шахс муайян ижтимоий хавфли қилмиш туфайли муайян оқибат келиб чиқишини (масалан, шахс одам ўлдиришда айнан бировни хаётдан маҳрум қилишни), баданга шикаст етказишда эса айбдор айнан баданга оғир шикаст етказилишни истайди.

Айнан иродавий ҳолат бўйича тўғри қасд эгри қасддан фарк қилинади, чунки тўғри қасдда айбдорнинг ҳаракатларида муайян оқибатларнинг юз бериш истаги мавжудлиги бўлса, эгри қасдда эса муайян оқибат юз бериши истаги эмас, балки унга онгли равишда йўл қўйилиши, яъни ижтимоий хавфли оқибат юз беришига айбдорнинг бефарқ қарашида ифодаланади. Бундай ҳолларда қилмиш айбдорнинг ҳаракатлари туфайли юз берган оқибатлардан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади. Масалан, айбдор тажовуз қилаётиб одам баданига қандайдир жисм билан уради ва унинг соғлиғига зарар етказди. Айбдор ураётганда ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва унинг ҳаракатлари натижасида жабрланувчининг соғлиғига зиён етишини билади (тафаккурий ҳодат белгиси) ва онгли равишда жабрланувчи соғлиғига зарар етказилишига йўл қўяди.

Эгри қасддан содир этилган жиноятларда айбдор ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишини хоҳламайди. Ўз-ўзидан эгри қасдда шахс оқибатга нисбатан актив эмас, балки пассив муносабатда бўлади. Зеро бу оқибатлар ушбу жиноят таркибининг ташқарисида жойлашган бошқа мақсадларга эришишга қаратилган айбдор жиноий қилмишининг салбий натижасидир. Шунинг учун эгри қасд билан содир этилган жиноятларнинг тўғри қасд билан содир этилган қилмишларига нисбатан хавфлилик даражаси пастдир. Онгли равишда йўл қўйиш, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмишни келиб чиқишини истамасликда ифодаланади. Эгри қасддан ҳаракат қилаётган шахс бу оқибатларни келиб чиқишидан манфаатдор эмас, шундай бўлсада, бошқа мақсадларга ва ҳатто, жиноий бўлмаган мақсадларга эришиш учун буларнинг келиб чиқишига тайёрдир.

Онгли равишда йўл қўйиш эгри қасднинг иродавий томони сифатида, шунингдек айбдор шахснинг ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаришига бефарқ муносабатда бўлиш шаклида ҳам намоён бўлади. Шу сабабдан айрим вақтларда эгри қасд “жиноий бефарқлик” деб ҳам номланади.

Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини хоҳламайди, лекин уларни олдини олиш

имконияти йўқлигини ҳам тушунади. Мисол учун кушнисини уйига ўт қўяётган шахс, уй ичида ҳаракат кила олмайдиган ногирон шахс борлигини биледи ва унинг ўлишини хоҳламайди, бироқ шундай бўлсада, бунинг олдини олиш имконияти йўқлигини тушунади ва ўйлаган мақсадидан кайтмайди. Қонунда имконият йўқлигини тушуниш у ёки бу айб шаклига киритилмаган. Жиноят ҳукуқи назариясида ва амалиётда бунга тўғри қасднинг бир кўриниши сифатида қаралади.

Айбдорнинг ҳаракатларида тўғри қасд мавжуд бўлган ҳолларда, у шахс соғлиғига маълум даражада зарар етказилишини истайди (масалан, кишининг у ёки бу аъзосини кесиш, инсон соғлиғини бузиш ва бошқалар), агар айбдор кўзлаган оқибат юз бермаса, унинг ҳаракатлари бу жиноятни содир этишга суиқасд қилиш деб квалификация этилиши керак. Масалан, айбдор жабрланувчининг баданига шикаст етказиш мақсадида унга сульфат кислота қуйиб юборса, бироқ объектив сабабларга кўра у истаган натижага эриша олмаса, унинг ҳаракатларини қасддан баданга оғир шикаст етказишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25 ва 104-моддалари бўйича).

Шубҳасиз, эгри қасддан содир этилган жиноятларга нисбатан тўғри қасддан содир этилган жиноят юқори хавфга эга, шунинг учун суд буни жазо тайинлашда ҳисобга олиши керак.

Формал таркибли жиноятларга нисбатан Жиноят кодекси 21-моддаси 1-қисмида: “Ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган вақт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади”, -деб белгиланган.

Формал таркибли жиноятларда айбдорнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларга бўлган муносабатн (иродавий белги) ижтимоий хавфли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятига эга эмас, чунки фармал таркибли жиноятларда оқибат жиноят таркибидан ташқарига чиқарилган. Масалан, тухмат, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда киладиган уйдирмалар тарқатиш (Жиноят кодекси 139 модда, 1- қисми), ёхуд ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-кимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш (Жиноят кодекси 140-модда) бу жиноятларни охирига етган деб топиш учун кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши ва уни

содир этиш истаги кифоя. Кўришиб турибдики, бу жиноятларни охирига етказилган қилмиш, деб топилиши учун уларнинг содир этилишининг ўзи кифоя.

Формал таркибли жиноятлар эгри қасддан содир этилмайди, чунки эгри қасдда айбдор содир этаётган қилмиш оқибатининг рўй беришини истамасада, унга онгли равишда йўл қўяди.

Қасдни тўғри белгилаш жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айб шаклини тўғри белгилаш, адолатли жазо тайинланиши, жавобгарликни дифференциаллаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар қасдни олдиндан ўйланган, тўсатдан пайдо бўлган турларга ажратилади. Қасднинг бу турлари бир-биридан унинг шаклланиш вақти билан фарқ қилади. Олдиндан ўйланган қасдда жиноят содир этиш тўғрисидаги ният пайдо бўлиши ва уни амалга ошириш ўртасида муайян вақт ўтади, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда жиноят содир этиш тўғрисида фикр пайдо бўлиши билан жиноят содир этилиш вақтини маълум бир муддат ажратиб туради. Кўпчилик ҳолларда олдиндан ўйланган қасд билан содир этилган жиноятлар юқори хавфлили»ка эга, айнан қасд пайдо бўлган вақт билан уни амалга ошириш ўртасидаги вақтда шахс уни ҳар томонлама режалаштиради, жиноят курали ва воситаларини тайёрлайди, содир этиладиган жиноятни яшириш учун муайян ҳаракатларни амалга оширади.

Қасд тўсатдан пайдо бўлганида, шахс жиноят содир этиш тўғрисида хоҳиш пайдо бўлгани ҳамон уни амалга оширади, ёки жиноят қасд пайдо бўлган вақтдан кейинги қиска муддат ичида амалга оширилади. Тўсатдан пайдо бўлган қасд билан содир этилаётган жинотнинг одатда, аввалдан ўйлаб содир этилган қилмишга нисбатан хавфлилик даражаси пастроқ. Кўпчилик ҳолларда бундай жиноятларнинг содир этилиши айрим ҳолат ва шароитларга боғлиқ бўлади. Масалан, жабрланувчининг провакацион (иғвогарона) хулқи, мулкни етарлича қўриқламаслик ва шу кабилар; тўсатдан пайдо бўлган қасднинг яна бир кўриниши кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан жиноят содир этиш бўлиб, юридик адабиётларда бундай ҳолат “аффект ҳолати” дейилади.

Аммо кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақоратидан ёхуд ғайриқонуний ҳаракатларига жавоб сифатида пайдо бўлган бўлиши керак. Шахс кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир

этганида унинг ўз ҳаракатларини назорат қилиши маълум даражада пасаяди, ўз иродасини бошқара олмайди ва ўз ҳаракатлари оқибатини етарли даражада баҳолай олмайди. Шунинг учун қонунда кучли руҳий ҳаяжонланиш енгиллаштирувчи ҳолат, деб белгиланган. Масалан, Жиноят кодекси 98-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилади кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказганлик учун қасддан баданга шикаст етказишга нисбатан енгилроқ жазо белгиланади (Жиноят кодекси 106-моддаси).

Қасдни эгри ва тўғри қасдларга бўлиш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳмиятга ҳам эгадир. Мисол учун қилмишда эгри ёки тўғри қасд борлигини аниқламасдан туриб, умуман айбнинг қасд шакли мавжудлиги ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Қасд турларини аниқ фарқлаш, бир қатор жиноят ҳуқуқи институтларини тушуниш учун ҳам зарурдир. Мисол учун жиноятга суиқасд қилиш фақатгина тўғри қасдда мавжуд бўлади, шунингдек жиноятларни тўғри квалификация қилиш, қилмиш ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш учун аҳамиятлидир.

Субъектнинг қилмиши энг муҳим фактик ва амалий хусусиятларига қараб қасд аниқ, альтернатив ва ноаниқ турларга бўлинади. Аниқ қасдда айбдор эришиладиган аниқ мақсадни белгилайди ва аниқ зарарли оқибатларни келиб чиқишини кўра билади.

Альтернатив қасдда айбдор ўз қилмиши оқибатида икки ва ундан ортиқ муайян оқибатларнинг келиб чиқишига бир хил имкониятлар борлигига кўзи етади. Альтернатив қасд билан содир этилган жиноятлар етказилган ҳақиқий зарарга қараб квалификация қилинади.

Ноаниқ қасдда субъект қилмишнинг объектив хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайди ҳамда етказилган зарарнинг ҳажмини аниқ тасаввур қилмасда, у ҳақдаги умумий тасаввурга эга бўлади. Мисол учун, шахсни уриш, дуппослашда айбдор тан жароҳати етказаётганлигини англайди, лекин унинг қайси – енгил, ўртача оғир ёки оғир даражада бўлишини билмайди.

4. Эҳтиётсизлик ва унинг турлари

Одатда эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар етказилган оқибатига қараб, айрим ҳолларда эса бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситага қараб квалификация қилинади. Оқибатнинг йўқлиги жавобгарликни истисно этади. Эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик фақатгина жиноят қонунида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина келиб чиқади.

Жиноят кодекси 22-моддасида айбнинг эҳтиётсизлик шаклига қуйидагича таъриф берилган: «Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади. Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоосиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган», деб топилади.

Шахснинг қилмишида эҳтиётсизлик белгиларининг мавжудлиги:

- Шахсда, қонунда белгиланган хавфсизлик нормаси доирасида ҳаракат қилиш мажбуриятининг мавжудлиги;
- шахснинг нотўғри қарорга келганлигини аниқлашдан иборат.

Шубҳасиз, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиҳатидан қасдан содир этилган жиноятларга нисбатан паст. Бироқ улар ҳам этибордан четда қолмаслиги керак, чунки эҳтиётсизлик орқасида давлатга, фуқароларга кўп миқдорда зарар этади, эҳтиётсиз ҳаракатлар туфайли кўп одамлар ҳалок бўлади ва кўп миқдордаги мулк нобуд бўлади (автомобиль ҳалокатлари кўпинча ҳайдовчиларнинг жиноий ўз-ўзига ортиқча ишонишлари натижасида келиб чиқади).

Кўпчилик ҳолларда эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятлар шахснинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараши натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади. Жиноят кодексида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик келиб чиққан оқибатга қараб белгиланади. Масалан, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (Жиноят кодекси 102-моддаси), эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 111-моддаси), транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш

хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши (266-модданинг 1 - қисми), ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишга сабаб бўлиши (259-модданинг 1-қисми) ва шу кабилар.

Аммо катор ҳолларда жавобгарликка тортиш учун оқибатнинг келиб чиқиши назарда тутилмайди. Масалан, давлат сирларини ошкор қилиш (Жиноят кодекси 162-моддаси). Бу жиноят қасддан ва шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин ҳамда давлат сирлари ошкор этилган вақтдан бошлаб қилмиш тугалланган деб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 22-моддаси мазмунидан куришиб турибдики, эҳтётсизлик орқасида содир этиладиган жиноят ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилиши мумкин. Ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилаётган жиноятнинг интеллектуал (тафаккурий) ҳолати шундан иборатки, айбдор ўзининг хулқ-атвори натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билади.

Агар жиний ўз-ўзига ишонишнинг эҳтиётсизликнинг бепарволик орқасида содир этилган жиноят билан таққосланса, кўришиб турибдики, айбнинг ўз-ўзига ишониш хавфлироқ шаклидир, чунки бу ходда айбдор хулқ-атвори натижасида қандай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра била туриб онгли равишда эҳтиёткорлик чора-тадбирларига риоя қилмайди. Масалан, ҳайдовчи маст ҳолда автомашинани одамлар кўп жойда юқори тезликда бошқаради, у онгли равишда йўл ҳаракати хафсизлиги қоидаларини бузади. Бунинг натижасида айбдор одамлар соғлигига зарар етказиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибат рўй бериши мумкинлигига кўзи етади ва бу оқибатлар келиб чиқмаслиги тўғрисидаги ишончи хом хаёл бўлиб чиқади (иродавий ҳолат).

Жиний ўз-ўзига ишониш кўришида содир этилган қилмишлар транспорт воситасини бошқариш, табиий муҳитни кўриқлаш ва табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар учун хос. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этилиши натижасида жиноят-ҳуқуқий нормада кўрсатилган оқибат юз бермаган бўлса, қилмиш жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Масалан, ҳайдовчи онгли равишда белгиланган тезликни ошириб, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузади аммо бу ҳеч қандай оқибатларга

олиб келмади. Бу ҳолда хайдовчига йўл патрул хизмати ходимлари томонидан маъмурий чоралар қўлланилади.

Эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва эгри қасд ўртасидаги асосий фарқ айбдорнинг қилмишга нисбатан бўлган иродавий ҳолатида намоён бўлади. Агар эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса, ўз-ўзига ишонишда эса оқибатларни келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид килади. Бунда ушбу оқибатларга нисбатан онг ва ирода бефарқ эмасдир, улар оқибатни олдини олишга қаратилгандир. Шахс жиноий оқибат келиб чиқишига тўскинлик қиладиган, шунга имконияти бўлган реал шароитлар бор деб уйлайди, бироқ айрим шароитлар туфайли бўлар амалга ошмайди. Ўз-ўзига ишонишда айбдор ўзига, ўзининг кучига, тажрибасига, билимига таяниши билан бирга, шунингдек, бошқа шахсларни ҳаракати, табиат кучлари ва ҳоказоларга ҳам таянади. Ўз-ўзига ишонишда айбдор биринчидан, ижтимоий хавфли оқибатларни олдини олишга қаратилган ҳаракатлари асоссиз эканлиги; иккинчидан, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга умид боғлаган шароитлари бунга қодир эмаслиги учун жавобгарликка тортилади.

Жиноий ўз-ўзига ишонишда шахснинг онги ва иродаси келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатга, ўзининг хулқ-атвориغا бефарқ бўлмайди, балки ҳеч қандай оқибат юз бермайди деб ҳисоблайди.

Бепарволик кўринишидаги жиноятни содир этишда шахс қонунда кўзда тутилган ўз хулқ-атвори туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан билмайди. Лекин билиши мумкин ва зарур. Бепарволик кўринишидаги жиноятларни содир этишда оқибатларни кўра билмаслик, шахснинг қонун талабларига, турли қоидаларга ва бошқаларга бепарволигидан) далолат беради. Жиноий бепарволикда шахс ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфлилигини англамайди. Натижада ижтимоий хавфли оқибат юз бериши мумкин. Шунга қарамасдан содир этилаётган қилмиш ҳолатларини ҳисобга олиб оқибатнинг юз бериши мумкинлигини билиши зарурдир. Жиноий бепарволик ўз-ўзига ишонишдан шуниси билан фарқ киладики, аввало шахс ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфли ҳусусият англамайди. Лекин вазиятни ҳисобга олиб, жиноий оқибат юз беришини шахс билиши мумкин ва зарурдир

Суд-тергов амалиётида жиноий бепарволикни тасодифан юз берган қасддан ажрата билиш лозим. Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексида биринчи марта (24-моддасида) айбсиз ҳолда зарар етказиш тушунчаси берилган. Унда: «Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кура кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади».

Бундай шахснинг ҳаракатлари туфайли ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан тақдирда ҳам айби бўлмайди (қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида) айбининг йўқлиги биринчи навбатда у қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамагани, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмагани ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмагани ва ишнинг ҳолатларига кура кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаганлиги билан белгиланади. Шунинг учун шахс ҳар қандай ижтимоий- хавфли оқибат юзберганда ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида оқибатларни келиб чиқишининг олдини олиш учун айбдорда имконият бўлганми ёки йўқми? деган масалаларни ҳал қилиш учун иккита – объектив ва субъектив мезон ишлатилади.

Бепарволикнинг объектив мезони шахснинг ёзилган ва ёзилмаган олдини олиш коидаларига риоя қилмаслиги натижасида ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишини олдиндан кура билиш мажбуриятини ўз ичига олади. Ўз навбатида, агар ҳақиқий юзага келган ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган шахс ушбу хавфли оқибатлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бироқ, объектив мезоннинг ўзи билангина шахсда ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишини олдини олиш учун имкониятлар бор бўлган деган хулосага келиб бўлмайди. Бунда субъектив мезон ҳам муҳим урин эгаллайди. Субъектив мезон шахснинг аниқ бир вазиятда ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқиш имкониятини олдинда кўра билиш қобилиятини англатади.

Ўз-ўзига ишониш ва бепарволикнинг умумий жиҳатлари кўплигидан, улар айбнинг бир шакли таркибига киритилган. Уларнинг умумийлиги, энг аввало, ягона руҳий ва ижтимоий негизга эга эканлигида намоён бўлади. Буларга хушёрликнинг йўқлиги,

эътиборизлик, эътиёткорлик қоидаларини менсимаслик ва бошқалар киради.

5. Мураккаб айбли жиноятлар

1994 йилги Жиноят кодексида мураккаб айбли жиноятларни содир қилишда қасд ва эътиётсизликнинг уйғунлиги биринчи марта очиб берилган. Шу вақтгача бу тушунча қонунда йўқ эди. Жиноят кодекси 23-моддасида белгиланганишича:

NOTA BENE!	
Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эътиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун каттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган, деб топилади.	

Жиноят кодексида шундай нормалар мавжудки, уларда ижтимоий хавфли ҳаракат айбнинг қасд шаклида содир этилган бўлиши мумкин, келиб чиққан оқибатлар эса эътиётсизлик орқасида юз берган бўлиши (масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса (Жиноят кодекси 104, 3-қисм “д”-банди)). Бунда шахс қасддан баданга оғир шикаст етказди, ўлимга нисбатан эса эътиётсизликдан муносабатда бўлади, чунки айбдор жабрланувчининг соғлигига тажовуз қилганда уни ўлдириш нияти бўлмаган. Умуман бу қилмиш қонунга кўра (Жиноят кодекси 33-моддаси) қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, Жиноят кодекси айбнинг факат ички шаклини, яъни қасд ва эътиётсизликни назарда тутди

Шу муносабат билан мураккаб айбли (23-модда) жиноятлар айбнинг учинчи шакли эмас, балки шахснинг жиноий қилмишида қасд ва эътиётсизликнинг уйғунлашувидир холос.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ҳар бир муайян ҳолда шахснинг айбини юз берган оқибатга нисбатан белгилаш лозим. Шунинг учун, агар оқибат юз берса, унда шахснинг эътиётсизликдан келиб чиққан оқибатнинг юз беришида айби бўлмаса, уни юз берган оқибатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мураккаб айбли жиноятларда эътиётсизлик факат жазони оғирлаштирувчи оқибатларга нисбатан бўлиши мумкин, лекин мураккаб айбли жиноятлар умуман қасддан қилинган жиноят ҳисобланади.

6. Жиноятнинг мотиви ва мақсади

Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят субъектив томонининг мустакил факультатив белгилари ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмиш тўғри квалификация қилишда, жиноятни бошқа жиноят таркибидан фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга.

Инсонинг ҳар қандай фаолияти муайян мотив ва мақсадга эгадир. Жиноий фаолият инсоннинг ҳар қандай иродавий ҳаракати сингари муайян мотивга эга ва муайян мақсадларга эришишга қаратилгандир. Мотив ва мақсад ўртасида ички боғлиқлик мавжуддир. Мотивнинг шаклланиши муайян мақсаднинг вужудга келишини ўз ичига олади. Мотив субъектни ўз мақсадлари сари йуналтирувчи куч ҳисобланади.

Ўз навбатида мотив ва мақсад бир хил тушунчалар эмас, чунки улар айбдорнинг содир этган ижтимоий хавфлик қилмишига бўлган руҳий муносабатини турлича ифодалайди. Агар мотив жиноят содир этаётиб шахс нимага асосланган деган саволга жавоб берса, мақсад айбдор интилаётган натижа ҳақидаги тасаввурларни, ҳаракатларнинг йуналтирилганлигини ўз ичига олади.

Айрим ҳолларда мақсад ва мотив жиноятнинг зарурий белгиси бўлса, бошқа ҳолларда жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади, яъни мақсад ва мотив жиноят субъектив томонининг мустакил белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг мотиви шахсда жиноят содир қилиши қарори ва хоҳишини уйғотувчи ички ҳиссиётдир

Жиноий мақсадга шахс ижтимоий хавфли ҳаракат орқали эришишга ҳаракат қилади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади фақат қасддан содир этилган жиноятларга хосдир. Агар жиноят эҳтиётсизлик орқасидан содир этилса, унинг оқибати мотив ва мақсадга боғланмайди. Мотив ва мақсад жиноят субъектив томонининг белгиси сифатида бир-бирига жуда боғлиқдир, чунки жиноят содир қилишда ички ҳиссиёт орқали хоҳиш уйғонади ва шахсда жиноят содир қилиш мақсади вужудга келади.

Жиноятнинг мотиви рашк, ўч олиш, безорилик, миллатлараро, шахсий ғараз ва ҳоказолар бўлади. Содир этилган бошқа жиноятни яшириш, мурданинг аъзоларини траисплантация қилиш учун олиш,

шаҳвоний эҳтиёжни кондириш мақсадларда фойдаланиш учун жиноят содир қилиш, халқаро алоқаларни ёмонлаштириш мақсадида урушни тарғиб қилиш, назорат қилинмайдиган фойда олиш ва хоказолар) жиноятнинг мақсади ҳам ҳар хил бўлиши мумкин

Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят-ҳуқуқий нормаларда аниқ кўрсатиб ўтилган (масалан, таъмагирлик ниятида одам ўлдириш (97 - модда, 2-қисм “и” банди), ўлган одамнинг органлари ёки танасининг аъзоларини трансплантация қилиш мақсадида олиш (133-модда)).

Лекин бир катор жиноят ҳуқуқий нормаларда мотив ва мақсад аниқ кўрсатилмаган, фақат уларнинг умумий тавсифи берилган ҳолос (масалан, мансабдор шахс томонидан таъмагирлик ёки бошқа манфаатдорлик мақсадида била туриб расмий ҳужжатларга ёлгон ёзувлар ва маълумотлар киритиб қуйиш (209-модда) ва хоказолар). Бундай ҳолатларда жиноятни квалификация қилишда содир этилган жиноятнинг аниқ мотивини аниқлаш лозим бўлади.

Жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг мотив ва мақсади турли хил аҳамиятга эга. Масалан, талон-тарож қилишнинг мотиви ғараз; қўшмачиликники эса таъмагирлик ёки бошқа истаклар (Жиноят кодекси 131-моддаси), одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашнинг муҳим белгиси – шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш (135-модда); урушни тарғиб қилишда – агрессияни келтириб чиқариш; терроризмда, халқаро муносабатларни мураккаблаштириш ёки Ўзбекистон Республикасида вазиятни ёмонлаштириш жиноятнинг мақсади ҳисобланади.

Бошқа ҳолларда жиноятнинг мотив ва мақсади жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади (Масалан, ғаразли мақсадларда ёки безорилик ҳаракатлари натижасида одам ўлдириш, миллий ёки иркий адоват замирида одам ўлдириш, киши аъзоларини кесиб олиш ва улардан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш (97-моддаси 2-қисми), инсон тўқималари ёки аъзоларини кесиб олиш ва трансплантация қилиш ғараз ёки бошқа ниятларда содир қилинса (133-модда 2-қисм), одамлардан фойдаланиш учун улар-ни ёллаш, агар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш мақсадида қилинса (135-модда 3-қисм) ва хоказо)

Айрим ҳолларда жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят ҳуқуқий нормаларида зарурий белги сифатида айбни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилмаган бўлса, улар жазо тайинлашда эътиборга олиниши мумкин. Масалан, ижтимоий муносабатларни химоя қилиш

мотиви жиноятчини ушлаш вақтида жунга зарар етказилса, айбни енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади .Миллий, ирқий ёхуд диний адоват мотиви билан, гараз ёки паст ниятларда жиноят содир қилинса, гарчи бу мотивлар жиноят ҳуқуқий нормаларда кўзда тутилмаган бўлса ҳам, айбни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади.

7. Хато ва унинг жиноят ҳуқуқий аҳамияти



Хато жиноят ҳуқуқида шахснинг содир қилган жинояти ҳолатларига бўлган нотўғри муносабатидир. Жиноят ҳуқуқида хатонинг икки: юридик ва фактик тури мавжуддир.

Юридик хато деганда, жиноят ҳуқуқи назариясида қилмишини қилган шахснинг жиноят ҳуқуқий мотив ҳақида нотўғри тасавури тушунилади. Жиноят ҳуқуқи назариясида юридик хатонинг бир канча турлари бор:

1. шахс қилмишини жиноят деб ҳисоблайди, лекин содир қилинган қилмишда жиноят белгилари бўлмайди. Бундай юридик хатода жиний жавобгарлик юзага келмаганлиги учун ўз-ўзидан жиноят деб ҳисобланмайди.

Агар шахс ўз ҳаракатларини жиноят деб ҳисобламаса, лекин ушбу ҳаракатда жиноят аломатлари бўлса, бундай ҳолда ушбу ҳаракатни содир қилганлиги учун жиний жавобгарлик белгиланади.

2. Иккинчидан, юридик хато шахс содир этаётган қилмишнинг юридик оқибатларини, жиноят учун белгиланган жазо тури ва миқдорини билмаслиги ёки нотўғри тасаввурга эга эканлигида ифодаланади. Хатонинг турида шахснинг шундай қилмиш учун жавобгарлик белгиланганлигини билмаслиги уни жиний жавобгарликдан озод қилмайди. Юридик хатонинг аҳамияти

шундаки, у на айбга, на жиноятнинг квалификациясига ва на жазо тайинлашга таъсир қилади.

Фактик хато дейилганда, жиноят ҳуқуқи назариясида шахснинг жиноят таркиби объектив тамони белгилари тўғрисида нотўғри тушунчага эга эканлиги тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида фактик хатонинг ҳам бир неча кўриниши берилган: жиноятнинг объектига, жиноят предметига нисбатан хато; жиноятнинг объектив белгиларига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга) нисбатан, жабрланувчининг шахсига нисбатан; жиноят содир этиш услуби ва воситаларига нисбатан хато қилиш ва ҳоказолар киради.

Объектга нисбатан хато қилишда шахс жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа объектига зарар етказди. Масалан, шахс омбордаги буюмни портловчи модда деб ўғрилайди, аслида буюм умуман бошқа нарса бўлиб чиқади. Бу вазиятда шахс ўзганинг мулкани ўғирлаганлик учун деб жиноий жавобгарликка тортилмасдан, балки унинг ҳаракати ўқ-отар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига ғайриқонуний эгалик қилишга суиқасд деб ҳисобланади (25-модда, 248-модда). Жиноят содир қилган шахснинг ҳаракати айбдор фикрининг йўналиши бўйича квалификация қилиниши керак. Бу вазиятда айбдорнинг фикри фақат портловчи моддага эгалик қилишга каратилгани учун ва жиноят охирига етказилмаганлиги сабабли бу ҳаракат портловчи моддага ғайриқонуний эгалик қилишга суиқасд деб квалификация қилиниши керак.

Содир қилинаётган жиноятнинг ҳусусият қараб хатолар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, шахс ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигига нисбатан адашиши мумкин. Бундай ҳолларда ғайриқонуний қилмиш айбнинг шаклига таъсир қилмайди, лекин жавобгарлик охирига етказилган жиноят учун эмас, балки жиноят қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак, яъни бу вазиятда айбдор ўз ниятини охирига етказа олмайди, ўз иродасидан ташқари ҳолатда ниятига ета олмайди. Масалан, шахс ишонган ҳолда гиёҳвандлик воситасини олаяпман, деб уйлайди, бироқ у бошқа нарса олган бўлиб чиқади. Бундай ҳолатда ушбу шахснинг ҳаракати гиёҳвандлик воситасини ғайриқонуний равишда сотиб олишга суиқасд қилиш, деб баҳоланмоғи лозим (Жиноят кодекси 25-модда, 273-модда).

Шундай хатолар бўлиши мумкинки, шахс ўз қилмишини қонуний деб ҳисоблайди, бироқ бу қилмиш ғайриқонуний бўлиб чиқади. Бунда қилмиш тугалланган жиноят сифатида квалификация қилинади.

Оқибатга нисбатан хато. Оқибатга нисбатан хато қилиш икки хил бўлади. Биринчидан, шахс содир этган қилмишнинг оқибатини билмайди. Бундай ҳолда шахснинг ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибат эҳтиётсизлик натижасида келиб чиққан деб ҳисобланади.

Содир қилинаётган қилмишнинг ҳусусия қараб хатолар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилиши у ўлимига сабаб бўлса, қилмиш қандай квалификация қилиниши керак. Бундай ҳолда шахс қасддан одам ўлдиришда эмас, балки унинг ҳаракати қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган деб (104-модданинг 3-қисми “д” банди) квалификация қилинади. Бунда баданга шикаст етказиш қасддан, ўлим эса эҳтиётсизликдан юз беради.

Иккинчидан, айбдор бир оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган, аммо бошқача оқибат келиб чиққан бўлса, айбдор қандай оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган бўлса, уша жиноятга суиқасд қилиш деб ҳисобланади. Масалан, шахс жуда куп микдордаги мулкни талон-тарож қилишни мақсад қилиб, объектга тажовуз қилган, аммо кўзланган микдордаги мулкни ололмаган. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракати жуда куп микдордаги мулкни талон-тарож қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак.

Сабабий боғланишга нисбатан хато – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни воқеаларнинг ривожланиши туфайли нотўғри тасаввур қилишдир. Агар айбдорнинг қасди (нияти) билан қамраб олинган

Оқибат келиб чиққан бўлса, бундай ҳолдаги хато субъект айбнинг шаклига таъсир қилмайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят субъектив томони ва айб тушунчаларига таъриф беринг ва бу тушунчалар ўртасидаги фарқни айтинг.

2. Эгри қасд ва уз-узига ишониб жиноят содир этишнинг фарқи нимада?

3. Мураккаб айбли жиноят деганда ниманини тушунаси ?
4. Жиноят мотиви ва максоди нима?
5. Жиноят ҳуқуқида хато ва унинг аҳамияти қандай ?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1Ғ28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999г.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.

16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
21. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 г.

37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Проводимые последствия законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступлении”. // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбаева «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2


63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

9-БОБ: ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ



1. **Жиноий жавобгарлик тушунчаси**

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, жиноят ҳуқуқнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки “*жиноий жавобгарлик*” атамаси юридик адабиётларда турлича. Асосий жиноий жавобгарлик; жиноий жавобгарликка тортиш; жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб талқин қилинади

Давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланган жиноий жавобгарликка тортишдан кўзланган асосий мақсад, ижтимоий муносабатларга путур етказмаслик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи нормалари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабаларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида қандайдир ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Жиноий жавобгарлик эса жиноят ҳуқуқий муносабатдир. Аммо жиноят ҳуқуқий муносабатнинг келиб чиқиши учун бирон-бир юридик факт содир этилиши талаб қилинади ва бундай юридик факт жиноятнинг содир этилиши ҳисобланади..

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарлигининг бир кўриниши бўлиб, у жиноят қонунида белгилаб қўйилган ва суд томонидан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан жавобгарликни қўллашдан иборатдир. Шунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарлик жавобгарлигининг бошқа турлари(ахлоқий, фуқаровий, маъмурий ва ҳ.к.)дан энг аввало ўзининг мазмуни жиҳатидан фарқ қилади.

ЎЗР Жиноят кодекси 16-моддасида жиноий жавобгарлик тушунчаси берилган:

NOTA BENE!

Жиноий жавобгарлик деганда, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки

бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишининг ҳуқуқий оқибати тушунилади.

Бундан ташқари жиноят ҳуқуқига оид дарслик ва илмий адабиётларда жиноий жавобгарлик тушунчасига турлича таъриф берилади. Жиноий жавобгарлик тушунчаси умумий жиҳатдан давлат ва жиноят содир этган шахс ўртасида келиб чиқадиган жиноий ҳуқуқий муносабат сифатида тушунилади. Бунда давлатда жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноий ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳуқуқи вужудга келади. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан фақат шу ҳуқуқбузарлик учун санкцияда белгиланган жазо чорасини қўллаш мажбурияти вужудга келади ва унга нисбатан худди шундай таъсир чораси қўлланилади.

Жиноий жавобгарлик тушунчасини талқин қилишда учта назария аҳамиятлидир:

Биринчи назария, жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик шахсий ёки мулкӣ хусусиятдаги таъсир чораси эканлигини ифодалайди. Бу тушунча илмий адабиётлар ва дарсликларда қайд этилган.

Иккинчи назария, жиноий жавобгарлик жиноят қонунчилигида кўрсатилган давлат мажбурлов чораси сифатида тушунади, яъни айбдорга нисбатан судланганлик оқибатини келтириб чиқарувчи мажбурлов чораси қўлланилади.

Учинчи назария, жиноий жавобгарлик деганда, барча жиноят ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек шахс ва давлат ўртасидаги (ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар тимсолида) муносабатлар тушунилади.

И.Я Козаченконинг фикрича: “Жиноий жавобгарлик – бу шахс жиноят содир этган вақтдан бошлаб вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат бўлиб, жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш ва узатиш, умумий ва махсус тартибда огоҳлантириш мақсадида қўлланиладиган мажбурлов чораси. Жиноий жавобгарлик натижасида давлат шахсининг ҳуқуқини чеклаб қўяди, жиноят содир этган шахс эса давлат номидан суд томонидан фақат жиноят қонунчилигида кўрсатилган жазо чораси доирасида қўлланиладиган шахсий мулкӣ ва бошқа хусусиятдаги таъсир чораларини бажаришга мажбур бўлади¹.

¹ И.Я.Козаченко Санкции за преступления против жизни и здоровья. Томск, 1987 г. С.-45 Также : Уголовное право Росси . Общая часть . Москва. 1997 г С.-72.

Б.В. Здравомыслов, Ю.А. Красиков ва А.И. Рарогларнинг фикрича жиноий жавобгарлик қуйидаги элементлардан ташкил топган:

- давлат вакиллик органлари олдида жиноят содир этган шахсда ҳисоб бериш мажбурятини вужудга келтиради;
- содир этилган қилмишни баҳоловчи суд ҳукми чиқарилади;
- айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси қўлланилади;
- жазонинг ҳуқуқий оқибати сифатида судланганликни вужудга келтиради.¹

А.А. Пионтовскийнинг фикрича жиноий жавобгарлик жиноят содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади.² М.Брайнин эса, жиноий жавобгарлик шахс жиноят ишига айбланувчи сифатида жалб қилинганда ёки суриштирув органлари томонидан жиноят содир этган шахс сифатида ушланганда вақтдан бошлаб вужудга келади, дейди.³

Жиноий жавобгарлик вужудга келган вақтдан бошлаб шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласи кўрилади. Жиноий жавобгарлик масаласи шахсни дастлабки терговга жалб қилиш (мажбурлов ва эҳтиёт чораларини қўллаш), ишни судда кўриш, айблов ҳукмини чиқариш, шартли ҳукм қилиш ва судланганлик шаклларида амалга оширилади. Судланганликнинг тугаши ёки олиб ташланиши билан жиноий жавобгарлик тугайди. Жиноий жавобгарлик жазо ва судланганлик элементларисиз бир лаҳзали ҳисобланади. Унинг бошланиши ва охири йўқолади. Суд ҳукмининг қонуний кучга кириши билан жиноий жавобгарлик бошланади ёки тамом бўлади. Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кириши билан ҳукмда белгиланган давлатнинг мажбурлов чораси жиноят содир этган шахсга нисбатан таъсир қилади. Ёки шу вақтдан бошлаб жиноий жавобгарлик тугайди. Натижада жиноий жавобгарлик белгиланмайди ва судланганлик юзага келмайди.

Жиноий жавобгарлик бир қатор ҳуқуқий белгиларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ўз юридик мазмунига кўра жиноий жавобгарлик ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради;

¹ Б.В.Здравомыслов, Ю.А.Красиков, А.И.Рарог “Уголовное права”. 1992 й.

² А.А. Пионтовский Курс советского Уголовного права.: В 6 т. Москва. 1970. Т 3. С.-8-9.

³ Я.М.Брайнин “Уголовное ответственность и ее основание в советском уголовном праве” // М.:1963, Т3, С.-12.

иккинчидан, жиноий жавобгарликни фақат шахсинг айби билан содир этилган, ижтимоий хавфли қилмиш вужудга келтиради;

учинчидан, суд қилмиш, жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни қўллашдек давлатнинг мажбурлов шаклларида ифодаланади;

тўртинчидан, у жиноий ҳуқуқий муносабатлар доирасида пайдо бўлади, амалга ошади ва бекор булади.

Жиноий жавобгарлик суднинг айблов ҳукмига оид қарори, яъни жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсинг судланишидан бошланади. Жиноий жавобгарлик қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1. айбдорни жазо қўллагандан суд қилиш;
2. айбдорга жазо белгилаб, аммо уи реал ижросидан озод қилиб суд қилиш;
3. айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда суд қилиш;
4. айбдорга жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, шунингдек уларни реал ижро этишни белгилаш билан суд қилиш.

Жавобгарликни амалга оширишнинг биринчи шакли жавобгарликнинг айблов ҳукмининг чиқарилиши билан тугалланишида ифодаланади. Чунончи, Жиноят кодексининг 70-моддасига мувофиқ иш судда кўриб чиқилмагунича вазиятнинг ўзгариши боис шахс ўзининг намунали хулқ-атвори, меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабати туфайли ижтимоий хавфли бўлмай қолган ҳолатларда ҳам суд уни жазони ўташдан озод этиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бошқадан фарқ қилади. Бу чораларни бир-биридан фарқловчи белгиларга:

1. **қўлланиш асосига** кўра. Жиноий жавобгарлик фақат Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида кўрсатилган жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилишни содир этган шахсларга нисбатан қўлланади. Моддий зарарни қоплаш тарзидаги фуқаролик жавобгарлиги, нафақат жиноят таркибини ташкил қилувчи қилмишлар туфайли моддий зарар етказилганида, балки бошқа ҳуқуқбузарликлар натижасида зарар етказилганда ҳам қўлланилади.

2. **жавобгарликнинг мазмунига** кўра. Жиноий жавобгарлик давлат мажбурлов хусусиятига эга бўлиб давлат номидан қўлланилади. Қолган таъсир чоралари эса бундай хусусиятга эга эмас.

3. жиноий жавобгарликни қўлловчи субъектга кўра. Жиноий жавобгарлик фақат суд томонидан айблов ҳукми асосида қўлланади. Бошқа ҳеч қандай мансабдор шахс бундай таъсир чорасини қўллай олмайди. Бошқа жавобгарлик чоралари суддан ташқари воколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланиши мумкин.

4. **қўллаш тартибига** кўра. Жиноий жавобгарликка тортишнинг махсус тартиби фақат Жноят процессуал кодексида белгиланган Жноят процессуал кодекси тергов органлари ва суд тамонидан жиноий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди. Қолган ҳуқуқий таъсир чоралари эса бошқа ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

5. **жавобгарликка тортилувчи субъектлар доирасига** кўра. Жиноий жавобгарлик алоҳидалик хусусиятига эга бўлиб, фақат жиноят содир этган жисмоний шахсга нисбатан қўлланади. Бошқа жавобгарлик чоралари эса юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексида жавобгарликда юридик шахслар учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

5. Жиноий жавобгарликка тортиш асослари.

Жиноят ҳуқуқида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асослари муҳим жиноят-ҳуқуқий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликка тортиш асослари фалсафий ва юридик жиҳатдан кўриб чиқилади.

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

<p>Жиноий жавобгарликнинг фалсафий жиҳати шахсда ўз ҳаракатини бошқара олиш эркинлиги мавжуд бўлган, қонун доирасида ҳаракат қилиши мумкин бўлган, аммо бу имкониятни суистеъмол қилиб қонуний тақиқни бузган ҳолларда қўлланилади. Шахс ўз ҳаракатларини амалга оширишда мустақил бўлади.</p>
--

Бу масала юзасидан уч йўналишда фикр билдирилади:

биринчи йўналиш, (фататистик йўналиш) ташқи вазият шахсни бошқаради, унинг хулқига таъсир этади ва фақат шу муҳит таъсирида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бунда жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди ёки шахсга унинг айбисиз айб қўйилади;

ккинчи йўналиш, (индотерминистик йўналиш) инсон фаолияти ҳеч нарсага боғлиқ бўлмайди, у ҳар доим мустақил тарзда ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилади;

учинчи йўналиш, инсон фаолияти атроф ташқи муҳитга боғлиқ бўлади, унинг ижтимоий қобилияти, шахсий эҳтиёжи ҳар қандай ҳолатда қандай ҳаракат қилиш кераклигини белгилайди. Бу шахснинг эркинлиги бўлиб, у мустақил ҳаракат қилади ва ўз ҳаракати учун мустақил жавоб беради.

NOTA BENE!

Жиной жавобгарликнинг *юримдик жиҳати*, жиноий жавобгарликнинг нима учун, қандай қилмиш учун ва у қайси шароитлар мавжуд бўлганида вужудга келишини белгилайди. Жиноят кодексининг 16-моддасида белгиланишича жиноий жавобгарликка тортиш учун Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш асос бўлади.

Бу норма жиноий жавобгарликнинг фактик ва юримдик асосини белгилайди.

Жиноий жавобгарликнинг фактик асоси шахс томонидан содир этилган қилмишдир. Қилмишнинг жиноят деб тан олиниши учун унда қонунда кўзда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлиши керак.

Жиноий жавобгарликнинг норматив асоси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноят таркибидир. Фактик ва норматив асослар жиноий жавобгарликнинг умумий асосини ташкил қилади. Содир этилган қилмиш билан қонунда кўрсатилган белгилар ўртасида тўла мувофиқлик мавжуд бўлса, қилмишга баҳо бериш давлатнинг ваколатли идораларига айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш имконини беради. Юқоридагилардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Жиноий жавобгарликнинг ягона ва етарли асос содир этилган қилмишда жиноят таркибининг барча белгиларининг мавжуд бўлишидир.

Жиноят кодексида жиноят таркиби тушунчаси берилмаган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибига таъриф берилган. Жиноят таркиби деганда, Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив элементларнинг йиғиндиси тушунилади. Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларининг диспозициясида қайси қилмиш жиноят эканлиги кўрсатилган ва уларга таъриф берилган. Жиноятнинг объектив белгилари ёрдамида

Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар (жиноятнинг объекти), қилмишнинг ўзи ҳамда оқибатлари ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш (жиноятнинг объектив томони); жиноятнинг субъектив белгилари орқали айб, жиноятнинг мотиви ва мақсади (субъектив томон) ва жиноят содир этган шахсга қўйиладиган талаблар англанади.

2. Фақат содир этилган қилмишдагини жиноят таркиби бўлиши мумкин. Бу орқали Жиноят кодексига шахсни жиноят содир этиш ҳақидаги фикр, ўй, хаёл учун жиноий жавобгарликка тортилмаслигини кафолатланади.

3. Жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмиш ижтимоий хавфли, ижтимоий муносабатларга тажовуз қилган ёки улар шундай зарарни етказишнинг реал хавфини келтириб чиқарган бўлиши лозим. Жиноий жавобгарлик асослари белгиланган Жиноят кодексининг 16-моддасида қилмишнинг ижтимоий хавфли бўлиши кўрсатилмаган. Лекин Жиноят кодексининг бошқа моддалари мазмунидан бундай хулосага келиш мумкин, уларда шахс, давлат ёки жамият учун хавфли бўлган қилмишлар жиноят деб ҳисобланиши белгиланган.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги объектив мезон ҳисобланади. Қонун чиқарувчининг вазифаси қилмишни ижтимоий хавфли деб баҳолаб, унга қарши курашишдан иборатдир. Агар қилмишда жиноят таркибининг барча белгалри бўлиб, лекин у ижтимоий хавфли бўлмаса, у жиноят деб топиилмайди.

4. Жиноий жавобгарликка тортиш асосини аниқлаш учун содир этилган қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисм нормаси билан тахлил қилиш лозим. Агар содир этилган қилмишнинг таркибий элементлари Махсус қисм моддаси диспозициясида кўрсатилган жиноят таркибига мувофиқ бўлса, содир этилган қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортишга учун асос бўлади. Агар содир этилган қилмишда жиноятнинг бирор белгиси бўлмаса ёки у ижтимоий хавфли бўлмаса, жиноят деб баҳоланмайди. Масалан, ўзини-ўзи ўлдириш ёки ўзини-ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш. Бу қилмиш ижтимоий хавфли бўлсада, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бунда жиноят қонунини аналогия бўйича қўллашга йўл қўйилмайди.

Жиноят ҳуқуқига тааллуқли бўлган жиноят таркиби элементларидан адабиётларда жиноий жавобгарликка тортиш учун содир этилган қилмишнинг мавжуд бўлиши ягона асос бўлади.¹

¹ Уголовное право. Общая часть М., 1966, С.-41

Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос шахс томонидан жиноят таркиби мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади. Бироқ уни аниқ бир шахсга нисбатан тадбиқ этиш учун юридик ҳужжат – суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлиши лозим. Суднинг ҳукми жиноий жавобгарликни қўллашнинг асоси ҳисобланади.

Жиноят кодекси 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи белгиланган бўлиб, унга кўра: “Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги белгиланган”. Бу асос ҳеч қандай шахс ҳолатни яхшиловчи ёки енгилаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланмайди деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 8-моддасида: “Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”, - дейилган.

Битта қилмиш учун икки марта жиноий жавобгарликка тортмаслик фақат жиноий жавобгарликка хос хусусиятдир. Аммо битта жиноят учун жииноий жавобгарлик билан бир қаторда бошқа жавобгарлик чоралари ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, жиноят туфайли етказилган моддий зарани қоплаш (фуқаровий жавобгарлик), ишдан бўшатиш (интизомий жавобгарлик).

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноий жавобгарлик нима ва у қандай элементлардан иборат?
2. Жиноий жавобгарлик тўғрисида қандай назариялар мавжуд?
3. Жиноий жавобгарлик бошқа таъсир чораларидан фарқи нимада?
4. Жиноий жавобгарликка тортиш асослари нималардан иборат?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: - Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1F28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999г.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
21. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.

23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игорелик Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Проводимые последствия законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.

45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбаева «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2


63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

10-БОБ: ЖИНОЯТНИ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ.



1. Жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси ва унинг турлари.

Жиноят ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жиноятчининг у ёки бу қасди муайян вақт (жиноий ниятнинг пайдо бўлишидан бошлаб токи уни тўлиқ амалга ошириш ва жиноий мақсадга эришишгунга қадар бўлган давр) оралиғида амалга ошириладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) сифатида тушинилади.

Жиноятнинг тамом бўлганлигини аниқлаш содир этилган жиноят таркибига боғлиқ бўлади.

Жиноят содир этиш босқичлари – бу қасддан жиноят содир этишнинг муайян босқичи бўлиб, жиноятга тай'ергарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноятларда ифодаланади.

А.С.Якубовнинг фикрига кўра, жиноят содир этишнинг дастлабки босқичи қасднинг шаклланиш босқичи ҳисобланиди.

Жиноят содир этиш босқичи сифатида қасднинг шаклланиши ва аниқланиши:

биринчидан, жиноятни жиноий бўлмаган қилмишлардан ажратиш имконини беради;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактик фаолияти самарадорлигига кўмаклашади.

Ижтимоий хавфлилик нафақат тамом бўлган, балки тамом бўлмаган жиноятларнинг ҳам асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш орқали қонун шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мол-мулкни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, Ўзбекистон Республикасининг

Конституциявий тузуми ва қонун ҳимоясида бўлган бошқа объектларни ҳимоя қилади.

Барча жиноий қилмишларда ҳам жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи мавжуд бўлмайди. Жиноят эҳтиётсизлик орқасида, жумладан, ҳаракатсизлик билан жиноятлар содир этилганида, жиноятга таёргарлик ва суиқасд босқичлари мавжуд бўлмайди. Бироқ айрим жиноятларда ҳаракатсизлик орқали жиноятга суиқасд қилиниши мумкин. (Масалан, онанинг ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида овқатлантирмаслиги).

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш дастлабки ёки тугалланмаган жиноий қилмишда ифодаланади. Бу қилмишларнинг тугалланган жиноятдан унда Махсус қисм моддасида кўрсатилган жиноят белгилари тўлиқ бажарилмайди: объектив томонни ифодаловчи белгиларнинг тўлиқ бажарилмаслиги ёки ижтимоий хавfli оқибатнинг йўқлиги билан фарқ қилади. Тугалланган жиноятларда қилмишнинг жиноийлигини ифодаловчи барча белгилар мавжуд бўлади.

Тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарлик масаласи, шахснинг жиноий фаолияти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлсагина вужудга келади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд учун жавобгарликка тортиш учун жиноят қасддан бўлиши керак. Эгри қасдда жиноят содир этишнинг ушбу икки босқичи бўлмайди. Чунки жиноятга таёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда шахснинг жиноят содир этиш истаги натижага эришишга қаратилган онгли ва мақсадли ҳаракатлардан иборат бўлади. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади, қачонки шахс ўлим юз беришини англаган ва истаган бўлгандагина суиқасд бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш фақат тўғри қасддан содир этилган жиноятларда мавжуд бўлади. Эгри қасд билан содир этилган жиноятларда эса жиноятга таёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш боқичлари бўлмайди. Жиноятчи жиноий оқибат юз беришини хоҳламаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриши ёки суиқасд қилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноий оқибат унинг ҳаракат ишнинг мақсадини ташкил қилмайди. Жиноятнинг қасддан содир этилиши ҳар икки босқич учун ҳам зарурий белги ҳисобланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш ҳар қандай жиноий оқибатнинг юз беришини истисно этади. Айнан жиноий

оқибатнинг юз бермаганлиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради.

Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун шарт-шароитларни яратишда ифодаланади. **Жиноятга суиқасд** (ҳаракат билан, алоҳида ҳолларда ҳаракатсизлик билан) бевосита жиноятни содир этишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг объектив томони амалга оширилади, аммо у жиноятчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Тамом бўлган жиноятда жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлади. Дастлабки иккита босқич- жиноятга тайёргарлик ва суиқасд жиноят ҳуқуқи назариясида “**тахминий жиноий ҳаракат**” тушунчаси асосида бирлаштирилган

Шахснинг ҳаракатида тамом бўлмаган жиноят белгиларининг мавжудлиги объектив ва субъектив белгилар билан чегараланган. Шунингдек, жиноятни содир этиш босқичлари жиноят турларига ҳам боғлиқ бўлади. **Жиноятни содир этиш босқичи**, жиноятчининг аниқ жиноий тажовузни амалга оширишга қаратилган жиноий қасддир. Жиноятни содир этиш босқичлари қатор объектив белгилари билан фарқланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш моддий таркибли жиноятларга хос бўлиб, бу жиноятнинг содир этилиш шаклига боғлиқдир.

Бу қоида жиноят содир этишнинг иккинчи босқичи, яъни жиноятга суиқасд қилишга ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Ҳаракат орқали амалга оширилувчи формал таркибли жиноятга суиқасд бу жиноятнинг объектив томони:

- a. мураккаб, яъни бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлса;
- b. давомли ҳаракатларда ифодаланади. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра жиноятга ҳаракатсизлик орқали ҳам тайёргарлик кўрилиши мумкин. Амалиётда эса бундай ҳолатлар учрамайди, чунки буни исбот қилиш жуда қийин, унинг хавфлилик даражаси эса жуда паст.

Жиноят содир этиш босқичлари бир-биридан объектив белгилар – жиноий ҳаракатнинг тугаш вақтига кўра фарқланади. Бу ўринда тажовузнинг тамом бўлиш вақтига кўра фарқ қилувчи моддий ва формал таркибли жиноятларни фарқлаш лозим бўлади.

Баъзи амалиёт ходимлари ва назариётчилар агар формал таркибли жиноят ҳаракат орқали содир этилган бўлса, унга суиқасд қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бу ҳолат жиноят объектив томонининг бошланиш вақти билан тугалланиш вақти ўртасида муайян вақт ўтганида аҳамиятга эга. Бунга пора бериш жинояти

мисол бўла олади. Мансабдор шахс билан бўлган келишувга кўра пора берувчи мансабдор шахсга порахўрлик жиноятнинг предмети - катта миқдордаги пул суммасини почта ёки телеграф орқали юборади. Пора бериш предмети юборилганидан бошлаб уни олгунгача бўлган вақт оралиғида жиноятга суиқасд қилиниши мумкин. Бунга фирибгарлик жинояти ҳам мисол бўла олади. Фирибгарга жабрланувчи учинчи шахс орқали мулкӣ ҳуқуқини ўтказди. Мулкӣ ҳуқуқ учинчи шахсга ўтказилган вақтдан бошлаб, фирибгар уни қабул қилиб олгунига қадар бўлган вақт оралиғида жиноятга суиқасд қилинади.

Жиноий оқибатнинг келиб чиқиши жиноятнинг учинчи, охириги босқичини ифодалайди. Моддий торкибли жиноятлар объектив томоннинг зарурий белгиси бўлган оқибат келиб чиққач жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Жиноятнинг оқибати-тажовуз объектига етказилган турли: моддий, жисмоний, руҳий, сиёсий, ижтимоий зарарларда ифодаланади. Зарарнинг ҳусусияти ва миқдори Жиноят кодексида белгиланади. Шунинг учун қонун талабидан келиб чиқиб жиноятнинг тамом бўлган ёки бўлмаганлигини белгилаш мумкин.

Амалиётда жиноятнинг учала босқичини ҳам амалга ошириш зарур бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Баъзи ҳолларда шахс жиноятга фақат тайёргарлик кўради ва шу босқичнинг ўзида жиноий ҳаракат тугайди. Баъзан жиноятга суиқасд қилади, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қилмишини охирига етказа олмайди. Учинчисида шахс жиноят таркиби белгиларини тўлиқ содир этади. Агар шахс жиноятга тайёргарлик кўриб (қурол тайёрласа), сўнг жабрланувчини пойлаб унга ўқ узса, аммо ўқ тегмаса, қилмиш одам ўлдиришга суиқасд деб баҳоланади. Агар ўқ тегиб шахс ўлса, жиноят тамом бўлган ҳисобланиб, олдинги икки босқични ҳам қоплаб кетади.

Жазо тайинлашда жиноят содир этилишининг ҳар бир босқичини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгилайди. Умумий қоидага кўра суиқасд тайёргарлик кўришдан, тамом бўлган жиноят эса суиқасддан хавфлироқдир. Бу жиноятнинг қайси босқичда тугалланганлигига қараб оғирроқ жазо тайинланишини аниқлатади. Жиноятнинг ҳар бир босқичи алоҳида квалификацияни талаб қилади, бу айбдорнинг қилмишни тўғри англаб олиш, унинг хавфлилиқ даражасини белгилаш учун керак бўлади. Жиноят кодекси Махсус қисми моддасига мувофиқ жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш учун худди тамом бўлган жиноятга ҳос бўлган жазо

тайинланган. Тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарлик асоси Жиноят кодекси 25-моддаси 1, 2-қисмларида назарда тутилган жиноятга тайёргарлик ёки жиноят содир қилишга суиқасд қилганлик таркибининг мавжудлигидир. Шунинг учун мазкур босқичларда узилган жиноятни ҳуқуқий баҳолаш учун Умумий қисм нормаларига мурожаат қилинади. Ундаги умумий асосларнинг жами тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарликнинг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Шундай қилиб жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичларини баҳолашда Жиноят кодекси Умумий қисминг 25-моддаси, шунингдек, Махсус қисмдаги бундай тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик қўлланилади.

2. Жиноятга тайёргарлик кўриш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддаси 1-қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра: “Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга **тайёргарлик кўриш** деб топилади.

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

<p><i>Жиноятга тайёргарлик кўриш</i> жиноят содир этиш учун шарт-шароитнинг яратилиши жиноят таркиби объектив томони амалга оширилгунга қадар шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятнинг узилиб қолишидир.</p>
--

Жиноятга тайёргарлик кўриш субъектив томондан фақат тўғри қасд билан амалга оширилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш орқали шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини, бу ҳаракатлари орқали ўзига жиноят содир этиш учун шароит яратаётганлигини англайди. Суиқасддан фарқли равишда Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ушбу босқичда ҳали бошланмаган бўлади.

Жиноятга тайёргарлик босқичининг қуйидаги объектив белгилари мавжуд:

- 1) қилмишнинг бевосита жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши;
- 2) жиноятни яшириш учун шарт-шароит яратувчи фаолиятнинг мавжуд бўлиши;

3) шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этишнинг жиноятнинг бошлангунига қадар тўхтатилиши.

Жиноят содир этиш учун шарт шароит яратиш деганда, жиноят қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, жиноят содир этиш вақти ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга халақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш, шерикларни ёллаш, жиноий гуруҳ тузиш ва жиноят содир этишга қаратилган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Тайёргарлик жараёни батафсил баён қилиш анча қийин, шу сабабли қонун чиқарувчи жиноятни содир этиш учун кўриладиган тайёргарликни барча турларини **“шарт–шароит яратиш”** тушунчасига киритади. Тайёргарликнинг дастлабки иккита объектив белгиси муқобил аҳамиятга эга. Тайёргарлик келгусида жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга, шунингдек бундай кейин жиноятни яширишга ёки айтишга бир вақтнинг ўзида унисига ҳам бунисига ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўриш қонун билан кўриқланадиган бирор объектга бевосита хавф тугдирмайди ва шу белгиси билан у жиноятга суиқасд қилишдан фарқ қилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятни содир этишни осонлаштириш мақсадида амалга ошириладиган фаол ҳаракатларидан иборатдир. Жиноят содир этиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар икки хил бўлади: бири жиноят таркибининг элементи бўлса, иккинчиси жиноят содир этилишини таъминловчи актдир. Бу икки ҳаракатнинг мавжудлиги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Бу ҳаракатлар жиноят содир этишга ёки жиноятни яширишга ёрдам берувчи ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Жиноят содир этиш босқичи сифатида тайёргарлик фақат аниқ бир жиноят содир этиш учун тайёргарлик кўрилгандагина мавжуд бўлади. Бунда субъект жиноятни охирига етказишига ишонади. Агар шахс ҳар эҳтимолга қарши, масалан, бирон-бир қилмишни амалга ошириш қуроли ёки воситасини тайёрлаши ёки олиши жиноят содир этиш босқичи сифатида баҳоланмайди. Баъзи ҳолларда шахснинг бундай ҳаракати мустақил жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, қасддан одам ўлдириш мақсадида ўқ отар қуролдан фойдаланиш учун унга қонунга хилоф тарзда эгалик қилса айбдор Жиноят кодекси 247-моддасидаги алоҳида жиноят таркиби бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноят қуроли деганда амалиётда ҳам назарияда ҳам бевосита унинг ёрдамида жиноят содир этиладиган, яъни жиноят объектив томонини тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи предмет тушунилади. Бунга ўқ отар қуроллар, пичок, қилич, найза мисол бўла олади.

Жиноятни содир этиш воситаси эса қилмишнинг содир этишлишини осонлаштиради. Масалан, қалбаки ҳужжат, мол-мулкни талон тарож қилиш воситаси бўлиши мумкин. Бундай ташқари айтилган бир предмет баъзи бир жиноятлар учун қурол, баъзи бир жиноятлар учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, жабрланувчининг мулкни ўғирлаш мақсадида, унга уйқу дорини бериб ухлатиб қўйилса бу жиноят содир этиш воситаси бўлади. Аммо шу доридан одам ўлдириш мақсадида файдаланиш ҳам мумкин. Бундай ҳолатда бу жиноят содир этиш қуроли деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун иштирокчиларни излашда ҳам ифодаланadi. Масалан, келишув битимини тузиш, кўрқитиш, жиноятни содир этишса, бойиб кетишларига ишонтириш, жиноий йўл билан топилган бойликни бўлишишни таклиф қилиш ва ҳоказолар.

Келишув – бу камида икки кишининг жиноят содир этишга ёки жиноят изини яширишга қаратилган битими. Масалан, бир киши жиноят содир этса, иккинчиси жиноят изларини йўқотади.

Келишув икки хил, жиноят содир этишга ёки уни яширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўришга қаратилган қилмишларни йўналишига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят содир этишга шарт-шароит яратувчи қилмишлар.
2. Жиноятни яширишга қаратилган қилмишлар.

Жиноят содир этишга шароит яратувчи ҳаракатларга: жиноят қуролини қидириш, тайёрлаш, мослаш, келишиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини қидириш қонуний йўл билан (ўт қўйиш мақсадида бензин сотиб олиш), шунингдек ғайриқонуний йўл билан (ўғирлик йўли билан ўқ отар қуролни эгаллаш) амалга оширилиши мумкин.

Қурол ёки воситаларни жиноят содир этишга мослаштириш – бирон-бир предметга муайян шакл бериш, қайта ишлаш каби ҳаракатлардан иборатдир.

Жиноят содир қилиш ёки уни яширишга қаратилган ҳаракатлар кўп бўлиб, уларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида кўриб чиқиш

мумкин эмас, шунинг учун қонун чиқарувчи қонунда унинг умумлашган шаклини қўллайди.

Субъектив томондан тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган жиноятларга тайёргарлик кўриш мумкин эмас. Тайёргарлик онгли равишда амалга оширилган мақсадли ҳаракат бўлиб, бу босқичда жиноятни содир этишга бўлган қасд амалга оша бошлайди. Шахс ўз ҳаракати билан жиноятни содир этишга ёки уни яширишга тайёргарлик кўраётганини англайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир қилишдан ижтимоий хавфли оқибат юз бериши билан фарқ қилади.

Жиноятга тайёргарлик кўришни баҳолашда бу жиноятни содир этишнинг дастлабки босқичи айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугатилганлигини ҳисобга олиш лозим. Кўпчилик ҳолларда жиноятга тайёргарлик кўриш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шу босқичнинг ўзида тўхтатилади. Баъзи ҳолларда шахс жиноят содир этиб бўлмаслигига, жиноий ҳаракатни амалга оширишнинг имкони йўқлигига (жиноят содир этиш қуроли ёки воситасининг яроқсизлиги, иштирокчиларнинг жиноят содир этишдан бош тортиши) ишонч ҳосил қилади. Жиноятга тайёргарликнинг айбдорга боғлиқ бўлмаган асосларга кўра узилиб қолганлиги тергов органи ходимлари томонидан исботланади. Объектив томонни бажаришгача бўлган хатти-ҳаракатнинг узилиб қолиши, жиноятни тайёргарлик босқичидаёқ тугалланганлигини аниқлаш уни суиқасд қилишдан ажратиш имконини беради.

Айнан жиноий ҳаракатнинг жиноят объектив томонининг фактик жиҳатдан ижро этилгунга қадар узилиб қолиши, жиноятга тайёргарлик кўрилганлигини аниқлаш учун асос бўлади.

Агар шахс жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида бошқа бир жиноятни содир этган бўлса, бунда унинг ҳар бир жинояти алоҳида-алоҳида квалификация қилинади. Масалан, шахс босқинчилик жиноятини содир этиш учун қуролга эга бўлиш мақсадида қурол ўғирласа, бунда унинг жинояти ўғирлик ва босқинчилик жиноятига тайёргарлик кўриш деб топилади.

3. Жиноятга суиқасд қилиш

Суиқасд - бу жиноятни содир этишнинг иккинчи босқичи бўлиб, жиноятни содир этишга ва ижтимоий хавфли оқибатга эришишга

қаратилган, жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи онгли ҳаракат бўлиб шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тугатилади. Суиқасдда тайёргарлик босқичидан фарқли равишда жиноят содир этиш учун шароит яратилмасдан, балки, уни содир этишнинг бевосита бошланиши бўлиб, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга тажовуз қилинади ва зарар етказиш хавфи вужудга келади. Қонунга хилоф бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш хавфи ёки ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши реал бўлиб қолади. Аммо жиноят шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддасига мувофиқ:

<i>NOTA BENE!</i>	
Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.	

Бошқача қилиб айтганда, **суиқасд** бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир.

Шундай қилиб суиқасд ўзида бевосита жиноят содир этишнинг бошланишини ифодалайди. Бу босқичда қонун ҳимоясида бўлган объектга бевосита тажовуз қилинади, аниқ бир жиноятнинг объектив томони амалга оширилади. Суиқасдда шахс қонун билан кўриқланадиган объектни реал хавф остида қолдиради, лекин объектив ва субъектив сабаблар натижасида жиноий оқибат юз бермайди. Масалан, қасддан одам ўлдириш мақсадида жиноятчи жабрланувчига захар беради, лекин модданинг зарарсизлиги туфайли жиноий оқибат юз бермайди. Шунинг учун ҳам суиқасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига яқин туради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида суиқасд объектив ва субъектив белгиларга эга, дейилади. Кўпчилик мутахассислар суиқасднинг учта объектив белгиси мавжудлигини таъкидлайдилар.

Биринчи навбатда суиқасд жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)ни ифодалайди. Суиқасд бу бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир. Айни шу ҳаракат (ҳаракатсизлик) жиноятни амалга оширишга қаратилган бўлади. Айбдор аниқ бир объектга тажовуз қилиб, уни зарар етказиш хавфи остида қолдиради, баъзи ҳолларда унга зарар етказади ҳам. Бу

белгининг асосий мазмуни Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида ифодаланган жиноят объектив томонининг қисман бажарилиши (Масалан, ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида шахсининг уйга кириши, қулфни бузиши)да ифодаланади. Ўқ отиш қуролидан одам ўлдиришга суиқасд бўлганлигини аниқлаш учун, қуролдан ўқ отилган ёки отилмаганлигини аниқлаш лозим бўлади. Онанинг ўз чақалоғини ўлдиришга суиқасд қилганлигини билиш учун чақалоқнинг овқатлантирилганлиги ёки аксини аниқлаш керак бўлади.

Кўпчилик ҳолларда суиқасд ҳаракат (қасддан одам ўлдириш мақсадида захар бериш) орқали амалга оширилади. Шу билан бир қаторда баъзи бир ҳолларда ҳаракатсизлик (Масалан, онани ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида уни эмизмаганлиги) ҳам суиқасдни амалга ошириш шакли бўлиши мумкин.

Бундан ташқари суиқасдда жиноят охирига етказилмайди. Суиқасд шу белгиси билан тамом бўлган жиноятдан фарқ қилади.

Тамом бўлган жиноятдан фарқли равишда суиқасдда жиноятнинг объектив томони жиноят содир этаётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзининг тўлиқ белгиларига эга бўлмайди. Бу белги асосан объектив томондан жиноий оқибатнинг йўқлигида ифодаланади. Масалан, шахс ўқ отиш қуроли ёрдамида одам ўлдириш жиноятини содир этмоқчи бўлади, аммо қуролнинг отмаганлиги сабабли шахс ўлмай қолади. Бу ўринда жиноят субъектив жиҳатдан тугалланган, лекин уни фактик жиҳатдан тугалланмаганлиги уни тамом бўлган жиноятдан фарқлаш имконини беради. Тамом бўлган жиноятни суиқасддан фарқлашда, айбдорнинг жиноий ҳаракати бошланишидан то жиноий оқибат юз бергунга қадар қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эгадир. Агар жиноий оқибат муайян вақт ўтгандан сўнг юз берса (масалан, жабланувчини ўлдириш мақсадида унга суиқасд қилиб оғир тан жароҳати етказса ва жабрланувчи бир неча кундан сўнг вафот этса), қилмиш тамом бўлган жиноят деб баҳоланади. Қонунга кўра оқибат айбланувчининг қасддан қилган ҳаракати туфайли юз берганида, орадан қанча вақт ўтишидан қатъий назар жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Моддий таркибли жиноятларда суиқасд жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлган ижтимоий хавfli оқибатнинг юз бермаслигида ифодаланади. Оғир тан жароҳати етказиш мақсадида айбдор лезвия билан жабрланувчига тажовуз қилади, аммо лезвия жабрланувчи камарининг темир қисмига тегади ва натижада

оғир тан жароҳати етказилмайди ва жиноий оқибат келиб чиқмайди. Шунинг назарда тутиш керакки, суиқасд деб топиш учун ҳар доим ҳам объектга зарар етказилиши талаб этилмайди. Қатор ҳолларда жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Масалан, катта суммадаги пулни ўғирлаш мақсадида айбдор сейфни очади, аммо у ерда оз миқдордаги пул суммаси бўлади. Бундай ҳолларди қилмиш тамом бўлган жиноят эмас, балки, кўп миқдордаги пулни ўғирлашга суиқасд, деб квалификация қилинади.

Формал таркибли жиноятларда, суиқасд жиноят таркибини ташкил қилувчи барча ҳаракатларнинг тўлиқ бажарилмаслигида ифодаланади (масалан, пора берувчи мансабдор шахснинг қаршилигига қарамасдан, пора предметини унинг столи устида қолдиради).

Суиқасд жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноий оқибат рўй бермаганида аҳамиятга эга бўлади.

Шу ўринда суиқасднинг жиноят содир этишнинг бошқа босқичларидан фарқловчи қуйидаги белгиларини кўриш мумкин. Суиқасд субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий оқибат юз бермаган ҳолдагина аҳамиятга эга бўлади. Субъект жиноят содир этиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажаради, аммо исталган оқибат юз бермайди.

Суиқасднинг объектив томонини ифодаловчи учинчи белги жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугалланмай қолишидир. Бу белги жиноятга тайёргарлик кўришга ҳам хосдир. Бу ҳолатлар турлича бўлиши мумкин (масалан, калитнинг яроқсизлиги туфайли эшикнинг очилмаслиги). Жиноятнинг тамом бўлишига тўсқинлик қилган турли ҳолатларга: уларнинг ҳар бири жиноятчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра вужудга келиши хосдир. Айнан шу белги суиқасднинг юқорида кўрсатилган объектив белгиларини бирлаштириб, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлаш имконини беради.

Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишда шахсда жиноятни охирига етказиш учун барча шарт-шароит мавжуд бўлади. Масалан, айбдор ўғрилик жиноятини содир этиш мақсадида автомобиль топа олмаганлиги ҳақида хабар бергач, шериги жиноятни охирига етказа олмайди. Агар айбдор ўзи хоҳиши билан жиноий фаолиятини тўхтатса, бунда жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Субъектив томондан, суиқасд фақат тўғри қасддан содир этилади. Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи каби суиқасд ҳам жиноятни амалга оширишда қасднинг амалга оширишга қаратилган босқичи ҳисобланади. Айбдор жиноят содир этаётганида уни охирига етказишга ҳаракат қилади. У ўз ҳаракати билан аниқ бир жиноятни содир этаётганини, жиноят объектив томонининг бир қисмини бажараётганини англайди, ижтимоий хавфли оқибат юз беришини биледи (моддий таркибли жиноятларда) ва жиноятни охирига етказишни истайди. Суиқасдда шахснинг ҳаракати жиноий мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиши керак. Масалан, номусга тегиш жиноятида зўрлик ишлатиш жиноий мақсадга эришиш воситаси бўлади, агар зўрлик шу мақсадда ишлатилмаса, бу жиноят содир этишга суиқасд деб баҳоланмайди.

Агар шахс бирор аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилса-ю, унинг ҳаракати натижасида бошқа оқибат келиб чиқса, шахснинг мақсади қандай оқибатга эришишга қаратилган бўлса, у ўша жиноятга суиқасд қилишда айбланади. Масалан, шахс жабрланувчининг соғлигига оғир шикаст етказиш мақсадида уни урса, лекин бунинг натижасида унга ўртача оғир шикаст етказилса, бу оғир шикаст етказишга суиқасд деб топилади.

Жиноят кодексида суиқасднинг турлари кўрсатилмаган. Жиноят ҳукуқи назариясида суиқасд тамом бўлган ва тамом бўлмаган суиқасдга ажратилган. Бундан ташқари яроқсиз объектга тажовуз деб номланувчи суиқасднинг тури ҳам мавжуд. Аммо суд практикасида суиқасднинг бу тури аҳамиятга эга бўлсада, унга эътибор берилмайди.


Мутахассислар ўртасида суиқасдни турларга бўлиш мезони масаласида ягона фикр йўқ. Уларнинг баъзилари *субъектив*,¹ баъзилари *объектив*,² яна бошқа бирлари эса иккали мезонинг бир вақтни ўзида мавжуд бўлиши, яъни *аралаш мезон* турлари мавжуд дея таъкидлайдилар.

Субъектив мезон тарафдорлари, суиқасднинг тури айбдорнинг жиноят содир этиш босқичини қандай баҳолашига боғлиқ бўлади дейдилар. Объектив мезон тарафдорлари эса, суиқасд Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида назарда тутилган қилмишнинг фактик жиҳатдан содир этилганлигига қараб тамом бўлга ёки тамом бўлмаган турларга бўлиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

¹ Курс советского уголовного права. Л., 1968 Т1, С.-562

² Уголовное право обшая часть М., изд МГУ 1993г

Аралаш мезон тарафдорлари эса, жиноятни фактик жиҳатдан содир этилиши ва унинг айбдор томонидан баҳоланишини қайд этадилар. Аралаш мезон тарафдорларининг фикри анча асослидир, аммо айбдор томонидан жиноятни баҳолаш ва қилмишнинг фактик жиҳатдан содир этилганлиги ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан, ўзлаштириш жиноятини яшириш мақсадида, омбор мудири омборхонаги ўт кўяди. Бироқ олов ўчиб омборхона ёнмай қолади. Бундай ҳолатда айбдор жиноятни охирига етказиши учун қўшимча ҳаракат қилиши лозим бўлсада, лекин жиноятни тамом бўлиши учун барча ҳаракатларни амалга оширганлигига ишонади.



Тамом бўлмаган суиқасдда жиноятчи жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказа олмайди. Масалан, шахс ўғирлик қилиш мақсадида уйга киради, барча бойликларни олиб чиқиб кетиш учун тайёр қилиб қўйганида, тўсатдан уйнинг эгаси келиб қолиб уни тутиб олади.

Тамом бўлган суиқасдда эса, шахс жиноятни содир этиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга оширади, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жиноят тамом бўлмайди ва жиноий оқибат юз бермайди. Тамом бўлган суиқасднинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноятчи ўзи томонидан жиноятни охирига етказиш учун ҳеч қандай қўшимча ҳаракат ёки куч талаб этилмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бунда айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра

жинойй оқибат рўй бермайди. Қасддан одам ўлдириш мақсадида, айбдор жабрланувчига ўқ узади, лекин ўқ тегмайди ёки унга тан жарохати етказади; худди шу мақсадда қўшнисини заҳарлади, аммо шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан жабрланувчининг ҳаёти сақланиб қолади. Суиқасднинг тамом бўлган ва тамом бўлмаган турларга бўлиниши қонунни қўллашда катта аҳамиятга эга. Чунки:

биринчидан, тамом бўлган суиқасднинг ижтимоий хавфлилиги тамом бўлмаган суиқасдга нисбатан юқори;

иккинчидан, суиқасднинг икки турга бўлиниши жиноятни охирига етказиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга;

учинчидан, жазо тайинлашда эътибор берилади;


тўринчидан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқида баъзи бир назарийчилар суиқасднинг учинчи турини - яроқсиз суиқасд ҳам мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Бу ўз навбатида **яроқсиз объектга (предметга) суиқасд ва яроқсиз восита билан суиқасд қилишга** бўлинади.

Яроқсиз объектга (предметга) суиқасд қилиш шахсининг хатоси туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар етказилмаслигида ифодаланади. Бунда шахс жиноят объектига нисбатан эмас, балки, предметига нисбатан хато қилади. Шахсни ўлдириш мақсадида яроқсиз қуролдан ўқ ўзиш, айбдор томонидан заҳар деб ҳисобланган, лекин зарарсиз бўлган кукунни шахсга бериш бунга мисол бўла олади. Юқоридаги мисоллардан суиқасдни яроқсиз суиқасд деб ҳисобаш қийин. Яроқсиз суиқасдда шахс жиноятни тугатиш мақсадидда аниқ бир объектга тажовуз қилади, аммо хатога йўл қўйганлиги туфайли ўз мақсадига эриша олмайди.

Яроқсиз восита билан суиқасд қилиш суиқасднинг яна бир тури ҳисобланади. Бунга ҳам юқоридаги мисолларни келтириш мумкин. яроқсиз объектга суиқасд қилиш жиноят содир этиш воситаси умуман яроқсизлиги ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмаслиги билан фарқланади.

4. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш.



Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари 1994 йилги Жиноят кодекси 26-моддаси ва 30-моддаси 5-қисмида ифодаланган. Жиноят кодекси 26-моддаси 1-қисмига мувофиқ шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, **жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш** деб баҳоланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш боқичида, яъни жиноят тамом бўлмаган ҳолда юридик аҳамиятга эга.

Қонунда қайси ҳолларда жиноятдан ихтиёрий қайтиш мумкинлигини белгилаб қўйилган. Жиноят кодекси 26-моддаси 1-қисмига кўра: а) шахс томонидан тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатиш; б) жиноятни содир этишни тўхтатиш; в) жиноий оқибат келиб чиқишини олдини олиш жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисобланади.

Шахснинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги асослари ҳуқуқий адабиётларда турлича кўрсатилган. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш орқали қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолади. Н.С. Таганцевнинг фикрига кўра «... жиноий ҳаракат

ихтиёрий равишда тўхтатилганда унинг объектив ва субъектив белгилари, жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси, шунингдек, шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолади»¹.

Н.Ф Кузнецованинг фикрига кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликнинг асоси, жиноят таркибининг йўқлиги ҳисобланади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахснинг ҳаракатида унинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятга таёйргарлик кўриш ва суиқасд қилиш, шунингдек тамом бўлган жиноятнинг белгилари мавжуд бўлмайди².

Жиноят кодексининг иккинчи бўлим олтинчи боби (тамом бўлмаган жиноятлар)га жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳақидаги модда киритилган. В.Ф Караулев қонундаги бундай ҳолатни баҳолаб, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти амалий жиҳатдан тамом бўлмаган жиноятларни баҳолашда катта аҳамиятга эга дейди³.

Ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий ўзига хос томони жиноий оқибат ва жавобгарликнинг вужудга келмаслигидир.

Масалан, шахс одам ўлдириш жиноятини содир этиш мақсадида ўқ отиш қуролини тайёрлайди, бироқ одам ўлдириш жиноятини содир этишдан ўз хоҳишига кўра ихтиёрий қайтади ва жиноят қуролини йўқотади. Бунда шахс одам ўлдириш ёки ғайриқонуний равишда қурол тайёрлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг хоҳиши жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказмайди ва шунинг учун ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунинг учун ҳам Жиноят кодекси 26-моддаси 2-қисмида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарлик белгиланмаслиги кўрсатилган.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтилган деб топиш учун:

- 1) шахсда жиноятни охирига етказиш имкони борлиги;
- 2) жиноий оқибат юз беришини англаган ҳолда унинг олди олинган бўлиши керак.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш иккита ўзига хос белгига эга:

биринчиси, жиноят содир этишдан қайтишнинг ихтиёрийлиги;

¹ Таганцев Н. С Русское уголовное право. Лекции . Часть Обшая. С.Петербург. С.-717

² Русское уголовное права. Обшая часть. Изд-Спарк. 1977г С.-190

³ Карауцев В.Ф. Стадии совершения преступления. М., 1982. С.5-13.

иккинчиси, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг қатъийлиги.

Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошланган жиноий ҳаракатни ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушинилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, диний эътиқоди, жабрланувчига раҳми келиши ва бошқалар), шунингдек, қариндош ва дўстларининг маслаҳатларига кўра натижасида бўлиши мумкин.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири бу шахснинг жиноятни давом эттириш ва якунига етказишга имкони борлигини англашидир. Бундай ҳолатларсиз, шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятни якунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдиришга ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроқсизлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди.

Демак, жиноят содир этиш учун имониятнинг йўқлиги ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди, балки жиноятчи жиноий ҳаракатни тўхтатишга мажбур бўлади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш қатъий бўлиши керак. Қатъийлик, жиноят содир этаётган шахснинг жиноят содир этиш фикридан қайтиши ва ўзининг жиноий ҳаракатини тўхтатишидир. Ихтиёрий қайтишда вақт жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган ҳолларда аҳамиятга эга бўлмайди.

Бу икки белгига кўра жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб ҳисоблаш учун: **биринчидан**, жиноятни охирига етказиш имкони мавжудлиги; **иккинчидан**, жиноий оқибатни олдини олинган бўлиши керак.

Шахсни жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англаши шуни ифодалайдики, у жиноятни охирига етказиш учун барча имкониятларга, жиноятни амалга ошириш учун барча қурол ва воситаларга эга бўлади ва буни билади.

Ихтиёрий қайтиш жиноий оқибат юз бергунга қадар, яъни тайёргарлик ва суиқасд босқичида бўлган бўлиши лозим.

Жиноят кодексида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг иккита тури белгиланган бўлиб, улардан бири жиноятнинг объектив

томони содир этилгунга қадар бўлган барча ҳаракатлар, иккинчиси, объектив белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ҳаракатлардир.

Ихтиёрий қайтишнинг бу икки тури объектив белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади, бироқ ҳар икки тур учун умумий бўлган:

а) жиноий ҳаракатни ёки жиноий оқибат юз беришини тўхтатиш;

б) ихтиёрий қайтиш;

в) қайтишнинг қатъийлиги каби белгиларга эгадир.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг пассив кўриниши моддий ва формал таркибли жиноятларда бўлиши мумкин. Бу ўринда энг муҳими шахснинг тайёргарлик ҳаракатини бошлаганлиги ёки жиноят объектив томонини бажаришга киришганлиги ва жиноятни тўлиқ содир этмаслиги ҳисобланади. Ихтиёрий қайтишнинг биринчи тури пассив бўлиб, жиноий фаолият жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш босқичида тугайди. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш одатда пассив ҳаракат орқали амалга оширилади. Масалан, жиноятга тайёргарликни тўхтатиш. Шунингдек ихтиёрий қайтиш актив ҳаракат билан ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, жиноят қуролини йўқотиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлирига тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бериш). Ихтиёрий қайтишнинг иккинчи тури эса шахс томониидан содир этилган жиноят оқибатининг олдини олишга қаратилган ҳаракатдир.

Тамом бўлмаган суиқасд босқичидаги ихтиёрий қайтиш ҳам ҳаракатсизликда ифодаланади. Шахс жиноятнинг объектив томонини амалга оширишни бошлаган ҳолда, уни охирига етказмасдан тугатади. Масалан, жиноятчи ўғрилик жиноятини содир этиш мақсадида уйнинг қулфини бузади, аммо уйда хонадон эгаларининг борлигини кўриб жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтади. Тамом бўлмаган суиқасд актив ҳаракат орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, она ўз чақалоғини ўлдириш мақсадидда уни овқатлантirmай кўяди, лекин кейинчалик бунинг олдини олиш мақсадида зарур чораларни кўради. Шахс жиноятни жиноятни тавсифловчи ташқи таъсир остида эмас, балки, ўзининг ички ишончига асосан содир этмайди.

М.Ҳ.Рустамбоев ва Қ.Пайзуллаевнинг фикрларига кўра, тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин эмас. Улар ўз фикрларини қасддан одам ўлдириш жинояти мисолида кўриб чиқиб

шундай дейдилар, шахс одам ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, у содир этиб бўлинган ҳаракатни бартараф эта олмайди¹.

Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра: “Тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш, баъзи жинойтларда, қайсики, жинойт содир этиш билан унинг оқибати келиб чиқиши оралигида муайян вақт бўлган ва ушбу вақт оралигида шахс жинойий оқибатни олдини олиши мумкин бўлган жинойтларда мавжуд бўлишини таъкидлайдилар”².

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш субъектив томондан қасддан содир этилган жинойтларда мавжуд бўлади. Масалан, жинойтчи уй ичида одамлар ухлаётганлигини билган ҳолда уйга ўт кўяди. Унинг уйга ўт кўйишга бўлган муносабати тўғри қасддан ичкарисидаги одамларнинг ҳаётига бўлган муносабати эса эгри қасддан бўлади. Чунки уй ичидаги одамлар оловдан қочиб ўлмай қолиши ҳам мукин. Агар шахс жинойт содир этишдан ихтиёрий қайтса, ҳам тўғри қасддан, ҳам эгри қасддан содир этилиши мумкин бўлган жинойтдан ихтиёрий қайтиши мумкин.

Жиноят кодекси 30-моддаси иштирокчиликда содир этилаётган жинойтлардан учун ҳам ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарликни истисно этади. ташкил отчи, далолатчи ёки ёрдамчи ихтиёрий равишда жинойт содир этишдан қайтиб, жинойтни олдини олиш учун зарур бўлган ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрса, у жинойтда иштирок этганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Бу қоидадан иштирокчиларнинг жинойт содир этишдан ихтиёрий қайтиши, якка шасни жинойт содир этишдан ихтиёрий қайтишидан кескин фарқ қилади:

биринчидан, қонунда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчига жинойт содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарликдан озод этиш учун муайян шартлар назарда тутилган.

иккинчидан, қонунда жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган иштирокчилар доираси чегараланган, яъни фақатгина далолатчи, ташкилотчи ва ёрдамчи жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

учинчидан, улар томонидан жинойт содир этишдан ихтиёрий қайтиб жинойтни олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрилган бўлиши зарур.

1

2

5. Тамом бўлган жиноят

Жиноятни тамом бўлган деб топиш учун, Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган аниқ бир жиноятнинг барча белгилари (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон) содир этилган бўлиши лозим. Модданинг диспозициясида кўрсатилган объектив томоннинг барча белгилари ва субъектив томон (қасд ёки эҳтиётсизлик) тўлиқ мавжуд бўлганда жиноят тамом бўлган деб топилади.

Жиноятнинг тамом бўлган вақтини аниқлаш учун ҳар бир ҳолатда унинг тугалланган вақтини билиш лозим. Бу жиноят қонунида белгиланган аниқ бир жиноят таркибига боғлиқ бўлади. Моддий таркибли жиноятларда Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган оқибат келиб чиққан бўлиши лозим. Баъзи бир жиноятларда унинг тамом бўлган вақтини аниқлаш қийин. Жиноят белгисини ташкил қилувчи оқибатнинг келиб чиққанлиги ва айбдорнинг қасди айти шу оқибатни келтириб чиқаришга қаратилганлиги эътиборга олинади. Агар қасд қилинган оқибатдан бошқа оқибат келиб чиққан бўлса (масалан, шахс қасддан одам ўлдириш мақсадида жиноят содир этса, ammo баданга оғир шикаст етказса). Бундай ҳолатда жиноят содир этишга суиқасд бўлади.

Формал таркибли жиноятлар учун эса, жиноий оқибат юз берган ёки юз бермаганлигидан қатъий назар, Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида назарда тутилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Масалан, ҳақорат қилиш жиноятида шахснинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб, жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Баъзи жиноятларда оқибатнинг юз бериши билан эмас, балки шундай оқибатнинг юз бериш хавфи остида қолдириш билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Масалан таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш жиноятида, била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади. (Жиноят кодекси 113-модда, 1-қисм).

Баъзан қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги юқориликка қараб, жиноий гуруҳни ташкил этиш билан боғлиқ бўлса, жиноят худди шу нарса ташкил этилган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Масалан, жиноий уюшма ташкил этиш (Жиноят кодекси 242-модда). Бу қилмиш жиноий уюшма ёки унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек унинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришига қаратилган фаолиятни амалга ошириш билан тамом бўлган ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқида бундай жиноятлар кесик таркибли жиноят деб юритилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, яъни шахсни ўз айбига иқроор бўлиб, жиноятни фош этишга ёрдамлашган фаол хатти-ҳаракатидан фарқлай олиш лозим:

Биринчидан, бу икки тушунча бир-биридан юридик табиатига кўра фарқ қилади. Яъни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ, ҳуқуққа хилофлилиқ ва жазога сазоворлик белгилари мавжуд эмаслиги сабабли жиноий жавобгарликни истисни қилувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш эса жиноятнинг барча белгиларига эга бўлиб, қуйидагиларда намоён бўлади: а) жазони енгиллаштирувчи ҳолат (Жиноят кодекси 55-модда 1-қисми); б) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос (Жиноят кодекси 66-модда); в) шахсни жиноий жазодан озод қилиш учун асос (Жиноят кодекси 71-модда).

Иккинчидан, ихтиёрий қайтиш жиноят тамом бўлгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш эса жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвор ҳисобланади.

Учинчидан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳам пассив, ҳам актив шаклда содир этилиши мумкин. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш эса фақат актив ҳаракат орқали содир этилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноят содир этиш босқислари деганда нимани тушунаси?

1. Жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси ва унинг жазо тайинлашдаги аҳамияти .

2. Жиноятга суикасд қилишнинг мазмуни ва уни жиноятга тайёргарлик кўришдан фарқи?

3. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва унинг аҳамияти?

Мавзу юзасидан ғойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова) «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1Ғ28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999г.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.

19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
21. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
28. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений» Изд. Казанского Университета, 1974. С.-15.
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 .
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосилки его эффективности. Казань 1982.

41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980.
42. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978.
46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 .
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988.
49. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбаева «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:.2003.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989.
57. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:.1997,
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

61. Ўз.Р. Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан бағлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

67. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

11-БОБ: ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси ва турлари.

Судда кўрилиб, жиноий жавобгарликка лойиқ деб топилган ишлар ўзининг объектив ва субъектив белгиларига кўра жиноий қилмишдан иборат бўлади. Айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмасдан, балки ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳаракатлар жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб аталади. Жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи шундай ҳолатлар мавжудки, улар ташқи томондан жиноятга ўхшасада, бироқ жиноий жавобгарликка лойиқ, жиноят қонуни билан кўриқланадиган муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилмайди, аксинча ижтимоий фойдали ҳисобланади. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар дейилганида жиноят белгилари мавжуд бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайдиган ҳаракатлар тушунилади.

Бундай ҳолатларнинг Жиноят кодексидаги белгиланиши инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилинганлигидан дарак беради. Бундай ҳолатлар ижтимоий фойдалилик ҳисобланади ва уларнинг содир этишига қонунда йўл қўйилган.

Жиноят кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилидиган ҳолатларнинг белгиланиши: бир томондан жиноий репрессия чораларининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини кучайтиради.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасида бундай ҳолатларнинг умумий тушунчаси ва турлари берилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида: «қилмишда ушбу кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади»,— дейилган.

Ушбу модданинг 2-қисмида эса қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари кўрсатилган. Буларга;

- 1) кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда);
- 2) зарурий мудофаа (37-модда);

- 3) охирги зарурат (38-модда);
- 4) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда);
- 5) буйруқ ёки бошқавазифани ижро этиш (40- модда);
- 6) касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41-модда).

2. Кам аҳамиятли қилмишлар.

Ҳаётда шундай қилмишлар учрайдики, унда қонунда назарда тутилган аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфлилиги жуда кам бўлади, жабрланувчи учун етказилган зарарнинг миқдори деярли аҳамиятга эга бўлмайди. Шунини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 36-моддасида кам аҳамиятли қилмишлар тушунчаси берилиб, бундай ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган.

Кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган бўлса-да, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлигига кўра бошқа қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлардан фарқ қилади, бошқа турларига бундай хусусиятлар хос эмас ва улар ижтимоий фойдали ҳуқуқий ҳаракатлардир.

Кам аҳамиятли қилмиш содир этилганида ижтимоий хавфли оқибат юз бермайди ёки қонун билан қўриқланадиган объектга жуда оз зарар етказилади. Қилмишни кам аҳамиятли деб ҳисоблашда объектив (қилмишни содир қилиш шароити, келиб чиққан оқибатнинг жабрланувчи учун аҳамиятга эга эмаслиги ёки оқибат келиб чиқмаганлиги) ва субъектив (айбнинг даражаси, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга нисбатан жиддий зарар етказиш мақсадининг йўқлиги, ҳаракатнинг айнан оз миқдорда зарар етказишга қаратилганлиги ва ҳк) ҳолатларнинг жами эътиборга олиниши керак. Масалан, вояга етмаган шахснинг бировнинг боғидан ўзи истеъмол қилиши учун оз миқдорда мева ўғирлаши, гулларни узиб олиши, зотли ҳисобланмаган каптар ўғирлаши, шўхлик, ўзини кўрсатиш каби ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун бундай қилмиш билан боғлиқ барча ҳолатлар (айб шакли, жиноят содир этиш усули,

мотив, вазият ва жиноят содир этиш босқичлари, жиноий оқибат оғирлиги, жиноят иштирокчилари, уларнинг иштироки даражаси ва ҳаракати)ни таҳлил қилиб чиқиш керак.

Қилмишни кам аҳамиятли, деб топишда асосан унинг ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериш керак. Масалан, шахс жабрланувчини ўлдиришга ҳаракат қилса-да, унга ҳеч қандай зарар етказмаса, шахснинг бундай қилмиши кам аҳамиятли деб топилмай, балки одам ўлдиришга суиқасд деб топилиши керак.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 1-қисми 2-бандига биноан иш бекор қилинади.

3. Зарурий мудофаа

Зарурий мудофаа институтининг тушунчаси ва белгиларининг жиноят ҳуқуқида берилиши ижтимоий адолатни амалга оширишда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳуқуқида зарурий мудофаа тушунчаси қонун билан муҳофаза қилинадиган объектларни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш жараёнида тажовузкорга шундай зарар етказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳуқуқий мудофаани ўз ичига оладики, бундай мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб амалга оширилганида мудофааланувчи шахснинг жиноий жавобгарлигини келитириб чиқаради. Жиноят кодексининг 37-моддасида зарурий мудофаанинг қонунийлиги доираси ва шартлари, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг ҳуқуқий ҳолати назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасига кўра:

NOTA BENE!	
Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда химоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.	

Зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланмайди, чунки ҳаётга, соғлиқка, жинсий эркинликка, мулкка ва бошқа жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларга қилинган тажовузлардан химоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи

ҳисобланади ва зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчига зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди.

Хар бир фуқаронинг ўзи, бошқа шахслар, давлат манфаатларини ва қонун билан қўриқланадиган хар қандай бошқа ижтимоий муносабатларни химоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (20, 27- ва бошқа моддаларида) мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида Республика фуқаролари шаъни ва обрўсига, хаёти ва соғлиғи, шахсий хаёти, эркинлиги ва кадр-қимматиға қарши тажовузлардан судда химояланиш, шахснинг шаъни ва обрўсига қарши тажовузлардан зарурий мудофааланиш ҳуқуқиға эға эканлигининг белгиланганлиги ушбу масалани хал этиш учун рахбарий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида биринчи марта хар қандай фуқаро бошқа шахслар ёки хокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзға йўсинда қутилиш имконияти бор-йўқлиғидан қатъи назар, тўғридан-тўғри зарурий мудофаани қўллаш ҳуқуқиға эғалиги белгилаб қўйилади (Жиноят кодекси 37-моддасининг 3-қисми). Хақиқатан хам жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда жиноят қонун билан қўриқланадиган объектға қилинган тажовуздан қочиб қутилиш орқали эмас, балки жиноятнинг олдини олишға қаратилган қатъийлик билан қилинган ҳаракатлар орқали эришилади. Зарурий мудофаа ҳуқуқи хар бир фуқаронинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларға нисбатан қилинган тажовузлардан химоя қилиш ҳуқуқини кафолатловчи конституциявий қоида ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, зарурий мудофаа ҳуқуқи химоя ҳуқуқи билан таъминланган манфаатларға қарши қасддан, шу билан бирға бирғаликда, эҳтиётсизликдан содир этилган тажовуз натижасидир.

Фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати жиноят қонуни билан муҳофаза қилинади, ушбу объектларға қилинган тажовуз жиноят деб топилади (Жиноят кодекси 139,140-моддалари). Шунинг учун жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган бундай манфаатлар мудофааланувчи қонунда мустаҳкамланган зарурий мудофаанинг ҳуқуқийлиги шартларига риоя қилинганида, зарурий мудофаа чоралари билан химоя қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 1996 йил 20 декабрь қабул қилинган “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи

қонунларни судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида ҳам шундай нуқтаи назар назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, мудофааланувчининг ижтимоий хавфли тажовузлардан қонун билан мустаҳкамланган шартларга риоя қилиб амалга оширадиган ҳаракатлари фақат қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя этиш мақсадида амалга оширилган бўлса, зарурий мудофаа деб топилиши лозим.

Ижтимоий хавфли тажовузлардан тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳам аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг юқорида номи келтирилган қарорида айрим судлар тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутилиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай тажовузга қарши фаол равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, деган нотўғри фикрга асосландилар деб таъкидланади. Шу муносабаат билан Пленум судлар шунинг эътиборга олишлари керакки, фуқаролар қонун талабига мувофиқ ижтимоий хавфли тажовуздан қочиб қутилиш ёки бошқа усуллар билан сақланиш имкониятига эга бўлишларидан қатъи назар тажовуз қилувчига зарар етказиш йўли билан актив ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар, деб кўрсатилган¹.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат жиноят ҳисобланмайди, чунки у ижтимоий-хавфли бўлмай, аксинча ижтимоий фойдали ҳаракатдир.

Зарурий мудофаада ижтимоий хавфлилик хусусиятининг йўқлиги шундаки, зарурий мудофаани қўллаш орқали шахснинг ҳаёти, соғлиги, жинсий эркинлиги (дахлсизлиги), мулки ва қонун билан кўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан қилинган тажовуз бартараф қилиниб, келиб чиқиши мумкин бўлган зарарий оқибатларнинг олди олинади. Тажовуз қилувчининг ҳаёти ва соғлиги тажовуз вақтида қонун билан кўриқланмайди.

Зарурий мудофаани қўллаш ҳар бир шахснинг шахсий ҳуқуқидир ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш фақат унинг ўзигагина боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ зарурий мудофаани қўллаш вақтида амалга оширилади. Аммо айрим туркумдаги шахслар учун зарурий мудофаани қўллаш шахснинг юридик мажбурияти ҳисобланади.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 йил.”, // “Шарк”, Т.:1997 й., 69-бет.

Буларга қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган ёки хизмати юзасидан жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, одамларни қутқариш, жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилган шахслар киради.

Жиноят қонунига зарурий мудофаа институтининг киритилиши, қонун ҳимоясидаги манфаатларни ғайриқонуний тажовузлардан мудофаа қилишда ҳар бир фуқарони фаол қатнашишини таъминлаш мақсадига хизмат қилади..

Зарурий мудофаани қўллашнинг зарурати ва асослари жиноят қонуни билан қўрикланадиган объектларга (шахсга, давлат ва жамоат манфаатларига) ижтимоий хавфли тажовуз қилинганлигидир.

Шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларнинг манфаатларига жиноий тажовуз қилинганлиги зарурий мудофаани қўллашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Қонунда жиноятнинг субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахсларнинг ижтимоий хавфли тажовузига нисбатан ҳам зарурий мудофаанинг қўлланишига йўл қўйилади.

Шунингдек, қонунда биринчи марта (Жиноят кодекси 37-м. 4-қ.) зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш истагини кўзғатиш зарурий мудофаа ҳисобланмаслиги кўрсатилган. Бу ерда шундай ҳолатлар назарда тутилганки, бунда айбдор муайян бир шахсга зарар етказиш мақсадида унинг жиғига (асабига) тегади», кейинчалик у билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида унинг жавоб ҳаракатларини содир қилишини хоҳлайди.

Бундай ҳолларда айбдор етказилган зарар учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида шахс ўзининг ғараз ниятлари (уришиш, азоб бериш, ўч олиш) туфайли ҳужумнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган деб топиш мумкин эмас, бундай ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда квалификация қилиниши лозим деб таъкидланган.

Зарурий мудофаанинг мохияти шунда намоён бўладики, қонун муҳофазасидаги манфаатларга қарши қаратилган ғайриқонуний тажовуздан мудофааланувчи тажовуз қилувчига шундай зарар етказадик, етказилган зарар зарурий мудофаа институти бўлмаганида жиноий жавобгарликка сабаб бўларди.

Айнан шунинг учун зарурий мудофаанинг қонуний ёки ғайриқонунийлиги жиноят қонуни билан тартибга солинади. Зарурий

мудофаа ҳолатида тажовузчига муайян зарарнинг етказилиши мудофааланувчининг қилмиши туфайли вужудга келган ижтимоий хавфнинг олдини олибгина қолмай, агар у қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб берса, бундай фаолиятнинг ижтимоий фойдали, деб ҳам топилишига ҳам асос бўлади.

Зарурий мудофаа тажовуз ва химоядан иборат эканлиги сабабли унинг ҳуқуқийлиги шартлари ҳам тажовуздан зарурий мудофааланишнинг ҳуқуқий шартлари ва химояга хос зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларига бўлинади. Шундай қилиб, зарурий мудофаа институтининг юридик табиати тўғрисидаги масалага икки хил ёндашув мавжуд:

Биринчидан, бу масалани амалдаги конституциявий, маъмурий, жиноят қонунлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал этилади.

Иккинчидан, бу фикр зарурий мудофаа қандай амалда бўлиши керак, яъни бу институт қандай тартибга солиниши керак, қайси соҳа қонунлари билан мустаҳкамланиши керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқади.

Тажовузга нисбатан етказилган зарар ўз-ўзидан ҳам зарурий мудофаанинг қонунийлигини кўрсатмайди. Зарурий мудофаа қонуний бўлган деб топиш учун жиноят ҳуқуқи назариясида зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари деб аталган бир қанча шартлар мавжуд бўлиши лозим.

Зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларини икки гуруҳга:

- 1) тажовузга нисбатан;
- 2) мудофаага нисбатан бўлиш мумкин.

4. Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари.



Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларидан **биринчиси** – шахсга, унинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат

манфаатлари ёки бошқа жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан бўлган ижтимоий хавфли тажовуз бўлтиш керак. (Бунда тажовузнинг шаклига эътибор бериш керак).

Юқорида қайд этилганидек, жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаган ёки ақли норасо шахслар томонидан содир этилган тажовузлар ҳам ижтимоий хавфли ҳисобланади. Зарурий мудофаа мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига қарши ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қонунга хилоф равишда соғлиқка зарар етказиш, қонунга хилоф равишда турар жойга бостириб кириш ва ҳоказолар).

Тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартларидан **иккинчиси** —тажовузнинг муқаррарлиги, яъни ҳақиқатан мавжуд бўлишидир. **Муқаррарлик** деганда тажовуз бошланган, лекин тугалланмаган ижтимоий хавфли ҳаракат тушунилади. Масалан, қонун билан кўриқланадиган объектга зарар етказган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатнинг мавжудлигидадир.

Ижтимоий хавфли тажовузга мувофиқ келувчи зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шарти унинг мавжудлиги, яъни тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлашдан иборат. Тажовузнинг бошланиши деганда ЎЗР Жиноят кодексида кўрсатилган жиноят белгиларини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг хронологик жиҳатдан содир этиш тушунилади. Тажовузнинг фактик тугалланиши эса зарар етказиш вужудга келган ёки жиноий оқибат келиб чиққан вақт билан белгиланади. Ижтимоий хавфли тажовузнинг бошланғич ва якуний ҳолатини аниқлаш зарурий мудофаада ҳуқуқийлик ҳолатининг борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учунгина эмас, шунингдек қонун муҳофазасидаги объектларга ижтимоий хавфли тажовуз содир этилганида ёки шундай тажовуздан мудофааланишда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фактини аниқлаш учун ҳам керак.

Шу муносабат билан Олий суд пленуми қарорида: «Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган вақтнинг ўзигагина эмас, балки тажовузнинг яна бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтини англай олмаган бўлса, ҳужум вақтида тажовузга нисбатан ва бошқа

ашёларнинг химояланувчи қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди», деб кўрсатиб ўтилган.

Зарурий мудофаа ҳолати тажовузнинг тугаши билан тугайди. Тажовузнинг тугаши биланоқ ҳужумнинг муқаррарлиги йўқолади, шу билан биргаликда зарурий мудофаа ҳукуқи тўхтатилади. Тажовуз тугаганидан сўнг бирон-бир объектни химоя қилиб, зарурий мудофаа қўлланиши мумкин эмас.

Тажовуз: а) ихтиёрий ёки мажбурий; б) мудофааланувчи томонидан унинг қайтарилиши; в) тажовузчининг ўз мақсадига етиши орқали тугаллиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми зарурий мудофаа тўғрисидаги қонидани қўллаш тўғрисидаги раҳбарий қарорида қуйидагича изоҳ берилган:

NOTA BENE!	
Зарурий мудофаа фақат ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётган вақтда эмас, балки реал ҳужум бўлиш хавфи мавжуд бўлганда ҳам содир этилиши мумкин.	

Тажовуздан олдин ёки у тугаганидан сўнг бирор зарурият бўлмаган ҳолда тажовуз қилувчига зарар етказилиши зарурий мудофаа деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларга кўра ҳал қилинади.

Учинчи шарти — тажовузнинг реаллиги, яъни тажовузнинг химояланувчи хаёлида бўлмай, балки ҳақиқатан ҳам (объектив) рўй берганлигидир.

Бу ҳолатларда зарурий мудофаа чораларини қўллаган шахсга, барча ҳолатлар юз берган вазият, ҳақиқатда ҳам тажовуз юз бераяпти, деб тахминлашга асос бўлса ва шахс ўзининг тахминлари хатолигини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб топилиши керак.

Агар вужудга келган вазият шахсга тажовузнинг йўқлигини тушуниш учун асос бўлса, у хаёлан ҳужум қилаётган шахсга зарар етказса, химояланувчининг жавобгарлиги истисно қилинмайди, балки айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлиб ва мудофааланувчи эҳтиётсизлик орқасида зарар етказилганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Ҳозирги кунда олимлар ўртасида тажовузга нисбатан зарурий мудофаанинг тўртинчи шарти сифатида – тажовузнинг характери,

яъни ҳуқуққа хилофлиги шартини исботлашга қаратилган фикрлар ҳам мавжуд.

Мудофаага нисбатан зарурий мудофаанинг ҳуқуқий шартлари қуйидагилардан иборат:

Зарурий мудофаадаги «мудофаа» элементи «тажовуз»дан ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлиги, мудофааланиш эҳтиёжи билан амалга оширилганлиги, шунингдек, фақат мудофааланувчининг бундай ҳуқуққа эга эканлиги билан фарқланади.

Зарурий мудофаада ҳимояланишга қаратилган ҳаракатлар ижтимоий хавfli бўлса-да, у қонунда белгиланган мудофааланувчининг ташаббуси билан амалга ошириладиган фаол ҳатти-ҳаракатлардан иборатдир. Лекин шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, улар зарурий мудофаа деб ҳисобланмаслиги керак. Масалан, тажовуз қилинаётган вақтда мудофааланувчининг ҳаракатлари тажовуздан чекиниш, қочиш каби «пассив» характерга эга булса ва бунда тажовузчига зарар етказилган бўлса ҳам. (Масалан, тажовузчи мудофааланувчини ушлаш мақсадида унинг орқасидан қувган вақтида йиқилиб жароҳат олган бўлса, бундай ҳаракатлар нафақат зарурий мудофаа, балки жиноят деб ҳам тан олинмайди.)

Мудофаага нисбатан зарурий мудофаанинг **биринчи** шarti — мудофаа фақат Жиноят кодекси билан кўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилиш муқаррар бўлганида амалга оширилиши мумкин. Зарурий мудофаа ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Зарурий мудофаа шахснинг субъектив ҳуқуқи бўлиб, у нафақат ўз ҳаётини, балки давлат ва жамият манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Шахснинг қилмиши ижтимоий фойдали бўлмаса ёки жиноят қонуни билан кўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган бўлса, бундай қилмиш жиноят деб баҳоланмоғи лозим.

Иккинчи шarti—мудофаа вақтида зарар уни ҳаётдан маҳрум қилиш, соғлигига зарар етказиш, мулкени нобуд қилиш ва хоказо фақат тажовузчига етказилиши мумкин.

Агар тажовуз натижасида мудофааланувчи томонидан бошқа шахсларга зарар етказилган тақдирда, унинг қилмиши:

- жиноят кодексида белгиланган талабларга жавоб берса, охирги зарурат сифатида;

- содир этилган жиноятда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳаёлий мудофаа қоидалари бўйича зарурий мудофаа ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида;

- умумий шартлар асосида қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида;

- айбсиз ҳолда зарар етказиш сифатида, бундай ҳолларда қилмиш ЎЗР Жиноят кодексига биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, деб квалификация қилиниши мумкин

Учинчи шarti — мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаслиги лозим.

Ҳимояга хос бўлган зарурий мудофаа ҳуқуқийлигининг муҳим шarti – ҳимоянинг аниқ шароитда тажовузнинг хусусияти ва хавфлилигига мос бўлишидир. Жиноят-ҳуқуқий назариясида зарурий мудофаанинг бу белгиси “тажовуз ва ҳимоянинг мутаносиблиги” деб номланади. Мудофаанинг тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига мувофиқ келишининг асосий талаби - мудофаанинг жинойий тажовуз ички томонига мос келишидир. Қилмишнинг ички томони – унинг ижтимоий муносабатларга жинойий зарар етказишга йўналтирилганлиги орқали изоҳланади.

Қонунда агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, ҳимоя ҳуқуқийдир, деб белгилаб қўйилган.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади (Жиноят кодекси 37-моддаси 2-қисми).

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилишига қуйидаги икки ҳолатда йўл қўйилиши мумкин: а) мудофааланувчи томонидан ҳимоянинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги; б) ҳимоянинг тажовуз хусусияти ва хавфлилигига умуман мувофиқ келмаслиги.

Республикаимиз жиноят қонунига мувофиқ, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш оқибатида зарар етказилган бўлса-да, у жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади (Жиноят кодекси 100-моддаси ва 107-моддаси).

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш натижасида Жиноят кодексига белгиланган объектларга зарар етказилган бўлса, жинойий жавобгарлик, бошқа объектларга зарар етказилган бўлса, маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш объектив ва субъектив белгиларга эга. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг объектив томони мудофаанинг тажовуз хусусиятини ва хавфлилик даражасига мос келмаслигини билдиради. Субъектив томондан эса зарурий мудофаа доирасидан четга чиқиш айбнинг қасд шакли билан, хусусан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишга

нисбатан қасд ва жиноят оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан тавсифланади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган ёки чиқилмаганлигини аниқлашда субъектив томоннинг мақсади, яъни айнан тажовуздан мудофааланишнинг мақсадига эътибор бериш лозим. Агар бундай мақсад бўлмаса, қилмиш зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб квалификация қилинмаслиги керак.

Ижтимоий хавфли тажовузни қайтариш вақтида тажовузчига эҳтиётсизлик орқасида зарар етказилган бўлса, у мудофааланувчини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди.

Республика Олий суди Пленуми қарорида таъкидланишича, «Судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўклиги масаласини хал этишда химояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан химояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, химояланувчининг кучлар нисбатига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатлар (ҳужум қилувчи ва химояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар)ни ҳисобга олиши зарур.

Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг хар бирига гуруҳдаги ҳамма тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли химоя чораларини кўришга ҳақли.

Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида мудофааланувчи мавжуд хавфнинг характерини ҳамма вақт ҳам аниқ англай олмаслиги ва мудофаанинг тажовузга нисбатан номувофиқ усулини танлаши мумкин.

Агар мудофааланувчи етказган зарар олди олинган зарардан кўп бўлса ва унинг олдини олиш учун етарли бўлган бўлса, унинг ҳаракатини зарурий мудофаа чегарасидан чиққан деб бўлмайди.

Зарурий мудофаага бўлган ҳуқуқнинг субъекти бевосита ўзига ёки бошқа шахслар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган тажовузга нисбатан мудофааланувчи шахс ҳисобланади. Бунда субъектнинг муомала лаёқати, унинг ижтимоий ҳолати ва мавқеи, оддий фуқаро ёки чет эл фуқароси эканлиги аҳмиятга эга эмас.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг субъекти эса қонунда жиноят субъектига қўйилган талабларга жавоб бериши керак, яъни айбдор 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши керак.

Зарурий мудофаа шахсинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланиб, тажовуз йўналтирилган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар мудофааланиш ҳуқуқига эга. Лекин айрим вазифани эгаллаб турган шахсларга нисбатан бундай ҳуқуқ уларга қонун билан кўриқланадиган мажбурият сифатида юклатилган (масалан, милиция, МХХ ҳодимлари, ҳарбий хизматчилар, инкассаторлар ва ҳоказолар).

4. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судловнинг амалга оширилишини таъминлаш, жиноят қонунчилиги олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида белгиланган. Шунинг учун ҳам қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказган шахсни ушлаш ижтимоий фойдали ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш шахсинг мажбурияти эмас, балки бурчи ҳисобланади.

Шахс, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳалла кўмиталари, бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконияти мавжудлигидан қатъи назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаб бериш ҳуқуқига эгадир.

Жиноят кодекси 39-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш тушунчаси берилган бўлиб, унинг 1-қисмида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмаслиги кўрсатилган. Жиноят ҳуқуқида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қуйидаги асосий жиҳатлар(аспектлари)и мавжуд:

1) жиноят қонунида жиноят содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эга шахслар доираси чегараланмаган;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳокимият органлари айрим мансабдор шахсларининг бурчи эканлиги Республика қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларида аниқ кўрсатиб ўтилган;

3) бундай ҳаракатлар ижтимоий фойдали деб топилади, шунингдек қонунийлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидан келиб чиқади;

4) ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш бундай шахснинг жиноий фаолиятини тўхтатиш ва янги жиноят содир этиш имкониятларини бартараф этишнинг асосий ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги шартлари - **бир томондан**, ушлаш ҳуқуқининг амалга оширилишини, иккинчи томондан ғайриқонуний қилмишларни бартараф этилишини кафолатлайди. Бундай шартлар икки институтга: ушлашга ва ушлаш вақтида етказилган зарарга тегишлидир.

Ушбу шартларнинг ҳуқуқийлиги: ушлаш учун асосларнинг мавжудлиги ва субъектлари; уни амалга ошириш усул ва воситалари; ушлашнинг мақсади ва вақти; унинг бажарилган деб ҳисобланиши каби элементларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

1) шахснинг жиноят содир этганлиги. Бундай асос бўлиб айрим ҳолларда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми хизмат қилса, баъзи ҳолларда жиноят содир этиш фактининг ўзи етарли ҳисобланади.

2) жиноят содир этган шахснинг уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга топширмақчи бўлган шахсдан қочиши ҳисобланади.

Ушлаш жиноят-процессуал хусусиятга ҳам эга бўлиб, шахсни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган деб топишнинг асослари:

шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганлиги;

жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчилар томонидан жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги;

унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилганлиги;

шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотларнинг мавжудлиги, унинг қочмақчи бўлганлиги ёки доимий яшаш жойининг йўқлиги ёхуд шахсининг аниқланмаганлиги ҳисобланади. (ЎзР ЖПК 221-моддаси.)

Ушлашнинг субъектлари, яъни ушланиши мумкин бўлган шахслар деганда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва иммунитетга эга бўлган шахслар тушунилади. Хусусан, депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас (улар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлган тушган ҳолатлар бундан мустасно).

Албатта, жиноятчини ушлаб бериш ҳуқуқи жиноятчиликка қарши курашишнинг фойдали воситалардан биридир. Агар фуқароларимиз жиноят содир қилган шахсларни ушлаб бериш ҳуқуқидан фаол фойдалансалар, қонунга хилоф қилмишларга кўз юмиб турмасалар, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошади.

Жиноятчини ушлаш ҳуқуқи, аниқроғи, бурчи жиноятчиликка қарши кураш касби билан боғлиқ мажбурият ҳисобланган шахслар (ички ишлар, прокуратура, МХХ органлари ходимлари)га юклатилади. ЎзР ЖПКнинг 222-моддасига мувофиқ, милиция ёки бошқа суриштирув органлари ходими, шунингдек, муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай шахс ушбу кодексининг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддаси 4-кисмида: «Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар», деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида: «Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилган бўлса», ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилиши кўрсатилган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг ҳуқуқийлиги элементларидан бири – ушлаш вақтида белгиланган (ҳуқуқий) услуб ва воситалардан фойдаланишдир.

Ушлаш услуби деганда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш мақсадида унга таъсир этишнинг турли хил тактик усуллари (масалан, жисмоний ёки рухий зурлик ишлатиб, алдаш ёки ишонтириш йўли билан) тушунилса, ушлаш воситалари эса ушлаш

жараёнида ишлатиладиган турли хил қуроллар, предметлар ва техник анжомлар йиғиндисидан (ўқотар қурол, қўл кишани, арқон ва ҳ.к.) иборатдир.

У ёки бу усул ёки воситалардан фойдаланиш шакли ва даражаси – аниқ ҳолларда ижтимоий хавфлилик даражаси, шахсинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ушлашдаги вазият ва шарт-шароитлар билан боғлиқ. Масалан, оғир ёки ўта оғир (одам ўлдириш, босқинчилик ва ҳ.к.) жиноятни содир этган шахсларни ушлашда қўлига кишан солиниши мумкин, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан бу усул қўлланилмайди.

Ушлаш воситалари ва усуллари юқорида курсатилган мезонларга мос келмаган тақдирда ушлаш ғайриқонуний деб, қаршилик кўрсатувчи шахсинг қилмиши эса жиноий эмас деб баҳоланиши мумкин.

Шахсинг эркинлигини қисқа муддатга чеклаш тарзидаги ушлаб туриш шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида амалга оширилганида қонуний ҳисобланади, бошқа мақсад (масалан, ўғирланган мулкни қайтариб олиш мақсадида ушлаб туриш) кўзланган тақдирда шахсинг бундай қилмиши жиноят деб топилади.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш элементларидан яна бири ушлашни амалга ошириш вақти ҳисобланади. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашга бўлган ҳуқуқ имжтимоий хавfli қилмиш тугалланиши билан вужудга келади ва жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ёки айблов ҳукмини ижро этиш муддатининг ўтиб кетиши билан тўхтайтиди.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашга бўлган ҳуқуқ жиноят ишини юритишга тўсқинлик қиладиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳисобга олинмайди:

- 1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) шахсинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) шахсинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;
- 4) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими(қарори) ёки ваколатли мансабдор шахсинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса. (ЎЗР ЖПК 83 ва 84-моддаси 1-қисми)

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги элементларини изоҳлаш билан бирга, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбнинг шакли, жиноятнинг тугалланган ёки тугалланмаганлиги, шунингдек иштирокчилик шакли ҳам инобатга олиниши лозим.

Ижтимоий хавфли ҳисобланмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки интизомий қилмиш содир этган шахсни, шунингдек, жиноят содир этиш уyiда бўлган шахсга ушлаш вақтида зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Албатта ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик даражасини белгиловчи бир қанча шартлари бор.

Биринчи шарти – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлашдир. Яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш – ижтимоий фойдали ҳисобланади. Ижтимоий фойдалилик тушунчаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш зарурати билан бирга шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида зарар етказиш ҳолатини ҳам ўз ичига олади. Жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида ўч олиш мақсадида унга зарар етказган бўлса, бундай ҳолларда ушлаб берган шахс етказган зарари учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Шахсни ушлаш мақсадини аниқлаш учун конкрет иш буйича барча ҳолатларни, хусусан, ушлашни амалга оширган шахс фаолиятининг мотивлари, ушлашда танланган усул ва воситалар, шарт-шароит, етказилган зарарнинг характери ва оғирлик даражаси, шунингдек қасднинг йўналтирилганлиги ифодаловчи бошқа ҳолатларни таҳлил қилиниши керак.

Иккинчи шарти – ушланаётган шахснинг соғлиғи ёки мулкига муайян зарар етказилишига йўл қўйилади. Албатта, шахсни ушлаётганда уни хаётидан маҳрум этиш мумкин эмас, ушлашдан мақсад жиноятчини тегишли ҳокимият органларига топширишдир. (Инсониятга қарши ёки террористик хатти-ҳаракатларни бир неча

марта содир этган, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган шахсни ушлаш вақтида вазиятга қараб унинг ҳаётига зарар етказилиши мумкин.)

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказишнинг шартларидан яна бири ушланиши мумкин бўлган шахслар доирасининг белгиланганлигидир. Яъни қонунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнигина ушлаш мумкинлиги белгилаб берилган. Бундай шахсларни ушлаш вақтида зарар фақат уларнинг ўзига етказилиши керак, зарар учинчи шахсларга етказилган тақдирда бундай қилмиш иш ҳолатларига қараб охириги зарурат ёки мустақил таркибли жиноят сифатида сифатида баҳоланиши мумкин.

Учинчи шарт – ушлаш вақтида зарар етказиш жиноятчининг қочишига йўл қўймайдиган ягона восита бўлиши лозим. Агар шахсни ушлашда бошқа имкониятлар бўлган бўлса-ю, у имкониятлардан фойдаланилмай унга зарар етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 39-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳолатларга тўғри келмайди.

Зарар етказиш ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг энг сўнгги имкони, мажбурий чора бўлиши керак.

Зарар етказишнинг «мажбурийлик» ҳолатини аниқлаш мақсадида тергов ва суд органлари қуйидагиларни таҳлил қилишлари керак:

а) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан қочиш имкониятига эга ёки эга эмаслиги;

б) бу борада ушлашга қаршилик кўрсатувчи шахснинг фаоллиги, қаршилик кўрсатиш чоралари, қилмиш содир этилган жойдан қочиши, шунингдек огоҳлантирилгандан кейин ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаслиги;

в) ушлашни амалга оширувчи шахснинг имконияти, ушлашни зарар етказмасдан амалга ошириши эътиборга олинishi лозим..

Бундай имкониятни аниқлаш учун ушлашни амалга оширувчи ва ушланувчи шахсларнинг сони, ёши, жинси, қуролланганлиги, жисмониш кучи ва шу кабилар инобатга олинishi керак.

Тўртинчи шарт – ушлаш зарарлар нисбати тенг бўлган ҳолдагина қонуний ҳисобланади, яъни ушлаш вақтида етказилган зарар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва характерига ушлаш ҳолатига нисбатан тўғри келмаслиги мумкин эмас.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда ушлаш вақтидаги шарт-шароитлар ва вазият, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, хавфлилик даражаси, руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади. Хусусан, одам ўлдирган шахс қаршилик кўрсатмаса ёки унинг қаршилиги аҳамиятсиз бўлса, унга зарар етказиш ушлаш чегарасидан чиқмаслиги керак. Мабодо шахс жиноий жавобгарликдан қочиб, уни ушламоқчи бўлган шахсга тажовуз қилса, ушлашни амалга оширувчи шахс зарар етказишнинг йўл қўйилган чегарасидан четга чиқиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳаракат етказилган зарар зарурий мудофаа, деб квалификация қилиниши керак.

Демак, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлиги шартларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Ушлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини белгиловчи шартлар:

а) ушлаш учун асосларнинг жиноят қонуни билан тақиқланган жиноий қилмиш содир этилган вақтда вужудга келиши;

б) Жиноят содир этган шахснинг одил судловдан яшириниш мақсадида қочиши;

Ушлашни амалга ошираётган шахснинг ҳаракатларини ифодаловчи шартларга:

1) зарарнинг жиноят ҳуқуқий ушлашни амалга ошираётган шахс томонидан етказилиши;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида қўлланиладиган усул ва воситаларнинг эҳтимолий бўлмаслиги керак.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашга қаратилган чора-тадбирлар қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келиши керак.

Ушланган шахсга у етказган зарарга нисбатан кам ёки тенг даражада зарар етказилган бўлса, у ҳолда жиноят содир қилганни ушлаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Нисбатан айбдор ва ушлаган шахснинг ҳаракатларида тенглик бўлмаган бўлса, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш ҳолати мавжуд бўлади.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддаси 2-қисмига кўра, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деганда

ушлаш восигалари ва усулларига, қилмиш ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган ва натижада ушланаётган шахсга қасддан зарар етказилишини тушуниш лозим.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш чораларидан четга чиқиш – зарар етказишнинг мажбурийлиги ва нисбатан тенглик белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган бошқа шартлар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий ҳисобланади.

Албатта, кўп ҳолларда жиноятчини ушлаш вақтида унга маълум бир зарар етказилиши мумкин.

Зарурий чоралар чегарасидан четга чиқиш деб топиш учун жиноятчини ушлаган шахс етказган зарар ва жиноятчи томонидан етказган зарарларнинг тенг эмаслиги шарт, лекин бу тенгсизлик жиноятчини ушлаган шахс учун етарлича аниқ ва равшан бўлган бўлиши лозим. Ушлаш вақтида ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш оқибатида етказилган зарар нафақат очик ва равшан, балки ушлаш заруриятининг оқибатида вужудга келган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 101-моддасида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик учун, 108-моддасида эса ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Кўрсатилган жиноят—ҳуқуқий нормаларнинг тахлили, Жиноят кодексида жиноятчини ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш оқибатида унинг баданига оғир шикаст етказилишигача рухсат берилади, деган ҳулоса қилиш имконини беради. Ушлаш чораларидан четга чиқишда эҳтиётсизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказиш ҳамда тажовуз қилаётган шахсни эҳтиётсизлик орқасида ўлдирилганлиги учун мудофааланувчи жавобгарликка тортилмайди.

Тергов ва суд амалиётида у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш деб топишда уларни содир этилиш белгиларига кўра фарқлаш масаласида маълум бир қийинчиликлар мавжуд.

Шу билан бирга, қилмишни тўғри квалификация қила олиш - биринчидан, жиноий жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш; иккинчидан, Жиноят кодекси олдида турган вазифаларни бажарилишини таъминлаш; учинчидан, ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларнинг обрў-эътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир.

Шу сабабли тергов ва суд органлари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтини зарурий мудофаа ва охири заруратдан фарқлашда қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

1) ушлашга бўлган ҳуқуқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан вужудга келса, зарурий мудофаа мудофааланувчи шахсга қарши йўналтирилган тажовуз содир этилиши билан, охири заруратга бўлган ҳуқуқ эса нафақат шахсдан, балки хоҳлаган манбадан келиб чиқувчи хавфнинг пайдо булиши натижасида юзага келади;

2) Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш буйича ташаббус барча ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охири заруратда эса шахс бундай шароитга кириб қолиши туфайли зарар етказишга мажбур бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охири зарурат эса тажовуз ёки хавфнинг амалга оширилиши факти билан шартланган бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан асосий мақсад – бундай шахсни ҳокимият органларига топшириш бўлса, зарурий мудофаа ва охири заруратда мақсад – тажовузчини енгиш ва хавфни бартараф этиш ҳисобланади.

5. Охири зарурат

Қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлардан яна бири охири заруратдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида:


<i>NOTA BENE!</i>	
Охири зарурат ҳолатида, шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб	

топилмайди, деб белгилаб қўйилган.

Охирги зарурат қуйидаги ҳолатларда вужудга келиши мумкин:

1. шахснинг хулқ-атвори;
2. экстримал шарт-шароитлардаги шахс организмнинг физиологик ҳолати;
3. ҳайвонларнинг тажовузи;
4. ҳаракатдаги машина ва механизмнинг тузалмас ҳолати;
5. табиий, техноген ва шунга ўхшаш фавқулотда ҳолатлар.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга хавф солаётган тажовузни йўқотиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга зарар келтиришдан иборат бўлгани каби, охирги зарурат қонунийлигининг ҳам асосий шартлари мавжуддир. Бу шартларни таҳдид солаётган хавфга ва ундан химояланишга тегишли бўлган шартларга ажратиш мумкин.



Охирги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари:

Охирги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари ҳақида гапирганда, унинг ижтимоий хавфлилиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги каби белгиларига тўхталиб ўтиш лозим.

Биринчи шарти охирги зарурат ҳолати хавф манбаининг вужудга келиши билан намоён бўлади. Хавф манбаи бўлиб турли хил воқеалар бўлиши мумкин. Уларга инсон томонидан содир этилган ҳаракатлар, табиий офат (зилзила, сув босиши, ёнғин ва хоказолар), ҳайвонларнинг (қутирган итнинг, хўкизнинг) одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган агрессив ҳаракатлари киради. Турли хил носоз механизм ва қурилмалар ҳам хавф манбаи бўлиши мумкин.

Тахдид солиши мумкин бўлган хавф манбаларининг тўла рўйхатини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун жиноят қонуни билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга хавф туғдирувчи барча ходисалар, воқеалар, ҳаракатлар охириги зарурат ҳолатини келтириб чиқарувчи манбалар ҳисобланади.

Хавф манбаи шахснинг хулқ-атвори бўлган тақдирда тергов ва суд органлари содир этилган қилмишнинг субъектив томонига эътибор беришлари керак. Агар шахснинг қилмиши бир неча хатти-ҳаракатлан иборат бўлса, унинг дастлабки ва кейинги қилмишларидаги мақсад ҳисобга олиниши керак. Шахс дастлабки хатти-ҳаракатини қасддан содир этиб, кейинчалик вужудга келган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф этиш мақсадида яна бир ижтимоий хавфли қилмиш содир этса, унинг сўнгги қилмиши охириги зарурат ҳолатида содир қилинган деб топилиши керак. Масалан, шахс бошқа бир шахсга оғир тан жароҳат етказиб, кейинчалик эса унинг ҳаётини қутқариб қолиш учун автомашинани олиб қочса, шахснинг кейинги қилмиши охириги зарурат деб квалификация қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Иккинчи шарти хавфининг мавжудлиги.

Хавфнинг мавжудлиги, хавфнинг вужудга келиши ёки жиноят қонуни билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга реал хавф мавжудлигини билдиради. Тахминий, маълум бир вазиятда вужудга келадиган, бартараф этилган ёки ҳаёлий хавф мавжуд деб ҳисобланиши охириги зарурат ҳолатини вужудга келтирмайди

Учинчи шарти хавфнинг ҳақиқий бўлиши лозим. Агар шахс турли сабабларга кўра хавфнинг мавжуд эмаслигини билиши лозим бўлмаган ёки мумкин бўлмаган бўлса, унинг бу ҳаёлан хавфни бартараф қилишга қаратилган ҳаракати ҳам жиноят деб ҳисобланмайди.

Хавфнинг ҳақиқийлиги деганда, унинг объектив ва реал тарзда мавжуд бўлишини тушуниш керак. Агар хавф ҳақиқий бўлмасдан, шахс унинг мавжудлиги ҳақида нотўғри тахмин қилган бўлса, шахснинг бундай қилмиши тахминий охириги зарурат деб баҳоланиб, жавобгарлик масаласи фактик хатога оид умумий қоидаларга кўра ҳал қилинади. Шахснинг бундай қилмиши қуйидагича баҳоланиши керак:

Охириги зарурат ҳолати сифатида, шахс ўзининг тахминлари хатолигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолларда, унинг ҳаракати шахс ўзининг тахмини хатолигини билмаган бўлса, лекин

ишнинг ҳолати буйича билиши лозим ва мумкин бўлса эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Охирги зарурат ҳолати назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган мезонларга жавоб бериши керак. Бундай мезонлар - қилмишнинг ижтимоий фойдалилиги, мажбур бўлганлик туфайли содир этилиши, бошқа шахсларга етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этишга қаратилганлиги, охирги заруратнинг қонунда белгиланган доирадан четга чиқмаслиги ва х.к.

Қилмишнинг ижтимоий фойдалилиги унинг шахс, жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб содир этилганлигини билдиради.

Қилмишнинг мажбурийлиги деганда, вужудга келган вазиятда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг охирги ягона усули эканлиги тушунилади. Қонун билан қўриқланадиган бошқа манфаатларга зарар етказмасдан хавфни бартараф этиш имконининг мавжудлиги охирги заруратнинг ҳақиқийлигини истисно этади. Агар шахс бундай имконият мавжудлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаса, унинг қилмиши охирги зарурат деб баҳоланиши мумкин.

Охирги зарурат ҳолати белгиларига тўғри келадиган қилмиш содир этилганида фақат учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши керак. Учинчи шахслар деганда охирги зарурат буйича бартараф этилган хавф билан алоқадор бўлмаган шахслар, жамият ва давлат манфаатлари ҳисобланади.

Тўртинчи шарти муайян ҳолатдаги хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмаслиги сабабли бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. Агар бошқа мудофаа чоралари орқали хавфни бартараф қилиш мумкин бўлса, охирги зарурат ҳолати бўлмайди. Чунки хавфни бартараф этишга қаратилган ҳаракат ижтимоий муносабатларга таҳдид солаётган хавфни бартараф этишнинг ягона йўли, воситаси, ечими бўлиши шарт.

Етказилган зарарнинг мувофиқлиги охирги заруратнинг ҳуқуқий шартларидан бири бўлиб, етказилган зарарнинг бартараф этилган зарарга нисбатан камроқ бўлишини билдиради. Бундай шарт охирги зарурат ҳолатида зарар тажовузчига эмас, балки қонун билан белгиланган бошқа манфаатларга етказилиши туфайли шундай қилиб белгиланган.

Етказилган ва бартараф этилган зарарнинг мослиги – зарар етказилган ва ҳимоя қилинган ҳуқуқ ва манфаатлар мувофиқлигини билдиради.

Тергов ва суд органлари етказилган ва бартараф этилган зарарнинг миқдор ва сифат жиҳатдан мос келишининг қуйидаги тамойилларига аҳамият беришлари керак:

Етказилган зарар бартараф этилган хавфдан кўра кўп бўлса, бундай ҳолларда тергов ва суд органлари етказилган зарарнинг бартараф этилган хавфдан кўра камроқ бўлишига эътибор беришлари керак. (Масалан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида унинг мулкига зарар етказилиши.)

Сифат жиҳатдан бир хил зарар етказилса, яъни етказилган ва бартараф этилган зарар бир хил манфаатларга йўналтирилган бўлса.

Бундай ҳолларда етказилган зарар бартараф этилган хавфдан миқдор жиҳатдан кам бўлишига эътибор бериш керак. (Масалан, оғир тан жароҳат етказилишини бартараф этиш мақсадида шахсга енгил тан жароҳат етказилиши.)

Бартараф этилган хавфнинг хусусияти ва даражаси жиҳатдан фарқ қилувчи зарар етказилишига. Масалан, Жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир неча объектларни ҳимоя қилиш мақсадида ундан ҳам муҳимроқ бошқа объектга зарар етказилиши. (Масалан, бир неча шахсларга оғир тан жароҳат етказилишининг олдини олиш мақсадида шахснинг ҳаётига суиқасд қилиш.)

Охирги заруратнинг мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлари:

Биринчи шарт. Охирги зарурат ҳолатида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланиши каби бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳам манфаатлари мудофааланади.

Иккинчи шарт. Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши керак. Олди олинган зарарга нисбатан охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар тенг ёки хаддан ортиқ бўлса, шахс охирги зарурат ҳолати чегарасидан четга чиққан ҳисобланади.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддаси 2-қисмида: «Шахснинг охирги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши, башарти, охирги зарурат чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади», — деб қайд этилган.

Учинчи шарт. Охирги заруратнинг зарурий мудофаа ҳолатидан фарқи биринчи ҳолатда зарарнинг учинчи шахс манфаатларига етказилиши зарурий шарт ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунида биринчи марта (Жиноят кодексининг 38-моддаси, 3-қисми) охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш тушунчаси берилди. Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг

олдини олиш мумкин бўлса ёки етказилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Шахснинг қилмишни охирги зарурат чегарасидан четга чиқмасдан содир этишини охирги заруратнинг ҳуқуқийлиги шартларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Қилмишни охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топиш борасида тергов ва суд органлари охирги зарурат ҳолатининг мавжудлиги, «мажбурийлик» ва «мувофиқлик» белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган барча ҳуқуқий шартлар мавжудлигига эътибор беришлари керак. Бундан ташқари охирги зарурат доирасидан четга чиқиш деб квалификация қилиш учун шахс қилмишининг субъектив томонини ҳам инобатга олиш зарур. Кучли руҳий ҳаяжонланишда шахс ўзининг қилмишини ҳар доим ҳам тўғри баҳолай олмаслиги мумкин.

Охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда шахс қилмиши субъектив томонининг мақсади ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлиб, камроқ зарар етказиш воситасида кўп миқдордаги зарарни бартараф этишни билдиради.

Охирги заруратни амалга ошириш барча шахсларнинг субъектив ҳуқуқидир. Бу борада қонунда ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас. Айни вақтда хавфни бартараф этиш маълум бир шахсларнинг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Масалан, милиция, МХХ, давлат ёнғинни назорат қилиш органлари ходимлари ва ҳ.к. Бундай ҳолларда ушбу шахсларнинг қилмишлари умумий қоидалар бўйича квалификация қилиниши керак.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олинishi лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз берган вақтнинг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахсдаги мавжуд имкониятлар, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Суд-тергов амалиётида руҳий ёки жисмоний зўрлик таъсири остида жиноят содир этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Жиноят қонунчилиги тарихида биринчи марта бундай ҳолатларнинг қонуний ечими Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддаси 5-қисмида акс эттирилди, жисмоний ёки руҳий зўрлик натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар

етказилганлик учун жавобгарлик масаласи суд томонидан охирги зарурат ҳолатини ҳисобга олган ҳолда хал қилинади.

Мажбурлаш деганда шахснинг ўз хоҳишига қарши бирон-бир қилмишни содир этишга мажбур этиш мақсадида амалга ошириладиган барча руҳий ёки жисмоний таъсир чоралари тушунилиши лозим.

Агар шахс жисмоний ёки руҳий мажбурлаш таъсири остида жиноят содир этса-ю, аммо охирги заруратнинг барча шартларига амал қилса, унинг қилмишлари жиноят деб топилмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказувчи мажбурлов остидаги шахснинг эркин хулқ-атворига турли хил таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, шахснинг ўзи ҳаракатларини танлаш эркинлиги бутунлай чекланаган ёки бундай чекланаганлик нисбий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Шахс фаолиятининг турли хусусиятдалиги уларни хар ҳил ҳуқуқий баҳолашга олиб келади. Хусусан, агар шахс ўзининг хатти-ҳаракатини бошқара олмаган (масалан, тўлиқ изоляция ёки гипноз остида бўлиш) ҳолларда мажбурланувчи шахс қўл остидаги жиноят қуроли бўлиб, у ўз ҳаракатларини танлаш имкониятидан маҳрум бўлади ва шунинг учун ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агар шахс ўзи хатти-ҳаракатини бошқариш имкониятига эга бўлган бўлса (масалан, зарар етказиш хавфи мавжуд бўлганда.) мажбурланган шахснинг қилмиши охирги зарурат бўйича боҳаланиши лозим. Агар шахснинг қилмиши охирги заруратнинг ҳуқуқий шартларига мос келмаса ёки унинг чегарасидан четга чиққан бўлса, мажбурланган шахснинг хатти-ҳаракати мустақил таркибли жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай вазиятда шахснинг мажбурлов остида содир этган қилмиши жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилиши керак. (Жиноят кодекси 55-модда 5- қисм)

Суд ёки тергов амалиётида у ёки бу қилмишни ўхшаш институтлар ҳисобланган охирги зарурат ёки зарурий мудофаа деб квалификация қилиш масаласида маълум бир қийинчиликлар мавжуд. Бу борада қилмишни тўғри квалификация қилиш жиноят қонунчилиги олдида турган вазифаларни бажариш, зарар етказган қилмиш ҳуқуқийлиги чегарасини белгилаш ҳамда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун муҳимдир.

Охирги зарурат ва зарурий мудофаанинг фарқлари:

Хавф манбаига кўра, яъни зарурий мудофаада хавф манбаи шахсинг ижтимоий (жиноий) хавфли қилмиши бўлса, охирги заруратда хавф манбаи бўлиб нафақат шахсинг ижтимоий хавфли қилмиши, балки енгиб бўлмас куч натижасида юзага келган (форс-мажор) ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин.

Содир этиш усулига кўра, зарурий мудофаада тажовуздан қочиб ёки хокимият органлари ёхуд бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкони бўла туриб ҳам зарар етказилиши мумкин, охирги заруратда эса зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг бирдан-бир усули ҳисобланади.

Шунингдек, зарурий мудофаада ҳимоя фақат фаол ҳаракат орқали ифодаланса, охирги заруратда хавфни бартараф этиш ҳаракатсизлик билан ҳам, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан амалга оширилади.

Етказилган зарар(субъекти): зарурий мудофаа зарар фақат тажовуз қилувчи шахсга етказилади, охирги заруратда эса зарар учинчи шахсга етказилади.

Етказиладиган ва бартараф этиладиган зарарнинг ўзаро муносабатига кўра, яъни зарурий мудофаада етказилган зарар бартараф этилган зарар билан тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин, охирги заруратда эса кўпроқ зарарни бартараф этиш мақсадида камроқ зарар етказиш ҳисобланади.

6. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш.

Жиноят кодексининг 40-моддасида, шахсинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди, деб кўрсатилган.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш қонуний ҳисобланса

Буйруқ деганда, муайян хокимият органи, ташкилот, корхона, идора бошлиғининг ўз ваколатлари доирасида муайян бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик туғрисида (ёзма ёки оғзаки) буйруқ бериши тушунилади.

Буйруқ ваколатли шахсинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахсга берган маълум бир ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни бажариш ҳақидаги қонун ва қонуности актларга асосланган талабидир. Айнан шу таъриф буйруқни бошқа таъсир чоралари- илтимос, ишонтириш, мажбурловдан ажратиб туради.

Буйруқ билан бирга «тавсиялар», «фармойишлар» ва «фармонлар» ҳам берилиши мумкин. Булар масалаларни ҳал қилиш, уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий мақоми бўйича ўзаро фарқланади. Бу актларнинг асосий умумий жиҳати – уларнинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахс томонидан бажарилишидир

Қонун томонидан буйруқ ёки бошқа фармойишларнинг шакли аниқ белгиланмаган бўлиб, улар ёзма, оғзаки ёки намойишкорона(конклюдент) шаклда бўлиши, шунингдек техник алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда буйруқнинг фақат ёзма шаклда бўлиши талаб қилинади. Бундай талабларга риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Бошқа фармойишларга таъриф беришда шуни инобатга олиш лозимки, фармойишлар бериш усуллари унчалик ахамият касб этмайди.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлар, агар улар бошлиқнинг ваколати доирасидан чиқилмаган бўлса, ижро этилиши мажбурийдир.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлардан фарқли равишда хизмат мажбуриятлари мансаб ваколатига қараб ҳодимлардан бажарилиши талаб қилинадиган функционал мажбуриятлар доирасини ўзида акс этади. ЎЗР қонунчилигига кўра, хизмат мажбуриятлари иш берувчи ва ҳодим ўртасидаги меҳнат шартномасида белгиланган ёзма шаклда бўлиши керак. Акс ҳолда улар ғайриқонуний деб ҳисобланиши мумкин.

Бундан ташқари фармойишлар ва бошқарув актлари белгиланган мазмунда қабул қилиниши, яъни қонун талабларига мос ҳолда тузилиши керак.

Буйруқ ёки бошқа фармойишни ижро этиш ҳуқуқийлик шартларига мос келган тақдирда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат деб топилиши мумкин. Буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятлари Жиноят кодексидаги талабларга зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилинади.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг ҳуқуқийлиги белгиларилари қуйидагилардир:

биринчидан,—буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этувчи шахслар шу буйруқ ва бошқа фармойишлар берувчи шахснинг бўйсунувида (қарамоғида) бўлиши керак.

иккинчидан,—буйруқ ва бошқа фармойишларни тегишли шаклда бажариш уни бажарувчи шахснинг мажбурияти, яъни хизмат бурчи ҳисобланади.

учинчидан,— буйруқни ижро этувчи шахс томонидан содир қилинган қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида бўлиши мумкин.

тўртинчидан,— буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этишда Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга маълум даражада зарар етказилиши керак.

Бажарувчи томонидан етказилган зарар учун ўша буйруқ ёки фармойишлар берган шахс жавобгарликка тортилади, бундай ҳолларда бажарувчи жиноятни содир этишнинг қуроли сифатида хизмат қилиб ёки бошқа фармойишларни ижро этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди.

Буйруқнинг ҳуқуқий шартлари ва буйруқни ижро этишнинг ҳуқуқий шартларини ажрата олиш керак.

бешинчидан,—буйруқнинг ҳуқуқий шартлари:

Буйруқ ёки бошқа фармойишларлар мансабдор шахс томонидан унинг ваколат доирасида берилиши керак.

Буйруқ қонунда кўрсатилган тегишли шаклда (ёзма, оғзаки, техник воситалар орқали) берилиши керак.

Буйруқ ғайриқонуний деб ҳисобланмайди (бундай ҳолда унинг жиноийлиги ҳақида гап кетиши ҳам мумкин эмас).

олтинчидан,— буйруқни ижро этишнинг ҳуқуқий шартлари:

Буйруқни ижро этувчи шахс томонидан жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилганидагина буйруқ ижро этувчи шахснинг жавобгарлиги хал қилинади.

Ижро этувчи буйруқ билан белгиланган ҳаракатлар доирасидан четга чиқмаслиги керак.

Буйруқни ижро этувчи фақат қасддан етказилган зарарли ҳаракатлари учун жавоб беради.

Ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойиш ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 40-моддаси 2-қисмида жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа

фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс умумий асосларда жавобгарликка тортилиши хақида баён қилинган. Бундай ҳолларда жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажаришдан олдин уни бажараётган шахс унинг жиноийлигини билиши ва била туриб жиноий буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариши лозим. Ижрочи буйруқнинг жиноийлигини олдиндан била туриб уни бажарса, бундай ҳолат иштирокчилик сифатида баҳоланиб, буйруқ берувчи ташкилотчи, уни ижро этувчи эса бажарувчи шахс деб топилади.

Ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, агар бундай қилмиш қонунда жиноят деб белгиланган бўлса ҳам (Жиноят кодексининг 279, 280-моддалари), жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Шахс буйруқни, фармойишни ёки мансаб бурчларини, башарти, улар шахсга нотўғри берилган бўлса», ижро этгани ёки бузгани учун жавобгарликка тортилмайди. Агар унинг қилмиши бошқа жиноят таркиби белгиларини ўзида ифодалаган бўлса, жавобгарликка тортилади.

Буйруқ, бошқа фармойишлар ёки мансаб мажбуриятларининг ғайриқонунийлиги уларнинг жиноий ёки ҳуқуққа хилофлик хусусиятидан келиб чиқади.

7. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик.

Бугунки кунда барча соҳаларда, шунингдек, фан ва техниканинг интенсив равишда ривожланиб бораётганлиги муносабати билан янги-янги технологик жараёнларни ва алоҳида техник, ишлаб чиқариш операцияларини узайтириш, илмий тадқиқодлар олиб бориш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш давомида биз хоҳласак-хоҳламасак, жиноят ҳуқуқи томонидан кўриқланадиган объектга нисбатан бир қанча ҳолларда анча зарар етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган зарарга онгли равишда, таваккалчилик асосида йўл қўямиз.

Маълум бир таваккалчилик билан амалга ошириладиган тажриба, экспериментларсиз ишлаб чиқариш ташкил қилинмас экан, техника, тиббиёт келажакда ривожланмайди. Албатта, бирор эксперимент, тажриба ўтказилганда, таваккал қилмасдан бўлмайди, таваккалчиликда эса мақсадга эришишга юз фоиз ишонч бўлмайди. Шу муносабат билан ҳам қонун чиқарувчи Жиноят кодексига янги

норма сифатида қилмишни истисно қилувчи ҳолат — касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликни киритди.

Республикаимиз янги жинойт қонунига бундай ҳаракатни қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида алоҳида модда сифатида киритилишининг ахамияти катта. Чунки бундай ҳаракат замирида ижтимоий фойдали хусусият, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган зарурий фаолият орқали келтирилиши мумкин бўлган жиддий зарарнинг олдини олишга ҳамда имкон қадар ижобий натижаларга эришишга қаратилган инсон онги ва меҳнати ётади.

Бу фан, техника, тараққиётини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари томонидан тажрибалар ўтказиш даврида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлардан қўрқмаслиги ва мана шу хато, камчиликлари учун жавобгарликка тортилишдан қўрқмасликлари мақсадида қилингандир.

Таваккалчилик ижтимоий фойдали мақсадларга бошқа ҳаракатлар билан эришиш мумкин бўлмаганида ва таваккал қилган шахс жинойт қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш учун етарли чораларни кўрган бўлса, асосли деб топиллади.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 41-моддасига кўра:

<i>NOTA BENE!</i>	
Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жинойт деб топилмайди.	

Қуйидаги бир қатор шартлар мавжуд бўлгандагина касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонуний ҳисобланади.

Биринчи шарти таваккалчиликнинг ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтирилганлигидир. Яъни таваккалчилик, шахсий мақсадга эмас, ижтимоий фойдали натижаларга эришишга қаратилган булиши керак. Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли деб ҳисобланмайди. Бу борада шахсий мақсадларни шахсий мотивлардан фарқлай олиш муҳим.

Бизга маълумки, мотив – у ёки бу қилмиш содир этиш истагини туғдирувчи сабабдир. Шу сабабли шахсий мотив ижтимоий фойдали

бўлиши ҳам мумкин. Масалан, олқишларга сазовор бўлиш учун шахсни ўлимдан қутқариш.

Демак, ижтимоий фойдали мақсад - қилмишни касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик сифатида квалификация қилиш, унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун муҳимдир.

Иккинчи шарти таваккалчилик замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мос келиши лозим, шундай тажрибаларни эътиборсиз қолдириши мумкин эмас.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақидаги қонун талаблари, авваламбор, бундай қилмишларнинг субъектив билимлар ва субъектив тажрибаларга мувофиқ бўлишини билдиради.

Учинчи шарти ўз олдига қўйилган мақсадга таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаса, шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади. Яъни бундай ҳолларда шахс ўз-ўзига ишониш орқали ҳаракат қилмасдан, балки аниқ ҳисоб-китоб олиб боради ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олишга ҳаракат қилади.

Олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги объектив ва субъектив мезонлар асосида белгиланади.

Объектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шундан иборатки, таваккалчилик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш шароити айнан шу чораларнинг кўрилишини талаб қилади. (Масалан, ёнғин билан боғлиқ тажрибаларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш.)

Субъектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шуни билдирадики, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибат ва унинг ҳажмини англай олади, шу сабабли зарар келиб чиқмаслиги ёки аҳамиятсиз бўлиши учун ҳам у шундай чораларни кўради.

Юқорида санаб ўтилган барча шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина таваккалчилик асосли ва ҳуқуқий ҳисобланади, етказилган зарар эса жиноий эмас деб топилади. Бу борада етказилган зарарнинг ҳажми аҳамиятга эга бўлиб, агар у эришилган ижтимоий фойдали мақсаддан камроқ бўлса жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккал қилишдан кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва ”етказилган зарар” ижтимоий-фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам таваккалчи шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди.

Таваккалчилик, агар муайян мақсадга эришиш учун қилинмасдан, унга экспериментлар ўтказмасдан туриб ҳам эришиш мумкин бўлса ва таваккалга йўл қўйган шахс ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишининг олдини олмаган бўлса, асоссиз деб топилади.

Айни вақтда таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиши хавфи, экология ҳолатининг бузилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, масалан, сифатсиз озиқ-овқатларни сотувга чиқариш, катта майдондаги ерларни заҳарлаш хавфи, сув шахобчаларининг заҳарланиши ва хоказолар рўй берса асосли таваккалчилик ҳисобланмайди.

Демак, қуйидагилар:

А) Кўпчилик шахслар ҳаёти учун хавфли тарзда амалга оширилган;

Б) Экологик ҳалокат ёки оммавий қашшоқлик хавфини туғдирувчи;

В) Бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи таваккалчилик асосли деб топилмайди.

Одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи деганда, таваккалчиликни амалга ошириш оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши тушунилади.

Экологик ҳалокат – инсонлар фаолияти натижасида табиатга зарар етказилиши ва бу зарар инсониятнинг кейинги ҳаёти учун жиддий хавфни келтириб чиқаришини билдиради. (масалан, газ, нефть авариялари, кенг масштабли ўрмон ёнғинлари.)

Бошқа оғир оқибатлар деганда, бир неча шахслар соғлиғига оғир шикаст етказилиши, транспорт тизимининг узоқ муддатда издан чиқиши, портлаш ёки ёнғин натижасида уйлар ва бошқа иншоотларнинг вайрон бўлиши ва шу каби ҳолатлар тушунилади.

Қонун доирасида белгиланган асосли таваккалчилик чегарасидан четга чиқиш эса

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси “е” бандига, яъни шахснинг ижтимоий фойдали мақсади бўлганлиги туфайли жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилган.

Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишни охириги зарурат ҳолатида зарар етказишдан фарқлай олиш учун қуйидаги белгиларга эътибор бериш керак:

Охириги заруратда хавф манбаи мавжуд бўлиб, қилмишнинг ўзи зарарни бартараф этишга қаратилган бўлади, асосли таваккалчиликда эса қилмиш таҳдид солувчи хавф билан шартланмайди, у ижтимоий фойдали мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади.

Охириги заруратда етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ бўлиши керак, асосли таваккалчиликда эса зарарнинг ҳажми таваккал қилувчи шахс қилмишини баҳолашда унчалик аҳамиятга эга эмас.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишлар асосида зарар етказиш – эҳтимолий бўлиб, оқибатнинг келиб чиқиши зарур ҳисобланмайди, охириги заруратда эса зарар етказиш – кўпроқ зарар етказилишидан қутилишнинг ягона воситасидир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар деганда нимани тушунасиш? Уларни айтиб беринг?

2. Кам аҳамиятли қилмишларнинг қилмишни жиноийлигини истисно қилувчи бошқа ҳолатлардан фарқи нимада?

3. Зарурий мудофанинг шартларига нималар киради?

4. Зарурий мудофа ва охириги зарурат уртасида қандай фарқлар мавжуд?

5. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг шартларига нималар киради?

6. Касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчиликка тушунча беринг

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.

8. "Уголовное право. Общая часть ". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.

9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..

10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова» «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5

11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.

12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1F28..

13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999г.

14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"

15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.

16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург

17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.

18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.

19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.

20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.

21. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.

22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.

23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.

24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. "Функции Советского уголовного права" // "УЛГУ", М.:1965г.
28. Трайнин А.И. "Учения о соучастии" // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский "Учение о преступление". // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько "Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве" // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.

46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2
63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги

конуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

12-БОБ: ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК

1. Иштирокчилик тушунчаси

Суд-тергов ҳаракатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, аксарият жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади. Шу ўринда, ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятлар кўп ҳолларда бир неча кишиларнинг бирлашиши орқали содир этилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шубҳасиз, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқоридир, чунки бир киши томонидан содир этилган қилмишлардан кўра бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган жиноят туфайли ижтимоий муносабатларга кўпроқ зарар етказилади. Жиноятчилар гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишганда анча ишонч билан кўпол ва бемалол ҳаракат қилишади. Бундай ҳолат уларнинг ҳаёт тарзига айланиб қолиши мумкин.

Жиноятнинг уюшган гуруҳ ёки жиноий гуруҳ томонидан амалга оширилиши енгил кечади, из қолдирмаслик ва гувоҳларни йўқотиш осонлашади. Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилинганида гуруҳ раҳбарларини фош этиш қийинлашади ва уларнинг яшириниши осон кечади. Бу жиҳатлардан олганда, иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг махсус ўрганилиши уюшган жиноятчиликка қарши курашда муайян ютуқларга эришишга ёрдам беради. Турли жиноятларда уюшган жиноятчилик даражаси бир хил бўлмай, уларнинг махсус ўрганилиши талаб этилади. Гуруҳ бўлиб жиноятларнинг содир этилган хавфлилиқ даражасига бир неча шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган жиноятларга нисбатан анча юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасига кўра:

<i>NOTA BENE!</i>	
Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.	

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

У ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки, қонунийлик ва адолатлилиқ принципларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг

аниқ белгилари ва шаклларига эътибор бериш лозим.

Иштирокчилик белгиларини объектив ва субъективга ажратиш мумкин.

Иштирокчиликнинг объектив белгиларга:

1) жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки;

2) гуруҳ аъзоларининг жиноятни содир қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиши киради.

Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши иштирокиликнинг сон белгисидир. Бу белгининг асосий шарти шундан иборатки, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

Қонунда белгиланган ёшга етмаган ва ақли норасо деб топилган шахс жиноятнинг субъекти деб топилиши мумкин эмас ва ўз-ўзидан иштирокчи ҳам бўла олмайди.

Агар жиноят содир этган шахс субъектнинг барча белгиларига эга бўлса ва жиноятнинг бажарувчиси сифатида ақли норасо шахсдан ёки қонунда белгиланган ёшга етмаган шахсдан фойдаланган бўлса, бу ҳолда айбдор фақат содир этган жиноят учун эмас, балки вояга етмаган шахсни жиноятга ёки ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилганлик учун ҳам жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилик институтини таҳлил қилишда, биргалашиб жиноят содир этган барча шахсларнинг ҳаракатини ўрганиш лозим. Бунда ҳар бир иштирокчи томонидан содир этиладиган ҳаракатнинг хусусияти, жиной кучларнинг мувофиқлашганлиги, улар ўртасидаги алоқадорликнинг қатъийлиги асосий элемент ҳисобланади. Айнан шу элемент мажмуи иштирокчиликда содир этилган қилмиш даражасини белгилашга асос бўлиб, шу орқали жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий кураш чорасини белгилашга имкон беради.

Биргаликдаги ҳаракат шундан иборатки, бунда иштирокчиларнинг жиной ҳаракати биргаликда бўлади. Жиноятни биргаликда содир қилиш шундан иборатки, бунда бир иштирокчининг ҳаракати иккинчисиники билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва жиноят натижаси умумий ҳаракатга боғлиқдир. Иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракати жиноятнинг натижаси учун муҳим шартдир. Иштирокчилик жинояти мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчи ўзининг «тегишли» хиссасини қўшмоғи лозим: бири уюштиради, бири гуруҳ тузади, бошқаси

маълумот йиғади, тўртинчиси жиноят қуролини тайёрлайди, бешинчиси уни амалга оширади (яъни тўғридан-тўғри жиноятнинг объектив томонини амалга оширади). Ушбу мураккаб жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бир-бирига мос келиши ва сабабий боғланган бўлиши керак, унинг натижаси жиноят иштирокчиларининг умумий хоҳиши ва қониқиши бўлиши керак.

Демак, иштирокчикда жиноят содир этишдаги биргаликдаги ҳаракат ўзаро боғлиқ ва шартли ҳаракатлар билан жиноят содир этилиши билан белгиланади. Жиноят ҳаракатнинг биргаликдалиги барча иштирокчилар учун жинойий оқибатнинг бир хиллиги, умумий жинойий оқибат ва ҳар бир иштирокчи ўртасидаги ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлигида ифодаланади. Ҳаракат, жинойий оқибат ва ҳар бир иштирокчининг ўзаро алоқадорлиги йиғиндиси иштирокчиликни ифодалайди.

Бир қанча шахсларнинг кучларини бирлаштириш натижасида жиноят содир этилганида, уларнинг ҳар бири мустақил тарздаги жинойий оқибатга эришишга ҳаракат қилган бўлса ёки улар ҳаракати жинойий оқибат билан бевосита болиқ бўлмаса, бундай жиноятни иштирокчиликда жиноят содир этиш деб баҳолаб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳаракати биргаликда бўлмай, умумлашган бўлади холос. Масалан, А. исмли шахс Б. исмли шахсни ўлдиришга қасд қилади ва унга оғир тан жапроҳати етказди, врач С. уни даволаши жараёнида инфекция юктириши натижасида Б. вафот этади. Бу икки ҳаракат ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлмаганлиги учун иштирокчилик деб баҳоланмайди.

Жиноят кодексининг 27- моддасига кўра иштирокчиликнинг субъектив белгилари икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишида намоён бўлади. Яъни, 27-модданинг мазмунига кўра иштирокчилик фақат қасддан содир қилинадиган жиноятлардагина бўлади.

Иштирокчилар ўртасида жиноят содир этиш учун олдиндан келишувнинг мавжуд бўлиши биргаликдаги ҳаракатни белгилашда қийинчилик туғдирмайди. Улар ўртасида олдиндан келишувнинг мавжуд бўлмаслиги иштирокчиликни аниқлашни қийинлаштиради.

Биргаликдаги ҳаракат қилиш мезони бўлиб:

биринчидан, умумий куч асосида ягона мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш;

иккинчидан, бошқа иштирокчиларнинг ягона умумий натижага эришишга қаратилган ҳаракатини билиш ва ҳисобга олиш хизмат

қилади.

Жиноят содир этишда бир қанча шахсларнинг иштироки объектив вазиятларни биргаликда куч ишлатиш асосида натижага эришиш, шунингдек, субъектив вазият-иштирокчиларнинг ҳаракатини бирлашганлиги ва кучларни бирлаштириш асосида ягона мақсадга эришишга қаратилганлигини билишни ўз ичига олади.

Биргаликдаги иштирокчилар учун умумий бўлган муайян натижага эришиш учун ҳаракат қилиш иштирокчилар кучининг бирлашганлигини билдиради. Шахсларнинг бирлашиши жиноий натижага осон эришиш заруриятидан келиб чиқади.

Субъектив мезонинг иккинчи белгиси иштирокчилар бир-бирининг ҳаракатини олдиндан билганлигини англатади. Иштирокчиликнинг субъектив мезони иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги ва келишган ҳолда ҳаракат қилиши билан хусусиятланади.

Ўзаро хабардорлик шу билан хусусиятланадики, жиноят содир этишдаги барча иштирокчиларни **биринчидан**, жиноятни биргаликда содир этганлиги, **иккинчидан** ҳар қандай эмас, балки, аниқ жиноятни содир этиш, **учинчидан**, нафақат бир шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилиги, балки, бошқа шахслар ҳаракатининг ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олинади.

Иштирокчиликда қилинган жиноятларда икки ёки ундан кўп шахслар ўз интилишларини бирлаштиради. Ўз хоҳишларидаги натижага эришишга ҳаракат қиладилар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир қилганда эса оқибат келиб чиқишини хоҳламайдигина эмас, балки унинг келиб чиқишини олдиндан кўра билмайди ҳам.

Субъектив боғлиқликнинг яна бир белгиси шундан иборатки, бунда бир жиноятчининг ҳаракати бошқа иштирокчининг ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни жиноят содир қилишда бир нечта жиноятчи бирга ҳаракат қилади ва шулардан ҳеч бўлмаганда иккитаси жиноий натижа учун ўз ҳаракатларини бирлаштиради ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини билган ҳолда у ҳаракат қилади ва оқибатни хоҳлайди.

Агар жиноят содир қилишда жиноятчилар бир-бирлари билан ўзаро хабардор бўлмасалар, уларнинг ҳар бири содир этган ҳаракатлари учун алоҳида-алоҳида жавоб беради.

Жиноятда иштирокчилик институти ўз хизмати нуқтаи назаридан жиноят иштирокчиларини ва ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан химоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Жиноятда иштирокчиликнинг ушбу вазифаси бир қатор ҳолатларда жиноятларнинг бир қанча шахслар томонидан содир этилиши билан боғлиқ. Иштирокчиликда жиноят содир этиш қоидалари ва ҳолатлари **биринчидан**, иштирокчиликда жиноят содир этишнинг объектив ва субъектив белгиларини, **иккинчидан**, бундай ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилувчи шахслар доирасини чегаралаб қўяди, **учинчидан**, иштирокчилардан ҳар бирининг Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектга таъсирини, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этишнинг фарқ қилувчи хусусиятларини бир киши томонидан содир этилган қилмишдан фарқларини белгилайди, **тўртинчидан**, жавобгарликка тортиш асосларини ва уни ҳар бир иштирокчига нисбатан тадбиқ этилишини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, иштирокчиликда жиноят иштирокчилари ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилаётганликларини, қилмишлари жиноят эканлиги ва ўз ҳаракатлари натижасида қандай ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра биладилар.

2. Жиноят иштирокчиларининг турлари

Жиноят кодексининг 28-моддасига кўра жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилари ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади

Иштирокчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) **бажарувчи;**
- 2) **ташкилотчи;**
- 3) **далолатчи;**
- 4) **ёрдамчидан иборат.**

NOTA BENE!

Жиноятни бевосита, тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс **бажарувчи** деб топилади (Жиноят кодекси 28- модда, 2-қисм).

Қонунда бажарувчининг қатор ўзига хос белгилар кўрсатилган:

биринчидан, жиноий қилмишнинг тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши. Бундаги **жиноий қилмишни тўлиқ амалга оширилиши деганда**, Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган

қилмишининг объектив томонини тўлиқ содир этиш тушунилади, яъни объектив томон тўлиқ бажарилади. **Жиноятни қисман содир этиш,** жиноят объектив томонини содир этиш бўлиб, бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда тамом бўлмайди ёки модда диспозициясида кўрсатилган оқибатнинг юз бермаслигида ифодаланади;

иккинчидан, жиноятнинг бевосита бажарувчи томонидан содир этилиши, бевоситалик бажарувчи шахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятни содир этилганлиги ёки содир этилишини англатадики.

Бажарувчи қуйидаги турларга бўлинади:

1) бевосита жиноятни содир этган, яъни объектив томонини бажарган шахс.

2) бошқа шахслар билан биргаликда жиноятни содир этишда иштирок этган шахс (биргаликда бажарувчи)

3) кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс.

Дастлабки иккита ҳолатда жиноят иштирокчиси ҳисобланган бажарувчи кўрсатиб ўтилган. Учинчи ҳолат эса жиноятда иштирокчиликни ифодаламайди, балки жиноят воситаси орқали индивидуал тартибда содир этиш ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда жиноятнинг объектив томонини бир нечта жиноятчилар биргаликда бажаради, уларнинг барчаси бажарувчи ҳисобланади.'

Жиноят бажарувчиси ақли расо ва қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши керак. Айрим ҳолда шахснинг ўзи жиноятни бевосита содир қилмасдан жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган шахсдан фойдаланади (масалан, ўғрилиқ жиноятини содир қилишда шахс 14 ёшга тўлмаган ёки ақли норасо шахсдан фойдаланади). Бунда жиноятчи ҳам субъект ёшига етмаганнинг қилмиши учун ҳамда вояга етмаганни жиноятга жалб қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Баъзи ҳолларда жиноятчи махсус ўргатилган ҳайвонлардан ҳам фойдаланади ва ҳайвон етказган зарар учун жиноятчи жавобгар бўлади.

Алоҳида ҳолларда бажарувчининг ҳаракатини аниқлаш учун Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси диспозициясида кўрсатилган белгиларнинг бир қисмини бўлишининг ўзи етарли ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш жинояти бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса, улардан бири зўрлик ишлатган лекин шахсан ўзи номусга

теккан ёки номусга тегмаганлигидан қатъий назар бажарувчи бўлиб ҳисобланади.

Бажарувчи томонидан содир этилган қилмиш субъектив томондан тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Қонунга кўра иштирокчиликда содир этилган қилмиш қасддан амалга оширилиб, эҳтиётсизликни истисно этади. Иштирокчиларнинг қасди ўз қилмишнинг ижтмоий хавфлилигини англаш ва бажарувчининг ҳаракатини ўз ичига олиши керак.

Жиноятнинг ташкилотчиси жиноят иштирокчиларидан биридир. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс *ташкилотчи* деб топилади (28-модда, 3-кисм), яъни ташкилотчи: 1) жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки 2) жиноят содир этилишига раҳбарлик қилади. Икки ҳолатда ҳам у «ташкилотчи» сўзи маънодан келиб чиқувчи жиноятга тайёргарликни амалга оширади. Жиноят содир этиш «ғоя»си ва ундан сўнгги ҳаракатларни режалаштириш, ташкил қилиш унга тегишлидир.

Шу ўринда жиноят содир этиш ҳақидаги фикрнинг юзага келиши фақатгина ташкилотчининг ўзигагина тегишли эмаслигини такидлаб ўтиш лозим. Баъзи ҳолларда биргаликдаги бажарувчилардан бирида ҳам бундай фикр пайдо бўлиши мумкин. Суд амалиётида биргаликда бажарувчилардан бирида бундай фикрнинг пайда бўлиши учраб туради. Масалан, гуруҳ бўлиб безорилик қилиш, номусга тегиши жиноятларини содир этишда.

Ташкилотчи кўпинча жиноят содир қилишда бевосита қатнашмаганлиги сабабли уни ушлаш, исботлаш ва жавобгарликка тортиш қийинлашади.

Жиноят содир этишга раҳбарлик қилиш-бу иштирокчилар томонидан жиноятни амалга ошириши жараёнини бевосита бошқаришдир. Жиноятга раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида амалга оширилганда, бажарувчининг ҳаракатлари бошқарилади. Шунингдек, раҳбарлик қилиш жиноят содир этиш жойида бўлмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, телефон, рация орқали бажарувчининг ҳаракати бошқариб турилиши мумкин.

Ташкилотчи жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, уларнинг орасида вазифаларни тақсимлайди, жиноятни амалга оширишга уларни тайёрлайди, йўриқлар беради, зарур анжомларни йиғади ва тайёрлайди. Кўпчилик ҳолларда ташкилотчи ўз-ҳаракатларини химоя қилиш ва зарур

маълумотлар олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-ларидан биронта мансабдор шахсни сотиб олишга ҳаракат қилади. Қоидага кўра уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмага тажрибали жиноятчи раҳбарлик қилади ва жиноятга тайёргарлик кўриш ва амалга оширишни ташкиллаштиради, унинг ўзи ҳам иштирокчилар қатори иштирок этиши мумкин.

Ташкилотчи ҳар доим ҳам тўғри қасд билан ҳаракат қилади. Агар ташкилотчи жиноят содир этишга раҳбарлик қилиб, ўзи жиноятнинг объектив томонини бажаришда бевосита иштирок этмаса, унинг ҳаракати Жиноят кодекси 28-моддаси, 3-қисми билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 242-моддасининг 1-қисми мазмунига кўра ташкилотчининг ҳаракати жиноий фаолият кўринишларидан биридир.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс **далолатчи** деб топилади (28-модда, 4-қисм), яъни у ҳар қандай шаклда: 1) мажбурлаш; 2) ишонтириш орқали далолат қилади.

Далолатчи билан бажарувчининг ўзаро ички алоқадорлиги шундаки, далолатчининг ҳар доим ижрочида жиноят содир этиш мақсадини вужудга келтиради.

Мажбурлаш жисмоний ва руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан кўрқитиш орқали содир этилади (масалан, моддий таъминлашни тўхтатиб қўйиш, инсонни таҳқирловчи хабар ёки маълумотни ошкор қилиш билан кўрқитиш ва хоказо).

Шахсга бир неча марта далолатчи турли, хил хабарларни етказса, буларнинг натижасида шахс унга ишониб, жиноят содир этишга қарор қилса, бир неча марта хабар етказган шахсни далолатчи деб жавобгарликка тортиш мумкин. Лекин бир неча марта хабар етказган шахсда бажарувчининг жиноят содир этиши учун мойиллик тугдириш мақсади бўлиши керак.

Ишонтиришда далолатчи ташқи томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринсада, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатлари маълум даражада мос келади.

Далолатчининг жиноят содир этишнинг воситаси сифатида илтимос қилишдан ҳам фойдаланиши мумкин ва бу далолатчи манфаатининг асосини ташкил этади. Шубҳасиз, илтимос далолатчи томонидан фақат ўзининг танишлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Яқинларга илтимос (жиноят содир этишни) фақат

кўндириш орқали амалга оширилади. Кўндириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кундириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (Жк 159-модда).

Далолат аниқ бир объект ёки шахсларга нисбатан қаратилган бўлиши керак.

Суд-тергов амалиётида далолат қилишнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Жиноят қилиш учун мукофот ваъда қилиш ёки тўғридан-тўғри шахсни сотиб олиш ёки алдаш бунга мисол бўла олади.

Далолатчи билан ташкилатчини ҳаракатини фарқлаш лозим. Далолатчи қандай ҳаракат содир этишидан қатъий назар бажарувчида жиноят содир этиш истагини уйғотишга ва бу истагни сўндирмасликка ҳаракат қилади. Ташкилотчи эса, жиноий фаолиятни ривожлантиришга ҳаракат қилади, у жиноят содир этишнинг бошланишидан охиригача фаолият юритади.

NOTA BENE!	
-------------------	--

“Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан кўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи <i>деб</i> топилади” (Жиноят кодекси 28-модда, 5-қисм).
--

Суд-тергов амалиётида ёрдамчилик иштирокчиликнинг кўп учрайдиган туридир. Жиноят кодекси 28-моддаси 5-қисмининг тахлили шуни кўрсатадики, жиноятда ёрдамчилик икки кўринишида:

- 1) жисмоний ёрдамчилик;
- 2) руҳий ёрдамчилик кўринишларига эга бўлади.

Жисмоний ёрдамчилик, деганда жиноят содир қилинаётганда тўсиқларни олиб ташлаш учун воситалар ва қуроллар билан ёрдам бериш, яъни жиноятнинг объектив томонини амалга оширишда бажарувчига кўмаклашиш тушунилади. Жисмоний ёрдамчилик руҳий ёрдамчиликдан фарқли равишда жиноят воситаларни таклиф қилиш

ёки шарт-шароит яратиб бериш иборатдир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ёрдамчи ёрдам беришдан ташқари жиноятни амалга оширишга қаратилган бошқа бирор-бир ҳаракатни қилмаган бўлиши керак, акс ҳолда ёрдамчининг ҳаракатлари жиноятнинг объектив томони белгилари билан мос келса, у жиноятнинг бажарувчисига айланиб қолади.

Руҳий ёрдамчилик:

1) маслаҳат, кўрсатмалар бериш; 2) жиноятчини, жиноят қуролларини, изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни яширишга олдиндан ваъда бериш; 3) жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда бериш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноятни яширишга олдиндан ваъда бермаган бўлса, ёрдамчилик деб топилмайди, яъни иштирокчилик деб топилмасдан, фақат жиноятга дахлдорлик дейилади.

Воситалар етказиб бериш, деганда жиноят бажарувчисига жиноятни амалга ошириш учун зарур бўлган турли буюмлар ёки воситаларни етказиб бериш тушунилади. Буларга транспорт воситалари, қурол-яроқлар ва хоказолар, яъни жиноят содир қилиниши учун ёрдам берадиган ҳар қандай буюмлар киради.

Тўсиқларни олиб ташлаш, деганда ёрдамчининг бажарувчи томонидан жиноятни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф қилишга ёрдамлашиш ҳаракати тушунилади. (Масалан, кўриқчини хизмат вазифасидан чалғитиш, сигнализацияни ўчириб қўйиш, кўриқчи итларни чалғитиш ва хоказо).

Ёрдамчи далолотчидан шуниси билан фарқ қиладики, у ўзининг ҳаракати билан жиноятнинг бошқа бир иштирокчисида жиноят содир этиш истагини вужудга келтирмайди, бу ҳолат ёрдамчиликни амалга оширгунга қадар вужудга келади.

Руҳий ёрдамчилик, жиноят содир қилинишида бажарувчининг қарори ва хоҳишини мустаҳкамлайди.

Маслаҳат ва кўрсатмаларни кўпроқ жиноятни уюштирадиган шахс бериши мумкин. Бу ҳолда ушбу шахс Жиноят кодекси 28-моддасининг 3-қисмига кўра ташкилотчи деб топилади.

3. Жиноятда иштирок этган шахсларнинг жавобгарлик доираси.

Жиноят қонунида биринчи марта (Жиноят кодекси 30-

моддасида) жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси белгиланди.

Жиноят кодекси 30-моддаси 1-қисмига кўра: «Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш учун белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар». Бу умумий қоида ҳисобланади.

Қонунда жиноят иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) бир томондан ва бажарувчи, иккинчи томондан бир-бири билан боғлиқдир. Жиноий натижа умумий ва ягонадирки, жиноят содир қилишда ҳар бир иштирокчининг ўзига яраша ўрни бор, яъни ташкилотчи — ташкиллаштиради, далолатчи—қизиқтиради, ёрдамчи — жиноятнинг амалга оширилишига ёрдам беради.

Иштирокчиларнинг содир этилган жиноят учун жавобгарлиги жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига асосан белгиланади. Бунда объектив томон иштирокчилардан ҳар бирининг жавобгарлиги Умумий қисм қоидалари (28-модда) ва Жиноят кодекси Махсус қисм нормасига асосан белгиланади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят ҳар доим қасддан содир этилиб, субъектив томондан иштирокчиларнинг ижтимоий хавfli хусусиятдаги олдиндан огоҳлантирилганлиги, уларнинг биргаликдаги фаолияти, руҳий томони эса кучларни бирлаштириш асосида жиноий натижага эришиш ёки унга онгли равишда йўл қўйилишида ифодаланади.

Иштирокчиларнинг жавобгарлиги доирасини белгилаш учун жиноят таркиби элементларидан ташқари, умумий ва махсус шартлар ҳам бўлиши керак. Умумий шартлар ўз ичига иштирокчиликнинг турини, шаклини тўғри белгилашни, иштирокчилик шакли жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлигини ёки унинг жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги кабиларни олади. Жиноят кодексининг 242-моддаси 2-қисмида иштирокчилик асосий белги сифатида кўрилади ва қуролли жиноий гуруҳ ташкил этганлик, унга раҳбарлик қилганлик ва унда иштирок этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Махсус шартлар иштирокчиларнинг жавобгарлигига таъсир қилуви объектив ва субъектив белгиларга, шунингдек экцесс бажарувчилик, бажарувчининг ва бошқа иштирокиларнинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишин ўзида ифодалайди.

Ҳар бир жиноят иштирокчиси содир этилган жиноят учун

жиноий жавобгарликка тортилади. Унга нисбатан жазо тайинлашда суд жиной жавобгарликни жинойтнинг оғирлиги, айб даражаси ва жинойт содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига мос келишини ҳисобга олиши лозим бўлади.

Бу суд жазо тайинлашда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, иш ҳолатлари ва айбдор шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш кераклигини англатади.

Агар содир этилган жинойтнинг хавфлилик даражаси барча иштирокчилар учун бир хил хусусиятга эга бўлиши (уларнинг ҳаракати Махсус қисмнинг айнаи бир моддаси билан квалификация қилинганда), лекин иштирокчиларнинг ҳар бирини житимой хавфлилиги турлича бўлиши мумкин. Улар бир қатор объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлиб, шахснинг жинойт содир этишдаги иштироки даражаси ва хусусиятида намоён бўлади.

Иштироки хусусияти иштирокчиликда содир этилган жинойтда айбдорлик вазифасини белгилайди.

Ташкилотчи, ёрдамчи, далолатчининг ҳаракатлари бажарувчининг ҳаракати қайси норма билан квалификация қилинган бўлса, ўша норма билан квалификация қилинади, аниқроғи бажарувчи томонидан жинойтнинг объектив томони қай даражада бажарилгани муҳим роль ўйнайди. Агар бирон-бир сабабга кўра бажарувчи жинойтни охиригача етказа олмаган бўлса, иштирокчиларнинг ҳаракатлари ҳам тугалланмаган жинойт деб квалификация қилиниши лозим.

Жинойт иштирокчиси қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади (Жинойт кодекси 9-модда).

Жинойт содир қилган шахсга жазо тайинлашда суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилади (Жинойт кодекси 54-модда).

Суд жазо тайинлашда содир этилган жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади (Жинойт кодекси 54-модда, 1-қисм)

Иштирокчиларнинг жинойт содир этишдаги иштироки даражаси ҳамда жиной ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Суд жазо тайинлашда шахснинг

судланган-судланмаганлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки алкогольли ичимликларни истеъмол қилган ёки қилмаганлигини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши зарур.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини белгилашда аниқ бир жиноят содир этилган ҳолатлардан келиб чиқиш лозим (айб шакли, жиноят мотиви, содир этиш босқичи ва бошқалар).

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатлари бажарувчининг жиноятни қайси босқичда тўхтатилганлигига қараб, яъни бажарувчи жиноятни охирига етказган, суиқасд қилган ёки тайёргарлик кўришда тўхтатилганлигига қараб квалификация қилинади.

Суд-тергов амалиётида жиноятни фақат махсус субъект амалга ошириб, бошқа шахслар жиноят иштирокчиси сифатида содир этилганлиги ҳам учраб туради. Бунда жиноят иштирокчи (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) ларнинг жиноятда иштироки даражаси аникланиши керак. Жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект жиноятларда иштирокчилар (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) махсус субъект содир этган жиноятда фақат иштирокчи сифатида квалификация қилинади. Масалан, онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши (99-модда) да субъект фақат она бўлади, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи эса унинг онаси, эри бўлиши мумкин ёки 114-моддадаги жиноий абортда субъект врач-акушер гинеколог бўлиб, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ҳар қандай шунга боғлиқ шахс бўлиши мумкин.

Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қилмиш квалификация қилинаётганида иштирокчиликдаги бажарувчилардан бири гуруҳ томонидан келишилмаган бошқа жиноятни содир қилса, унга баҳо беришда айрим қийинчиликлар вужудга келади. Буни жиноят ҳуқуқида **эксцесс бажарувчи** дейилади. Эксцесс, деганда бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноятдан ташқари яна бир жиноятнинг содир қилиниши тушунилади.

«Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади» (30-модда, 4-кисм).

Жиноят ҳуқуқи назариясида эксцессни миқдор ва сифат белгиларига бўлиб ўрганилади.

Миқдор кўрсаткичи эксцессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни

содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра огиррок бўлади. Масалан, далолатчи ўз уртогини уларни сотганлигини айтиб, дўппослашни буюради, лекин бажарувчи унга оғир тан жарохати етказди.

Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Масалан, учта шахс шахсий мулкни угирлашга келишади ва бажарувчи ўзаро келишув асосида хонадонга киради. Кутилмаганда хонадонга уй эгаси қайтиб келади, шунда бажарувчи ўқ-отар қуролдан ўқ отиб уй эгасига оғир тан жарохати етказди ҳамда ўгирлик моллар билан яширинади. Бунда бажарувчининг ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Бу вазиятда жиноят бажарувчиси босқинчилик, қолган иштирокчилар эса угрилик учун (ташкilotчилик, ёрдамчилик ва далолатчилик) жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир этса, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкilotчи, далолатчи, ёрдамчи ташкilotчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар. Чунки барча иштирокчилар биргаликда келишилган жиноят амалга ошмаган. Бажарувчи иштирокчиларнинг жиноий ниятидан ташқари содир этган жиноят учун жавобгар бўлади ва бажарувчининг қилмиши эксцесс жиноятидир.

4. Жиноятга дахлдорлик.

Суд-тергов амалиётида шахснинг қасддан содир қилган ҳаракати содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга алоқадор бўлади, лекин иштирокчилик деб квалификация қилиниши мумкин бўлмайди. Жиноят қонуни ва жиноят ҳуқуқида буни жиноятда дахлдорлик дейилади ва бу қилмиш учун Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра жавобгарликка тортилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги ёки жиноят содир этилатганлиги ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермасдан, ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноятчини, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарасаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик

(Жиноят кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина) дахлдорлик деб айтилади.

Жиноят кодексининг 31-моддасида дахлдорликнинг икки тури кўрсатилган:

1) олдиндан ваъда бермасдан хабар бермаслик (31-моддаси, 1-қисми);

2) олдиндан ваъда бермасдан яширганлик.

Жиноят кодексининг Умумий қисмида дахлдорликнинг икки шакли келтирилган бўлсада, жиноят ҳуқуқи назарияси дахлдорликнинг учта шакли ҳақида фикр билдирилган.

Жиноят кодекси 241-моддасининг 1-қисмида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Жиноят кодексида хабар бермаслик ва яширганчилик учун жавобгарлик белгиланиб, фуқароларнинг ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисида тегишли давлат органига хабар беришга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Юридик адабиётларда кўпгина ҳуқуқшунос олимлар “жиноят ҳақида хабар бермаслик”ни ҳуқуқий аҳамиятига қараб турларга бўладилар. Жумладан, В.Г.Смирнов “жиноят ҳақида хабар бермаслик”ни ҳуқуқий аҳамиятига қараб икки турга бўлади.

1. тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаслик. Ўз табиатига кўра жиноят содир этишнинг бир турини келтириб чиқаради.

2. содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик. Жиноятга дахлдорликнинг турларидан бирини ташкил қилади”¹.

Ҳуқуқшунос олим А.Н.Траинин ҳам В.Г.Смирновдан олдинроқ қуйидаги фикрни билдирган эди. Бу икки хил хабар бермасликнинг ижтимоий хавфлилиги ҳам турличадир. Агар жиноят ҳақида оғир жиноят содир этилганидан кейин хабар берилган бўлса, буни ҳисобга олмасдан бўлмайди.

“Агар шахс тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаса, бу ерда жиноятнинг содир этилишида унинг манфаатлари бўлмаса-да, у жиноятчилар билан бирлашиб, иштирокчига айланиб қолади”².

Бу муаллифлар жиноят ҳақида хабар бермаганлик унинг ваъда бериб ёки ваъда бермасдан амалга оширганлиги эмас, балки унинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда, яъни жиноятга

¹ Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965, С.88.

² Траинин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941, С.113.

тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун иштирокчи, деб топиш лозим деган фикрни билдирадилар.

Дахлдорликнинг жиноят эканлиги шундан иборатки, шахс тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисида аниқ билган бўлсада, давлат ҳокимияти органларига хабар бермайди. Яъни, шахс (айбдор)нинг жавобгар қилиш учун унинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган ёки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида билган бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддаси 4 ва 5-қисмида оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси берилган бўлиб, уларга, оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оҳир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар кириши белгиланган

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар кириди». Шахснинг тайёрланаётган ёки содир қилинган жиноят ҳақида қайси органга хабар қилишининг аҳамияти йўқ, қоидага кўра шахс давлат органлари—прокуратура, милиция, солиқ инспекцияси, божхона хизмати, Миллий ҳафсизлик хизматига, шунингдек бошқа органларга, масалан, ҳокимият, ҳарбий бўлинма раҳбарларига хабар бериши мумкин.

Ушбу жиноятнинг объектив томонини таҳлил қилишда шахснинг жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки содир қилинганлиги тўғрисида унинг, яъни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга тайёрланаётганлиги ёки содир қилинганлиги ҳақида аниқ билганлигига эътибор берилиши керак.

Баъзан, жиноятнинг субъекти оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга айнан ким тайёргарлик кўраётгани ёки содир қилинганлигини аниқ билмаслиги ҳам мумкин.

Агар шахсда объектив равишда хабар бериш имконияти мавжуд бўлмаса, у жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ушбу жиноят тўғрисида хабар бермаган вақт жиноятнинг тугалланган пайти ҳисобланиб, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққан ёки чиқмаганлиги аҳамият касб этмайди. Шахс тегишли органларга жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёки содир этилганлиги тўғрисида аниқ маълумот келиб тушган захоти хабар бериши лозим. Судлар жазо тайинланаётганда тайёргарлик кўрилаётган жиноят

тўғрисида хабар бермасликка нисбатан содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик оғирроқ эканлигини ҳисобга олишлари керак.

Жиноят кодекси 241-моддасининг 2-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш тўғрисида сўз боради.

Олдиндан ваъда бермасдан яширишга: жиноятчини, жиноят қуроли ва воситасини, бошқа далил ва ашёларни яшириш киради. Жиноятчини яшириш, деганда айбдорни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириш учун уни жой билан таъминлаш тушунилади. Яширувчи жиноят қуроли ёки воситасини, жиноят изларини ҳам йўқ қилиши мумкин. Бу жиноят қасддан содир этилади. Шу билан бирга айбдор оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганлигини тушуниб етиши лозим.

Жиноят кодекси 31-моддасининг 3-қисмида 241-моддадаги жиноятга субъект бўла олмайди шахслар келтирилган, яъни «Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди».

5. Жиноятда иштирокчиликнинг шакллари.

Махсус адабиётларда ва дарсликларда жиноятда иштирокчилик турлича классификациясияланган бўлиб, жиноятда иштирокчилик шакл ва турларга бўлинади.

Жиноят содир этишда иштирокчилик шакли деганда, жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатини олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилувчи бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати тушунилади. Юқорида келтирилган ҳар бир белги иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тил бириктирганлик ва умумий мақсадга эришиши учун мувофиқлаштирилганлигига кўра фарқ қилади. Иштирокчилар ҳаракатининг юқори даражада ташкил қилинганлиги ва тил бириктирилганлиги кўзланган мақсадга эришишни осонлаштиради.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятни таҳлил қилишда суд ва тергов органлари қонунда тўғридан–тўғри кўрсатилмаган, лекин лекин жиноятни тўғри квалификация қилиш имконини берадиган белгиларга эътибор беришлари лозим.

Иштирокчилик объектив (иштирокчилар ўртасидаги объектив

алоқадорлик)ва субъектив (улар ўртасидаги субъектив боғлиқлик) мезонларга кўра турларга бўлинади.

Объектив мезон иштирокчиларнинг объектив томондан алоқадорлигида ифодаланади, бу асосга кўра иштирокчилик, ***иккита турга бўлинади:***

- 1) ***оддий иштирокчилик***
- 2) ***мураккаб иштирокчилик.***

Объектив мезон иштирокчилар ўртасидаги жиноят содир этишдаги алоқадорликни ифодалайди, яъни ролларнинг тақсимланиши, ким қайси вазифани бажаришини белгилаб қўйилиши ва бошқалар.

Оддий иштирокчиликда биргаликда бажарувчи шахслар Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган жиноятнинг объектив томонини бевосита тил бириктирмаган ҳолда содир этадилар.

Мураккаб иштирокчиликда (бажарувчи билан бир қаторда далолатчи, ташкилотчи, ёрдамчи жиноят содр этишда иштирок этади) жиноят содир этишда биргаликда иштирок этишнинг ўзига хослиги шунда кўринадики, фақат иштирокчигина Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилган жиноятнинг объектив томонини бевосита бажаради, бошқа иштирокчилар эса жиноятни билвосита бажарадилар.

Иштирокчилик тўсатдан вужудга келиши мумкин, бу иштирокчиларнинг жиной ҳаракатини амалга ошириш учун бирлашишида ифодаланади. Безорилик, номусга тегиш жиноятлари кўпинча биргаликда содир этилади.

Иштирокчиликнинг субъектив мезони иштирокчиларнинг жиной ҳаракатни амалга оширишда ўзаро келишганлиги билан белгиланади. Бу мезон асосида иштирокчилик:

- 1) олдиндан тил бириктирилган
- 2) олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчиликларга бўлинади.

Олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчилик, бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақт оралиғида (масалан А. исмли шахс одам ўлириш мақсадида Б.ни ура бошлайди, буни кузатиб турган В. исмли шахс ҳам унга қўшилиб Б.ни уради ва одам ўлдириш жинояти содир этилади), лекин жиноят содир этилгунга қадар тил бириктирилмади. Бундай иштирокчиликда тил бириктирганлик даражаси минимал бўлиб, жиноят объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилади,

иштирокчилар ўз ҳаракати орқали бошқасининг ҳаракатини тўлдиради.

Олдиндан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, шунингдек жиноят содир этилишидан олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Иштирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга эришилгандан сўнг қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодекси 29-моддасида эса жиноятда иштирокчиликнинг қуйидаги шакллари белгиланган бўлиб, буларга:

- 1) оддий иштирокчилик;
- 2) мураккаб иштирокчилик;
- 3) уюшган гуруҳ;
- 4) жиний уюшмалар киради.

NOTA BENE!	
Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда катнашиши оддий иштирокчилик деб топилади (Жиноят кодекси 29-модда 2-қисми)”.	

Иштирокчиликнинг биринчи шаклида жиноятнинг олдиндан тил бириктирмай содир этилганлиги учун иштирокчиликнинг бошқа шахсларга нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ. Чунки улар биргаликда ҳаракат қилсада, уюшганлик белгиси йўқ, аммо жиноят биргаликда содир қилинганлиги учун иштирокчиликнинг энг содда шаклига киритилган. Оддий иштирокчиликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунда жиний ҳаракат бир нечта шахс томонидан содир этилганлиги учун ундан етадиган зарар, шубҳасиз, бир киши етказган зарарга нисбатан бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир қилиши ўша жиноят учун жазони огирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисм «п» банди); бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга огир шикаст етказиш (104-модда 2-қисм «к» банди); қасддан баданга ўртача огир шикаст етказиш (105-модда 2-қисм «п» банди); номусга тегиш (118-модда 2-қисм «в» банди); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда 2 қисм «в»банди).

Иштирокчиликнинг оддий шаклида иштирокчилар орасида аввалдан келишув бўлмади ва ўз-ўзидан бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи бўлмади ҳамда иштирокчилар жиноятнинг

объектив томонини алохида-алохида бажарадилар. Айнан шу белгиси билан оддий иштирокчилик иштирокчиликнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Иштирокчиликнинг бу шакли учун тил бириктирганликнинг минимал даражаси хосдир. Иштирокчиликнинг бу шаклида кўпроқ бир киши томонидан бошланган жиноятга бошқа шахсларнинг қўшилиши назарда тутилган.

Одий иштирокчилик иштирокчиликнинг кам тарқалган ва ижтимоий хавфи нисбатан катта бўлмаган шаклидир. Иштирокчиликда олдиндан тил бириктирмаган ҳолда жиноят содир этилишини белгилашда бир қанча бажарувчи томонидан жиноят содир этилганлиги, шунингдек улар орасида вазифаларнинг тақсимланганлигига эътибор бериш лозим.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади (29-модда 3-қисм).

Олдиндан тил бириктириш деганда, жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғилланиш учун жиноятнинг объектив томони амалга оширилгунга қадар бўлган келишув тушунилади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш учун Жиноят кодексида аниқ бир жиноятнинг зарурий ёки квалификация белгиси, шунингдек оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик назарда тутилган.

Мураккаб иштирокчиликни хусусиятловчи белгилардан бири жиноят объектив томонини белгиловчи белгилар барча иштирокчилар томонидан эмас, балки, бир киши ёки уларнинг баъзи бирлари томонидан содир этилишидир. Қолган иштирокчилар жиноят объектив томонини амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Мураккаб иштирокчилик оддий иштирокчиликдан вазифаларнинг иштирокчилик ўртасида тақсимланганлиги билан фарқланади: бири жиноятни ташкил қилади, бири объектив томонини бажаради ёки жиноят содир қилишга далолат қилади ёхуд содир этилишига ёрдам беради.

Мураккаб иштирокчиликнинг асосий белгиларидан яна бири-иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктирилганлиги ҳисобланади.

Иштирокчиликнинг ушбу шаклда олдиндан тил бириктириш унинг объектив томонини бажаришгача бўлган вақт ичида юз берган бўлиши керак. Иштирокчиликнинг бу шаклида жиноят иштирокчилари жиноятни амалга ошириш юзасидан қилинадиган

ҳаракатлар ва жиноят натижаси тўғрисида ўзаро келишиб оладилар. Ушбу шаклда жиноятнинг объектив томонини фақат бажарувчи содир қилади, бошқалари эса унга ёрдам берадилар.

Иштирокчиликнинг бу шакли учун асосий элемент бўлиб икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиш бошлангунга қадар шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган қилмишнинг ҳеч бўлмаганда бир киши томонидан содир этиш бошлангунча тил бириктирилганлиги, ҳисобланади.

Олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш Жиноят кодекси 56-моддасининг «м» бандига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилиш Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўзда тутилган. Масалан, 164-модда 2-қисм «б», 165-модда 2-қисм «в», 166-модда 2-қисм «в», 167-модда 2-қисм «б», 168-модда 2-қисм «б» бандлари.

Агар иштирокчилар олдиндан тил бириктириб ва ҳар бири жиноятнинг объектив томонини бажарса, уларнинг ҳаракати Жиноят кодекси 28-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Агар олдиндан келишув ҳар бир иштирокчи орасида вазифалар тақсимланиши билан амалга оширилса, лекин ҳаракатни фақат бажарувчи қилса, уларнинг ҳаракати иштирокчиларнинг турларини белгилайдиган Жиноят кодексининг 28-моддаси билан квалификация қилинади.

Агар Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида гуруҳ томонидан содир этилган жиноят учун олдиндан тил бириктириш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўзда тутилмаган бўлса, суд жазони Жиноят кодекси 56-моддасига кўра тайинлайди.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида иштирокчиликнинг айрим шакллари квалификация қилинувчи ёки зарурий белги сифатида кўрсатилган. Квалификация қилинувчи ҳолат сифатида бундай иштирокчилик шаклларининг бир қанча турлари берилган: бир гуруҳ шахслар, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда, шунингдек тил бириктирмай жиноят содир этиш.

Агар Махсус қисм нормасида «олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан» (Жиноят кодекси 244-модда, 3-қисм «а» банди) деган тартиб белгиланган бўлса, бунда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки тил бириктирмаган ҳолда жиноят содир этилишини тушуниш лозим. Агар қонун Махсус қисм

нормаси «олдиндан тил бириктириб» деган таъриф билан чекланган бўлса квалификация қилинадиган ҳолатларни белгилашда, уни жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма сифатида талқин қилинмайди.

Қонунда жиноят таркибида квалификация қилинувчи ҳолат сифатида бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилиши кўрсатилган бўлса (Жк 97-модда, 2-қисми, «п» банди, 104-модда, 2-қисм, «к» банди, 118-модда, 2-қисм, «в» банди) жиноий жавобгарлик учун олдиндан тил бириктирганлик аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахсларнинг характери ушбу жиноятни содир этишга қаратилганлигини аниқлаш лозим. Агар бу жиноят уларнинг умумий қасдидан ташқарида содир этилган бўлса, ушбу банд билан квалификация қилинмасдан, модданинг бошқа тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Уюшган гуруҳ иштирокчиликнинг оддий ва мураккаб иштирокчиликка нисбатан хавфлироқ бўлган шаклидир. Уюшган гуруҳни хусусиятловчи белгилардан бири бу унинг барқарор эканлигидир. Бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди. Уюшган гуруҳда икки ёки ундан ортиқ шахс одатда бир нечта жиноят қилиш учун бирлашади. Уюшган гуруҳнинг асосий белгиси олдиндан тил бириктириш ёки олдиндан жиноий ҳаракат билан шуғулланиш учун уюшиши ва гуруҳ аъзолари орасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, режанинг аниқлиги, техник таъминот ва барқарорликдан иборатдир. Айнан барқарорлик ушбу гуруҳни бошқа гуруҳлардан ажратиб туради. Улар орасидаги барқарорлик гуруҳ раҳбари гуруҳ аъзолари билан алоқа қилиб, уларнинг ҳаракатини назорат қилиб, бошқариб туришида намоён бўлади.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уюшган гуруҳ аъзолари орасида вазифалар аниқ тартибда тақсимланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддаларида уюшган гуруҳнинг жиноий ҳаракати ўша жиноятни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида кўрсатилган бўлса (масалан, 164-модда 4-қисм «в», 166-модда 4-қисм «в», 176-модда 3-қисм «б», 177-модда 3-1қисм «б» бандлари ва бошқалар), Жиноят кодексининг 56-моддасига хавола қилинган ҳолда жазо тайинланмайди.

Уюшган гуруҳ фақат жиноий фаолият билан шуғилланиш учун ташкил этилади.

Жиноий фаолият деганда, жиноят иштирокчиларининг бир нечта жиноят содир қилиши тушунилади. Уюшган гуруҳнинг доимий аъзолари бажарган вазифасида қатъий назар, уни тайёрлашда қатнашган бўлсалар, барча жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилишлари шарт. Агар шахс уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаса, жиноят содир қилинаётганда ўзи тушунмаган ҳолда ёрдам берган бўлса, унинг ҳаракатлари уюшган гуруҳ, томонидан қилинган деб квалификация қилинмайди.

Жиноят кодексининг 242-модда 2-қисмида уюшган қуролли гуруҳ тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок. этиш учун жавобгарлик белгиланган. Жиноий уюшманинг бошқа белгилар билан биргаликда қуролланиш белгиси ҳам, яъни гуруҳда ёки гуруҳ аъзоларидан бирида ўқ отар ёки совуқ қурол бўлиши керак. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг амалда уюшган жиноий гуруҳ тузиши ёки унга раҳбарлик қилиш ёки. унда иштирок этиш биланоқ жиноят тугалланган ҳисобланади. Уюшган қуролли гуруҳ тузганлик 242-модда 2-қисми билан квалификация қилинади.

Жиноий гуруҳ иштирокчилари ҳаракатини квалификация қилиш олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндан тил бириктирган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тегишли модданинг ўзи билан 28-моддани қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай белганлигидан қатъий назар (ташкilotчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи, иштирокчи) 28-моддани қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. Агар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят Махсус қисмнинг тегишли моддасида квалификация қилинадиган ҳолат сифатида кўрсатилган бўлса (масалан, Жиноят кодекси 202-модда, 3-қисм, «д» банди), қилмишни 28-моддага муражаат қилмаган ҳолда шу модданинг ўзи билан квалификация қилиш лозим бўлади ва барча иштирокчилар аниқ бир жиноят таркиби учун зарурий ҳисобланган белги асосида жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодекси Махсус қисм моддаларида «уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш» деган тушунча ишлатилади, бунда умумий қоида бўйича жиноий гуруҳнинг жиноий фаолиятидан гувоҳлик берувчи бир неча жиноий тажовузларни

амалга оширилиши назарда тутилган. Аммо амалиётда гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг жиноий қилмишлари сонидан қатъий назар у уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганлиги учун (ўзи буни англаган ҳолларда) жиноий жавобгарликка тортилади.

Яна бир фарқ шундаки, олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишда гуруҳ фақатгина бир маротаба жиноят содир этиш учун тузилди, уюшган гуруҳда эса бир неча маротаба жиноят содир этиш учун тузилади.

Демак, уюшган гуруҳ олдиндан тил бириктириш, барқарорлик, вазифаларнинг тақсимланганлиги, бир қанча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги каби қатор ўзига хос белгилар билан хусусиятланади.

Уюшган гуруҳнинг барқарорлиги деганда, гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги доимий алоқадорлик ва жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёхуд бир ёки бир неча маротаба жиноят содир этишнинг махсус усулларидан фойдаланиш тушунилади.

Барқарорлик объектив томондан қуйидагилар билан хусусиятланади:

биринчидан, ташкилотчининг жиноий фаолиятни амалга ошириш мақсади асосида ташкил этилган гуруҳ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, умумий жиноий мақсад ва манфаат, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланганлиги;

иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида махсус усуллардан фойдаланиш, гуруҳдаги қатъий тартиб, доимий назорат ва гуруҳ аъзолари ҳаракатини бошқариш, юқори даражада келишганлик ва уюшганлик.

Иштирокчиликнинг энг хавфли шакли жиноий уюшмадир.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади (Жиноят кодекси 29-модда, 5-қисм).

Жиноий уюшма иштирокчиликнинг бошқа шаклларида юқори даражада уюшганлиги, барқарорлиги, техник воситалари билан таъминланганлик даражасига кўра, аъзоларининг биргаликдаги кескин ҳаракати кабилар билан фарқ қилади.

Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади.

Жиноий уюшма анча мураккаб ташкилий тузилмадир. Ундаги

ҳар бир уюшган гуруҳ ўзига махсус ажратилган вазифаларнигина бажаради. Шу белги жиной уюшмани уюшган гуруҳдан ажратиб туради.

Жиной уюшманинг асосий белгиларидан яна бири унинг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳдан ташкил топганлигидадир. Мантикий жиҳатдан ҳам жиной уюшма ёки бир неча гуруҳ бирлашганида аъзолар кўпчиликини ташкил этганлиги сабабли у икки кишидан ташкил топиши мумкин эмас.

Жиной уюшма аъзолари ўртасида жиной мақсадга эришиш учун вазифалар тақсимланади. Жиной уюшма ўзида жиной гуруҳларни ўзининг таркибий бўғини сифатида бирлаштиради.

Жиной уюшманинг таркибий бўғини деганда, раҳбарни ҳисоблаганда икки ёки ундан ортиқ шахсни жиной уюма мақсадини амалга ошириш мақсадида муайян йўналишда фаолият юритувчи (масалан, жинойтга тайёргарлик кўриш) гуруҳ тушунилади. Бунда ҳар бир гуруҳ ўз фаолиятини жиной уюшма мақсадини амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида амалга оширади. Буни аниқлаш учун ҳар бир гуруҳ фаолияти жиной уюма мақсадаларини амалга оширишга, уни қўллаб қувватлашга қаратилганлиги, барча гуруҳлар фаолияти ягона ташкилий бошқарув асосида бошқарилганлигига эътибор бериш лозим. Ягона ташкилий бошқарув, битта ташкилотчидан, шунингдек, бир гуруҳ ташкилотчилардан иборат бўлиши мумкин.

Жинойт қонунида биринчи марта (Жинойт кодекси 242-моддасида) жиной уюшма ташкил этиш, яъни жиной уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг манжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун жавобгарлик белгиланади ва уюшма тузилганидан бошлаб жинойт тугалланган деб ҳисобланади.

Агар Жинойт кодекси 212-моддасида жавобгарлик белгиланган жинойтнинг субъекти бўла олмайдиган шахс жиной гуруҳга кириб қолган бўлса, гуруҳ аъзолари қандай жинотни содир қилиш учун уюшган бўлсалар, ўша жинойтни содир этишга суиқасд қилиш деб, агар бевосита қатнашган бўлса, ўша жинойтда айбланиб жавобгарликка тортилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жинойтда иштирокчилик тушунчаси ва унинг белгиларини айтиш?

2. Жиноятда иштирокчилик турлари ва уларнинг узига хос белгилари?
3. Эксесс бажарувчи тушунчаси ва унинг турлари қайсилар?
4. Жиноят содир этишда иштирокчилик шакллари ва ҳар бирига таъриф бериш?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.

21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
26. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
29. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 г.
30. А.С. Никифоров Совокупност преступлений
31. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
32. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
33. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
34. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
35. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
36. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
37. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
38. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
39. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
40. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
41. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
42. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.

43. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.

44. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.

45. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.

46. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.

47. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4

48. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.

49. Конвенция о правах ребенка. 1989г.

50. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

51. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет

52. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

54. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

59. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат

маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи
маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

13-БОБ: БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

1. Бир қанча жиноятлар тушунчаси ва унинг аҳамияти.

Жиноят ҳуқуқи фанида бир қанча жиноятлар содир этиш алоҳида мавзу сифатида ўрганилади. Жиноят қонунида бир қанча жиноятлар тушунчаси берилмаган бўлсада, лекин такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноят тушунчаларининг назарий йиғиндиси бир қанча жиноятлар тушунчасини беради.

Бир қанча жиноятлар деганда, шахснинг суд ҳукми асосида аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни, улардан бирортаси учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъий назар содир этиши тушунилади.

А.С.Якубов ва Б.Матлюбовлар “бир қанча жиноят” атамаси ўрнига “такроран жиноят содир этиш” ёки “жиноятларнинг такрорланиши” атамаларини қўллаш тўғри деб ҳисоблайдилар.¹ Уларнинг фикрича, бир қанча жиноятлар атамаси жуда кўп сонли деган маънони англатиб, ушбу атама миқдор жиҳатидан “жиноятлар” сўзи билан биргаликда қўлланилганда аниқ бўлмаган миқдордаги жиноятлар сонини англатади. Маълумки, бу институтда жиноятларнинг миқдорий жиҳатлари мавжуд бўлиб, у юридик аҳамиятга эга.

Бир қанча жиноят содир этганлик учун жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир шахс томонидан камида иккита жиноят содир қилинган бўлиши керак. Жиноят қонуни нуқтаи назаридан, кейинги жиноятлар қандай миқдорда содир этилганлигидан қатъий назар жинойий фаолият сифатида ифодаловчи ушбу ходисанинг ҳуқуқий табиати ўзгармайди. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси эса, ўз навбатида бир ҳаракатни учинчи, тўртинчи ва хаказо марта содир этилишини ҳам қамраб олади.

Айрим муаллифлар бир қанча жиноят тушунчасини «*бир киши томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш*»² деб ҳисоблайдилар. Бу қоида назаримизда бир қанча жиноятлар тушунчасини тўла ифодалаб бера олмайди. Ушбу муаммони махсус ўрганган олимлардан В.И. Ткаченко «шахснинг олдинги жинояти учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъий назар, суд ҳукми билан аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, бир

¹ Б.Матлюбов, А.С.Якубов «Совокупность преступлений и её виды», “Ҳуқуқ”, 2000 й., №2, 40-бет.

² Уголовное право Изд МГУ. 1998й Стр-200

қанча жиноятни содир этиш деб топилади»¹ деган фикрни билдиради. Фикримизча юқоридаги олимлар кўпроқ қилмишларнинг микдор кўрсаткичига эътибор беришган.

Бу борада бир қанча қанча жиноятлар тушунчасини В.П. Малков анча кенг талқин қилади унинг фикрига кўра *«бир қанча жиноятлар деб шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгунча, бир вақтда ёки кетма-кет, икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этганлиги ёхуд олдинги жинояти учун ҳукм этилганидан кейин янгитдан жиноят содир этиши ва иккита жиноят ўртасида жиноят ҳуқуқий муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, шунингдек жиноят иши қўзғатиши учун бошқа тўсиқлар бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади»*²

К.А.Панько эса бу тушунчага қўшилган ҳолда айрим аниқликлар киритиш лозим деб ҳисоблайди. Чунки бу тушунча Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида назарда тутилган битта жиноят ҳисобланадиган бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлган қилмишларни қамраб ололмайди, деб ҳисоблаб бир қанча жиноятлар тушунчасини қуйидагича таърифлашни таклиф этади: *«Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир қилиши, агар улар учун юридик оқибатлари бекор бўлмаган ёки жиноий таъқиб қилиш учун жиноят-процессуал тўсиқлар бўлмаса, Жиноят кодекс Махсус қисмининг битта нормаси билан қамраб олинган ёки олинмаганидан қатъий назар бир қанча жиноят содир этилган деб ҳисобланади»*.³

Бир қанча жиноятларга берилган таърифлардан кўриниб турибдики, бу мавзунини тадбиқ қилган барча муаллифлар бир қанча жиноятга таъриф берар эканлар, камида иккита жиноятнинг содир қилинганлиги бир қанча жиноятларни ташкил қилишини таъкидлайдилар. Бир қанча жиноят содир қилиш жиноят содир қилишнинг алоҳида шакли бўлиши билан бирга, жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти эканлигини ҳам айтиб ўтадилар.

Бир қанча жиноятларнинг шакллари тўғрисида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, П.С.Дагель⁴, Г.Т.Кешиледзе⁵, А.М.Яковлевлар⁶ бир қанча жиноятлар содир қилиш деганда,

¹ Ткаченко М.И Множественность преступлений и её формы по уголовному праву. Казань 1982 г.

² Малков В.П Множественность преступлений и её формы по уголовному праву Казань 1982 г Стр-12

³ Панько К.А Вопросы общей теории рецидива в уголовном праве . Воронеж 1988 Стр-68

⁴ П.С Дагель Множественность преступлений М.1968г Стр-68

⁵ Г.Т. Кешиледзе Ответственность при совокупности преступлений по уголовному праву Автореферат канд. Юрд наук Толин 1960 й., 3-бет.

⁶ А.М Яковлевлар Совокупность преступлений М. 1960 Стр-34

такроран жиноят содир қилиш, жиноятлар жами тариқасида жиноят содир этиш, рецидив жиноят содир қилишни назарда тутадилар. Бу амалдаги Жиноят кодексидаги бир қанча жиноятлар шаклларига мос келади. М.Т Кафаров эса бир қанча жиноятлар деганда, рецидив, такроран, жиноятларнинг идеал жами, жиноятларнинг реал жами тариқасида содир қилинган жиноятларни киритади.

Юқорида бир қанча жиноятларга берилган таърифлардан келиб чиқиб унинг қуйидаги хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

1) шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларнинг содир этилган бўлиши;

2) ҳар бир жиноят суд ҳукмида кўрсатилган бўлиши лозим. Агар шахс жиноят содир этган бўлса, лекин жиноий иш дастлабки тергов ва суд томонидан қонунда кўрсатилган асосларга кўра тугатилган бўлса(ЎЗ.Р ЖПКнинг 83,84-моддалари), бу шахс илгари жиноят содир этган ҳисобланмайди ;

3) жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинмаган бўлиши (64-модда), илгари чиқарилган ҳукмнинг ижро этиш муддати ўтиб кетмаган бўлиши (69-модда), судланганлик муддатининг ўтиб кетмаганлиги ёки амнистия акти ёхуд авф этиш орқали жазодан озод қилинмаган бўлиши керак;

4) ҳар бир жиноят тугалланган ёки тугалланмаган бўлиши лозим.

Бу хусусиятларнинг жами бир қанча жиноятлар содир этишни тавсифлаш учун зарур ва шартдир. Мазкур белгилардан бирининг мавжуд эмаслиги бир қанча жиноят содир этишнинг мавжуд эмаслигини ифодалайди. Ижтимоий муносабатлар тизимида бир қанча жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги унинг объектга кўп миқдорда зарар етказиши ҳисобига вужудга келади. (Масалан, икки марта ўғирлик, иккита одам ўлдириш, иккита безорилик жиноятни содир этиш.) Шунингдек бир қанча жиноят содир этиш орқали икки ёки ундан ортиқ объектга зарар етказиш, масалан, ўғирлик ва номусга тегиш жиноятларини содир этиш мумкин.

Бир қанча жиноят содир этиш шахс камида иккита жиноятни содир этганида вужудга келади. Уларнинг миқдори бундан ҳам кўп бўлиши мумкин, бироқ уларда камида иккита жиноят мавжуд бўлади. Иккита жиноятнинг бири маъмурий ва интизомий ҳуқуқбузарлик

бўлган ҳолларда эса мазкур ҳодиса бир қанча жиноят содир этиш деб баҳоланмайди.

Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилигини ҳам оширади.

Бир қанча жиноятлар қуйидаги юридик оқибатларга эга:

- 1) жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади;
- 2) оғирроқ жазо чорасининг қўлланишига асос бўлади;
- 3) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибида уларга нисбатан ўзига хос қоидалар қўлланади.

Бир қанча жиноятлар давомли ва узоққа чўзилган жиноятлардан фарқ қилиб, икки ёки ундан ортиқ жиноятлардан ташкил топади.

Жиноят кодексининг 32-моддаси 3-қисмига мувофиқ умумий қасд билан қамраб олинган ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран жиноят содир этилган деб топилмайди. Қонун мазмунига кўра бундай жиноятлар давомли жиноят деб топилади.

Давомли жиноятлар қуйидаги белгиларга эга:

- 1) бир-бирига ўхшаш бўлган жиноятлардан иборатлиги;
- 2) барча ҳаракатларнинг битта объектга зарар етказишга қаратилганлиги;
- 3) уларнинг ягона мақсад ассосида бирлашганлиги ва шунинг учун ҳам ягона бир жиноят таркибини ташкил қилиши;
- 4) қасднинг ягоналиги;
- 5) давомли жиноятларнинг фақат қасддан ва ҳаракат билан содир этилиши.

Жиноят кодексининг 32- моддаси 4-қисмига кўра, **узоққа чўзилган жиноят деганда**, вазифаларни узоқ вақт бажармасдан, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноят тушунилади. Бу жиноятда қилмиш ягона бўлиб узоқ вақтга чўзилган. Бу жиноят ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин. Ҳаракатсизлик орқали бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги орқали, ҳаракат билан эса қонун билан таъқиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади. Узоққа чўзилган жиноятлар айбнинг қасд ва эҳтиётсизлик шакллари орқали содир этилиши мумкин.

Бундан ташқари юридик адабиётларда ***систематик ва таркибли жиноят*** тушунчаси мавжуд.

Таркибли жиноят шундай жиноятки (мураккаб таркибли), у иккита мустақил жиноий ҳаракатдан ташкил топади, лекин ички бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги туфайли ягона жиноят таркибини ташкил этади. Масалан, номусга тегиш жинояти иккита бир хил бўлмаган ҳаракатдан: жисмоний зўрлик ёки қўрқитиш ва жинсий яқинлик қилишдан иборат. Зўрлик ёки қўрқитишсиз иккинчи ҳаракат ҳам содир этилмайди.

Мураккаб таркибли жиноятларга бир ҳаракат орқали содир этиладиган, лекин икки ёки ундан ортиқ оқибатларни келтириб чиқарадиган жиноятлар ҳам киради. Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш одам ўлимига сабаб бўлса жиноят ҳисобланади (104-модда).

2. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси

Такроран жиноят содир қилиш бир қанча жиноятлар тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган янги Жиноят кодексида илк бор мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг берган маълумотларига кўра такроран жиноят содир этиш турли даврларда барча жиноятларнинг 25-30 % ни ташкил этган.

Такроран содир этилган жиноятлар жамият учун хавфли ҳаракатлардан бўлиб, такроран жиноят содир қилиш жиноят ҳуқуқи институти сифатида чуқур тарихга эга.

Такроран жиноят содир этиш ва уни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки манбалар Рим ҳуқуқида учрайди. Қадимги Франция, Германия ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам бу маълумотлар бор. Католик Черков ҳуқуқида эса такрорий жиноят «тузалиб, қайта очилган ва тузалиши жуда қийин бўлган яра»га ўхшатишган.

Мусулмон ҳуқуқида ҳам такроран жиноят содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, Қуръонда ва суннада бундай ҳаракатлар содир этганларга оғир жазо тайинлаш назарда тутилган. Унга кўра такроран жиноят содир этиш деганда, бир қилмишни икки ёки бир неча марта содир этилиши тушуниланган. Бунда шахснинг биринчи жинояти учун жазога тортилганлигининг аҳамияти бўлмай, бир жиноятни жазо қўлланилгандан кейин содир этганлиги муҳим бўлган, хусусан, шахс ўғирлик жиноятини биринчи марта содир этганида қўли кесилган бўлса, иккинчи марта қаттиқроқ

жазо чорасини, чап оёғи тўпиғидан кесилиб, қайнатилган ёғга ботирилишига сабаб бўлган, шундан сўнг ҳам тузалиш йўлига кирмаса, қози томонидан тавба муддати белгилаб хибс этилган¹.

Собиқ иттифоқ давридаги Жиноят қонунчилигида ҳам такроран жиноят содир этганлик учун жазо чоралари белгиланган. 1926 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 36 га яқин моддаларида такроран жиноят содир этиш, жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. 1959 йилги Жиноят кодексининг 125- моддаси эслатмасида 125, 126 ва 129- моддаларда назарда тутилган такроран жиноят содир этиш деганда, шу моддада ёки кодекснинг бир қатор моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини илгари ҳам содир этган шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилган².

Амалдаги 1994 йил қабул қилинган Жиноят кодексининг 32-моддаси 1-қисмига кўра кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, «Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Бу ерда шахс томонидан турли вақтларда бир хил жиноятларни содир этилганлигини тушуниш лозим. Такроран жиноят содир этиш фақат шахснинг бундай жиноят турини вужудга келтирган, ҳуқуқий мохиятга эга бўлган бирорта ҳам жиноят учун жазога маҳкум этилмаган ҳолларда вужудга келади.

Такроран жиноят содир қилиш деганда, худди шундай жиноятни иккинчи, учинчи ва ҳакозо марта содир қилиш тушунилади. Бунга жиноят ҳуқуқи назариясида турли хил фикрлар билдирилган. Хусусан И.И.Горелик «Учинчи марта эмас, балки фақат иккинчи марта жиноят содир этилишини такроран жиноят содир қилиш деб ҳисоблаш керак» деган фикрни билдирган.³

И.И.Гореликнинг фикрича, бир хил жиноятни учинчи марта содир қилинганда такроран содир қилинмасликка олиб келади. Такроран жиноят содир этиш муаммосини тадқиқ қилган кўпчилик олимлар иккинчи ва кейинги жиноятларни ҳам такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблайдилар. Республикамизнинг амалдаги жиноят қонунида ушбу масала ўзининг тўғри ечимини топган. Унга кўра

¹ Хидая «Комментарии мусульманского права» Том II Перевод с английского под. ред. К. И. Гродекова

² Уз. ССР Жиноят кодексига шарҳлар. Т. «Ўзбекистон» 1998 йил. 283-бет

³ И.И.Горелик. Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 год. Стр-128.

шахс айнан бир хил жиноятни икки ёки бир неча марта содир қилганда ҳам такроран жиноят содир этиш деб ҳисобланаверади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида мустақамланган талабдан келиб чиқиб, такроран жиноят содир этишнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин;

1) такроран жиноят содир этиш бир неча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган айнан бир-бирига ўхшаш бўлган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир қилади;

2) содир этилган қилмишлар жиноят қонуни махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган қилмишларни ҳам қамраб олади;

3) содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги;

4) жиноят такроран содир этилган деб ҳисобланиши учун улар турли вақтларда содир қилинган ва мустақил жиноят таркибини ташкил қилиши.

Бир шахс томонидан Жиноят қонуни махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишнинг содир этилиши такроран жиноят содир этишнинг асосий жиноят ҳуқуқий белгиларидан бири бўлиб, бунда шахс томонидан содир қилинган ҳар бир жиноий қилмиш амалдаги жиноят қонуни 14-моддасига мувофиқ, ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланади. Ушбу жиноятлар мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади ва алоҳида санкцияга эга бўлади. Шунинг билан бирга Жиноят кодекси 32- моддаси 1-қисмига кўра нафақат тугалланган жиноятлар, балки, тамом бўлмаган, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш, иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар ҳам такроран жиноятларни ташкил қилиши мумкин. Аммо бунда содир этилган барча жиноятлар Жиноят кодексининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисмида назарда назарда тутилган белгиларга эга бўлиши керак.

Жиноят кодекси 32-моддаси 1-қисмида «Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади» дейилган.

Ш. Ражабов томонидан олиб борилган тадқиқотларида 1215 шахснинг содир қилган жинояти бўйича ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, атига 52 марта жиноятга суиқасд бўлганлиги ва бирор марта ҳам жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарликка тотиш ҳоллари аниқланмаган.

АҚШ, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатлар жиноят қонунчилигида жиноятга тайёрганлик кўрганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Шахс содир этган қилмишларини такроран содир этилган жиноят деб топишнинг шартларидан яна бири унинг такрорий жиноятларни ташкил қилувчи жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлигидир. Жиноятни такроран содир қилишнинг белгилари тўғрисида жиноят ҳуқуқи фанида баъзи ҳолларда хатто қарам-қарши фикрлар ҳам берилган. Кўпчилик муаллифлар иккинчи жиноят учун шахс судланган ёки судланмаганлигидан, қатъий назар такроран содир этилган деб ҳисоблаш керак деб таъкидлайдилар.¹

Бу борада Н.С. Таганцев жиноятнинг такрорланишини учта шарт билан изоҳлайди, яъни уларнинг энг муҳими олдинги жинояти учун жазони ўтаганлик, иккинчиси эса олдинги ва кейинги жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик (махсус рецидив) ва учинчиси олдинги жинояти учун жазони ўтаган вақт билан янги содир қилинган жиноят ўртасида маълум вақтнинг ўтганлиги.² Худди шундай нуқтаи назарни профессор А.М.Яковлев ҳам маъқуллаб фақат олдинги жинояти учун судланганидан кейин, янги жиноят содир этишни такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблайди.³ Масаланинг бундай қўйилишини улар такроран жиноят содир қилиш, юқори даражада ижтимоий хавфли бўлади, қачонки улар жиноий жазога ҳукм қилинган ва субъектларга таъсир кўрсатмаган бўлсагина такроран жиноят содир этиш ҳисобланади деган тушунчага асосланадилар. Лекин такроран жиноят содир қилишнинг ўта ижтимоий хавфлилиги бир неча ҳолатлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда қисқа вақт ичида содир этилган икки ёки ундан кўп, бир хил, айниқса ўхшаш жиноятларни содир этиш ва биринчи жинояти учун жавобгарликдан қутилиб қолиш имконини қила олганлик, ҳар хил жиноятларни содир қилиб, биринчиси юзасидан судланган ва жазони ўтаб бўлиб, анча вақт ўтгандан кейин яна жиноят содир этишга нисбатан ижтимоий хавфлироқдир.

¹ Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г, Стр-51

² Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург, 1902, 1357, 1358.

³ Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964 г. Стр26-32

Жиноят кодексининг 32-моддаси 1-қисмининг мазмунига кўра, шахс содир қилинган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши керак, яъни такроран жиноятларни ташкил қилувчи қилмишларнинг ҳар бири шахс судлангунга қадар содир этилган, суд томонидан муҳокама қилинмаган бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 77- моддаси 2-қисмига кўра жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Шунга кўра агар шахс содир этган икки жиноятдан бири учун судланиб судланганлиги тегишли тартибда олиб ташланмаган, тугалланмаган бўлса унинг ҳаракатини такроран жиноят содир этиш деб топиш мумкин эмас.

Шахснинг содир қилган жиноятларини такроран жиноят содир этиш деб топишнинг учинчи шарти шахсни дастлабки содир этган қилмиши учун жавобгарликдан озод қилиш муддати ўтиб кетмаган бўлиши керак. Бу ерда жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (64-модда), шахс ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш, ёхуд ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш , 66-моддада касаллиги туфайли жавобгарликдан, 67 ва 75-моддалар амнистия акти ёки авф этиш асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Олдинги жинояти учун шартли ҳукм қилиш қўлланилган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб ҳисобланмайди. Чунки шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддаси 8-қисмига мувофиқ синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60- моддаси бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш учун белгиланган қоидаларга асосланган ҳолда жазо тайинлайди. Шунинг учун бу ҳол такроран жиноят содир этиш тушунчасини истисно этади.

Олдинги жинояти учун ҳукм қилинган шахс янги жиноят содир қилса фақат ҳар икки жиноят қасддан содир қилинган тақдирдагина 56-модда 1-қисмининг «н» бандида назарда тутилган оғиррлаштирувчи ҳолатларни ташкил этади ва ушбу ҳолда Жиноят кодекси махсус қисмининг «такроран содир қилинса» деган банди билан квалификация қилинмайди. Чунки шахс содир этган жиноятини такроран содир этиш деб топиш учун, жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлиб, шундан кейингина бир хил жиноятни турли вақтларда содир қилгандагина ва

уларининг бирортаси учун судланган бўлмаса, жиноят такроран содир қилинган деб ҳисобланади.

Жавобгарликка тортиш ёки тортмаслик масаласини ҳал қилишда жавобгарликка тортиш муддати Жиноят кодексининг 64-моддасида кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаган бўлиши керак. Агар жиноятлар ўртасидаги вақт Жиноят кодексининг 64-моддасида назарда тутилган муддатдан ошиб кетган бўлса, қилмишни такроран содир этилган деб ҳисоблаб бўлмайди ва шахс жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган жинояти учунгина жавобгар бўлади.

Агар шахс такроран содир қилинган жиноят деб ҳисобланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этган бўлиб, бу жиноятлардан бири ҳукм чиқарилгунга қадар, иккинчиси эса ҳукм чиқарилгандан кейин аниқланган бўлса, такроран жиноят содир қилиш деб ҳисоблашга асос борми? деган савол туғилади.

Жиноят кодексининг 59-моддаси 3-қисмида «агар иш бўйича» ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмигача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда – жиноятлар жами бўйича жазо тайинланади. Бундай ҳолатда жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми ҳам кўшилади» дейилган.

Қонун мазмунига кўра жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашнинг ушбу қоидалари ўз навбатида такроран жиноят содир этишга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ҳолда жиноятларнинг хар иккаласи айнан бир хил жиноятлар бўлганлиги ва жиноятларнинг бири учун судланмай қолишига сабаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жиноятнинг ўз вақтида фош этилмаганлиги сабабли бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда олимлар такроран жиноят содир этишни икки гуруҳга бўладилар. Жумладан, В.Н Кудрацев, Б.М. Леонтьев такроран жиноят содир қилишни – умумий такроран жиноят содир этиш ва махсус такроран жиноят содир этишга ажратадилар.¹

Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, такроран жиноят содир қилишни бундай турларга ажратиш 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелига қадар амалда бўлган Жиноят кодекси асосида ишлаб чиқилган эди. Жиноят ҳуқуқида такроран жиноят содир этишни бундай турларга бўлиниши амалдаги Жиноят кодексига тўғри келмайди. Чунки умумий такроран жиноят содир қилиш деганда,

¹ В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений , М. Госюриздат 1963 г, Стр-304

турли вақтларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш тушунилади. Бу ҳолат ўз навбатида жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобанмайди, балки айрим ҳолларда Жиноят кодексининг 56-моддасинининг «а» бандида кўрсатилаганидек жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиши мумкин. Махсус такроран жиноят содир қилиш деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси ёки ўша модданинг ёхуд модда қисмининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган ҳолатлар назарда тутилади. Яъни махсус такроран жиноят содир қилишда бир хил жиноятни камида икки марта содир қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 1-қисмига биноан алоҳида кўрсатилган ҳолларда махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Такроран жиноят содир этиш деб ҳисобашнинг бундай қоидалари Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида назарда тутилган. Масалан Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисмининг «б» банди, 105- модданинг 2-қисми «к» банди, 118- модданинг 2-қисми «б» банди, 164- модданинг 3-қисми «а» банди ва бошқа қатор моддалар.

Агар олдин Жиноят кодексининг 119- моддасида назарда тутилган, жиноятни содир этган шахс томонидан сўнгра 118- моддада назарда тутилган жиноятни содир этса, кейинги жинояти такроран жиноят деб топилади. Ф. Тохиров одам ўлдиришдан олдин терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президенти хаётига тажовуз қилиш ва хоказо жиноятлар содир этилган бўлса, қилмиш такроран одам ўлдириш каби баҳоланиши керак деб таъкидлайди.¹

Такроран жиноят содир этишнинг субъекти бир шахс бўлгани ҳолда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган турли хил ижтимоий муносабатларга зарар етказилиши мумкин. Яъни тажовуз объекти турлича бўлиши мумкин. Обьектив томондан эса ушбу жиноят айнан бир-бирига ўхшаш жиноятларни, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли жиноятларни содир этишда ифодаланади. Шу билан бирга такроран жиноят содир этиш жиноятларни ташкил қилувчи қилмишларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 14-моддасига

¹ Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Тошкент. 2000 й 15-бет.

кўра ижтимоий хавфлиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги билан хусусиятланади. Шу жумладан уларнинг барчасида юқорида таъкидланганидек, жиноят таркибининг барча аломатлари бўлади. Шахс гарчи хар бири мустақил бўлган, лекин айнан бир-бирига ўхшаш юқоридагидай жиноятларни содир этгани ҳолларида унинг қилмиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг «такроран содир қилинса» деган бандига асосланиб жазо тайинланади.

Бу борада такроран жиноят содир этишнинг бир қатор ҳуқуқий белгилари билан бирга унинг субъектив томонидан тўғри аниқлаш муҳимдир. Такроран жиноят содир этишнинг субъектив томони, шахснинг содир қилган икки ёки ундан ортиқ қилмиши ва уларнинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатида ифодаланади. Ушбу жиноятни ташкил қилувчи жиноий қилмишлар ўз навбатида айб шаклининг ягоналиги билан хусусиятланади. Яъни такроран жиноят содир этиш деб топиш учун шахснинг содир қилган икки ёки бир неча жинояти айбнинг қасд шаклига эга бўлиши керак. Жиноят қонунида такроран жиноят содир этиш деб топишнинг зарурий белгиси сифатида 38 га яқин жиноят таркибларида назарда тутилган бўлиб, уларнинг барчаси қасддан содир этиладиган жиноятлардир. Қолаверса, жиноят қонунига кўра илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғилаштирувчи ҳолат сифатида (Жиноят кодекси 56-модда, 1-қисми, «н»банди) қаралади. Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда шахснинг ўз талаб ва ниятларини жиноят содир қилиш орқали қондириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бу жиноятлар кўпроқ вазиятнинг ва шахс ҳаракатининг у ёки бу вариантини танлашга жиддий ёндашиши билан боғлиқ бўлади.

Такроран содир этиладиган жиноятларни субъектив томонида уни ўз навбатида ташкил этувчи хар бир жиноят қасд қилиш, мустақил равишда шаклланади. Аммо бу ҳолатда улар ўртасида ички боғлиқлик бўлмайди деган тушунчани англатмайди. Такроран жиноят содир этиш деб топилган барча жиноятлар бир-бирига боғлиқ бўлади. Такроран жиноят содир этишнинг субъектив томони унинг барча белгилари билан ўзига хос ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда муҳимдир.

Такроран жиноят содир этиш ўз навбатида юқоридаги белгиларига кўра давомли, узоққа чўзилган, рецидив жиноятлардан фарқ қилади.

Такроран содир этилган жиноятни давомли жиноятдан фарқ қилиш лозим. Давомли жиноят тушунчаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 3-қисмида ифодаланган. Бу жиноятлар ўртасидаги асосий фарқ содир этилган жиноятнинг субъектив томонига тўғри келади, лекин объектив белгилари мос тушади. Давомли жиноят деганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади. Такроран жиноят содир этиш эса доимо янги қасд орқали амалга оширилади. Давомли жиноятда қасдни амалга ошириш вақти оралиғида доимо муайян вақт мавжуд бўлади. Давомли жиноятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча қилмиш жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳар бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг бошланиши бир давом этадиган жиноятдан иборат бўлган қатор ўхшаш ҳаракатларнинг дастлабкисини содир этишдир. Демак давомли жиноятлар қуйидаги ўзига хос белгиларга эга бўлади:

- а) бир хилдаги ҳаракатларнинг мажмуи
- б) барча ҳаракатлар айнан битта объектга қаратилган бўлади
- в) уларнинг ҳаммаси битта мақсад йўлида бирлашган ва шунинг учун ҳам бир бутунликни ташкил қилади.

Жиноят кодексининг 32-моддаси 4-қисмида узоққа чўзилган жиноят тушунчаси баён этилган, унга кўра вазифаларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноятлар тушунилади. Шундан келиб чиқиб узоққа чўзилган жиноят жиноий тажавузнинг муайян вақт давомида узлуксизлиги билан таърифланади. Унинг хусусияти муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг амалга ошириш вақтидан бошлаб шахснинг қонунда кўрсатилган жиноятни тугалланган босқичидаги ўз мажбуриятларини бундан буён ҳам узлуксиз бажармаслиги билан ифодаланади. Бундай жиноий ҳолат икки:

- а) ихтиёрий
- б) мажбурий сабабга кўра тугатилади.

Ихтиёрийлик шахснинг ўз ташаббуси билан ҳаракатсизликка чек қўйишда ифодаланади. Мажбурийлик жиноятнинг бажаришни бундан кейин ҳам давом эттиришга монелик қиладиган. Ходисанинг бошланишидан иборатдир. Узоққа чўзилган жиноятнинг тамомланиши шахснинг қонунда кўрсатилаган мажбуриятларини бажармасликни бошлаган вақтдан вужудга келади, бундан кейинги

нисбий муайян вақтда ҳам у мазкур талабларини бажармасликда давом этса, бундай ҳолатнинг ички ягоналиги ўзаро боғлиқлигидан таркибларнинг кўплиги вужудга келмайди.

Лекин юқоридагиларга ҳам қарамасдан жиноят ҳуқуқи назариясида такроран жинноят содир этишни, ушбу жиноятлардан умуман фарқи йўқ деган фикрлар ҳам мавжуд. В.П. Мальков «Рецидив жиноят содир қилиш такроран жиноят содир қилишнинг» бир кўриниши ҳолос, шунинг учун рецидив жиноят содир қилиш – бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўла олмайди ва такроран жиноят содир этиш рецидив жиноят содир этишни ҳам ўз ичига қамраб олади», деб ҳисобайди.¹

Е.А.Флоров ва Р.Галиакбаровларнинг фикрича «Рецидив — бу ҳам такроран содир этиладиган жиноятдир. Унинг учун худди такроран жинят содир этиш каби ҳар бир мустақил жиноят таркиби белгиларига эга бўлган камида иккита жиноят содир этишга хосдир. Лекин такроран жиноят содир этишдан фарқли равишда, рецидив жиноят деганда жазони ўтаб чиққан, жазони ўтаётган шахснинг судланганлиги мавжуд бўлгани ҳолда янги жиноят содир этишдир»²

Юқорида таҳлил этилган масала бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, такроран жиноят содир этиш тушунчасининг Жиноят кодексига киритилиши:

- 1) Жиноят кодексига назарда тутилган ҳолатларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида олинади;
- 2) жиноятни квалификация қилишда бевосита таъсир қилиши;
- 3) жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобаниши каби ҳуқуқий аҳамиятга эга.

3. Жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик тушунчаси ва унинг хусусиятлари

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқининг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бир қатор муноазараларга сабаб бўлиб келган. Жиноятлар мажмуи тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлиб, икки ёки ундан ортиқ жиной қилмишларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам оддий, ягона жиноятларни тавсиф қилишга қараганда уларга ҳуқуқий баҳо бериш анча мушкул масала

¹ В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета.

² Е.А.Флоров, Р.М.Галиакбаров. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного право, М.:1967, Стр-6.

ҳисобанади. Жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашнинг мазмунини очиб беришдан олдин жиноятлар мажмуи ўзи нима эканлигини тушиниб олиш лозим.

Жиноят кодексининг 33-моддасининг биринчи қисмига кўра «Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс аввал судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади» дейилган. Кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича ушбу институтнинг шаклланиши XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу ўз навбатида ўша даврда Ўрта Осиёда ҳукмрон бўлган Россия империясининг мустамлакачилик тизими қонунчилиги билан боғлиқдир. Жиноятлар мажмуи тушинчаси биринчи марта Россия империясининг 1845 йилдаги жазолар тўғрисидаги қонунномада келтирилаган. Унга кўра жиноятлар мажмуи айбдор тамонидан бир неча қилмишларни бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда содир этилиши сифатида тан олинар эди. Жиноятлар мажмуи тариқасида содир этилган жиноят деб топиш учун шахс бирорта қилмиши учун ҳам жазога тортилмаган, умумий ва яқка тартибда авф этилмаган бўлиши лозим эди. Собиқ Иттифоқ даврида жиноятлар мажмуи турларга бўлиниб, бу ҳолатлар биринчи марта РСФСРнинг 1922 йил қабул қилинган Жиноят кодексига мустаҳкамланган эди. Унда жиноятлар мажмуи тўғрисида иккита модда бўлиб, уларда жиноят мажмуининг турлари жиноятларнинг идеал ва реал жами учун жазо мустаҳкамланган эди. Ушбу кодекснинг 29-моддасига кўра «Агар айбдор содир этган қилмишда, кодекснинг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлса суд оғирроқ жазони назарда тутувчи модда асосида жазо тайинлайди». Ушбу тушунча шахснинг ҳаракатлари битта модда билан квалификация қилинишини англашиб, қонун чиқарувчи жиноятларнинг идеал жамини ягона жиноят гуруҳига киритган. Жиноятларнинг реал жами деганда, қонун чиқарувчи «судланувчи тамонидан ҳукм чиқарилгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши»ни назарда тутган ва ушбу ҳолда жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари тадбиқ этилган. Ўз навбатида масалага бундай ёндашиш узоққа бормади. 1924 йилги «СССР ва Иттифоқ республикалар жиноят қонунчилиги Асослари»да жиноятларнинг идеал жами ва реал жами бир қанча жиноят содир этиш турларига киритилди ва Жиноят кодексининг 33- моддасида

мустаҳкамланди. «Агар шахснинг содир этган қилмишида бир неча жиноят белгилари мавжуд бўлса, шу жумладан ҳукм чиқарилгунга қадар шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилса ижтимоий таъсир чоралари энг оғир жазони назарда тутувчи жиноятлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда тайинланади» дейилади ушбу қонунда.

Ўзбекистон Республикасининг 1926 йилги Жиноят кодексида у қуйидагича мустаҳкамланган эди: «Агар шахс содир этган қилмишида бир ёки бир неча жиноят белгилари мавжуд бўлса шу жумладан ҳукм чиқарилгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган бўлса ижтимоий таъсир чоралари ҳукмда ҳар бир жиноят учун алоҳида кўрсатиб ўтилган ҳолда оғирроқ жазо белгиланган жиноят бўйича тайинланади.», дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1959 йилдаги Жиноят кодексида ҳам жиноятлар мажмуи тушунчасини ифода этилмаган эди. Бу эса амалиётда бир қанча жиноятлар борасидаги муаммоларни ҳал этишда маълум қийинчиликларга олиб келар эди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 27 сентябр қабул қилинган янги Жиноят кодексида жиноятлар мажмуи оид барча қоидалар тизимлаштирилди. Яъни жиноятлар мажмуини тартибга солишчи умумий қоидалар алоҳида модда сифатида шакллантирилди. Умумий қоиданинг махсус нормалар билан мувофиқлиги таъминланди. У ўзининг табиатига кўра бир қанча жиноятлар содир этишнинг шакли бўлганлиги учун бир қанча жиноят содир этишни тартибга солувчи Жиноят кодексининг Умумий қисми 8-бобига киритилди. Янги ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур муаммо юзасидан тўпланган тажриба ва эришилган ютуқлар инобатга олинди. Амалдаги Жиноят кодексининг 33-моддасида ушбу масала яъни жиноятлар мажмуи илк бор мустаҳкамланди. Унга кўра «Махсус қисмнинг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка торитиладиган икки ёки бир нечта жиноий қилмишни содир этиш агарда улардан биротаси учун ҳам судланган бўлмаса жиноятлар мажмуи деб топилади.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуининг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини ажратиш мумкин:

а) жиноятлар мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир қилади;

б) содир этилган қилмишлар Жиноят қонуни Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган бўлади;

в) содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлиши лозим;

Юридик адабиётларда эса бир қатор олимлар жиноятлар мажмуини учта белги билан изоҳлайдилар. Жумладан, В.П. Мальков қуйидагилар жиноятлар мажмуи учун хос белгилар деб ҳисоблайди:

а) шахс томонидан икки ёки ундан кўпроқ, жиноятларни содир қилганлиги;

б) содир қилинган жиноятлар Жиноят кодексининг камида иккита моддаси билан квалификация қилинганлиги;

в) бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлиши кераклигидир.¹

Бир шахс томонидан икки ёки бир неча жинлий қилмишнинг содир этилиши жиноятлар мажмуининг асосий ҳуқуқий белгиларидан бири бўлиб, у шахс томонидан содир этилган ҳар бир жиноий қилмиш амалдаги Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланиб, мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади, алоҳида-алоҳида жазо тайинланади. Шунини таъкидлаш кераки, Жиноят кодексининг 33-моддасидаги «жиноий қилмиш» тушунчасини кенг тушуниладиди ва жиноий қилмиш деганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятга суиқасд қилиш (Жиноят кодекси нинг 25-моддаси) ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноят (Жиноят кодекси нинг 27 моддаси) ҳам назарда тутилади.

Жиноятлар мажмуига таъриф беришда «Жавобгарликка тортиладиган» сўз бирқмаси Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида шахсни жавобгарликка тортиш учун монелик қиладиган ҳолатлар белгиланганлиги, жиноят ишини текшириш жараёнида бундай ҳолатлар аниқланганда, шахс тегишли қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келмаслигиназарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, шахсни жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортиш учун жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ҳар бир қилмиш юзасидан жиноий жавобгарлик асослари мавжуд

¹ В.П. Малков Совокупность преступлений. Казань Стр- 72, 1974 й.

бўлиши ва жавобгарликка тортиш учун монелик қилувчи ҳолатлар бўмаслиги керак.

Содир этилган жиноий қилмишларнинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилиши ушбу жиноятларнинг муҳим ҳуқуқий белгиларидан бирини ташкил этади.

Жиноятлар мажмуининг учинчи ҳуқуқий белгиси шундан иборатки, унга кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ёки бир неча жиноятларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар жамига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири судлангунга қадар содир этилади, хали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва унинг юзасидан айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам шахс бир вақтнинг ўзида, бир жиноят процессида жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи бир неча жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

Жиноятлар жами деб ҳисоблашнинг яна бир муҳим шарти шуки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг иккита моддаси ёки битта моддасининг турли қисмларида кўрсатилган жиноятларнинг турли вақтларда ёки бир вақтнинг ўзида (Реал ва идеал жами) содир қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Бир вақтнинг ўзида иккита жиноят содир этилиб, Махсус қисмининг турли моддалари билан квалификация қилинган тақдирда ҳам жиноятлар мажмуини ташкил қилаверади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятлар мажмуининг ушбу кўриниши жиноятнинг идеал жами деб юритилади.

Юридик адабиётларда жиноятлар мажмуи идеал жами билан биргаликда реал жами ҳам ўрганилади. Ушбу тушунчаларнинг иккаласи ҳам бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига киради. Жиноятлар мажмуи 1845 йилдаёқ жиноятларнинг идеал ва реал жамига бўлинган эди, яъни бир вақтда содир этилган қилмишлар жиноятларнинг идеал жами ва «турли вақтларда» содир этилган қилмишлар жиноятларнинг реал жами деб тушунилган. Жиноят ҳуқуқи фанининг етакчи олимларидан бири Н.С Таганцев жиноятлар мажмуини фақат реал жамидан иборат эканлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, жиноятлар-мажмуи «ўзтабиатига кўра ва қонун нуқтаи назаридан ҳар бири алоҳида жиноят бўлган бир неча жиноий қилмишларни содир этиш»дир¹. Жиноятларнинг идеал жамига эса,

¹ ЕН.С Таганцев “Русское уголовное право” // Т.:1990 г., Стр-132.

Н.С.Таганцев томонидан ягона жиноий фаолият сифатида қаралиб, идеал жамини бар таркибли жиноятларга киритади.

Таниқли олим Н.Д. Сергиевскийнинг фикрича жиноятларнинг идеал жами деганда, шундай ҳолатни тушуниш лозимки, бунда инсоннинг ҳаракати фикран хар бири у ёки бу жиноий ҳаракат таркибининг туб элементларини ташкил қиладиган икки алоҳида бўлакка бўлиниб, бунда бир ҳаракат билан, бир вақтнинг ўзида икки таъқиқни бузилишини ифода этади. Ҳамда шунга мувофиқ ҳолда иккита жиноий акт содир қилгандек кўринади. Айбини ҳисобга олишда эса, жазоланиши бўйича юқори бўлган битта жиноят таркиби назарда тутилади.»¹

Олима Н.Ф. Кузнецова эса субъектининг бир ҳаракати орқали турли объектларга турли хил зарарнинг етказилиши, жиноятнинг идеал жами дейилади деб ҳисобайди.

Бу тушунча таркибли (мураккаб айбли) жиноятга мос келади Чунки шахснинг бир ҳаракати орқали бир вақтнинг ўзида турли хил объектларга зарар етказилганда, унинг қилмиши битта жиноят-ҳуқуқий нормани қамраб олиши ҳам мумкин. Албатта, бу ҳолатларда жиноятнинг идеал жами мавжуд бўлмайди.

В.Н. Кудрявцев бу борада «жиноятлар мажмуи учун, шу нарса хусусиятлики, ҳеч қайси бир норма содир қилинган қилмишларни бутунлай қамраб ололмайди, у Жиноят кодекси Махсус қисмининг икки ёки бир неча нормаларини қўллаган ҳолда, барчаси биргаликда ҳуқуқий баҳога эга бўлиши мумкин»² деган фикрни илгари суради.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқида жиноятларнинг «идеал жами» атамаси ўрнига бошқа тушунчаларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан Д.Н. Михайлов ўз вақтида жиноятларнинг идеал жамини «бир қилмиш орқали содир қилинадиган жиноятлар мажмуи». Жиноятларнинг реал жамини эса, «алоҳида қилмишлар орқали содир қилинадиган жиноятлар жами»га бўлади. Бу борада В.П. Малковнинг жиноятларнинг идеал ва реал жами каби тушунчаларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобайди.

Ўз навбатида проф. А.Н.Трайнин ҳам бу масалага эътибор бериб, жиноятларнинг идеал жами бу -шахснинг бир ҳаракатти орқали бир неча жиноий нормаларни бузилишидир», деб ёзган эди.

¹ Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г., Стр- 347.

² В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступления М.1963. Стр-2 88

М.М.Исаев, Н.Д.Дурмановлар эса идеал жами деганда айбдорнинг бир ҳаракати орқали икки ёки бир неча жиноят таркиби бажарилишини назарда тутганлар.

А.А.Пионтковский жиноятларнинг идеал жами деганда бир неча жиноятни назарда тутди.

Юқорида келтирилган идеал жами тушунчаси тўғрисидаги фикрларнинг ҳар бирида бу масала турлича талқин этилгани ҳолда, деярли барчасида идеал жами деганда, бир ҳаракат орқали бошқа жиноятларни келиб чиқиши назарда тутилади. Бу борада А.Н.Трайнининг идеал жамида бир неча жиноят-ҳуқуқдош нормалар бузилади, деган фикр юритади. Лекин жиноятларнинг идеал жами бир ҳаракат орқали икки ёки ундан ортиқ жиноят қонуни нормаларини бузишгина эмас, балки ҳақиқатда икки ёки ундан ортиқ, мустақил жиноятларни содир этишдан, яъни икки ёки ундан ортиқ жиноят таркибларни бажаришдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жиноятларнинг идеал жамига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

<i>NOTA BENE!</i>	
Жиноятнинг идеал жами деганда, Жиноят кодекси Махсус қисимининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни бир вақтнинг ўзида битта жиноий ҳаракат билан содир қилишга айтилади».	

Жиноятларнинг идеал жами жиноят ҳуқуқи назариясида бир объектли ва турли объектли идеал жамига бўлинади. Бир объектли идеал жами деганда, тажовуз объекти бир хил бўлган ҳолларга айтилади. Бир объектли идеал жами ўз навбатда юридик адабиётларда бир турдаги ва ҳар хил турдаги айб шаклига эга бўлган идеал жамига бўлинади.¹

Ҳар хил объектли жиноятларнинг идеал жами амалиётда кўп тарқалган бўлиб, у шахснинг бир ҳаракати орқали қонун билан қўриқданганда турли хил ижтимоий муносабатларга-объектларга тажовуз қилишда намоён бўлади.

Турли объектли идеал жамида айбнинг бир шакли мавжуд бўлиши хосдир. Лекин шу билан биргаликда амалиётда ҳар хил айб шаклига эга бўлган идеал жами ҳам учраб туради.

Ўз навбатида таъкидлаш керакки, амалиётда ҳар хил айб шаклига эга бўлган жиноятларнинг идеал жами билан мураккаб

¹ В. П. Малков “Совокупность преступлений”. // Казань 1974 г., Стр-162.

айбли жиноятларни фарқлаш борасида бирмунча хатоликлар учраб туради.

Мураккаб айбли жиноятлар (Жиноят кодексининг 23-моддаси) бу бир таркибли жиноятлар бўлиб, ўзининг белгилари, хусусиятларига кўра жиноятларнинг идеал жамидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 23-моддасида: «Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун катикрок, жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади» дейилади.

Жиноят кодексига шундай нормалар мавжудки, уларда ижтимоий хавфли ҳаракат айбнинг қасд шаклида содир этилган бўлиши мумкин, келиб чиққан оқибатлар эса эҳтиётсизлик орқасида юз бериши мумкин. Масалан, қасддан баданга шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, (ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди). Бу жиноятни содир этишда шахс қасддан баданга оғир шикаст етказди, ўлимга нисбатан эса эҳтиётсизликдан муносабатда бўлади, чунки айбдор соғлиққа тажовуз қилганда уни ўлдириш нияти йўқ, бўлган. Умуман бу жиноят айбнинг қасд шаклида содир этилган жиноят деб қаралади.

Моддий тарихли ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ҳар бир муайян ҳолда шахснинг айбини, қилмишга нисбатан эмас, юз берган оқибатга нисбатан белгилаш лозим. Шунинг учун агар оқибат юз берса, унда шахснинг эҳтиётсизликдан келиб чиққан оқибатнинг юз беришида айби бўлмаса, уни юз берган оқибатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мураккаб айбли жиноятларда эҳтиётсизлик фақат квалификация қилинадиган оқибатларга нисбатан бўлиши мумкин, лекин юқорида таъкидланганидек, улар умуман қасддан қилинган жиноят деб ҳисобланади.

Демак, мураккаб айбли жиноятлардан Жиноят кодексининг икки ёки ундан ортиқ моддалари билан квалификация қилинадиган бир қанча жиноятлар содир қилишнинг фарқини аниқлаш, қилмишни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашнинг муҳим шартидир.

Энди жиноятларнинг идеал жамини турларига яна қайтсак, В, П. Малков юқоридагилардан ташқари жиноятларнинг идеал жамини бир турдаги ва ҳар хил турдаги идеал жамига бўлади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал жамини бундай турларга

бўлиниши, ўз навбатида кўпгина, муаллифлар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, А.М. Яковлев дастлаб, бир турдаги жиноятлар деганда, Жиноят қонунининг айнан битта моддасида назарда тутилган жиноятларни назарда тутуди,¹ қолган барча жиноятларни эса у ҳар хил турдаги жиноятлар гуруҳига киритади. Бир турдаги ва ҳар хил турдаги жиноятларга берилган ушбу таъриф асосида. А.М. Яковлев бир турдаги идеал жами мавжуд бўлиши мумкин эмас деган хулосага келади.² Ушбу фикрни болгар криминалисти Д.П. Михайлов ҳам қўллаб қувватлайди.

А.С. Никифоровнинг фикрича, шахснинг бир ҳаракати орқали айнан битта жиноят таркиби белгиларига мос келадиган бир неча жиноятлар содир этилганда ҳам жиноятларнинг идеал жами мавжуд бўлади.³

А.М.Яковлевнинг фикрига кўшилган ҳолда, жиноятларнинг идеал жами айнан бир турдаги жиноятлардан ташкил топмаслиги, жиноят қонунининг айнан битта моддасида назарда тутилган қилмишларга мос тушмаслигини таъкидлаш мумкин. Ушбу ҳолатлар кўпроқ, такроран жиноят содир этишни (Жиноят кодексининг 32-моддаси) ташкил этади. Чунки, такроран жиноят содир этишнинг муҳим белгиларидан бири уни ташкил этувчи жиноятларнинг бири-бирига ўхшаш бўлишлиги, яъни Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан битта моддасида назарда тутилган жиноятлар бўлишлигидир.

Ушбу ҳолларда гарчи жиноятлар бир вақтнинг ўзида содир қилинса, ҳам жиноятларнинг айнан ўхшаш бир турда эканлиги уни такроран жиноят содир этиш деб баҳолашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қароридан «Мансобдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такроран пора олиш деб тавсифланиши лозим»⁴ дейилади.

Юқоридагидай ҳолатларда шахс айнан бир жиноят таркибининг белгиларига мос келадиган ҳаракатларни бир вақтнинг ўзида бажаради, лекин унинг қилмиши жиноятларнинг жами сифатида баҳоланмайди. Шу жиҳатдан А.С. Никифоровнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

¹ А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г., 29-30-бетлар

² Ўша ерда., 52-53-бетлар.

³ Ўша ерда., 52-53-бетлар.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленуми Карорининг туплами Тошкент «Шарк» 74 –бет.

Маълумки, содир этилган қилмишни идеал жами тарқасида квалификация қилишда суд-тергов амалиётида маълум бир қийинчиликлар учраб Пленум қарорларида ушбу масала ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 20 декабридаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорнинг 21-бандида шундай дейилади: «Айбдорнинг хокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб, содир этган қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар ва Жиноят кодекси 206-моддасининг тегишли қисмлари билан тасниф қилиниши керак лиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарорнинг 22-бандида эса «озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахс томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари билан боғлиқ, ҳолда қасддан одам ўлдиришни Жиноят кодексининг 220-моддасининг диспозицияси жабрланувчини ҳаётидан маҳрум этишни қамраб олмаслиги сабабли, Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириш ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарган ҳаракатлари учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари билан тавсиф қилиниши керак»лиги кўрсатиб ўтилган.

Шуни айтиш лозимки, шахснинг қилмишида жиноятлар идеал жамининг мавжудлиги ёки йўқлиги тегишли жиноят таркибининг қандай белгиларни ўзида мужассамлаштиришига боғлиқдир. Муайян жиноят таркибига қўшимча қандайдир белгиларнинг киритилиши ёки уларни чиқарилиши қилмишда жиноятларнинг идеал жами мавжудлиги ёки йўқлигини намоён қилиши мумкин. Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларини тузишда жиноят таркибининг белгилари қанчалик тўла акс эттирилса, амалиётда қилмишни идеал жами тариқасида квалификация қилиш учун эҳтиёж назаримизда шунча кам бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча жинойий қилмишни турли вақтларга содир этиб, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятларнинг реал жами дейилади¹

¹ Жиноят ҳукуки (Умумий қисм) Тошкент «Адолат» 1998й 172-бет

Жиноятлар мажмуи масласини тадқиқ, қилиш шуни кўрсатадики, жиноятларнинг реал жами, идеал жамига қараганда кўпроқ тарқалган жиноятлардан бўлиб ҳисобланади. Маълумотларга кўра 91,6 ҳолларда жиноятларни реал жами тариқасида содир этиш ташкил этса, 8,4 фоизини идеал жами тариқасида жиноят содир этиш ташкил этади.

Юридик адабиётларда билдирилган фикрларга кўра, реал жами учун унинг таркибига кирувчи жиноятларни турли вақтларда содир этилиши хусусиятли бўлиб жиноятларнинг реал жами ўз навбатида бир турдаги ва турли турдаги реал жамига бўлинади. Жиноятларни турли вақтларда содир этилиши, қилмишни реал жами эканлигини аниқлашда қийинчиликлар тудирмайди. Чунки, ушбу ҳолда ҳар бир қилмиш мустақил равишда квалификация қилинади.

Жиноятларнинг реал жамини турли ва бир турдаги жиноий қилмишлар ташкил этиши мумкин. Яъни реал жамида, субъект айнан бир турдаги ва турли ижтимоий муносабатларга таъсир этиши мумкин. Шунинг билан биргаликда, шахснинг қилмиши реал жами тариқасида нафақат тамом бўлган жиноятлар мавжуд бўлганда, балки улардан бири жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд, бошқаси тамом бўлган жиноят бўлганда ҳам ташкил этади.

А.М. Яковлев жиноятларнинг реал жамини қуйидаги турларга бўлади:

а) бир-бири билан аниқ ҳолатларга кўра боғлиқ, жиноятларнинг реал жами;

б) жиноятлар фақат бир шахс томонидан содир этилганлиги туфайли бир-бири билан боғлиқ жиноятларнинг реал жами. Олимнинг ушбу фикри бошқа олимлар томонидан ҳам маъқулланган бўлиб албатта улар амалий аҳамиятга эга.

В.П. Малков ўзининг тадқиқотларида ягона мураккаб жиноятларни, жиноятлар мажмуидан фарқлаш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга эътибор бериб уларни кўрсатиб ўтади:

а) бир жиноий қилмиш бошқа жиноятни содир этилишига шароит бўлиб ҳисобланадиган ёки шароит яратадиган реал жами;

б) бир жиноят бошқа жиноятни содир этилишида жиноятнинг усули ва воситаси бўлиб ҳисобланадиган реал жами;

в) содир этилган жиноятлар содир этиш усули, шароити, воситалари жиҳатидан ўзаро муносабатда бўлмай, вақт бирлиги ва тажовузжойи бирлиги билан хусусиятланадиган жиноятларнинг реал жами.

г) тажовуз мотивининг бир турда эканлиги билан хусусиятланадиган жиноятининг реал жамидир.

Юридик адабиётларда юқоридагилардан ташқари жиноятлар мажмуини уни ташкил қилувчи икки ёки ундан кўп жиноятларнинг ички боғлиқлигига қараб, турларга бўлиш ҳам учрайди. Жумладан, А.С. Никифоров бир-бири билан ички мохияти жиҳатдан боғланиб кетган бир хил жиноятларни турли вақтларда содир қилишдан иборат бўлган жиноятлар жами ва бир-бири билан ички боғлиқликка эга бўлмаган турли жиноятларни турли вақтларда содир қилишдан иборат бўлган жиноятлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, жиноятларнинг идеал ва реал жамига бўлинишининг ҳуқуқий аҳамияти гарчи адабиётларда бошқа фикрлар билдирилган бўсада жуда катта.¹

Жиноятларнинг идеал ва реал жами содир қилиниш вақти ва ҳуқуқий оқибатлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бўлар қуйидагиларда ифодаланади.

1) Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасининг (жазони оғирлаштрувчи ҳолатлар) «н» бандида кўрсатилишича, илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран жиноят содир этиши, жазони оғирлаштирувчи ҳолат ланади.

2) Агар айбдорнинг бир ҳаракати билан Жиноят кодекси иккита моддаси билан квалификация қилниши лозим бўлган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилинган бўлса, айбдор Жиноят кодексининг 66-моддасига биноан (айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан) жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бундай жиноятлар реал жами тарикасида содир қилинса, жавобгарликдан озод қилишнинг бу тўрини қўллаш мумкин бўлмайди.

3) Жиноятларнинг идеал жамида шахсга нисбатан, агар бунга қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, Жиноят кодексининг 71-моддаси тартибда жазодан озод қилиниши мумкин. Реал жами тарикасида содир қилинган жиноятларга нисбатан эса эса ушбу моддани қўллаш мумкин бўлмайди. Шунингдек, жиноятларнинг реал жами тарикасида бир қанча жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан жиноят қонунида кўзда тутилган бошқа имтиёзларни

¹ А.С. Никифоров Совокупност преступлений Стр--10

қўллаш мумкин бўлмайди. Қонунда ана шундай ҳолат белгиланишининг асосий сабаби жиноятларнинг идеал жами тариқасида жиноят содир этган шахсга нисбатан реал жами тариқасида жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир. Шахснинг олдин битта жиноятни содир қилиб, яна янги жиноят содир этиш, жиноий фаолиятини давом эттирганлиги унинг ижтимоий хавфли эканлигидан далолат беради. Бошқача тенг шароитларда шахснинг онгида ва рухий ҳолатида низоли ва муаммоли вазиятларни хал қилиш воситаси сифатида жиноят содир қилишга тайёргарлиги илдиз отиб кетганлигини намоён қилади.

Демак, юқоридагилардан кўришиб, турибдики, жиноятларнинг реал ва идеал жамига бўлинишининг ҳам амалий ҳам назарий аҳамияти жуда каттадир. Жиноятлар жами тушунчасини жиноят қонунининг мустақил институти сифатида ажратиб кўрсатилиши учун барча асослар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодекси тузилишига кўра 1959 йилги кодексдан фарқ қилиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг деярли кўпчилик моддалари қисмларга, хар бир қисмлари яна бандларга бўлинади. Шунга мувофиқ равишда Махсус қисм битта моддаси битта қисмини турли бандларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир қилинсада, жиноятлар жами мавжуд бўлмайди. Яъни, масалан, шахс анча миқдорда ўзганинг мулкини яширин равишда ўгирлаган, маълум вақт ўтгандан сўнг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир қилган бўлса, жиноятлар мажмуини ташкил этмайди. Жиноят кодексининг 33-моддасининг мазмунига кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилиш учун Махсус қисм турли моддларида ёки битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир қилиниши керак. Ушбу ҳолда жиноятлар жами деб эмас, балки жиноят такроран содир қилинган деб ҳисобанди

Агар айбдорнинг биринчи жинояти юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ёки судда кўрилаётган ёхуд ҳукм чиқариш олдида янги жиноят содир қилган ёки ҳукм чиқарилганидан кейин янги жиноят содир қилган бўлса, жиноятлар жамини ташкил этадими деган савол тугилади. Бу масалада. Профессор А.С Никифоровнинг: «Агар олдинги жинояти учун ҳукм

чиқарилгунга қадар янги жиноят содир қилнган бўлса, жиноятлар жами деб ҳисобаниши керак» деган фикр юилдиради.¹

Аксинча, янги жиноят олдинги жинояти учун ҳукм чиқарилгандан сўнг содир қилинса, у жиноятлар мажмуи деб эмас, балки рецедив жиноят деб топилиши ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиши лозим бўлади.

Ю.Юшков ва Г.М. Кафоровлар бу масалада. А.С. Никифоровнинг фикрига қўшилмай, «Шахс фақат айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейингина маҳкум ҳисобанади. Шунинг учун бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайнлаш тартиби айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг содир қилинган жиноятларга нисбатан тадбик этилиши кеарк. Ҳукм қонуний кучга кирмасдан янги жиноят содир қилинган бўлса, жиноятлар жазолар жами тариқасида жазо тайинланиши керак», деб ёзадилар²

Н.А.Стурочков, Н.В. Кудряевлар ҳам бу масалани ҳукм чиқарилган вақтдан ҳисоблаш кераклиги хақида фикр билдирадилар.

Айрим муаллифлар жиноятлар жами деб ҳисобаш учун жиноят таркиби ҳар хил бўлган жиноятларни содир қилиши тушунилиши керак, деб ёзадилар. Аммо амалиётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Жиноят таркиби бир хил бўлган қилмишлар ҳам жиноятлар мажмуини ташкил қилаверади. Масалан, шахс мукаддам Жиноят кодексининг 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилиб, кейин кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш жиноятини содир қилган бўлса, жиноятлар жамини ташкил қилаверади. Ушбу ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги» қарорида «Шахс томонидан айна бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарида тутилган қисми бўйича юзага келади» дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддаси 2-қисмида «Агар шахс содир этган қилмишида ушбу кодекс Махсус қисми айна бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади»- дейилади. Қонундаги бу тушунтиришни нотўғри тушунган айрим судлар

¹ А.С. Никифоров Совокупност преступлений Стр--180

² Ю.Юшков Провавовые последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970

жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиб жазо тайинлаш керак бўлган қилмишларга ҳам тадбиқ қилмоқдалар.

Жиноят кодекси 33-моддасининг 1-қисмида идеал ёки реал жами тариқасида камида Жиноят кодекси Махсус қисмининг иккита моддаси билан квалификация қилинадиган жиноятлар назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг 2-қисмида фақат битта модда билан квалификация қилиш ва жазо тайинлаш мумкин бўлган жиноят ҳақида сўз кетмоқда. Жиноятлар мажмуининг маъносини янада аниқлаштириш мақсадида шу модданинг 2-қисмига ана шу тушунча киритилиб, агар битта жинойи қилмишда Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятни квалификация қилиш белгилари мавжуд бўлса, жиноятлар жамини ташкил қилмаслигини, бундай ҳолда ўша модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиш зарурлиги таъкидланган.

Масалан, айтайлик айбдор ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўта шафқатсизлик билан Жиноят кодекси 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир қилган. Ушбу жиноят битта жинойи қилмиш, аммо 104-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган квалификация қилиш белгилари бор. Ана шундай ҳолларда энг оғир квалификация қилиш белгиси орқали жавобгарликка тартиш зарур бўлади.

Жиноят кодекси 33-моддаси 2-қисмини таҳлил қилишдан айнан анашу юқорида айтилган маъно келиб чиқади. «Агар шахс содир этган қилмишда»-деб, қонун бу тушунчани кўпликда эмас, бирликда бермоқда. Демак, фақат бир ҳаракат билан содир этилган битта жиноят назарда тутилмоқда.

3 Рецидив жиноят тушунчаси.

Рецидив сўзи жиноят ҳуқуқида жиноят факти ходисасининг қайтарилиб туриши, криминалогияда эса ижтимоий ходиса сифатида жиноятчиликнинг қайтарилиб туришига нисбатан ишлатилади. Шунга кўра жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш тушунчаси, криминологияда ишлатиладиган рецидив жиноятчилик тушунчасидан фарқ қилади. Жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш такрорланган юридик фактга нисбатан ишлатилса, криминалогияда жиноятчиликнинг тизимида ижтимоий ходиса сифатида такрорланган жиноятчиликка нисбатан ишлатилади.

Криминологияда шахснинг илгари содир этган жинояти тегишли давлат органига маълум бўлган ва рўйхатга олингандан кейин, янги жиноят содир этишни рецидив жиноят содир этиш деб тушунилади.

Рецидив жиноят тушунчаси хақида ҳуқуқшунослар турли фикрларни билдиришган. А.А Пионтковский олдинги жиноят учун суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин такроран жиноят содир этишни рецидив жиноят деб тарифлаган¹.

А.С. Шлапачников эса олдинги жинояти учун жазони ўташ вақтида ёки жазони ўтаб бўлгандан кейин такроран жиноят содир этишни рецидив жиноят содир этиш деб ҳисоблаган².

М.Д Шаргородскийнинг фикрига кўра, агар шахс ҳукм қилинганидан кейин янги жиноят содир этса, бу рецидив жиноят эмас, балки, ҳукмларнинг жами бўлади деб ҳисоблаган. Ф.Р. Сусандоров эса рецидив жиноят тушунчасини озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ билан боғлаб тушунтиради³. А.Ф. Зелинский рецидив жиноят тушунчаси фақатгина муайян турдаги жиноий жазо билангина эмас, хатто ҳар қандай таъсир чораси қўлланилганидан кейин янги жиноят содир этиш билан боғлиқ эканлигини айтади.⁴

Рецидив жиноятнинг зарурий белгиларини К.А.Панько қуйидагилар деб ҳисобаган:

- а) содир этилган жиноятнинг такроран содир этилганлиги;
- б) шахснинг олдинги жинояти учун судланганлиги.⁵

Рецидив жиноят тушунчаси илк бор 1919 йилги «РСФСР жиноят ҳуқуқи бўйича бошқарув асослари» нинг 12- моддаси «г» бандида белгиланган. Унда судлар жазо тайинлашда жиноят пофессианал жиноятчи (рецидив) томонидан ёки илк бор содир этилганлигини ҳисобга олишлари кераклиги белгиланган эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида рецидив жиноятларнинг қуйидаги турлари:

- 1) оддий рецидив;
- 2) хавфли рецидив
- 3) ўта хавфли рецидив ажтатилган.

Жиноят кодекси 34-моддасида рецидив жиноят тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра шахснинг илгари қасддан содир этган

¹ Пионтковский А.А. “Учение о преступление”. // М., 1961, Стр-650.

² Шлапачников А.С. Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г., Стр-179.

³ Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982. Стр-29

⁴ Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980, Стр-9-10.

⁵ Панько К.А. “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988 г., Стр-40.

жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Демак, қуйидаги ҳолларда жиноятлар рецидив жиноят деб айтилади:

а) илгари жинояти учун судлангандан кейин янги жиноят содир этиши;

б) биринчи ҳукм юридик оқибатлари ёки муддат ўтиши натижасида ёки бошқа тартибда хали тугамаган даврда жиноят содир этиши.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида «хақиқий рецидив жиноят» тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча шахс томонидан иккита ёки ундан кўп жиноий қилмишлар содир этганликнинг барча ҳолларини, субъектда аввалги қилмишлари учун судланганлиги бор йўқлигидан қатъий назар, қамраб олади.

Қонучилик ва суд амалиёти жиноятчилар шахси хавфлилиги даражасини жазо муддатини белгилашда муҳим омил сифатида эътироф этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54- моддасида «Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади» дейилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 1996 йил 19 июлда қабул қилинган «Жиноий жазо чораларини тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги қарорида судлар оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўллаши лозимлиги белгиланган. Жиноятчи шахсининг юқори даражада хавфлилигини таъкидлашга, уни рецидивистлар тоифасига киритишга ва тегишинча унга нисбатан жазо муддатини оширишга имкон берадиган юридик жиҳатдан жиддий аломатларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят кодекси 34- моддаси 2-қисмига асосан илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади. Оддий рецидивдан фарқли равишда хавфли рецидив қонун чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун квалификация қилиш белгиси сифатида баҳоланадиган белги каби таърифланади. Бундай ҳолатда содир этган жинояти учун илгари озодликдан маҳрум этилган шахс яна ўша жиноятга ўхшаш қилмишни содир этса хавфли

рецидивист деб топилади. Шахсни хавфли рецидивист деб топиш учун бундан бошқа процессуал қарорга эҳтиёж бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида» ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорида “Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чораларини қўллашга олиб келади. Шу сабабли бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак”¹.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун шахсга нисбатан беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган янги жиноят содир этиши, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) олдин кейинлигидан қатъий назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади. Шахсни фақат суднинг ҳукми билангина ўта хавфли рецидивист деб топиш мумкин. Бундан ташқари шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун бошқа давлатларнинг ҳукмлари ҳам эътиборга олинади. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:

1) ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик махсус қисмининг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида таснифловчи белги сифатида баҳоланади;

2) ўта хавфли рецидивист эркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли колонияларда, аёллар эса қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар;

3) ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма қамоғида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет.

4) уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

5) уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайди;

6) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлашнинг алоҳида тартибда белгиланади.

Рецидив жиноят ҳам қуйидаги ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:

1) рецидив жиноят учун жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 56-моддаси «н» банди асосида ҳисобга олинади;

2) Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартибига сабаб бўлади;

3) шартли ҳукм қилишга тўсқинлик қилади (Жиноят кодекси 2-қисм);

4) жазони ҳақиқий муддатини узайтириш учун, жазо ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишда ҳисобга олинади (Жиноят кодекси 73-модда).

Олимлар томонидан талқин қилинадиган рецидив жиноят тушунчаси қуйидаги гуруҳларга: «легал» рецидив ва «петенциар» рецидив жиноятларга ажратилади.

«Легал» рецидив жиноятнинг ажратилиши жиноят қонунчилигини талқин қилишга асосланади. Бу турдаги шахс илгари ижтимоий хавфли қилмиши учун ҳукм қилинганидан кейин унинг судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган ва тугалланмаган ҳолда у томонидан содир этилган такрорий жиноятлардан иборат бўлади.

«Петенциар» рецидив жиноят тушунчасидан кўпроқ жиноят ҳуқуқи ва жиноят ижроия ҳуқуқида фойдаланилади. Жиноят ҳуқуқида бевосита «петенциар» рецидив жиноят тушунчаси берилмаган бўлсада, Жиноят кодекси 34- моддасининг 3-қисмида жиноятни ўта хавфли рецидив жиноят деб топиш учун шахс олдинги жиноятлари учун фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлиши керак деган хулоса келиб чиқади. Агарда шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосидан амнистия акти ёки бошқа асосларга кўра озод қилинган бўлиб, янги қасддан жиноят содир қилса «петенциар» рецидив жиноят деб ҳисобланади. Бундай ҳолда

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс тайинланган жазонинг ҳеч бўлмаса бир қисмини озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўтаган бўлиши керак. Чунки шахсга нисбатан «петенциар» рецидив жиноят деганда, жиноят ижроия шароитида бўлганлиги назарда тутилади. Шахс озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир этса, бу жиноят «петенциар» рецидив жиноят ҳисобланмайди.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Бир канча жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг узокка чузилган, давомли жиноятлардан фарқи ?
- 2) Такрорий жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг Жиноят кодексига киритилишининг ахамияти нималардан иборат?
- 3) Жиноятлар мажмуини хараактерловчи белгилар нималардан иборат? Жиноятлар идеал ва реал жами деганда нимани тушунасиз?
- 4) Рецидив жиноят ва унинг ҳуқуқий оқибатлари нималарда ифодаланади?
- 5) Рецидив жиноят, жиноятлар мажмуи ва тароран жиноят содир этишнинг умумий белгилари ва улар уртасидаги фарқ?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”, 1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.: 2000 й.

13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон» Т.:1973й.
14. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Е.А.Флоров, Р.М.Галиакбаров. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного право, М.:1967,
26. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
27. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик тахлили» Т.: 2000 й.
28. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
29. В.Н. Кудрявцев Теоритические основы квалификации преступление М.:1963г.
30. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
31. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
32. Ю.Юшков Провавовые последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
33. А.А Пионтовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.

34. Ю.Юшков Провановые последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
35. А.С. Никифоров Совокупност преступлений стр--180
36. Сундров Ф.Р Лишение свобод социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
37. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
38. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.г
39. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
40. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
41. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
42. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
43. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
44. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
45. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
46. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
47. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
48. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
49. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
50. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
51. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
52. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
53. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
54. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

57. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

61. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

62. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

63. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

14-БОБ: ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

1. Жазо тушунчаси

Жазо чоралари жиноятчиликка қарши курашда, жамиятни жиноий тажовузлардан химоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жазо Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида жавобгарлик белгиланган, содир этилган жиноятнинг ҳуқуққа хилофлилик белгисидир. Жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланиладиган қонунийлик ва айб учун жавобгарлик принципларида ифодаланади.

Жазо- суд ҳукми билан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган ва судланувчини озодликдан маҳрум қилувчи ёки унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи мажбурлов чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида жазога:

<u>NOTA BENE!</u>	
--------------------------	--

<p>Жазо-бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номонидан суд ҳукми асосида қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир, деб таъриф берилган.</p>

Жиноят қонунини қўллашда: жиноий жавобгарлик нимага асосланади ва нима учун жазо тайинланади ҳамда белгиланадиган жазо чорасининг миқдори нимага боғлиқ ва айбдор қандай жазоланиши керак, деган саволларга жавоб топиш муҳимдир.

Жиноят ҳуқуқи функциясини амалга оширишда жиноий жазонинг аҳамияти катта эканлигини қайд этиш лозим.

Баъзи функциялар фақат жиноят ҳуқуқига хос бўлиб, уларга: қўриқловчи ва ижтимоий-мажбурлов функциялари киради. Жиноят ҳуқуқи ва жиноий жазо юқоридаги функциялар орқали ўзаро боғлиқ. Жиноий жазо ижтимоий-мажбурлов, яъни – жиноятни умумий ва махсус огохлантириш функциясини амалга оширади

Жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликдан фарқли равишда жиноий жазо масаласи аниқроқ очиқ берилган. Бу масала жиноят ҳуқуқига оид дарсликларида ва жиноят ҳуқуқи курсларида тўлиқ ёритилган.

А.И. Чучаевнинг фикрича жиноий жазо – бу жиноят қонунида белгиланган ва шахсни озодликдан маҳрум қилувчи, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи давлат мажбурлов чораси; жазо жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланилади, суд ҳукми асосида давлат номидан тайинланади.

Давлат номидан қўлланиладиган мажбурлов чораси турлича бўлиб, жиноий жазо бу мажбурловнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Бу ҳақда қатор тарихий маълумотлар мавжуд. Италиялик олим Ч. Беккариа (1738-1794) “Жиноят ва жазолар ҳақида” деб номланган асариди(1764 йил):“Фақат қонунда, содир этилган жиноятга нисбатан жазо белгиланиши мумкин ва бундай қонунни қабул қилиш ваколати қонун чиқарувчига берилади. Хеч қандай судья ҳақиқатни бузмасдан, жиноятнинг бошқа иштирокчиларига жазо тайинлай олмайди. Қонунда белгиланмаган жазо, яъни қонунда белгиланган доирадан четга чиққан жазо адолатсиз ҳисобланади”,-деган эди.

ЎзР 1994 йилги Жиноят кодексида қонунийлик принциpidан келиб чиқиб, қилмишнинг жиноийлиги, унинг жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят қонунида белгиланиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, у бошқа мажбурлов чораларидан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади:

1) **жиноий жазо жиноят қонунида қатъий белгиланган бўлади.** Жиноят кодексида судлар учун қатий бўлган жазо чоралари белгиланган бўлиб, судлар жазо тайинлашда Махсус қисм нормаси санкциясида кўрсатилган доирада жазо тайинлайдилар. Суд жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахсга қонунда белгиланган жазонигина тайинлайди, бошқа жазоларни давлат номидан қўлланиши ёки жиноят қонуни санкцияларидан четга чиқилишига йўл қўйилмайди. Давлат мажбурловининг алоҳида шакли бўлган жазо жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланилади.

2) **Жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади.** Бу қоида Жиноят кодексининг 42-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят кодекси 69-75-моддаларида белгиланган асосларга кўра жазодан озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштирилиши ҳам фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкин. Амнистия акти асосида ёки авф этиш орқали жазодан озод қилишда, бу актни чиқарган органнинг амнистия ёки авф этиш тўғрисидаги норматив

акти асосида озод қилинади. Фақат судлар жазодан озод қилиш ваколатига эга эканлиги ЖПКнинг 12-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Жиноий жазо ҳисобланмайдиган мажбурлов чоралари давлатнинг бошқа ваколатли органлари ёки ваколатли мансабдор шахслари томонидан ҳам қўлланиши мумкин.

3) ***Жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатангина қўлланилади.*** Маҳкум жазонининг ижросидан қочганда ҳам жазо маҳкумнинг оила аъзоларига ёки яқин қариндошларига нисбатан қўлланиши мумкин эмас. Айбдор шахсга жазо қўлланиши билан боғлиқ бўлган мулкӣ тўловлар унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларидан ундирилмайди.

4) ***Жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишда ёки ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда ифодаланади.*** Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш оқибатида у озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ жазолари қўлланилганда маҳкум жамиятдан ажратилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилганда шахснинг эркин касб танлаш ҳуқуқи, муайян лавозимни эгаллаши чекланади.

5) ***Жиноий жазонинг давлат хусусиятига эга эканлиги.*** Бу шундан иборатки, шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш, жазо, унинг аниқ тури ва миқдорини белгилаш фақат махсус давлат органи – алоҳида ҳокимият судга таалуқли бўлиб, давлатнинг бошқа органлари ёки жамоат ташкилотлари уни қўллай олмайди. Суд ҳукми давлат номидан чиқарилиб, қонуний кучга кирган суд ҳукми барча давлат, жамоат муассасалари ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси жазонинг давлат хусусиятига эга эканлигини ифодалайди.

6) ***Судланганлик шахснинг фақат жиноий жазога тортилганлиги туфайли келиб чиқади.*** Жазо тайинланган, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади. Судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқӣ оқибатлари бекор бўлади. Судланганлик муддатининг тугаши шартли ҳукм қилинганларга нисбатан, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомӣ қисмга жўнатиш, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо

қўлланилган шахсларга нисбатан вужудга келади. Судланган шахс жазони ўтагандан сўнг расмий хужжатлар тўлдирганида судланганлигини ёзишга мажбур бўлади.

Баъзи жиноятлари учун судланган шахснинг маълум вазифаларда ёки айрим жойларда ишлаш ҳуқуқи чекланади.

Бошқа таъсир чоралари қўлланилганда (маъмурий, интизомий, моддий) шахслар судланган ҳисобланмайди.

7) *Жазо- бу жиноят содир этган шахсни содир этган қилмиши учун жазолашдир.* Жазонинг бу зўрлов, мажбурлов томони жиноятчини жисмоний, мулкӣ, маънавий ва бошқа жиҳатлардан маълум даражада чеклаш ва маҳрум қилишдир. Суд шахсни озодликдан маҳрум этганда, уни истаган жойда яшаш ҳуқуқини чегаралаши, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиши чеклаши мумкин.

Жиноий жазо жиноятчининг шахсига қаратилган бўлиб, хатто у жавобгарликдан қочган вақтда ҳам, ундан бошқа шахсга нисбатан қўлланилмайди.

8) *Жиноий жазонинг вазифаси фақатгина содир этилган қилмиш учун жазолаш бўлмай, шунингдек, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамдир.* Жиноятчиларни тузатиш учун тарбиялашнинг алоҳида воситаси бўлган–жиноий жазо чоралари зарурдир Шунинг билан биргаликда кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир қилган шахс, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, маъмурий, интизомий ёки жамоат таъсир чораларини қўллаш йўли билан ҳам тарбияланади.

Жазони ўташ жараёнида шахсга нисбатан қўлланилган жазони ўташ жараёнида унинг тарбиявий таъсири катта бўлади. Шунинг учун жазо тайинланган ҳукмларни ижро этиш билан шуғулланувчи органларнинг бу соҳадаги фаоляти катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатилган белгилар жиноий жазони бошқа мажбурлов чораларидан фарқини кўрсатади. Жиноий жазо давлатнинг бошқа мажбурлов чораларига яқин бўлиб кўринсада, лекин улардан фарқ қилади. Масалан фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва мажбурий хусусиятга эга бўлади. Лекин фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ундирув тўғрисидаги қарор мулкӣ ёки бошқа хусусиятдаги даъволар юзасидан чиқарилади ва у жазо ҳисобланмайди. Бу хилдаги таъсир чоралари бевосита шахснинг

ўзига қаратилмайди ва шахс учун судланганлик сингари юридик оқибат келтириб чиқармайди.

Жиноий жазо қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1) жиноий жазо давлат мажбурлов чораси ҳисобланади;

2) жиноий жазо чораси фақат суд томонидан тайинланиши мумкин.

Жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади, бошқа ҳеч қандай қилмиш эмас.

3) Жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;

4) Жазо муайян ҳуқуқ ва эркинликни чеклашда ифодаланиши керак;

5) Махсус ҳуқуқ ва эркинликдан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунда кўрсатилиши мумкин.

Жиноий жазо шундай усул билан таъсир этиш чорасики, у муайян сифат ва миқдор хусусиятига эга.

Сифат хусусияти деганда, жиноий жазо чораси орқали таъсир этишнинг мазмуний жиҳати тушунилади, яъни унинг тури (масалан, жарима жазосини тайинлаш моддий таъсир этиш хусусиятига эга) усулда жиноятчи шахсига таъсир этишидир.

Миқдор хусусияти деганда, у ёки бу усулда таъсир этишнинг чегараси тушунилади (масалан, жарима жазосини белгилашда унинг суммаси, озодликдан маҳрум этишда унинг муддати). Ҳеч кимга жиноят қонунда белгиланган сифат ва миқдор хусусиятидан четга чиқиб жазо тайинланиши мумкин эмас. Фақат суд белгиланган жазо доирасида жиноят қонунига мувофиқ жазо муддати ва режимини белгилаш орқали қандай миқдорда ва сифатда жазо қўлланилишини белгилаши мумкин.

Жазо сифатида фақат мажбурлов хусусиятига эга бўлган таъсир чораси тан олинади, яъни жазо қўлланилаётган ёки бошқа шахсларнинг (жазони ижро этиш муассаси), ихтиёридан қатъий назар ижро этилади. Бу ўринда жазо қўлланилаётган шахсга нисбатан субъектив муносабатда бўлиш, унинг мажбурий хусусиятига таъсир этмайди. Жазо айбдор томонидан ихтиёрий тарзда ёки унинг ихтиёрига қарши мажбурий равишда ижро этилади, яъни бу ўринда унинг мажбурий эканлиги намоён бўлади.

Жазонинг мажбурий хусусияти, жазони айбдор томонидан, шунингдек, жазони ижро этувчи орган ходимлари, муассасалар маъмурияти томонидан ижро этилишини билдиради.

Жазони ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатувчи восита сифатида белгилаш учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1) Жазо мажбурлов чораси сифатида давлат номидан қўлланилади. Жазони қўллаш фақат давлатнинг ваколатли органи – суд томонидан амалга оширилади. Фақат Ўзбекистон Республикасининг ваколатли жазони ижро этиш органлари жазонинг ижросини амалга оширадilar, бу ўринда улар ўз номидан эмас, балки, давлат номидан ҳаракат қиладилар. Жиноий мажбурлов чораси бошқа давлат органлари томонидан қўлланилганида, бу таъсир чораси жиноий жазо деб ҳисобланмайди;

2) Жиноий жазо шахсий хусусиятга эга бўлиб, фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Жиноий жазонинг мазмуни жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг муайян ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш ёки улардан маҳрум этишда ифодаланади.

Жиноят қонуни доирасида таъсир этиш усули Жиноят ҳуқуқига кўра жиноий жазо чоралари фақат Жиноят кодексига тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда қўлланилади. Жиноят қонунида кўрстилмаган жазо чораларининг қўлланилиши мумкин эмас. Жиноятга таъсир этиш чораси сифатида жазонинг белгиланган хусусиятлари қуйидагиларни талаб қиладилар:

биринчидан, Жиноят кодексининг жазо тизимида мавжуд бўлиши;

иккинчидан, жиноят содир этганлик учун қўлланиладиган норманинг санкциясида кўрсатилган бўлиши (айрим ҳоллар бундан мустасно).

Жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш жиноий жазо чорасининг жазоловчи белгисини ифодалайди.

2. Жазонинг мақсади

Жиноий жазо давлат мажбурловининг алоҳида шакли сифатида юридик адабиётларда ҳуқуқий категория сифатида баҳоланади. Жиноий жазо ўз мазмуни, функцияси, хусусияти ва таъсир қилувчи объектига кўра, жазо тайинлаш жазони ижро этиш ва жазодан озод қилиш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларга нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Жиноий жазо жиноятчи шахси,

жамиятнинг бошқа аъзолари ва жамиятнинг ўзига таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораларининг жамидир. Бу давлатнинг жиноятчиликка қарши сиёсатини режалаштириш ва амалга ошириш, жиноят ва жиноят-ижроия қонуни талабларини бажариш имконини беради. Жиноий жазони ижтимоий категория сифатида ўрганишнинг муҳим муаммоси, унинг ижтимоий функцияси ҳисобланади. Жазонинг муҳим функцияларидан бири - жиноят содир этган шахсни унга нисбатан жазони қўллаш орқали уни огохлантиришдир.

Жиноий жазо умумий ва махсус ижтимоий назорат функциясини амалга оширади. Ижтимоий назоратнинг самарадорлиги жазони жиноятчиликка қарши кураш воситаси сифатида қўлланишига, кўпинча ижтимоий ўзгаришларнинг қонунчиликда акс эттирилишига ва ижро этилишига боғлиқдир.

Жазонинг мақсадини белгилаш – жиноят ҳуқуқининг муҳим масалаларидан бири. Унинг хал қилинишига нафақат шу ҳуқуқ соҳасининг институтлари, балки, жиноят қонуни нормаларининг қандай мақсадларда қўлланишига ҳам боғлиқдир.

Ч. Бекариа « Жазонинг мақсади инсонни азоблаш ва содир этилганг жиноятни бартараф этиш эмас... . Жазонинг мақсади шахсни жамиятга қайта зарар етказмаслик руҳида тарбиялаш ва бошқалар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборат.»¹ деб ёзади.

Н.С Таганцев, жазонинг мақсадини белгилаб, «Айдорга у томонидан содир этилган ҳаракат учун қўлланиладиган жазо чораси шундай бўлиши керакки, у давлат томонидан жазолашдан кўзланган мақсадлар учун хизмат қилсин»², дейди.

Жазонинг мақсадидан ушбу мақсадга эришиш йўлида муайян масалаларни хал қилувчи, оралиқ натижаларга эришувчи жазонинг функциясини фарқлаш лозим. Жазонинг мақсади ва тушунчалари функцияларини фарқламаслик ҳолатлари юридик адабиётларди учраб туради. Бу нафақат у ёки бу, балки, жазони ижтимоий жиҳатдан тайинлаш, жиноий жазо сиёсатини белгилаб олиш учун халақит беради. Масалан, жазонинг мақсади сифатида жазолашнинг ўзини белгилаш.

Жиноят кодексининг 42-моддасида жазонинг:

1) махкумни ахлоқан тузатиш;

¹ Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г, Стр-373

² Таганцев Н. С Русское уголовное право М, 1994, Том-2, Стр-97

- 2) шахснинг жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш;
- 3) бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш, каби мақсадлари белгилаб қўйилган.

Баъзи бир олимлар жазолашни жазонинг мақсадларидан бири деб қайд этадилар. Масалан, Н. А. Беляев «Жазонинг мақсади бўлган жазолаш деганда, биз ҳуқуқбузарга азоб бериш ва у томонидан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишни тушунамиз»¹ дейди. Бу эса қонунга умуман зиддир. И.И. Карпец эса, «Жазо чораси қўллаш билан маҳкум жазоланар экан ва муайян мақсадга эришилар экан, демак жазолаш жазонинг мақсадларидан биридир», деб такидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади белгиланган бўлиб унга кўра: «Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда шунингдек, бошқа шахсларларнинг жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади».

Қонунда белгиланган жазонинг мақсади-ижтимоий адолатни тиклашдир. Бу:

биринчидан, жазо содир этилган жиноят ва ва айбдорнинг шахсига мувофиқ бўлиши, жабрланувчи ва унинг яқинлари олдида, давлат ва бошқа органлар ҳамда жамият олдида адолатни тиклаши, жиноятнинг оғирлигига мувофиқ келишини англатади;

иккинчидан, жазонинг мақсади маҳкумни тарбиялашга қаратилгандир.

Баъзи муаллифлар жиноят ҳуқуқий жазо чорасини қайта тарбиялаш жараёни билан боғламаслик лозим деб ҳисоблайдилар. Аммо қонун чиқарувчи жазонинг мақсади маҳкумни тарбиялаш, деб белгилайди.

Жиноятнинг махсус олдини олиш –жазо чорасини қўллаш орқали маҳкумнинг руҳий ҳолати ва хулқини ўзгартириш, унинг онгидаги жиноят содир қилишга таъсир этган салбий хислатларни тугатиш ҳамда шахсларни қонунлар ва ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш, ҳалол турмуш кечириш ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялашдир.

Н. А. Стручков маҳкумни тарбиялаш деганда биринчидан, жиноят содир этган шахсга нисбатан таъсир кўрсатиш натижаси,

¹ Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963 г, Стр-25

иккинчидан, махсус тарбиялаш жараёни, яъни жазони ижро этиш жараёнида қўлланадиган ва мажбуран меҳнат қилиш чорасини қўллашни тушунади.¹

Н.А. Беляев «Тарбиялаш- бу жазони ижро этишдан олдин хал қилиниши лозим бўлган муҳим масаладир. Жиноятчининг тарбияланиши, унга нисбатан қўлланилган жазонинг таъсир этиши натижасида унда бўладиган ўзгаришлар бўлиб, у жамиятнинг фаол азосига айланмасада, жамият учун хавфли бўлмаслиги», деб тушунтиради

Суд жиноятчини тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадларини кўзда тутиб, жазо белгилаганда, ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, мақсадга мувофиқ жазо чорасини танлаши зарур.

Баъзан айбдорга жарима жазосини тайинлаш, ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиш орқали жиноий жазонинг мақсадига эришиш ҳам мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Қонунда такроран жиноят содир этганлик учун оғирроқ жазо белгиланиши ҳам жиноятларнинг олдини олишга қаратилган муҳим чоралардан биридир.

Маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялаш озодликдан маҳрум қилинган ёки бошқа жазо чораси қўлланилган маҳкумлар билан олиб бориладиган табиавий ишларга ҳам боғлиқдир. Бу тарбиявий чоралардан муҳими- маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш, улар билан сиёсий тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг умумий маданий савияларини ошириш ва бошқа тадбирлардан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасаларидаги махсус тартиб ҳам бунда катта аҳамиятга эга. Маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялашда давлат органлари билан бирга жамоят ташкилотлари ва меҳнат жамоасининг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Янги жиноят қонуни моделини яратишда жиноий жазонинг мақсадларидан бири, жиноятнинг умумий ва махсус олдини олиш қилиб белгиланди. **Жиноятни умумий олдини олишда** – судланган шахс орқали бошқа шахсларни огохлантирилади. **Махсус олдини олиш эса** – шахсни қайта тарбиялашга қаратилгандир.

¹ Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978. Стр-64

Жазонинг мақсадига эришиш механизми унинг жазолаш хусусияти ва маҳкум томонидан уни ўталишида ифодаланadi. Агар жазони қўллаш натижасида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишининг олди олиниши, бунда *индивидуал олдини олиш* дейилади. Бу ўринда шахснинг ўз айбини тан олганлиги, жазони ўтаганлиги азоб чекканлиги, шароитнинг ўзгарганлиги ёки шахснинг тузалганлиги катта ахамиятга эгадир.

Индивидуал олдини олишни самарадорлиги шундаки, у маҳкумнинг жазони ўташи натижасида ички руҳиятида вужудга келган ўзгаришни ифодалайди. Бу мақсадга турли даражада эриштирувчи жазолар бор. Масалан, ўлим жазосини қўллаш орқали бу мақсадга эришиб бўлмайди. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятларнинг индивидуал олдини олишда катта самара бериб, бу ҳолат жазони ўташ жараёнида рўй беради. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо, яъни ижтимоий назоратни кучайтирган ҳолда қўлланувчи шартли ҳукм қилиш ҳам индивидуал олдини олиш мақсадига эришишга хизмат қилади.

Жиноятчиликнинг умумий олдини олиш тушунчаси ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи ҳолларда бу тушунчага кенг маънода қаралиб, бу нуқтаи назар умумий огохлантириш барча фуқароларга, жамиятнинг барча аъзоларига қаратилган деган талқинга асосланади.

Жазонинг жиноят содир этган аниқ бир шахсга нисбатан қўлланиши, жиноят ҳуқуқий таъқиқнинг бузилиши қандай оқибатга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида умумий олдини олиш жиноят қонунчилигини бузиш мумкин эмаслиги ва жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигига ишонтириш, айбдорнинг жазоланиши жамият аъзоларига тушинтириш орқали тарбиявий функцияни ҳам бажаради.

Унча хавfli бўлмаган жиноятни содир этган, ижтимоий хавфи юқори бўлмаган шахсларга қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларни қўллаш орқали ҳам жазонинг мақсадга эришиш мумкин.

Жиноят қонуни муаммоларини ечишда, жазонинг мақсади ҳақидаги жамоатчиликнинг фикри катта ахамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жамоатчилик фикри жиноий жавобгарликни ва қонундаги санкцияларни қатъийлаштириш зарурлигини кўрсатиб, бир вақтнинг ўзида озодликдан маҳрум қилиш жазосидан кўзланган мақсадларга эришиш даражаси юқори эмас ва жазони озодликдан

махрум қилиш жойларида ўтаган шахсни тўғри йўлга қайтариш ва қайта тарбиялаш қийин деган фикр билдирилган.

Жазонинг мақсадларидан яна бири махкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилишдан иборат. Шахсга жиноят содир қилганлик учун у ёки бу турдаги жазо қўлланилганда, унинг ҳуқуқи чекланади ва хулқи назорат остига олинади. Айниқса, қамоқ ва озодликдан махрум қилиш жазосига ҳукм қилинган махкум қаттиқ назорат остига олинади ва ўз жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятидан махрум бўлади.

Давлат жиноий жазони қўллаш билан жиноятчини ўз фуқароларидан изоляция қилади ва химоя қилади, уни жиноят содир этиш имкониятидан махрум қилади. Маълум даражада бу махсус оғохлантириш чоралари доирасига киради. Ушбу мақсаднинг қонунда мустақил ажратиб кўрсатилганлиги тўғрибўлган.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Жиноий жазо нима ва унинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқи нималарда ифодаланади?
- 2) Жиноий жазонинг миқдор ва сифат хусусияти деганда нимани тушунаси?
- 3) Жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш деганда нимани тушунаси?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Тошкент Адолат. 1997
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.

12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // «Юрист» М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон» Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР «Юридическая литература М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар «Ўзбекистон» Т.:1988й.
- Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
17. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
18. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
19. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
20. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
21. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
22. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
23. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
24. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
25. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
26. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанског Университета
27. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
28. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 г.
29. А.С. Никифоров Совокупност преступлений
30. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
31. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.

32. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
33. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
34. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
35. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
36. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
37. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация в борьбе с преступностью. Саратов. 1978г.
38. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
39. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
40. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
41. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
42. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
43. Гаверов Г.С. “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
44. Мримонег А.А. “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
45. Рыбольская В.Я. “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
46. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г
47. Шамсиев Э.С, Искандаров А.И, Зуфаров Р.А., Талимбекова В.К. «Судебная Медицина» Учебник для вузов Тошкент-2003
48. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
49. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
50. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет
51. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

52. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

53. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

54. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги конуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38


56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

58. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1- ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

15-БОБ: ЖАЗО ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

1. Жазо тизими тушунчаси



Жазо жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиши билан бир қаторда, жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шаклларида ҳисобланади. Қилмишнинг жазога сазоворлиги жиноят қонунини ижтимоий муносабатларга таъсир этиш воситасига айлантиради, ҳуқуқий нормаларни инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш механизмига айлантиради.

Суднинг қонунни қўлловчи вазифаси жиноят содир этган шахсларга нисбатан аниқ жазо турининг суд ҳукмида белгиланишида намоён бўлади. Суд максимал даражадаги индивидуаллаштирилган жазо тайинлаш учун жиноятнинг хусусияти ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олади.

Жиноят кодекси 43-моддасида жазо тизими берилган бўлиб, унда жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари кўрсатилган. Жиноят кодекси 43-моддасида белгиланган жазо тизими содир этилган жиноятнинг оғирлиги ёки унча хавфли эмаслиги нуқтаи назаридан жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ бўлиши тўғрисидаги фикрларга мос келади. Аввалги Жиноят кодексидан фарқли равишда янги Жиноят кодексидagi жазо тизими ўзининг оғирлиги нуқтаи назаридан юқоридан пастга қараб эмас, балки, пастдан юқорига қараб белгиланган. Жазо тизимининг бундай тартибда белгиланиши ўзида «инсонпарварлик» принципини тўла акс эттиради.

Суд айбдорга нисбатан фақат жиноят қонунида назарда тутилган жазо туринигина қўллаши мумкин. Бу қонунийлик ва давлатнинг жиноятчиликка –қарши кураш сиёсатини, жазолаш функциясини амалга оширилишини тaминлайди.

Жазо тизими енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган жазо турлари йиғиндисидир.

Янги Жиноят кодексидa белгиланган жазо тизимида аввалги жиноят қонунидаги бир қанча жазолар: бадарға, сургун, вазифасидан бўшатиш, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси каби жазолар ўрин олмаган. Бунинг сабаби юқоридаги жазоларининг амалда ижобий натижа бермаганлигидадир.

Жиноят ҳуқуқида жазо тизими умумий принциплар асосида тизимлаштирилган. Унда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, одиллилик ва инсонпарварлик принциплари мустаҳкамланган. Жиноят кодексидa кўрсатилган жазо тизимининг қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) давлат номидан қўлланилиши орқали судланувчини тарбиялашга, жинoий фаолиятининг олдини олишга, шунингдек умумий махсус **превенцияга** эришиш мумкин бўлган жазо тизимини ташкил қилувчи элементлар сифатида фақат алоҳида давлат мажбурлов чоралари кўрсатилади;

2) жазо тизими элементлари ўзарo боғлиқ ва бири-бирини тўлдиради. Жазо тизимининг бу белгиси жазо самарадорлигига эришиш учун ҳар томонлама ёндашишни билдиради, яъни белгиланган мақсадга эришиш бирон бир жазо чорасини қўллашга эмас, балки, судланувчига комплекс тасир чораларининг қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу белги Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси нормаларида альтернатив жазо чароларининг

белгиланиши ёки қўшимча жазо чорасини қўлланишида намоён бўлади;

3) жиноят қонунида белгиланган давлат мажбурлов чоралари қатъий бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. Жиноят кодексида кўрсатилмаган жазо чораларининг айбдорга қўлланиши мумкин эмас. Жиноят кодексидаги жазо тизимига киритилмаган жазо чораси Жиноят кодекси Махсус қисми санкциясига ҳам киритилиши мумкин эмас;

4) жазо тизимига киритилган жазо турлари оғирлик даражасига қараб жойлаштирилган бўлиб, енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган.

Жамиятда ва давлатда рўй бераётган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси жазо тизимига тасир қилади; жазо турлари ўзгаради, бази жазолар ўз ахамиятини йўқотиб, жиноят қонунидан чиқарилади, янги турлари эса қонунга киритилади.

1994 йилги Жиноят кодексида, жамият ва давлатимизда сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришлар эътиборга олиниб, жазо турлари қуйидагича жойлаштирилган:

- 1) *жарима*
- 2) *муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш*
- 3) *ахлоқ тузатиш ишлари*
- 4) *хизмат бўйича чеклаш*
- 5) *қамоқ*
- 6) *интизомий қисмга жўнатиш*
- 7) *озодликдан маҳрум қилиш*
- 8) *ўлим жазоси*

Янги Жиноят кодексида вояга етмаганларга нисбатан: 1) жарима 2) ахлоқ тузатиш ишлари 3) қамоқ 4) озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

1959 йилги Жиноят кодексидаги жазо тизимига нисбатан янги Жиноят кодексидаги жазо тизимида сезиларли ўзгаришлар мавжуд. Жазо тизимидан жамоат иззаси, сургун бадарға сингари жазолар чиқарилди.

Жиноят қонунида белгиланган барча жазо турлари: асосий ва қўшимча; муайян муддат билан боғлиқ бўлган ва муддат билан боғлиқ бўлмаган; маҳкумларга нисбатан моддий жафо келтирувчи, маънавий жафо етказувчи, уларнинг айрим ҳуқуқларини чекловчи жазолар ва ўлим жазосига бўлинади.

Қонунда асосий ва қўшимча жазолар назарда тутилган бўлиб, Б.М. Леонтьевнинг фикрига кўра «Асосий жазо- фақат ўзи қўлланиладиган, бошқа жазоларни тўлдириш учун ёки улар билан бирга қўлланиши мумкин бўлмаган, жазонинг асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жазодир. Қўшимча жазо- бу жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган жазодир. Қўшимча жазо алоҳида қўлланиши мумкин эмас, у фақат асосий жазога қўшимча равишда қўлланилади».

Қўшимча жазо қуйидаги белгиларга эга:

1) алоҳида жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин эмаслиги;

2) асосий жазога қўшиб қўлланилиши мумкинлиги;

3) жазонинг мақсадига эришишга кўмаклашади.

Г.А.Кригер ва Г.Д.Кригерларнинг ҳуқуқий адабиётларида асосий жазонинг функцияси – жиноятчини тўғри йўлга қайтариш, қўшимча жазонинг функцияси эса- қайта тарбиялашдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Асосий жазога қуйидагилар қиради:

1) жарима;

2) ахлоқ тузатиш ишлари;

3) хизмат бўйича чеклаш;

4) қамоқ;

5) интизомий қисмга жўнатиш;

6) озодликдан маҳрум қилиш;

7) ўлим жазоси.

Қўшимча жазога харбий ёки махсус махсус унвондан маҳрум қилиш қиради. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодекси жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш чиқарилди.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий жазо сифатида, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланиши мумкин.

Умумий ва махсус жазолар жазо чораси субъектнинг махсус белгиларига қараб қўлланилади.

Умумий жазолар, бу жиноят субъекти белгиларига эга бўлган хар қандай шахсга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо тизимидир.

Махсус жазо, қонунда қатий белгиланган субъектлар доирасига қўлланиладиган жазо чорасидир. Масалан, интизомий қисмга

жўнатиш ва харбий унвондан маҳрум қилиш фақат харбийларга нисбатан қўлланилади.

Муайян муддат билан боғлиқ бўлмаган ва муайян муддат билан боғлиқ бўлган жазолар қўлланилаётган жазонинг хусусиятига қараб ажратилади. **Муайян муддат билан боғлиқ жазоларга** суд томонидан белгиланадиган, максимал ва минимал муддатлари кўрсатилган жазолар (озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамок ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) киради.

Шундай жазолар ҳам борки, уларнинг ижроси муайян вақт билан боғлиқ бўлмайди: жарима, харбий ёки махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш.

Бундан ташқари маҳкумларга нисбатан **моддий жафо келтирувчи** жазолар мавжуд бўлиб, бундай жазоларга жарима жазоси мисол бўлади.

Маҳкумларнинг айрим ҳуқуқларини чекловчи жазоларга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш киради.

Маънавий жафо келтирувчи жазоларга хизмат бўйича чеклаш, харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси киради.

Маҳкумнинг озодлигини чекловчи жазоларга қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари киради.

Бундан ташқари ўз мазмуни ва қўлланиш хусусиятига кўра меҳнат, ахлоқ тузатиш билан боғлиқ ва бу билан боғлиқ бўлмаган жазолар мавжуд. Меҳнат-ахлоқ тузатиш билан боғлиқ жазоларга озодликдан маҳрум қилиш ахлоқ тузатиш ишлари, каби жазолар киради.

Жиноят кодексига ўлим жазоси ҳам белгиланган.

Жиноят қонунида белгиланган жазо чоралари тизими қатъий бўлиб, суд судланувчига нисбатан қонунда белгиланган жазо чорасидан бошқа бирор-бир жазо чорасини қўллай олмайди. Жиноят кодексига белгиланган жазо тизими, жазолаш сиёсати тўла мос келиб, ўзида жиноят ҳуқуқи принципларини тўлиқ ифода қилади. Амалдаги жиноят қонуни ўз хусусияти ва мазмунига кўра турли жазо чораларини белгилаб, жиноятчиликка қарши курашда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Жарима жазоси.

Жариманинг жиноий жазо сифатида жазо тизимида киритилганлиги, аввало, унинг хозирги даврда муҳим жазо чораларидан бири эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга жаримани қўллаш суд органларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга жазо тайинлашда имкон қадар жазо ва жавоббарликнинг дифференцияси ҳамда индивидуализация қилишга ёрдам беради.

Жиноят кодексида жарима, айбдордан давлат даромадига пул ундирилиши, деб тушунтирилган. Жиноят кодекси 44-моддасида жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан олти юз баробаригача миқдорда белгиланади.

Жарима давлатнинг мажбурлов чораси сифатида айбдорга иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали жиноят содир этган шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини чеклашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жарима жазо тизимида кўрсатилган жазо чораларининг энг енгили ҳисобланади.

1959 йилги Жиноят кодексида жазонинг миқдорини белгилаш ваколати судга берилган эди. Янги Жиноят кодексида жариманинг максимал ва минимал чегаралари белгилаб қўйилди. Жарима жазоси асосий жазо сифатида тайинланади. 1959 йилги Жиноят кодексида жарима асосий ва қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкинлиги белгиланган эди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ушбу жазо турининг таъсирчан эканлигини кўрсатади. Республикада иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтганлиги ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг деб эълон қилинган шароитда жариманинг жиноий жазо сифатидаги роли жуда каттадир.

Агар жарима тегишли модда муқобил жазо чораси сифатида санкциясида кўрсатилган бўлса, уни тайинлаш орқали айбдорнинг мулкӣ манфаатларига таъсир кўрсатилиб, жазонинг мақсадига (тарбиялаш ва маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш) эришиш мумкин бўлган тақдирдагина жарима қўлланилади.

Жиноят қонунига кўра жарима фақат пул миқдорида белгиланади. Давлатнинг ушбу мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ҳукмида жариманинг аниқ миқдори кўрсатилиши лозим. Бунда жариманинг миқдори ҳукм чиқарилаётган вақтдагисига

қараб эмас, балки жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига қараб белгиланади.

Жиноят кодексида жарима жазосининг минимал ва максимал миқдорлари белгиланган бўлиб, суд ушбу доирадагина жазо тайинлаши мумкин. Агар Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси санкциясида жарима жазосининг минимал миқдори кўрсатилмаган бўлса, Жиноят кодекси 44-моддасида белгиланган минимал миқдордан кам миқдорда жарима белгиланиши мумкин эмас.

Жарима жазоси миқдорини белгилашда жиноятнинг оғирлик даражаси ва судланувчининг моддий ахволи ҳисобга олинади. Судланувчининг моддий ахволини баҳолашда қуйидагилар эътиборга олинishi лозим:

1) қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай манбаадан оладиган даромадлари. Бундай даромадларга иш ҳақи, мулкый даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадлар киради;

2) судланувчига мулк ҳуқуқи асосида, хўжалик юритув асосида, оператив бошқарув асосида, шунингдек ижарага олиш асосида тегишли бўлган мол-мулк;

3) унинг қарамоғидаги шахслар, масалан, вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги;

4) судланувчининг мулки бўйича учинчи шахслар олдидаги мажбурияти. Судланувчининг алимент тўлаши, зарарни қоплаши, солиқ тўлаши ва бошқа ҳолатлар.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар қатъий бўлмай суд жарима жазосини тайинлашда бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши мумкин.

Жарима уч ой ичида тўланиши лозим. Акс ҳолда суд айбдорнинг жазони ижро этишдан бош тортганлиги масаласи кўриб чиқилиши керак. Суд қуйидагиларни жаримани ижро этишдан бош тортиш деб топиши мумкин:

1) жаримани тўлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар суд томонидан узрли деб топилмаган бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси «Суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунига кўра қўлланилган мажбурий ижро этиш жиноят содир этган шахснинг даромадлари ва бошқа мулкларини яшириши сабабли мумкин бўлмаса.

Жазони ижро этишдан бўйин товлаш факти аниқланган ҳолатда, ҳукм чиқарган суд жарима жазосини ахлоқ тўзатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки камокдаги жазоларнинг бири билан алмаштириши

мумкин. Жарима жазосининг бирон бир қисмини бошқа турдаги жазо билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Жазонинг ижро этилмаган қисми тўлиқ миқдорда бошқа жазо билан алмаштирилади. Жарима жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

3. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазосининг мазмуни айбдорга муайян мансабни эгаллаш, у ёки бу фаолият тури билан шугулланишни таъқиқлашдан иборат. Бу жазо тури ушбу жиноятни содир этишди айбдор деб топилган шахснинг бевосита муайян ҳуқуқи билан боғлиқ бўлсагина қўлланилади. Жиноят қонунининг ушбу моддасида жазолаш хусусиятига кўра бир турдаги иккита жазо бирлаштирилган: *муайян мансабни эгаллаш ва муайян фаолият билан шугулланишдан маҳрум этиш.*

Муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида корхона муассаса ва ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллаш ёхуд муайян мансаб билан боғлиқ бирон-бир функцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мансабни (масалан, моддий жавобгарлик хусусиятига эга бўлган мансаблар) эгаллашини тақиқлаш тушунилади.

Россия Федерацияси Жиноят кодексида давлат ёки маҳаллий хокимият органларида шахснинг муайян мансабни эгаллашини ёки касбийёхуд бошқа фаолият билан шугулланишни таъқиқлаш муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш деб тушунтирилган.

ЎзР Жиноят кодексида *муайян фаолият билан шугулланишни таъқиқлаш деганда,* айбдорнинг доимий тарзда шугулланадиган касбий фаолиятини, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан маҳрум этиш тушунилади (масалан савдо фаолияти, таржимонлик фаолиятлари билан шугулланишни тақиқлаш).

Россия жиноят қонунида профессионал ва бошқа фаолият турлари билан шугулланишни таъқиқлаш тушунчалари мавжуд. Профессианал фаолият деганда, муайян билим, малака ёки тайёргарликни талаб этадиган фаолият билан доимий шугулланиш тушунилади. Масалан, ўқитувчилик ҳар қандай муассасада таржимонлик фаолияти билан шугулланиш, бухгалтерлик, адвокатлик, юрист-маслаҳатчи каби фаолият турлари.

Бошқа фаолият деганда, доимий равишда амалга ошириладиган (масалан овчилик) фаолияти тушунилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси давлат ёки жамоат мулкани талон-тарож қилган, порахўрлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилганида кўпроқ самарали ҳисобланади.

Суднинг айблов ҳукмида маҳкум учун таъқиқланган фаолият тури ва эгаллаши мумкин бўлмаган мансаб кўрсатилади. Қонунда маҳкумнинг муайян мансабни эгаллаши ёки ёхуд бу фаолият билан шуғулланишини таъқиқлаш муддатлари белгиланган. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо сифатида тайинланганда бир йилдан беш йилгача бўлган муддатга тайинланади. Масалан, савдор ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жинояти учун (189-модда) беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши мумкин.

Қўшимча жазо тариқасида тайинланганида бир йилдан уч йилгача бўлган муддат белгиланади. Бундай ҳолда суд томонидан ушбу жазо кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг қўлланиши жазонинг огохлантириш функциясини амалга оширади, маҳкум бошқа мансаб ёки фаолият тури билан боғлиқ бўлган жиноят содир этиш имкониятига эга бўлмайди. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида асосий жазо сифатида кўрсатилган бўлса қўшимча жазо сифатида қўлланиши мумкин эмас.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш фақат айбдор жиноят содир этиш вақтида ушбу ҳуқуққа эга бўлган ҳолдагина қўлланилади. Агар у ушбу ҳуқуққа жиноят содир этгандан сўнг эга бўлган бўлса, суд бу жазо турини қўллаши мумкин эмас.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси қўлланилганида бу жазога маҳкум қилинган шахсни ўзи фаолият кўрсатаётган тизимда ишлаши мумкинлигини истисно этилмайди. Қонунда фақат аниқ бир мансабни эгаллашни (масалан мулкӣ бойликларни тасарруф қилиш) ёки аниқ бир фаолият билан шуғулланиш таъқиқланиши назарда тутилади.

Қонунга кўра айбдор бир вақтнинг ўзида у ёки бу мансабни эгаллаши ёки бирон бир фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бу жазо турини қўллашда фаолият

тури айбдорнинг асосий моддий таъминот манбаи эканлигига эътибор бериш лозим. Агар бу фаолият айбдорнинг асосий моддий таъминот манбаи бўлса (масалан овчилик фаолияти), унга нисбатан бу жазони қўллаш керак эмас. Бу жазо турини қўллашда маҳрум қилинаётган фаолият тури айбдорнинг ягона касби бўлган ҳоларда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Бундай жазони тайинлаш вақтида ҳукмнинг қарор қисмида мансабнинг номи ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак. Ҳукм чиқарилаётган вақтга келиб судланувчининг жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаётганлиги ёки фаолият билан шуғулланилаётганлиги ушбу қўшимча жазони қўллаш учун тўсқинлик қилмайди.

Бу жазо тури қўлланилаётган модданинг санкциясида асосий жазолардан бири сифатида кўрсатилган бўлса ҳам асосий жазо тариқасида қўлланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинлаган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига ва ундан сўнг ҳукмда бўлгиланган муддатгача давом этади. Бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шахс шартли ҳукм қилинганда, муддатнинг ўтиши ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар синов муддати давомида янги жиноят содир этса, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланади. Агар асосий жазо тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолардан бири тайинланган бўлса, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳукмда кўрсатилган муаддатдан бошлаб ҳисобланади.

Муайян мансабни эгаллаш ёхуд у ёқт бу фаолият билан шуғулланишни тақиқланиши суд томонидан белгиланган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади. Жиноят кодекси 78-моддаси биринчи қисми «в» бандига кўра муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси учун судланганлик ҳолати жазо муддати тугандан сўнг бир йил ўтгач тугалланади.

4. Ахлоқ тузатиш ишлари.

Ахлоқ тузатиш ишлари жиноий жазо сифатида муҳкумнинг суд ҳукмида белгиланган миқдорда иш ҳақидан ушлаб қолган ҳолда мажбурий меҳнатга жалб қилишда ифодаланади.

Бу жазо тури асосий жазо тури ҳисобланиб, фақат Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда қўлланилади. Шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари қуйидаги ҳолларда:

1) ахлоқ тузатиш ишлари енгилроқ турдаги жазони қўллаш тартибидан Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ қўлланиши мумкин;

2) айбдор жарима жазосини ижро этишдан бўйин товлаган ҳолда, жазонинг ижро этилмаган қисми Жкнинг 44-моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилганда;

3) бу жазо тури Жиноят кодексининг 74-моддасига кўра озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўталмай қолган қисмини енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилганда қўлланилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзида инсонпарварлик принципини ифодалайди. Маҳкумга бу жазони қўллаш орқали у эркинлигидан маҳрум қилинмайди, ўз оиласида, уйдан узилмаган ҳолда ўзи аввал ишлаган муассасада (корхона, ташкилотда) ишлайди. Бу жазони қўллаш орқали маҳкумга моддий таъсир кўрсатилади, яъни айбдор иш ҳақининг муайян қисми давлат фойдасига ўтказилади. Шу орқали ахлоқ тузатиш ишларининг қуйидаги жазолаш хусусияти намоён бўлади:

биринчидан, маҳкумнинг олдинги ўзи ишлаган ёки бошқа ташкилотда мажбурий меҳнат қилиши (жазони ўташ вақтида маҳкумнинг меҳнат қилиши мажбурий ҳисобланади);

иккинчидан, юқорида қайд этилганидек, моддий таъсир-унинг иш ҳақидан муайян қисми давлат фойдасига ушлаб қолинади.

Маълумки, аввалги Жиноят кодексида бу жазо тури «Озодликдан маҳрум қилмасдан туриб ахлоқ тузатиш ишлари» (26-модда) деб номланган эди. Бунинг сабаби эса 1919 йилга бориб тақалади. У вақтларда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга қўлланар эди. Масалан, 1919 йилги РСФСР Жиноят қонунининг раҳбарий Асосларининг 25-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жойларига жойлаштирмасдан ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилган бўлса, 1922 йилги Жиноят

кодексининг 34-моддасида озодликдан маҳрум қилиш, албатта, мажбурий меҳнат биланг боғланиши лозимлиги кўрсатилган эди. РСФСРнинг 1926 йилги Жиноят кодексидан озодликдан маҳрум қилиш 1 кундан то 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга ва албатта, ишлаш билан боғлиқ ҳолда тайинланиши лозим дейилган эди. Лекин ўша вақтларнинг ўзида бундай тушунчанинг йўқ бўлиб кетганлигига қарамасдан, «озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш ишлари» тушунчаси ханузгача Жиноят кодексидан ўрин олиб келган эди. Янги Жиноят кодексидан бундай моддани оддий қилиб «ахлоқ тузатиш ишлари» деб номлангани озодликдан маҳрум қилиш билан бир вақтда ахлоқ тузатиш ишлари ҳам тайинланади, деган ноўрин шубхага ўрин қолдирмайди.

Бу жинойий жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишларини маҳкумнинг ўз иш жойида ўташи маҳкумнинг аввалги мансабида қолишини аниқлатмайди. Баъзи ҳолларда содир этилган жиноятлар мансаб ваколатига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда шахс ўз иш жойидаги бошқа вазифага ўтказилиши лозим. Бу ўринда жазонинг маҳкум ўзи ишлаган иш жойида ўталишининг ўзи муҳимдир.

Жиноят қонунида ахлоқ тузатиш ишларининг икки тури кўрсатилган:

биринчиси, маҳкум жазони ўзи ишлаб турган жойда ўтайди;

иккинчиси, жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойда ўтайди.

Жазонинг қайси турини ўташ лозимлигини суд белгилайди.

Маҳкумнинг ўз иш жойи деганда, нафақат унинг меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, шунингдек, мустақил тарзда амалга оширадиган фаолияти (масалан, тадбиркорлик фаолияти) тушунилади. Қоида бўйича доимий хизматдаги шахсга ахлоқ тузатиш ишини ўзи ишлаб турган жойда ўташ белгиланади. Маҳкумни тарбиялаш нуқтаи назаридан жазони ўзи ишлаб турган жойида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳкум жазони уни яхши билган жамоа назорати остида ўтайди. Жазони ижро этиш жойи Жиноят кодекси тадбиқ этиладиган турли мулк шаклларидаги корхона, муасаса ва ташкилот бўлиши мумкин. Шунингдек бошқа номатив ҳужжатларга («Нодавлат, ноижорат ташкилотлар тўғрисида» «Тадбиркорлик фаолияти эркилигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар) асосан тартибга солинадиган корхона муассаса ва ташкилотлар киради.

Агар суд баъзи жиддий сабабларга кўра жазони маҳкум ишлаб турган жойида ўташни мақсадга мувофиқ деб топмаса, бунинг асосларини ҳукмда кўрсатиб, жазонинг ижросини назорат қилувчи органнинг белгилаши билан умумий асосларда ўташни кўрсатиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишини умумий асосларда ўташ шартлари доимий иш жойларида ўташдан оғирроқдир. Бунда маҳкум жазони унинг ижросини назорат қилувчи органнинг йўлланмаси билан ўзига таниш бўлмаган янги жойда ишлаб ўтайди. Маҳкумнинг меҳнати меҳнат қонунлари асосида бошқарилади, тариф ставкаси бўйича ҳақ тўланади ва иш ҳақининг ҳукмда кўрсатилган фоизи давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

Ахлоқ тузатиш ишни умумий асосларда ўташ тартиби ҳукм чиқариш вақтида ҳеч қаерда ишламаган ёки доимий иш жойи бўлмаган шахсларга ёки мавсумий ишларда ишловчи шахсларга, шунингдек доимий иш жойи бўлсада, лекин иш фаолиятида ўзини ёмон кўрсатган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ахлоқ тузатишга ҳукм қилинганлар иш ҳақидан давлат бюджетига ўн фоиздан ўттиз фоизгача бўлган миқдорда жазони ўташ муддати давомида ҳар ойда асосий иш жойидаги иш ҳақидан ушлаб қолинади.¹ Иш ҳақи сифатида фақат меҳнат фаолияти натижасида олинган иш ҳақигина эмас, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад, стипендия, грант ва бошқалар тушинилади. Давлат фойдасига пенсия, ижтимоий ёрдам сифатида оладиган тўлов, ижтимоий суғурта ва бошқа иш ҳақиға кирмайдиган тўловлар ушлаб қолинмайди.

Жиноят кодексининг 46-моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Жазонинг ижроси жиноят ижроия қонуни билан тартибга солинади. Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисмини шу муддатдаги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда Жиноят кодексига айбдор судланган модда санкциясида алмаштирилиши лозим бўлган ахлоқ тузатиш иши муддатидан кам бўлган озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси. 31-модда

тутилган ёки умуман кўзда тутганлигининг аҳамияти йўқ.¹ Ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилганда унинг бир қисмини алмаштиришга йўл қўйилмайди, яъни у тўлиқ миқдорда алмаштирилиши лозим.

Агар вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмай қолган қисмининг ҳар уч кунини бир кунлик қамоқ жазосига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, қамоқ жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсиз бўлганларга, хомиладор аёлларга, болани боқиш учун берилган таътилда бўлган аёлларга ва харбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Демак, ахлоқ тузатиш ишлари маҳкумнинг моддий ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини маълум даражада чеклашдан иборатдир. Бу қуйидагиларда ифодаланади:

1) маҳкум иш ҳақининг бир қисми -10 фоизидан 30 фоизгача - давлат фойдасига ушлаб қолинади. Фоиз миқдорини белгилашда суд маҳкумнинг оилавий ва мулкӣ аҳволини эътиборга олади;

2) ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддати умумий иш стажига, қонун бўйича пенсия ва бошқа енгилликлар ҳамда имтиёзлар (қўшимча иш ҳақи) олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

3) узлуксиз меҳнат учун бериладиган қўшимча иш ҳақи тўлаш ахлоқ тузатиш ишини ўташ даврида тўхтатилади;

4) судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради. Судланганлик ҳолати ахлоқ тузатиш жазоси ўталгандан кейин бир йил ўтгач тугалланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ички ишлар органлари томонидан ижро этилади, яъни маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Маҳкум доимий яшаш ва иш жойига эга бўлмаган тақдирда жазо ҳукм чиқарган суд жойлашган ҳудуддаги жазони ижро қилиш инспекцияси белгилаб берган жойда ижро этилади, маҳкум ишлаб берган кунлар суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб

¹ Олий суд Пленумининг «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугрисида» 1996 й 19 июль №16 қарори 49-бет

бермаган бўлса ва ишламаган кунларини жазо муддатига қўшиш учун асослар мавжуд бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган ишларини тўлиқ ўтаб бергунга қадар давом этади.

Қуйидагилар:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

б) қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти ёки бошқа жиноят содир этилганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт;

в) ахлоқ тузатиш ишига маҳкум этилган шахсга жазони ўташ вақтида берилган маъмурий жазотайинланган жазо муддатига қўшилмайди.

Умумий қоидага кўра ахлоқ тузатиш ишлари муддати меҳнат стажига қўшилмайди. Жиноят процессуал кодексининг 545-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман шаҳар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала суд томонидан кўриб чиқиладиган вақтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимос қўзғатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан суд ажрими устидан шикоят берилиши мумкин.

4. Хизмат бўйича чеклаш.

Хизмат бўйича чеклаш жазоси Жиноят кодексига янги киритилган жазо чораларидан бири ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 47-моддасига мувофиқ хизмат бўйича чеклаш -офицерлар таркибига кирувчи харбий хизматчи, прапоршик, мичман ва харбий хизматни контракт асосида ўтаётган харбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборат жазо чорасидир.

Хизмат бўйича чеклаш фақат асосий жазо сифатида тайинланиши мумкин. Бундан ташқари қонунда ушбу жазо чорасини қўллашни чекловчи қатор шартлар белгиланган:

биринчидан, бу жазо чораси фақат юқорида қайд этилган харбий хизматчиларга нисбатан қўлланиши мумкин;

иккинчидан, бу жазо фақат харбий жиноятларга ёки Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида кўрсатилган ҳолларда бошқа қилмишларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Жиноят қонуни харбий хизмат бўйича чеклашда иккита асосий жазони назарда тутди (47-модда, 2-қисм):

1) суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида маҳкумнинг мансаби кўтарилиши мумкин эмас (масалан, рота командири, батальон командири бўла олмайди);

2) унинг харбий ёки махсус унвони оширилмайди. Масалан капитан унвонидаги харбий майор унвонини ололмайди. Чунки жазони ўташ муддати харбий унвонни ошириш учун зарур бўлган муддатга қўшилмайди.

Қонунда белгиланган хизмат бўйича чеклаш жазосининг қўлланиши, қонунда белгиланган чекловлардан ташқари бошқа чекловлар (харбий хизматчига тегишли бўлган махсус ҳуқуқлар, унинг хизмат квартирасига бўлган ҳуқуқи, яшаш шароитини яхшилашга бўлган имтиёзлар)ни назарда тутмайди.

Жиноят кодекси 47-моддаси 1-қисмига кўра маҳкумни ойлик иш ҳақнинг ўн фоизидан ўттиз фоизгача бўлган миқдори давлат фойдасига ушлаб қолинади.

Хизмат бўйича чеклаш Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланади. Жазони ўташ муддати унинг навбатдаги харбий ёки махсус унвонни олиш учун зарур бўлган хизмат муддатига қўшилмайди. Шунингдек, мазкур муддат пенсия тайинлаш учун ҳам зарур бўлган хизмат стажига ҳам қўшилмайди.

Ижтимоий ҳафви катта бўлмаган ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлаши мумкин.

Шундай қилиб ушбу жазо турининг ҳуқуқий оқибатлари қуйидагилардан иборат.:

- 1) маҳкумнинг мансаби, харбий ёки махсус унвонини оширилишини чеклайди;
- 2) ушбу муддатнинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги харбий ёки махсус унвонни олиш учун зарур бўлган муддатга қўшилмайди;
- 3) маҳкум даромадининг бир қисми давлат ҳисобига ўтказилиши орқали унга моддий жафо етказилади.

5. Қамоқ.

Республикаимиз Жиноят кодекси 45-моддасида диспозицияси шахсни жамиятдан батамом ажратган шароитда сақлашдан иборат қамоқ жазосини кўзда тутиб, унинг бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланишини кўрсатилган. Қамоқ жазоси қонунга илк бор киритилиб, олдин ҳеч қайси иттифоқдош республика жиноят қонунчилигида бундай жазо тури кўрсатилмаган эди.

Қамоқ жазоси ўз мохиятига кўра қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланади. Бу:

биринчидан, маҳкум суд ҳукми асосида тайинланган қамоқ жазосини жамиятдан ажратилган ҳолда, махсус муассасага жойлаштирилиб, жазо муддати тугагунча уни ташлаб кетиши мумкин бўлмаган, қатъий режим, кучли назорат остида ўтайди;

иккинчидан, қамоқ жазоси бир ойдан олти ойгача муддатда белгиланади.

Қамоқ жазоси асосий жазолардан бири бўлиб, бошқа жазолар билан қўшиб тайинланиши мумкин эмас. Шунингдек, Жиноят кодекси нормаси санкциясида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам қамоқ жазоси тайинланиши мумкин: Жиноят кодексининг 57-моддасига кўра енгилроқ жазо тайинланганда; Жиноят кодексининг 44-моддаси 3-қисмига кўра айбдор жарима жазосини ижро этишдан бўйин товлаганда, у қамоқ жазоси билан алмаштирилади.

Унча ижтимоий хавfli бўлмаган жиноятлар, баъзи эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинган жиноятлар учун шахсга нисбатан бундай тартибдаги қисқа муддатли жазони қўллаш жоиздир. Бу ерда асосий масала шундай иборатки, биринчидан шахсни ахлоқ тузатиш муассасаларига юборишнинг ижтимоий салбий оқибатларининг олди олинади ва иккинчи томондан, шахсга бошқа жазо тури билан таъсир этиш орқали умумий ва махсус превенция натижаларига эришиб бўлмаслиги аниқланганидек, бу жазо туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қамоққа маҳкум қилинган шахс жазонинг барча муддатини Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов изоляторларининг махсус ажратилган ханаларида ўтайди. Қамоққа маҳкум қилинган шахс касал бўлиб қолганида, даволаниши ёки маҳкумнинг хавфсизлигини тامينлаш учун уни бир муассасадан бошқасига кўчириш мумкин.

Қамоққа маҳкум этилганлар бошқа тоифадаги айбдорлардан ажратилган ҳолда сақланадилар. Уларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси учун белгиланган тартиб қўлланилади. Қамоқ жазоси қасддан содир этилган (қасддан баданга енгил шикаст етказиш 109-модда, қийнаш 110-модда, ўғрилиқ 169-модда) ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун ҳам (эҳтиётсизлик натижасида баданга ўртача оғир шикаст етказиш 111-модда) қўлланилади. Қамоқ жазоси жиноят ҳуқуқи нормалари санкцияларида бошқа жазо турларига муқобил тарзда кўрсатилган.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида жазони ўтайдилар. Маҳкумлар бутун жазо муддатини одатда, битта қамоқ уйида ўтайдилар. Улар қамоқ уйининг хўжалиқ хизматида оид ишларга ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга жалб этилишлари мумкин. Маҳкумлар икки кишилик, тўрт кишилик ёки умумий камераларда сақланадилар. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахслардан алоҳида сақланадилар.

6. Интизомий қисмга жўнатиш.

Интизомий қисмга жўнатиш фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо туридир. Жазонинг ушбу тури жиноятнинг махсус субъектига нисбатан қўлланилади. Унинг бошқа шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Муддатли ҳарбий хизматчиларга умумий сафарбарлик асосида ва муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскарлар, сержантлар, шунингдек, офицерлар таркибида хизматни ўтаётганлар киради.

Бу жазо турининг асосий хусусияти шундаки, у фақат жиноят қонуни нормаси санкциясида кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади.

Бу жазонинг моҳияти, харбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддатга махсус ички тартиби анча қаттиқ бўлган харбий қисмга жўнатишда ифодаланади. Бу жазони ўташда махсус ички тартиб қоидага амал қилинади.

Интизорий қисмга жўнатиш асосий жазо тури бўлиб, унинг ижроси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Интизомий қисмда махкумларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътилар берилмайди.

Қонунда интизомий қисмда жазони ўташ муддати белгиланган бўлиб, у Жиноят кодекси Махсус қисм моддаларида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан бир йилгача бўлган муддатга тайинланади. Шунингдек, суд иш ҳолатларини ва махкумнинг шахсига тааллуқли маълумотларни ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатдаги интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин. Интизомий қисмда бўлиш муддати уч йилгача қилиб белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилганда эътиборга олиниши керак бўлган иш ҳолатлари деганда, жиноятнинг оғирлиги, унинг оқибатлари, унинг хусусияти ва бошқа ҳолатлар тушинилади. Бунда суд жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозим.

Махкумнинг шахсини хусусиятловчи белгиларга давлат мукофотлари олганлиги, судланганлиги, унинг тугаганлиги ёки олиб ташланганлиги ёхуд жазони озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтаганлиги эътиборга олинади.

Суд ҳукмида жазо муддатининг кўрсатилмаганлиги жиноят қонунини бузиш ҳисобланади, бу эса ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Махкумларнинг интизомий қисмда жазони ўташ вақти харбий хизмат муддатига қўшилмайди. Жазони ўтагандан сўнг махкум харбий қисмга жўнатилади. Жазони ўташ вақтида харбий хизмат муддати ўтмаганлиги сабабли, бошқа туридаги жазо билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Агар жазони ўташ давомида махкум харбий хизматга лаёқатсиз деб топилса, унга нисбатан бу жазо чорасининг ижроси этиш тўхтатилиши лозим. Бунда суд жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириши ёки жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Жиноят ижроия кодексининг 160-моддасига кўра интизомий қисмда сақлаш вақтини харбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш

тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан Жиноят процессал кодексига белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Интизомий қисмда сақлаш вақтини харбий хизмат муддатига киритиб ҳисоблаш тўғрисидаги масала гарнизон харбий судининг судяси томонидан жазони ўташ муддати ўтгач қўмондонликнинг илтимосига кўра кўриб чиқилади¹.

биринчидан, харбий хизматчи Жиноят кодекси Махсус қисм моддасида назарда тутилган харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятни содир этса. Бу жазо альтернатив жазо сифатида Жиноят кодексининг 279-моддаси «Бўйсунмаслик», 280-модда «Буйруқни бажармаслик», 281-модда «Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш», 283-модда «баданга шикаст етказиш» каби жиноятлар учун тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган.

иккинчидан, бу жазо харбий соҳа билан боғлиқ бўлмаган жиноят содир этган харбий шахслар учун ҳам қўлланилади. Бунинг учун қонунда учта шартни кўрсатилган: а) содир этилган жиноятнинг хусусияти озодликдан маҳрум қилиш жазосини интизомий қисмга жўнатиш жазоси билан алмаштириш имконини берса; б) маҳкумнинг шахси ҳам ушбу талабга жавоб бериши; в) интизомий қисмга жўнатиш жазоси билан алмаштирилаётган озодликдан маҳрум қилиш жазоси уч йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Биринчи шарт шуни англатадики, харбий хизматчи томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир жиноят бўлмаслиги лозим. Агар интизомий қисмга жўнатиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига тайинланса, харбий қисмда бўлиш муддатининг бир куни озодликдан маҳрум этиш жазосининг бир кунига тенглаштирилади (61-модда). Озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилганда иш ҳолатлари ва маҳкум шахсини тасдиқловчи хусусиятлар эътиборга олинади.

Иш ҳолатлари деганда, жиноятнинг оғирлиги, унинг оқибатлари, хусусияти ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар тушунилади. Суд жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга ҳам эътибор бериши лозим.

Қонун ушбу жазо чораси қўлланиши мумкин бўлган харбий хизматчилар доирасини ҳам чегаралайди. Бу жазо тури фақат муддатли харбий хизматчиларга нисбатангина қўлланиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 546-модда

Демак, ушбу жазо турини қўллаш учун суд ҳукми чиқарилгунга қадар хизмат муддати тамом бўлмаган бўлиши керак.

Жазони интизомий қисмда, яъни ички тартиби анча қатъий бўлган махсус харбий бўлинмада ўтаётган харбий хизматчилар ҳукми ижросига киришилгандан бошлаб интизомий қисмдан озод бўлгунга қадар харбийлар учун белгиланган имтиёзлар олиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Интизомий қисмда ўталган хизмат вақти ҳақиқий харбий хизмат муддатига қўшилмайди. Айрим ҳолатларда харбий хизматчи жазони ўтаб бўлганидан сўнг у юборилган қисм командири тавсиясига кўра харбий округ қўшинлари командири қарори билан интизомий қисмда ўталган жазо муддати ҳақиқий харбий хизмат муддатига қўшилиши мумкин. Интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги жазо муддатининг тугаши билан тугайди.

7. Озодликдан маҳрум қилиш.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни суд белгилаган муддат мобайнида жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Бу асосий жазо тури бўлганлиги учун қонун санкциясида кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади. Озодликдан маҳрум қилиш бошқа ҳеч қандай асосий жазо тури билан бирга қўлланиши мумкин эмас. Ушбу жазо тури айбдор ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товласа, ўлим жазоси авф этиш тарзида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилганида қўлланилади.

Жиноят кодексининг 50-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси аввалги кодекслардан фарқли равишда маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат эканлиги айтиб ўтилган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жиноий жазо мақсадига бошқа жазо чораларини қўллаш орқали эришиш мумкин бўлмаганда ва махсус тартибда маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда тарбиялаш лозим бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу жазога маҳкум қилинган шахсларнинг бир қатор ҳуқуқлари чекланади.

Суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаганида содир этилган жиноятнинг хусусияти, айбдорнинг хавфлилик даражаси ва уни қайта тарбиялаш мумкинми ёки мумкин эмасми деган

саволларни ўрганиб, жазонинг турини, ўташ тартиби ва муддатини белгилайди.

Болгар криминалисти К. Лютов жазонинг мақсадини тадқиқ қила туриб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг умумий жазо тизимидаги ўрни ҳақида шундай дейди: «Фақат у (озодликдан маҳрум қилиш) Жиноят кодекси томонидан кўрсатилган жазолар орасида шундай натижаларга, жазонинг мақсадларига тўла жавоб бера олади».

Юридик фанлар доктори А.М. Яковлев озодликдан маҳрум қилиш жазосини бир қатор салбий хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаб:

а) инсонни юқори даражада нормал ҳаётини шароитларга мослаштириш ният қилинган ҳолда шахс жамиятдан бутунлай ажратиб қўйилади;

б) жиноятчи онгидаги зарарли тушунча ва одатларни ижтимоий фойдали бўлган сифатлар билан алмаштириш мақсад қилиб қўйилгани ҳолда, уни бошқа жиноятчилар гуруҳига кўшиб қўйиладики, бунда шахс бу жиноятчилардан кўпроқ уларнинг ёмон томонларини ўзлаштириб олмаслигига тўла ишониб бўлмайди.

в) жиноятчини нормал ҳаётга, меҳнат муҳитига, эркин шароитдаги ҳаётга ўргатиш мақсад қилинган ҳолда уни эркин ҳаётдан бутунлай узок бўлган муҳитга жойлаштирилади. Озодликдан маҳрум қилиш инсоннинг нотабиий нормал, бўлмаган ҳолатидир;

г) қайтадан жиноят содир этмаслик учун шахс озодликка чиққанидан кейин тўғри йўналиш бўйича фаол ҳаракат қилиши керак бўлади (масалан, ўзига мос иш топиб ишлаш, оилавий муаммаларни бартараф этиш, спиртли ичкиликларга ружу қўймаслик ва ҳаказо). Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса маҳкумни пассив ҳаёт тарзи кечиришга ўргатиб қўяди.

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумнинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини чеклаб қўйишнинг алоҳида шакли бўлиб, бу уни бошқа жазо турларидан, ҳатто қамоқ жазосидан ҳам фарқ қилади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш орқали маҳкумнинг ҳуқуқларини чеклаш комплекс хусусиятга эга бўлиб, маҳкум руҳий ва жисмоний жиҳатдан жамиятдан, ўзи ўрганган муҳитдан изоляцияланиб, жазони қўллаш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун махсус тартиб қўлланилади. Бу чеклашлар меҳнат қилиш эркинлиги, дам олиш ва меҳнат қилиш вақтининг қатъий

белгиланганида, эркин ҳаракат қилишнинг, учрашувлар, посилкалар олишдаги чеклашларда ифодаланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятнинг хавфлилик даражаси ва маҳкумнинг шахсини эътиборга олиб тайинланиши лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга белгиланади. Вояга етмаганларга олти ойдан ўн йилгача бўлган муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир неча ҳукмларни қўшиш тартибида тайинланганда йигирма беш йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати жазонинг бир ёки бир неча жиноятга нисбатан тайинланишига, ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилишига боғлиқ.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда суд жазо муддатини суд ҳукмида аниқ белигиланишига эътибор бериш лозим, муддатнинг аниқ белигиланмаслиги жиноят қонуни номасини бузиш ҳисобланиб, суд ҳукмини бекор қилинишига сабаб бўлади. Шу билан бирга суд бир қанча жиноятлар юзасидан жазо тайинлаётганда, ҳар бир ҳукм бўйича алоҳида-алоҳида жазо белиглаши ва умумий муддатни тайинлашда муддатларни қўшиш орқали белгилаши жазо белигилаши лозим. Қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда ишнинг барча ҳолатларидан, айбдорнинг шахсидан келиб чиқиб ва нима учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилмаётганлиги сабаблари ҳукмда асослантилмоғи керак. Озодликдан маҳрум қилиш жазосида тайинланганида ҳар бир модда бўйича унинг муддатлари кўрсатилмоғи зарур.¹

Судлар вояга етмаганларга, аёлларга, ногиронларга ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш жазосидан бошқа жазо турини қўллаш, шартли ҳукм қилиши масалаларини муҳокама қилишлари ва агарда уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деб топганларидагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашлари лозим.²

¹ Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугрисида» 1996 й 19 июль №16 49-бет

² Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тугрисида» 2000йил 22 декабрь

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда унинг қуйидаги ижобий жиҳатдан самара бериши ҳисобга олинishi лозим:

1) озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси, фақат ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга нисбатан ёки Жиноят кодекси 56-моддасида санаб ўтилган оғирлаштирувчи ҳолатлар, шунингдек жазо тизимидаги бошқа енгилроқ чораларни қўллаш имконияти бўлмаган ҳолларда тайинланади.¹ Озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд ҳукмида жазони оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олинган ва кўрсатилган ҳолда қўлланиши керак. Асосий эътибор аёлларга нисбатан жазо тайинлашга қаратилиши лозим.²

2) бу жазони жиноий гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан, экстримистлар, рецидивистлар, республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга уринган, ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга, жамият хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноят содир этганларга нисбатан тайинлашда уларнинг хавфлилик даражаси эътиборга олинishi лозим³.

3) озодликдан маҳрум қилиш жазоси оғир жиноят содир этган шахсларга, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига муқаддам судланганларга нисбатан қўлланиши лозим. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи ва қурол тарқатиш каби, шунингдек республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятлар алоҳида хавф туғдиришини назарда тутиш керак.⁴ Рецидивистлар, гиёҳвандлик воситалари ва психатроп моддаларни мунтазам равишда ёки кўп миқдорда сотувчилар, ўтказувчилар ёки жиноятнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, наркотикларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудуди орқали олиб ўтишни ёхуд уларни турли усуллар билан тарқатишни таъминловчилар, худди шундай жиноятлар учун муқаддам судланганлар, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилувчилар ва хоказолар қаттиқ жавобгарликка

¹ Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тугрисида» 2000й 12 декабр

² Олий суд Пленуми қарори «Суд амалиётида жиноий жазони қўллашда вужадга келадиган айрим масалалар тугрисида» 1999 й 19 -бет

³ Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тугрисида» 2000йил 22 декабрь

⁴ Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугрисида» 1996 й 19 июль №16 41-бет

тортилиши лозим.¹ Оммавий тартибсизликлар, қирғин қилишлар ва ўт қўйишларнинг ташкилотчилари, фаол иштирокчиларига, жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз хизмат вазифасини бажараётган хокимият вакиллари ва бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, орномуси ва кадр-қимматига тажовуз этувчи миллий ва ирқий тенг ҳуқуқликни бузишга далолат қилувчи шахсларга қаттиқ жазо чораларини қўлланмоғи керак. Бундан ташқари бу шахсларга нисбатан жазо мақсадига бошқа таъсир чоралари қўллаш орқали эриши мумкин бўлмаганда қонун нормаси санкциясида кўрсатилган бўлса ушбу жазо тури қўлланиши мумкин.

4) бу жазони алкоголизмга чалинган, ғайриахлоқий ҳаёт тарзини кечираётган шахсларга нисбатан қўллаш самарали ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини (ЖКнинг 164-166, 168-169-моддаларида назарда тутилган ўта оғир жиноятлар бундан мустасно) кўриб чиқаётганда, моддий зарарнинг ихтиёрий тарзда қопланганлиги жазони енгиллаштирувчи фавқулодда ҳолат эканлиги ва жиноят ишининг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони қўлламаслик учун асос бўлади²

65 ёшдан ошган эркаклар ва аёллар учун озодликдан маҳрум қилиш муддати Жиноят кодекси санкциясида кўрсатилган жазо муддатининг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Бу норма имперватив хусусиятга эга бўлиб, жазони оғирлаштирувчи ҳоларда ҳам ўзгартирилмайди. Бу жазони қўллашда эркак кишининг жиноят содир этилган вақтдагига нисбатан эмас, балки, ҳукм чиқариш вақтидаги ёши ҳисобга олинади. Аёл кишининг ёши эса аҳамиятга эга эмас.

Бу қоида шахс бир ёки бир неча жиноят содир этган ҳолларда ҳам тадбиқ этилади. Битта жиноят юзасидан тайинланган жазонинг умумий муддати 15 йилдан (20 йилнинг тўртдан у қисми), бир неча жиноят бўйича 18 йилу, 9 ойдан (25 йилнинг тўртдан уч қисми) ошмаслиги керак.

Қонун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибида эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳолатларни назарда тутди.

¹ Олий суд Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тугрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан бағлик аёрим масалалар тугрисида» 1996 й 20 декабрь №38 67,68-бет

² Олий суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тугрисида» 2000йил 22 декабрь

Озодликдан маҳрум қилинганлар жазони у ёки бу озодликдан маҳрум қилиш муассасасида ўтайдилар:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун ва қасддан унга оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил колонияларида;

2) қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятни содир этганлик учун биринчи марта ҳукм қилинаётганларга нисбатан манзил колонияларида;

3) ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётган ёки илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жиноят учун ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

4) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Авф этилиб, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар. Жазонинг қандай тартибли колонияларда ўташ лозимлиги суд ҳукмида аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Озодликдан маҳрум қилинган аёллар жазони манзил колонияларида, умумий ва қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар. Ўта оғир жиноят содир этган ёки ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар жазони қаттиқ тартибли колонияларда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жазони манзил колонияларида, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган аёллар умумий тартибли колонияларда ўтайдилар.

Манзил колониялари қуйидагиларга бўлинади:

1) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялари;

2) умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан шунингдек, тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялари.

Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

1) қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

2) оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

3) илгари қасддан содир жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан янги жиноят содир этганлиги учун яна судланган аёллар сақланадиган колониялар.

Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

1) ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

2) илгари қасддан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

3) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

2003 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга маҳкум қилинган шахсларни жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра унча оғир бўлмаган жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил колонияларига, ўта оғир жиноят содир этганлар қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказилиши лозимлиги белгиланди. Бу фармонни қабул қилишдан қуйидаги салбий оқибатларни олдини олиш мақсад қилиб қўйилган:

1) биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш кўпинча уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир ўтказди. Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум этилган шахслар одатда уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган нисбатан

мустаҳкамроқ оилавий ва бошқа ижтимоий алоқаларга эга бўладилар. Аммо қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётиб улар амалдаги қонунчиликка биноан умумий тартибли колонияларда жазо ўтаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бир мунча кам мулоқотда бўлишади.

2) биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратади.

3) Қонунда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этгани учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга беш йилдан кўп бўлмаган муддатга турма қamoғи жазоси тайинлаш мумкинлигини белгиланган. Жазонинг муайян қисмини турмада ўтказишнинг ўзига хос шартлари мавжуд:

а) оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинган бўлиши ёки ўта хавфли рецидивист деб топилиши;

б) беш йилдан ортиқ муддатга ҳукм қилинган бўлиши керак.

Қонунда жазонинг қайси бир қисми турмада ўтказилиши лозимлигини белгиланмаган. Бу масала суд томонидан ишнинг ҳолати ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Жиноят қонуни фақат озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини, жазони ўташ жойини, маҳкумлар тоифасини, қайси бири жазони у ёки бу жазони ижро этиш муассасасида ўташини, ва жазони ижро этиш жойларига юбориш шартларини белгилаб беради холос.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ, маҳкумларни сақлаш тартиблари Жиноят ижроия кодекси билан белгиланган.

8. Ўлим жазоси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддаси «Ўлим жазоси» деб аталиб, унда биз аввалги кодексларимиздан фарқли ўлароқ, санкцияси ўлим жазосини назарда тутувчи жазолар сонини кескин камайтирилганлигини ва аввалги 33 та жиноят(1959-йилги Жиноят кодексида) ўрнига Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан 2001 йил 21 августда 4 та жиноят учун (жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда касддан одам ўлдириш 97-модда 2-қисми; агрессия 151-модда, геноцид 153-модда, терроризм

155-модда учинчи қисми) ўлим жазоси қолдирилган. Шунингдек ислохотлар давоми сифатида 2003 йил 12 декабрда қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Жиноят кодексида ҳам инсон, ҳам жамият, ҳам давлат учун ижтимоий хавфи юкори булган факат иккита жиноят учун улим жазоси қолдирилди. Булар жазони огирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш- Жиноят кодекси 97-модда 2-қисми ва терроризм - ЖК 155-модда, 3-қисми.

Жазонинг бундай тури Собиқ иттифоқ даврида фавқулодда жазо чораси сифатида қўлланиб келинган бўлиб, у давлат асосларига, жамият қурилишига ҳамда фуқароларнинг ҳаётига қарши қаратилган ўта оғир жиноятлар учун қўлланилаганлиги маълум.

Содир қилинган жиноят учун ўлим жазосини белгилаш ёки белгиламаслик муаммоси мана узоқ йиллардирки, олимлар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Хозирги шароитда демократик жамиятда ушбу жазо турининг қўлланиши, инсонпарварлик принцига тўғри келмаслиги, бундай жазо жиноятчига нисбатан қасос олишми ёки аксинчами, агар у қасос олиша қаратилган бўлса, жамиятнинг инсонга нисбатан бундай жазони қўллашга ҳаққи борми, деган саволларга рад жавобини берувчилар ҳам, маъқулловчилар ҳам етарлидир. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики аҳолининг 50 фоизидан 80 фоизигача баъзи оғир жиноятлар учун ўлим жазосини сақлаб қолинишини маъқуллайдилар.

Хозирги вақтда дунёнинг қатор давлатларида ўлим жазоси энг оғир жазо сифатида қўлланиб келинмоқда.

Жиноят кодексининг 51-моддасига кўра, ўлим жазоси энг оғир жазо бўлиб маҳкум суд ҳукми асосида ҳаётдан маҳрум этилади. Жиноят қонуни ўлим жазосини фақатгина истисно қилувчи ҳолатларда (фақат 2 та жиноят тури учун) қўлланишини белгилайди. Ўлим жазоси жазонинг тарбиялаш мақсадини амалга ошира олмайди, балки, ижтимоий адолатни тиклаш вазифасини ҳамда биричи навбатда маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олади.

Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фавқулодда жазо чораси бўлиб, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, бу жазонинг фақатгина баъзи ўта оғир жиноятлар учун қўлланиши;

иккинчидан, бу жазони қонунда кўрсатилган маълум бир шахсларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги. Ўлим жазоси аёлларга,

олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас;

учинчидан, ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ бўлган жиноят ишларини таллуқлиги. Бу ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судининг судловига таалуқлидир.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳкумга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам тушунтирилади.

Бу ўлим жазосини бошқа жазо турларига нисбатан фарқловчи хусусиятларидир. Ўлим жазоси жамиятда учраб турадиган ашаддий рецидивистлар ва инсоний қиёфасини йўқотган вахшийлар томонидан айбини ўта оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш каби жиноятни содир этганларга нисбатан қўлланилиши ижтимоий адолат нуқтаи назаридан тўғри, деб ҳисоблаймиз ва Й. Каракетов ва М. Жалиловларнинг «.. олий жазони қасддан жиноят содир этиши натижасида одам ўлимига сабаб бўлган ҳоллардагина қўллаш лозим», деган фикрларини ўринли деб биламиз.

Ўлим жазосини асосий жазо бўлганлиги учун, бошқа асосий жазо чорлари тури билан қўллаш мумкин эмас. Шунингдек ўлим жазо тайинланган шахсга нисбатан қўшимча жазо чораси ҳам тайинланмайди. Бу жазонинг ўзига хос хусусияти маҳкумни жазонинг ижросидан бўйин товлагани учун бошқа жазо чораси билан олмаштиришга йўл қўйилмайди.

Эркакларга нисбатан ушбу жазо турини тайинлашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

1) судланувчи жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаган бўлса унга нисбатан ўлим жазоси тайинланмайди.

2) агар ҳукм чиқариш вақтида 60 ёшга тўлган бўлса ўлим жазоси қўлланилмайди. Агар шахсга нисбатан ўлим жазоси тайинланган бўлса лекин, жазони ижро этиш вақтига келиб ҳукм қилинган шахс 60 ёшга тўлса бундай ҳолларда жазо ижро этиладими деган савол туғилади. Бундай ҳолларда ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши лозим бўлади.

Судланувчиларга жазо тайинлашда уларнинг ёшини ҳисобга олиш инсонпарварлик принципларига асосланган.

Судлар айбдорга нисбатан ўлим жазосини қўллаш масаласини ҳал қилишда ва бу жазо чораси нафақат ишда жавобгарликни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлганда ва жиноят содир этган шахс жамият учун мутлақо хавфли шахс деб

топилгандагина энг охирги чора сифатида тайинлашиниш мумкинлигини ҳисобга олишлари зарур. Ўлим жазосини қўллаш ҳақида қарор қабул қилаётиб суд ҳукмининг тавсиф қисмида бундай қарорга келишнинг, содир этилган жиноятни оғирлигининг аниқ мазмуни ва айбдорнинг шахси бўйича маълумотларни очиб берувчи асосларни тўлалигича келтириш лозим.¹

Ўлим жазосини ижро этиш учун суднинг ҳукми, фармойиши ҳамда авф этиш тўғрисидаги илтимосномани рад этиш ёки авф этишни рад этиш тўғрисидаги хабарнома асос бўлади.²

9. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш.

Жиноят кодексига мувофиқ, шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун жазога ҳукм қилинаётганида, суд маҳкумнинг шахсини ҳисобга олиб уни харбий ёки махсус унвонидан маҳрум қилиши ҳам мумкин.

Бу жазонинг моҳияти шундаки, суд ушбу жазони қўллаш орқали жиноятнинг оғирлик даражаси ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олиб, унга касби, эгаллаб турган мансаби, муайян соҳада кўрсатган хизматлари учун давлат томонидан тақдирланган харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилади.

Ҳарбий унвон, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида офицер ёки сержантлар таркибидаги хизматчиларга нисбатан бериладиган унвон. Бу унвонлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари томонидан белгиланади.

Махсус унвонларга қатор соҳаларда белгиланган унвонлар киради. Масалан, Солиқ қўмитаси, Божхона Қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ва бошқа шундай унвонларни берадиган органларнинг унвонлари.

Олий харбий унвон – бу юқори офицерлар таркибига кирувчи шахсларга нисбатан бериладиган унвон. (генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, Ўзбекистон Республикаси маршали).

Олий махсус унвонларга худди шундай унвонларни берувчи органлар томонидан бериладиган унвонлар киради.

Бундан ташқари давлат мукофотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар шахсга фан, санъат, хўжалик соҳасининг муайян тармоғида олиб борилган фаолияти учун берилади (халқ артисти, халқ шоири, хизмат кўрсатган юрист).

¹ Олий суд Пленуми қарори «Суд ҳукми тугрисида» 1997 й 2 май №2 113-114-бет

² Ўзбекистон республикаси Жиноят ижроия кодекси 139-модда

Қонунда белгиланган унвонлар ва давлат мукофотларидан асосий жазога қўшимча жазо сифатида қўлланилади.

Жиноят қонунида ушбу жазо чорасини қўллашнинг қуйидаги шартларини белгиланган:

биринчидан, бу жазо шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганда қўлланилади;

иккинчидан, олий харбий ёки махсус унвон ёхуд давлат мукофотига эга бўлган шахс суд ҳукми асосида киритилган тақдимномага асосан ваколатли орган томонидан маҳрум этилади.

Маҳкумни харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми нусхаси шу унвонни берган органга юборилади. Захирадаги харбий хизматчига ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги муҳофаа ишлари бўлимига юборилади. Унвонни берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхаси олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар беради.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Жиноий жазо тизими тушунчаси ва унинг қандай турлари мавжуд?
- 2) Жарима жазосининг жиноий жазо тизимида тутган урни ва унинг молиявий жаримадан фарқи?
- 3) Жиноий жазо тизимининг либераллаштирилиши нималарда ифодаланди?
- 4) Ўлим жазоси фавкулудда жазо чораси сифатида.

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.

9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
26. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
29. А.М Яковлев Совокупност преступлений. 1960 г.

30. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
31. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
32. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
33. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
34. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
35. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” /
36. Воронеж, 1988г.
37. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
38. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
39. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.
40. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
41. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
42. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
43. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
44. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
45. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
46. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
47. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
48. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 стр-4
49. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
50. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
51. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет

53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

54. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

55. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16


59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

60. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1- ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

61. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

16-БОБ: ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари.



Жиноят қонунида қандай ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф ва айбли қилмишларнинг жиноят эканлигини аниқланиб, уларнинг яна бир асосий белги сифатида жазога сазоворлик кўрсатилган. Жиноят қонунида жиноят учун жазо белгиланмаганида, қонун жамият, давлат ва унинг фуқаролари учун зарарли бўлган хатти-ҳаракатларнинг оддий саноғидан иборат бўлиб қоларди, ҳолос.

Жазонинг ижтимоий-сиёсий моҳияти давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатиغا, мазкур сиёсат эса жамиятдаги ҳуқуқий мафкура, сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва бошқа нуфузли қарашларга ва тасавурларга боғлиқдир.

Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг кенг тарқалган шакли сифатида жазони қонунда белгиланганидек тахлил этиш жазонинг аломатлари ва мохиятини назарий тушуниш мақсадга мувофиқлик доирасида вужудга келади, деб хулоса қилиш имконини беради. Турли ҳуқуқий тизимларда жазонинг нима эканлиги тўғрисидаги масалага икки нуктаи-назардан ёндашилади. Жазони содир этилган жиноят учун қасос, ўч олиш деб шарҳлайдиган ҳуқуқий тизимлар **қасоскорлик назариясига** асосланади. Жазони жиноятнинг олдини олиш, тўхтатиб қолиш омили деб тушунтирадиган ҳуқуқ мактаблари эса **мақсадга мувофиқлик назариясига** асосландилар. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунда жазонинг мохиятига жиноятчиликка қарши кураш воситаларидан, лекин бош восита деб эмас, балки ёрдамчи восита деб ёндошувида намоён бўлади. Бу қоида Жиноят кодекси 2-моддасида мустаҳкамланган.

Биринчидан, жазо жиноят қонунда белгиланган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Жиноят қонунининг ягона манбаи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўлганлиги боис жиноий жазодек мажбурлов чораси Жиноят кодексида бошқа бирон-бир ҳужжатда белгиланмаслиги лозим.

Иккинчидан, жазо оммага таъсир этиш хусусиятига эга бўлган чорадир. Жазо давлатнинг шахс, жамият ва давлат ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш учун қабул қилган қонунда белгиланган тақиқларни бузиш, йўл-йўриқларини бажармасликдан иборат муайян шахснинг жиноий хулқ-атвориға қарши қаратилган мажбурий жавоб чорасидир.

Давлатнинг нормал фаолиятини таъминлайдиган мазкўр қонуннинг асосий ижтимоий вазифаси бутун жамият учун энг муҳим ва қимматли бўлган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишдан иборатдир. Шу боис жиноят содир этишда айбдор шахсларга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган жазо жамиятимиз аъзолари бўлган барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Учинчидан, жазо – Ўзбекистон Республикаси судлов тизимининг таркибий қисми – суднинг ҳукми билан жиноят содир этишда айбдор ҳисобланган шахсга нисбатан қўлланиладиган чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи

хокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деб ёзилган. Конституциянинг 26-моддасида эса жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобанмайди, деб таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, шахс фақат суднинг айблов ҳукми билан, айбдор деб топилиши мумкин; мазкур ҳукмнинг оқибати сифатида унга жазо қўлланиши керак.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари, энг аввало, жиноят содир этишда қонуннинг принциплари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида «Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт» , - дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-10-моддаларида жиноят қонунининг еттита принципи ва уларнинг тушунчалари берилган бўлиб, жазо тайинлаш ана шу принципларнинг ҳар бири ва барчаси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида одиллик принципининг тушунчаси берилган бўлиб, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак, - дейилади. Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадларига эришишни назарда туттади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари суднинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлашнинг бир қатор масалаларни эътиборга олишни тақозо қилади.

Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасининг санкцияси доирасида жазо тайинланади, деганда нимани тушуниш керак?

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларидаги санкциялар альтернатив санкция тариқасида берилган бўлиб, суд жазо тайинлашда фақат ана шу санкцияда кўрсатилган

жазолардан бирини асосий жазо сифатида тайинлайди. Бунда суд тайинлаш учун танлаган жазо турининг миқдори ва муддати шу санкцияда кўрсатилган доирадан ташқарига чиқмаслиги керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасининг 2-қисмида мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида, атрофдагилар учун хавфли усулда; кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилади. Демак, бу санкцияда учта асосий жазо кўрсатилган бўлиб, суд ишдаги ҳолатлар ва айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, шу жазолардан бирини танлаб тайинлайди. Агар жаримани тайинласа, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам ва етмиш беш баравардан кўп бўлмаган миқдорда тайинлайди. Ахлоқ тузатиш ишлари тайинланса, бу жазонинг муддати икки йилдан кам, уч йилдан кўп тайинлай олади. Озодликдан маҳрум қилишни эса беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинлай олмайди. Аммо суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, санкциядаги жазолардан бирини асосий жазо сифатида тайинлайди. Шу ҳолатларга қараб, агар айбдор етказилган моддий зарарни уч карра миқдорда ўз ихтиёри билан қопласа, суд санкцияда кўрсатилган озодликдан маҳрум қилишни тайинламай, санкциядаги енгилроқ жазони тайинлаши мумкин.

Жазо тайинлаш масаласига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 19 июлдаги 16 сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарорининг 1,2 бандида «Судлар оғир жиноят содир этган шахсларга, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига муқаддам судланганларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллаши лозим. Бунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар ва қурооллар тарқатиш каби, шунингдек республика иқтисодиётига зарар етказувчи жиноятларни алоҳида хавф тугдиришини назарда

тутишлари керак. Шунинг билан бирга оғир жазо чоралари Жиноят кодекси 7-моддасининг 3-қисмига асосан, бошқа чоралар орқали эришиб бўлмайдиган ҳоллардагина тайинлаши мумкинлиги ҳам эътиборга олиниши керак», - дейилади.

“Жазонинг самарадорлигини оширишни таъминловчи объектив шароитлар бузилар экан, ҳар қандай жазо тизимидан кўзланган натижаларга эришилмайди”¹, -деб М.Д.Шаргородский жуда тўғри такидлайди. Демак суд жиноят учун жазо тайинлаганда, энг аввало, шу жазонинг субъект айбининг даражасига мослиги ва унинг айбдорни тарбиялашдаги самарасини ўйлаши керак. Аммо шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, жиний жазо қанчалик инсонпарвар бўлмасин, айбдорга жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаганлигига (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси) қарамай, қўрқитиш хусусияти бўлиши ва, содир қилган жиноятига яраша шахснинг моддий, маънавий, ҳуқуқий ҳолатида муайян келтириб чиқариши керак. Акс ҳолда жиний жазонинг ижтимоий касб этмаган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 14 майда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленумида Олий суд раиси У. К.Мингбоев судлар кўп ҳолларда асоссиз равишда, айниқса, вояга етмаганларга ва аёлларга оғир жазо чораларини қўллаётганликларини таъкидлаб; «Жазо турини танлашда судьяга ўз нуқтаи назарини чуқур ва ҳар томонлама асослаб бериш мажбуриятини юқловчи қонун талаблари ҳам кўпинча бузилмоқда. Аксарият шу сабабга кўра, асосий жазо тури сифатида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамок каби жазолар деярли қўлланилмайди. Масалан ўтган йилда (1998 йил назарда тутилмоқда) умумий судланганлардан фақат 8,3 фоиз шахсга нисбатан қамок жазоси тайинланган ҳолос»², деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54-моддасида Жиноят кодекси Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши ҳақида ёзилади. ЖК Умумий қисми қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаш деганда нималар тушунилиши керак?

Маълумки, Жиноят қонуни Махсус қисмининг моддаларини амалга татбиқ қилишининг барча қоидалари унинг Умумий қисмида кўрсатилган. Махсус қисм нормаларини қўллашда Умумий қисм нормалари йўналтирувчи ва тартибга солувчи нормалар бўлиб

¹ М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.

² ЎЗР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й., 33-бет.

ҳисобланади. Демак, Умумий қисмининг нормалари Махсус қисмининг калити ҳисобланади.

Жиноят кодексида Махсус қисм моддаларига тегишли бўлмаган бирорта модда йўқ. Масалан, Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, Умумий қисмида жиноят тушунчаси (14-моддаси) берилган; Махсус қисмида жиноятлар учун фақат жисмоний шахслар томонидан содир этилган жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, умумий қисмининг 17-моддасида жисмоний шахс, 18-моддасида ақли расолик тушунчалари берилган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпчилик моддаларида жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан қилинса, дейилган, иштирокчилик тушунчалари эса, 27-30-моддаларида берилган. Махсус қисм моддаларида жиноят такроран, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилса, дейилади, уларнинг тушунчалари эса Умумий қисмининг 32-34-моддаларида берилган. Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари санкцияларида муайян доирада тайинландиган жазо турлари назарда тутилган, жазо тайинлаш қоидалари эса Умумий қисмининг 57-63-моддаларида кўрсатилган ва хоказолар. Бундан ташқари, Махсус қисми моддаларида назарда тутилмаган, аммо жазо тайинлашда эътиборга олиниши шарт бўлган бир канча жиноят қонуни институтлари борки, бу институтларда шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши жиноят деб топилиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси билан жавобгарликка тортиладиган бўлса, Умумий қисмида назарда тутилган қоидаларнинг қўлланилишининг ўзи етарлидир. Масалан, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш кўзда тутилган моддалар, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, судланганлик ва уни ҳисоблаш қоидалари фақат Умумий қисмда кўрсатилган. Тўғри, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида ҳам жавобгарлик ва жазодан озод қилиш (масалан, 211-модданинг 4-қисми, 212-модданинг 4-қисми, 248-модданинг 4-қисми ва хоказолар) кўзда тутилган. Аммо жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг бу турлари фақат ўша модданинг ўзи учун тегишли, ҳолос.

Умумий қисмдаги жавобгарлик ва жазодан озод қилишни назарда тутувчи моддалар умуман, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларига ҳам тегишлидир,

Маълумки, суд жиноят учун жазо тайинлашда айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида кўрсатилган жазо турлари ва муддати доирасидан четга чиқа

олмайди. Аммо иш ҳолатларига кўра, айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модда санкцияси доирасида жазо тайинланса, жазо адолатсиз бўлиб қолади. Суд, Жиноят кодекси Умумий қисмининг 57-моддасида кўзда тутилган енгилрок жазо тайинлаш қоидаларини қўллаб, енгилрок жазо тайинлаши ҳам мумкин.

Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги масаласига қонунда алоҳида аҳамият берилган, яъни Жиноят кодексининг Умумий қисмида алоҳида бобда ажратиб кўрсатилган. ЖК Махсус қисми моддаларида кўрсатилган жиноятларни вояга етмаганлар томонидан содир этганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган. Хатто, Махсус қисми моддасининг санкциясида ҳам вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тури ва муддати алоҳида ажратилиб кўрсатилмаган. Шунга мувофиқ вояга етмаганларнинг жинояти ҳам Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси билан квалификация қилинади. Аммо жазо тайинлашда вояга етмаганларнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг, санкциянинг миқдори ва муддатига келганда эса ўша санкцияда кўрсатилган миқдор ва муддат доирасида жазо тайинланмай, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82-85-моддаларида кўрсатилган жазо турининг миқдори ва муддати доирасида тайинланади. Бунда Жиноят кодексининг 57-моддаси (енгилрок жазо тайинлаш) қоидаларига муурожаат қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Пленуми қарорининг 1,7 бандида «Вояга етмаганларга жазо тайинлашда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазоларнинг самадорлигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга оғир жиноят содир этишда айбланган, муқаддам судланган, ҳуқуқни бузганлиги учун ички ишлар органлари ҳисобида турган вояга етмаганларга жазо тайинлашда катъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди»¹, дейилади.

2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар

Судлар томонидан жиноят ишларини кўришда энг аввало жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларини, уни содир қилган шахсни, қилмишда жиноят қонунида кўзда тутилган барча белгиларнинг мавжудлигини тўла ва батафсил аниқлаш,

¹ ЎЗР Олий Судининг Пленуми Қарорлари. 1991-1997 йиллар // “Шарк”, Т.:1997 й., 43-бет.

жиноятни тўғри квалификация қилиш , қонунийлик ва адолатлилик принципига риоя қилишнинг асосий шартидир. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар маълум даражада қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи мезон бўлиб ҳам ҳисобланади.

Қуйида жазо тайинлашда эътиборга олинандиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга тўхталамиз:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очишга фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлилиги сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорати ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнынг жиноят содир этиши;

з) хомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки аҳлоққа зид хулқ-атвори тасири остида жиноят содир этиши.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг, бир томонидан реал ҳаётда кўпроқ учрайдиган турлари ва турли-туман жиноятлар содир қилиш учун типик бўлган ҳолатлар олинган бўлса, иккинчи томондан, қонун чиқарувчи орган жиноят содир этиш ва жиноятчи шахсига жиддий таъсир қиладиган ҳолатларнигига жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатиغا киритган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг роли ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар енгиллаштирувчи ҳолатлар айбнинг даражасига таъсир қилади деса, бошқа бирлари суд томонидан тайинландиган жазони енгиллаштиради деб ҳисоблайдилар. Яна бошқалари эса енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилайди, деб ҳисобайдилар. Г.

Л. Кригер эса жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар фақат айб даражасига, жазо миқдорига ёки содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасигагина таъсир қилмасдан, балки жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг муҳим шартлари ҳам ҳисобланади»¹, деб ёзади.

М. А. Скрябин эса жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жинойт таркибидан ташқаридаги ҳолатлар бўлиб, содир этилган жинойтга ёки жинойт содир этган кишининг шахсига бевосита ёки билвосита тегишли бўлиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиради, (енгиллаштирувчи ҳолатлар) ёки оширади, (оғирлаштирувчи ҳолатлар) ва жавобгарлик ва жазога таъсир қилади»², деб ёзади.

Юқоридаги айтилганлардан кўриниб турибдики, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг жинойт-ҳуқуқий аҳамияти ҳақида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Уларнинг барчаси енгиллаштирувчи ҳолатларни қилмиш ва айбдорнинг шахси билан боғлаб тушунтирганлар.

Енгиллаштирувчи ҳолатларни тавсифлаш масалаларига ҳам муаллифлар турлича ёндошганлар. М.А.Скрябин «Қонун жазо тайинлашда ҳуқуққа хилоф қилмиш ва жинойтчи шахсини хусусиятловчи ҳолатларга аҳамият беради. Оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни қуйидагича ифодалашни таклиф қилади:

- А) фақат жинойтнинг ўзига тегишли бўлган ҳолатлар;
- Б) фақат айбдорнинг шахсига тегишли бўлган ҳолатлар;
- В) айбдорнинг шахсига ва жинойтга тегишли бўлган ҳолатлар.

Бизнинг назаримизда, енгиллаштирувчи ҳолатларни бундай таснифлаш амалдаги Жинойт кодексидаги 55-модда кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатларга ҳам тўғри келади. Масалан, вояга етмаганнинг жинойт содир этиши (ЖК 55-модда «ж» банди) ва хомиладор аёлнинг жинойт содир этиши (ЖК 55-модда “з” банди) фақат шахсга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобанса, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жинойт содир қилиш фақат жинойтга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобанса, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш ёки жинойтни очиш учун фаол ёрдам

¹ Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3, Стр-136-137.

² М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г., Стр-76.

бериш ҳам жиноятга, ҳам шахсга тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобанади. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар фақатгина жазони енгиллаштиришнинг ўзи учун асос бўлмасдан, балки жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун ҳам асос бўлиши мумкин. Жумладан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилиш ёки 71-моддаси қоидаларига кўра содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаслиги ёки жиноят унча оғир бўлмаслиги керак. Агар содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлса ва ЖК 55-моддасининг «а» бандидаги ҳолат мавжуд бўлса, суд енгиллаштирувчи ҳолат деб жазо тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг барчаси учун қуйидаги хусусиятлар ҳосдир.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар Жиноят кодексининг Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жиноят таркибидан ташқарида бўлиб, қилмишни квалификация қилиш учун таъсир қилмайди, квалификацияни ўзгартирмайди.

2. Бу моддада кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси бўйича квалификация қилиш учун зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, жазо тайинлаш вақтида яна 55-моддага мурожаат қилинмай ўша модданинг санкция доирасида жазо тайинланади. Чунки қонун чиқарувчи орган 55-моддада назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатни Жиноят кодекси Махсус қисмида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатиб, шунга мувофиқ равишда санкцияни ҳам енгиллаштирган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-моддасининг «д» бандида «жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача гайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиши» - енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 98-моддасида эса жабрланувчи томонидан гайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа гайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида

қасддан одам ўлдириш – беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида қасддан одам ўлдириш учун шу модданинг 1-қисмида 15 йилгача муддатга, 2-қисмида 20 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 98-моддасида қасддан одам ўлдириш, лекин кучли руҳий хаяжонланиш бу жиноятнинг жиноят таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилганлиги учун енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, шу модданинг ўзида назарда тутилган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат Махсус қисмнинг , барча моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун Махсус қисмнинг муайян бир моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат фақат шу модданинг ўзи учунгина аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати катъий бўлмай, суд жазо тайинлаш вақтида бу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам ишдаги ҳолатларга қараб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, давлат олдидаги катта хизматлари, аклий ривожланишининг жисмоний ривожланишига нисбатан орқада қолиб кетганлиги ва хоказолар ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин.

3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар

Жазони индивидуаллаштириш энг аввало ҳукм чиқариш вақтида енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиш орқали амалга оширилади ва бу ҳолатларнинг қонунда мустаҳкамлаб қуйилганлиги унинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

- д) ўта шафқатсизлик билан;
- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари; психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Юқорида берилган оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати қатъий бўлиб бошқа ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин эмас. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мазмунини қисқача ёритиб ўтсак.

Айбдорга хомиладорлиги илгаридан аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган жиноят Жиноят кодекси 56-моддасидаги келтирилган ҳолатлар рўйхатига киритилган. Хомиладор аёлга тажовуз қилган шахс айни вақтда хомиланинг нормал ривожланишига ҳам тажовуз қилган бўлади. Хомиладор аёлга ташқи салбий таъсир билан мувозанат ҳолатидан чиқариш фақат аёлга эмас, хомилага ҳам зарар етказди. Бу эса тажовузнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини икки мартаба оширади, бинобарин, айбдорнинг жавобгарлигини оғирлаштиради.

Ёш бола, кекса, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилган жиноят учун оғирлаштирувчи ҳолатларда жазо тайинлаш қўлланилиши керак.

Ёш болалар деб, ўн турт ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни ҳисобаш лозим. Қариялар деганда эса пенсия ёшига етганлар тушунилади. Ожиз аҳволдаги шахслар деганда ёши катталиги, касаллиги, жисмоний камчилиги ва бошқа омиллар туфайли жиноятчига қаршилиқ кўрсата олмайдиган кишиларни тушуниш керак.

Хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчларини бажаришлари муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган жиноят Жиноят кодекси 56-моддаси 1-қисмининг «в» бандида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Ўз хизмат бурчини бажариш деганда, ҳар қандай шахснинг ўз хизмат бурчи доирасидаги вазифасини ҳуқуққа мувофиқ равишда амалга ошириши, жамоатчилик бурчи деганда эса фуқаронинг ўзига юкланган ижтимоий бурчларини, шунингдек унинг жамият ёки айрим шахслар манфаатлари, яъни мазкур шахсни ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, содир этилган ёки содир этилаётган жиноятлар туғрисида ҳокимият идораларига хабар бериш каби ижтимоий бурчни бажариши тушунилади.

Шахснинг яқин қариндошлари деганда ота-оналар, опа-сингиллар, эр-хотинлар, болалар, жумладан фарзандликка олинганлар, набиралар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилларини тушуниш лозим.

Жиноят кодекси 56-моддаси 1-қисмининг «г» бандида кўрсатилган жиноятлар, яъни айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги назарда тутилган.

Башарти жабрланувчи ҳақиқатан ҳам айбдорнинг қарамоғида бўлганда ёки унинг кўрсатадиган моддий ёрдами жабрланувчи учун бирдан-бир тирикчилик манбаи бўлган ҳолатларда моддий қарамлик мавжуддир. Никоҳ муносабатлари ҳам бундай боғлиқликни вужудга келтиради. Жабрланувчининг моддий қарамлиги шахснинг мажбуриятлари (масалан, угай қизга тўланадиган алимент) ёки эр ва хотин ўртасида юзага келган мураккаб муносабатлар (масалан, бошқа шахар ёки қишлоқдан шахарга ўқиш учун келган қариндошни уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш) билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хизмат бўйича айбдорга қарамлик шахснинг хизматга кўра бўйсунishi билан боғлиқ бўлади, шунингдек бевосита келиб чиқмайдиган, лекин унинг меҳнати ёки ўқуви устидан назорат қилиш вазифалари билан боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, илмий раҳбар ва аспирант, тренер ва спортчи ўртасида).

Бошқа турдаги қарамлик деганда, жабрланувчи айбдорнинг уй-жойида яшашини, ўқувчиларнинг ёки тарбияланувчиларнинг васийлар, тарбиячилар ва хоказоларга боғлиқлигини тушуниш керак.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан жиноят содир этиш ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолатдир. Биргаликда содир этилган жиноят ўта хавфли бўлиб, унда жиноят содир этишни, жиноят излари ва жиноятчининг яшириш енгилроқ амалга ошади.

Айниқса, жиноий фаолият уюшганлик хусусиятига эга бўлганида унинг ижтимоий хавфлилиги янада ортади. Бу ўринда гап гуруҳ хусусида эмас, уюшган гуруҳ туғрисида боради. Уюшган гуруҳ фақат миқдорий белги билан тавсифланмайди (икки ва ундан ортиқ шахсларнинг мавжудлиги), айтилиши вақтда сифат белгилари билан, яъни олдиндан келишиб олиш, жиноятни содир этиш режасини тўзиш, уни амалга оширишга тайёргарлик кўриш, гуруҳ иштирокчилари ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Ўз навбатида, жиноий уюшманинг хавфлилиги икки ва ундан кўпроқ жиноий гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун бирлашишидан иборатдир. Бундай бирлашиш натижасида уюшган тузилманинг ўта фаоллигига эришилади, бу эса уларни кучайтирибгина қолмай, балки таъсир доирасини кенгайтиради.

Оғир оқибатларга олиб келган жиноятни содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади, зеро оқибатнинг хаддан ташқари оғирлиги тажовуз таркиби доирасидан четга чиқади. Масалан, оиланинг ягона боқувчининг ўлдирилиши унинг моддий аҳволини ўта қийинлаштириб юбориши ва хоказолар.

Суд қонунига мувофиқ жиноятнинг моҳиятига кўра мастликни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин, зеро у мазкур масалани ечишда қилмиш ўз табиатида кўра мастлик ёки айбдорнинг ақлий-иродавий фаолиятига таъсир этадиган гихёвандлик воситалари, психотроп ёки бошқа моддалар билан боғланганлигини, шунингдек шахснинг мазкур ҳолатга тушиш шароитларини батафсил ўрганиши ва уларни инобатга олиши лозим.

Умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш деганда, аксарият кишиларнинг ҳаёт ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёки давлат, жамоат ёхуд хусусий мулкка йирик миқдорда зарар келтирувчи офатлар, масалан, ёнғин, транспорт халокати, сув тошқини ва бошқа ҳолатлар тушунилади. Ушбу вазиятларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш учун айбдор томонидан шу вазиятлардан онгли равишда фойдаланиш мақсади мавжуд бўлиши керак.

Кўпчилик учун хавфли усулда жиноят содир этиш деганда, бир шахсга ёки муайян мол-мулкка қарши қаратилган бўлиб бошқа кишиларга ёки мол-мулкка муайян хавф туғдирадиган усуллар тушунилади. Масалан, сувни заҳарлаш, ёнғин, портлатиш, сув бостириш, одамлар гавжум жойда уқ отиш, бу ҳолатларда содир этилган қилмиш нафақат жабрланувчига балки бошқа шахсларга ҳам реал хавф туғдиради.

Ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этиш бу жиноятнинг субъектини ифодаловчи оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири бўлиб бу жабрланувчига нисбатан жиноий ҳаракатни амалга оширишдан олдин ёки амалга ошириш жараёнида унга нисбатан азоблаш, қийнаш ёки таҳқирлаш, хўрланган ёхуд субъектнинг жабрланувчини жуда азоблаб, масалан, жабрланувчининг баданига кўплаб жароҳатлар етказиш ёки жуда оғриқ берадиган заҳардан фойдаланиш, тириклайин куйдириш, узоқ вақт овқатсиз қолдириш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар содир этишда намоён бўлади.

4. Енгилроқ жазо тайинлаш

Одатда айбдорга содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган жазо қўлланиши керак. Енгилроқ жазо қўллашга асоси бўлиб қилмиш ва айбдор шахс унинг айби даражаси ва шакли шахснинг жиноят содир этгунгача ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятни содир этиш сабаблари ва шарт шароитларининг жами асос бўлади ва суднинг ҳукмига кўра мазкур ҳолатларда айбдорни тузатиш, жиноятнинг умумий олдини олиш вазифаларга эришиш учун мазкур жиноят учун қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланади.

Бу қоида Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда шундай баён қилинади:

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

«Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алохида ҳолатларда Жиноят кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин».
--

Қонун чиқарувчи орган Жиноят кодекси Махсус қисмининг диспозиция ва санкцияларини тузиб чиқар экан, ҳар бир жиноят учун

ундаги ҳолатлар, вазиятлар, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўла эътиборга ололмайди. Айрим ҳолларда суд санкцияда кўрсатилган жазонинг энг оз қисмини тайинлаганда ҳам жазо қаттиқ бўлиб қолиши ва Жиноят кодекси нинг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун суд буни жазо тайинлашда эътиборга олади.

Содир этилган жиноятда ана шундай вазиятларнинг бўлиб қолиши мумкинлигини эътиборга олиб, қонун чиқарувчи орган Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган қоидалардан истисно тариқасида, яъни санкция доирасида жазо тайинлаш қоидасидан четга чиқиб, Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш қоидасини киритилди. Аммо қонунда фақат фавқулодда ҳолатларда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи, енгиллаштирувчи ҳолатларда мавжуд бўлса, жазо тайинлашнинг умумий қоидаларидан бундай четга чиқишга йўл қўйилади.

Аммо қонунда айнан қандай ҳолатларда енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги кўрсатилмай, фақат Жиноят кодексининг 57-модда 3-қисмида: «Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин»лиги кўрсатилган. Бундай ҳолатларга жиноят содир этиш мотиви ва мақсадини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини киритиш мумкин.

Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган асослар бўйича енгилроқ жазо тайинлаш учун Жиноят кодексининг 55-моддасида белгиланган ҳолатлардан фарқ қилувчи, қандайдир алоҳида енгиллаштирувчи ҳолатларда жиноятнинг содир этилиши талаб қилинмайди, суд амалиётига кўра судлар Жиноят кодексининг 55-моддасида белгиланган ва белгиланмаган енгиллаштирувчи бир нечта ҳолатларнинг мавжудлигини эътиборга олиб, агар қилмишда оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса енгилроқ жазо тайинлашни қўлламоқдалар. Бунда судлар енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбдорнинг жамият ва давлат олдидаги хизматларини, кексалиги, ёшлиги, соғлиғининг ёмонлашганлигини, қарамоғида ёш болалари, меҳнатга яроқсиз ота-онаси борлиги ва бошқаларни ҳисобга оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти туғриси»даги қарорида «Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ қонунда назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам қамроқ жазо тайинлаш ёки бошқа енгилроқ жазо турига ўтиш фақат содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади, масалан, маънавий зарарнинг йўқлиги ёки етказилган мулкий зарарнинг қопланганлиги, ота-онасининг жиддий касаллиги, уларнинг меҳнатга яроқсизлиги, айбдорнинг оилада ягона боқувчи эканлиги, судланувчининг кексалиги, жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари жиноят содир этилишининг сабаби бўлганлиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар бўлиши мумкин.

Қонун енгилроқ жазо тайинлашнинг иккита усулини назарда тутди ва суд улардан биттасини иш ҳолатларига қараб қўллаши мумкин. Булар:

а) санкцияда кўрсатилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам қамроқ жазо тайинлаш;

б) енгилроқ жазо турини тайинлашдир.

Энг камидан ҳам қамроқ жазо тайинлашда суд айбдорни қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида белгиланган жазо турларини биттасини, лекин берилган жазо тури учун санкцияда белгиланган жазонинг энг кам миқдордан ҳақ қамроғини тайинлайди. Масалан, Жиноят кодексининг 137-модда 1-қисми бўйича одам ўғирлаганлик учун 3-йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган, суд эса Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда айбдорга бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мумкин.

Жиноят кодексининг 57-моддасида суд тайинланаётган жазо турининг муддати ёки миқдорини қанча миқдорга камайтириши мумкинлиги кўрсатилмаган, суд томонидан тайинлангач жазо муддатининг энг кам қисми ушбу жазо Жиноят кодексининг Умумий қисмида кўрсатилган муддатининг энг кам қисмигача бўлиши мумкин (масалан, Жиноят кодексининг 44-46-моддалар ва хоказо). 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга жазо тайинлашда суд Жиноят кодексининг 82-84-моддаларида айрим турдаги жазолар учун белгиланган жазоларнинг энг кам қисмини қўллаши лозим. Жиноят қонуни, яъни Жиноят кодексининг 57-моддасида, бошқа енгилроқ турдаги жазо тайинлаш шунингдек, санкцияда белгиланган энг кам

доирадан ҳам қамроқ жазо тайинлаш учун судга катта имконият берган. Аммо, баъзан ушбу ҳолатга хожат қолмайди, чунончи, агар суд қўллаётган ҳуқуқий норманинг санкциясида берилган жазо турининг фақат энг кўп муддати белгиланган бўлса, суд энгилроқ жазо тайинлаш усулини қўллай олмайди. Масалан, жиноят учун 2 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган бўлса, Жиноят кодексининг 57-моддасига мувожаат қилинмайди. Агар, Махсус қисми моддасининг санкциясида жазонинг энг кўп қисми кўрсатилиб энг кам қисми кўрсатилмаган бўлса, Жиноят кодекси Умумий қисмининг тегишли моддасидаги жазо турининг энг кам қисми бу жазонинг минимал муддати ҳисобланади.

Энгилроқ жазо тайинлашнинг иккинчи усули суд қўллаётган ҳуқуқий норманинг санкциясида белгиланган жазо тури ўрнига айбдорга бошқа, Жиноят кодексининг 43-моддасида ёки жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 81-моддасида белгиланган жазо турларидан энгилроғини тайинлаши мумкин. Бунда суд танлаган энгилроқ жазо турининг миқдори Жиноят кодекси Умумий қисми моддасида белгиланган доирада тайинланади. Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб жазо тайинлашда қонун Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган энгилроқ жазо турини танлашни чекламайди. Агар бундай жазо тури айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган ҳуқуқий норманинг санкциясида белгиланган бўлса, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллагандан тайинланиши ҳам мумкин. Жиноят кодексининг бир қатор моддаларининг санкцияларида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга мажбурий қўшимча жазо сифатида тайинланиш белгиланган. Лекин, бундай талабга қарамасдан суд Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, уни қўллагаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса суд айбдорга энгилроқ асосий жазони санкция доирасида тайинлаши, мажбурий қўшимча жазони эса қўллагаслиги мумкин ёки айбдорга энгилроқ асосий жазо тайинлаши мумкин ёки айбдорга энгилроқ асосий жазо тайинлаш ва мажбурий қўшимча жазони қўллагаслиги ҳам мумкин. Амалиётда баъзи судлар Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб жазо тайинлашда олдин айбдор содир этган жиноят учун жавобгарлик туғрисидаги ҳуқуқий нормалар санкцияси доирасида жазо тайинлайдилар, кейин ҳукмнинг қарор

қисмида енгиллаштирувчи ҳолатларни кўрсатадилар, сўнгра эса Жиноят кодексининг 57-моддаси асосида тайинланган жазони камайтиради, ёки енгилроғи билан алмаштиради. Масалан, вилоят судининг «А»ни айбланиш бўйича чиқарган ҳукмининг қарор қисмида «ҳукм қилди сўзидан кейин: «А. Жиноят кодексининг 196-модда 1 қисми билан айбли деб топилсин ва унга энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима тайинлансин»-деб кўрсатилади. Аммо «А» муқаддам судланмаганлиги моддий зарарни қоплаганлиги, давлат муқофотларига сазоворлиги, вояга етмаган фарзандлари борлигини эътиборга олиб суд белгиланган жаримани энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача камайтирган».¹

Баъзи ҳолатларда суд Жиноят кодексининг 57-моддасида кўрсатилган асослар бўлмаган тақдирда ҳам Жиноят кодексининг ушбу моддасига муружаат қилмасдан айбдорга нисбатан қўлланаётган ҳуқуқий норманинг санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам қамроқ жазо тайинлайди. Бу айрим туркумдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Жиноят кодекси 81-моддасига кўра 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан, хатто агар суд қўлланаётган ҳуқуқий норманинг санкциясида кўшимча жазо тайинлаш мажбурий бўлганда ҳам кўшимча жазо тайинлаш мумкин эмас. Пенсия ёшига тулган шахсларга, меҳнатга лаёқатсиз аёлларга ёки боласига қараш бўйича таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга аҳлок тузатиш ишлари қўлланилиши мумкин эмас. Юқорида кўрсатилган шахсларга санкция белгиланган аҳлок тузатиш ишлари ўрнига суд бошқа енгилроқ жазо турларини тайинлаш керак.

Енгилроқ жазо тайинлаш борасида ЖКнинг 57-моддаси талабларига оид қуйидаги ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтсак.

Чунончи, агар шахс ЖКнинг турли моддаларида кўзда тутилган бир неча жиноят учун судланаётган бўлса, енгилроқ жазо тайинлаш ЖК 57-моддаси жиноятлар жами бўйича тайинланадиган жазодан кейин эмас балки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаш вақтида қўлланилади. Масалан, фуқаро «С»нинг жиноят ишини олайлик у Жиноят кодексининг 25-97-моддаси 2-қисми «А» банди ҳамда Жиноят кодекси 248 моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланиб суд томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳар икки модда бўйича умумий тарзда 57-модда қўлланилиб, жазо тайинланган. Ушбу иш бўйича юқоридаги қоидага

¹ Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

зид равишда жазо тайинлаш амалга оширилганини кўрамиз. С нинг жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 16 сонли қарорининг 8,1 бандида кўрсатилган талаблар бажарилмаганлигини кўрсатиб,, Олий суд ўз қарори билан ҳукмни бекор қилган¹. «С» нинг жиноят иши бўйича жазо тайинлаш қуйидаги тартибда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, яъни «С» нинг Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2 қисми «А»бандида кўзда тутилган жинояти ҳамда Жиноят кодексининг 248 моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинояти учун жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, 57-модда қўлланиши учун асослар мавжуд бўлса, ушбу модда ҳам ҳар бир жинояти учун алоҳида татбиқ этилиб сўнг 59-моддада кўзда тутилган қоидага кўра ҳар бир жинояти учун тайинланган жазоларни тула ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар жами бўйича жазо тайинланиши керак.

5. Бир неча жиноят учун жазо тайинлаш

Ҳуқуқий давлат қуришда, аввало, қонунларга таянган ҳолда инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари асосида одил судловни амалга ошириш лозимдир. мазкур тамойилларга тўлиқ риоя қилиш жиноят қонуни талаблари оғишмай бажарилишини тақазо этилади. Жиноят қонунида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш институти мавжуд бўлиб бу норма талабларига риоя қилмаслик юқоридаги тамойилларнинг бузилишига олиб келади. Ушбу қоида бузилишини бартараф қилишда кўмаклашиш мақсадида бир неча жиноят учун жазо тайинлашга оид қоидаларни қисман бўлсада ёритиб беришни лозим деб топдик. Жиноят кодекси 59-моддасига биноан бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашни қуйидаги тартибда амалга ошириш назарда тутилган:

Шахс ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу кодекснинг 59-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси жиноят учун жазо тайинлаб, сўнгра Умумий қисмда жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлайди.

¹ ЎзР Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997 йиллар. // “Шарк”, Т.:1997.

Жиноятлар мажмуи тариқасидаги ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Жиноятлар мажмуи тариқасида тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиб тайинлаши мумкин. Агар, иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланганида ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисми қўшилади.

Юқоридаги жиноятлар жами бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) жиний қилмиш жиноят қонунининг турли моддалари билан квалификация қилинганда;

2) шахс бир хилдаги бир неча ҳаракатларни содир этган бўлиб, улардан бир тугалланган жиноят тариқасида, бошқалари эса, жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд ёки иштирокчилик тариқасида квалификация қилинганда;

3) иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганида.

Жиноятлар мажмуи тариқасида айбдорга жазо тайинлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда суд Жиноят кодексининг 54-моддасида белгиланган жазо тайинлаш қоидаларини қўллаган ҳолда айбдор содир этган ҳар қайси жиноятга алоҳида жазо тайинлайди. Бунда суд ҳар қайси жиноят учун алоҳида алоҳида асосий жазони тайинлайди ва агар зарур бўлса ҳар бир жиноятнинг хусусиятига қараб қўшимча жазо тайинлайди. Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи ҳар қайси жиноят учун алоҳида жазо тайинлаш Жиноят кодексининг 59-моддасининг муҳим талабидир ва ундан четга чиқишга йўл қуйилмайди ушбу қонунининг жазо тайинлашдаги ижобий хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

а) жиноятлар мажмуига кирувчи алоҳида жиноятлар учун амнистия ва авф этишни анча енгиллаштиради;

б) бундай жиноятлар кассация ёки назорат тартибда кўрилганда ҳар бир жиноят учун жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларини эътиборга олишда;

в) озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларга нисбатан жазони ўташ калонияси режими турини белгилашда , шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масалаларини хал қилишни осонлаштиради.

Агар суд айбдорга жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллашни зарур деб топса, бу масалани биринчи босқичда, яъни ҳар қайси жиноят учун алоҳида жазо тайинлашда ҳал қилиши лозим. Иккинчи босқичда суд тегишли жазо турини белгиловчи Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларида белгиланган доирада айрим жиноятлар учун тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан айбдорга у содир этган барча жиноятлар жами учун жазо тайинлайди, масалан , айбдор иккита жиноятни содир этиб, суд бир жиноят учун бир йил, иккинчи жиноят учун икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиб иш ҳақидан 20 фоиздан ушлаб қолишни белгилаган бўлса, жиноятларнинг ҳар бири учун тайинланган муддатларни қисман қўшиб, жиноятлар жами тарикасида икки ярим йил, тула қўшиш йўли билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиши ва иш ҳақидан 20 фоиз ушлаб қолишни тайинлайди. Чунки Жиноят кодексининг 46-моддасига кўра жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари уч йилдан ортиқ муддатга тайинланиши мумкин эмас. Масалан, содир этилган иккита жиноятдан бири учун суд айбдорга унинг иш ҳақидан 15 фоизини ушлаб қолиш билан бир йил ахлоқ тузатиш ишларини, бошқа жиноят учун ҳам иш ҳақидан 25 фоизини ушлаб қолиш билан бир йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган. Жиноятлар мажмуи тарикасида суд айбдорга иш жойи бўйича иш ҳақидан 25 фоизини , яна бир йил давомида 15 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш билан икки йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаган. Агар жиноятлар 18 ёшга тулмаган , вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва камоқ турдаги жазолар Жиноят кодексининг 82-83-84-моддаларида белгиланган доирада қўшилади.

Шахснинг содир этган жиноятлари учун суд айбдорга ҳар хил турдаги жазоларни тайинлаши ҳам мумкин. Масалан, битта жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш , бошқаси учун ахлоқ тузатиш ишлари камоқ ёки жарима ва бошқа жазолар. Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи айрим жиноятлар учун турли хил жазоларни қўшиш масаласи Жиноят кодексининг 59-моддаси 2 қисмида ёритиб берилган. Қонунга биноан суд мазмунига кўра

жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар учун жазоларни тула ёки қисман кушиш масаласини қонунда белгиланган жазо тайинлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ўз ихтиёри билан хал қилади.

Жиноят кодексининг 59-моддаси 3 қисмида «жиноятлар жами тарикасида тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қушимча жазоларни ҳам қушиб тайинлаш мумкин», - дейилган. Жиноятлар мажмуига кирувчи айрим жиноятлар учун қушимча жазолар дастлаб асоссиз равишда тайинланган бўлса юкори турувчи судлар кейинги инстанция тартибда жиноят ишларини кўришда уларни ҳукмдан чиқариб ташлайди. Жиноятлар мажмуи тарикасида тайинланган асосий жазога айрим жиноятлар учун тайинланган бир неча турли хил қушимча жазоларни тайинлаш мумкин. Масалан, харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш.

Жиноят кодекси 59-моддаси 4-қисмида кузда тутилган ҳолатларда жазо тайинлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Янги аниқланган жиноят иши учун 59-модда талабларига кўра 54-модда асосида алоҳида жазо тайинланади;

Янги аниқланган жиноят иш бўйича тайинланган жазога олдинги иши бўйича тайинланган жазолар қўшилади.

Жиноятлар жами учун белгиланган катъий жазо биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас, чунки бундай ҳолда жазоларни қушиш вақтида биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан эмас балки унинг тўлиқ миқдоридан келиб чиқилади. Жиноятлар жами бўйича тайинланган жазодан чегириб, кейинги иш бўйича судгача эҳтиёт чораси ёки ушлаб туриш тартибда камоқда ўтирган ваки ва биринчи ҳукм бўйича ўталган жазо муддати чегириб ташланади.

6. Бир неча ҳукм юзасида жазо тайинлаш

Юкорида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш билан боғлиқ ҳолатларга тўхталиб ўтдик. Жиноят қонунида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш билан бирга бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари ҳам мавжуд. Ушбу институтларни бирга келтиришимиздан мақсад судлар амалиётида шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, бунда хар икки қоидани баробар тадбиқ қилиниши ишни тўғри хал қилинишига асос бўлишини кузатишимиз мумкин. Масалан, «А»нинг жиноят ишини олайлик,

«А» фирибгарлик жинояти учун икки йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиниб, иш ҳақининг 15 фоизи давлат фойдасига ушлаб қолиш тайинланган. «А» нинг ушбу жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин уни яна бошқа жиноятларда айбдорлиги аниқланган, жиноятлардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар бошқалари эса ҳукм чиқарилгандан сунг содир этилган. Энди ушбу иш бўйича жазо тайинлаш ҳам жиноятлар жами учун ҳам бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларини тадбиқ қилинишини назарда тутди. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари Жиноят кодексининг 60-моддасига мувофиқ қуйидаги тартибда белгиланган.

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тула ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тула ёки қисман кушади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни кушиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узилокесил тайинланади.

Бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолатларда бу жазоларнинг факат муддатлари кушилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган кушимча жазолар ҳукмлар жами тарикасида тайинланган асосий жазога кушиб тайинланади.

Юқоридаги қонунда қўзда тутилган бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари, маҳкум томонидан биринчи ҳукм эълон қилингандан сунг, лекин ҳукм бўйича тайинланган асосий ва кушимча жазолар тула ўталгунга қадар янги жиноят содир этилган ҳолларда қўлланилади. Қонунга кўра маҳкум тайинланган жазони айрим сабабларга кўра ўтамаган бўлса, масалан, жазони ўташдан бўйин товлаган шартли ҳукм қилинган ва ЖПК қоидаларига кўра жазони ижро этиш тўхтатиб ёки кечиктириб қуйилган ва бошқа сабабларга кўра умуман ўтаман бўлса ҳам суд Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидалари бўйича жазо тайинлайди.

Жиноят кодексининг 60-моддасида кўрсатилган ҳолларда суд янги ҳукм бўйича илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тула ёки қисман кушиш йўли билан қатъий жазо

тайинлайди. Жиноятлар жами тарикасида тайинланган жазонинг максимал муддатини белгиловчи Жиноят кодекси Умумий қисмининг моддаларида белгиланган доиралар билан чекланган Жиноят кодексининг 59-моддасига нисбатан ҳукмлар жами тарикасида жазо тайинлашда максимал доира факат озодликдан маҳрум қилиш жазоси учун белгиланадиган муддат билан фарқ қилади. 18 ёшдан ошган вақтда жиноят содир этган шахсларга ҳукмлар жами тарикасида жазо тайинланганда жазонинг энг куп муддати 25 йил ва 18 ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан 15 йилгача муддатга тайинланади. Янги жиноят учун тайинланган жазога ўталмаган жазони қисман кушишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил июлдаги «Жиноий жазо чоралари тайинлаш амалиёти ҳақида»ги қарорининг 2,8 бандида берилган тушунтиришга асосланиш лозим. Унда: "Ҳукмлар жами тарикасидаги жазо ўз микдори бўйича янги содир этган жиноят учун тайинланган жазодан ҳам олдинги ҳукм бўйича жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак», - дейилган.

Жиноят кодекси 60-моддасида принципиал аҳамиятга эга бўлган жазоларни кушиш қондаси белгиланган. Унинг аҳамияти шундаки, ўталмаган жазога янги тайинланган жазо эмас, янги жиноят учун тайинланган жазога биринчи ҳукм бўйича ўталмаган жазо кушилади ва маҳкум у содир этган барча жиноятлари учун ҳукмлар жами тарикасида тайинланган жазони ўташни бошлайди. Агар айбдор ҳукм эълон қилингандан кейин бир неча жиноятларни содир этган бўлса, суд аввал жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинлаб, унга олдинги ҳукм бўйича ўталмай колган жазони тула ёки қисман кушади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонуни ҳукм бўйича тайинланган жазони енгиллаштиришга рухсат беради (амнистия, авф этиш асосида Жиноят кодексининг 74-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ва бошқалар). Суд амалиётида бу билан боғлиқ: «Жиноят учун тайинланган жазога қайси жазони кушиш керак – аввалги ҳукм бўйича тайинланганини ёки енгилрогини?», деган савол пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг юқорида айтиб ўтилган қарорининг 2,7 бандида: «Бундай ҳолатларда янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазога енгилроқ жазонинг

ўталмаган қисми тула ёки қисман кушилади»¹, деб тушунтириш берилган. Ҳукмлар жами тарикасидаги ҳар хил турдаги жазоларни кушишда Жиноят кодексининг 61-моддасида белгиланган қоидалар бўйича оғирроқ жазо тури тайинланади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш хаки ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдорлари белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг факат муддатлари қисман ёки тула кушилади. Аввалги ҳукм бўйича тайинланган, лекин ижро қилинмаган қушимча жазолар ҳукмлар жами тарикасида тайинланган жазога кушилади .

Бир жинояти учун (судланиб) ҳукм чиққан, лекин ҳукм бўйича жазони ўтамаган шахс, биринчи ҳукм чиққунга қадар бошланиб, ҳукм чиққандан сунг ҳам давом этган сурункали ва давомли жиноят содир этишда айбдор деб топилса, иккинчи ҳукм бўйича унга жазо тайинлашда суд Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидаларига риоя этиши лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари нима?
2. Жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга тушунча беринг?
3. Жиноятлар жами бўйича жазо тайинлаш принциплари ваа доираси нималардан иборат?
4. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш принциплари ва доираси нималардан иборат?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 йил. // "Шарк", Т.: 1998.

8. "Уголовное право. Общая часть". (Учебник для ВУЗов). Под общ. редакцией доктора юр. наук, проф., З.А.Незнамова) // "Инфра-Норма", М.:1999г.
9. Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". (Учебник. Под. ред. док. юрид. наук. проф. В.П.Ревина) // "Брандес", М.:1998г..
10. «Уголовное право. Общая часть». (Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова» «Новый юристРазгильдяев Б.Т. "Задачи Уголовного права Российской Федерации и их реализация" Саратов, 1993 - стр 4,5
11. Курс уголовного права". Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под. ред. док. юрид. наук. проф. Н.Ф. Кузнецовой и канд. юрид. наук. доцента И.М. Тяжковой. - М: Изд. Зерцало, 1999г.
12. Кузнецова Н.Ф. "Профилактическая функция уголовного закона"// Уголовное право. 1998г.. № 1F28..
13. "Уголовное право Российской Федерации". Общая часть: Учебник // Под. Ред. Б.В. Здравомыслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999г.
14. Келина С.Г., Кудрявцев В.Н. «Принципы советского уголовного права». М.,1988 ¹ Г.М. Миньковский, А.А. Магомедов, В.П. Ревин "Уголовное право России". Под. ред. док. юрид. наук. проф. Ревина В.П., Учебник - М.: Изд. "Брандес"
15. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
16. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
17. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
18. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
19. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
20. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
21. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
22. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
23. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.

24. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
25. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
26. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
27. Смирнов В.Г. "Функции Советского уголовного права" // "УЛГУ", М.:1965г.
28. Трайнин А.И. "Учения о соучастии" // М.:1941г.
29. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
30. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
31. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
32. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
33. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
34. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
35. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
36. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
37. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
38. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
39. А.А Пиантовский "Учение о преступление". // М.: 1961г.
40. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
41. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
42. К.А.Панько "Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве" // Воронеж, 1988г.
43. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
44. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
45. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.

46. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
47. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
48. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
49. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
50. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.
51. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
52. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
53. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
54. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
55. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
56. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
57. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997,
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
60. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
61. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
62. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2
63. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги

конуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

64. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16


65. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

66. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

67. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й

17-БОБ: ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва унинг турлари.



Жиноят қонунига мувофиқ содир этган қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти содир этилган қилмиш Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш (26 модда), муайян жиноят таркиби мавжуд бўлган, аммо кам аҳамиятли қилмиш (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), охири зарурат (38-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда), буйруқ ёки вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик каби жиноят ҳуқуқий муносабатларда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар тушунчаси билан ифодаланувчи ҳолатлардан фарқ қилади. Чунки жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги номалар содир этган қилмиши жиноят бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Бошқача қилиб айтганда бундай қилмишлар айбсизлик мезони билан баҳоланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлашдан ҳам фарқ қилади. Шахсни оқлаш, оқловчи ҳукм чиқаришга асос бўлган жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ёки содир этилган жиноятга шахснинг алоқадор эмаслигида ифодаланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун иккита белги мавжуд бўлиши лозим:

а) шахснинг жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмишни содир этиши, шунингдек уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асосларнинг мавжуд бўлиши

б) мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

Шахс томонидан содир этилган қилмишда жиноят таркиби белгиларининг мавжуд бўлмаслиги уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ўз мазмунига кўра шахсни содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилишдан иборатдир. Шахсни жиноий жавобгарликдан ҳар қандай асосларга кўра озод қилиш қилмишнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди. Чунки содир этилган қилмиш доимо жиноят бўлиб қолаверади ва ўз моҳиятини ўзгартирмайди.

Демак, ***жиноий жавобгарликдан озод қилиш***-ваколатли давлат органининг судлов ёки айбловни бекор қилиш, шунингдек жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги акти.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш иккига бўлинади:

биринчиси шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатнинг ўтганлиги ёки амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш. Қонунда кўрсатилаган асослар мавжуд бўлган холларда жиноят ишини кўраётган суриштирув, тергов органлари ва суд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиши ва жиноят ишини юритишни тугатиши лозим.

Бу Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ёки амнистия актининг қўлланиши тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи турига, жавобгарликдан озод қилишнинг қолган барча турлари киради: қилмиш ёки шахсни ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги

муносабати билан; айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан; ярашганлик муносабати билан; касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (65-67-моддалар) ва вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда) киради. Бу моддаларда кўрсатилган ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурият келтириб чиқармайди, балки, бу уларнинг ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланади. Бу Жиноят кодексининг жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги моддаларида белгиланган: «Жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин» деган қонуний асосга кўра белгиланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий шарти шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш, деганда қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга эса қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Масалан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 100-модда), кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 106-модда).

Жиноят кодексининг 65-67-моддаларига асосан жавобгарликдан озод қилишда жиноятнинг таснифидан ташқари бошқа ҳолатлар, етказилган зарарнинг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам эътиборга олиниши лозим, бундан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадга мувофиқлиги келиб чиқади. Бундай ҳолатларга: жиноят туфайли етказилган зарарнинг аниқ миқдори ва уни қопланганлиги ҳақидаги расмий маълумотлар, Фуқаролик кодексига кўрсатилган жисмоний ва маънавий зарарнинг қопланганлиги, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи кўрилатган шахс ҳақидаги маълумотлар, шунингдек бошқа маълумотлар (оилавий аҳволи, нима билан шуғулланиши ва

бошқалар) киради. Жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган далилар ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартлари аниқланган бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган жиноий жавобгарликдан озод қилиш туридан фарқли равишда, касалиги туфайли ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши, шунингдек, амнистия акти билан жавобгарликдан озод қилишда содир этилган жиноятнинг аниқ бир тури кўрсатилмаган. Бундай озод қилиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахс билан бир қаторда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Иккинчи фарқи шундаки, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши билан ёки амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноий ишни кўраётган суриштирув органлари, прократура ва суд учун қонунда белгиланган ҳолатлар аниқланган вақтдан бошлаб мажбурий ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тушунчаси бири-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади:

Биринчидан, **қўлланиш асосига кўра**. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш умумий қоида бўйича фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилса, жиноий жазодан озод қилишда жиноятнинг таснифи (оғирлилик даражаси)га қатъий боғлиқ эмас.

Иккинчидан, **субъектига кўра**, - жиноят процесси иштирокчиси томонидан жиноий жавобгарликдан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи озод қилиниши мумкин. Жиноий жазодан эса фақат махкум шунингдек, суд ҳукми эълон қилинган шахс озод қилиниши мумкин.

Жиноий жавобгарликдан шахс нафақат суд томонидан, балки, **суриштирув, тергов ва прократура органлари** томонидан жиноий ишни дастлабки тергов жараёнида ёки шахс жиноят процесси иштирокчиси бўлмай туриб, яъни жиноят ишини кўзғатишдан олдин озод қилиниши мумкин. Жиноий жазодан озод қилиш эса фақат суд қарори билан (жиноий жазодан озод қилиб суднинг ҳукми, жиноят ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ёки қарор) чиқариш билан амалга оширилади.

Айнан бир асос ишнинг қайси босқичда кўриляётганлигига қараб жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга ҳам хизмат қилиши мумкин. Юқоридаги ҳолат амнистия актига тегишли бўлиб, у

шахсга нисбатан суд ҳукми чиқарилгунга қадар жиноий жавобгарликдан, суд ҳукми чиқарилганидан сўнг эса асосий ва қўшимча жазодан озод қилиш учун тадбиқ этилади.

Жиноят кодексида жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- 1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);
- 2) қилмиш ёки шахс ижтимоий ҳафзлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65- модда);
- 3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);
- 4) ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹ модда)
- 5) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);
- 6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда);
- 7) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда).

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқий жиҳатдан жиноят содир этган шахсни содир этилган қилмишнинг барча ҳуқуқий оқибатлари: суд ҳукми асосида давлат томонидан тайинланадиган ва шахсни расмий тарзда жиноятчи деб топадиган таъсир чорасидан, жазодан ва судланганликдан озод қилади. Шунингдек, бу институтнинг қўлланилиши барча турдаги жиноят процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларини бекор қилади: Шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахснинг айбсизлигини англатмайди ва уни фуқаролик-ҳуқуқий масалан, содир этган қилмиши учун мулкий жавобгарликни қўллаш, шунингдек маъмурий, интизомий таъсир чораларидан озод қилмайди.

2. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Жиноят ҳуқуқида муддатнинг ўтиши деганда, жиноят қонунида белгиланган жиноят содир этилганидан сўнг шахснинг жавобгарликка тортилишини истисно қилувчи муддатнинг ўтганлиги тушунилади.

Жиноят ҳуқуқида белгиланган муддат инсонпарварлик ғояларга асосланган бўлиб, шахс бутун умри давомида жиноий жавобгарликка

тортилишидана хавфсираб яшамаслиги лозим, шунинг учун муддатнинг ўтиши билан объектив жиҳатдан содир этилган қилмиш ўзини ижтимоий хавфлилигини йўқотмаган бўлсада, жавобгарликка тортиш умумий ва махсус нуқтаи назардан маъно ва мазмунини йўқотади. Муайян муддатнинг ўтиши билан шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг нотўғрилиги, шахс шу давр давомида янги жиноят содир этмаса у ижтимоий хавфлилигини йўқотади ёхуд бу ижтимоий хавф кам аҳамиятли бўлиб қолади, деган презумпциядан келиб чиқади.

Жиноят кодексида у ёки бу жиноятни содир этган шахсни содир этилган жиноятлар оғирлик даражасидан келиб чиқиб, жиноий жавобгарлидан озод қилиш учун асос бўладиган муддатлар ўтишининг тўрт тури мавжуд. Жиноят кодексининг 64- моддасига мувофик:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб- уч йил;

б) унча оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб- беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб- ўн йил;

г) ўта оғи жиноят содир этилган кундан бошлаб (тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар бундан мустасно)- ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Бу муддатнинг жиноят содир этилган кундан бошлаб суд ҳукми қонуний кучга киргунча бўлган вақтининг ўтиши ҳисобланади. Жиноятни содир этиш куни деганда, жиноят объектив томонига кирувчи ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) бажарилган ёки жиноий оқибат юз берган вақтини тушуниш лозим. Формал таркибли жиноятларда қилмишнинг объектив томони содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Бу жиноятларни тугалланган деб топиш учун жиноий оқибат талаб қилинмайди. Формал таркибли жиноятда жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади (Масалан, тухмат қилиш). Моддий таркибли жиноятларда жиноят жиноий оқибат юз берган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади (Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш). Ҳар қандай жиноят ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан бошланади. Шахснинг ижтимоий хавфлилиги жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) нинг ўзида ифодаланади. Шахс жиноий қилмишни содир этган вақтдан бошлаб ижтимоий хавфли

ҳисобланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси фақатгина жиноятнинг хусусиятига эмас, балки, унинг оқибатларига ҳам боғлиқдир.

Жиноий қилмишсиз жиноий жавобгарликнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Шунингдек у жиноий оқибатсиз ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади (масалан, жиноятга суиқасд қилиш). Шунинг учун жиноий қилмиш ҳар қандай жиноятнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, жиноий оқибат эса, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини, етказилган зарарнинг миқдорини белгилайди.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш жиноят иштирокчиларини жавобгарликка тортишда ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир. Биргаликдаги бажарувчилар бўлгани ҳолда содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши, агар бажарувчилар жиноятни биргаликда содир этишда иштирок этган бўлса, жиноят содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш иштирокчилар ўртасида роллар тақсимланганда қийинчилик туғдиради. Жиноят кодекси 28-моддасига кўра иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар иштирок этади. Бажарувчи жиноятнинг объектив томонини бажарган вақтидан бошлаб жавобгар ҳисобланади.

Ташкилотчи жиноят қонунига кўра, экцесс бажарувчини истисно этганда иштирокчилар томонидан содир этилган барча жиноятлар учун жавобгар бўлади. Ташкилотчининг ҳаркати бир қанча босқичдан иборат бўлиши мумкин. Агар ташкилотчи фақат жиноий гуруҳни ташкил этиш билан чекланган бўлса, жиноий мақсадга қаратилган сўнгги ҳаракати бажарилгунга қадар жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ҳисобланади.

Далолатчини жиноят иштирокчиси сифатида жиноий жавобгарликка тортиш бажарувчи томонидан жиноят содир этилган вақтдан ҳисобланади. Далолатчини жиноий жавобгарликка тортиш муддати, у томонидан далолатчилик ҳаракати амалга оширилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Далолатчининг ҳаракати мустақил хусусиятга эга. Унинг жиноий ҳаракати шахсни жиноят содир этишга оғдирган вақтидан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади. Далолатчига нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг қўлланиши бажарувчи томонидан жиноят содир этилган вақтга боғлиқ эмас. Шунинг учун далолатчига нисбатан жавобгарликка тортиш муддати,

у далолат қилаётган шахсни жиноят содир этишга жалб қилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу далолатчи томонидан қилинган ҳаракатлар шахсни жиноят содир этишга оғдирмаган ҳолда тадбиқ этилмайди. Бундай ҳаркат иштирокчиликда далолатчилик бўлмасдан, балки, жиноятга тайёргалик ҳисобланади. Бунда жиноий жавобгарликка тортиш муддати охириги жиноий ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ёрдамчи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, унинг жисмоний ёрдамчилик қилганида (жиноят содир этиш учун қурол етказиб бериш) жавобгарликка тортиш муддати охириги ҳаркат содир этилган вақтдан ҳисобланади.

Интеллектуал ёрдамчилик кўп маротаба маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, бажарувчи билан мулоқат қилиш кабилардан иборат бўлиб, унинг ҳар бир ҳаракати жиноятни содир этишда умумий боғлиқликни ташкил этади. Шунинг учун бу жиноий ҳаракат тугагунгача ёрдамчилик тамом бўлган ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортиш муддати охириги ёрдамчилик ҳаракати амалга оширилган (маслаҳат, кўргазма бериш) вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Шундай қилиб, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш турли усулларда амалга оширилади. Иштирокчиларнинг бажарувчи билан алоқадорлиги, улар алоҳида, кўп ҳолларда турли вақтларда содир этилади. Уларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг ҳар бир ҳолатга қараб алоҳида белгиланади. Айни шу асос иштирокчилардан ҳар бирининг ҳаракати учун бажарувчидан алоҳида жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш имконини беради. Иштирокчиликда жиноят содир этишда улардан ҳар бирининг жиноят содир этишдаги ролига қараб алоҳида алоҳида белгиланади.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини белгилашда асосий эътибор давомли ва узоққа чўзилган жиноятларга нисбатан муддатни ҳисоблашга қаратилиши лозим.

Узоққа чўзилган жиноятни квалификация қилишда айнан жиноятнинг бошланиш вақтини жиноий ҳаракат содир этилиш вақтидан, жиноятнинг тамом бўлиш вақти эса айбдорни ўзини жиноятни тугатишга ёки қаратилган ёки қилмишнинг тамом бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг юз беришини эътиборга олиш лозим. Ушбу жиноятнинг тамом бўлиш вақтини белгилайди. Жиноят

тамом бўлган вақтдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўта бошлайди.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати узоққа чўзилган жиноятларда қилмиш айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлган ҳолатларга айбдорнинг ўзи ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларга кўра тамом бўлиш вақтидан ҳисобланади.

Узоққа чўзилган жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг фактик жиҳатдан тугаганлигини белгиловчи ҳолат (айбдорнинг айбини бўйнига олиши ёки унинг ушланиши) нинг юзага келиши билан бошланади.

Давомли жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати айбдорнинг ягона қасди асосида содир этилган охириги жиноий ҳаракатнинг тугаши билан ўтишни бошлайди.

Бир қанча жиноятларда ҳам жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўзига хос хусусиятга эга. Жиноятларнинг реал жамида Жиноят кодекси 64 –моддасидан келиб чиқиб шахс алоҳида ҳаракатлар орқали турли жиноятлар содир этганида, жиноий жавобгарликка тортиш муддати унинг ҳар бир жиноий қилмиши учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Бу ўринда Жиноят кодекси 64-моддаси 4-қисмидаги янги қсддан жиноят содир этилиши олдинги содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ўтишини тўхтатади. Бу ўринда муддатнинг ўтиши янги жиноят содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноятларнинг идеал жамида бир ҳаракат орқали шахс икки ёки унлан ортиқ жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Такрорий жиноят содир этилганда муддатни ҳисоблашда ҳар бир содир этилган қилмишдан келиб чиқиш лозим. Такрорий жиноят содир этиш биринчи жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун такроран жиноят содир этилганида муддатнинг ўтиши уларнинг ҳар бири учун алоҳида- алоҳида ҳисобланади.

Агар шахс жисмоний ёки руҳий кассаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилинган ва тuzалган бўлса, муддатнинг ўтиши жиноят содир этилиши билан эмас, балки, шахс тuzалган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш, жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга киргунга қадар давом этади. Бу қоида жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг

тугашили белгилайди. Бу Жиноят процессуал кодексидаги «ҳукм апелляция шикоят ва протест келтириш учун белгиланган муддатининг ўтиши билан қонуний кучга киради», деган қоидадан келиб чиқади.¹ Апелляция шикояти ёки протести ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида берилиши керак. Бу муддат маҳкум, жабрланувчи ҳукмни олган кундан бошлаб ҳисобланади.² Бу ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг қонуний кучга киради деган маънони билдиради. Ҳукм эълон қилиш Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексида белгиланган³. Жиноят порецессуал қонунига кўра «ҳукмни қонуний кучга кириш вақти» анча шартли ҳисобланади, жиноят иши жиноят содир этган шахснинг айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб, агар жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса тугатилиши лозим.⁴ Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ишни шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб тугатишга сабаб бўлади. Шунинг учун агар шахс жавобгарликка тортиш муддати суд мажлиси давомида тугаган бўлса, судланувчи суд залидан жазо тайинланмай озод қилинади ва бу ҳақда қарор чиқарилади.⁵ Агар апелляция шикояти бериш муддат давомида жавобгарликка тортиш муддати туганган бўлса, суд ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Демак, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ҳар қандай муддат жавобгарликка тортиш муддатининг узилишига асос бўла олмайди. Бу ҳолат судланувчи, айбланувчи, гумон қилинувчини қидириш билан боғлиқ ҳаракатларда муддат ўтишининг давом этишини истисно этади. Бунда жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши узилади, яъни ўтиши тўхтайд.

Шахс белгиланган муддат ўтмасдан, янги жиноят содир этса, жиноий жавобгарликка тортиш муддати узилади ва ҳар бир жинояти учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганда ва белгиланган муддат ўтмасдан туриб, янги қасддан жиноят содир этса, муддат узилади ва жавобгарликка тортиш муддати янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.(Жиноят кодекси 64-м, 4-қ)

¹ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 538-моддаси. // “Адолат”, Т.:2001.

² ЎзР Жиноят процессуал кодекси 497-моддаси. // “Адолат”, Т.:2001, 232-бет.

³ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 473-моддаси. // “Адолат”, Т.:2001, 218-бет.

⁴ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 84-моддаси. // “Адолат”, Т.:2001, 45-бет.

⁵ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 474-моддаси. // “Адолат”, Т.:2001, 218-бет.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати агар жиноят содир этган шахс тергов ёки суддан яширинса узилади. Муддат ўтишининг узилишини асосий шартлари:

1) жиноят ишини қўзғатилиши билан боғлиқ бўлиб, агар жиноят иши қўзғатилмаган бўлса, одил судловдан бош тортиш ҳақидаги масаланинг бўлиши ҳам мумкин эмас;

2) айбланувчининг суд ва терговдан бўйин товлаши ҳисобланади.

Суд ва терговдан бўйин товлаш деганда, шахсинг жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида қилинган ва суд ҳамда тергов органларининг тегишли ҳудудларда айбланувчини қидириш билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилади. Шахсни қидириш билан боғлиқ бўлган муддат жавобгарликка тортиш муддатига қўшилмайди. Муддатнинг ўтиши айбдор топилган ёки айбини бўйнига олиб, арз қилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бунда шахс онгли равишда жиноий жавобгарликдан бўйин товлашга ҳаракат қилади ва қидирув органлари унга нисбатан махсус чора тадбирлар кўришга мажбур бўладилар.

Бундан ташқари қонунда махсус- 25 йиллик муддат ўрнатилган бўлиб, бу муддатнинг ўтиши билан шахс жиноий жавобгарликдан ҳар қандай шароитда, шу жумладан, жиноят содир этган шахсинг суриштирув ёки терговдан яширинганлиги учун муддатнинг узилиши ёки тўхтатиб қўйилиши ёки оғир ёхуд ўта оғир жиноят содир этгандан сўнг қасддан янги жиноят содир этган ҳолларда ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Ўлим жазосига махкум қилиниши мумкин бўлган жиноятни содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш масаласи эса суд томонидан хал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддати ўтиши лозим деб топмаса, ўлим жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Агар шахс Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларни содир этган бўлса: урушни тарғиб қилиш (150-м); агрессия (151-м); урушнинг қонун ва удумларини бузиш(152-м); геноцид (153-м), ёлланиш (154-м); терроризм (155-м); миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш (156-м) каби жиноятларни содир этгани тақдирда жавобгарликка тортиш муддати қўлланилмайди.

Жиноят-процесуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмида шахсни жавобгарликка ториш муддати ўтиб кетган бўлса айблилик масаласи

хал қилинмай туриб, жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш: дастлабки тергов даврида-суриштирув, тергов органлари ва прокурорнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори; суд мажлисини тайинлаш боқичида эса суднинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрими билан тугатилади.

Агар шахс жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишга жалб қилингандан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, айбланувчи, судланувчи вафот этган тақдирда айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни умумий тартибда давом эттириш мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

3. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ёки жиноят содир этган шахс ўзининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бу нормада икита мустақил, лекин маъно ва мазмун жиҳатдан жиноий жавобгарликдан озод қилишда бир-бирига яқин бўлган асослар кўрсатилган: шароит ўзгарганлиги туфайли *қилмишнинг* ижтимоий хавфлилигини йўқотиши ва шароитнинг ўзгариши билан *шахснинг* ижтимоий хавфлилигини йўқотиши.

Бу икки асос мавжуд бўлиши учун иш тергов қилиш ёки судда кўрилиши жараёнида объектив ҳолатнинг шундай ўзгариши тушиниладики, бу ҳолат натижасида шахс ёки содир этилган қилмиш ёхуд иккиси ҳам бир вақтнинг ўзида ижтимоий хавфлилигини йўқотади. Шу билан бир қаторда бу жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг икки турининг табиати ва аниқ асоси бир хил эмас.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотиши учун иккита асос бўлиши лозим:

- а) шароитнинг ўзгариши
- б) мазкур ўзгариш қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотишига олиб келиши.

Шароитнинг ўзгариши деганда, объектив воқеиликнинг ўзгариши боис содир этилган жиноятнинг янги ижтимоий шароитларда ўзини ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги тушинилади. Одатда объектив ҳолатнинг ўзгариши нафақат мавжуд ижтимоий хавфли қилмишнинг, балки, шу турдаги ижтимоий хавфли қилмишларнинг ҳам ижтимоий хавфлилиги йўқотилишига олиб келади. Айни вақтда шароитнинг ўзгариши бутун давлат миқёсида (умумий), шунингдек муълум бир худудда (локал) ҳам бўлиши мумкин. Бу шарт–шароитнинг ўзгариши айбдор шахснинг хоҳиш иродасидан ташқарида содир бўлиб, жамиятнинг барча фуқароларига ёхуд муайян вилоят, туман ва ҳакозолар аҳолисига, ходими ва ишчиларига таалуқли бўлишидир. Масалан, ғайриқонуний равишда тақиқиланган жойда балиқ овлаш ижтимоий хавфли ҳисобланиб, Жиноят кодексининг 204-моддасига кўра жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Агар балиқларнинг кўпайиб кетиши ёки ҳайвонот оламининг қирилиб кетиши натижасида ов қилишга рухсат берилган бўлса бундай ҳаракат жиноят ҳисобланмайди.

Бу ўзгаришлар унча кўп учрамайди ва бу асосга кўра жазобгарликдан озод қилиш истисно қилувчи хусусиятга эга. Бу ҳолатнинг ўзгариши бевосита жиноят тушунчаси билан боғлиқ, бундан иккита хулоса келиб чиқади:

1) бундай ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш факультатив эмас, балки, мажбурийдир;

2) бу содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига ва айбланувчининг шахсига боғлиқ бўлмайди.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда бошқа фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва биринчи марта жиноят содир этган шахсларгина жиноий жавобгарликдан озод қилинади¹

Юқорида қайд этилганлардан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг биринчисида объектив ҳолатнинг шундай ўзгарганлиги тушуниладики, бунинг оқибатида олдинги ижтимоий хавфли ва жиноий жазога сазовор қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотади, яъни қилмишнинг жиноийлигини йўқотиши, қилмишга нисбатан янги объектив шароитда маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланиши мумкинлигини истисно этмайди.

Иккинчи асос ҳам ташқи шарт-шароитнинг ўзгаришини ифодалайди. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотувчи ҳолатдан фарқли равишда, у шахс томонидан жиноят содир этилгунга

¹ Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320

қадар ёки жиноят содир этилгандан сўнг шароитнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлади Бошқача қилиб айтганда, айбдор шахсни ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳолашнинг ўзгаришидир. Жиноят содир этган шахсни ижтимоий хавфли эмас деб топиш унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилишда айбдор бўлган шахсни, баъзи ҳолатлар муносабати билан хавфлилик даражаси йўқолган деб ҳисоблашдан иборатдир. Масалан, армия хизматини ўташга чақирилган шахс унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган бўлса, тергов органи ёки суд уни жавобгарликдан озод қилиб, харбий хизматни ўташига имкон бериши мумкин. Бунда жиноятнинг хавфлилик даражаси ўзгармайди балки шу жиноятни содир қилишда айбдор бўлган шахс бундан сўнг хавфли эмас деб топилади. Бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш ёки муайян ҳудуддаги шароитнинг ўзгариши эмас, балки, жиноят содир этган шахснинг ўзи юридик жиҳатдан баҳоланади

Шахснинг ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топиш учун, дастлабки тергов, суд мажлиси ёки ундан сўнг вужудга келганлигини эътиборга олиш лозим. Вазиятнинг ўзгариши билан айбланувчи шахс суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилиги билан қабул қилган қарори, прокурорнинг қарори, суднинг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори ёки ажримига кўра жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Агар шахс ишнинг тугатилишига қаршилик билдирса, бундай ҳолатда иш тугатилмайди. Бундай ҳолатда иш умумий тартибда кўрилиб, суднинг айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилиши билан тугатилади.

Шахс ёки қилмиш ижтимоий хавлилигини йўқотиши сабабли айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилиш муайян ижтимоий муносабатларнинг декриминализация қилиниши деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Декриминализацияда жиноят таркиби-объекти бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди. Бунда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмайди.

4. Айбдорнинг чин кўнгилдан ўз қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.

Жиноят кодексининг 66-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта

содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг бир тури сифатида моддий ва мулкий зарар, шунингдек, бой берилган фойда ҳақида гап кетса (масалан ишончни суистеъмом қилиш ёки алдаш орқали мулкий зарар етказиш) чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) жиноят натижасида талон-тарож қилинган мулкка ўхшаш мулкни қонуний эгасига натура тарзида қайтариб бериш, ёхуд уни тергов органига ихтиёрий тарзда қайтариш;

2) жиноят туфайли кўрилган зарарни пул кўринишида қайтариш;

3) жабрланувчи жинояти туфайли зарар етган мулкни ўз кучи билан ёки меҳнати билан асл ҳолига келтириши (масалан, жиноят иши кўзғатилган транспорт ходисаси туфайли зарар кўрган автомобильни таъмирлаш).

Ҳақорат қилиш туфайли кўзғатилаган жиноят ишида маънавий зарар, жабрланувчидан узр сўраш орқали қопланиши мумкин. Агар бундай узр сўраш оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган бўлса, катта самара беради.

Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексига маънавий ва жисмоний зарарни пул шаклида қоплаш ҳам белгиланган.

Айбланувчи эҳтиётсизликдан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиб, унинг даволаниши, озиқ-овқати, унга қараш учун кетган харажатларни, санаторияга йўлланма харажатларини қопласа, шунингдек жабрланувчининг оила-аъзоларига моддий ёрдам берган ҳолда ҳам чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг белгилари мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда моддий зарарнинг, шунингдек жисмоний ва маънавий зарарнинг қопланганлиги ҳисобга олинади. Айбини бўйнига олиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг шакли сифатида, шахснинг ҳеч қандай мажбурлашсиз, ўз хоҳиши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (ички ишлар, бошқа суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд)га оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилишидир. Жиноят процессуал кодексига мувофиқ абдорнинг ўз айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши жиноят

ишини қўзғатишга хизмат қилади. Бу суриштирув ва тергов органларига маълум бўлмаган жиноятларга тааллуқлидир. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун чин кўнгилдан пушаймон бўлишдасуриштирув ва тергов органларига жиноят содир этган шахс маълум бўлмаган ёки жиноят очилмаган бўлиши лозим. Агар шахс қидирувда бўлса ёки тергов ва суддан яшириниб юрган бўлса, бу уни чин кўнгилдан ўз қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга хизмат қилмайди.

Жиноятни очишга фаол ёрдам бериш, пушаймон бўлишнинг бир кўриниши бўлиб, бунда шахснинг ўз айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ва содир этилган жиноятларнинг барча жиҳатлари ва ҳолатларини белгилаб олишга ҳуқуқ тартибот органларига кўрсатилган ёрдами тушунилади. Бу айбдорнинг тергов ва судда тўғри кўрсатмалар бериши, тергов ҳаракатларида фаол иштирок этишида, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жиноий йўл билан топилган мол-мулк ва бошқа ашёларнинг яшириб қўйилган жой тўғрисида хабар беришида ва бошқаларда ифодаланади.

Демак, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш туфайли жазодан озод қилиш учун қуйидаги асослар бўлиши лозим:

- а) шахснинг биринчи марта жиноят содир этганлиги;
- б) содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта ёки унча оғир бўлмаслиги;
- в) айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги.

Шахсни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа асослари Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида белгиланган ҳолда қўлланиши мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 211-моддасида белгиланган пора бериш жиноятида агар шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берса, бундай шахс жавобгарликдан озод қилинади (211-м, 4-қ).

5. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш

Агар ақли норасо шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилса, бу уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Агар шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли расо бўлиб, суд ҳукм чиқаргунга қадар ўз

ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва оқибатларини англамайдиган ҳолатдаги руҳий касалликка чалиниб қолса, қилмиш жиноий ҳисобланиб бундай шахсга нисбатан Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодекси нормалари қўлланади. Жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг ахамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса жавобгарликдан озод қилинади. Бундай шахсларни жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги руҳий касалликка чалинган шахснинг суд томонидан белгиланган жавобгарлик чоралаларини касаллиги туфайли тўғри идрок этиш имконига эга эмаслигида ифодаланади. Бундай шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тартиби Жиноят кодексининг 91-95-моддаларида (Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг махсус тартиби) белгиланган. Агар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан тузалиб кетса, жавобгарликка тортилади. Жавобгарликка тортиш муддати суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят -процессуал кодексининг 84-моддасининг 3-қисмига кўра жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг мохиятларини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахснинг жиноят иши айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

6. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79- ва 93-моддаларида қайд этилганидек, амнистия акти асосида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан сенат ваколатларига киради. Баъзи давлатларда амнистия давлатнинг олий қонун чиқарувчи органига тегишлидир. Масалан, Россияда Давлат Думаси амнистия чиқариш ваколатига эга.

Амнистия норматив хусусиятдаги акт бўлиб, у муайян жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутатидиган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг қарорларининг асосли ва қонунийлигини шубҳа остига қўймасдан, жазодан ёки жиноий

жавобгарликдан озод қилади, жазони енгил жазо билан алмаштиради, ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради, шунингдек судланганликни бекор қилади.

Амнистия ўз ижтимоий моҳиятига кўра муайян жиноятларни содир этган шахсларнинг айрим тоифаларигагина тааллуқлидир. Суднинг айблов ҳукмига доир қарори чиқарилмаган ва амнистия кучга киргунига қадар жиноят содир этилган жиноят ишларига ва шахслар тоифасига тааллуқли бўлади. Содир этилган жиноятга нисбатан жазолов функциясини йўқотмаган ҳолда, амнистия акти жазони қисман ёки тўлиқ бекор қилади, бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштиради ёхуд қўзғатилган жиноят ишини тугатади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида амнистиянинг жиноят ҳуқуқий тушунчаси иккита вазиятни ўз ичига олади: ҳали суд томонидан жиноят иши кўрилмаган шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ва жазо масалалари.

Амнистия ҳуқуқий оқибатларига кўра бошқа жиноий жавобгарликдан озод қилиш турларига мувофиқ келади. Амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилишда инсонпарварлик принципи ўз ифодасини топган.

Алоҳида шахсни жавобгарликдан озод қилувчи акт-авф этишдан фарқли равишда, амнистия норматив характерга эга: у ҳар доим муайян доирадаги жиноятларга, ёки бир гуруҳ шахсларга ёхуд ўзаро демографик, ижтимоий, жиноий, ёшга оид ҳуқуқий ёхуд бошқа белгиларига кўра фарқланмайдиган бир гуруҳ шахсларга тегишли бўлиб, индивидуал хусусиятга эга бўлмайди. Бу доира турли: жиноят таркиби ёки жиноятнинг таснифи, жиноят субъектнинг белгиларига кўра аниқ кўрсатилади.

Одатда амнистия актлари биринчи навбатда вояга етмаганлар, қариялар, шунингдек аёллар, хомиладор аёлларга, шунингдек, бошқа белгилар: жиноятнинг хусусиятли ва оғирлик даражаси (эҳтиётсизликдан содир этилган, қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар) кўра қўлланилади. Аммо бошқа, ижтимоий-сиёсий асосларга кўра ҳам амнистия актлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг доираси ананавий тартибда эмас, балки алоҳида тартибда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонида биринчи марта жиноят содир этган аёллар,

жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаган шахслар, мазкур Фармон кучга киргунга қадар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, мазкур фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишлари бўйича олиб борилаётган тергов ишлари, судда кўрилмаган ишлар тугатилиши белгиланган.

Умумий қоидага кўра амнистия акти у чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилади. Узоққа чўзилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан, амнистия акти, агар жиноятни ташкил этувчи барча ҳаракатлар амнистия акти кучга киргунга қадар (чиққан вақти, қонуний кучга кирган вақти) амалга оширилган бўлса тадбиқ этилади.

Давомли жиноятларда ҳам амнистия акти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу акт охириги жиноят амнистия акти чиқарилгунга қадар содир этилиб, агар бу амнистия актида махсус кўрсатилган бўлса қўлланилади, агар жиноий ҳаракатлардан бири амнистия акти чиқарилганидан ёки қонуний кучга кирганидан сўнг содир этилган бўлса тадбиқ этилмайди.

Амнистия акти асосида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш давлат томонидан унинг жиноятини эмас, балки шахснинг кечирилишидир.

7. Ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.

2001 йил 29 августда Жиноят кодексига ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги 66¹ –модда киритилди. Унга кўра биринчи марта Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, айбини бўйнига олиб арз қилишга ўхшайди ва худди шу каби белгиларга эга. Аммо ярашганликнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу уни айбини бўйнига олиб арз қилиш асосида жавобгарликдан озод қилишдан фарқлаш имконини беради. Ярашганлик асосида жавобгарликдан озод қилиш зарарни қоплаш ва жабрланувчи томонидан айбланувчини кечириш асосида амалга оширилади. Айбини бўйнига

олиб арз қилишда эса, дастлабки тергов ёки суд томонидан амалга оширилади.

Айбланувчи ва жабрланувчининг ярашганлиги қонуний ва ихтиёрий бўлганлигини белгилаш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1) жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирининг содир этилганлиги;

2) айбини тан олиши;

3) етказилган зарарнинг қопланиши.

Жиноят кодекси 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирининг содир этилиши ярашганликни ифодаловчи бошқа элиментлар бўлганда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати 66¹ –модда белгиланган. Улар қуйидагилар:

ЖК 105-моддаси 1- қисми, (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-модда кучли руҳий ҳимояланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етгазиш, 107-модда-зарузий мудофа чегарасидан четга чиқиб, 108-модда (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109 модда (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-модданинг 1-қисми (қийнаш) 111-модда (эхтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш), 116-модданинг 1, 2- қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-модданинг 1-қисми (хавф остида қолдириш) 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-модда (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-модданинг 1, 2-қисмлари (тухмат), 149-модда (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-модданинг 1-қисми(ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-модданинг 1-қисми (фирибгарлик), 169-модданинг 1-қисми (ўғрилиқ), 170-модданинг 1-қисми (алдаш ёки ишончи суистемол қилиш йўли билан талон-торож қилиш), 172-модда (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-модданинг 1-қисми (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-модда (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-модданинг 1-қисми (темир ёўл, денгиз, дарё ёки хаво транспортининг ҳаракати

ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-модданинг 1-қисми (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-модданинг 1-қисми (транспортнинг хавфсиз ишлашини тامينлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддаси 1-қисми (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш).

Ушбу моддада кўрсатилган жиноятлар унча оғир бўлмаган ва ижтисмой хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киради. Олий суд ярашиш жараёни нафақат 66¹-моддада кўрсатилган жиноятлар содир этилганида, балки, бошқа моддаларга нисбатан ҳам ярашиш муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкинлигини белгилайди. Аммо бу ҳолда ушбу асосни қўллаш ҳуқуқи жавбланувчи ва айбланувчига эмас, балки, судга тегишлидир. Олий суд судлар томонидан ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ижтисмой хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этилганларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқлигига эътибор берилиши лозимлигини, албатта Жиноят кодексининг 65-66 моддаларида ёхуд 70-71-моддаларида асосан жавобгарликдан озод қилиш масаласини муҳокама қилиниши лозимлигини белгилайди.¹

Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг яна бир шarti шахс томонидан биринчи марта жиноят содир этилганлигидир. Биринчи марта жиноят содир этиш бу шахснинг судланганлик ҳолатига эга эмаслиги, суд ёки терговдан яширинмаганлигини билдиради.

Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш жабрланувчининг айбдорин кечирishi ва ўзининг талабидан кечishi ҳамдир.

Бу моддани қўллашда ярашиш ҳақидаги ташаббуснинг кимдан чиққанлигини (айбланувчи ёки жабрланувчи) ахамияти йўқ. Асосийси жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлиги (зарарни қоплаганлиги туфайли уни кечирганлиги) ҳақидаги расмий тартибда муурожаат қилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 62-бобида ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий давогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан

¹ Олий суд Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига узгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслахатхонасига кирмасдан олдин берилиши мумкин. Аризада етказилган зиён бартараф этилганлиги, шунингдек ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимос бўлиши шарт. Ярашув битими бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилингандан сўнг бу жиноят бўйича қайтадан жиноий иш юритиш мумкин эмас.

Жиноят кодексининг 66¹ –моддасини ярашганлик туфайли жавобгарликдан озод қилишни мажбурият қилиб белгиламай, балки, ҳуқуқ сифатида белгилайди. Бунда ярашганлик фактидан ташқари қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ва жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олиниши лозим. Бундай ҳолатларга фактик маълумотлар, айбланувчининг шахсий хусусиятлари ва ярашишнинг мақсадини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақидаги қарорида Жиноят кодексининг 66¹–моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун айна вақтда тўрта ҳолат: шахснинг биринчи бор жиноят содир этганлиги; ўз айбига иқрорлиги; жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни қоплаганлиги талаб этилиши белгиланган. Пленум қарорида етказилган зарар қопланмаган бўлсада, жабрланувчинининг зарарни қоплаш талабларидан воз кечганлиги ҳам кодекснинг 66¹–моддасини қўллашга асос бўлишини эътиборга олиш лозимлиги белгиланган.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда нимани тушунасиш ва унинг қандай турлари мавжуд ?
- 2) Жавобгарликдан озод қилиш асослари нималардан иборат?
- 3) Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асослари нималардан иборат?

4) Кайси холларда айбдорнинг чин кўнгилдан ўз қилмишига пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш умумий қисм моддасини кулламаган ҳолда амалга оширилиши мумкин?

5) Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида жавобгарликдан озод қилиш чоарси сифатида киритилиши сабаблари ва унинг ижтимоий аҳамияти нимадан иборат?(Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июндаги қарори билан танишиб чиқинг)

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
7. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
7. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
7. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
7. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
7. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”, 1990 г.
7. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
7. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
7. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон» Т.:1973й.
7. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
7. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
7. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
7. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.

7. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
7. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
7. Смирнов В.Г. "Функции Советского уголовного права" // "УЛГУ", М.:1965г.
7. Трайнин А.И. "Учения о соучастии" // М.:1941г.
7. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
7. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
7. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
7. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
7. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
7. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
7. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
7. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
7. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
7. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
7. А.А Пионтовский "Учение о преступление". // М.: 1961г.
7. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
7. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
7. К.А.Панько "Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве" // Воронеж, 1988г.
7. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
7. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
7. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
7. М.Д.Шаргородский "Наказание, его цели и эффективности" // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.

7. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,

7. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.

7. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.

7. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.

7. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.

7. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.

7. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.

7. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4

7. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.

7. Конвенция о правах ребенка. 1989г.

7. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

7. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

7. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

7. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

18-БОБ: ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

1. Жазодан озод қилиш тушунчаси.



Жиноий жазодан озод қилиш жиноят содир қилишда айбдор деб топилган ва жазога маҳкум қилинган шахсга нисбатан жазони қўллаш ёхуд бошқа усул ва воситалар билан жазо мақсадларига эришиш имконияти мавжуд бўлсада, жазони ўташни давом эттиришдан давлатнинг воз кечишидир. Ёки бошқача айтганда **жазодан озод қилиш деганда**, айбдорни айнан суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилиш тушунилади.

Жазодан озод қилиш жиноий жавобгарликдан озод қилиш қондасининг таркибий қисми бўлиб, жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг бир шакли сифатида жазодан озод қилишни тақазо этади.

Жиноий жазодан озод қилишни учга бўлиш мумкин:

- 1) жиноий жазодан тўлиқ озод қилиш
- 2) жиноий жазодан қисман озод қилиш
- 3) жиноий жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш

Жиноий жазодан тўлиқ озод қилишда суд айблов ҳукмида жазо турини белгилайди ва белгиланган жазони ижро этмасликка қарор қилади. Бу турга жазони ижро этиш мудатининг ўтиб кетганлиги (69-модда), шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги (70-модда), айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги (71-модда), шартли жазо белгилаш (72-модда) каби жазодан озод қилиш турлари киради.

Жиноий жазодан озод қилишнинг иккинчи турида эса, маҳкум суд белгилаган жазонинг бир қисмини ўтайди ёки белгиланган жазо енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилади. Бунга: муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда), жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда) киради.

Касаллик ёхуд меҳнат қобилиятининг йўқотиши (73-модда), амнистия ва авф этиш асосида жазодан озод қилишда маҳкум жазодан тўла ёки қисман ҳам озод қилиниши ёхуд жазо чораси енгилроғи билан алмаштирилиши мумкин. Шунинг учун ушбу асосларни жазодан озод қилишнинг иккали турга ҳам киритиш мумкин.

Бундан ташқари жиноий жаздан озод қилиш ***шартсиз ёки шартли, ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатилган асосга*** кўра ҳам бўлиши мумкин

Жиноят кодексининг 73-моддасига кўра (жазони ўташ муддатидан илгари жазодан озод қилиш) жазодан озод қилишдан ташқари бошқа асосларга кўра жазодан озод қилиш турлари жазодан шартсиз озод қилиш ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилиш тушунчаси бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади:

биринчидан, қўлланиш асосига кўра. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш умумий қоида бўйича фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга

нисбатан қўлланилса, жиноий жазодан озод қилишда жиноятнинг таснифи (оғирлилик даражаси)га қатъий боғлиқ эмас.

иккинчидан, субъектига кўра, - жиноят процесси иштирокчиси томонидан жиноий жавобгарликдан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи озод қилиниши мумкин. Жиноий жазодан эса фақат махкум шунингдек, суд ҳукми эълон қилинган шахс озод қилиниши мумкин.

учинчидан, жиноий жавобгарликдан шахс нафақат суд томонидан, балки, **суриштирув, тергов ва прокуратура органлари** томонидан жиноий ишни дастлабки тергов жараёнида ёки шахс жиноят процесси иштирокчиси бўлмай туриб, яъни жиноят ишини кўзгатишдан олдин озод қилиниши мумкин. Жиноий жазодан озод қилиш эса фақат суд қарори билан (жиноий жазодан озод қилиб суд ҳукмини чиқариш, жиноят ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ёки қарор) амалга оширилади.

тўртинчидан, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жиноий жазодан озод қилишдан яна бир асосий фарқи айбланувчи шахси билан боғлиқ бўлган **жиноят ҳуқуқий оқибатдир**. Масалан, такроран жиноят содир этиш ёки жиноятлар мажмуи шахс икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этганда ва улар учун судланмаган ҳолларда ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга шахс муайян шартлар асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинганда ҳам судланмаган ҳисобланади. Жиноий жазодан озод қилиш суд ҳукмида тайинланган жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ҳисобланиб, бунда судланганлик ҳолати сақланиб қолади.

Жиноят кодексининг 65, 66, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан илгари содир этган жинояти учун жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган шахс такроран жиноят содир этиш ёки илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлик учун судлангандан сўнг янги жиноят содир этса бу ҳолат жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди. Бундан кўриниб турибдики, жиноий жазодан озод қилиш судланганлик оқибатини бекор қилмайди.¹

Жиноий жазодан озод қилишни муайян шартлар мавжуд бўлгандагина қўллаш мумкин. Уни қўллаш асосларидан бири жиноий жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигидир.

Айни битта асос ишни қайси босқичида қўлланилаётганлигига қараб, жиноий жавобгарликдан озод қилишга ҳам жазодан озод

¹ Олий Суд Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 йил 19 июл №16.

қилишга ҳам хизмат қилиши мумкин. Юқоридаги ҳолат амнистия актига тегишли бўлиб, у шахсга нисбатан суд ҳукми чиқарилгунга қадар жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун, суд ҳукми чиқарилганидан сўнг асосий ва қўшимча жазодан озод қилиш учун тадбиқ этилади.

Жиноят кодексида жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

1) жазо мудатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (69-модда);

2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (70-модда);

3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (71-модда);

4) шартли ҳукм қилиш (72-модда);

5) жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиш (73-модда);

6) жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда);

7) касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш (75-модда);

8) амнистия акти асосида жазодан озод қилиш (76-модда).

Бундан ташқари жиноий жазодан озод қилишнинг яна бир алоҳида тури мавжуд бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий жазодан озод қилиш асоси кўрсатилган бўлса, шахсни жиноий жазодан озод қилиш мумкин бўлади.

2. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

Жиноят ҳуқуқида муддатнинг ўтиши деганда, жиноят қонунига асосан содир этилган жиноят учун суд томонидан белгиланган муддатнинг ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўтиши тушунилади.

Муддатнинг ўтиши муайян вақтнинг ўтишида ифодаланади. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун жиноят содир этиш вақти муайян аҳамиятга эга бўлса, жиноий жазодан озод қилишда муддат ўтишининг бошланишида эса суд ҳукмининг қонуний кучга кириши аҳамиятли ҳисобланади. Суд ҳукми апелляция шикояти ва протести келтириш муддати ўтгандан сўнг қонуний кучга киради. Агар апелляция шикояти кўриб чиқилиб, ҳукм бекор қилинган бўлса,

муддат иш юқори суд томонидан кўрилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ишни апелляция тартибида юритиш учун шикоят ёки протест келтириш муддати ўн кун, айбдор, оқланувчи ёки жабрланувчи эса ҳукми олган кунда бошлаб ўн кунлик муддат қилиб белгиланган.

Жиноятлар жами бўйича жазо тайинлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, судлар барча жиноятларни ҳисобга олиб, жиноятлар жами бўйича жазо тайинлайди. Бир қанча жиноятлар бўйича жазо тайинланганда муддатнинг ўтиши тайинланган жазо муддатига нисбатан ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муддатининг ўтиши билан шахс жазодан тўлиқ ва ҳеч қандай шарт қўйилмасдан озод қилинади.

Жазонинг ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги сабабларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳга, суд ҳукми бўйича белгиланган жазони ижро этишга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган, суд ёки жазони ижро этувчи орган ходимларининг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги, маҳкумнинг оғир касаллиги ва бошқалар киради.

иккинчи гуруҳга, маҳкумнинг жазони ижро этишдан бўйин товлаши киради.

Жазони ижро этиш муддатининг ўтиши суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек ҳукм бир қатор асосларга кўра ижро этилмаган вақт давомида айбдорга боғлиқ бўлмаган ёки янги жиноят содир этилмаган ва жазони ижро этишдан бўйин товламагани ҳолда муддатнинг ўтиши ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда муддатнинг ўтиш қоидаси бузилмаган бўлса, ушбу муддат ўтиши билан айблов ҳукми ижро этилмайди.

Жазони ижро этишдан бўйин товлаш деганда, тайинланган жазони ижро этишдан қочишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракат тушунилади. Жазони ижро этишдан бўйин товлаш, янги жиноят таркибини ташкил қилмайдиган ҳаркатлардан иборат бўлиши керак.

Жиноят кодекси 69-моддасига мувофиқ суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

1) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда - уч йил;

2) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил;

2) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн йил;

3) ўн йилдан ортиқ бўлган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн беш йил ичида жазо ижро этмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.

Бундан ташқари Жиноят кодексида умумий муддат ҳам белгиланган бўлиб, агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас.

Бу муддатнинг ўтиши суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

Муддат ўтишининг қуйидаги шартлари мавжуд:

1) суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

2) шахсининг жазони ўташдан бўйин товламаганлиги;

3) бу муддат давомида қасддан янги жиноят содир этмаганлиги.

Агар маҳкум жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки барабар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги лозим.

Шахс муддат ўтмасдан, янги жиноят содир этса, муддат узилади ва янги жиноят содир этган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ўлим жазосига маҳкум қилинган шахсни жазодан озод қилиш масаласи суд томонидан хал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддати ўтиши лозим деб топмаса, ўлим жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлайди.

Агар шахс Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларни содир эган бўлса: урушни тарғиб қилиш (150-м); агрессия (151-м); урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-м); геноцид (153-м), ёлланиш (154-м); терроризм (155-м); миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш (156-м) жазодан озод қилиш муддати қўлланилмайди.

3. Шахсининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

Жиноят ҳуқуқида шароитнинг ўзгарсиши ёки жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотса, жазонинг махсус ва

умумий огохлантириш вазифалари нуқтаи назаридан унга нисбатан жазо қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳолатда жиноят содир этган шахсни жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси воситасида қайта тарбиялаш зарурияти қолмайди.

Жиноят кодекси 70-моддасига кўра, жиноят содир этган шахснинг иши судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарса ёки намунали ҳулқи, меҳнатга, ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб этироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Жазодан озод қилишнинг ушбу тури иккита ўзига хос белгига эга:

- 1) шароитнинг, яъни вазиятнинг ўзгариши;
- 2) шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги.

Шароитнинг ўзгариши жиноят содир этилган вақтида мавжуд бўлган шароитнинг кейинчалик ўзгаришидан иборат. Бундай шароитлар деганда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий хусусиятдаги ва жиноят содир этиш вақти, жойи билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар тушинилади. Бу ўзгаришлар объектив хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, айбдорнинг хоҳишига боғлиқ бўлмайди. Бунда объектив воқеиликнинг ўзгариши боис содир этилган жиноятнинг янги ижтимоий шароитларда ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги тушунилади. Одатда объектив ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгариши нафақат қилмишнинг балки, шу турдаги ўхшаш қилмишларнинг ҳам ижтимоий хавфлилиги ўзгаришига олиб келади. Бундай шароитнинг ўзгариши айбдорнинг хоҳиш иродасидан ташқарида содир бўлиб, жамиятнинг барча фуқароларига ёхуд муайян вилоят, туман ёки хоказоларнинг аҳолисига ёки массаса ёхуд бирлашмаларнинг ходими ва ишчиларига таалукли бўлади.

Шахсни ижтимоий хавfli эмас деб топиш унинг намунали ҳулқи ва меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиши билан боғлиқдир.

Шахснинг намунали ҳулқи уни ижтимоий турмиш қоидаларига тўла риоя қилиши, ҳуқуқ- тартиботни мустаҳкамлашга фаол ёрдам бериши, жамиятда ўрнатилган тартиб қоидаларини бузмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслиги, жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаши ва бошқа ҳолатларда ифодаланиди.

Меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши деганда, шахснинг ҳалол меҳнат қилиши, ички тартиб қоидаларни ўз вақтида бажариши,

меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларини бузмаслиги, ижтимоий фойдали ҳаракатларни амалга ошириши, меҳнат интизомига риоя этиши тушинилади. Агар илгари жиноят содир этган шахс ахлоқан тузалган бўлса-ю, лекин меҳнат қилмасдан текинхўрлик билан кун кечириб келган бўлса, уни ижтимоий хавфли эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди.

Ўқишга ҳалол муносабатда бўлиш белгиланган ўқув соатларини тўлиқ ўзлаштириш, белгиланган тартибга риоя қилиш, намунали хулқли эга бўлиш ва ўқув ҳамда амалий фаолиятни амалга оширишга қарор қилганликда ифодаланади.

Шахснинг жиноят содир этганидан кейинги хулқи унинг ҳуқуқ нормаларидаги ва жамиятдаги умум этироф этган қоидаларнинг барча кўрсаткичларга риоя қилишидан иборатдир. Буни аниқлаш учун муайян вақт талаб этилади.

Шахснинг меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатини унинг асосий иш жойида ва ўқишдаги унга юклатилган вазифаларни аниқ, ҳалол ва самарали бажаришини тушунишиш лозим.

Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусияти йўқолганлигига кўра жазодан озод қилиш учун жиноят содир этилгандан сўнг муайян вақтнинг ўтиши, шахснинг меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқи асос ҳисобланади.

Бу ҳолатда нафақат шахснинг ижтимоий фойдали меҳнатда иштироки ва хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги, балки, унинг ўз фуқаролик бурчларига ҳалол муносабатда бўлиши, жиноят содир этганига пушаймонлиги, жиноят оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилганлиги ҳам эътиборга олинади.

Бу асосга кўра жазодан озод қилиш худди шу асосга кўра жиноий жавобгарликдан озод қилишдан фарқли ўлароқ, ҳар қандай жиноят содир этилганида қўлланиши мумкин.

Шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги тўғрисида жазодан озод қилиш фақат суднинг жазо тайинламасдан чиқарилган айблов ҳукми асосида амалга оширилади.

7. Айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

Жиноят кодекси 71-моддасига мувофиқ, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этгандан кейин етказилган

зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш деганда, жиноят содир этган шахснинг зарарни қоплаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноятни очиш ва уни содир этган шахсларни қидириб топишга ёрдам беришга қаратилган фаол ҳуқуқ тушинилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг таркибий қисми сифатида, шахснинг ўз хоҳиши билан ҳеч қандай зўрлашларсиз тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оғзаки ёки ёзма тартибда мурожаат қилишида ифодаланади.

Жиноят туфайли етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг бир тури сифатида қуйидагиларни англатади:

1) жиноят натижасида талон тароҷ қилиган мулкка ўхшаш мулкни қонуний эгасига натура тарзида қайтариб бериш, ёхуд уни тергов органига ихтиёрий тарзда қайтариш;

2) жиноят туфайли кўрилган зарарни пул кўринишида қайтариш;

3) жабрланувчининг жиноят туфайли зарар етказилган мулкни ўз кучи билан ёки меҳнати билан асл ҳолига келтириш (масалан, жиноят иши қўзғатилган тарнспорт ходисаси туфайли зарар кўрган автомобильни таъмирлаш).

Ҳақорат бўйича қўзғатилган жиноят ишида маънавий зарарни ундириш, жабрланувчидан узр сўраш орқали амалга оширилиши мумкин. Агар оммавий ахборот воситалари орқали сўралган бўлса, катта самара беради.

Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик кодексида маънавий зарарни пул шаклида қоплаш ҳам белгиланган. Етказилган жисмоний зарар ҳам пул кўринишида қопланиши мумкин.

Айбланувчи эҳтиётсизликдан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиб, унинг даволаниши, озоқ-овқати, унга қараш учун кетган харажатларни, санаторияга йўлланма харажатларини қоплаган, шунингдек, жабрланувчининг оила-аъзоларига моддий ёрдам берган ҳолларда ҳам чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг белгилари мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда моддий зарарнинг, шунингдек, жисмоний ва маънавий зарарнинг қопланганлиги ҳисобга олинади.

Жиноят кодекси 71-моддаси 2-қисмида бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, башарти, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, шахсан ўзи ёки унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри билан келиб қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Мазкур турдаги жазодан озод қилишни қўллаш учун:

- а) иштирокчиликнинг ҳар қандай шаклида жиноят содир этганлик;
- б) чин кўнгилдан пушаймон бўлганлик;
- в) шахснинг оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишда бевосита қатнашмаганлик;
- г) жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очишда ёрдам берганлик;
- д) жиноят ташкилотчилари ёки бошқа иштирокчиларни фош қилишга ёрдам берганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Иштирокчиликнинг ҳар қандай шаклида жиноят содир этганлик деганда, иштирокчилик шакллари назарда тутилган. Маълумки, Жиноят кодекси 29-моддаси 1-қисмида иштирокчиликнинг куйидаги шакллари кўрсатилган:

- 1) оддий иштирокчилик, яъни икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашишидир.
- 2) мураккаб иштирокчилик, яъни икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилишидир.
- 3) уюшган гуруҳ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашишидир.
- 4) Жиноий уюшма, яъни икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашишидир.

Айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, унинг фаол ҳаракатларида ифодаланиб, у икки: айбини бўйнига олиши ва зарарни ихтиёрий равишда қоплашдан иборат бўлади. Айбини бўйнига олиб арз қилиш шахснинг бевосита ўзи ёки бошқа шахслар воситасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиб, уларга

тайёрланган жиноятни ёки гуруҳнинг ижтимоий хавфли фаолиятини бартараф этишга, содир этилган жиноятни очиш, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам бериш нияти хақида хабар бериши билан амалга оширилади. Шахс чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ўзининг қилмиши хатолигини англайди ва уни қоралайди. Бу ўринда хабарнинг айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан берилганлигининг ахамияти йўқ. Хабар бериш ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклларда (телефон орқали, видео ёзув, аудио кассетада овоз ёзиб олиш орқали) амалга оширилиши мумкин.

Ушбу асосга кўра жиноий жазодан озод қилишнинг шартларидан яна бири шахснинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда иштирок этмаган бўлиши лозимлигидир. Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятларнинг таснифи берилган бўлиб, унга кура жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга ажратилган.

Агар шахс хали биронта хам жиноят содир этмаган, аммо курулли уюшган гуруҳда катнишиш учун розилик берган ва у мазкур гуруҳнинг жиноий режаларидан бохабар бўлса, чиндан хам ташкилотчиларни ва қатнашчиларни топиб бериш ва фош қилишда кўмаклашган бўлса, хусусан, мазкур шахслар ушланганда гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланишини олдини олишга ёрдам берса, бундай ҳолда хам жиноий жазодан озод қилиниши мумкин.

Демак ушбу асосга кўра жазодан озод қилиш учун кўйидаги белгилар мавжуд бўлиши лозим:

- 1) биринчи марта жиноят содир этилганлиги;
- 2) ижтимоий хавфи ката бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этилганлиги;
- 3) айбдорнинг айбини бўйнига олиб, арз қилганлиги;
- 4) етказилган зарарнинг ихтиёрий тарзда қопланганлиги.

Бу элементларнинг барчаси мавжуд бўлганида, шахс ушбу асосга кўра жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

7. Шартли ҳукм қилиш

Шартли ҳукм қилиш – суднинг айбдорга озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки аҳлок тузатиш ишлари жазоларидан бири тайинлаш вақтида ишдаги ҳолатлар ва айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, бу жазонинг ўташи мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келса, қонунда кўрсатилган

шартлар мавжуд бўлганда айбдорга бу жазони шартли равишда қўлланмаслиги хақида қарор чиқаришидан иборат.

Кўпчилик олимлар шартли жазо белгилашни жазодан озод қилишнинг алоҳида бир тури деб ҳисоблайдилар. Баъзилари эса шартли жазо белгилашни жазони ўташнинг алоҳида бир тури деб ҳисоблайдилар, баъзилари ҳукми ижро этишнинг алоҳида тартиби деб кўрсатадилар. Айрим мутахассислар эса шартли жазо белгилаш жазонинг ижросини кечиктиришдир, деган фикрни илгари сурадилар.

Бу институтни жазодан озод қилишнинг бошқа институтлари билан таққослаганимизда улар ўртасида умумий хусусиятлар мавжудлигини кўрамыз. Жазодан озод қилишнинг барча ҳолатларида, шунингдек шартли жазо белгилашда ҳам айбдор жазони фактик жиҳатдан ўтамайди. Жазодан озод қилишнинг бошқа турлари каби шартли жазо белгилаш ҳам умумий таъсир чораси бўлиб ҳисобланади.

Шартли жазо белгилаш жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан:

биринчидан, суд томонидан шартли равишда жазо белгиланиши;

иккинчидан, маҳкумнинг жазодан қисман эмас (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш) балки, тўлиқ озод қилиниши;

учинчидан, суд маҳкумнинг олдига жазонинг шартлилигини бекор қилиши мумкин бўлган муайян талабларни қўйиш билан фарқланади.

Шартли ҳукмнинг юридик табиатини белгилаш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу – шартли ҳукмнинг мохиятини очиб беришга, уни қўллаш асосларини ҳамда шартли ҳукм қилинган шахсни синов муддати даврида бажариши ва амал қилиши зарур бўлган шартларни белгилашга ёрдам беради.

Жиноят кодексига мувофиқ **шартли жазо белгилаш**-ўз табиатига кўра айбдорни суд томонидан тайинланган жазони реал ўташдан шартли озод қилишдир. **Шартли жазо белгилашнинг мақсади** маҳкумни суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтамасдан тузатиш ва қайта тарбиялашдан иборат.

Шартли жазо белгилашда суд шахсни маълум жиноятни содир қилишда айбли деб топади ва унга жазо тайинлайди, лекин шунинг билан бирга ишдаги ҳолатларни ҳамда айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, бу жазони ўташи мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Шартли ҳукм қилишда суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, айбдорнинг шахсини, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шартли равишда жазо тайинлаш учун объектив ва субъектив асослар бўлиши лозим.

Объектив асос бу содир этилган жиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, усули ва оқибати бўйича оғир бўлмаслигидир.

Субъектив асос айбдорнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган жиноятни хусусиятловчи субъектив хусусиятлари, яъни айбдорнинг унча ижтимоий хавfli эмаслигини тасдиқловчи ҳолатлар йиғиндисидан иборатдир.

Айбдорнинг шахсига баҳо беришда уни жиноят содир этишга ундаган хулқ атвори, турмуш ва ишдаги ахлоқи ҳамда ўз жиноятига сўнги муносабати (айбини бўйнига олиш, етказилган зарарни тўлаши ва бошқалар) эътиборга олинади.

Жиноят кодекси шартли жазо белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар ва шахслар доирасини чегаралайди. Ўта оғир жинояти учун жазога ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жиноят учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан шартли жазо белгилаш қўлланилмайди. Жиноят кодекси ижтимоий адолат принциpidан келиб чиқиб, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган шахсларга нисбатан ўта оғир жиноят содир этган ҳолда ҳам шартли жазо белгилаш мумкинлиги мустаҳкамланган.

Шартли жазо белгилашда синов муддати жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ҳамда маҳкумга тайинланган жазонинг миқдорига қараб суд томонидан бир йилдан уч йилгача белгиланади. Синов муддатининг асосий моҳияти ва аҳамияти маҳкумга жазони ўтамасдан тузалиши, ўзини жамоат олдида оқлаши учун вақт ва имконият беришдир. Агар шу муддат ичида маҳкум ишончни оқласа, синов шартларини бажариб тузалганлигини исботласа, унга тайинланган жазони ўташдан озод бўлади ва судланмаган ҳисобланади. Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шартли жазо белгилаш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади. Жиноят кодекси 72-

моддаси 3-қисмига мувофиқ суд шартли жазо белгилаши билан бир қаторда айбдорга бир қатор мажбуриятларни: етказилган зарарни бартараф этиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи ёки ўқишини ўзгартирса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриши, вақти-вақти билан келиб бу органлар рўйхатидан ўтиб туриши, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни ички ишлар органлари ва харбий хизматчилар устидан харбий қисм ёки муассаса қўмондонлиги амалга оширади. Жазони ижро қилиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришини назорат қилиб борадилар. Шартли ҳукм қилинган шахс харбий хизматга чақирилган тақдирда жазоларни ижро қилиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда харбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ атори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Харбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатгандан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар беради.

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ атори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Маҳкум зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган холларда маҳкум хулқ атори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиши ҳамда ҳукмда тайинланган жазо чорасини ижро этиш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Суд ушбу тақдимномага асосан шартли жазони бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган маҳкум синов муддати ўтмай туриб, янги жиноят содир этса, унга бир неча ҳукм юзасидан Жиноят кодексининг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинланади. Суд янги

ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги суд ҳукмининг кучга кириши билан синов муддати давомида маҳкум судланган деб топилади. Агар синов муддати давомида маҳкум янги жиноят содир этмаса, шартли ҳукм суд томонидан бекор қилинмаган бўлса, ҳукм ижро этилмайди ва шахс Жиноят кодекси 78-моддаси «а» бандига кўра судланмаган ҳисобланади.

7. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш

«Шартли озод қилиш» тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида маҳкумни муддатидан илгари давлат органлари томонидан белгиланган тартибда назорат остига олиб, бутунлай ёки қисман жазодан озод қилишда ифодаланади. Шартли озод қилиш шахсни жазони ўтаб бўлганидан сўнг озод қилишдан ёки амнистия асосида озод қилишдан фарқ қилади.

Баъзи давлатларларда маҳкумни суд ҳукми асосида белгиланган муддат давомида жазонини ўташини талаб қилган ҳолда шартли жазодан озод қилиш жиноят қонунига киритилмаган. Бу давлатлар жиноят қонунини давомида маҳкум суд ҳукми асосида белгиланган муддатдан кўп ҳам, кам ҳам бўлмаган жазони ўташи лозим деган фикрни илгари сурилган¹:

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш иккига бўлинади: муддатидан илгари шартли озод қилиш ва муайян муддатга шартли озод қилиш. Муддатидан илгари шартли озод қилиш баъзи маҳкумларга суд томонидан белгиланган муддатдан олдин жазодан озод бўлиш имконини беради, шу билан бир қаторда агар улар белгиланган тартибни бузса ёки қайтадан жиноят содир этса жазони ўташ муассасасига қайтарилиши мумкин. Муайян муддатга шартли озод қилиш маҳкумга бир неча соатга ёки кунга жазони ижро этиш муассасасини ташлаб чиқиб кетиш имконини беради.

Давлатимиз ҳам маҳкумни белгиланган жазо муддатидан илгари тузатиш ва қайта тарбиялашдан манфаатдордир. Маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадига жазо муддатини ўтамасдан тўриб ҳам эришиш мумкин. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ўзида нафақат маҳкумни тузатиш ва қайта тарбиялаш, балки умумий

¹ “Условно-досрочное освобождение и другие виды уголовного освобождения”, 2000 г., Стр-3.

ва махсус огохлантириш функцияларини ҳам бажаради. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексида тузалиш билан бир қаторда жазодан озод қилиш учун махкум томонида ўталиши лозим бўлган минимал жазо муддати белгиланган. Умумий ва махсус огохлантириш жиноятнинг оғирлик даражаси, шунингдек, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноят учун тайинланган жазонинг ҳақиқатан ҳам ўталган қисмини акс эттиради. Бу ҳолатлар жиноят ўта хавфли жиноятчилар томонидан содир этилганида уларга нисбатан жазодан озод қилишнинг ушбу турини қўллаш мумкин эмаслигини англатади.

Жазодан озод қилишнинг бу тури жазонни ўтаётган шахсни жазонинг ўталмай қолган қисмидан муайян шартлар мувжуд бўлгандагина озод қилиш мумкинлигини ифодалайди. Шунинг учун ҳам жазони муддатидан илгари шартли озод қилиш дейилади. Жазонинг ўталмай қолган қисми давомида махкум муайян шартларни бажариши лозим бўлади, акс ҳолда шартли озод қилиш бекор қилиниши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш мазмуни махкумни қонунда белгиланган жазо турлари учун белгиланган талабларни бажариши ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, шунингдек суд томонидан белгиланган жазо муддатининг муайян қисмини ўталганлигида ифодаланади. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг моҳияти шундаки, жазони ўтаётган шахс ўталмай қолган муддат давомида янги жиноят содир этмаслик шarti билан суд томонидан жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинади. Жазонинг ўталмай қолган қисми синов муддати ахамиятига эга бўлиб, унинг шартларини бажармаслик жазо муддатини ҳисобга олишга, яъни янги тайинланган жазога қўшишга ва жазодан озод қилишни тўхтатишга асос бўлади. Шу асосга кўра жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш жазодан озод қилишнинг шартли ва қисман жазодан озод қилиш турига киради.

Жазони ўташдан озод қилиниши мумкин бўлган жазо турлари қонунда белгилаб қўйилган (Жиноят кодекси 73-модда, 1-қисм). Бу жазо турларига: озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари киради.

Жазодан озод қилишни объектив шартларидан яна бири махкумни белгиланган жазо муддатининг муайян қисмини ўтаганлиги ҳисобланади. Бу махкум томонидан содир этилган

жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ. Жазодан шартли озод қилиш маҳкум томонидан фактик жиҳатдан жазонинг:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бирини;

2) оғир жиноят шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида ярмини.

3) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Шартли озод қилишни қўллашнинг субъектив асосларига маҳкумни белгиланган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги киради.

Маҳкумнинг белгиланган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб қоида талабларини бажариши деганда, унинг меҳнат фаолияти, тартибни бузган ёки бузмаганлиги, ички тартиб қоидаларни бузувчиларга қарши кураш ва умуман, жамоат фаолиятида фаол иштирок этганлиги тушинилади.

Меҳнатга ҳалол муносабат эса ҳаммадан илгари маҳкумнинг жазони ўташ муассасаларида ташкил этилган меҳнат фаолиятида ўз хоҳиши билан фаол иштирок этиши билан белгиланади. Бундай муносабат маҳкумнинг ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида, хўжалик ишида, колония ҳудудидаги ободончилик ишида ва бошқа турли ижтимоий фойдали ишларни ҳалол бажаришида ифодаланади. Меҳнатга ҳалол муносабати шунингдек, маҳкумнинг маълум хунар ўрганиши, ўз малакасини оширишга, шунингдек рационализаторлик, кашфиётчиликка интилиши, меҳнат мусобақаларида қатнашиши ва иш тажрибаларини бошқаларга ўргатиши билан хусусиятланади.

Маҳкумнинг тузалганлиги масаласини ҳал қилишда унинг жамият ҳаётига муносабати, етказилган зарарни тезроқ қоплаш учун ҳаракат қилиши ҳам эътиборга олинади. Бу жиноятнинг хусусияти ва маҳкумнинг шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Интизомий қисмга жўнатиш жазосига махкум қилинганлар, агар яхши хулқ атвори ҳамда меҳнатга ва харбий хизматга виждонан муносабати учун суд томонидан тайинланган жазо муддатини учдан бир қисмини ўтагандан сўнг интизомий қисм командирининг буйруғи билан ахлоқан тузалаётганлар қаторига кўшилади ва умумий жазо муддатининг камида ярмини ўтагандан сўнг жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишга тақдим этилиши мумкин.¹

Юқорида белгиланган жазо муддатини ўтаб бўлгандан сўнг махкумлар бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиши ва бу ҳақда қарор чиқариши лозим. Маъмурият махкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этишни рад этган тақдирда махкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, махкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимосномасига кўра суд томонидан амалга оширилади.²

Агар суд муддатидан илгари шартли озод қилишни рад этса, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

Агар жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик касалликларидан мажбурий даволаниш қўлланилган мухкумларга нисбатан берилганда, суд мазкур ишни кўриб чиқишда бундай шахсларга нисбатан тайинланган даволаш курсининг ўталганлигини аниқлаши зарур.

Қонунда белгиланган даражада шахсининг ахлоқан тузалганлигига ишонч хосил қилган суд қонунда кўрсатилмаган мотивларга кўра уни жазони ўташдан муддатидан илгари масалан, суд белгилаган жазонинг енгиллиги, содир этилган жиноятларнинг кўплиги, жазони ўташда қисқа муддатда бўлганлиги ва хоказоларни рўқач қилиб шартли озод қилишга монелик қилишга ҳақли эмас.

Жазодан шартли озод қилиш масаласи, ҳукм чиқариш вақтида амалда бўлган жиноят қонунини билан эмас, балки, ушбу масала

¹ Ўз.Р Жиноят ижроия кодекси 157-модда, 3-қисм, 1997 йил 25 апрел куни қабул қилинган.

² Ўз.Р Жиноят ижроия кодекси 164-модда, 1997 йил 25 апрел куни қабул қилинган.

кўрилаётган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни асосида хал қилинади.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласини кўраётганда суд жазонинг ўталмай қолган қисмини алмаштиришга ёки қисқартиришга ҳақли эмас. Суд маҳкумни озод қилиши ёки озод қилишни рад этиши мумкин. Зарур ҳолларда бу масалани керакли маълумотлар олиш учун кейинга қолдириши ҳам мумкин.

Айрим шахсларга нисбатан ушбу жазодан озод қилиш тури қўлланилмайди. Жиноят кодекси 73-моддаси 4-қисмига кўра ушбу шахслар доирасига:

1) ўлим жазоси авф этиш тариқасида озодликдан маҳрум эттиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;

2) ўта хавфли рецидивистлар;

3) уюшган гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчилари;

4) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жаабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни гайритабiiй усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига тинчлик ва хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, жиноий уюшма ташкил этиш, ядровий, кимёвий биологик ва бошқа хилдаги оммавий қиргин қуролиларини, шундай қиргин қуролиларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материаллар ва ускуналарни, гиёҳвандлик воситалари ёки психатроп моддаларни контрабанда қилиш, шунингдек гиёҳвандлик моддалари ва психатроп моддаларни кўп миқдорда ғайриқонуний равишда сотиш учун жазога ҳукм қилинган шахсларга.

5) жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар киради.

Жиноят кодекси 73-моддасидан жазони ўташдан муддатидан аввал шартли озод қилиш фақат асосий жазоларга нисбатан қўлланиши мумкин деган хулоса келиб чиқади. кодексда қўшимча жазодан ҳам муддатидан илгари озод қилиш мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай фикр берилмаган.

Шахсинг ўталмаган муддат давомида қасддан янги жиноят содир этмаслиги унинг жазодан узул кесил озод бўлишининг шarti эканлиги муносабати билан мазкур жазонинг ўталмай қолган муддати шахс учун синов муддати деб топилади. Синов муддатининг ҳисоби тайинланган жазонинг хусусиятларига боғлиқ равишда амалга

оширилади. Демак, агар шахсга асосий жазо тайинланган бўлса-ю, унга жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилганда, синов муддати жазонинг ўталмай қолган қисмига тенг бўлиши керак. Агар асосий жазо билан бирга қўшимча жазога ҳам маҳкум этилган бўлса, у ҳолда синов муддати икки хил усулда ҳисобланиши мумкин. Биринчиси, ўталмай қолган асосий жазо қисми қўшимча жазо муддатидан кўпроқ бўлганда қўлланилади. Синов муддати асосий жазонинг ўталмай қолган қисми муддатига тенг бўлади. Иккинчиси, қўшимча жазо ўталмай қолган асосий жазо қисмидан кўпроқ бўлган ҳолларда қўлланилади. Бундай ҳолатларда синов муддатини ҳисоблаш учун унинг қўшимча жазо муддатига тенглигидан келиб чиқиш керак. Синов муддатининг давом этиши жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида қарор чиққан кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шартли равишда озод қилинган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этса, унга нисбатан Жиноят кодекси 60-моддасига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддатидан илгари шартли озод қилишнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- шахсга эркинликдаги турмуш турзига мослашишга ва тикланиб олиши учун имкон беради
- унинг устидан назоратни амалга оширишни таминлайди ва қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиради
- шахснинг ижтимоий хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда унга имкониятлар ва имтиёзлар беради
- озодликдан маҳрум қилиш жойидаги босим даражасини камайтиради.

7. Жазони енгилроғи билан алмаштириш

Жазони енгилроғи билан алмаштириш жазондан муддатидан илгари шартли озод қилишдан фарқли равишда шартсиз ҳисобланади. Жиноят кодекси 74-моддасида кўрсатилган жазодан озод қилишнинг ушбу тури маҳкумга нисбатан унга тайинланган жазога нисбатан енгилроқ турдаги жазони қўллаш орқали ҳам Жиноят кодексида белгиланган жазонинг мақсадига эришиш мумкин деган хулосага келинганида қўлланилади.

Жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроги билан алмаштиришнинг моҳияти маҳкумни жазонинг муайян турини енгилроги билан алмаштиришда ифодаланади. Бу алмаштириш фақатгина озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бошқа жазо турлари енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкин эмас. Жазони енгилроги билан алмаштириш маҳкум жазо турлари учун белгиланган тартиб қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган ҳолларда қўлланиши мумкин. Бунда маҳкумнинг меҳнатга, ва у ердаги меҳнат жамоасига муносабати, ва бошқа ҳолатлар инобатга олинади.

Жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ турдаги жазо билан алмаштиришда қўшимча жазо қўлланилган бўлса, бу жазо турини бекор қилиш ёки унинг муддатини қисқартириш масаласи жиноят қонунида белгиланмаган. Шундай бўлсада суд маҳкумни қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши мумкин. Бунда қўшимча жазо тури бошқа ҳеч қандай жазо билан алмаштирилмайди.

Қонун жазони енгилроги билан алмаштиришни қўллашнинг асоси сифатида:

а) у қўлланиши лозим бўлган шахслар доирасини;

б) тайинланган жазонинг энг кам муддатларини амалда ўташни белгилайди.

Жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ турдаги жазо билан алмаштириш жазонинг қонунда белгиланган қисми ўталгандан сўнггина қўлланиши мумкин.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатини камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахсга қўлланилган жазо енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкин. Масалан, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкум, жазонинг камида бир йилини ўтагандан сўнггина (учдан бир қисмини) енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, суд тайинлаган жазо муддатини камида учдан бирини ўтаган бўлса енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилади. Ўта оғир, шунингдек жазони муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки енгилроги билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги

жинояти учун эса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганидан кейингина жазодан озод қилишнинг ушбу тури қўлланилади.

Озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилишнинг жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Бу шуни англатадики, масалан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган тўрт йиллик муддати, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилганда, ахлоқ тузатиш ишларининг умумий муддати, олти ойдан кам бўлиши ва уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосига нисбатан енгилроқ жазо тури муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва жарима жазосидир. Лекин бу жазо тури алмаштирилганда, жарима жазоси билангина алмаштирилиши мумкин. Бунда бир ойлик ахлоқ тузатиш ишлари жазоси энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробарига тенглаштириб ҳисобланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш айрим жиноятчилар учун қўлланилмайди. Бу шахслар доираси Жиноят кодекси 73-моддаси 4-қисмида белгиланган:

1) ўлим жазоси авф этиш тариқасидаги озодликдан маҳрум эттиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;

2) ўта хавфли рецидивистлар;

3) уюшган гуруҳ ва жинсий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчилари;

4) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жаабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига тинчлик ва хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, жинсий уюшма ташкил этиш, ядровий, кимёвий биологик ва бошқа хилдаги оммавий қиргин қуролларини, шундай қиргин қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материаллар ва ускуналарни, гиёҳвандлик воситалари ёки психатроп моддаларни контрабанда қилиш, шунингдек гиёҳвандлик моддалари ва психатроп моддаларни кўп миқдорда ғайриқонуний равишда сотиш учун ҳукм қилинган шахслар

5) жазони ўташ режимини ашадий бузувчи шахсларга нисбатан.

Қонун жазони енгилроғи билан алмаштирганда, шартли ҳукм қилиш каби маҳкумнинг хулқига нисбатан ҳеч қандай шарт қўйилмайди. Маҳкум енгилроқ турдаги жазони ўташ давомида белгиланган тартибни бузган ҳолларда ҳам, суд қайтадан оғирроқ жазо билан алмаштиришга ҳақли эмас. Агар енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар жазонинг ўталмаган қисми давомида янги жиноят содир этсалар, бунда уларга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланади. Бунда янги тайинланган жазо ва асосий жазо билан алмаштирилган енгилроқ турдаги жазолар ҳисобга олинади.

8. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли жазодан озод қилиш

Агар ақли норасо шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилса, бу уни жиноий жавобгарликка тотиш учун асос бўла олмайди. Агар шахс ҳукм чиқарилгандан сўнг ўз қилмишининг аҳамиятини англай олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши мумкин. Жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгандан сўнг ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касаллика чалиниб қолган бўлса жазодан озод қилинади. Бундай шахсларни жазони ўташни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмаслиги, руҳий касалликка чалинган шахснинг суд томонидан белгиланган жазо чоралаларини касаллиги туфайли тўғри идрок этиш имконига эга эмаслигида ифодаланади. Бундай касалликларга: узоқ давом этадиган, кучайиб ва оғирлашиб борадиган ва даволаш қийин бўладиган сурункали касалликлар киради. Бундай шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тартиби Жиноят кодексининг 91-95-моддаларида белгиланган. Агар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс Жиноят кодексининг 69-моддасида белгиланган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмасдан тузалса бўлса, жазо ижро этилади. Барқарор бўлмаган, вақтинчалик ўткинчи хусусията эга бўлган руҳий касалликлар жазодан муддатидан илгари озод қилиш масаласини ҳал қилиш учун асос бўла олмайди.

Агар шахс бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, бундай ҳолда уни жазодан озод қилиш унинг мажбурияти эмас, балки, ҳуқуқи ҳисобланади. Бундай маҳкумлар ақли расо ҳисобланадилар ва ахлоқ тузатиш жазосига тортилиши мумкин. Бундай ҳолатда нафақат шахснинг касаллиги, шунингдек, жиноятнинг хавфлилиги, маҳкумнинг шахсий хусусиятлари ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Бу омилларга жазонинг ўталган муддати, шахснинг жазони ўташ тартибига муносабати кабилар киради. Жазодан озод қилиш учун асос бўлувчи касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.¹

Амалиётда маҳкумларнинг жазони ўташ давомида ўз аъзоларига атайлаб шикаст етказиш, ўз соғлигини ёмонлаштириш ҳоллари кўп учраб туради. Бундай ҳолларда улар жазодан ушбу асосга кўра озод қилинмайдилар. Ушбу асосга кўра жазодан озод қилишда унга нисбатан даволаб бўлмайдиган деб таъхис қўйилган бўлиши керак.

Маҳкумни касаллиги туфайли жазони ўташ муддатидан олдин озод қилиш ҳар қандай турдаги асосий жазога нисбатан қўлланиши мумкин. Қонун оғир касаллиги туфайли муддатидан илгари жазодан озод қилишни қўшимча жазога нисбатан қўлланиш масаласини очиқ қолдирган. Қатор ҳолларда, уларни қўшимча жазодан, масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Судга маҳкумни ушбу асосга кўра жазодан озод қилиш ҳақидаги тақдимнома Ички ишлар Вазирлигининг Махсус тиббий комиссияси хулосаси асосида киритилади.

Ҳарбий хизматчилар уларни хизматга яроқсиз деб топишга асос бўлувчи касалликка чалинган тақдирда жазодан озод қилиниши мумкин. Бунда ҳарбий хизматчини тегишли ҳарбий-тиббий тиббий комиссиясининг хулосаси ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиши учун асос бўлади. Ҳарбий хизматчилар ушбу асосга кўра интизомий қисмга юбориш ёки хизмат бўйича чеклаш туридаги жазолардан озод қилиниши мумкин. Қонун аёл жинсидаги ҳарбий хизматчилар учун хизмат бўйича чеклаш туридаги жазодан муддатидан илгари жазодан озод қилишнинг қўшимча асоси деб, хомиладорлик туфайли меҳнатга лаёқатсизлигини қайд этади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, қонун мазкур озод қилиш тури учун аёлнинг хомиладорлигини эмас, балки унинг хомиладорлик ва туғиш учун таътил беришни асос деб топади. Яъни ушбу асосга кўра озод қилиш

¹ Ўз. Р Жиноят ижроия кодекси 165-модда2-қисм, 1997 йил 25 апрел куни қабул қилинган.

уларга хомиладорлик ва туғиш учун таътил берилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 75-моддаси 5-қисмида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишнинг мустақил турлари акс эттирилган:

- 1) маҳкумнинг меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлиги;
- 2) маҳкумнинг пенсия ёшига етганлиги;
- 3) хомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги.

Маҳкумнинг меҳнатга яроқсизлиги деганда, унинг меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши тушинилади. Меҳнатга яроқлилик ТМЭК томонидан аниқланади.

Маҳкумнинг пенсия ёшига етиши деганда, аёлларнинг 55 ёшга, эркакларнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан пенсияга чиқиши тушинилади.

Аёлларга туғгунга қадар етмиш календарь куни ва тукқандан кейин эллик олти календарь куни (туғиш қийин кечган ёки икки ёхуд ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда-етмиш календарь куни) миқдорида хомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади. Хомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдланганидан қатъий назар аёлга тўлиқ берилади. Бундай ҳолларда жазодан озод қилиш ҳақидаги тақдимнома бундай таътил берувчи ҳуқуқни тиббий ҳужжат асосида берилади.¹

Юқоридаги уч ҳолатдан бири мавжуд булганда маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинади.

9. Амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79- ва 93-моддаларида қайд этилганидек, Амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси асосида сенат томонидан амалга оширилади. Баъзи давлатларда Амнистия тўғрисидаги қонун чиқариш қонун чиқарувчи органга тегишлидир. Масалан, Россияда Давлат Думаси амнистия чиқариш ваколатига эгадир.

Амнистия Ўзбекистон Республикаси сенати қабул қиладиган норматив хусусиятдаги акт бўлиб, у муайян жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонунини бекор қилмасдан ,

¹ Ўз Р. Жиноят ижроия кодекси 165-модда, 2-қисм, 1997 йил 25 апрел куни қабул қилинган.

суд ҳукми қарорларининг асосли ва қонунийлигини шубҳа остига олмасдан, айбдорни жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод қилади, жазони юмшоқ жазо билан алмаштиради, ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради, шунингдек жазони ўтаганликнинг оқибати бўлган судланганликни бекор қилади.

Амнистия ижтимоий моҳиятига кўра муайян жиноятларни содир этган шахсларнинг муайян тоифасига тааллуқли бўлади. Суднинг ҳукми асосида жазо тайинланган шахс амнистия акти ёки авф этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Содир этилган жиноятга нисбатан жазоловчи функциясини йўқотмаган ҳолда, амнистия акти жазони қисман ёки тўлиқ бекор қилади, бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштиради ёхуд қўзғатилган жиноят ишини тугатади. Жиноий жазодан озод қилишнинг асоси сифатида амнистиянинг жиноят ҳуқуқий тушунчаси иккита: суд томонидан ҳали жиноят иши кўрилмагандаги жавобгарлик масаласи ва жазо чораси тури масалаларини қамраб олади.

Амнистиянинг ҳуқуқий оқибатлари жиноий жазодан озод қилишнинг бошқа турларига мувофиқ келади. Шахсни амнистия акти асосида жиноий жазодан озод қилиш ҳам инсонпарварлик принципига асосланади.

Алоҳида шахсни жазодан озод қиливчи акт - авф этишдан фарқли равишда, амнистия норматив хусусиятга эга: у ҳар доим муайян тоифадаги жиноятлар, ёки бир гуруҳ шахсларга ёхуд ўзаро демографик, ижтимоий, жиноий, ёшга оид ҳуқуқий ёхуд бошқа белгиларига кўра фарқланмайдиган яқка тартибдаги ноаниқ бир гуруҳ шахсларга тегишли бўлиб, индивидуал хусусиятга эга бўлмайди. Бу жиноятлар ва шахслар гуруҳи турли: жиноят таркиби ёки жиноятнинг таснифи, жиноят субъектнинг белгиларига кўра белгиланади.

Одатда амнистия актлари биринчи навбатда вояга етмаганлар, қариялар, шунингдек аёллар, аввалам бор биринчи навбатда, хомиладор аёлларга, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси (эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, қасддан содир этилган, унча оғир бўлмаган ва оқир жиноятлар)га нисбатан қўлланилади. Аммо бошқа, ижтимоий-сиёсий асослардаги амнистия актлари бўлиб, уларнинг доираси аънанавий тартибда эмас, балки алоҳида тартибда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармонида биринчи марта жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, мазкур Фармон кучга киргунга қадар белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари томонидан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топи лган шахслар, жиноят содир этгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолиши учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавф катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун ҳукм қилинган бўлса, биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар, экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб тузалиш йўлига ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланди.

Шунингдек, амнистия акти қўлланилмайдиган шахслар доираси ҳам актда белгиланади, масалан, юқоридаги амнистия акти ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам тарзда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам авф этиш ёки амнистия акти асосида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этганларга, нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Амнистия акти асосида жазо муддати қисқартирилиши ҳам мумкин. Масалан, юқаридаги амнистияда жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг ўталмаган жазо муддати:

1) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга оҳодликдан маҳрум қилинганларга- тўртдан бир қисмига;

2) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига қисқартирилди.

Умумий қоидага кўра амнистия акти чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилади. Узоққа чўзилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан, амнистия акти, агар жиноятни ташкил этувчи барча ҳаракатлар амнистия акти кучга киргунга қадар (чиққан вақти, қонуний кучга кирган вақти) амалга оширилган бўлса, тадбиқ этилади.

Давомли жиноятларда ҳам амнистия акти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу акт охириги жиноят амнистия акти чиқарилгунга қадар содир этилиб, агар бу амнистия актида махсус кўрсатилган бўлса қўлланилади, агар жиноий ҳаракатлардан бири амнистия акти чиқарилганидан ёки у қонуний кучга кирганидан сўнг содир этилган бўлса тадбиқ этилмайди.

Амнистия акти асосида шахсни жиноий жазодан озод қилиш давлат томонидан шахсни (унинг жиноятини эмас) кечиришдир.

Авф этиш Ўзбекистон республикаси Конститутциясига асосан Президент тақдимига биноан сенат ваколатига киради.

Авф этиш амнистиядан фарқли равишда аниқ бир шахсга ёки муайян шахслар доирасига нисбатан қўлланилади. Авф этиш асосида жазодан озод қилиниши ёки муддатидан илгари шартли озод қилиниши, унга нисбатан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилиши ёки судланганлик олиб ташланиши мумкин.

Адабиётларда, авф этиш асосида жиноий жазодан озод қилиш Президент ихтиёрида бўлиб, бу масала жиноят қонуни билан боғлиқ эмас, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Бу фикрга кўшилиш қийин. Авф этиш ваколатининг Президентга берилганлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мустаҳкамланган. Бунга маҳкумни жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида қаралади. 1992 йил 17 июлда Президент Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тўғрисида Низом» қабул қилинди. Авф этиш ҳақидаги барча тартиб қоидалар ушбу Низомда мустаҳкамлаб қўйилган.

Авф этиш фақат ҳукм қонуний кучга киргандан кейингина маҳкумнинг илтимосига кўра ҳар қандай турдаги жазога нисбатан амалга оширилши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда авф этиш ўта оғир жиноят содир этганиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддасига кўра ўлим жазоси авф этиш орқали 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин. Ўта хавфли рецидивистлар, олдин амнистия акти ёки авф этиш қўлланилган ёхуд муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган ёки жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар, агар уларнинг судланганлик муддати тугамасдан қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинган жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтиб олмаган, ўта оғир жиноят содир қилган шахслар алоҳида ҳоллардагина авф этилиши мумкин.

Агар авф сўраб қилинган илтимос рад этилса, шахс оғир ва ўта оғир жиноят учун ҳукм чиқарилган кундан бошлаб бир йилдан кейин, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинганлар эса олти ой ўтгандан кейин авф сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Мавзу юзасидан саволлар:

1) Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилиш уртасидаги умумий хусусиятлар ва уларнинг бир-биридан фарқи нималарда ифодаланади?

2) Жиноий жазодан қилишнинг қандай ҳуқуқий оқибатлари мавжуд?

3) Шартли ҳукм қилишнинг жазодан озод қилишнинг башка турларидан фарқи нималардан иборат?

4) Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг қандай турлари мавжуд?

5) Нима учун жазони енгилроғи билан алмаштиришга жазодан озод қилишнинг алоҳида бир тури сифатида қаралади?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.

8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игорелик Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск . 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
26. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.

29. А.М Яковлев Совокупность преступлений. М.1960 г.
30. А.С. Никифоров Совокупность преступлений.
31. Ю.Юшков Проважовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
32. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
33. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социальное психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
34. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
35. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
36. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
37. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
38. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борбы с претупностью. Саратов. 1978г.
39. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
40. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
41. М.А.Скрябин “Общее начало назначения наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
42. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
43. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
44. Г.С.Гаверов “Проблемы борбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
45. А.А.Мримонег “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
46. В.Я.Рыбольская “Проблемы борбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
47. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
48. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
49. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
50. Ўз.Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

51. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет.

52. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10

53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь

54. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38


57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

59. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

19-БОБ: СУДЛАНГАНЛИК

1. Судланганлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий аҳамияти.



Жиноят ҳуқуқида судланганлик деганда, содир қилган жинояти учун шахсга суд томонидан жиноят қонунида белгиланган бирор жазонинг тайинланиши тушунилади.

Судланганлик — бу суд томонидан айбдор деб топилган ва аниқ бир жазо чораси қўлланилган шахснинг ҳуқуқий ҳолатидир.¹ Судланганлик шахсни содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Шахсни ҳукм қилиш деганда, шахснинг қилмишида жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлган аниқ жиноятни содир этишда айбдор деб топиш, шунинингдек, бу шахсга нисбатан муайян турдаги ва миқдордаги ёки муддатдаги жазонинг тайинланиши тушунилади. Жазонинг тури ва миқдори ёки муддати шахсни

¹ Советское уголовное право. Общая часть. Под ред. Н.А.Беляева и М.И.Ковалева. Москва . 1997 г. Стр-257

судланган деб топиш ва ҳисоблаш учун аҳамиятга эга эмас, лекин, бу судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланишига таъсир қилади.

Демак, суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши судланганлик ҳолатини келтириб чиқарувчи асос ҳисобланади. Айблов ҳукми жиноят содир этишда айбли деб топилган ва жиноий жазога ҳукм этилган шахснинг алоҳида ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи судланганликни вужудга келтиради ва у бекор қилунгунга қадар (олиб ташлаш ёки тугаши) давом этади. Судланганликнинг бекор қилиниши билан судланганликнинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳам бекор бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Шунингдек, шахс жазони ўтаган, аммо қонунни ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда ёки содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади. Шахс айблов ҳукми қонуний кучга киргандан бошлаб судланган ҳисобланади. У айблов ҳукми билан бирор-бир жиноятни содир этганлиги боис суд томонидан ҳукм қилинади. Шундай қилиб жазони ўташ даврида ва уни ўтаб бўлгандан кейин ҳам қонунда аниқ белгиланган муддат давомида шахс судланган ҳисобланади. Суд ҳукми билан жазодан озод қилинган шахс эса судланган ҳисобланмайди.

Жиноят кодеси 77-моддаси 3-қисмида судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти судланганликнинг мазмунини ташкил этадиган ҳуқуқий оқибатлар билан белгиланади. Судланганлик фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Судланганлик ҳолатининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари:

биринчидан, шахс расмий ҳужжатларни тўлдирганида судланганлиги ҳақида ёзиб қўйишга мажбур бўлади;

иккинчидан, судланганлик ҳолати шахснинг турар жой эркинлигини чегаралаш учун асос бўлиб хизмат килиши мумкин;

учинчидан, шахснинг судланганлиги унинг муайян фаолият тури билан шуғулланишига (адвокатлик фаолияти) ёки ҳуқуқни муҳофаза килиш органларида айрим мансабларни (прокуратура терговчилари, прокурорлар, судья ва х. к.) эгаллашларига тўсқинлик килиши мумкин;

Судланганликнинг маъмурий-ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, судланганлик айрим тоифадаги судланганлар устидан маъмурий назорат ўрнатилишига сабаб бўлади. Уларнинг муайян ҳудудларда бўлиши тақиқланади.

Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари шахснинг олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этганидагина вужудга келади. Судланганлик ҳолати жиноят-ҳуқуқий бўлмаган оқибатларни ҳам келтириб чиқаради.

Судланганликнинг умумий ҳуқуқий оқибатлари каби жиноят-ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиноий жазо самарадорлигини ошириш ва маҳкумни тарбиялашга қаратилган чораларни мустаҳкамлаш, шунингдек, аввал судланган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Шахс олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан янги жиноят содир этганидагина судланганлик унинг учун жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Бу:

1) судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиниб, суд томонидан оғирроқ жазо қўлланишига сабаб бўлиши мумкин (ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» банди) ;

2) судланганлик шахсни хавфли ва ўта хавфли рецидивист деб ҳисоблашга асос бўлади (Жиноят кодекси 34-моддаси) ;

3) судланганлик шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қилади (Жиноят кодекси 66-моддасида кўрсатилган асосларга кўра);

4) судланганлик озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ўташнинг муайян тартибига таъсир этади (Жиноят кодекси 50, 85-моддалари) ;

5) судланганлик муайян жазо турларини белгилашда тўсиқ бўлади (Жиноят кодекси 48-моддаси) ;

6) алоҳида тартибда жазо тайинланишига сабаб бўлади;

7) муайян жиноят таркибларининг оғирлаштирувчи белгиси ҳисобланади (масалан, Жиноят кодекси 166-моддаси 3-кисм «а» бандида такроран содир этилган талончилик учун кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилади) ;

8) муайян тоифадаги (оғир ва ўта оғир) жиноятлар учун судланганлик маҳкумнинг муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш масаласини хал қилишда у амалда ўтаган муддатни кўпайтиради (Жиноят кодекси 73-моддаси 3-кисмининг «б» ва «в» бандлари) ;

9) жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига қараб ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир (Жиноят кодекси 15-моддаси) жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашга таъсир кўрсатади (Жиноят кодекси 64-моддаси) ;

10) жазодан озод этишга тўсик бўлиши мумкин (Жиноят кодекси 71, 72, 73, 74-моддалари).

11) озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазони ижро этиш муасасаси турини аниқлашга таъсир қилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб судланганликнинг ҳуқуқий аҳамиятини судланган шахс янги жиноят содир этгандагина кўришимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг судланганлик ҳолати суд томонидан фақат кейинги жинояти учун шахс судланган деб ҳисобланган давр мобайнида, яъни суд ҳукми қонуний кучга кирган вақтлар то у олиб ташлангунгача ёки тугагунгача бўлган давр мобайнида ҳисобга олиниши мумкин.

2. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда судланганлик институти огоҳлантириш аҳамиятига эга бўлиб, криминологик маълумотларга асосланганини ҳақида фикрлар билдирилган.¹ Улардан судланганлик илмий асосланган маълумотларга таянади, унинг муддати жиноий жавобгарлик мақсадига эришиш учун етарли бўлади ва белгиланган муддатнинг ўтиши билан шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотади, деган хулосага келиш мумкин.

Қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши билан судланганлик тамом бўлади. Жиноят кодексининг 78-79-моддаларига мувофиқ судланганликнинг тамом бўлиши **2 шаклда намоён бўлади:**

¹ Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973 . С.137

Биринчидан, судланганлик ҳолатининг тугалланиши (автоматик равишда);

Иккинчидан: судланганликни олиб ташлаш(суд томонидан).

Қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши билан автоматик равишда судланганлик ҳолати тугалланган деб топилади. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши автоматик тарзда рўй бериб, бунинг учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

NOTA BENE!

<p>Судланганлик ҳолатининг тугалланиши деганда, муайян муддатларнинг ўтиши билан мазкур масалага оид суднинг махсус қарори қабул қилинмасдан барча ҳуқуқий оқибатлар ва чекланишларнинг тугалланиши тушунилади. Судланганлик ҳолати тугалланганида шахс судланмаган деб ҳисобланади.</p>

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши учун қонунда икки шарт белгиланган:

1) шахс асосий ва кўшимча жазони ўтаб бўлган ва ундан озод қилинган кунидан бошлаб қонунда кўрсатилган муддатларни ўтиши талаб қилинади. Бу муддатлар ўталган жазо турига боғлиқ бўлади.

2) судланганлик ҳолатини тугалланган деб топиш учун шу муддатлар ичида шахснинг янги жиноятлар содир этмаслиги талаб қилинади.

Шахс судланганлик муддати ўтмасидан янги жиноят содир қилса, бу муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда судланганлик муддати биринчи жинояти янги жинояти учун тайинланган жазони ўтаган кунидан бошланади. Масалан, шахс беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаса ва тўрт йиллик судланганлик муддати ўтишига икки йил колганида янги жиноятни содир этганлиги учун унга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланса, ушбу шахснинг судланганлик муддати ахлоқ тузатиш жазосини ўтаганидан кейин тўрт йилдан сўнг ўтган ҳисобланади.

Агар иккинчи жинояти учун судланганлик муддати биринчи жиноятига нисбатан узокроқ бўлса, у ҳолда судланганлик муддати иккинчи жинояти учун тайинланган жазони ўтагандан кейин бошланади.

ЖК 78-моддасига кўра судланганлик ҳолати қуйидаги вақтларда тугалланади:

1) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан-синов муддати тугагандан бошлаб;

2) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларни ўтаб чиқкач;

3) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

4) камок жазоси ўталгандан кейин-икки йил ўтгач;

5) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин-тўрт йил ўтгач;

6) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин-етти йил ўтгач;

7) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин-ўн йил ўтгач;

Шартли ҳукм қилинганда судланганлик муддати бир йилдан уч йилгача бўлган синов муддати ўтгандан сўнг тугалланган ҳисобланади. Агар шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўшимча жазо чораси қўлланилган бўлса, бу муддат судланганлик муддатидан кўп бўлса, судланганлик қўшимча жазо муддати тугагач тамом бўлган ҳисобланади.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга ҳукм қилинган шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан сўнг, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан судланганлик ҳолати тугалланмайди. Уларга нисбатан судланганлик муддати Жиноят кодекси 79-моддаси, 2-қисмига кўра олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши шахснинг янги жиноят содир этилиши билан узилади. Бундай ҳолда судланганликнинг биринчи жиноят бўйича тугалланиш муддати айбдорнинг охириги жиноят учун жазони ҳақиқий ўтаб бўлганидан сўнг ҳисобга олинади.

Шахс икки ўта оғир жинояти учун муддатни ўтаб бўлишига қадар ҳар икки жиноят учун судланган деб топилади.

Судланганлик ҳолати тугалланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади ва янги жиноят содир этилган тақдирда, жиноятга жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди. Судланганлик ҳолатини тугалланиши янги содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда; жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод қилиш; жазони енгилроғи билан алмаштиришда эътиборга олинishi мумкин эмас.

Судланганлик ўзининг жиноят ҳуқуқий аҳамиятини йўқотгандан кейин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини белгилашда ҳам эътиборга олинмайди. Агар судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган бўлса, суднинг ҳукмида аввалги судланганлик эътиборга олинмаслиги лозим.

3. Судланганликни олиб ташлаш.

Судланганликнинг олиб ташланиши суд томонидан унинг ажрими асосида ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг авф этиш ёки амнистия акти асосида амалга оширилади. Судланганликнинг олиб ташланиши ваколатли ҳокимият органининг тегишли қарори билан унинг бекор қилинишида ифодаланади.

Судланганлик:

1) ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазони ўтаганларга;

2) белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилганлардан олиб ташланишини назарда тутаяди (ЖК 79-моддаси).

Ушбу тоифа шахсларга нисбатан судланганликни олиб ташлаш масаласини муҳокама қилиш учун:

а) жазони ўтагандан сўнг ўн беш йиллик муддатнинг ўтиши;

б) янги жиноят содир этмаслик асос бўлади. Судланганликни олиб ташлашнинг зарурий шарт мазкур шахснинг тузалганлиги ва унинг судланган деб топишга зарурат қолмаганлиги тўғрисидаги суднинг ажрими ҳисобланади. Амалдаги ЖК 79-моддасида судланганликни олиб ташлаш мумкинлиги назарда тутилган. Қонунда судланганликни олиб ташлашнинг иккита тури назарда тутилган бўлиб, булар: ўн беш йилдан кам муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанларнинг судланганлигини муддатдан илгари олиб ташлаш ва ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанлар ҳамда ўта хавфли рецидивистларнинг судланганлигини олиб ташлашдир.

Жиноят кодекси 79- моддаси 1-кисмига кўра судланганлик муддатида олдин олиб ташланиши ҳам мумкин. Судланганликни муддатида олдин олиб ташланиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахсларга нисбатан уларнинг намунали хулқ-атвори, меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатлари билан тузалганликларини исботлаганларида йўл қўйилади. Бундай тузалиш қонунда белгиланган муддат ичида шахснинг маъмурий жазога ёки

интизомий жавобгарликка тортилмаганлиги билан тасдиқланади. Судланганликнинг муддатидан илгари олиб ташланишига оид илтимоснома жамоат бирлашмаси, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки шахснинг ўзи томонидан берилиши мумкин.

Бундай илтимоснома билан муурожаат килиш учун Жиноят кодекси 78-моддасида назарда тутилган муддатнинг камида ярмининг ўтганлиги талаб қилинади.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиб, ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларнинг, агар улар хали судланган ҳисоблансалар судланганлиги олиб ташланиши мумкин (ЖК 13-моддаси 2-қисми).

Авф этиш ёки амнистия акти асосида ҳам судланганликни муддатдан илгари олиб ташланиши мумкин (ЖК 79-моддаси 4-қисми).

Амнистия Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив хусусиятдаги акт бўлиб, у муайян жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутадиган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмларининг қарорларининг асосли ва қонунийлигини шубҳа остига қўймасдан, жазодан, жиноий жавобгарликдан озод қилади, жазони енгилроқ турдаги жазо билан алмаштиради ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради, шунингдек, жазони ўталганликнинг оқибати сифатида судланганликни муддатдан илгари бекор қилади.

Амнистия акти асосида муайян тоифадаги жиноятларни содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинади ва судланганлик муддатидан илгари олиб ташланади.

4. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддати асосий ва қўшимча жазонинг ўталган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ЖК 80-моддаси 2-қисмида: шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатдан илгари озод қилинган ёки жазо

енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши кераклиги кўрсатиб қўйилган.

Агар жазо енгилроғи билан алмаштирилганда, амалда ўталган муддат ҳукмга кўра белгиланган ва ўталган жазо муддати ва суд ажрими бўйича енгилроқ алмаштирилган жазо муддатини қўшиш йўли билан аниқланади. Шу билан бирга енгилроқ жазо тури жазоларни қўшиб ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ оғирроқ жазо турига кўчирилиши керак.(ЖКнинг 61-моддаси).

Агар озодликдан маҳрум этиш ЖКнинг 74-моддасидаги асос бўйича ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган бўлса, озодликдан маҳрум қилишнинг амалда ўталган муддати ва ахлоқ тузатиш ишларининг ўталган муддати қўшилади. Натижада судланганликнинг тугалланиш жазонинг озодликдан маҳрум этиш туридаги жазо муддатидан келиб чиқиб, яъни турли жазоларнинг амалда ўталган муддатларини қўшиш натижаларига кўра ҳисобланади.

Жазога маҳрум этилган шахс жарима тўлашдан (ЖК 44-моддаси) ёки ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаганда(ЖК 46-моддаси) мазкур жазо турлари қонунда назарда тутилган асосларга кўра бошқа жазолар билан алмаштирилиши лозим. Айти вақтда, судланганликнинг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташланиши учун суд ҳукми билан белгиланган жазони амалда ўталганлиги асос бўлади. Агар шахс амалда икки турдаги жазони ўтаган бўлса, у ҳолда судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланиши учун суд ҳукми билан тайинланган жазо ҳисобга олинади. Масалан, шахс ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган бўлиб, кейинчалик жазо ЖК 46-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган асосларга кўра озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш ахлоқ тузатиш ишлар шаклидаги жазодан келиб чиқиб ҳисобланади ва озодликдан маҳрум этишнинг амалда ўталган муддати ахлоқ тузатиш ишларига кўчирилади.

Жиноят кодекси 80-моддаси 4-қисмига кўра:

NOTA BENE!	
“Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади”.	

Шундай килиб, шахс судланганликнинг тугаши учун қонунда белгиланган муддат давомида (ЖКнинг 78-моддасига кўра) янгидан жиноят содир этмаслиги керак. Агар шахс судланганлик муддати давомида янгидан жиноят содир этса, у ҳолда, бу муддатни охириги жинояти учун асосий ва кўшимча жазонинг аниқ ўталган вақтидан бошлаб ҳисоблаш зарур.

Шахснинг барча содир этган жиноятлари учун унинг оғирроқ тури бўйича судланганлик муддати ўтмагунга қадар шахс судланган, деб ҳисобланади.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Жиноят ҳуқуқида судланганлик нима?
- 2) Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари нималардан иборат?
- 3) Судланганликнинг қандай муддатлари мавжуд?
- 4) Судланганлик муддатини бекор бўлишининг қандай турларини биласиз?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”, 1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.

15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Университета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
26. Ф.Тохиров «Шахсга карши жиноятларнинг юридик тахлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » Изд. Казанского Университета 1974 й., с 15
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
29. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
30. Ю.Юшков Провавовы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
31. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
32. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
33. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
34. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
35. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
36. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.

37. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
38. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
39. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
40. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
41. Голина В.В Погашение и сняти судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
42. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
43. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
44. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
45. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
46. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
47. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
48. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
49. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
50. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997
51. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
52. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
53. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
54. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16

58. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

20-БОБ: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг умумий қоидалари

Инсонпарварлик ва одиллик принципларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси олтинчи бўлими XV-XVI бобларида “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари»ни белгиланган. Бу бобларда вояга етмаганларга нисбатан тайингиланадиган жазо тизими, жазо тайиладиган қоидалари, жавобгарликдан, жазодан озод қилиш ҳоллари акс эттирилган. Бизга маълумки, собиқ Иттифоқ даврида вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ва унга қарши курашишга етарли даражада (баъзи камчиликларини эътиборга олмаган ҳолда) эътибор берилган бўлса ҳам, аммо Жиноят қонунидаги бундай жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган нормалар шу вақтгача бирор марта ҳам тизимлаштирилган ҳолда, ҳозирги кодексимиздагидек, алоҳида бир бўлимда берилмаган эди. Унда кўрсатилган нормалар жиноий жавобгарликнинг умумий қоидаларини ўз ичига олиши билан бирга, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганда уларга нисбатан жазо турларининг анча такомиллашганлиги, суд уларга жазо тайинлашда ўсмирнинг руҳий ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятнинг сабабларини, катта ёшдаги кишилар ва вазиятнинг жиноят содир этилишидаги ўрнини эътиборга олиб, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишда унга нисбатан давлатимиз томонидан бериладиган бир қанча енгилликларда ифодаланиши кўрсатилганки, бундай ҳолатлар кодекснинг 7-моддасида кўрсатилган инсонпарварлик принципининг амалда қўлланилаётганлигига мисол бўлади. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир қилинганда, давлат томонидан уларнинг бу қилмишига бериладиган жазонинг катталарга бериладиган жазога нисбатан анча юмшоқлиги қадимги қулдорлик давлатларига ҳам хос бўлганлигини Рим давлатининг “XII жадвал қонунлари”да ҳам учратамиз.¹

Амалиёт ходимлари ва олимлар ўртасида кўп йиллардан бери вояга етмаганларнинг жавобгарлигини қонунда алоҳида ажратиб

¹ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных Стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М, 1984. 49-50-бетлар

кўрсатилиши зарурлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд бўлиб, бу масала 1994 йил қабул қилинган Жиноят кодексида ўз аксини топди. Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусида жиноят ҳуқуқи фанида турли фикрлар билдирилган бўлиб, айбдор шахснинг ахамияти содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан кам эмаслиги таъкидланади.

Жиноят кодекси 17-модаси, 5-қисмига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга асосан ва Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодекси Махсус қисми 163 та нормасида вояга етмаганлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

NOTA BENE!	
Вояга етмаган шахс деганда, Жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган, аммо 18 ёшга тўлмаган шахс тушунилади.	

Умумий қоидага мувофиқ 16 ёшга тўлган, ақли расо шахслар жиноят субъекти ёшига етган ҳисобланадилар. Баъзи жиноятлар учун субъект ёши 14 ёш қилиб белгиланган. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик жинояти учун субъект ёши 13 ёш белгиланган.

Кўпчилик давлатларнинг жиноят қонунчилигида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кам ёш чегараси белгиланган. Бу ёшга етмаган, лекин жиноят содир этишда айбдор деб топилган вояга етмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмасдан, балки, ижтимоий ёрдамга мухтож бўладилар.

1989 йил БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, у жиноий йўлга кириб қолган болалар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича қатор нормаларни ўз ичига олади. Конвенцияга мувофиқ болалар деганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тушунилади.¹ Бу таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги вояга етмаганлар тушунчасига мос келади. Конвенция вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал муддатини белгилайди. Лекин қатор давлатларда бу ёш чегараси белгиланганидан ҳам кам бўлиши мумкин Масалан, Ирландия жиноят қонунчилигида субъект ёши 7 ёш, Японияда 13 ёш, Нидерландияда 12 ёш қилиб белгиланган. Жиноят қонунчилигида

¹ Конвенция о правах ребенка. 1989г.

субъект ёшининг бундай белгиланиши шахснинг *ақлий ва жисмоний ривожланганлик даражасидан* келиб чиққан.

1985 йилда қабул қилинган БМТнинг Минимал стандарт қоидаларида вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда одил судловни амалга оширишнинг қоидалари белгиланган.

Шахснинг ақлий ва жисмоний ривожланганлик даражаси шуни англатадики, жиноят субъекти ёшига етган, лекин ўз қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфли оқибатини руҳий жиҳатдан ривожланмаганлиги туфайли англаб етмаган шахсда жиноят субъектининг зарурий белгисига эга бўлмайди. Бундай шахсга нисбатан маъмурий тартибдаги мажбурлов чоралари қўлланилди.

Скрябин М.А.нинг фикрига кўра вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги қуйидаги хусусиятларга эга:

1) вояга етмаганларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган барча жазо чоралари қўлланилмайди;

2) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд уларнинг вояга етмаганлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди;

3) вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг оғир жазо сифатида ўзига хос хусусиятларга эга.

Вояга етмаган шахслар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар иккига бўлинади:

1) жиноят содир этгунга қадар вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган нормалар;

2) норма қўллангунга қадар вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган нормалар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ нормаларга – жазо тури, жазо тайинлаш, жазодан шартли озод қилиш, жавобгарлик ва судланганлик муддатини белгиловчи нормалар;

Иккинчи гуруҳ нормаларга – жазони ўташ каллонияси турларини белгиловчи, тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чоралари киради.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини иккинчи чакирик VI-сессиясида жиноий жазоларии либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят, кодексига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар жазо санкцияларининг енгиллашуви, жазо муддатларининг камайишига, озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ жазоларининг камроқ белгиланишига олиб келди. Жиноий жазолар тизимидаги бундай ислохотлар вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга.

Криминологик тадқиқотлар, статистик маълумотлар шундан далолат берадики, вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум -қилиш, қамоқ, ва умуман жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг қўлланиши салбий натижаларни бермоқда ва келажакда рецидив жиноятларни кўпайишига замин яратмоқда. Вояга етмаган шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш масаласи Республикамизда барчани ўйлантираётган энг оғрикли, ачинарли ва долзарб муаммоларидан биридир. Чунки келажакимиз, ёш авлоднинг баркамоллиги билан боғлиқдир. Уларни тарбиялаш, жамият учун фойдали, маънавий соғлом қилиб етиштириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу ўринда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, вояга етмаган шахсларни жиноятга етаклайдиган сабаб ва шарт-шароитлар қуйидагилардан иборатдир:

- 1) аҳоли турмуш даражасининг пасайиши;
- 2) ота-она, тарбиячилар, мактаб, интернат ва бошқа муассасаларда болалар тарбияси билан етарли даражада шуғулланмаслик, тарбиявий, профилактик тадбирларнинг ўтказилмаслиги. Масалан, 1999 йилнинг биринчи ярмида жиноят содир этган вояга етмаганлар 1105 кишини ташкил этиб, 372 таси (33.6%) ҳеч қаерда ўқимаган, 110 таси маст ҳолатда жиноят содир этган вояга етмаган шахслардир.
- 3) оила, мактаб ва ўқув муассасаларида назоратнинг сустлиги;
- 4) вояга етмаган шахс яшаётган, ўқиётган микромуҳитдаги криминологик шароит;
- 5) мактабларда юристлар ва психологларнинг фаолият олиб бормасликлари;
- 6) оилалардаги ажрашиб кетиш, ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳолатларининг юкорилиги. Масалан, 1999 йилнинг биринчи ярмида вояга етмаган судланганлар 1105 кишини ташкил этиб, шулардан 258 (23.3 %) таси ота-онасиз тарбияланганлардир;
- 7) босқинчилик, уғрилик каби жиноятларга вояга етмаган шахсларни жалб қилиш ҳолатларининг тез-тез учраши;

8) ахлоққа қарши жиноятлар, яъни вояга етмаган шахсни ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиши, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш, порнографик нарсаларни тайёрлаш ва сотиш, фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш каби жиноятларнинг содир этилиб турилиши;

9) жазони ўтаб чиққан вояга етмаган шахсларни ўз холига ташлаб қўйилганлиги, иш билан банд қилишнинг сушт даражада олиб борилиши;

10) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан милиция, маҳалла посбонларига вояга етмаган шахслар билан ишлаш, тарбиявий, профилактик чораларни кўриш, ишга жойлаштириш тадбирлари ўтказиш вазифасини юқловчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, мавжуд булган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўминловчи механизмнинг йўқлиги ва ҳоказолар. Статистика маълумотларига эътиборни қаратилган бўлмақ, биргина 1999 йилнинг биринчи ярмида судланган вояга етмаганларнинг 73 таси(6.6 %;) ички ишлар органларида ҳисобда турганлар.


Статистик маълумотларга кўра 1999 йилнинг биринчи ярмида судланганларнинг сони 28540 та бўлиб, шулардан 1105 тасини воягага етмаганлар ташкил қилади. Яъни умумий судлаганларнинг 3.9 фоизи. 2000 йилнинг биринчи ярмида эса 29466 та шахс судланган бўлиб, шулардан 1156 тасини вояга етмаганлар ташкил қилади. Яъни умумий судлаганларнинг 4 фоизи. Шундан 1999 йилнинг биринчи ярмида 58 та, 2000 йилнинг биринчи ярмида эса 56 та қиз болалар судланган. Бу 1999 йил биринчи ярмида судланган вояга етмаганларнинг 5.2 фоизини, 2000 йилда эса 4.8 фоизини ташкил этади.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16 сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги» қарорида вояга етмаганларга жазо тайинлашда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазоларнинг самарадорлигига эътибор бериш лозимлиги айтилган. Шу билан бирга оғир жиноят содир этишда айбланган, муқаддам судланган, ҳуқуқни бузганлик учун ички ишлар органларида ҳисобда турган вояга етмаганларга жазо тайинлашда қатъиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Судлар вояга

¹ Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1- ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг киёсий рақамлари. Тошкент шаҳри—1999йил

етмаганларнинг жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ишларини сифатли ва пухта олиб борилишини, вояга етмаганларнинг шахсини ифодаловчи маълумотларни, уларнинг яшаш шароити, тарбияси, жиноят содир қилиш мотивлари, жиноят содир қилишга олиб келган шароит ва сабаблар тўла ва хар томонлама аниқланишини талаб қилишлари лозим Вояга етмаганларнинг жиноят содир этишида катта ёшдагиларнинг таъсири, уларнинг жиноят ёки бошқача ҳуқуқбузарликларга жалб қилинишининг сабабларини батафсил аниқлаш керак, деб таъкидланган

2. Вояга етмаганларга нисбатан қўланадиган жазо тизими ва турлари.



«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги» Конвенцияда болаларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий ривожланиши учун зарур шароитларни яратиб бериш жамиятнинг вояга етмаганлар олдидаги бурчи эканлиги белгилаб қўйилган. Вояга етмаганларининг жиноят содир этиши муайян маънода жамият томонидан юқоридаги мажбуриятларининг бажарилмаганлигини ифодалайди¹. Адолатнинг тикланиши биринчи навбатда вояга етмаганларнинг қайта тарбияланишида ифодаланади.

Вояга етмаганларга нисбатан қўланадиган жазо тизими, жиноят қонуни билан белгиланган ва суд учун мажбурий ҳисоблаган жазо чораларинг рўйхати бўлиб, улар ўз навбатида муайян тартибда жойлаштирилган ва қўлланиш тартиби ва чегаралари белгиланган рўйхатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимининг асосий вазифаси вояга етмаганларни мажбурлаш ва тарбиялаш ҳисобланади.

¹ Конвенция "О правах ребенка", 1989 й.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг асосий мақсади тарбиялаш бўлсада, лекин оғир жиноят содир этганларга нисбатан оғир жазо тайинланишини истисно этмайди. Бундай ҳолатда оғирроқ жазо тайинламаслик, вояга етмаганларда маъсулиятсизликни келтириб чиқаради.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги» Конвенцияда вояга етмаганларга нисбатан ўлим ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилиши мумкин эмаслиги белгиланган

Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими:

1) давлат мажбурлов чорасининг алоҳида турларидан ташкил топган;

2) жазо тизими элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисига боғланиб ва тўлдириб келади;

3) давлатнинг мажбурлов чоралари рўйхати қатъий бўлиб, кенгайтириб талқин қилиниши мумкин эмас. Шунинг учун вояга етмаганларга нисбатан Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида кўрсатилган бўлсада, лекин 84-модда кўрсатилмаган жазо чоралари қўлланилмайди;

4) белгиланган жазо чоралари энгилдан оғирига қараб жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 81-моддасида кўрсатилган жазолар вояга етмаганларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо турларининг қатъий рўйхатидир. Ушбу моддада жазо тизими энг энгилдан оғирига қараб жойлаштирилган, яъни:

- 1) жарима
- 2) ахлоқ тузатиш ишлари
- 3) қамоқ
- 4) озодликдан маҳрум қилиш

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида эмас балки, 82-85 моддаларда белгиланган доирада жазо тайинланади. Вояга етмаганларга нисбатан қўшимча жазо чораси қўлланилмайди.

NOTA BENE!	
-------------------	--

<p>Жарима жазоси-вояга етмаганларга нисбатан Жиноят кодекси 82-моддасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробаридан йигирма бараваригача белгиланади.</p>
--

Суд вояга етмаганларга нисбатан жарима жазосини тайинлашда жазони қўллаш учун асослар бор ёки йўқлиги аниқланиши лозим. Жарима жазосини тайинлашда вояга етмаган шахснинг мустақил

даромадга, иш ҳақи ёки мол-мулкка эга эканлиги эътиборга олинади. Жарима жазоси миқдорини белгилашда суд бу жазо миқдори вояга етмаган жавобгарнинг нормал яшаши учун зарур бўлган шароитдан махрум қилиб қўймаслиги лозимлиги эътиборга олинади керак

Жарима жазоси тайинлангандан кейин айбдор олти ой мобайнида уни тўлашдан бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштиради. Энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади. Лекин ахлоқ тузатиш ишларининг муддати бир йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Вояга етмаганларга нисбатан жарима жазоси 2000 йилнинг биринчи ярмида 54 мартаба қўлланилган бўлиб, шу давр мобайнида вояга етмаганлар умуман судланганларнинг 4, 7 фоизини ташкил этган. Тўққиз ойи давомида эса бу кўрсаткич 90 тага етди¹.

NOTA BENE!	
-------------------	--

<p><i>Ахлоқ тузатиш ишлари</i> — бу маҳкумни суд ҳукми билан белгиланган муддатга мажбурий равишда меҳнатга жалб қилиб, унинг иш ҳақидан давлат фойдасига муайян миқдордаги фоиз ундириш тариқасидаги жазо чораси.</p>
--

Бу жазо вояга етмаганларни меҳнатга жалб қилиш билан тузатиш ва қайта тарбиялашга қаратилгандир.

Вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини қўллашнинг қуйидаги шартлари мавжуд:

- 1) субъектив таркибнинг қатъий чекланганлиги;
- 2) жазони қўллаш муддати.

Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан қўлланилади. **Меҳнат лаёқати** - бу шахснинг меҳнат қила олиш қобилиятига эга эканлигидир. Умумий қоидага кўра шахс 16 ёшга тўлгандан сўнг меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. 16 ёшга тўлмаганлар қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномаси асосида меҳнатга жалб қилиниши мумкин:

1) ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирини ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши;

2) ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умум таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлири ва ўрта махсус ўқув

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. // “Адолат”, Т.:1998.

юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилинишига йўл қўйилади.

Жиноят кодекси 83 моддасига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишлари фақат 16 ёшга тўлган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. Жазони ўташ муддатига дам олиш, байрам, шунингдек, маҳкумнинг касал бўлган кунлари ҳам киради.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишларининг ўзига хослиги қуйидагиларда кўринади:

1. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс иш ҳақининг бир қисми давлат бюджетига ўтказилади;
2. Ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган шахснинг ишлаган вақти меҳнат стажига киритилмайди.
3. Ахлоқ тузатиш ишини ўташ даврида узлуксиз меҳнат учун бериладиган қўшимча иш ҳақи тўланмайди.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган ахлоқ тузатиш жазоси жазони ўташ жойига кўра:

- 1) вояга етмаган маҳкумнинг иш жойида;
- 2) жазонинг ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берадиган лекин вояга етмаган маҳкум яшайдиган жойда ўталади.

Қоидага кўра, вояга етмаган шахсга ахлоқ тузатиш ишини ўзи ишлаб турган жойда ўташ белгиланади. Вояга етмаган маҳкумни тарбиялаш нуқтаи назаридан ахлоқ тузатиш ишини у ишлаб турган жойда ўташни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Агар айбдор ҳеч қаерда ишламаса, жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган, лекин ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойда ўталади ва иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача давлат даромадига ушлаб қолинади.

Агар маҳкум яшаш жойига эга бўлмаса бундай ҳолда ҳукм чиқарилган ҳудуддаги жазони ижро этиш инспекцияси белгилаб берган иш жойида жазони ўтайди.

Ахлоқ тузатиш жазоси вояга етмаган маҳкумнинг моддий ва меҳнат манфаатларини маълум даражада чеклаб қўяди, маҳкумнинг иш ҳақидан ўн фоизидан ўттиз фоизигача давлат даромадига ундирилади, узлуксиз меҳнат учун бериладиган қўшимча иш ҳақи тўлаш жазони ўташ даврида тўхталилади.

Умумий қоидага кўра ахлоқ тузатиш ишлари муддати меҳнат стажига кўшилмайди. Жиноят процессуал кодексининг 545-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига кўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман ёки шаҳар судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига кўшиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқиладиган вақтда илтимоснома ким томонидан берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек, илтимос қилган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига кўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши мумкин.

Вояга етмаган шахс ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамоқнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб қамоқ жазоси билан алмаштиради. Аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Масалан, “2000 йилнинг биринчи ярмида 74 та шахсга нисбатан вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилган бўлиб, улар 2000 йилнинг биринчи ярмида судланганларнинг 6,4 фоизини(1156 та) ташкил этади. 1999 йилда 22 та шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилган бўлиб, улар барча судланганларнинг 1, 9 фоизини ташкил этган”.

<i>NOTA BENE!</i>	
--------------------------	--

<p>Қамоқ жазоси Жиноят кодексига киритилган янги жазо тури ҳисобланади. Қамоқ - шахсни эркин ҳаётдан батамом ажратган шароитда сақлашдан иборат бўлиб, вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан уч ойгача бўлган муддатга тайинланади.</p>
--

Вояга етмаган ҳамда қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони қамоқ уйларида ўтайдилар. Уларга ҳар куни бир ярим соатлик сайр қилиш, бир ойда бир марта яқин қариндошлари билан уч соатгача қисқа муддатли учрашув имконияти берилади. Улар қамоқ уйининг хўжалик хизматига оид ишларга ҳафтасига тўрт соатгача жалб қилиниши мумкин. Вояга етмаганлар жазони ўташ тартибини бузган ҳолларда огоҳлантириш, хайфсан, етти суткагача

карцерга киритиб қўйиш, ҳар кунги сайрни бекор қилиш каби интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Жиноят кодеси 84-моддасига мувофиқ қамоқ жиноят содир қилиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган, лекин ҳукм чиқариш вақтида ўн олти ёшга тўлган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Бу жазо турининг асосий хусусиятларидан бири шахсни янги жиноят содир этишини олдини олишдир.

Статистик маълумотларга кўра судлар вояга етмаганларга нисбатан 1999 йилда ўн учта, 2000 йилнинг тўққиз ойи давомида эса ўн марта қамоқ жазоси қўлланилган¹.

NOTA BENE!	
-------------------	--

<p>Озодликдан маҳрум қилиш вояга етмаган маҳкумни суднинг ҳукмида белгиланган муддатга шу жазони махсус ўташ жойларига жойлаштириб мажбурий тарзда жамиятдан ажратишдан иборатдир.</p>

Вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинланмайди. Ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларда ўташ тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2000 йилнинг биринчи ярмида вояга етмаганларга нисбатан 404 та ҳолатда қўлланилган бўлиб, бу умумий судланганларнинг 34,9 фоизини ташкил қилади. 1999 йилнинг биринчи ярмида эса озодликдан маҳрум қилиш жазоси 413 та ҳолатда қўлланилган бўлиб, бу кўрсаткич умумий судланганларнинг 37,3 фоизини ташкил қилган.

3.Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш

Судланувчига нисбатан жазо тайинлаш судлар фаолиятининг муҳим ва хал қилувчи босқичидир.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги жиноятчиликка қарши курашишдаги қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, адолат, демократия ва инсонпарварлик принцларига асосланади. Вояга етмаганларга нисбатан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Вояга етмаганлар жинояти ҳақидаги суд амалиёти тўғрисида"ги 2000 йил 15 сентябрдаги Пленум қарори.

тайинланадиган жазо айбдорни тарбиялаш ва янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадини кўзлаганлиги туфайли юқоридаги принциплар вояга етмаганларга нисбатан муайян тасниф асосида қўлланилади.¹

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда суд қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиши лозим:

- 1) вояга етмаганнинг ривожланганлик даражасини;
- 2) вояга етмаганнинг турмуш шароити ва тарбиясини;
- 3) катта ёшдагиларнинг унга нисбатан таъсирини;
- 4) вояга етмаганнинг соғлигини;
- 5) содир этилган жиноятнинг сабабларини;
- 6) жиноят содир этиш мотивини.

Жиноят процессуал кодекси 548 моддасида ҳам вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исбатланиши лозим бўлган ҳолатларга юқоридагилардан ташқари қуйидагилар ҳам киритилган:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси- бу 18 ёшга тўлмаган шахснинг ақлий ривожланганлик даражаси ва унинг ёшидир. Шахснинг ривожланганлик даражаси шу ёшдаги шахсларга нисбатан нормал ҳолатда ёки бундай ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Шахснинг ривожланганлиги: ривожланган (бу ёшдагиларга нисбатан ақлий ривожланган бўлиши) ва қолоқ (ўз ёшига нисбатан ақлий ривожланмаганлиги) бўлиши мумкин. Агар шахс ўз ёшига нисбатан ақлий ривожланган бўлмаса, суд унга нисбатан жазонинг ўрнига мажбурлов чорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини кўриш лозим. Бунинг учун руҳий қолоқликни аниқлашда психологик экспертиза олдига ёшга нисбатан интеллектуал қолоқликни белгилаш учун унинг ақлий қолоқлигини аниқлаш масаласини қўйиши керак.²

Интеллектуал ривожланганлик даражаси ўз тенгдошларига

¹ Олий Суд Пленумининг «Вояга етмаганлар жинояти ҳақидаги суд амалиёти тугрисида»ги қарори. 15.09 2000й

² Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й. 30-31-бетлар.

нисбатан қолоқ бўлган вояга етмаганлар жинойий жавобгарликка тортилмайдилар.

Вояга етмаган шахсинг тарбияси ва яшаш шароити- бу 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан белигиланган, унинг яшаш, уни тарбиялашда қўлланилаётган усул ва воситалар каби ҳолатлардир. Суд бунда вояга етмаган шахсинг ота-онаси, васийлар ва ҳомийлар ва оиладаги бошқа шахсларнинг ҳолатини эътиборга олиши лозим.

Соғлигининг ҳолати –бу нафақат вояга етмаганнинг касалмаслиги ёки жисмоний нуқсонлари йўқлигини белгиловчи, шунингдек, унинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатининг кўрсаткичидир.

Вояга етмаганларга таъсир қилувчи ва суд томонидан ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради: вояга етмаган шахсинг ёши, жинойтти содир этганлигига чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбини бўйнига олганлиги, жинойтти очишга ёрдам берганлиги, жинойтни оғир оилавий ва шахсий аҳволидан келиб чиқиб содир этганлиги кабилар. Бу ҳолатларнинг барчаси суд ҳукмида кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари қонун чиқарувчи инсонпарварлик тамойилига асосланиб, болаликдаги шўхлик туфайли бировга озор етказиши билан жинойт ўртасидаги аниқ чегарани билмаслиги, у ёки бу ахлоқий эстетик чегараларни аниқ тасаввур қила олмайдиган ёшда эканлигини эътиборга олади.

Вояга етмаганлар жавобгарлигини индивидуаллаштиришда жинойт тўғри квалификация қилинган, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлган таъсир чорасини:

- 1) қўлланадаган жазо чорасининг тури, муддати ёки миқдори;
- 2) тарбиявий хусусиятга эга бўлган жазо чорасини қўллаб жазодан озод қилишни қўллаш лозимлигини ҳал қилади.

Вояга етмаганларнинг жавобгарлигини индивидуаллаштиришда суд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасини қўллашга катта эътибор бериши лозим. Агар енгилроқ жазо чораси жавобгарликка тортишдан белгиланган мақсадга эришишни таъминламасагина оғирроғи тайинланади.

Жазо тайинлашда суд жинойтнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятларини, мотивини, етказилган зарар миқдорини ва хусусиятини, айбланувчининг шахсини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллиштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти биринчи навбатда жиноятнинг объектига боғлиқ бўлади, аммо вояга етмаганлар ҳам доим ҳам қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг элементларини ва кўп томонламалигини тўғри ва тўлиқ англаб етмайди.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини, жиноятни содир қилишдаги барча ҳолатларни (айбнинг шаклини, мотиви, усули, қилмиш иштирокчиликларида жиноят содир этилганида иштирокчилик даражасини) ҳисобга олиш лозим.

Вояга етмаганлар томонидан унча оғир бўлмаган жиноят содир этилганида, уни жазо тайинламасдан тарбияловчи хусусиятга эга бўлган мажбурлов чораларини қўллаш орқали таъсир этиш мумкинми? деган саволга жавоб топиш лозим бўлади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганларга жиноий жазо тайинланишига йўл қўйилмаслиги керак.

Айбнинг турли шаклларида келиб чиқиб, айбдорнинг ўз ҳаракатини англаши, қасднинг пайдо бўлиш вақти (тўғри ёки эгри қасд, олдиндан ўйланган ёки тўсатдан пайдо бўлган ва бошқалар), рўй берган оқибатга кўра хатто қасддан содир этилган жиноятлар ҳам бир-биридан фарқланади. Вояга етмаганлар томонидан қасддан содир этилган жиноятларда кўпчилик ҳолларда вояга етганлардагидек қасд кучли бўлмайди.

Вояга етмаганлар томонидан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш бир мунча қийинроқ. Жиноят содир қилган вояга етмаган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши, ижтимоий хавфлилигини англаши қийин бўлади, агар уни билс а ҳам, ўз-ўзига ишонил орқали ижтимоий хавфли оқибатни олдини олиш мумкин деб ўйлайди, аммо уни бартараф эта олмайди¹

Вояга етмаган шахс томонидан эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этилганда жиноят таркиби субъектив томони белгилари, шахснинг индивидуал мезонлари (интеллектуал жиҳатдан тўлиқ ривожланмаганлик, рухиятининг ўзига хослиги, ҳаётий тажрибага эга эмаслиги) ижтимоий хавфли оқибатни англаб етишига имкон бермайди.

Вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашда жиноятнинг мақсад ва мотиви катта аҳамиятга эга. Вояга етмаган

¹ А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980. С.64.

шахсининг хис-ҳаяжонга тез берилувчанлиги юзага келган ўзгаришлар, биринчи навбатда, уларнинг ҳодисани англаши ва фаолиятида ўз аксини топади. В.А.Рибальскаянинг фикрича вояга етмаганлар жиноятчилигига давлатдаги ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Бу ҳолат бошқача яшаш шароитининг вужудга келиши, меҳнат қилишдаги, таълим олишдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади¹

Вояга етмаганлар жавобгарлигини индивидуаллаштиришда уларнинг шахсий белгиларига ҳам эътибор бериш лозим. Вояга етмаганларнинг шахсий белгилари деганда: турмуш тарзи, маълумоти, оилавий аҳволи, руҳий белгилари, қизиқиши, ҳуқуқ нормаларига бўлган муносабати ва х.к. эътиборга олинади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 55-моддаси 1-исми «ж» бандига мувофиқ шахсининг вояга етмаганлигининг ўзи жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар айбдорга тайинланадиган жазонинг тарбиявий ва жазолов функцияларининг нисбатини тўғри танлашга ёрдам бериб, уни имкони борича қайта тарбиялашга ҳамда бошқа жиноятлар содир этишининг олдини олишга ёрдам беради. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни қуйидаги учта асосий гуруҳга:

- 1) жиноят субъектининг шахсини ифодаловчи ҳолатлар
- 2) жиноятнинг мотиви ва унинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолатлар
- 3) субъектнинг содир қилган жиноятига нисбатан муносабатини ифодаловчи ҳолатларга ажратиш мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар вояга етмаганларнинг жиноят ишларидаги ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб тадбиқ этилиши лозим. Аммо бу хусусиятлар масаласига камроқ эътибор берилади.

Битта муайян ҳолатнинг катта ёшдагилар ва вояга етмаганларнинг жиноят ишларида ахамияти турлича бўлиб, суд жараёнида судланувчиларга жазо тайинлашга турлича таъсир қилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-56-моддаларида кўрсатилган ҳолатларнинг айримлари вояга етмаганларга умуман тааллуқли эмас ёки тааллуқли бўлса ҳам қатор зарурий чеклашларга эга. Бундай чеклашлар, хусусан, вояга

¹ В.Я.Рибальская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994. С.26.

етмаганларга жазо тайинлашнинг умумий асосларига таянган ҳолда ҳам белгиланиши мумкин.

Вояга етмаганларга бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда катталарга жазо тайинлашдан фарқли равишда: жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёши (13 ёшдан 16 ёшгача, 16 ёшдан 18 ёшгача), шунингдек, вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазонинг юқори чегараси ҳисобга олинади.

Вояга етмаганларга жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда суд Жиноят кодексининг 59- моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиш лозим. Аммо жиноят учун охирги жазо чораси Жиноят кодекси 86-моддасига мувофиқ тайинланади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақт ичида жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш вақтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак. Агар Жиноят кодекси 72-моддасида белгиланган шартлар ва асослар мавжуд бўлса, суд вояга етмаган шахсга нисбатан шартли жазо белгилаши мумкин.

Мавзу юзасидан саволлар:

1) Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари нималарда ифодаланади?

2) Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими ва унинг умумий жазо тизимидан фарқи нимада?

3) Нима учун вояга етмаганларга нисбатан кушиимча жазо чораси кулланилмайди? 16 ёшга тўлган шахс амалдаги қонунга асосан тадбиркорлик фоялияти билан шуғулланиб, шу фаолият билан боғлиқ жиноятни содир қилган холлардачи?

4) Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг хусусиятлари ва ҳисобга олиниши лозим булган ҳолатлар нималардан иборат?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси
4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.

22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.
26. Ф.Тохиров «Шахсга карши жиноятларнинг юридик тахлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступление М.:1963г.
29. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
30. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
31. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
32. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
33. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
34. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
35. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
36. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
37. Беляев Н.А цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
38. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.
39. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
40. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
41. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
42. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
43. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.: 1984г.

44. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
45. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
46. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
47. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4
48. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
49. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
50. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
51. Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори
52. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет
53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
54. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
55. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдагидаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2
57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38
58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16
60. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат

маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи
маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.

21-БОБ: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

1. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган жазонинг асосий мақсади ва вазифаси маҳкумни тузатиш қайта тарбиялаш ҳамда жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олишдан иборатдир. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳам юқоридаги мақсадни кўзлайди.

Вояга етмаганлар:

- 1) фақат вояга етмаган шахсларга нисбатан;
- 2) ижтимоий хавф катта бўлмаган жиноят биринчи марта содир этилганида;
- 3) содир этилган қилмишнинг хусусияти, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдорни жазо қўлламай ҳам тузатиш мумкин; деб топилганида;
- 4) ишни вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга топшириш йўли билан жавобгарликдан озод қилинади.

Фақат ушбу ҳолатларнинг барчаси мавжуд бўлган ҳолда вояга етмаган шахс Жиноят кодекси 87-моддаси, 1-қисмига кўра жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Шахсни жавобгарликдан озод қилишда унинг 18 ёшга тўлмаганлигини аниқлаш билан бирга, ҳукм чиқариш вақтида ёши ҳам аниқланиши лозим. Агар ҳукм чиқариш вақтига келиб 18 ёшга тўлган бўлса, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи Жиноят кодексининг 64-68-моддаларига асосан ҳал қилиниши керак.

Жиноятчини бошқа восита билан тузатиш мумкин, деб топилса, уни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, шунингдек тайинланган жазонинг маълум бир қисмини ўтагандан сўнг жазо муддати тугамасданок маҳкумни жазодан озод қилиш мумкин. Вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг икки (*умумий ва махсус*) тури мавжуд:

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг умумий тури Жиноят кодекси XII ва XIII бобларида белгиланган. Жиноят кодекси 12 бобида жавобгарликдан озод қилишнинг турлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар: жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати

билан жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 64-м); қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 65-м); айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 66-м); ярашилганлиги муносабати жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 66¹-м); касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 67-м); амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 68-м).

Жазодан озод қилишнинг эса қуйидаги **умумий турлари** мавжуд: жазонинг ижро этиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (Жиноят кодекси 69-м); шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиш муносабати билан уни жазодан озод қилиш (Жиноят кодекси 70-м); айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (Жиноят кодекси 71-м); шартли ҳукм қилиш (Жиноят кодекси 72-модда); касаллиги ёки меҳнатга қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш (Жиноят кодекси 75-модда); амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш (Жиноят кодекси 76-модда).

Вояга етмаган шахсни жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг қуйидаги **махсус турлари мавжуд:**

1) вояга етмаганларнинг ишлари вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топшириш орқали жазодан озод қилиш;

2) мажбурлов чорасини қўллаш орқали жазодан озод қилиш

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш орқали фақат ишни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топшириш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай қарорга келиш учун Жиноят кодекси 87-моддаси 1-кисмида кўрсатилган шартлар:

1) жиноят содир этиш вақтида шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган бўлиши;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатлари мавжуд бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган учта шартнинг хаммаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганида вояга етмаган шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғилланувчи комиссиялари

зиммасига:

14 ёшдан 16 ёшгача бўлган даврда улар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган хатти-ҳаракатлар содир этиб, уларга нисбатан жиноий иш кўзғатиш рад қилинган ёки жиноий иш тўхтатилган;

16 ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;
жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар содир этган;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасаларида (умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида) ўқишдан бош тортган;

жамият учун катта хавф бўлмаган жиноят содир этганида терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилинган;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахслар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вазифаси юкланади.¹

14 ёшга тўлмасдан туриб жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар содир этган, 13 ёшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган вояга етмаганлар бундан мустасно;

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллаши мумкин:

1) вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига такдимнома киритиши;

2) огоҳлантириб қўйиши;

3) 15 ёшга тўлган вояга етмаган шахс зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаши ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаши;

4) 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эға бўлган вояга етмаган шахсға Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат

¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори 23-банд.

ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари чиқарган ҳужжатларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органлари қарорларида кўзда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиши;

5) вояга етмаган шахсни ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти кузатувиغا топшириши;

5) вояга етмаган шахс жамият учун хавфли хатти-ҳаракатлар қилган ёки ижтимоий ахлоқ қоидаларини қасдан ва мунтазам равишда бузиб келган тақдирда комиссия ички ишлар органлари билан биргаликда вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига юбориш масаласини кўриб чиқишни суддан илтимос қилади. 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс махсус мактаб-интернатга юборилиши, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс эса махсус касб-ҳунар коллежига юборилиши мумкин.

Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида комиссиялар вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқни бузишларнинг олдини олиш бўлинмалари томонидан вояга етмаганларнинг олдини олиш ишларини таъминлаш учун ички ишлар органларининг тегишли ҳудудий органларини хабардор қилишга мажбурдир. Таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганида туман (шаҳар) комиссияси ҳуқуқбузарлик ҳолатининг хусусиятини ва сабабларини, вояга етмаган шахснинг ёшини ва унинг ҳаёт тарзи, оилавий шароитларини, унинг ҳуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек, унинг турмушдаги, мактабдаги ва ишдаги хулқ-атворини, албатта, ҳисобга олиши лозим.

Комиссиянинг вояга етмаганлар шахсини огоҳлантириш тўғрисидаги қарори бир йил мобайнида амал қилади. Башарти таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган шахс ана шу муддат ичида янги ҳуқуқбузарлик содир этмаса, таъсир кўрсатиш чораси тугалланган деб ҳисобланади. Таъсир кўрсатиш чорасини қўллаган комиссия ўз қарорига биноан, башарти ана шундай таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган вояга етмаган шахс намунали ахлоқи билан ўзининг тузалганлигини кўрсатган тақдирда, жазони бир йил ўтмасдан ҳам олиб ташлаши мумкин.

Комиссиянинг вояга етмаган шахсни ўз ота-онаси, улар ўрнини босувчи шахслар ёки жамоат тарбиячилари назоратига ёхуд меҳнат жамоаси, жамоат ташкилоти кузатувиغا топшириш тўғрисидаги

қарорининг амал қилиш муддати, башарти вояга етмаган шахс ўзининг намунали ахлоқи ва ишга ҳамда ўқишга бўлган ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исбот этса, мазкур шахслар ёки ташкилотлар илтимосига биноан исталган вақтда бекор этилиши мумкин.

Танлаб олинган тарбиявий таъсир кўрсатиш чораси вояга етмаган шахсга таъсир қилмаган тақдирда, комиссия бундай вояга етмаган шахсга нисбатан юқорида санаб ўтилган таъсир кўрсатиш чораларидан қаттиқроғини қўллашга ҳақлидир.

Туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори жарима солинган шахс томонидан шу қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида тўланиши лозим, бундай қарор устидан шикоят ёки протест берилган тақдирда эса, мазкур шикоят ёки протест қондирилмаганлиги ҳақида маълумотнома олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўланади.

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар мустақил иш ҳақиға эға бўлмаса, жарима уларнинг ота-оналаридан ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Комиссиянинг қарори билан солинган жарима Халқ банки муассасасига тўланади.

Жарима муддатида тўланмаган тақдирда, комиссиянинг жарима солиш тўғрисидаги қарори жарима суммасини фуқаролик-процессуал қонунчилик билан белгиланган қоидаларга мувофиқ шундай жарима солинган шахснинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, нафақа ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ушлаб қолиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёки солинган жаримани бошқа сабабларга кўра унинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, нафақа ёки стипендиясидан ундириб олишнинг иложи бўлмаса, жарима комиссиянинг қарори асосида ундирувни ҳуқуқбузарнинг шахсий мол-мулкиға, шунингдек умумий мулкдаги унинг улушиға қаратиш йўли билан туман (шаҳар) суди суд ижрочиси томонидан ундириб олинади.

Вояга етмаган шахслар махсус мактаб-интернатларда 15 ёшға етгунча сақланадилар, махсус касб-ҳунар коллежларида эса, 18 ёшға етгунға қадар сақланадилар.

Фавқулодда ҳолларда бундай ўқувчиларни махсус мактаб-интернатларда сақлаш муддати улар 16ёшға етгунларига қадар узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаган шахслар махсус ўқув-тарбия муассасаларида то

ахлоқан тузалганларига қадар сақланадилар, лекин бу муддат уч йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Махсус ўқув-тарбия муассасалари жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси ўқувчига кўрсатиб ўтилган муассасаларда жорий ўқиш йилида ўрта умумий таълим мактаби ёки касб-ҳунар коллежининг тегишли синфини тугаллагунча уч йилдан кўпроқ муддатга қолишга ҳам рухсат бериши мумкин.

Махсус мактабларнинг 15 ёшга тўлган, аммо ахлоқан тузалмаган ўқувчилари шу мактаблар жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси томонидан махсус касб-ҳунар коллежларига юборилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсларнинг бундан кейин махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлишларининг мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлиги масаласи вақт-вақти билан, лекин йилига камида бир марта шу муассасалар жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссиялари томонидан мазкур комиссияларнинг ўз ташаббуси билан, ана шу муассасалар маъмуриятининг тақдимномаси ёки вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар илтимосига биноан кўриб чиқилади.

Вояга етмаган шахслар учун белгиланган махсус ўқув-тарбия муассасаларига кар-соқовлар, кўрлар, руҳий касаллар, ақли заиф бўлган вояга етмаганлар, шунингдек махсус ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш учун тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри келмайдиган белгилар қўйилган рўйхатда кўрсатилган жисмоний камчилиги ва касалликлари бўлган болалар ҳамда ўсмирларнинг юборилиши мумкин эмас.

Вояга етмаган шахснинг махсус ўқув-тарбия муассасасида бўлиши педагоглар кенгашининг шу муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган қарори асосида мазкур муассаса жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан бекор қилинади ва бу ҳақида вояга етмаган шахс шу муассасадан чиққунга қадар кўпи билан бир ой ичида, унинг яшаб турган жойидаги комиссияга хабар берилади. Бу комиссия вояга етмаган шахсни ишга жойлаштириш ёки ўқув юртига юбориш ҳамда унга зарур моддий-маиший шароитлар яратиб бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриши шарт.

Башарти вояга етмаган шахсни тарбиялаш мақсадида «Меҳрибонлик» уйига ёки мактаб-интернатга юборилган бўлса, бу ҳолда уни «Меҳрибонлик» уйдан ёки мактаб-интернатдан чиқариш тўғрисидаги қарор шу «Меҳрибонлик» уйи ёки мактаб-интернат

жойлашган ердаги комиссия томонидан қабул қилинади.

Агарда тарбияланувчи махсус ўқув-тарбия муассасаси, «Меҳрибонлик» уйидан чиқарилганидан кейин, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ёки васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилганликлари туфайли улар ҳузурига юборилиши мумкин бўлмаса, шунингдек тарбияланувчининг аввалги истиқомат жойига келиши бир қанча сабабларга кўра (ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар йўқлиги, турмуши ва меҳнат қилиши ҳамда бундан кейин тарбияланиши учун қулай шароитлар йўқлиги сабабли) мумкин бўлмаса, шу муассасалар жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган мазкур шахснинг маиший шароитини яхшилаш, уни ўқиш ёки ишга жойлаштириш чораларини кўради. Зарур ҳолларда туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган шахс устидан васий, ҳомий тайинлаш тўғрисидаги тақдимнома билан тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ана шу масалаларни ҳал қилиш чоғида ушбу бандда кўрсатилган муассасалар жойлашган ердаги туман (шаҳар) комиссияси вояга етмаган шахс илгари яшаб келган жойдаги ёки унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар турган жойдаги комиссиянинг тегишли хулосасига эга бўлиши лозим.

Тарбия колониясидан озод бўлиб қайтган вояга етмаган шахс истиқомат қилаётган жойдаги комиссия мазкур шахс 18 ёшга етгунга қадар уни ишга ёки ўқишга жойлаштириш чораларини кўради ва унинг ахлоқини назорат қилиб боради.

Озод бўлган вояга етмаган шахснинг ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳузурига қайтишига уларнинг йўқлиги ёхуд ота-оналик ҳуқуқидан ё васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги муносабати билан имкон бўлмаса, озод бўлган ана шу вояга етмаган шахснинг илгари яшаб келган жойдаги комиссия колония маъмуриятининг тақдими билан уни ихтисосига мувофиқ келадиган ишга ёки ўқишга жойлаштириш, шунингдек унга тегишли уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитлар яратиб бериш чораларини кўради.

Тарбия колониясидан озод бўлган вояга етмаган шахсни тарбияси нуқтаи-назаридан илгариги истиқомат жойига юбориш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган фавқулодда ҳолларда уни ишга жойлаштириш колония маъмуриятининг тақдими билан шу тарбия колонияси жойлашган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия колониядан озод бўлган вояга етмаган шахсни у ёрдам сўраб мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун муддатдан кечиктирмай ишга ёки ўқишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиши шарт.¹

Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жиноий жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади. Мажбурлов чорасини қўлаш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

1) жиноят содир этиш вақтида шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги;

2) унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган бўлса;

3) шахсни жазо чорасини қўлламаздан туриб тарбиялаш мумкин бўлса;

4) ўз ёшига нисбатан ривожланиш даражаси анча орқада қолган бўлса ва ўз қилмишининг хусусиятини англаб етмаган бўлса.

Суд вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида суд-психатрик экспертизасини тайинлайди ва Экспертиза хулосасига мувофиқ жиноий жазодан мажбурлов чораларини қўллаш орқали озод қилиш масаласини ҳал қилади.

Мажбурлов чораларини қўллаб, жазодан озод қилишда суд юқоридаги шартлардан ташқари айбдорнинг шахси, жиноятнинг хусусияти (объекти, вақти, жойи, шароити, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг мотив ва мақсади, етказилган зарарнинг миқдори эътиборга олиши мумкин)

Вояга етмаганларни жазодан озод қилиш уларни жиноий жавобгарликдан озод қилишга ўхшасада, ундан фарқ қилувчи қатъий талаб ва чегараларга эга. Вояга етмаган:

1) фақат суд томонидан;

2) вояга етмаган шахс томонидан биринчи марта ижтимоий хавфи катта ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган бўлса;

3) тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чорасини қўллаш орқали жазодан озод қилинади.

Вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш суд томонидан шахсни айдор деб топиш орқали ҳукмда жазо тайинламасдан амалга оширилади, аммо мажбурлов чораси белгиланади.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида” 2000й 21 сентябрдаги 360 сонли қарори 23-банд.

Ўз хусусиятига кўра **мажбурлов чоралари** тарбиявий хусусиятга эга. Суд мажбурлов чорасини қўллаётганда тарбиялаш мақсадини кўзлаши лозим. Шу билан бирга суд томонидан қўлланилаётган ушбу чора мажбурлов хусусиятига эга. Бу мажбурлов чорасининг фақат суд томонидан қўлланиши ва вояга етмаган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ижро этилишида ифодаланади. Бу таъсир чорасининг ижроси давлат хокимияти органлари томонидан таъминланади. Шундай қилиб мажбурлов чораси тузилишига кўра тарбиявий хусусиятга эга бўлса, ижро этилишига кўра мажбурий хусусиятга эга.

Мажбурлов чоралари тузилишига кўра бир-биридан фарқланади. Хар бир таъсир чораси вояга етмаганларни тарбиялашда ўз хусусиятига эга. Жиноят кодекси 88-моддасига мувофиқ мажбурлов чорасининг қуйидаги турлари фарқланади:

1) суд белгилайдиган тартибда айбдор жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш. Бу мажбурлов чораси жабрланувчи олдида суд белгилаган тартибда: суд мажлисида, иш жойида, таълим муассасаси ёки жабрланувчи ёхуд айбдорнинг яшаш жойида амалга оширилади. Суд белгилаган ҳолларда ёзма шаклда ҳам узр сўраши мумкин. Узр сўраш оғзаки ёки ёзма тартибда, шунингдек якка тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2) етказилган зарар миқдорини қоплаш мажбуриятини юклаш. Зарарни қоплаш ўз маблагини ҳисобидан ёки меҳнат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу мажбурлов чорасини амалга ошириш тартиби ва муддати суд томонидан белгиланади. Ушбу таъсир чорасини қўллаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин.:

а) вояга етмаган шахс 16 ёшга тўлган бўлса;

б) етказилган зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан юқори бўлмаса уни қоплаш мажбурияти юклатилади. Бошқа ҳолларда зарар фуқаролик судига даъво қўзғатиш орқали ундирилади. Бу мажбурлов чорасининг жарима жазосидан фарқи қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, таъсир чораси сифатида етказилган зарар миқдорини қоплаш юклатилади.

иккинчидан, тўланадиган сумма жабрланувчи фойдасига ундирилади, жарима эса давлат бюджетига.

учинчидан, зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ошмаса, суд томонидан, агар ундан ортиқ бўлса

фуқаролик суди томонидан ундирилади, жарима эса жиноят ишлари бўйича суд томонидан ундирилади.

3) вояга етмаган шахсни махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш. Вояга етмаган шахсни махсус ўқув тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Ёпиқ типдаги махсус ўқув тарбия муассасасида тарбиялашнинг алоҳида усуллари қўлланилади. Бу анча қаттиқ мажбурлов чораси бўлиб, тарбияси оғир ва махсус шароитдаги педагогик таъсир чоралари тадбиқ этилиши шарт бўлган вояга етмаганларга нисбатан қўлланилади. Махсус ўқув тарбия муассасасига қаттиқ педагогик режим ва махсус тарбия шароитида тарбияланиши шарт бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилади. Вояга етмаган шахсларнинг махсус-ўқув тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.¹

Махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш жазо чораси ҳисобланмайди, чунки:

биринчидан, жазо чоралари тизимида кўрсатиб ўтилмаган.

иккинчидан, бундай муассасада бўлиш муддати суд томонидан белгиланмайди.

учинчидан, судланганлик муддати мавжуд эмас.

Вояга етмаганларнинг махсус ўқув тарбия муассасасида бўлиш муддати бизнинг фикримизча содир этилган жинояти учун белгиланадиган жазонинг максимал муддатидан ошмаслиги керак. Давлат органининг вояга етмаганнинг тарбияланиши махсус ўқув тарбия муассасасида давом эттирилиши шарт эмас, деган хулосага мувофиқ, айбдорнинг махсус ўқув тарбия муассасасида бўлиши белгиланган муддатидан олдин асосида тугатилиши мумкин. Вояга етмаганнинг узок муддат махсус ўқув тарбия муассасасида бўлиши унинг кейинчалик эркинликда нормал хаёт кечиришини қийинлаштиради, унинг ижтимоий онгини пасайтиради, жамият билан ўзаро муносабатини узиб қўяди. Шунинг учун хам мажбурлов чоралари қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда қўлланиши мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаб жазодан озод қилиш, уларда жиноят учун жазодан озод бўлиш мумкин деган фикрни келтириб чиқармаслиги лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси 197-модда, 2-қисм, , 1997 йил 25 апрел куни қабул қилинган.

Судлов ўзининг мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорида вояга етмаган шахсни биринчи марта жиноят содир этганлиги, айбини бўйнига олганлиги ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги, оиладаги турмуш тарзи, жиноятни содир этишда вояга етмаганнинг иккинчи даражали рол ўйнаганини кўрсатиши лозим.

2. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш.

Қонунда жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилишнинг шартлари белгиланган (ЖК 89-моддаси).

Суд томонидан тайинланадиган жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш маҳкумларнинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, қонунларни аниқ бажариши, уларни турмуш қоидаларини хурмат қилиш руҳида тарбиялаш ва қайта тарбияланиши учун муҳим омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 89-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш асослари кўрсатилган:

1) жиноятнинг 18 ёшга тўлмаган шахс томонидан содир этилиши;

2) содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган бўлиши;

3) жазони ўташ тартиб қоидаларига риоя қилганлиги;

4) меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлганлиги;

5) фактик жиҳатдан:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлса, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланиши мумкин. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилагн шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, бир неча ҳукм юзасидан (Жиноят кодекси 60-модда) ва 86 моддада белгиланган вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда жазога тортилади.

Жазодан шартли равишда озод қилиш қуйидаги хусусиятга эга:

- 1) шахсни ижтимоий ҳаётга мослашишига имкон беради;
- 2) қайта жиноят содир қилмаслиги учун назарат қилинишини таъминлайди;
- 3) жазони ўташ муассасасидаги салбий таъсирни йўқотади¹.

Жазони энгилроғи билан алмаштириш суднинг ҳукмига кўра тайинланган жазо турининг қолган қисмини энгилроқ турдаги жазо билан алмаштириб жазодан озод қилишдан иборат.

Жиноят кодекси 90-моддасининг мазмунига кўра ушбу модда фақат жиноят содир этган вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган, тузалиш йўлига қатъий ўтиб олган ва энди ушбу жазо турини ўташи мақсадга мувофиқ эмас, балки уни тарбиялаш жараёнини бошқа энгилроқ турдаги жазо билан алмаштириб давом эттириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинганида қўлланилади. Ушбу моддага мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми энгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Энгилроқ жазо билан алмаштириш деганда, ҳукм бўйича тайинланган бир турдаги жазонинг қолган қисмини, ўша жазога нисбатан бошқа энгилроқ турдаги жазо билан алмаштириш тушинилади. Бир турдаги жазо шу турдаги жазонинг камроқ қисми билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Жиноят кодекси 81-моддасида белгиланишича, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазо турлари қўлланилади:

- 1) жарима;
- 2) ахлоқ тузатиш ишлари;

¹ Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г С.4

- 3) қамоқ;
- 4) озодликдан маҳрум қилиш.

Ушбу моддага кўра ахлоқ тузатиш ишларидан енгилроқ бўлган жазо – жарима ҳисобланади. Аммо ахлоқ тузатиш иши суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўталади. Жарима эса алоҳида жазо тури ҳисобланади. Лекин жиноят қонунига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларининг қолган қисми жарима жазоси билан алмаштирилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

2) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

3) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жиинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тайинланган жазо муддатнинг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. Жазо енгилроғи билан алмаштирилганда шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлайди ва 86 моддада белгиланган жазо тайинлаш қоидаларига амал қилинади.

Мавзу юзасидаг саволлар:

1) Вояга етмаганларни жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва унинг қандай турлари мавжуд?

2) Мажбурлов чораси сифатида етказилган зарар миқдорини коплашнинг жарима жазосидан фарқи нимада?

3) Қандай ҳолларда суд томонидан тайинланган жазо чораси енгилроқ турдаги бошқа жазо чораси билан алмаштирилиши мумкин?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси


4. Ўз.Р. Жиноят процессуал кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Т.: -Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд МГУ. 1998г.
9. Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург
10. Н.Д. Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”, 1990 г.
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г.
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон” Т.:1973й.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г.
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981г.
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й.
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г.
18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г. С.320
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:1961 г.
20. Смирнов В.Г. ”Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:1965г.
21. Трайнин А.И. “Учения о соучастии” // М.:1941г.
22. И.Игореликк Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск 1973 г.
23. В.Н Кудрявцев Квалификация преступлений, М.: Госюриздат 1963 г.
24. Яковлев А.М Борьба с рецидивной преступностью. М.: 1964 г.
25. Малков В.П. Множественность преступлений М.Казань, 1982г.

26. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й.
27. В.П.Малков «Совокупность преступлений » 1974 й., 15-бет, Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев Теорические основы квалификации преступления М.:1963г.
29. А.М Яковлев Совокупность преступлений. 1960 г.
30. А.С. Никифоров Совокупность преступлений
31. Ю.Юшков Провановы последствие законной силы приговора Сов.Юстиция 1970г.
32. А.А Пиантовский “Учение о преступление”. // М.: 1961г.
33. Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982г.
34. Зелинский А.Ф Рецидив преступлений. Харьков, 1980г.
35. К.А.Панько “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.
36. Бекариа Ч.О. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г.
37. Беляев Н.А Цели наказания и средства их достижения Л, 1963г.
38. Стручков Н.А. Уголовное ответственность и ее реализация борьбы с преступностью. Саратов. 1978г.
39. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.
40. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.:1970 г., Том-3,
41. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.
42. Голина В.В Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.
43. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К. Черниловского. М.:. 1984г.
44. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978 й.
45. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.
46. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.
47. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г стр-4

48. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова «Судебная Медицина» Учебник для вузов Т.:2003г.
49. Конвенция о правах ребенка. 1989г.
50. Ўз.Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.
51. Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори
52. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997, 113-бет.
53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10
54. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000йил 22 декабрь
55. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.,
56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997 й 2 май №2
57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонуларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996 й 20 декабрь №38
58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16
59. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 й 19 июль №16
60. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобат маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999 йил.
61. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:2003 й.

22-БОБ: ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушинчаси, асослари ва мақсади.



Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд психиатрия экспертизаси хулосасига асосланган ҳолда муайян руҳий касалликка чалинган ва Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланадиган, мажбурий руҳий даволашдир.¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 92-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий асослари белгилаб берилган. Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарулгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

¹ М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 йил 126- бет

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси шахсий даволаш мақсадида қўлланилади.

NOTA BENE!	
-------------------	--

<p><i>Даволаш деганда,</i> тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни ижтимоий ҳаётга мослашуви, унинг руҳиятини ўзгартириш мақсадида қўлланиладиган таъсир чораси тушунилади.</p>	
--	--

Бундай усулда даволаш, шахсинг тўла тузалишини мақсад қилиб қўймасда, аммо шахсни жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада руҳий жихатдан тузатишга қаратилади. Шу йўсинда тиббий мажбурлов чораси асосида даволаш метод ва усуллари, бу таъсир чораси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда даволанаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган чоралар қўлланилади.¹

Юқоридаги қоидага мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо чораси ҳисобланмайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан тайинланадиган давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб ҳисобланади. Бу мажбурлов чораси суд ҳукми билан эмас, балки, суд қарори билан бегиланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси руҳий касалликка чалинган шахсинг қилмишини баҳоловчи хусусиятга эга эмас, у қайта тарбиялаш мақсадини кўзлайди, руҳий касалликка чалинган шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмишни олдини олади, уларни даволаш ва жамият манфаатларини химоя қилишга хизмат қилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқ бир турини қўллашдан олдин суд белгиланган мақсадларнинг ҳар бирига эришиш мумкинлигига эътибор қаратиши лозим. Шундай қилиб тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чорасидан ўз асосига, тузилишига ва юридик оқибатига кўра фарқ қилади.

Юридик оқибати деганда, судланганлик ҳолатининг вужудга келиши тушунилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси судланганлик ҳолатини келтириб чиқармайди. Агар алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо чораси билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш билан бирга қўлланилаган бўлса, судланганлик муддатини ҳисоблашда мажбурлов чоралари тайинланган муддат ҳисобга олинмайди. Агар шахс жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги учун жазодан озод қилинган бўлса, судланганлик муддати жазонинг ҳақиқатда ўталган қисмига нисбатан ҳисобланади.

¹ Ўз Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун:

1) ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этилиши;

2) ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли расо бўлган, лекин суд ҳукми чақарилгунга қадар ўз қилмишининг аҳамиятини англаб етиш ёки ўз ҳаракатини бошқариш қобилиятидан маҳрум этадиган руҳий касаллика чалиниши;

3) жиноят содир этганлиги учун жазога маҳкум қилинган, лекин жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалиниб ўз қилмишининг аҳамиятини англаб етиш ёки ўз ҳаракатини бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиши;

4) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларнинг жиноят содир этиши асос бўлиб ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари юқорида келтирилган тўрт тоифадаги шахсларга нисбатан суд томонидан қўлланилади. Бу тоифадаги кишиларнинг ҳар бири махсус белгиларга эга.

Биринчи тоифага Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини ақли норасо ҳолатда содир этган шахслар киради. Бу шахслар руҳий касаллиги туфайли ўз ҳаракатининг фактик хусусиятини, шунингдек қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва бирор объектга нисбатан муайян зарар етказилишини англаб етмайди. Жиноятнинг субъекти ақли норасо шахс бўлганлиги туфайли, бундай шахслар ижтимоий хавфли қилмиш содир этсаларда, уларнинг қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Шу туфайли уларни жиноий жавобгарликка ёки жазога тортиш мумкин эмас. Бундай тоифадаги шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлланилади. Улар жазога тортилганда жазонинг тарбиялаш ва огохлантириш мақсади амалга ошмайди.

Иккинчи тоифадагиларга жиноят содир этгандан сўнг жиноий жавобгарликка тўсқинлик қилувчи касаллика чалинган шахслар киради. Бу тоифадаги шахсларга ақли расолик ҳолатида жиноят содир этганидан сўнг, дастлабки тергов ёки суд мажлиси давомида руҳий касалликка чалинган шахслар киради. Бундай ҳолатда уларга нисбатан жиноий жазо қўлланилмайди, уларга нисбатан фақат мажбурлов чораси қўлланилади.

Ҳуқуқшунос С.В. Афиногеновнинг таъкидлашича, бу тоифага мансуб шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун:¹

а) Жиноят кодексининг Махсус қисм нормаларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этиши;

б) ўз ҳаракатини бошқаришга ва ўз қилмишининг хусусиятини англаб етишига тўсқинлик қилувчи ҳолатнинг мавжудлиги;

г) содир этилган қилмишнинг хусусияти ва шахснинг руҳий ҳолати тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашни тақозо этиши каби шартлар мавжуд бўлиши лозим.

Учинчи тоифага жазони ўташ вақтида руҳий касаллика чалинган шахслар киради. Улар жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатининг аҳамиятини англамайди ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайди. Бундай ҳолларда уларга нисбатан камоқ ва жазони ижро этиш муаасасасининг бошлиғининг қарори билан суд-психатрия экспертизаси тайинланади.

Тўртинчи тоифадаги шахсларга қонун жиноятни ақли расо ҳолатда содир этган, аммо алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққанлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасига муҳтож бўлганлар киради. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққан шахслар ҳам умумий асосларга кўра жиноий жавобгарлик ва жазога тортиладилар. Уларга нисбатан мажбурий даволаш чоралари жиноий жазо билан бир қаторда қўлланилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш қонунийлик, инсонпарварлик, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш каби принципларга асосланади

Тиббий йўсиндаги мажбурув чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқлари, уларга берилган кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисидаги» қонуни билан тартибга солинади. Руҳий касалларга психатрия ёрдами кўрсатиш ва уларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида давлат томонидан қуйидагилар кафолатланади:

1) психатрия муассасаларида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва юридик ёрдамнинг бошқа турлари;

2) васийлик ва хомийлик масалаларини хал этиш;

4) шошилинич психатрия ёрдами кўрсатиш ва бошқалар.

Руҳий касалликка чалинган шахслар:

¹ С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 йил. 468- бет.

1) ўзларига нисбатан инсон қадр-қиммати камситилишини истисно этадиган мурувватли ва инсоний муомала қилинишини;

2) ўз ҳуқуқлари ҳақида, шунингдек руҳий хасталиклари хусусияти ҳамда қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақида ўзлари учун тушунарли шаклда ва ўз руҳий ҳолатлари ҳисобга олган ҳолда маълумот олиш;

3) тиббий заруратга кўра даволашнинг барча турларидан фойдаланиш ;

4) санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда психатрия ёрдами кўрсатилиши;

5) тиббий воситалар ва усулларни синаш, илмий тадқиқотлар ва ўқув жараёни объекти тариқасида фойдаланишга, фото, видео ёки киносуратга олинишига олдиндан розилик бериш ва исталган босқичда ундан воз кечиш;

6) ўзларининг талабларига биноан психатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этаётган исталган мутахасисни, ушбу қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан тиббий комиссияда ишлаш учун таклиф этиш;

7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адвокат, қонуний вакил ёки бошқа шахснинг ёрдами олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

1) руҳий касалликка чалинган шахслар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш;

2) руҳий касалликка чалинганларни даволаш ёки уларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш;

3) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан даволаш ва жазолашнинг мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитни яратиш.

Бу мақсадларни белгилаш шахснинг руҳий ҳолати ижтимоий хавфли қилмиш содир этишига олиб келган омил эканлигини ва унинг ижтимоий хавфлилигидан гувоҳлик бериши, унга нисбатан тиббий йўсиндаги даволаш чорасини қўллашнинг зарурлиги ва даволаш вақтида ва ундан сўнг беморнинг бошқа ижтимоий хавфли қилмиш содир этишини олдини олишга қаратилган. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсади сифатида қонунда мазкур беморни даволаш қайд этилган. Жиноят

содир этган мазкур тоифадаги шахсларни даволашни амалга ошириш айтилган вақтда белгиланган мақсадларга эришишнинг зарурий шартлари ҳисобланади. Даволашни амалга ошириш мажбуриятларнинг ақлий, иродавий фаолиятига таъсир этувчи спиртли ичимликлар, психотроп моддалари ва гиёҳвандлик воситаларига қарамлигини бартараф этишдан иборат.

М.Н. Голоднюкнинг фикрича Жиноят кодексида белгиланган мақсадлардан ташқари тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари руҳий касалларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини ҳам кўзлайди.¹ Бизнинг фикримизча ушбу мақсаднинг Жиноят кодексида ифодаланишининг асосий сабаби, ҳозирги вақтда руҳий касалликка чалинганларнинг қонуний манфаатлари бузилаётганлигидадир.

2. Тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллашнинг умумий асослари

Жиноят кодекси 92-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораси:

1) ушбу таъсир чорасини қўллаш масаласи кўрилатган шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этилганлиги ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ давомида руҳий касалликка чалиниши;

2) ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс руҳий ҳолати ва содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатига кўра жамият учун хавфли деб топилса;

3) суднинг тиббий йўсиндаги мажбурият чораси тайинлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса қўлланилади.

Жиноят кодексида руҳий касалликка тушунча берилмаган, лекин Жиноят кодекси 92-моддаси талабидан келиб чиқсак, руҳий касаллик белгиларига:

1) ақли норасолик ҳолатида жиноят содир этиш;

2) ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолиши;

3) жазони ўташ давомида ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолиши киради.

¹ М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 йил 126- бет

Қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқсак, бу касалликка чалиниш вақтидан қатъий назар ҳар қандай шахсни руҳий касал деб топиш мумкин.

Шахснинг ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражадаги руҳий касаллиги суд-психатрия экспертизаси хулосаси асосида аниқланади. Бундай экспертиза суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг эса ажрими асосида тайинланади. Эксперт хулосаси суд учун олдиндан аҳамиятга эга бўлмаганлиги сабабли, суд ишни кўриш жараёнида эксперт хулосасига яқин баҳо беради. Озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса қамоқхона бошлиғи, ёки озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муасасаси бошлиғининг қарорига асосан экспертиза тайинланади.

Суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда:

1) шахснинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этган вақтида ўз ҳаракатларини идрок эта оладиган ёки идора қила олмайдиган даражада руҳий касал ёки руҳияти вақтинчалик бузилган, ақли заиф ёки бошқа касаллик ҳолатида бўлганлиги;

2) шахснинг жазо тайинлаш вақтда руҳий касал эканлиги туфайли, ҳукм қилиш ва жазолаш унинг тузалишига таъсир кўрсата олмаслиги;

3) ушбу касаллик сурункалими ёки шахс муайян вақт мобайнида тузалиши мумкинми?

4) шахс дучор бўлган руҳий касаллик яна ижтимоий хавfli оқибат келтириб чиқариши ёки бунга сабаб бўлиши мумкинми?

5) шахс ўзининг руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатув беришга, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш ва бошқа тергов ҳамда суд ҳаракатларида иштирок этишга қодирми?

б) ҳозирги вақтда шахснинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий нуқсонлари борми ва улар нималардан иборат?¹ деган саволларга жавоб олиши лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тайинланади. Шу боис ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга тааллуқли бўлган қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:

1) жиноятнинг объекти, етказилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, жабрланувчи шахсига тааллуқли бўлган хусусиятлар;

¹ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 567-модда. // “Адолат”, Т.:2001.

2) жиноят содир этилган вақт, жой, усул, Жиноят кодексида кўрсатилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва унинг оқибати ўртасидаги боғлиқлик;

3) айбланувчи, маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳолатлар.

Жиноят қилгандан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг жиноят иши бўйича шахсда жиноят содир этгандан кейин юзага келган ва жазо қўлланишини истисно этувчи руҳий касали эканлиги исботланиши лозим.¹

Агар шахс ақли расолик ҳолатида жиноят содир этган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун суд жиноятнинг ҳаб бир элементини, шу жумладан, Жиноят процессуал кодексининг 82-моддасида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади.

Шахснинг ақли норасо эканлигини аниқлаш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

1) агар шахс жиноят содир этганидан сўнг, ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражадаги руҳий касалликка чалинган бўлса, суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш тўғрисидаги ажримда жиноятнинг барча элементлари кўрсатилиши керак. Бир шахсга нисбатан бир пайтнинг ўзида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш тўғрисида ажрим ва айблов ҳукми чиқарилиши ғайриқонуний ҳисобланади.

2) Агар шахс жиноят содир этиш жараёнида ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражадаги руҳий касалликка чалинган бўлса, шахснинг жиноят содир этишдаги айбдорлиги масаласи ҳал қилинмайди.

Шахснинг ижтимоий хавфлилигидан қатъий назар улар томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан жиноят таркиби бўлмаса улар жавобгарликка тортилмайдилар.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахс содир этган жиноят бўйича ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши ҳақида суд ажрим чиқаради.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлган шахснинг содир этган жинояти ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши туфайли мулкий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш масаласи фуқаровий судлов ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

Руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари

¹ ЎзР Жиноят процессуал кодекси 567-модда. // “Адолат”, Т.:2001.

тайинланганида, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади.

Асосий эътибор шахснинг амнистия акти ёки қонунининг ўзгариши туфайли қилмишни декриминализация қилинганлиги натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилинишига қаратилиши лозим. Бундай ҳолларда мажбурлов чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда судлар мажбурий даволаш содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибатларидан бири ва жиноий жавобгарликни амалий жиҳатдан қўлланиши эканлигига эътибор бериш лозим. Шунга асоан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, бундай озод қилишнинг асоидан қатъий назар мажбурлов чораларига ҳам қўлланилади.

Шахсни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасидан озод қилиш уни фақат жиноий жавобгарликдан озод қилинишига таъсир қилади.

Суд мажбурий даволаш чорасини фақатгина шахс жамият учун хавfli деб топилган ҳолда қўллаши мумкин. Бунда шахснинг ижтимоий хавfliлик даражаси нафқат унинг руҳий ҳолати билан, шунингдек, содир этилган қилмишнинг оғирлик даражаси билан ҳам белгиланади. Шунинг назарда тутиш керакки, шахсни ижтимоий хавfli деб топишда суд томонидан ҳамма ҳолатлар эътиборга олинади, лекин, шахснинг хулқини белгиловчи асослар унинг руҳий ҳолати асосий мезон бўлиб қолиши лозим.

Шахснинг ижтимоий хавfliлигини белгилашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- 1) унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавfli туғдириши;
- 2) унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётининг эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;
- 3) агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилаётган шахс томонидан бир қанча жиноятлар содир этилган ҳолларда суд томонидан асосий эътибор қўйидагиларга қаратилиши лозим:

- 1) шахс бирор-бир жинояти учун судланмаган бўлса, суд томонидан ҳар бир жиноятнинг қандай ҳолатда ақли расолик ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилганлиги эътиборга олиниб, тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораси тайинланади. Ажримда жазонинг миқдори ва тури кўрсатилмайди. Мажбурлов чораси бекор

бўлса иш судда умумий тартибда қайта кўрилади ва ақли расолик ҳолатида содир этилган жиноят учун жазо тайинланади;

2) содир этилган жиноятларнинг айримлари учун бир неча хукм бўйича жиноий жавобгарликка тортилганида. Бунда ҳам мажбурий даволаш чораси юқоридагидек тартибда тайинланади. Суд ажримда ҳар бир қилмиш алоҳида кўрсатилиши керак, олдинги суд ҳукми асосида тайинланган жазо ва унинг муддати, жиноий жавобгарликка тортилмаган қилмиши учун тайинланган мажбурлов чораси (бунда жазонинг тури ва муддати кўрсатилмайди). Мажбурлов чораси бекор бўлса иш судда умумий тартибда қайта кўрилади ва жиноятлар ва ҳукмлар жами бўйича жазо тайинланади.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турлари ва қўллаш тартиби, шунингдек, уларнинг муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш асослари белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси 93-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қуйидаги турлари кўрсатилган.:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлинмасида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Юқорида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бирини тайинлаш учун содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва касалнинг руҳий ҳолати асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш орқали нафақат шахсни даволаш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш, балки, тиббиёт муассасалари уларнинг соғлиғи ва хулқини кузатуви натижасида уларни жамиятдан ажратилиши таъминланади.

Суд тиббий йўсиндаги қандай мажбурлов чорасини қўллаш масаласини хал қилишда Жиноят кодексида белгиланган ҳолатларни эътиборга олиши керак.

Биринчи турдаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси (мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахасисида даволаниш), Жиноят кодекси 94-моддаси «а» бандига мувофиқ руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликларнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаслиги учун тайинланиши мумкин. Одатда мажбурий амбулатория кузатуви остида даволаш айбдорнинг яшаш жойидаги поликлиникада психиатр ёки психоневролог томонидан амалга оширилади. Бундай шахслар диспансер ҳисобида туриб, вақти-вақти билан даволаш кўригидан ўтказилади, саломатлиги тиклангач диспансер ҳисобидан чиқарилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг иккинчи тури (умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий ўтказиладиган даволаниш) Жиноят кодексининг 93-моддаси «б» бандига кўрсатилган. Бу даволаш тури ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан тайинланади. Умумий тартибли руҳий касалхоналарга ўз руҳий ҳолатлари ва содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари хусусиятига кўра даволанишга мажбур бўлган шахслар жойлаштириладилар. Бундай руҳий касалларнинг жамият учун ижтимоий хавфи катта эмас. Суд ижтимоий хавфли қилмиш содир этган бундай шахсларни доимий врач назорати остида даволашга ва меҳнатга лаёқатлилигига қараб тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга мажбур эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг учинчи тури (умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида) Жиноят кодекси 93-моддаси «в» бандига мувофиқ, ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларнинг кўрилишини талаб этадиган, даволаш чоралари эса ихтиёрий равишда ўтказилиши мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланади. Бундай тартибли шифохоналарда мажбурий даволаш беморнинг хавфлилик даражасига кўра тайинланади, бу уларнинг руҳий ҳолати ва бу ҳолатнинг бошқа хавфли қилмишларни содир этишга олиб келиш имконияти билан баҳоланади. Махсус тартибли шифохоналарда одатда инсон ҳаётига тажовуз қилиши билан боғлиқ бўлмаган жиноятни содир этган, руҳий ҳолатига кўра ўзи ва атрофдагиларга хавф туғдирмайдиган шахслар

жойлаштирилади. Бироқ бундай шахслар мажбурий тартибда доимий даволанишга, шунингдек доимий равишдаги кузатувга муҳтож бўладилар.

Шахсга мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касалликлар шифохонасида даволаниш каби чоралар қўлланилаган бўлса, суд жинойтни олдини олиш мақсадида шахсни мажбурий даволаш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда, касални руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириш ёхуд мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаш вақтини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Амбулатория кузатуви ва даволашни амалга оширадиган тиббий муассасалар, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бошқарилади ва даволаш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган норматив хужжатлар билан белгиланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тўртинчи тури (кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси ёки бўлинмасида мажбурий даволаш) ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволашнинг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланади. Шундай қилиб кучайтирилган тартибли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси одамнинг руҳий ҳолати ўзи (ўзини ўзи ўлдиришга уриниш, баданига турли даражадаги шикаст етказиш) ва атрофдагилар учун (бошқаларга тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш, ўт кўйиш ва бошқалар) хавfli бўлганларга нисбатан қўлланилади. Бундай шахслар одатда оғир ёки ўта оғир жинойт содир этган бўладилар. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бу турини қўллашда суд-психотрик экспертизаси орқали аниқланган ҳолатларга асосланади. Кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида беморнинг даволаш муассасасидан қочиши ва такроран ижтимоий хавfli қилмиш содир этишини истисно этадиган қатъий назорат остида даволанади.

Суд ўз қарорида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини белгилаш билан бир қаторда даволаниш муддатини кўрсатмайди. Бу мажбурлов чорасини қўллашнинг давомийлиги руҳий касалланганлик даражасига, касалликнинг давомийлигига, даволаш методи ва унга нисбатан руҳий таъсир этишига ҳамда бошқа қатор ҳолатлар билан боғлиқ бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чараси муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш руҳий касалликлар шофокорлари комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд томонидан ҳал қилинади. Бунинг учун касал аҳволининг яхшиланганлиги, яъни унинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги ва соғайганлиги асос бўлади.

Агар шахсни бир даволаш муассасасидан бошқасига, масалан, кузатуви кучайтирилган умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасига ўтказиш лозим бўлиб қолса, бу масала суд томонидан ҳал қилинади. Бунинг учун касал соғлиғининг ўзгарганлиги, яъни беморнинг ижтимоий хавфлилиги камайганлиги асос бўлади. Баъзан бунинг акси, яъни касалнинг аҳволи ёмонлашганлиги боис унда хавfli васваса, тажовузкорлик ҳолатлари пайдо бўлганида умумий тартибдаги шифохонадаги бошқа касаллар, тиббиёт ходимлари ва хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш имкони бўлмаганида уни умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасидан кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасига кўчириш зарур бўлади

Руҳий касал аҳволининг яхшиланиши ёки ёмонлашуви билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг муддати узайтирилади. Муддатини узайтиришда шахсинг ижтимоий хавфлилик даражасининг пасайганлиги ёки ўсганлиги ҳисобга олинади.

Руҳий касалнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашага муҳтож эмаслиги ёки суд тиббий кўрсаткичларга мувофиқ илгари тайинланган мажбурий даволашни бекор қилиниши мумкин ва касални унинг яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига жойлаштириш учун юбориш ёки мазкур шахсни ногиронлар уйи ёхуд бошқа ижтимоий таъминот бўлимига юбориш масаласини ҳал қилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилаган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган муддат жазо муддатига қўшилади. Аммо руҳий шифохонада бўлиш муддатининг бир куни суд томонидан тайинланган жазо муддатининг қанчасига тенглаштириб ҳисобланиши Жиноят кодексида белгилаб берилмаган. Бизнинг фикримизча қамоқ жазоси, озодликдан марум қилиш билан боғлиқ бўлган жазонинг бир кунига руҳий шифохонада бўлишнинг бир куни тенглаштириб ҳисобланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасига тайинланган шахсларга нисбатан амнистия актининг ҳуқуқий оқибатлари таъсир қилмайди, чунки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликлари учун жиноий жавобгарликдан озод қилинган ҳисобланадилар. Амнистия акти эса жиноий жавобгарликка ва жазога тортилган шахсга нисбатан қўлланилади. Агар шахс амнистия актига мувофиқ озод қилиниши лозим бўлса ва бу суднинг қарори чиқарилгунча вужудга келган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилмайди. Бундай ҳоларда шахсни руҳий касалхонага жойлаштириш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасалари огохлантирилади.

3. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо ўрнига эмас, балки жазо чораси билан бирга тайинланади, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ақли расо бўлган шахслардан фарқли равишда жазога қўшимча тайинланади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахслар жиноят содир этганда уларга нисбатан қўлланадиган мажбурлов чоралари уларда спиртли ичимликлар ва киши руҳиятига таъсир этувчи турли моддалар истеъмол қилиш имкониятини ва хоҳишини йўқотишга қаратилган. Бу таъсир чораси алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка ва жиноятчиликка қарши кураш чораси бўлиб ҳисобланади.

Жиноятни содир этишда айбланаётган алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандликка чалинган шахсларга тегишли модда ёки воситаларни истеъмол қилишга одатланиш, ўз хулқ-атворини оқлашнинг барқарорлиги, ижтимоий тушкунликка тушишнинг бошланиши, мастлик ҳолатлари ва бошқа руҳий камчиликнинг мавжудлиги туфайли қўшимча равишда тайинланади.

Мажбурий даволаш фақат доимий равишда такрорланадиган алкоғоллик, гиёҳвандлик ёки заҳарвандларга қўлланилади. Жиноят қонунида бу мажбурлов чорасини қўллашни жиноятни алкоғолли

ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки заҳарвандлик моддалари истеъмол қилган ҳолатда содир этганлиги билан боғламайди.

Суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаши учун жиноят содир этган шахснинг алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинганлиги туфайли мажбурий даволанишга муҳтожлиги ҳақидаги тиббий хулоса асос бўлади Бундай шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш комиссияси таркибига врач-психолог ёки врач-нарколог кириши лозим. Тиббий комиссиянинг хулосаси барча исботлаш воситалари каби суд томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан тайинланадиган мажбурлов чораси суд ҳукми билан тайинланади, бироқ унинг муддати кўрсатилмайди.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазоси билан бирга қўлланилган бўлса, даволаш жазони ўташ жойларида, жазо муддати тугагандан сўнг эса умумий асосларда тиббий муассасаларда амалга оширилади.

Агар айбдор озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим. Даволаш неврология диспансерларида олиб борилади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик мажбурий даволанишга маҳкум этилган барча шахслар тезроқ даволанишдан манфаатдирлар, чунки даволаниш шахснинг эркини муайян даражада чеклаш билан боғлиқ бўлади. Мажбурий даволаш чоралари мазкур даволашга зарурат қолмаганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса асосида суд томонидан бекор қилинади. Бунинг учун даволаш курсини ўтганлик факти асос бўлмайди. Агар шахс алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни қайтадан истеъмол қилиши мумкин бўлса, даволаш тугаган, деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда даволаш давом эттирилиши лозим.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан тайинланган мажбурлов чораси даволаш муассасасининг хулосасига мувофиқ суд ажрими билан тўхтатилади.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси деганда нимани тушунасиш ва унинг қўлланиши учун нималар асос бўлади?
- 2) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини жиноий жазодан фарқловчи хусусиятлари нималарда ифодаланади?
- 3) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қандай турлари бор ва улар қандай ҳолатда кулланилади?
- 4) Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан кулланиладиган мажбурлов чорасининг бошқа тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан фарқи нимада?

Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси.
4. ЎЗР Жиноят процессуал кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: -Адолат. 1998й..
7. ЎЗР Жиноят кодексига шарҳлар Тошкент Адолат. 1997й.
8. Уголовное право Изд. МГУ. 1998г..
9. И.С.Таганцев «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург.
10. Н.Д.Сергиевский Русское уголовное право Часть общая”,1990 г..
11. М.Н. Голоднюк «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 г..
12. С.В.Афиногенов «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000 й.
13. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. “Ўзбекистон.” Тошкент-1973г.
14. Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971г..
15. Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Университета. Ленинград-1981г..
16. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар “Ўзбекистон” Т.:1988й..
17. Советское уголовное право (общая часть) Юридическая литература, М.:1977г..

18. Советское уголовное право. Часть общая. М., Госюриздат. 1962 г.
19. А.С Шлапачников Новое уголовное законодательства РСФСР. // М.:,1961 г.
20. В.Г.Смирнов “Функции Советского уголовного права” // “УЛГУ”, М.:,1965г.
21. А.И.Трайнин “Учения о соучастии” // М.:1941г..
22. И.Игорелик Квалификация преступлений опасных для жизни и здоровья. Минск. 1973 г.
23. В.Н.Кудрявцев Квалификация преступлений, М. Госюриздат 1963г.
24. А.М Яковлев Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964 г.
25. В.П.Малков. Множественность преступлений. М. Казань. 1982г..
26. Ф.Тохиров «Шахсга қарши жиноятларнинг юридик таҳлили» Т.: 2000 й..
27. В.П.Малков. «Совокупность преступлений» 1974 й., Изд. Казанского Университета
28. В.Н. Кудрявцев. Теорические основы квалификации преступление. М.:1963г..
29. А.М Яковлев. Совокупность преступлений. 1960г.
30. А.С. Никифоров. Совокупность преступлений.
31. Ю.Юшков. Проважовые последствие законной силы приговора. Сов.Юстиция 1970г.г.
32. А.А Пиантковский. “Учение о преступление”. // М., 1961г.
33. Сундров Ф.Р. Лишение свободы и социально психологические предпосилки его эффективности. Казань 1982г..
34. Зелинский А.Ф. Рецидив преступлений. Харьков, 1980г..
35. К.А.Панько. “Вопросы общей теории рецидива в советском уголовном праве” // Воронеж, 1988г.г.
36. Ч.О.Бекариа. О преступлениях и наказаниях. М., 1995г.
37. Н.А. Беляев. Цели наказания и средства их достижения Л., 1963г.
38. Стручков Н.А. Уголовное ответственност и ее реализация борьбы с претупностью. Саратов. 1978г.
39. М.Д.Шаргородский “Наказание, его цели и эффективности” // Изд. Ленинского Университета, 1973 г.

40. Курс Советского Уголовного права. (В 6 томах). // “Наука”, М.,1970 г., Том-3.

41. М.А.Скрябин “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988 г.

42. В.В. Голина. Погашение и снятие судимости по советскому уголовному праву. Харьков. 1973г.

43. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Под. ред. З.К.Черниловского. М.: 1984г.

44. Г.С.Гаверов “Проблемы борьбы с преступностью”, // Омск, 1978й.

45. А.А.Мримонег “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1980г.

46. В.Я.Рыбольская “Проблемы борьбы с преступностью несовершеннолетних” 1994г.

47. Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000 г. С.4.

48. Э.С Шамсиев, А.И Искандаров, Р.А. Зуфаров, В.К Талимбекова. «Судебная Медицина» Учебник для вузов Тошкент. 2003г.

49. Конвенция о правах ребенка. 1989г.г.

50. Ўз Р. Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

51. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й. // Т.:1997й.

52. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» 2002 йил 14 июн №10.

53. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» 2000 йил 22 декабрь.

54. ЎзР Олий Судининг 1998 йил 28 декабр, 1999 йил 30 апрел ва 1999 йил 4 майдаги Пленуми Қарорлари. // Т.:1999 й.

55. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Суд ҳукми тўғрисида» 1997й. 2 май №2.

56. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Республика судлари томонидан оммавий татибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида» 1996й. 20 декабрь №38.

57. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996й. 19 июль №16.

58. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996й. 19 июль №16.

59. Республика судлари ва адлия идораларининг 1999 йил 1-ярим йиллик давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари билан 1998 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи маълумотларининг қиёсий рақамлари. Тошкент шаҳри, 1999й.

60. Тошкент вилояти Судининг архив материалларидан. Т.:, 2003й.

МУНДАРИЖА:

<u>1-Боб: Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ва предмети</u>	
<u>2-Боб: Жиноят қонуни</u>	
<u>3-Боб: Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари</u>	
<u>4-Боб: Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси</u>	
<u>5-Боб: Жиноят таркиби</u>	
<u>6-Боб: Жиноят объекти</u>	
<u>7-Боб: Жиноят объектив томони</u>	
<u>8-Боб: Жиноятнинг субъектив томони</u>	
<u>9-Боб: Жиноят субъекти</u>	
<u>10-Боб: Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар</u>	
<u>11-Боб: Жиноятни содир этиш босқичлари.</u>	
<u>12-Боб: Жиноятда иштирокчилик</u>	
<u>13-Боб: Бир қанча жиноят содир этиш</u>	
<u>14-Боб: Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари</u>	
<u>15-Боб: Жазо тизими тушунчаси ва турлари</u>	
<u>16-Боб: Жазо тайинлаш</u>	
<u>17-Боб: Жавобгарликдан озод қилиш</u>	
<u>18-Боб: Жазодан озод қилиш</u>	
<u>19-Боб: Судланганлик</u>	
<u>20-Боб: Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги хусусиятлари</u>	
<u>21-Боб: Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш</u>	
<u>22-Боб: Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш</u>	

МИРЗАЮСУФ ҲАКИМОВИЧ РУСТАМБОЕВ

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
(УМУМИЙ ҚИСМ)**

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Тошкент – “ILM ZIYO” - 2005

Мусаррир: *И. Усмонов.*
Рассом: *Ш. Қаҳҳоров.*
Техник мусаррир: *Ф. Самадов.*
Мусассис: *Ф. Темирхўжаев*

2005 йил 14 сентябрда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x90^{1/16}.
“Таумс”фида терилиб, офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 30,0.
Нашр табағи 31,0. 1000 нусха. Буюртма №293. баҳоси шартнома
асосида.

“ILM ZIYO” нашриёт уйи. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.
Шартнома №48-2005

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гофур Гулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 700128,
Тошкент, У.Юсупов кўчаси, 86-уй.

Р92 Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005-480 б.

ББК 67.408я73